АНВАР БОҚИЕВ
ЗУБАЙДА ЙЎЛДОШЕВА

# ТАРИХДАН САБОҚЛАР
# 2



ISBN- 978-9943-4661-1-1

9 789943 466111

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНВАР БОҚИЕВ
ЗУБАЙДА ЙЎЛДОШЕВА

# ТАРИХДАН САБОҚЛАР

## 2

*"ADABIYOT UCHQUNLARI"*

Тошкент –2017

*Мазкур китоб Термиз давлат университети "Ўзбекистон тарихи ва археология" кафедраси ва Тарих факультети кенгашининг қарори билан нашрга тавсия этилди.*

**Боқиев, Анвар.**

**Тарихдан сабоқлар 2** / А. Боқиев, З. Йўлдошева. -
Тошкент: *"ADABIYOT UCHQUNLARI"*, 2017. – 356 б.

**Масъул муҳаррир:**
*Шодмон Воҳидов, тарих фанлари доктори, профессор*

**Муҳаррирлар:**
*Ш. Шайдуллаев, тарих фанлари доктори*
*Э. Қобулов, тарих фанлари номзоди, профессор*

**Тақризчилар:**
*А. Бўронов, катта ўқитувчи*
*О. Ҳамидов, катта ўқитувчи*

Мазкур китоб тўрт қисмдан иборат бўлиб, Ўзбекистон тарихининг XIII-XIX асрлар даврига оид бирламчи ёзма манбаларни тадқиқ этишнинг янги йўналишига бағишланган. Биринчи қисмда Фасиҳ Хавофийнинг "Мужмали Фасиҳий" манбасидаги Темурийлар шажарасига оид маълумотларга "Ёзма манбанинг информацион – технологик харитаси" (ЁМИТХ) тадқиқот усули асосида характеристика берилган.

Китобнинг иккинчи қисмида муаллифларнинг кейинги йилларда манбашуносликнинг айрим долзарб масалаларига бағишлаб ўзбек ва рус тилларида ёзилган илмий мақолалари ва тезислари тўпланган. Бу илмий мақолалар ва тезислар бир қатор илмий даврий тўпламлар ва илмий-амалий анжуманларнинг материалларида чоп этилган.

Китобнинг учинчи қисми "Ёзма манбаларнинг туркумланган маълумотлар базаси" (ЁМТМБ) деб номланган ва унда эксперимент тарзда Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" манбаларида учрайдиган унвон, амал, мансаб, лавозим, даража, вазифа, мақом, мартаба, фахрли лақаб, рутба, куня, касб ва ижтимоий табақаларнинг маълумотлар базасини тузишга ҳаракат қилинган ва истилоҳлар иқтибослар билан мустамкамланган.

Китобнинг тўртинчи қисмида турк тарихнависи ва журналисти Йилмаз Ўзтунанинг 5 жилддан иборат "Давлатлар ва сулолалар" номли илмий-оммабоп тарихий асарининг "Ислом давлатлари" деб номланган 1-жилдидан жой олган "Темурийлар салтанати" бобининг ўзбек тилига таржимаси берилган.

Китоб илмий жамоатчилик, мутахассислар ва Тарих таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

ISBN – 978 – 9943 – 4661 – 1 - 1

© *ADABIYOT UCHQUNLARI*

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги-нинг асосчиси ва биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишланади.*

## Сўзбоши ўрнида

Азиз ўқувчиларимиз илгари ҳам “Тарихдан сабоқлар” деган китобни ўқишган. Машҳур ва билимдон академик олим Бўрибой Аҳмедов худди шу номда эсдалик асар ёзган ва кенг жамоатчилик бу тарихий асарни меҳр билан қабул қилган.

Мазкур асар қўлёзмасини қўлга олганимда менда энг аввал унинг номига эътироз пайдо бўлди. Тўғриси даставвал бу номга кўника олмадим. Қўлёзмадан жой олган мақолалар билан танишиш давомида ҳам бошқа бир маъқулроқ ном ҳам изладим ва ниҳоят халқимизнинг қалбида Бўрибой Аҳмедов ўчмас из қолдирганлигига у бошлаган иш давом этиши зарурлигига амин бўлдим.

Аммо, хайрли ва савобли ишларни кимлар давом эттириши ҳам жуда муҳим. Шу маънода муаллифлар Анвар Боқиев ва Зубайда Йўлдошеваларнинг илмий фаолияти кўз ўнгимдан бот-бот ўта бошлади ва уларнинг ижод йўлига бир назар ташладим. Ёш десам улар бошловчи тадқиқотчилар эмас, энг актуал муаммо-ларни ёритаётган, қадимги давр бўйича “Окс цивилизацияси” асарини ёзиб қўйишган[1], Темурийлар даври тарихи бўйича энг муаммоли масалаларни кўтариб ва уларга ечим топиб келаётган иқтидорли тарихчилар.

Анвар Боқиев тадқиқотчи сифатида тарих фанини ўрганишда янги илмий йўналиш кашф эта олган иқтидорли тарихчилар сирасига киради. Бу илмий йўналиш “ёзма манбаларнинг информацион-технологик харитаси” деб аталади. Бу усул ёзма манбаларни ўрганишда мезон, манба ва тадқиқотчи ўртасида медиатор вазифасини ўтайди. Ўйлайманки, асар билан танишиш давомида бунга амин бўласиз.

Мазкур тўпламнинг ёзилиш услуби шундайки, уни ўқиш давомида муаллиф-лар Сизни мулоқотга чорлайди, бевосита у билан суҳбатлашасиз, албатта айрим саҳифаларда Сизда қарши фикрлар ҳам туғилади. Мен ўйлайманки, Сизда шундай ҳолат юз берса муаллифлар ўз мақсадларига эришган бўлади. Зеро,

[1] Боқиев А.А., Шайдуллаев А. Ш., Йўлдошева З.Ҳ. Окс цивилизацияси.-Т.: “Yangi nashr”, 2015.-176 бет.

тарихдан сабоқ олиб, фикри теранлашган ўқувчида янги кунни янада серфайз, янада пурмаъно қилиб ўтказиш иштиёқи туғилади.

Тўпламга киритилган барча мақолалар Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар генеалогиясига, мазкур залворли давр тарихининг ўқилмаган саҳифаларига бағишланган.

Муаллифлар китобни тўрт қисмга бўлишган. Биринчи қисм "Ёзма манбаларнинг информацион-технологик харитаси" (ЁМИТХ) деб номланган ва муаллифлар томонидан Фасиҳ Хавофийнинг "Мужмали Фасиҳий" манбасидаги Темурийлар шажарасига оид маълумотларга ЁМИТХ тадқиқот усули асосида характеристика берилган. Унда Темурий мирзо ва маликалар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ қуйидаги тарихий маълумотлар таҳлил қилинган ва аниқ хронологик маълумотлар олинган. Темурий мирзо ва маликаларнинг таваллуд саналари, фарзандлари, ёшлари, таваллуд, хатна ва никоҳ тўйлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, бўлиб ўтган нохуш ҳолатлар, сиёсий воқеалар, ўтказилган ҳарбий фаолиятлар, тахт учун курашлар, бунёдкорлик ва диний фаолиятлар, жазолар, вафотлари саналари билан боғлиқ маълумотларнинг информацион технологик харитаси тузилган. Бу ёзма манбаларни тадқиқ этишнинг янги илмий йўналишидир.

Китобнинг иккинчи қисми "Илмий мақолалар" деб номланган ва унда "Амир Темур ва Темурийлар даври манбаларини туркумлаш ҳақида айрим мулоҳазалар", "Сравнительный анализ генеалогии тимуридов в источниках и историографиях", "Хронологик маълумотларнинг типологияси", "Ёзма манбаларнинг танқидий матнини тузиш муаммоларига доир", "Ёзма манбанинг информацион-технологик харитаси"га доир илк мулоҳазалар каби муаллифларнинг манбашуносликнинг долзарб масалаларига бағишлаб ёзилган мақолалари киритилган.

Китобнинг учинчи қисми "Ёзма манбаларнинг туркумланган маълумотлар базаси" (ЁМТМБ) деб номланган ва унда эксперимент тарзда Амир Темур ва Темурийлар даврига оид бирламчи ёзма манбалар сирасига кирган Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Муиний" ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" манбаларида учрайдиган унвон, амал, мақом, мансаб, лавозим, даража, мартаба, вазифа, лақаб, рутба, куня, касб ва ижтимоий

табақаларнинг маълумотлар базасини тузишга ҳаракат қилинган ва истилоҳлар иқтибослар билан мустаҳкамланган.

Китобнинг тўртинчи қисмида муаллифларнинг таржима соҳасида қилган ижодий ишлари берилган. Унда туркиялик тарихчи олим Йилмаз Ўзтунанинг Темурийлар тарихига бағишлаб ёзган асари жой олган. Мазкур асар ҳар бир ўқувчининг қалбида чуқур из қолдиради деган умиддамиз. Негаки, тарихимизнинг чет эллик олимлар ва ижодкорлар томонидан ёритилиши бизнинг тарихимизга бўлган чуқур эҳтиром сифатида қабул қилинади.

Сўзимнинг охирида таъкидлашни истардимки, асарга улуғ ном танланган. Сабоқ олиш, сабоқ бериш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Бу номнинг "юки ҳам оғир". Бу ном муаллифлардан тинмай меҳнат қилишни ва анъананинг бардавом этишини талаб этади.

**Шопўлат Шайдуллаев, Тарих фанлари доктори**

# I. ЁЗМА МАНБАНИНГ ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

*Авваламбор, Ватанини жонидан азиз кўрган Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган насиҳатларини юрагимизга, қон-қонимизга, суяк-суягимизга мустаҳкам жо қилишимиз керак ва болаларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз даркор.*[2]

*Ислом Каримов*

## "МУЖМАЛИ ФАСИҲИЙ" ЁХУД ТЕМУРИЙЛАР ШАЖАРАСИ

Шарқ мамлакатлари тарихига оид XIV-XIX асрларда яратилган бир қатор ёзма манбаларда Темурий мирзо ва маликалар ҳаёт йўли акс этган генеалогик ва персонографик маълумотлар учрайди. Бу манбалар орасида хронологик жиҳатдан "дунёнинг яратилишидан то ҳижрий 845/1441-1442 йилгача" бўлган тарихий воқеалар баён этилган "Мужмали Фасиҳий" манбасининг ўз ўрни бор. Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад ал-Хавофий қаламига мансуб, форсийда битилган ва солномага хос бўлган бу манба дебоча, муқаддима, икки мақола ва хотимадан иборат. Асарнинг асосий қисмида араб халифалари, саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, ғурийлар, хоразмшоҳлар тўғрисида бир қатор маълумотлар берилгач, Темурийлар даври тарихига батафсил тўхтаб ўтилган[3].

Фасиҳ Аҳмад ибн Жалолуддин Муҳаммад ал-Хавофий асарининг 100-101, 116, 118, 129, 131-132, 171-172, 178, 183, 193-196, 199, 205-206, 208, 216-218, 221-222 бетларида ўзи ва яқинлари ҳақидаги қимматли маълумотларни ҳам келтириб ўтган.

Муаллиф томонидан тарихий воқеалар йилма-йил[4], даврий кетма-кетликда ёритилган бўлиб, манба катта ҳажмдаги информацион материалга эга. "Мужмали Фасиҳий" XIX асрнинг ўрталаридан буён шарқшунос олимларнинг

---

[2] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир/ И.А.Каримов; - Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2015. –Б. 118.

[3] Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод") / Пер. с перс., примеч. и указат. Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, 1980, - С. 12-13.

[4] Манбада тарихий маълумотлар даврий кетма-кетликда ёритилган бўлсада, матнда бир қатор тарихий маълумотлар қайта такрорланган, айрим ҳолларда ойлар ва кунларнинг даврий кетма-кетлиги муаллиф эътиборидан четда қолган. Бу ҳолат шунга ўхшаш тарихий маълумотларни бошқа ёзма манбалар билан солиштирган ҳолда ўрганишга эҳтиёж туғдиради.

диққат-эътиборини жалб этиб келган. Жумладан, Б.А. Дорн, А. Берже, В.Р. Розен, Э.Г. Браун, Ч.А. Стори, В.В. Бартольд, И.П. Петрушевский, Х. Раверти, Абулҳай Ҳабибий, Али Акбар Деххудо, А.М. Беленицкий, А. Ўринбоев, Садри Афшар, Муҳаммад Тақий Дониш Пажух, Ҳусейн Кариман, И. Имронов, Жаъфар Шиар, А. И. Фалина, М. Фаррух, Д.Ю.Юсупова ва бошқаларнинг тадқиқотлари бунга мисол бўлади[5].

Мазкур тадқиқотда "Мужмали Фасиҳий"да[6] Темурийлар шажарасига оид маълумотларни ЁМИТХ[7] ёрдамида таҳлил қилишга ҳаракат қилинади.

[5] Dorn. Veber die Mudschmel Faszihy, ss. 1 - 41; А. Берже. Краткий каталог Тифлисской Публичной библиотеки (1846 - 1841). №1033. Тифлис; H. Q. Raverty «On the Turks, Tattars and Mughals». Travaux de la troisieme session du congress international des orintalistes, St. Petersbourg. V. II, p. 71 - 125.; Storey. Persian literature. I. - Persian literature. A biobibliographical survey by C. A. Storey. V. I. London, 1927.; Деххудо. *Лугат-наме.*- ***. 1954 - 1332 ***, с. 115-116. ; В.В. Бартольд. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. 1. М., 1963.; В. В. Бартольд. Улугбек и его время. Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964, с. 25 - 178.; В. В. Бартольд. О погребении Тимура. Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964, с. 423 - 454.; E. Q. Browne. A. literary history of Persia. The Tartar dominion (1265 - 1502). V. III. Cambridge, 1951.; А.М. Беленицкий. Историческая топография Герата XV в (в кн. «Алишер Навои». Сборник статей под редакцией А. К. Боровкова). М. - Л., 1946.; А. М. Беленицкий. К истории феодального землевладения в Средней Азии и Иране в тимуридскую эпоху (образование института суюргал). Историк-марксист, 1941, № 4.; И. П. Петрушевский. Движение сербедаров в Хорасане. УЗИВ. Т. XIV. История и экономика стран Ближнего и Среднего Востока. М., 1956, с. 91 - 162.; И. П. Петрушевский. Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII - XIV веков. М. - Л., 1960.; Мухаммад Таки Даниш Пажух *Дебача.*- ***. см.: Источники. *Рузбехан-наме,* с. 3 - 23.; Ханбаба Байани. *Зиндагани ва асар-и Хафиз-и Абру.*- см.: Источники. Хафизи-и Абру. *Зайл-и джаме ат-таварих.; Тарих-и Банакати,* с. 4- 6.; Абдалхай Хабиби. *Тарих ва кисаси Наби.*- *** с. 18 - 19, 1963 - 1341***.; Садри Афшар. *Тарих дар Иран,* ***. 1966-1345, с. 122.; Хусейн Кариман. *Рей Бастан.* Т. I. - ***. 1967-1345 ***., с. 360, 452; Абдурраззоқ. Самарқандий. *Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн.* II-ж., I-к.. Форс-тожик тилидан: таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар тарих фанлари номзоди А. Ўринбоевники. Тошкент, 1969.; Абдурраззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. А. Ўринбоев. Тошкент, 1960.; С. И. Имронов. Ибни Ямини Фарьюмади (чараёни зиндагани ва мероси адаби). Душанбе, 1966.; Рашидад-Дин. Переписка. Перевод, введение и комментарий А. И. Фалиной. М., 1971.; Ч.А. Сторн. Персидская литература. Биобиблиографический обзор, перевел с английского, переработал и дополнил Ю. Э. Брегель. М., 1972; Д. Ю. Юсупова. «Муджмал-и Фасихи» - свод исторических сведений. - Общественные науки в Узбекистане. Ташкент, 1972, № 6, с. 59 - 65.; Д. Ю. Юсупова. Сведения Фасихи по истории культуры Средней Азии и Среднего Востока XIV - XV вв. В сб.: Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока (сборник статей молодых ученых и аспирантов). Вып.1. Ташкент, 1970, с. 118 - 126.; Д. Ю. Юсупова. Мужмали Фасихий. — Ж. Фан ва турмуш. 1-сон. Тошкент, 1970, 27 — 29-б.; Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод") / Пер. с перс., примеч. и указат. Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, 1980, 346 с.; Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. - Б. 301;

[6] Манбани генеалогик жиҳатдан таҳлил қилишда тарих фанлари доктори Д. Ю. Юсупова томонидан 1980 йилда рус тилига таржима қилинган (фақат иккинчи мақола) нашрнинг электрон вариантидан тадқиқот объекти сифатида фойдаландик. Батафсил маълумот учун қаранг: http: // www. vostlit.info / texts / rus8/ Fasihi/; Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод") / Пер. с перс., примеч. и указат. Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, 1980, 346 с.

[7] ЁМИТХ тўғрисида дастлабки маълумотга эга бўлиш учун қаранг: Боқиев А.А. ва бошқ. "Ёзма манбанинг информацион-технологик харита"сига доир илк мулоҳазалар (VI-XIX асрлар) // Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд. –Тошкент, Янги аср авлоди. 2015. 41-62 бетлар.

Темурийлар шажарасининг манбадаги хронологик даври ҳижрий 736-845/1336-1442 йилларни қамраб олади. Генеалогик маълумотларнинг информацион чегарасини (қатламини) аниқлашда, манбада номлари қайд этиб ўтилган Темурий мирзолар ва маликалар сонини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

*1-жадвал*

**Темурий мирзолар номларининг "Мужмали Фасиҳий"да учраш тартиби[8]**

| № | Темурий мирзолар | бет | Мирзоларнинг Темурийлар ва бошқа сулола вакилларига қариндошлик даражаси | Бет |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Амирзода Амирон Шоҳ баҳодир | 59-60 | 1) Амир Соҳибқирон Темур Кўрагоннинг ўғли<br>2) Амирзода Халил Султоннинг отаси<br>3) Амирзода Абу Бакрнинг отаси<br>4) Амирзода Илангир ибн Абу Бакрнинг бобоси<br>5) Амирзода Усмон Жоди ибн Абу Бакрнинг бобоси<br>6) Амирзода Умарнинг отаси<br>7) Амирзода Ийжалнинг отаси<br>8) Амирзода Суюрғатмишнинг отаси<br>9) Малика Хонзоданинг турмуш ўртоғи<br>10) Малика Ағо бегининг отаси | 59-60<br>127<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128<br>141<br>172 |
| 2. | Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон | 60 | 1) Амир Тарағай ибн Барқал ибн Илангири Ижил ибн Қорачор нўён ибн Сўғу Чечан ибн Иримхи ибн Қожулай нўён ибн Туманайхон ибн Бойсунғур хон ибн Қайдухон ибн Дутам ибн Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Алан Тава хотун;<br>2) Амир Тарағай Муҳаммад ибн Барқал ибн Иланғир ибн Ийжил ибн Қорачор нўён ибн Сўғу Чечан ибн Ирдамжи ибн Қожулай нўён ибн Туминай хон ибн Бойсунқур хон ибн Қайдухон ибн Дутум Маннон ибн Бўка ибн Буданжир ибн Аланқува-хотун;[9]<br>3) Малика Султон Бахт бегимнинг отаси<br>4) Куёви: амир Сулаймоншоҳ баҳодир ибн амир Довуд дуғлат | 60<br>96<br>114<br>114 |
| 3. | Амир Муҳаммад Тарағай | 60 | Амир Соҳибқирон Темур Кўрагоннинг отаси | 60 |
| 4. | 1) Амирзода Жаҳонгир | 97 | 1) Амир Соҳибқирон Темур Кўрагоннинг ўғли<br>2) Ҳарами: Хонзода | 98<br>98 |

[8] Жадвалга Амир Темурнинг отаси амир Муҳаммад Тарағай, сулола асосчиси Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ўзини ва она томонидан темурийларга мансуб бўлган мирзоларни (мирак) ҳам курсив ҳолатида киритишни лозим топдик.

[9] Амир Темур шажараси турли ёзма манбаларда ва илмий тадқиқотларда турлича берилган. Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Мирзо Улуғбек "Тарих-и арбаъ улус". Т., 1994 й. 324 – бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 13 - бет; Бердимуродов А. Гўри Амир мақбараси . Т., 1996 й. 48 – бет; Амир Темур аждодлари. Т., 1992 й. 5 - бет.; Темурнома. Т., 1990., 9- бет.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2) Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир | 98 | 3) Амирзода Муҳаммад Султоннинг отаси | 101 |
| 5. | Амирзода Муҳаммад Султон | 101 | 1) Амирзода Жаҳонгир ибн Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ўғли<br>2) Амирзода Жаҳонгирнинг отаси<br>3) Амирзода Саъд Ваққоснинг отаси<br>4) Амирзода Яҳёнинг отаси<br>5) Малика Ўга бегининг отаси<br>6) Малика Хонзода бегимнинг бобоси | 101<br>128<br>128<br>128<br>184<br>184 |
| 6. | 1) Шоҳрух Баҳодирхон<br>2) Шоҳрух султон | 101<br>110 | 1) Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ўғли<br>2) Ғиёсуддин Бойсунғур Баҳодирхоннинг отаси<br>3) Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгийнинг отаси<br>4) Жон Ўғлоннинг отаси<br>5) Муҳаммад Ёрийнинг отаси | 116<br>119<br>123<br>128<br>128 |
| 7. | Амирзода Халил Султон баҳодир | 111 | 1) Амирзода Амирон Шоҳнинг ўғли<br>2) Малика Шодимулк хотуннинг турмуш ўртоғи<br>3) Малика Хонзоданинг ўғли | 127<br>145<br>163 |
| 8. | Амирзода Умар Шайх баҳодир | 113 | 1) Амир Темур Кўрагоннинг ўғли<br>2) Малика Севинч Қутлуғ оғонинг турмуш ўртоғи<br>3) Амирзода Пир Муҳаммаднинг отаси<br>4) Амирзода Рустамнинг отаси<br>5) Умар Шайх ибн Пир Муҳаммаднинг бобоси<br>6) Амирзода Искандарнинг отаси<br>7) Аҳмаднинг отаси<br>8) Сейди Аҳмаднинг отаси<br>9) Бойқаронинг отаси | 114<br>117<br>117<br>117<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128 |
| 9. | 1) Амирзода Пир Муҳаммад<br>2) Амирзода Пир Муҳаммад Кобулий | 115<br>202 | 1) Амирзода Жаҳонгирнинг ўғли<br>2) Қайдунинг отаси<br>3) Холиднинг отаси<br>4) Бузанжирнинг отаси<br>5) Саъд Ваққоснинг отаси<br>6) Санжарнинг отаси<br>7) Қайсарнинг отаси<br>8) Жаҳонгирнинг отаси | 115<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128<br>128 |
| 10. | Маҳдумзода Муҳаммад Тарағай Улуғбек | 117 | 1) Султон Шоҳрух Баҳодирхон ибн Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон | 117 |
| 11. | Амирзода Пир Муҳаммад | 117 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли<br>2) Умар Шайхнинг отаси | 117<br>128 |
| 12. | Амирзода Иброҳим Султон[10] | 117 | 1) Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 117 |
| 13. | Амирзода Рустам | 117 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли<br>2) Усмоннинг отаси<br>3) Султон Алининг отаси | 117<br>128<br>128 |

[10] Муаллиф мирзо Иброҳим Султоннинг таваллуди ҳақида ёзаётганида уни марҳум деб маълумот келтирган. Демак, асар ёзилаётган вақтда бу мирзо вафот этган бўлган.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Ғиёсуддин Бойсун-ғур Баҳодирхон | 119 | 1) Шоҳрух Баҳодир султоннинг ўғли | 119 |
| 15. | Амирзода Искандар | 119 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 16. | Маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳам-мад Жўгий баҳодир | 123 | 1) Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 123 |
| 17. | *Амирзода Султон Ҳусайн*[11] | 122 | | |
| 18. | 1) Амирзода Жаҳонгир<br>2) Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир | 128<br>154 | 1) Амирзода Муҳаммад Султоннинг тўнғич ўғли | 128 |
| 19. | Амирзода Саъд Ваққос | 128 | 1) Амирзода Муҳаммад Султоннинг ўртанча ўғли | 128 |
| 20. | Амирзода Яҳё | 128 | 1) Амирзода Муҳаммад Султоннинг кичик ўғли | 128 |
| 21. | Қайду | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг тўнғич ўғли | 128 |
| 22. | Холид | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 23. | Бузанжир | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 24. | Саъд Ваққос | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 25. | Амирзода Санжар | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 26. | Амирзода Қайсар | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 27. | Жаҳонгир | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирнинг ўғли | 128 |
| 28. | Умар Шайх | 128 | 1) Амирзода Пир Муҳаммад ибн Умар Шайхнинг ўғли | 128 |
| 29. | Усмон | 128 | 1) Амирзода Рустамнинг тўнғич ўғли | 128 |
| 30. | Султон Али | 128 | 1) Амирзода Рустамнинг кичик ўғли | 128 |
| 31. | 1) Аҳмад<br>2) Саййид Аҳмад Мирак<br>3) Амирзода Аҳмад Мирак | 128<br>140<br>153 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 32. | Сайди Аҳмад | 128 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 33. | Бойқаро | 128 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 34. | Абу Бакр | 128 | 1) Амирзода Амирон ШоҳКўрагоннинг ўғли<br>2) Амирзода Умарнинг акаси | 128<br>129 |

[11] Манба матнида амирзода Султон Ҳусайн номи бир неча бор зикр этилсада, унинг она томондан бўлсада, Темурийларга мансублиги ва қариндошлик даражаси муаллиф томонидан қайд этиб ўтилмаган. Бу ҳолат, Шоҳрух Баҳодирхон ва унга яқин бўлган кишиларнинг бу амирзодага нисбатан салбий муносабатда бўлганликлари билан боғлиқ бўлса керак.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 35. | Илангир | 128 | 1) Амирзода Абу Бакрнинг ўғли | 128 |
| 36. | Усмон Жоди | 128 | 1) Амирзода Абу Бакрнинг ўғли | 128 |
| 37. | Амирзода Умар | 128 | 1) Амирзода Амирон Шоҳ баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 38. | Ийжал | 128 | 1) Амирзода Амирон Шоҳ баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 39. | Суюрғатмиш | 128 | 1) Амирзода Амирон Шоҳ баҳодирнинг ўғли | 128 |
| 40. | Суюрғатмиш | 128 | 1) Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 128 |
| 41. | Жон Ўғлон | 128 | 1) Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 128 |
| 42. | Муҳаммад Ёрий | 128 | 1) Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 128 |
| 43. | *Исми қайд этил-маган амирзода* | 136 | *1) Амир Сулаймоншоҳнинг ўғли (онаси- Султон Бахт бегим)* | 136 |
| 44. | Исми қайд этил-маган амирзода | 168 | 1) Амирзода Аҳмад Миракнинг ўғли | 168 |
| 45. | Исми қайд этил-маган амирзода | 169 | 1) Амирзода Искандар ибн амирзода Умар Шайхнинг ўғли | 169 |
| 46. | Амирзода Муҳаммад Султон[12] | 175 | 1) Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амир Соҳибқирон Темур Кўрагоннинг ўғли | 175 |
| 47. | Амирзода Пир Али | 175 | 1) Амирзода Искандар ибн Умар Шайх баҳодирнинг ўғли | 175 |
| 48. | Маҳдумзода Рукниддин Алоуддавла Аҳмад баҳодир | 179 | 1) Бойсунғур Баҳодир ибн Шоҳрух Баҳодирнинг ўғли<br>2) Бека султон бинти Жалолуддин Ёдгоршоҳ арлотнинг турмуш ўртоғи | 179<br>207 |
| 49. | Маҳдумзода амир-зода Ибодуллоҳ | 179 | 1) Султон Улуғбек Кўрагоннинг ўғли | 179 |
| 50. | Маҳдумзода Султон Муҳаммад | 183 | 1) Амирзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг ўғли | 183 |
| 51. | Султон Абу Исҳоқ | 184 | 1) Султонзода Иброҳим Султон ибн Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 184 |
| 52. | Амирзода Абдуллоҳ | 190 | 1) Султон Улуғбекнинг ўғли | 190 |
| 53. | Маҳдумзода Абдурраҳмон | 192 | 1) Султон Улуғбек Кўрагоннинг ўғли | 192 |
| 54. | Амирзода Абу-л-қосим | 194 | 1) Султон Бойсунғур Баҳодирхоннинг ўғли | 194 |
| 55. | Амирзода Муҳаммад Қосим | 194 | 1) Султон Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг ўғли | 194 |
| 56. | Амирзода Али | 195 | 1) Маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг ўғли | 195 |
| 57. | Амирзода Муҳаммад Султон | 195 | 1) Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амир-зода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгир баҳодирнинг ўғли | 195 |
| 58. | Маҳдумзода Муиз-зуддин Абу Бакр | 202 | 1) Шаҳзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг ўғли | 202 |

[12] Фасиҳ Хавофий бу ерда чалкашликка йўл қўйган. Матнда номи қайд этиб ўтилган амирзода Муҳаммад Султон манбада кўрсатилганидек, Амир соҳибқирон Амир Темур кўрагоннинг набираси эмас, балки амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Муҳаммад Жаҳонгирнинг ўғли.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 59. | Амирзода Музаффар | 203 | 1) Амирзода Бойқаронинг ўғли | 203 |
| 60. | Амирзода Исмоил | 207 | 1) Амирзода Иброҳим Султоннинг ўғли | 207 |
| 61. | Амирзода Абдуллоҳ | 208 | 1) Амирзода Иброҳим Султоннинг ўғли | 208 |
| 62. | Маҳдумзода Абу-л-хорис Бойсунғур Баҳодирхон | 211 | 1) Султон Рукниддин Алоуддавла баҳодир ибн ас-султон Бойсунғур Баҳодирхон ибн Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 211 |
| 63. | Шаҳзода Муҳаммад Бакр | 212 | 1) Амирзода Халил Султон ибн Амирон Шоҳ Кўрагоннинг ўғли | 212 |
| 64. | Маҳдумзода Абдулатиф баҳодир | 215 | 1) Султон Улуғбек Кўрагоннинг ўғли | 215 |
| 65. | Шаҳзода Имодуд-дин султон Масъуд | 216 | 1) Носируддин Суюрғатмиш баҳодир ибн султон Шоҳрух Баҳодирхоннинг ўғли | 216 |
| 66. | Шаҳзода Муҳам-мад Иброҳим | 218 | 1) Султон Рукниддин Алоуддавланинг ўғли | 218 |
| 67. | Амирзода Қарочор | 218 | 1) Шаҳзода Суюрғатмиш баҳодирнинг ўғли | 218 |
| 68. | Бобур султон | 222 | 1) 845/1441-1442 йил шаввол ойининг ўн тўртинчисидан (25.02.1442) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг[13] баъзи бир туҳматчи-ларнинг сохта айбловларига ишониб, Бобур сул-тон ва буюк хожа Ғиёсуддин Пир Аҳмад ибн хожа Исҳоқ ал-Хавофийга қаҳр-ғазаб қилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилган[14]. | 222 |
| 69. | Амирзода Жалолуддин[15] | 222 | 1) Амирзода Жалолуддин томонидан ҳибсга олинган амирзода Рустам баҳодирнинг 845/ 1441-1442 йил зу-л-қаъда ойининг учинчисида сешанба куни (16.03.1442) Сулаймоний қалъасига юборилиши | 222 |
| 70. | Амирзода Рустам баҳодир[16] | 222 | | |

[13] Манба муаллифи Султон Шоҳрух Баҳодирхонни 1405 йилдан кейинги воқеалар баёнида кўп ҳолларда Буюк ҳоқон лақабида қайд этиб ўтган.

[14] Матнда номи қайд этиб ўтилган Бобур Султоннинг кимлиги ҳақида Фасиҳ Хавофий аниқ маълумот бермаган. “Султон” эпитети асосан ҳукмрон табақа вакилларига нисбатан қўлланилганлигини инобатга олсак, бу шахс Темурийларга мансуб мирзолардан бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

[15] Матнда номи қайд этиб ўтилган амирзода Жалолуддиннинг кимлиги ҳақида Фасиҳ Хавофий аниқ маълумот бермаган. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” манбасида мирзо Жалолуддинни мирзо Рустам ибн мирзо Умаршайх баҳодирнинг ўғли эканлигини қайд этиб ўтган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.111.

[16] Матнда номи қайд этиб ўтилган амирзода Рустам баҳодирнинг кимлиги ҳақида Фасиҳ Хавофий аниқ маълумот бермаган. Муаллифнинг амирзода Жалолуддин томонидан амирзода Рустам баҳодирнинг ҳижрий 845/1441-1442 йил зу-л-қаъда ойининг учинчисида сешанба куни (16.03.1442) ҳибсга олиниши ва Сулаймоний қалъасига юборилиши тўғрисидаги маълумоти Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига мос келмайди. Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн”да Жалолуддин мирзо Рустам мирзонинг ўғли эканлигини ва у Шоҳрух мирзо фармонига кўра банди этилиб, Кермон вилоятига қарашли Сулаймоний қалъасида тутиб турилганлигини таъкидлаб ўтган. Агар, Фасиҳ Хавофийнинг маълумоти тўғри деб фикр юритсак, демак матнда номи қайд этиб ўтилган амирзода Рустам баҳодир Темурийларга мансуб янги

*2-жадвал*

**Темурий маликалар номларининг “Мужмали Фасиҳий”да учраш тартиби**

| № | Темурий маликалар | Бет | Маликаларнинг Темурийлар ва бошқа сулола вакилларига қариндошлик даражаси | Бет |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Малика Хонзода | 97 | 1) Амирзода Жаҳонгирнинг ҳарами<br>2) Амирзода Амирон Шоҳнинг ҳарами<br>3) Амирзода Халил Султон баҳодирнинг онаси<br>4) Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфийнинг қизи | 97<br>141<br>163<br>163 |
| 2. | Малика Дилшод оғо | 99 | 1) Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарами | 99 |
| 3. | Малика  Тумон оғо | 101 | 1) Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарами | 101 |
| 4. | Қутлуғ Туркон оғо | 108 | 1) Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг опаси | 108 |
| 5. | Малика Сарой Мулк хоним | 111 | 1) Амир Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳарами | 111 |
| 6. | Малика Султон Бахт Бегим | 114 | 1) Амир Темур Кўрагоннинг қизи<br>2) Сулаймоншоҳ ибн амир Довуд дуғлатнинг ҳарами<br>3) Исми қайд этилмаган маликанинг онаси<br>4) Исми қайд этилмаган амирзода(мирак)нинг онаси<br>5) Абдусамад амир Ҳожи Сайфуддиннинг қайнонаси | 114<br>114<br>136<br>136<br>136 |
| 7. | Малика Севинч Қутлуғ оғо | 114 | 1) Амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ҳарами | 114 |
| 8. | Малика Бекаси султон | 119 | 1) Амирзода Искандарнинг ҳарами | 119 |
| 9. | Малика Тукал хонум | 120 | 1) Амир Темурнинг ҳарами<br>2) Хизрхожахоннинг қизи | 120<br>120 |
| 10. | Исми қайд этил-маган малика | 133 | 1) Амирзода Абу Бакрнинг ҳарами<br>2) Тукал Ўрус Буқонинг қизи | 133<br>133 |
| 11. | Исми қайд этил-маган малика | 136 | 1) Амир Сулаймоншоҳнинг қизи<br>2) Малика Султон Бахт бегимнинг қизи<br>3) Абдусамад амир Ҳожи Сайфуддиннинг ҳарами<br>4) Шайх Ясовулнинг онаси<br>5) Юсуф Қурчининг онаси<br>6) Доронинг онаси | 136<br>136<br>169<br>169<br>169<br>169 |
| 12. | Малика Шодимулк хотун | 145 | 1) Амирзода Халил Султоннинг ҳарами | 145 |
| 13. | Малика Хонум | 154 | 1) Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгийнинг ҳарами<br>2) Амир Идикунинг қизи | 154<br>154 |

мирзолардан бири бўлиб чиқади. Чунки, Умаршайх мирзонинг шундай исм соҳиби бўлган ўғли Рустам мирзо (1381-1424 йй.) бу воқеалар бўлиб ўтаётган вақтда ҳаёт эмас эди. Бизнингча, бу тарихий фактнинг Абдураззоқ Самарқандий томонидан баён этилган маълумоти ҳақиқатга яқин бўлиб, “Мужмали Фасиҳий”даги чалкашлик хаттот ёки таржимоннинг хатоси билан боғлиқ ҳолатдир. Қаранг: Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (“Фасихов свод”) - С. 222.; Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн - Б.111.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Малика Гавҳаршод оғо | 163 | 1) Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг ҳарами | 163 |
| 15. | Малика Ҳасиба Султон Хонзода бегим | 165 | 1) Султон Улуғбек Кўрагоннинг қизи | 165 |
| 16. | Малика Марям Султон бегим | 166 | 1) Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амирзода Муҳаммад султоннинг ҳарами<br>2) Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг қизи | 166<br>166 |
| 17. | Малика Ағо беги | 172 | 1) Амирзода Саъд Ваққос ибн амирзода Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгир мирзонинг ҳарами<br>2) Амирзода Амирон Шоҳнинг қизи | 172<br>172 |
| 18. | Малика Меҳри Нигор | 183 | 1) Хизрхожахоннинг набираси<br>2) Шамъи Жаҳоннинг қизи<br>3) Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгийнинг ҳарами | 183<br>183<br>183 |
| 19. | Малика Ўга беги | 184 | 1) Амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгирнинг қизи<br>2) Хонзода бегимнинг онаси | 184<br>184 |
| 20. | Малика Хонзода бегим | 184 | 1) Малика Ўга беги бинти амирзода Муҳаммад султоннинг қизи | 184 |
| 21. | Исми қайд этилмаган малика | 190-191 | 1) Шаҳзода Халилуллоҳ Дарбандийнинг ҳарами<br>2) Амирзода Абу Бакр баҳодирнинг қизи | 190-191 |
| 22. | Малика Руҳ Парвар оғо | 196 | 1) Амир Темурнинг ҳарами<br>2) Ҳамза Сулдузнинг ҳарами<br>3) Амир Али тархоннинг ҳарами<br>4) Амир Ҳасан Сўфи тархоннинг ҳарами | 196<br>196<br>196<br>196 |
| 23. | Малика Бека Султон | 208 | 1) Амир Жалолуддин Ёдгоршоҳ арлотнинг қизи<br>2) Рукниддин Алоуддавла султоннинг ҳарами | 208<br>208 |
| 24. | Малика Руқия Султон бека | 210 | 1) Амирзода Муҳаммад султон ибн амирзода Муҳаммад Жаҳонгирнинг ҳарами<br>2) Султонзода Суюрғатмиш ибн султон Шоҳрух Баҳодирхоннинг қизи | 210<br>210 |
| 25. | Исми қайд этилмаган малика | 214 | 1) Шаҳзода ҒиёсуддинЖўгий баҳодирнинг ҳарами<br>2) Қаро Усмоннинг қизи | 214<br>214 |
| 26. | Малика Ойиша Бегика | 216 | 1) Шаҳзода Имодуддин султон Масъуд ибн Носируддин Суюрғатмишнинг ҳарами<br>2) Шаҳзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг қизи | 216<br>216 |
| 27. | Малика Милкат оғо | 220 | 1) Хизр ўғлоннинг қизи | 220 |

Манбада Темурий мирзо ва маликаларнинг ҳаётига оид кўплаб генеалогик ва персонографик маълумотлар хронологик категория тарзида учрайди. Бу маълумотларни мазмун ва моҳиятига кўра қуйидаги тахминий типларга бўлишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- Темурий мирзо ва маликаларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ маълумотлар;

- Темурий мирзоларнинг фарзандлари сони билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг ёшлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, хатна, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий маликаларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг ҳаётларидаги нохуш ҳолатлар билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг сиёсий фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг ҳарбий фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг тахт учун ўзаро ва бошқа сиёсий кучлар билан курашларига доир маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг бунёдкорлик фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг қишлоққа (қишлов) чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг яйлоққа[17] чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг шикор билан машғул бўлганликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг қушламишийга[18] чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Темурий мирзоларнинг машҳур авлиё ва анбиёларнинг мозорларини зиёрат қилганликлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Ясоққа тортилган, ҳибсга олинган ёки бошқа тарзда жазоланган Темурий мирзолар ҳақидаги маълумотлар;
- Темурий мирзо ва маликаларнинг вафот (қатл этилганликлари, ҳалок бўлганликлари ва ҳоказолар) саналари билан боғлиқ маълумотлар;

[17] Яйлоққа чиқиш- Яйлов, ёзлик жой, ўтлоқ жой. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Муҳаррир филол. фан. док. С. Муталлибоев. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б. 713. Бу ерда яйлоққа чиқиш деганда Темурий ҳукмдорларнинг баҳор ва ёз фаслларида салтанат шаҳарларидан ёзлик жойга чиқишини тушуниш керак.-муаллифлар.

[18] Қушламиший-қуш солиш; қуш солиб ов қилиш. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. - Б.821.

- Бошқа турдаги маълумотлар.

Бундай маълумотларнинг барчасини битта рисола доирасида таҳлил этиб бўлмаслигини эътиборга олган ҳолда, генеалогик типологияга доир айрим маълумотларни хронологик кетма-кетликда кўрсатиб ўтишга ҳаракат қиламиз:

**I.Темурий мирзо ва маликаларнинг таваллуд саналари билан боғлиқ маълумотлар:**

1. 736 йил шаъбон ойининг йигирма бешинчисида (8.04.1336) Кешда Амир Темурнинг таваллуд топиши - 60 бетда.
2. 777/1375-1376 йил жумод ал-аввал ойининг биринчисидан (28.09.1375) кейинги воқеалар баёнида амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгир ибн Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг таваллуд топиши - 101 бетда.
3. 779/1377-1378 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн тўртинчисида пайшанба куни (20.08.1377) Шоҳрух Баҳодирхоннинг таваллуд топиши-101 бетда.
4. 796/1394 йилда амирзода Иброҳим Султоннинг таваллуд топиши - 117 бетда
5. 799/1396-1397 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма биринчисида жума куни кечасида (15.09.1397) Ғиёсуддин Бойсунғур Баҳодирхоннинг таваллуд топиши - 119-бетда.
6. 804 йил рамазон ойининг йигирма тўртинчисида жума куни (27.04.1402) Маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг таваллуд топиши - 123 бетда.
7. 815/1412-1413 йил жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида жума куни (18.08.1412) султон Улуғбек Кўрагоннинг қизи Ҳасиба Султон Хонзода бегимнинг Ҳиротдаги Боғи Зоғон мавзесида таваллуд топиши. Шу воқеа муносабати билан шаҳарнинг безатилиши ва турли хил байрам тадбирлари ва тантаналарнинг ташкил этилиши - 165 бетда.
8. 819/1416-1417 йил рабиъ ас-соний ойининг тўққизинчисида (6.06.1416) амирзода Муҳаммад Султоннинг таваллуд топиши - 175 бетда.
9. 820/1416-1417 йил жумод ал-аввал ойининг биринчисида пайшанба куни (16.06.1417) маҳдумзода Рукниддин Алоуддавла Аҳмад баҳодирнинг Ҳирот шаҳрида таваллуд топиши -179 бетда.

10. 821/1418-1419 йил бешинчи зу-л-ҳижжа ойининг бешинчисидан (3.01.1419) кейинги воқеалар баёнида маҳдумзода Султон Муҳаммад ибн Амирзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг таваллуд топиши - 183 бетда.
11. 822/1419 йили рабиъ ал-аввал ойининг ўн тўртинчисида душанба куни (9.04.1419) Султон Абу Исҳоқ ибн Султонзода Иброҳим Султон ибн Шоҳрух Баҳодирхоннинг Шерозда таваллуд топиши - 184 бетда.
12. 823/1420 йил ражаб ойининг биринчи кунида (12.07.1420) Амирзода Абдуллоҳ ибн Султон Улуғбекнинг таваллуд топиши - 190 бетда.
13. 824/1421 йил рабиъ ал-аввал ойининг йигирманчисида (25.03.1421) маҳдумзода Абдураҳмон ибн Султон Улуғбек Кўрагоннинг таваллуд топиши - 192 бетда.
14. 825 йили ражаб ойининг ўнинчисида сешанба куни (30.06.1422) амирзода Абу-л-қосим ибн Султон Бойсунғур Баҳодирхоннинг таваллуд топиши - 194 бетда.
15. 825/1421-1422 йил чоршанба рамазон ойининг биринчисида чоршанба куни (19.08.1422) амирзода Муҳаммад Қосим ибн Султон Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг таваллуд топиши - 194 бетда.
16. 826/1422-1423 йил жумод ал-охир ойининг ўн саккизинчи куни (29.05.1423) амирзода Али ибн Маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг таваллуд топиши – 195 бетда.
17. 826/1422-1423 йил рамазон ойининг йигирма биринчи куни (29.08.1423) амирзода Муҳаммад Султон ибн Амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгир баҳодирнинг таваллуд топиши - 195 бетда.
18. 831/1427-1428 йил муҳаррам ойининг йигирма саккизинчисида (18.11.1427) маҳдумзода Муиззуддин Абу Бакр ибн Шаҳзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг таваллуд топиши - 202 бетда.
19. 836/1432-1433 йил ражаб ойининг йигирма еттинчисида пайшанба куни шом намози вақтида (18.03.1433) амирзода Абдуллоҳ ибн Амирзода Иброҳим Султоннинг Шерозда таваллуд топиши - 208 бетда.
20. 838/1434-1435 йил рамазон ойининг учинчисида якшанба куни кечаси (2.04.1435) маҳдумзода Абу-л-хорис Бойсунғур Баҳодирхон ибн ас-султон Рукниддин Алоуддавла баҳодир ибн ас-султон Бойсунғур Баҳодирхон ибн Шоҳрух Баҳодирхоннинг таваллуд топиши - 211 бетда.

21. 843/1439-1440 йил шаъбон ойининг учинчисида шанба куни эрта тонгда (9.01.1440) султон Рукниддин Алоуддавланинг ўғли шаҳзода Муҳаммад Иброҳимнинг таваллуд топиши - 218 бетда.

## II.Темурий мирзоларнинг фарзандлари сони билан боғлиқ маълумотлар:

1. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Амирон Шоҳ Кўрагоннинг ҳаёт бўлган ўғиллари сони етти нафар ва набиралари сони икки нафар эди - 128 бетда.
2. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Пир Муҳаммаднинг амирзода Умар Шайх исмли биттагина ўғли ҳаёт эди - 128 бетда.
3. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Рустамнинг икки нафар ўғли ҳаёт эди - 128 бетда.
4. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Шоҳрух баҳодирхоннинг ҳаёт бўлган ўғилларининг сони етти нафар эди - 128 бетда.
5. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Умар Шайхнинг ҳаёт бўлган ўғиллари ва набиралари сони тўққиз нафар эди - 128 бетда.
6. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Жаҳонгирнинг авлодлари сони ўн битта эди - 128 бетда.
7. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Муҳаммад Султон баҳодирнинг ўғиллари сони уч нафар эди - 128 бетда.
8. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Пир Муҳаммаднинг ҳаёт бўлган ўғиллари сони етти нафар эди - 128 бетда.
9. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда унинг ҳаёт бўлган ўғиллари ва набиралари сони 36 та эди - 127 бетда.
10. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда унинг ҳаёт бўлган ўғиллари сони икки нафар эди-128 бетда.

## III.Темурий мирзо ва маликаларнинг ёшлари билан боғлиқ маълумотлар:

1. 807 йил Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг бетоб бўлиши ва шаъбон ойининг ўн еттинчисида (18.02.1405) Ўтрорда вафот этиши. Амир Соҳибқирон ҳаётининг шамсий йил ҳисоби билан етмиш ёшда ўз ниҳоясига етиши-126-127 бетлар.
2. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Халил Султон йигирма бир ёшда эди-128 бетда.

3. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда маҳдумзода Улуғбек Кўрагон ўн бир ёшда эди-128 бетда.
4. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Усмон Жоди[19] ўн тўрт ёшда эди-128 бетда.
5. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Абу Бакр йигирма уч ёшда эди-128 бетда.
6. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Илангир тўққиз ёшда эди-128 бетда.
7. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Муҳаммад Ёрий[20] бир ёшда эди-128 бетда.
8. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Умар йигирма икки ёшда эди-128 бетда.
9. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Бойсунғур баҳодир саккиз ёшда эди-128 бетда.
10. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Жон ўғлон икки ёшда эди-128 бетда.
11. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Иброҳим Султон баҳодир ўн бир ёшда эди-128 бетда.
12. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Муҳаммад Жўгий баҳодир уч ёшда эди-128 бетда.
13. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Аҳмад ўн саккиз ёшда эди-128 бетда.
14. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Бойқаро ўн икки ёшда эди-128 бетда.
15. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Жаҳонгир тўққиз ёшда эди-128 бетда.
16. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Искандар йигирма бир ёшда эди-128 бетда.

---

[19] Шарафуддин Али Яздийда бу Темурий амирзоданинг исми шарифи Усмон Чалабий тарзида берилган. Бундан ташқари, муаллиф амирзоданинг ёшини 1405 йилда ўн тўрт ёшда эканлигини таъкидлаб ўтган. Бизнинг фикримизча, амирзодани ёши билан боғлиқ маълумот таржимон ёки хаттотнинг эътиборсизлиги туфайли нотўғри келтирилган. Чунки, амирзоданинг отаси Абу Бакр мирзо Усмонийлар ҳукмдори Йилдирим Боязиднинг қизини (амирзоданинг онасини) 1402 йилда ўз никоҳига олган. Қаранг: Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Шарқ.: Т.-1997. - Б.309.

[20] Шарафуддин Али Яздийда бу Темурий амирзоданинг исми шарифи Йарди тарзида берилган. Қаранг: Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Шарқ.: Т.-1997. - Б.309.

17. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Қайду тўққиз ёшда эди-128 бетда

18. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Сейди Аҳмад ўн беш ёшда эди-128 бетда.

19. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Саъд Ваққос олти ёшда эди-128 бетда.

20. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода султон Али бир ёшда эди-128 бетда

21. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Умар Шайх етти ёшда эди-128 бетда.

22. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Усмон олти ёшда эди-128 бетда.

23. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Холид олти ёшда эди-128 бетда.

24. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда амирзода Яҳё беш ёшда эди-128 бетда.

25. 807/1405 йил Амир Соҳибқирон вафот этган вақтда Суюрғатмиш баҳодир саккиз ёшда эди-128 бетда.

26. 837/1433-1434 йил жумод ал-аввал ойининг еттинчисида шанба куни (20.12.1433) султон ва султонзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг вафот этиши. Амирзоданинг ўттиз етти йил, тўрт ой ва ўн етти кун умр кўриши - 209 бетда.

## IV.Темурий мирзоларнинг (маликаларнинг) таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, хатна, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар:

1. 773/1371-1372 йил жумод-ал-ухро ойининг йигирма еттинчисида чоршанба кунидан (5.01.1372) кейинги воқеалар баёнида Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфийнинг ўрнига тахтга чиққан Юсуф Сўфий билан Амир Соҳибқирон ўртасида тузилган аҳдлашувга кўра, Хонзодани амирзода Жаҳонгирга унаштиришга ваъдалашишлари- 97 бетда.

2. 775/1373-1374 йилда Хонзоданинг Хоразмдан Самарқандга олиб келиниши ва амирзода Жаҳонгирга Конигилда тантанали никоҳлаб берилиши-98 бетда.

3. 776/1374-1375 йилда Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг Дилшод оғони ўз никоҳига олиши -99 бетда.

4. 779/1377-1378 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн тўртинчисида пайшанба кунидан (20.08.1377) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур

Кўрагоннинг келиб чиқиши аслзода хонимлардан бўлган Тумон оғони ўз никоҳига олиши-101 бетда.

5. 789/1387 йил воқеалари баёнида илк бора Амир Темур Кўрагоннинг ҳарамларидан бири малика Сарой Мулк хоним исмининг зикр этилиши- 112-113 бетларда.

6. 791/1388-1389 йилда Амир Темур Кўрагоннинг қизи Султон Бахт Бегим-нинг амир Сулаймоншоҳ ибн амир Довуд дуғлатга унаштирилиши-114 бетда.

7. 792/1389-1390 йилда амирзода Умар Шайх баҳодирнинг Севинч Қутлуғ оғони ўз никоҳига олиши -114 бетда.

8. 799/1396-1397 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма биринчи кунидан (15.09.1397) кейинги воқеалар баёнида амирзода Искандарга Бекаси султоннинг никоҳлаб берилиши муносабати билан Самарқандда тўй тантаналарининг ўтказилиши - 119 бетда.

9. 800/1397-1398 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн учинчи кунидан (4.12.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Хизрхожахоннинг қизи Тукал хонумни катта тўй тантаналари билан Конигилда ўз никоҳига киритиши-120 бетда.

10. 807/1404-1405 йил муҳаррам ойининг ўнинчисида (19.07.1404) Амир Соҳибқирон Рум ва Шом юришидан қайтганидан сўнг, бир қатор шаҳзода-ларнинг никоҳ маросимларини Конигилда катта тантаналар билан ўтказиши-126 бетда.

11. 808/1405-1406 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кунидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Абу Бакрнинг Бистом шаҳрида Тукал Ёрус Буқодан қизининг қўлини сўраши -133 бетда.

12. 808/1405-1406 йил сафар ойининг иккинчисида чоршанба куни (30.07.1405) амирзода Халил Султоннинг фармойишига кўра, амир шайх Нуруддиннинг Самарқандда малика Тумон оғони ўз никоҳига олиши -132 бетда.

13. Малика Хонзода ҳақида қимматли маълумотлар манбанинг 96, 97, 118, 140 ва бошқа бир қатор бетларда эслатиб ўтилсада, унинг Амирон Шоҳнинг ҳарами эканлиги илк бора қайд этиб ўтилиши ҳижрий 809/1406-1407 йил воқеалари баёнида учрайди -141 бетда.

14. 810 йил рабиъ ас-соний ойиниг охирида (3.10.1407) Бойсунғур Баҳодирхон билан Муҳаммад Жўгий Баҳодирхонларнинг хатна тўйларининг биргаликда Ҳирот шаҳрида бўлиб ўтиши-144 бетда.

15. 810/1407-1408 йилдаги воқеалар баёнида илк бора амирзода Халил Султоннинг ҳарами Шодимулк исмининг қайд этиб ўтилиши -145 бетда.

16. 811/1408-1409 йил рабиъ ас-соний ойининг охирида (22.09.1408) Бойсунғур Баҳодирхон билан Муҳаммад Жўгий Баҳодирхонларнинг хатна тўйларининг биргаликда Ҳирот шаҳрида бўлиб ўтиши[21]- 150 бетда.

17. 812/1409-1410 йил зу-л-қаъда ойининг ўн бешинчи кунигача (21.03.1410) бўлган воқеалар баёнида манғит қабиласи вакили амир Идикунинг қизи Хонумни маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгийга никоҳлаб бериш учун олиб келиши -154 бетда.

18. 814/1411-1412 йил воқеалари баёнида илк бора Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг ҳарамларидан бири малика Гавҳаршод оғо исмининг зикр этилиши-162-163 бетда.

19. 815/1412-1413 йил жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида жума куни (18.08.1412) султон Улуғбек Кўрагоннинг қизи Ҳасиба Султон Хонзода бегимнинг Ҳиротдаги Боғи Зоғон мавзесида таваллуд топиши. Шу воқеа муносабати билан шаҳарнинг безатилиши ва турли хил байрам тадбирлари ва тантаналарнинг ташкил этилиши -165 бетда.

20. 816/1413-1414 йил жумод ал-охир ойининг пайшанба кунларидан бирида (29.08-27.09.1413) амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амирзода Муҳаммад султон ибн Муҳаммад Жаҳонгир ибн Темур Кўрагоннинг Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг қизи Марям Султон бекани катта тантаналар билан ўз никоҳига киритиши -166 бетда.

21. 822/1419 йилда шаҳзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгийнинг Мўғулистон хони Хизрхожахоннинг набираси, Шамъи Жаҳоннинг қизи малика Меҳр Нигор хоникани ўз никоҳига олиши. Маликанинг Ҳирот шаҳрига рамазон ойининг йигирма бешинчи куни (15.10.1419) етиб келиши. Буюк ҳоқон фармойишига кўра Ҳиротдаги Боғи Зоғонда ўтказилган тўй тантаналарининг бошида Гавҳар-шод оғонинг туриши. Маликани амирзодага сўраш учун совчи қилиб жўнатилган амир Ҳасанко билан бирга келган элчиларнинг ўз юртларига қайтиб кетишлари - 183-184 бетларда.

22. 824/1421 йил рабиъ ал-аввал ойининг йигирма тўққизинчисида пайшанба куни (3.04.1421) амирзода Абу Бакрнинг исми қайд этилмаган қизининг Қаро-кумак мавзесида шаҳзода Халилуллоҳ Дарбандийга турмушга чиқиши. Бу

[21] Бу воқеа Фасиҳ Хавофийнинг баёнига кўра ҳижрий 810/1407-1408 йилларда ҳам қайд этиб ўтилган.

малика амир Қаро Юсуф қўлига бобоси амирзода Амирон Шоҳ баҳодир қатл этилган жанг вақтида асирга тушиб қолган эди. У вояга етганда амир Қаро Юсуф бу маликани ўз никоҳига олмоқчи эди. Аммо тақдир тақозоси билан маликанинг шаҳзода Халилуллоҳга ҳарамликга берилиши -190-191 бетларда.

23. 836/1432-1433 йил зу-л-қаъда ойининг олтинчисида шанба куни (24.06.1433) амир Жалолуддин Ёдгоршоҳ арлотнинг қизи Бека Султоннинг буюк маҳдумзода Рукниддин Алоуддавлага турмушга чиқиши -208 бетда.

24. 837/433-1434 йил жумод ас-соний (жумод ал-охир) ойининг ўн бешинчиси ва шаввол ойининг йигирманчи кунлари (27.01-30.05.1434) оралиғидаги воқеалар баёнида амирзода Муҳаммад Султон ибн Муҳаммад Жаҳонгирнинг султонзода Суюрғатмиш ибн султон Шоҳрухнинг қизи Руқия Султон бекани ўз никоҳига олиши-210 бетда.

25. 839/1435-1436 йил муҳаррам ойининг биринчиси ва рабиъ ас-соний ойининг йигирманчи кунлари (27.06-12.11.1435) оралиғидаги воқеалар баёнида шаҳзода Ғиёсуддин Жўгий Баҳодирнинг Қаро Усмоннинг қизини Озарбайжонда ўз никоҳига олиши-214 бетда.

26. 840/1436-1437 йил шаввол ойининг йигирма олтинчисида (3.05.1437) маҳдумзода Абдулатиф баҳодир ибн ас-султон Улуғбек Кўрагоннинг хатна тўйининг бўлиб ўтиши-215 бетда

27. 841/1437-1438 йил жумод ас-соний (жумод ал-охир) ойидан (30.11.-29.12.1437) кейинги воқеалар баёнида шаҳзода султон Масъуднинг марҳум шаҳзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг қизи Оиша Бекани ўз никоҳига олиши. Рабиъ ал-аввал ойининг йигирма биринчисида жума кунигача (12.09.1438) бўлган воқеалар баёнида султон Масъуднинг ўз ҳарами билан Кобулга қайтиб кетиши. Шаҳзода Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг шу музофотдаги ноиби ҳисобланар эди-216 бетда.

## V.Темурий мирзо ва маликаларнинг ҳаётларидаги нохуш ҳолатлар билан боғлиқ маълумотлар:(*бетоб бўлиб қолишлари, уларга қарши уюштирилган фитналар ва суиқасдлар, турли вазиятларда олинган тан жароҳатлари*)

1. 764/1362-1363 йил воқеалари баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг амир Ҳусайн ибн Мусалло билан биргаликда Сеистон томонга қараб йўл олиши. Амир Соҳибқирон қўлининг камон ўқидан жароҳатланиши. Амир Соҳибқироннинг аҳволи бироз яхшилангач, Арсафда амир Ҳусайнга келиб

қўшилиши ва уларнинг биргаликда Мовароуннаҳрга томон йўл олишлари-91 бетда.

2. 776/1374-1375 йилдаги воқеалар баёнида Амир Соҳибқиронга қарши суиқасд уюштиришни мўлжаллаган Шайх Муҳаммад Баён Сулдуз, Али Дарвеш, Боязид Жалойир ва унинг укаси Муҳаммад Дарвешларнинг қатл этилиши- 99 бетда.

3. 792/1389-1390 йилги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Дашти Қипчоқ томон йўл олиши ва Тошкентда қишлов қурдириши. Амир Соҳибқироннинг Тошкентда бетоб бўлиб ётиб қолиши ва Аллоҳнинг инояти билан соғайиб кетиши-114 бетда.

4. 795/1392-1393 йилги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Шоҳ Мансур ибн Шоҳ Шарафуддин Музаффар ибн Муҳаммад ибн Музаффар билан жанг қилиши. Шоҳ Мансурнинг қилич билан Амир Соҳибқиронга ҳамла қилиши, аммо Одил ахточининг ўз гавдаси билан Амир Соҳибқиронни тўсиб, берилган қилич зарбасини қайтариши. Шоҳ Мансурнинг жанг майдонида ҳалок бўлиши-116 бетда.

5. 799/1396-1397 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма биринчисидан (15.09.1397) кейинги воқеалар баёнида Жамолуддин Ферузкўҳий[22] томонидан амирзода Муҳаммад Султонга Домғонда пичоқ билан жароҳат етказилиши. Жароҳатнинг ўта оғир бўлмаганлиги сабабли амирзода ҳаётининг сақлаб қолиниши ва Жамолуддин Ферузкўҳийнинг қатл этилиши-119 бетда.

6. 818/1415 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида амирзода Бойқаро ва кўзига мил тортилган амирзода Искандарнинг қўзғолон кўтариши. Буюк ҳоқон амирзода Искандарнинг амирзода Рустам томонидан кўзларига мил тортилганнини эшитганидан сўнг, бу ишни қоралаши ва амирзода Искандарни амирзода Рустам қарамоғидан олиб, амирзода Бойқаро қарамоғига топшириши-173 бетда.

7. 820/1417-1418 йил зу-л-қаъда ойида (10.12.1417-9.01.1418) Гармсернинг Карфиш (Колпуш бўлиши мумкин - А. Б.) мавзесида Буюк ҳоқоннинг отдан йиқилиб тушиши оқибатида, муборак қўлларининг лат ейиши[23]- 179 бетда.

[22] Шарафуддин Али Яздийда бу шахснинг исми шарифи Жалолиддин Ферузкўхий тарзида берилган. Қаранг: Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Шарқ.: Т.-1997. - Б.189.

[23] Абдураззоқ Самарқандийда бу воқеа қаерда бўлганлиги ёзилмаган. Ундан ташқари, Шоҳрух мирзонинг қўли синган деган маълумот келтирилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.329-333.

8. 830/1426-1427 йил шаввол ойининг ўрталарида (9.08.1427) султонзода Бойсунғур баҳодирнинг Ҳиротда бетоб бўлиб ётиб қолиши. Улуғ жаноб мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Одам ва мавлоно Низомиддин Шерозий каби табибларнинг амирзодани муолажа қилишлари туфайли амирзода соғлигининг бироз бўлсада яхшиланиши-202 бетда.

9. 830/1426-1427 йил рабиъ ус-соний ойининг йигирма учинчисида жума куни (21.02.1427) Буюк ҳоқонга Ҳиротдаги Жомеъ масжиддан жума намозини ўқиб чиқаётган вақтида мавлоно Фазлуллоҳ Астрободийнинг муридларидан бири ҳисобланган Аҳмад лур томонидан пичоқ билан тан жароҳати етказилиши. Аҳмад лурнинг ўша Жомеъ масжидда қатл этилиши. Етказилган жароҳат унча оғир бўлмаганлиги сабабли Шоҳрух Баҳодирхоннинг бир-неча кун ичида соғайиб кетиши-201 бетда.

10. 833/1429-1430 йил зу-л-ҳижжа ойининг саккизинчисидан (28.08.1430) кейинги воқеалар баёни оралиғида султонзода Бойсунғур Баҳодирнинг Симнондан Бистомга келиши ва бу ерда кутилмаганда оғир бетоб бўлиб қолиши. Амирзоданинг орадан қирқ кун ўтиб соғайиб кетиши- 205 бетда.

## VI. Темурий мирзоларнинг сиёсий фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар:

1. 762/1360-1361 йилда Туғлуқ Темурхоннинг фармонига кўра Амир Соҳибқирон Амир Темурга Кешни бошқариш ҳуқуқининг берилиши-90 бет

2. Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг тахтга ўтирган вақти: 771/1369 -1370 -60/96 бетлар.

3. 782/1380-1381 йил воқеалари баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг амрига кўра амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон катта қўшин билан Хуросонга юриш қилиши ва у ерни забт этгач эса бу ҳудудни бошқариши лозимлигининг қайд этиб ўтилиши-104 бетда.

4. Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг фармойишига кўра 784/1382-1383 йилда Чингизхон ҳукмронлиги даврида вайрон қилинган Фанокат шаҳрининг Шоҳрух Баҳодирхон шарафига Шоҳрухия номи билан қайта тикланиши. Шаҳар қайта тиклангач, Ҳазрат Соҳибқироннинг Шоҳрухияни Шоҳрух баҳодирхонга тегишли бўлган суюрғоллари қаторига қўшиши-107 бетда.

5. 794/1391-1392 йилда Амир Темур Кўрагоннинг Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирга Зобул ва Кобул ҳудудларининг бошқарувини бериши-115 бетда.

6. 796/1393 -1394 йил жумод ал-аввал ойининг ўн тўққизинчисида якшанба куни (22.03.1394) отасининг вафотидан сўнг, амирзода Пир Муҳаммадга бобоси Амир Темур Кўрагон томонидан Форсни бошқариш ҳуқуқининг берилиши-117 бетда.

7. 798/1395-1396 йилда Амир Темур Кўрагоннинг фармойишига кўра амирзода Амирон Шоҳ Хуросондаги бошқарувни қолдириб, Озарбайжон ҳудудларининг бошқарувини ўз зиммасига олиши -118 бетда.

8. 799/1396-1397 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма биринчисидан (15.09.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Темур фармойишига кўра, Шоҳрух баҳодирхонга Хуросон ва унга тегишли вилоятларнинг бошқарувининг берилиши-119 бетда.

9. 807/1404-1405 йил шаввол ойининг йигирма иккинчисидан (23.04.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммад ибн Умар Шайх баҳодир томонидан юборилган элчининг Буюк ҳоқон Шоҳрух ҳузурига ташриф буюрганлиги ва амирзоданинг олий ҳокимиятини тан олганлиги ҳақидаги хабарнинг етказганлиги. Шерозда Шоҳрухнинг номига хутба ўқитилиши ва танга пулларнинг зарб этилиши-130 бетда.

10. 807/1404-1405 йил шаввол ойининг йигирма иккинчисидан (23.04.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммаднинг Балхга келиши ва Амир Соҳибқирон фармойишига кўра унинг Балх, Тўхористон, Хатлон, Қандаҳор, Кобул, Ғазнидан то Ҳиндистон чегараларигача бўлган ҳудудларнинг ҳукмдори бўлганлиги қайд этиб ўтилган-130 бетда.

11. 807/1404-1405 йил рамазон ойининг ўн олтинчисида чоршанба куни (18.03.1405) амирзода Халил Султон ибн Амирон Шоҳнинг Самарқанд шаҳрига кириши ва Арки Олийнинг қўлга киритилиши. Амирзода Халил Султоннинг Самарқанд тахтига ўтириши-127 бетда.

12. 807/1404-1405 йил шаъбон ойининг йигирма саккизинчисидан (1.03.1405) кейинги воқеалар баёнида Шоҳрух баҳодирхоннинг Эрон ва Ироқда олий ҳокимиятни ўз қўлига олиши-127 бетда.

13. 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кунидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Амирон Шоҳ ва амирзода Абу Бакрнинг Шаҳриёр қалъасини қўлга киритиши. Амирзода Абу Бакрнинг Султония қалъасига юриш қилиши ва уни қўлга киритиши. Амирзода Абу Бакрнинг қалъадаги барча бойликларга эга бўлиши. Амирзода Абу Бакр томонидан Султонияни ишғол

этилганлиги хабарни эшитишлари билан амирзода Умар қўшини амирларининг ундан юз ўгириб, амирзода Абу Бакрга қўшилишлари -134 бетда

14. 808/1405 йилнинг иккинчи ярмида амирзода Абу Бакр ўзига тегишли бўлган ҳудудлар бошқарувини отаси амирзода Амирон Шоҳ Кўрагонга бериши ва унга атаб олтин тахт ясашни буюриши. Кейинчалик эса оқибатда, бу қилган ҳатти-ҳаракатларидан пушаймон бўлиши ва саройни тарк этиши-134 бетда.

15. 809 йил рабиъ ал-охир ойининг охиридан (14.09.1406) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан амирзода Умар баҳодирга Астробод, Кабуджома ва Домғон шаҳарларидаги бошқарувнинг берилиши-138 бетда.

16. 809 йил рабиъ ал-охир ойининг охиридан кейин (14.09.1406) бўлиб ўтган воқеалар баёнида Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Нисо, Ёзир, Хабушон, Самалқон ва Жармағон (Жармакон) каби шаҳарлардан ташкил топган Алибек Хуросонининг султон ва буюк амирзода Улуғбек Кўрагонга инъом этилиши-139 бетда.

17. 810 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн иккинчисидан (16.09.1407) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг амирзода Умар Шайхнинг ўғли амирзода Сейди Аҳмадга Шибирғоннинг суюрғол сифатида тортиқ қилганлиги-143 бетда.

18. 810/1407 йил зу-л-қаъда ойининг тўққизинчисидан (6.04.1408) кейинги воқеалар баёнида Пир Муҳаммад ибн Умар Шайх баҳодирнинг амирзода Рустамга қарши Шероздан Исфаҳон томон қўшин тортиб бориши. Гандумон мавзесида бўлиб ўтган жанг. Амирзода Рустамнинг мағлубиятга учраши ва Кошонга қочиб кетиши. Амирзода Пир Муҳаммаднинг Исфаҳонни ўғли Умар Шайх мирзога бериши- 143 бетда.

19. 810/1407-1408 йил сафар ойининг йигирма биринчисида жума куни ва рабиъ ас-соний ойининг ўн иккинчи куни оралиғидаги (31.07.-16.09.1407) воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан амирзода Қайду баҳодир ибн Пир Муҳаммад баҳодир ибн Жаҳонгир баҳодирга Балх ва унга тегишли бўлган вилоятлар бошқарувининг берилганлиги-143 бетда.

20. 810/1407-1408 йилда амирзода Пир Муҳаммад фожиали ўлимидан сўнг амирзода Искандар баҳодирнинг Шерозга қочиб келиши ва шаҳар аҳолисининг унга бўйсуниши. Муаллиф бу воқеаларни китобнинг 157-бетида 812/1409-1410 йил маълумотларида ҳам қайд этиб ўтган-147/157 бетларда.

21. 811/1408-1409 йил зу-л-қаъда ойининг бешинчисида (22.03.1409) Буюк ҳоқоннинг Бодғис яйлоқига чиқиши муносабати билан амирзода Иброҳим

Султон баҳодирнинг Ҳиротда қолдирилиши ва унга буюк нўён Жалолуддин Ферузшоҳнинг бириктириб қўйилиши-150 бетда.

22. Буюк ҳоқоннинг Халил Султонни Ироққа юбориши. Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра қўшин амирлари бошчилигидаги ўн мингга яқин қўшиннинг амирзода Халил Султонга хизмат қилиш учун тайинланиши. 812/1409-1410 йил зу-л-қаъда ойининг олтинчисида жума куни (12.03.1410) амирзоданинг Ҳиротдан йўлга тушиши-157 бетда.

23. 812/1409-1410 йил зу-л-ҳижжа ойининг ўн бешинчисигача (20.04.1410) бўлган воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан султон ва буюк шаҳзода Абу-л-Фатҳ Муҳаммад Тарағай Улуғбек Кўрагонга Мовароуннаҳр ҳудуди бошқарувининг берилиши- 154 бетда.

24. 812/1409-1410 йилда амирзода Иброҳим Султон баҳодирга Балх ва Тўхористон ҳудудлари бошқарувининг берилиши-155 бетда.

25. 812/1409-1410 йилда амирзода Қайду баҳодир ибн амирзода Пир Муҳаммад ибн амирзода Жаҳонгирга Кобул ва Қандаҳор вилоятлари бошқарувининг берилганлиги-154 бетда.

26. 812/1409-1410 йилда амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амирзода Муҳаммад Султонга Тўхористон ва унга тегишли бўлган музофотлар бошқарувининг берилиши-154 бетда.

27. 812/1409-1410 йилда Буюк ҳоқон томонидан Ўзжанд (Ўзганд) ҳудудининг амирзода Аҳмад Амиракка суюрғол сифатида берилиши-153 бетда.

28. 813/1410-1411 йил муҳаррам ойининг ўн тўртинчисидан (19.05.1410) кейинги воқеалар баёнида амирзода Муҳаммад Жаҳонгир баҳодирнинг Ҳисори Шодмонга келиши ва амир шайх Нуруддин томонидан амирзодани султон деб эълон қилиниши-158 бетда.

29. 815/1412-1413 йил жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида жума кунидан (18.08.1412) кейинги воқеалар баёнида амирзода Искандарнинг Қум шаҳрини забт этиши ва вазири Музаффар Фароқонийнинг ҳийласи ёрдамида Хожа Муҳаммад Қумийнинг ҳибсга олиниши ва қатл этилиши- 165 бетда.

30. 815/1412-1413 йил муҳаррам ойидан (13.04-13.05.1412) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг амир Мизроб баҳодир, амир Саййид Али тархон ва Жалолуддин Ферузшоҳларни маҳдумзода Иброҳим Султон баҳодир бошчилигида Бадахшонни забт этишга юбориши. Буюк ҳоқон бу ўлка бошқарувини Бадахшоннинг аввалги шоҳи Баҳоуддин Бадахшонийнинг укаси

Маҳмудшоҳга бериши. Олий ҳукмдор[24] фармонига кўра, шоҳ Маҳмуднинг амирзода Ийжалга бўйсуниши белгилаб қўйилиши-165 бетда.

31. 816/1413-1414 йил ражаб ойининг ўн саккизинчисида якшанба кунидан (14.10.1413) кейинги воқеалар баёнида амирзода Искандарнинг душманлик изҳор этиши. Ўзининг номини хутбага қўшиб ўқитиши ва танга зарб эттириши-166-167 бетларда.

32. 817 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисидан (20.07.1414) кейинги воқеалар баёнида маҳдумзода Иброҳим Султон баҳодирга Форсдаги ҳокимиятни бошқаришнинг ишониб топширилиши-171 бетда.

33. 817 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисидан (20.07.1414) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан амирзода Саъд Ваққосга Қум ва унга қарашли музофотлар бошқарувининг ишониб топширилиши-170 бетда.

34. 817 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисидан (20.07.1414) кейинги воқеалар баёнида амирзода Бойқаро баҳодирга Вуружирд, Неҳованд, Ҳамадон ва Курдистон қалъаларини бошқаришнинг ишониб топширилиши-170 бетда.

35. 817 йил рамазон ойининг ўн иккинчисидан (25.11.1414) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг султонзода Бойсунғур Баҳодирхонга Тус, Машҳади муқаддас, Абивард, Нисо, Самалқон, Жармағон (Жармакон), Хабушон, Ёзир, Астробод, Кабуджома ва унга тегишли музофотларнинг суюрғол қилиб бериши-171 бетда.

36. 817/1414-1415 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисидан (20.07.1414) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан амирзода Рустам баҳодир ибн амирзода Умар Шайх баҳодирга Исфаҳон ва унга тегишли музофотларнинг бошқарувининг ишониб топширилиши-170 бетда.

37. 818/1415-1416 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқон томонидан вафот этган амирзода Ийжал нўёнга қарашли музофотлар бошқарувининг амирзода Илангир баҳодирга берилиши. Амир Юсуфхожа баҳодир, Ажабшер ва Қаноширинларнинг бир неча қўшин билан амирзодани Райгача кузатиб боришлари ва лашкарни амирзоданинг ихтиёрида қолдиришлари-172 бетда.

38. 818/1415-1416 йил шаввол ойининг бешинчисидан (8.12.1415) кейинги воқеалар баёнида маҳдумзода амирзода Иброҳим Султон баҳодирга Форс давлати ҳудудлари бошқарувининг қайтадан топширилиши-174 бетда.

---

[24] Фасиҳ Хавофий айрим ҳолларда Олий ҳукмдор атамасини Шоҳрух Баҳодирга нисбатан ишлатган.- Муаллифлар.

39. 819/1416-1417 йил воқеалари баёнида Буюк ҳоқон ҳузурига шоҳ Некпайшоҳнинг ташриф буюриши ва Бадахшонни бошқариш учун қайтадан тайинланган шоҳ Маҳмуднинг устидан арз қилиши. Шу сабабдан жумод ас-соний (жумод ал-охир) ойининг ўн тўртинчисида (9.08.1416) Буюк ҳоқон томонидан маҳдумзода амирзода Суюрғатмиш баҳодирнинг Бадахшонга юборилиши-177 бетда.

40. 819/1416-1417 йил рамазон ойининг ўн иккинчисидан (3.11.1416) кейинги воқеалар баёнида, Буюк ҳоқон томонидан султон Бойсунғур Баҳодирхоннинг девон амири лавозимига тайинланиши-176 бетда.

41. 821/1418 йил ражаб ойининг ўн тўққизинчиси ва шаъбон ойининг бошлари оралиғидаги (22.08-3.09.1418) воқеалар баёнида маҳдумзода султон Суюрғатмиш баҳодирга Кобул, Ғазни, Ҳинд ва Синд ҳудудлари бошқарувининг топширилиши-182 бетда.

42. 841/1437-1438 йил рабиъ ал-аввал ойининг йигирма биринчисида (12.09.1438) жума кунидан олдинги воқеалар баёнида султон Масъуднинг ҳарами билан Кобулга қайтиб кетиши. Ўша вақтда шаҳзода Имодуддин султон Масъуд Буюк ҳоқоннинг шу музофотдаги ноиби ҳисобланар эди- 216 бетда.

43. 843/1439-1440 йили рабиъ ас-соний ойининг иккинчи кунидан (12.09.1439) кейин бўлиб ўтган воқеалар баёнида амирзода Қарочор ибн шаҳзода Суюрғатмиш баҳодирнинг Кобулни бошқариш учун жўнаб кетганлиги қайд этиб ўтилган -218 бетда.

## VII.Темурий мирзоларнинг ҳарбий фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар:

1. 776/1374-1375 йилда Амир Темур Кўрагоннинг Жетага уюштирган учинчи юриши. Амирзода Жаҳонгир томонидан Жета ҳукмдори Қамариддиннинг таъқиб қилиниши- 99 бетда.

2. 782/1380-1381 йил воқеалари баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг амрига кўра амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон катта қўшин билан Хуросонга юриш қилиши ва у ерни забт этгач эса бу ҳудудни бошқариши лозимлигининг қайд этиб ўтилиши-104 бетда.

3. 791 йилнинг баҳори/1388-1389 йилда қўшиннинг манғлойига бошчилик қилган амирзода Умар Шайх баҳодирнинг Жета амирларидан бири Анқо Тўра[25]

[25] Бу тарихий шахс Низомиддин Шомийда Инкотуро тарзида берилган. Қаранг: Низомиддин Шомий. Зафарнома. Ўзбекистон, 1996. - Б.143.

ўртасида бўлиб ўтган жанг ва Анқо Тўранинг мағлубиятга учратилиши. Унинг улусининг ғорат қилиниши-114 бетда.

4. 793/1390-1391 йилда Амир Темур Кўрагон Шоҳрух султон ва набираси Пир Муҳаммад ибн Жаҳонгирни Самарқандни муҳофаза этиб туриш учун Тошкентдан юбориши-115 бетда.

5. 798/1395-1396 йилда Амир Темур Кўрагон набираси амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгирни Ҳўрмуз ва Шерозни забт этиш учун юбориши - 119 бетда.

6. 800/1397-1398 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн учинчисидан (4.12.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг фармойишига кўра амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Жаҳонгирнинг Мўғулистон чегараларини мустаҳкамлаш учун юборилиши ва у ерда Ашпара қалъасининг барпо этилиши-120 бетда.

7. 803/1400-1401 йилда Амир Соҳибқироннинг фармойишига кўра, Шоҳрух султоннинг Обулистон, Малатия, Кахна ва Биҳишти ҳудудларига юборилиши-122 бетда.

8. 804/1401-1402 йил рамазон ойининг йигирма тўртинчисида жума кунидан (27.04.1402) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқирон амирзода Султон Ҳусайн, амирзода Искандар ва амир Сулаймоншоҳни Қунийа, Оқшаҳр, Қаро Ҳисор, Аланийа ва Адалийа шаҳарларини ишғол қилишга юбориши-123 бетда.

9. 804/1401-1402 йилда Амир Темурнинг фармойишига кўра амирзода Муҳаммад Султоннинг Бурсани забт этишга юборилиши-123 бетда.

10. 807/1405 йил воқеалари баёнида амирзода Умар баҳодирнинг амир Жаҳоншоҳбек Жаку билан Озарбайжонда жанг қилганлиги ва ғалаба қозонганлиги қайд этиб ўтилган-129 бетда.

11. 807 йил шаввол ойининг йигирма иккинсидан (23.04.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммад ўғли амирзода Умар Шайх баҳодирни ва укаси амирзода Искандарни Кермонга амир Идику билан жанг қилиш учун юборганлиги қайд этиб ўтилиши- 130 бетда.

12. 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кунидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон ва амирзода Абу Бакр баҳодирнинг Симнонга иккинчи маротаба юриш қилиши. Симнон шаҳрининг иккинчи марта ғорат қилиниши ва вайрон этилиши- 133 бетда

13. 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчисидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Умар баҳодирга амир Шайх Иброҳим Дарбандий, амир Бистом

Жогир, унинг ўғли Қаромон, Сейди Аҳмад Шакий ва туркмон қабилалари сардорларининг бўйсунишдан бош тортишлари. Амирзода Умарнинг уларга қарши қўшин тортиб бориши. Ўша вақтда Хуросон тарафларга кетган амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон билан амирзода Абу Бакрларнинг қайтиб келаётганлиги ҳақидаги миш-мишларнинг амирзода Умарнинг ҳам қулоғига етиб бориши ва унинг Кур дарёси соҳилидан қайтиб келиши-133 бетда.

14. 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кунидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Амирон Шоҳ ва амирзода Абу Бакрнинг Шаҳриёр қалъасини қўлга киритиши. Амирзода Абу Бакрнинг Султония қалъасига юриш қилиши ва уни қўлга киритиши. Амирзода Абу Бакрнинг қалъадаги барча бойликларга эга бўлиши. Амирзода Абу Бакр томонидан Султонияни ишғол этилганлиги хабарини эшитишлари билан амирзода Умар қўшини амирларининг ундан юз ўгириб, амирзода Абу Бакрга қўшилишлари -134 бетда.

15. 808 йил муҳаррам ойининг саккизинчи кунидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Умар баҳодирнинг Мароға томонга юриши. Бу юришда амирзода Умарга амир Холиқ туркмон, Солиҳ барлос, сулдуз ва туркмонларнинг гуруҳи, амирлар ва қўшинларнинг қўшилиши. Бу ҳарбий иттифоққа таянган ҳолда амирзода Умарнинг Табризга юриш қилиши. Холиқ туркмоннинг ўғли Алико ва Хожа Пир Алиларнинг манғлой қилиб жўнатилиши. Уларга қўшин харажатлари учун табризликлардан юз минг динор тўплаш вазифасининг топширилиши. Табризликлар кўтарган қўзғолон оқибатида Пир Алининг ўлдирилиши ва Аликонинг шаҳардан ҳайдаб чиқарилиши. Амирзода Умарнинг Табризга етиб келиши ва Шанби Ғозонда тўхташи. Табризда бир неча кун давомида жанг бўлиши, шу орада амирзода Абу Бакрнинг Табризга келаётганлиги тўғрисидаги хабарни эшитгач, амирзода Умар баҳодирнинг Мароғага қайтиб кетиши-134 бетда.

16. 808/1405-1406 йил жумод ал-аввал ойининг еттинчисидан (31.10.1405) кейинги воқеалар баёнида султон Мағисуддин Улуғбек Кўрагон ва амир Шоҳмаликнинг Андхуд ва Шибирғонга қилган юришлари-136 бетда.

17. 808/1405-1406 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма учинчисида (11.06.1406) Буюк ҳоқоннинг Саййидхожага қарши қўшин тортиши-137 бетда

18. 809/1406-1407 йил рабиъ ал-охир ойининг охиридан (14.09.1406) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг амир Саййидхожа ва унга иттифоқчи бўлган Пир Муҳаммад подшоҳ ибн Луқмон подшоҳ қўшинлари ўртасидаги жанг. Амир

Саййидхожа ва Пир Муҳаммад подшоҳ ибн Луқмон подшоҳнинг жанг майдонини ташлаб қочиши. Буюк ҳоқоннинг Астрободни эгаллаши-138 бетда.

19. 809/1406-1407 йил рамазон ойининг ўн тўртинчисидан (22.02.1407) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммад бўлган фожиадан Саййид Аҳмад Миракнинг Шибирғон атрофларидан Ҳиротга келиши. Буюк ҳоқон амир Мизроб баҳодир, амир Ҳасан Сўфи тархон, амир Нуширвон барлосларни саййид Аҳмад Миракга қўшиб, Пир Али Тозга қарши юбориши-140 бетда.

20. 809/1406-1407 йил рамазон ойида (9.02-11.03.1407) Буюк ҳоқон душманлик йўлини танлаган малик Муҳаммад Сипаҳбади Ғурийни жазолаш учун Ғурга юриш қилиши, аммо фақатгина Исфизоргача бориш билан чекланиши-140-141 бетлар.

21. 810/1407-1408 йилда амир Ҳасан Жондор, Жаҳонмулк ибн Милкат, Намадак, Саодат, амир Юсуф Жалил, Баҳлул Баён Темур[26] ва султон Боязид ибн амир Усмон Аббосларнинг Буюк ҳоқонга қарши душманлик йўлини тутиши[27]. Буюк ҳоқоннинг уларга қарши юриши. Амир Ҳасан Жондорнинг амир Мизроб баҳодирнинг юз-қўлларини жароҳатлаши ва жанг майдонини ташлаб қочиб кетиши. Амир Ҳасан Жондор ва унга бўйсунувчи амирларнинг қочиб кетишлари. Амир Жаҳонмулк ва Намадакларнинг улардан ажралиб чиқиши. Ҳасан Жондорнинг ўз фарзандлари билан амирзода Рустам ҳузурига Исфаҳонга кетиши-142 бетда.

22. 810/1407-1408 йил муҳаррам ойининг ўн тўққизинчисида (26.06.1407) Буюк ҳоқоннинг Пир Али Тоз томонидан кўтарилган исённи бостириш мақсадида Балхга юриш қилиши. Амир Мизроб, амир Ёдгор арлот, амир Жалолуддин Ферузшоҳларнинг Андхудга йўл олишлари. Пир Али Тоз навкарларининг бу хабарни эшитиб, Андхудни ташлаб қочиши. Амирларнинг Андхудни эгаллаб, Балх томонга йўл олиши. Пир Али Тознинг жанг қилмасдан қочиб кетиши. Амирзода саййид Аҳмад Мирак, Ёдгоршоҳ арлот, Нуширвон барлос, Ҳасан Сўфи тархон, амир Чаҳоршанба ва амир Жаҳонмулкларнинг олий фармонга биноан Пир Али Тознинг изидан таъқиб қилишлари ва унинг уғруқини қўлга олишлари. Пир Али Тознинг бир-неча кишилари билан беркинишга муваффақ бўлиши.

---

[26] Абдураззоқ Самарқандийда бу тарихий шахснинг исми шарифи Баҳлул ибн Бобойтемур тарзида берилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.127.

[27] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра бу воқеа 1408 йилнинг 27 апрелида рўй берган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.111.

Буюк ҳоқон Шоҳрух султоннинг сафар ойининг йигирма тўртинчисида жума куни (31.07.1407) Балхда тўхташи[28]-142 бетда.

23. 810/1407-1408 йил жумод ас-соний (жумод ал-охир) ойининг ўн саккизинчисида (20.11.1407) Буюк ҳоқоннинг Мозандаронга қарши иккинчи марта юриш қилиши-143 бетда.

24. 810/1407 йилда амирзода Абу Бакр томонидан Қазвиннинг ишғол этилиши. Амирзода Абу Бакрнинг Султонияга йўл олиши, икки кечадан сўнг эса Ардабилга келиши. Жумод ал-аввал ойининг ўн еттинчисида чоршанба куни (20.10.1407) Ардабилни ғорат қилгач, ўз уғруғига келиб қўшилиши ва Мароға томон йўл олиши. Мароғани ишғол қилиб, уни ғорат қилиши. Жумод ал-охир ойининг еттинчисида (9.11.1407) Курдистоннинг Чумчалига[29] қараб йўл олиши ва ўша ерда қишлов қилиши. Амирзода Абу Бакр ўз қўшинини Курдистоннинг атрофидаги ҳудудларни ғорат қилиши учун юбориши-144 бетда.

25. Амирзода Абу Бакр баҳодирнинг Табризга йўл олиши ва 810/1407-1408 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчисида шанба куни (21.04.1408) туркмон Қаро Юсуфнинг қўшинлари билан тўқнаш келиши[30]. Улар ўртасида бўлиб ўтган шиддатли жанг чоғида амирзода Амирон Шоҳ Кўрагоннинг ўлдирилиши-144 бетда.

26. 810/1407-1408 йил рабиъ ас-соний ойининг охирларидан (3.10.1407) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммаднинг Шероздан Хузистонга юриш қилиши. Амирзода Пир Муҳаммад Хузистонга яқинлашган вақтда, Дизфулдан Саййид Барлос, Ҳувайзадан Шайхзода ва Шуштардан (Шустар) Тукал каби номдор оилаларнинг амирзода қаршисига пешвоз чиқишлари ҳамда доимо итоатда бўлишга ваъда беришлари ва бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари. Амирзода Пир Муҳаммаднинг юриш даврида Шуштар (Шустар), Дар ал-амарада Салосил қалъаси, Дизфул, Ҳувайза, Чаҳордонга дарёси қирғоқларигача етиб бориши ва ердан яна Шуштар шаҳрига қайтиб келиши. Бир гуруҳ

[28] Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, Шоҳрух мирзо сафар ойининг йигирманчисида (27.07.1407) Балхнинг Қабқар деб номланган ҳудудида тўхтаган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.121.

[29] Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра бу мавзе номи Жийжамол шаклида берилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.132.

[30] Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, бу тўқнашув Сардруд манзилида рўй берган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.132.

амирларнинг амирзода томонидан Бағдод атрофларига ҳужум уюштириш учун манғлой сифатида юборилиши ва об-ҳавонинг ноқулай келиши муносабати билан кўпгина навкарларнинг бетоб бўлиб қолишлари-145 бетда.

27. 810/1407-1408 йил воқеалари баёнида амирзода Рустам баҳодирнинг амир Али тархон ва амир Шоҳмалик қўшинининг манғлойида Шоҳрухия томон йўл олиши[31]-146 бетда.

28. 810/1407-1408 йилда Буюк ҳоқоннинг Сеистонга юриш қилиши ва Зараҳгача етиб келиши-146 бетда.

29. 810/1407-1408 йилда Исфаҳон дарвозаси ёнида амирзода Искандар баҳодир ва Султон Увайснинг қизи томонидан набираси Султон Муътасим ибн Султон Зайнулобидин ибн Шоҳ Шужоъ ўртасида бўлиб ўтган жанг. Муътасимнинг мағлубиятга учраши. Муаллиф бу воқеаларни китобнинг 157-бетида 812/1409-1410 йил воқеаларида ҳам қайд этиб ўтган-147/157 бетлар.

30. 810 йил зу-л-ҳижжа ойининг биринчисида (28.04.1408) Самарқанддан амир Шайх Нуруддиннинг душманлик йўлини танлаганлиги ҳақидаги хабарнинг етиб келиши. Зу-л-ҳижжа ойининг ўн бешинчисида якшанба куни (12.05.1408) амирзода Улуғбек Кўрагон ва амир Шоҳмаликнинг катта қўшин тўплаб, амир Шайх Нуруддин қўшинларига қарши чиққанликлари ва мағлубиятга учрашганликлари. Буюк ҳоқоннинг бу воқеадан хабар топиши ва амир Мизроб баҳодир, амир Юсуф хожа, амир Барлос ва бошқа қўшин амирларига бу фитнани бартараф қилиш учун йўлга чиқишларига буйруқ бериши-148 бетда.

31. 811/1408-1409 йил шаъбон ойининг охиригача (18.01.1409) бўлган воқеалар баёнида амирзода Рустам ва амир Шоҳмаликнинг Зараҳга кириши. Бу вилоят ва бутун давлат {Сеистон} ер билан яксон қилиниши[32]-149 бетда.

32. 811/1408-1409 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирманчисидан (13.05.1409) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммаднинг ўғли амирзода Умар Шайхни Хузистонни истило қилиш учун юбориши. Амирзода Хузистонга яқинлашган вақтда, Дизфулдан Саййид Барлос, Ҳувайзадан Шайхзода ва Шуштардан

---

[31] Абдураззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, улар билан биргаликда амир Нуширвон ҳам юборилган ва бу воқеа 812/ 1409-1410 йилда рўй берган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.156.

[32] Фасиҳ Хавофий томонидан бу воқеа 810/1407-1408 йиллардаги тарих баёнида ҳам келтирилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, мирзо Рустам Шоҳрух мирзонинг фармонига мувофиқ амир Мизроб билан 811/ 1409-1410 йилда Зараҳ вилоятига бориб, у ерни харобазорга айлантирганлар. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.144.

Тукал каби номдор оилаларнинг амирзода қаршисига пешвоз чиқишлари ҳамда доимо итоатда бўлишга ваъда беришлари ва бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари. Уларга ҳам Буюк ҳоқон томонидан иззат-икром кўрсатилиши ва амирзоданинг хос амирлари қаторига қўшилишлари. Амирзода Пир Муҳаммаднинг Шуштар шаҳрига йўл олиши ва Салосил қалъасида Дар ал-амарада тўхташи, икки-уч кун ўтгач Дизвулга ва у ердан эса яна икки-уч кун ўтгач, Ҳувайзага йўл олиши. Амирзоданинг Чаҳордонга дарёси қирғоқларигача етиб бориши ва ердан яна Шуштар шаҳрига қайтиб келиши. Бир гуруҳ амирларнинг амирзода томонидан Бағдод атрофларига чопқин уюштириш учун манғлой сифатида юборилиши ва об-ҳавонинг ноқулай келиши муносабати билан кўпгина навкарларнинг бетоб бўлиб қолиши. Шоҳрух Баҳодирхоннинг амирзода Пир Муҳаммадга амирзода Искандар тўғрисида фармойиш юбориши. Бу фармойишда Шоҳрух Баҳодирхон амирзода Пир Муҳаммаддан Шерозга келаётган укаси амирзода Искандарга меҳрибончилик кўрсатиб, ўзига қарашли ҳудудлардан бирор вилоятни суюрғол сифатида беришини сўраши. Амирзода Искандарнинг кечқурун рамазон ойининг йигирма олтинчисида (12.02.1409) Шерозга қайтиб келиши. Амирзода Пир Муҳаммаднинг укасини иззат-икром билан кутиб олиши ва амирзода Искандарнинг ҳам акасининг ҳурматини жойига қўйиши-150-151 бетлар.

33. 812/1409-1410 йилда Буюк ҳоқоннинг фармойишига кўра, амир Шоҳмалик, амир Ҳасан Сўфи тархон ва амир Алоуддин Алика кўкалтошларнинг амирзода Халил Султонни Ҳиротга олиб келишлари. Амирзода Халил Султон баҳодирнинг хос вазирларидан Хожа Рукниддин Алоуддин Симноний, мавлоно Шамсуддин Муҳаммад сағирчи, Хожа Музаффар Арғун, Хожа Али Симноний, Хожа Аҳмад Тусий ва Хожа Сирожиддин Салмонийларнинг ҳибсга олиниши. Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра, Самарқандни бошқариб туриш учун қолдирилган амир Фармоншайх амирлардан Арғуншоҳ ахточини ва амир Ҳожи Сайфуддиннинг укаси Оллоҳдодларни қатл этиши керак эди. Амирларнинг Самарқандда қатл этилиши ва мол-мулкларининг девон ихтиёрига ўтказилиши. Улар амирзода Халил Султоннинг девон амирлари эди-153-154 бетлар.

34. 812/1409-1410 йил шаввол ойининг иккинчисида сешанба кунидан (7.02.1410) кейинги воқеалар баёнида амирзода Рустам баҳодир, амир Али

тархон, амир Шоҳмалик ва амир Нуширвон барлосларнинг манғлой сифатида Шоҳрухияга жўнатилиши[33]-153 бетлар.

35. 812/1409-1410 йил шаввол ойининг иккинчисида сешанба (7.02.1410) кунидан кейинги воқеалар баёнида амирзода Аҳмад ва унинг укаси амирзода Бойқаро, амир Султоншоҳ барлос, амир Ҳасан Сўфи тархонларнинг Хўжандга равона бўлиши-153 бетлар.

36. 812/1409-1410 йил воқеалари баёнида амирзода Искандарнинг Исфаҳонни қамал қилиши. Қози Низомиддин Аҳмад Соидийнинг шаҳарни амир Муътасимга топшириб, манғлой тарзида юборилган амирзода Искандарнинг амирларини киргизмаслиги. Кейинчалик, эса Чаҳордонга ва Дудонга аҳолисини ҳам ўз томонига оғдириб олиб, амирзода Искандарнинг ўзини ҳам шаҳарга киргизмаслиги. Зу-л-қаъда ойининг ўн бешинчисида (21.03.1410) амирзода Искандарнинг Абдусамад амир Ҳожи Сайфуддинни Варзанани ва амир Саъидни Журбодқонни қўлга киритиш учун юбориши. Яздни босиб олиши ва ўзига бўйсундириши; Амирзода Искандар томонидан Шоҳрух Баҳодирга элчининг юборилиши. Элчи орқали юборилган номада амирзода Искандар ўз тадбирлари тўғрисида маълумот бериб, саройда хизмат қилаётган биродарларидан бирортасини унга кўмак бериш учун жўнатишларини сўраши. Шоҳрух Баҳодирхоннинг амирзода Искандарнинг илтимосини қондириб, амирзода Бойқарога қўшин бериб, акаси олдига жўнатиши-156-157 бетлар.

37. 812/1409-1410 йил зу-л-ҳижжа ойининг охирида (6.05.1410) Ҳиротга Самарқанддан қуйидагича хабарнинг келиши. Яъни амир Шайх Нуруддин ўзининг душманлик аломатларини кўрсатиб, катта қўшин тўплаши ва зу-л-ҳижжа ойининг ўн бешинчисида якшанба куни (20.04.1410) амир Шоҳмалик билан уруш ҳаракатларига кириши. Маҳдумзода Улуғбек Кўрагон ва амир Шоҳмалик қўшинларининг мағлубиятга учраши ҳамда Вафодорнинг асирга олиниши. Бу воқеалардан воқиф бўлган Шоҳрух Баҳодирхоннинг шу муаммони ижобий ҳал этиш учун амир Мизроб баҳодир, амир Тукал барлос, амир Ёдгоршоҳ арлот, амир Нуширвон барлос, амир Муҳаммад Сўфи тархон, амир Юсуфхожа ибн амир Шайх Али баҳодир, Ажабшер ва бошқа туман амирлари ҳамда қўшинларни зудлик билан йўлга тушириб, то ғалаба эришмагунча чегаранинг нариги томонига бориб жойлашиши ҳақида фармон бериши-157-158 бетлар.

[33] Фасиҳ Хавофий томонидан бу воқеа 810/1407-1408 йил маълумотларида ҳам келтирилган.

38. Шайх Нуруддиннинг фитна кўтарганини эшитган Буюк ҳоқоннинг фитнани бостириш мақсадида 813/1410-1411 йил муҳаррам ойининг ўн тўртинчисида (19.05.1410) Самарқандга томон йўлга чиқиши ва сафар ойининг ўн еттинчисида (21.06.1410) кечувдан ўтиши. Амир Шайх Нуруддиннинг Самарқандни қамал қилишни тўхтатиб, Шоҳрух билан жанг қилишга отланиши. Шоҳрух Баҳодирхон олий ўрдугоҳига амирзода Аҳмад, амир Шоҳмалик ва Самарқанднинг обрўли кишиларининг келиб қўшилиши. Рабиъ ал-аввал ойининг тўққизинчисида шанба куни (12.07.1410) улар ўртасида бўлиб ўтган жанг ва Шайх Нуруддиннинг мағлубиятга учраб қочиши. Шоҳрухнинг рабиъ ал-аввал ойининг ўн биринчисида душанба куни (14.07.1410) Самарқандга ташриф буюриши ва сафар ойининг йигирма еттинчисида пайшанба куни (30.07.1410) Ҳиротга қайтиш учун йўлга тушиши. Буюк ҳоқоннинг рабиъ ас-соний ойида (3.08-1.09.1410) Самарқандга қайтиб келиши -158-159 бетлар.

39. 814/1411-1412 йилда амир Шайх Нуруддиннинг гиж-гижлаши туфайли Муҳаммадхоннинг катта қўшин билан Самарқандга томон отланганлиги хабарини эшитган Буюк ҳоқоннинг Мовароуннаҳрга томон отланиши ва рабиъ ал-аввал ойининг сўнгги куни чоршанба кунида (22.07.1411) Боғи Мухторга етиб келиши ва Бодғисда тўхташи. Буюк ҳоқоннинг Бодғисда турган чоғида Муҳаммадхоннинг Янги мавзесига келгач, амир Шоҳмаликка элчи орқали мактуб жўнатиши. Муҳаммадхоннинг мактубда амир Шоҳмаликка амир Шайх Нуруддин билан тинчлик сулҳини тузишга чақириши ва ўз ҳудудига қайтиб кетиши. Бу хабарни эшитган Буюк ҳоқоннинг Хуросонга қайтиб кетишга жазм этиши ва бу орада Буюк маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг амир Шоҳмаликнинг ҳаракатларидан норозига эканлиги тўғрисидаги миш-мишларнинг етиб келиши. Бу хабарнинг қай даражада тўғрилигини текшириш учун Самарқандга амир Сейди Али тархоннинг жўнатилиши. Сейди Али тархоннинг Самарқандга ташриф буюрган вақтида амир Шоҳмаликнинг амир Шайх Нуруддин билан жанг қилиш мақсадида жўнаб кетганлиги. Амир Сейди тархоннинг олий ўрдуга қайтиб келиши ва бу ҳақида Буюк ҳоқонга хабар бериши. Буюк ҳоқоннинг Ҳиротга қайтиб кетиш фикридан қайтиши ва рабиъ ал-охир ойининг йигирма биринчисида (12.08.1411) Омуядан кечиб ўтиши. Маҳдумзода Улуғбек ва Самарқанднинг эътиборли кишиларининг Қашқо мавзесида Буюк ҳоқонни кутиб олишлари. Буюк ҳоқоннинг Амир Соҳибқирон сағанасини зиёрат қилиши ва у ердан Конигилга кетиши-162 бетда.

40. 815/1412-1413 йил жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида жума кунидан (18.08.1412) кейинги воқеалар баёнида амирзода Искандарнинг Қум шаҳрини забт этиши ва вазири Музаффар Фароқонийнинг ҳийласи ёрдамида Хожа Муҳаммад Қумийнинг ҳибсга олиниши ва қатл этилиши-165 бетда

41. 815/1412-1413 йил муҳаррам ойидан (13.04-13.05.1412) кейинги воқеалар баёнида Шоҳрух Баҳодирхоннинг амир Мирзоб баҳодир, амир Саййид Али тархон, амир Жалолуддин Ферузшоҳларни маҳдумзода Иброҳим Султон баҳодир бошчилигида Бадахшонга қўшин юборилиши. Буюк ҳоқон бу ўлка бошқарувини Бадахшоннинг аввалги шоҳи Баҳоуддин Бадахшонийнинг укаси Маҳмудшоҳга бериши. Олий ҳукмдор фармонига кўра, шоҳ Маҳмуднинг амирзода Ийжалга бўйсуниши белгилаб қўйилиши-165 бетда.

42. 816/1413-1414 йил ражаб ойининг ўн саккизинчисида якшанба кунидан (14.10.1413) кейинги воқеалар баёнида амирзода Искандарнинг душманлик изҳор этиши. Ўзининг номини хутбага қўшиб ўқитиши ва танга зарб эттириши. Амирзода Искандарнинг шоҳ Қутбуддинни ўзига иттифоқчи бўлишига кўндириш учун Кофий Исломни Сеистонга юбориши. Шоҳ Қутбуддиннинг Кофий Исломни ҳибсга олиб Ҳиротга юбориши. У ердан эса Кофий Исломни Шоҳрух Баҳодирхон олдига Мозандаронга жўнатилиши. Амирзода Искандарнинг Қаро Юсуфга қарши урушга отланиши. Ўша вақтда Қаро Юсуфнинг бетоб бўлиб қолиши ва Табризга қайтиб кетиши. Амирзода Искандарнинг жанг қилмай, Исфаҳонга йўл олиши-166-167 бетлар.

43. 817/1414-1415 йил муҳаррам ойининг ўн тўртинчисида чоршанба куни (5.04.1414) Буюк ҳоқоннинг Ироқ томонга йўл олиши-168 бетда.

44. 818/1415-1416 йил жумод ал-охир ойининг ўн еттинчисида (24.08.1415) Буюк ҳоқоннинг Форсга қарши иккинчи юришининг бошланиши. Қўшиннинг тўққизинчи шаъбонда (14.10.1415) Қум атрофларида, ўн тўртинчи шаъбонда (19.10.1415) Кошонда, йигирма биринчи шаъбонда (26.10.1415) Исфаҳонда ва учинчи рамазонда (6.11.1415) Шерозда бўлиши-173 бетда.

45. 818 йил шаввол ойининг бешинчисидан (8.12.1415) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг Кермонга қайтиши ва Сиржонга етиб келиши. Буюк ҳоқоннинг Кермонга қўшин юбориши ва Сиржон қалъасини шахсан ўзи қамал қилиши. 819/1416-1417 йил рабиъ ал-охир ойининг бошларида (29.05.1416) бўлиб ўтган воқеалар баёнида Шоҳрух Баҳодирнинг қўшинни Кермонга йўналтириш тўғрисида буйруқ бериши-174-176 бетларда.

46. 819/1416-1417 йил муҳаррам ойининг бошида (1.03.1416) маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг Мўғулистонга юриш қилиши ва муҳаррам ойининг ўн саккизинчисида (18.03.1416) Хўжанд дарёси бўйига етиб келиши. Маҳдумзода Улуғбекнинг муҳаррам ойининг охирларида (30.03.1416) Сайҳун дарёси орқали қурилган кўприкдан ўтиши ва сафар ойининг йигирма учинчисида (22.04.1416) Самарқандга қайтиб келиши. Ўша вақтда амирзода Аҳмад ибн амирзода Умар Шайх баҳодирнинг амирзода Улуғбек Кўрагондан кўнгли қолиши ва Кошғарга кетиши. Амирзода Аҳмаднинг Шайх Али Тағойини шу шаҳарга ноиб этиб қолдириши. Шайх Али Тағойининг маҳдумзода Улуғбекка ўз одамини жўнатиб "Агар менинг гуноҳимдан ўтсангиз, шаҳарни сиз истаган кишига топшириб, ўрдугоҳга келаман" - деб хабар юбориши. Шунга кўра, буюк маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг амир Сиддиқ ва Али Камритларни Кошғарга юбориши.[34] Шайх Алининг уларга Кошғарни тақдим этиши ва ўзи эса Самарқандга келиб, катта эътибор ва эҳтиромга эга бўлиши-176-177 бетларда

47. 819/1416-1417 йил воқеалари баёнида Буюк ҳоқон ҳузурига Шоҳ Некпайшоҳнинг ташриф буюриши ва Бадахшонни бошқариш учун қайтадан тайинланган Шоҳ Маҳмуднинг устидан арз қилиши. Шу сабабдан жумод ас-соний ойининг ўн тўртинчисида (9.08.1416) Буюк ҳоқон томонидан маҳдумзода амирзода Суюрғатмиш баҳодирнинг Бадахшонга юборилиши-177 бетда.

48. 819/1416-1417 йилда Бахлул барлос ва амирзода Қайду баҳодир ўртасида ихтилофларнинг келиб чиқиши. Бахлул барлос амирзода Қайду баҳодирнинг ўрнига тахтга унинг укаси Санжарни чиқариши ва амирзода Қайдунинг қочиб кетишга мажбур бўлиши. Буюк ҳоқоннинг амирзода Қайду баҳодирга кўмак бериш учун амир Нуширвон барлос, амир Ҳамза қатуқу ва қавчинлар бошчилигида ўн минг қўшиннинг юбориши. Бу ёрдам тўғрисидаги хабар Баҳлулга етиб боргач, Баҳлулга хизмат қилиб юрган амирзода Қайдунинг баъзи навкарларининг ундан қочиб кетишлари ва яна амирзода Қайдунинг хизматига қайтиб боришлари. Кўмак бериш учун юборилган амирлар ёрдами билан амирзода Қайду баҳодирнинг тахтга қайта ўтириши. Баҳлул барлос ва Ҳасан ахточиларнинг Шоҳрух Баҳодир ҳузурига раҳм-шафқат сўраб боришлари. Шоҳрух Баҳодирнинг уларнинг гуноҳидан кечиши-177 бетда.

---

[34] Фасиҳ Хавофийда Али Камрит шаклида келтирилган тарихий шахснинг исми шарифи Абдураззоқ Самарқандийда Али Такрит тарзида баён этилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.313.

49. 820/1417-1418 йил шаъбон ойининг йигирма учинчисида (5.10.1417) Буюк ҳоқоннинг Қандаҳорга ташриф буюриши ва маҳдумзода Бойсунғур баҳодирни қўшин билан ҳазораларга томон манғлой сифатида жўнатиши. Шаъбон ойининг йигирма еттинчисида (9.10.1417) мавлоно Садруддин Иброҳим садрнинг ҳазоралар номидан Буюк ҳоқоннинг ўрдугоҳига келиши ва ўзи билан бирга ҳазораларнинг сардорлари ва амирларидан Муҳаммад Феруз, Хожа Ором, Қадам ва бошқаларни ҳам олиб келиши. Буюк ҳоқоннинг маҳдумзода Бойсунғур баҳодирга чопар юбориб, ҳазораларнинг йўлбошчилари келганлиги туфайли юришни тўхтатиб туришга фармон бериши-180-181 бетларда.

50. 821/1418 йил рамазон биринчисигача (2.10.1418) бўлган воқеалар баёнида Буюк Султон Улуғбек Кўрагоннинг Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра Бадахшонни фатҳ этишга юборилган амирларга кўмак бериш мақсадида беш минг кишилик қўшин юбориши-181-182 бетларда.

51. 823/1420 йилда Буюк ҳоқоннинг Боғи Зоғондан Озарбайжон юришига отланиши ва шаъбон ойининг ўн бешинчисида душанба куни (25.08.1420) туркмонлар қўшинини тор-мор келтириши. Унинг Кўли Моғонга етиб келиши ва у ердан амир Шоҳмалик баҳодир хоразмшоҳ ва амир Ҳасан Сўфи тархонларни манғлой сифатида юбориши-186 бетда.

52. 823/1420 йил рамазон ойининг йигирма учинчисида шанба куни (1.10.1420) Шоҳрухнинг фармонига кўра, султонзода Бойсунғурнинг манғлой сифатида Нишопурдан чиқиб, Озарбайжон юришида қатнашиши-186 бетда.

53. 823 йил шаввол ойининг йигирма биринчисида чоршанба куни (19.10.1420) Иброҳим Султон баҳодир Форс қўшини билан Буюк ҳоқоннинг Озарбайжон юришида қатнашиш учун Варомин ҳудудига қарашли Байа[35] мавзесида жойлашган қўшинига келиб қўшилиши-187 бетда.

54. 823/1420 йил зу-л-қаъда ойининг ўн биринчисида (17.11.1420) Бойсунғурнинг манғлой сифатида Табриз томонга йўл олиши-188 бетда.

55. 823/1420 йил зу-л-ҳижжа ойининг ўн олтинчисида якшанба куни (22.12.1420) кейинги воқеалар баёнида амирзода Иброҳим Султон баҳодирнинг Форс қўшини билан Сижос йўли бўйлаб Мароға томонга қараб йўл олиши ва 824/1421 йил муҳаррам ойининг охиригача (4.02.1421) бўлган воқеалар баёнида

[35] "Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн" манбасининг изоҳида, "Зубда"да Моҳа ҳудуди эканлиги таъкидлаб ўтилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.594.

Мароғага томон йўл олган амирзода Иброҳим Султон баҳодирнинг Арроннинг Қаробоғига етиб келиши-188-190 бетларда.

56. Буюк маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг 823 йил жумод ал-охир ойининг ўрталарида (27.06.1420) Мўғулистонга юриш бошлаши. Мўғулистондан вакил келиши ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаб кетиши. Ражаб ойининг биринчисида (12.07.1420) амирзоданинг Самарқандга қайтиб келиши. Ўша куни Самарқандда амирзода Абдуллоҳ ибн амирзода Улуғбекнинг таваллуд топиши. Ражаб ойининг олтинчисида якшанба куни (17.07.1420) амирзода Улуғбек Кўрагон ҳузурига Самарқанддан Мўғулистондан Шер Муҳаммад ўғлон, Сориқ ўғлон, Садр Ислом Бошлиғларнинг ташриф буюриши. Шер Муҳаммад ўғлон, Сориқ ўғлон ва Садр Исломларнинг Самарқанддан қочиб кетишлари. Амирзода Улуғбек Кўрагоннинг шаввол ойининг ўн иккинчисида (20.10.1420) қочоқларнинг изидан шахсан йўлга тушиши ва қўлга тушириб Самарқандга олиб келиши. Амирзоданинг зу-л-ҳижжа ойида (7.12.1420-6.01.1421) асирларнинг гуноҳларига қарамай шафқат қилиб, меҳрибонлик кўрсатиши ва Мўғулистонга кетишларига изн бериши. Шер Муҳаммад ўғлонга ҳам подшоҳона яроғ-аслаҳалар ҳадя этилиб, ўз вилоятига юборилиши-189-190 бетларда.

57. 824/1421 йил шаъбон ойининг бешинчисигача (5.08.1421) бўлган воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг Искандар ибн Қаро Юсуф, Саъднинг ўғиллари ва туркмон амирлари билан Олтин Бахши[36] деб аталадиган Олашгирд мавзесида жанг қилишлари. Бу жангда Саъднинг ўғли Пир Муҳаммад Саъд ва набираси Парва ибн Пир Муҳаммадларнинг асирга олиниши ва қатл этилиши-191 бетда.

58. 824/1421 йил рабиъ ас-соний ойининг тўққизинчисида шанба куни (13.04.1421) Ёр Аҳмад Қаромоннинг Бардаъ ва Ганжада исён кўтариши. Султонзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг рабиъ ас-соний ойининг ўн иккинчисида сешанба куни (16.04.1421) исённи бостириш учун Қарокумаклик Ёр Аҳмаднинг қалъасига томон йўлга тушиш. Рабиъ ас-соний ойининг ўн тўққизинчисида (23.04.1421) Ёр Аҳмаднинг қалъадан олиб чиқилиши ва султонзоданинг ҳузурига олиб келиниши. Шу ойнинг йигирма еттинчисида (1.05.1421) Ҳасанхоний манзилида султонзоданинг Буюк ҳоқоннинг ўрдугоҳига келиб қўшилиши[37]. Ёр Аҳмаднинг кишанланган ҳолда Буюк ҳоқон ҳузурига олиб келиниши-191 бетда.

---

[36] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, тўқнашув Яхши деб аталадиган мавзеда бўлиб ўтган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.401.

[37] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра бу воқеа рабиъ ал-охир ойининг сўнггида (3.05.1421) бўлган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс

59. 842/1421 йил рамазон ойининг биринчи кунидан (30.08.1421) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг Озарбайжон юришида иштирок этган амирзода Рустам бошчилигидаги Исфаҳон қўшинининг қайтишга рухсат берилиши-192-193 бетларда.

60. 825/1421-1422 йил шаъбон ойининг йигирма еттинчисигача (16.08.1422) бўлган воқеалар баёнида Иброҳим Султон баҳодирнинг Шуштар ва бутун Хузистонни забт этиши-194 бетда.

61. 828/1424-1425 йил саккизинчи ҳут, яъни рабиъ ал-аввал ойининг йигирма еттинчи куни (16.02.1425) маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг Мўғулистонга юриш бошлаши. Маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг амир Луқмон, Абук Бузург, Шоҳ Вали ва Увайс қавчинларни манғлой сифатида юбориши. Рабиъ ал-охир ойининг ўн тўртинчисидан (5.03.1425) кейинги воқеалар баёнида маҳдумзода Улуғбекнинг Шер Муҳаммад ўғлон билан тўқнашуви. Шер Муҳаммаднинг жанг майдонидан қочиб кетиши ва Улуғбек Кўрагоннинг соғ-саломат Самарқандга қайтиб кетиши. Унинг ўзи билан қош тошини олиб келиши. Ўз вақтида бу тошни Самарқандга олиб келиш учун Амир Соҳибқирон томонидан бир неча минг киши ажратилиб, бу вазифа амир Жаҳон ибн амир Жокуга юклатилган бўлсада, тошни олиб келиш имконияти бўлмаган эди. Бу тош ўз даврида Хитой ҳукмдорлари томонидан юборилган эди. Улуғбек Кўрагоннинг бир неча кун давомида Самарқандда бўлиши ва зу-л-ҳижжа ойининг ўн бешинчисида (28.10.1425) эса Ҳиротда Шоҳрух Баҳодирнинг қабулига мушарраф бўлиши. Зу-л-ҳижжа ойининг йигирма саккизинчисида (10.11.1425) эса амирзоданинг Ҳиротдан йўлга тушиши ва бир ҳафта давомида Самарқандга етиб келиши. Улуғбек Кўрагон билан амирзода Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг ҳам Самарқандга ташриф буюриши-197-198 бетларда.

62. 830/1426-1427 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн еттинчисида шанба куни(15.02.1427) маҳдумзода Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг Бурoқга қарши юриш қилишга шайланаётган маҳдумзода Улуғбек Кўрагонга мадад бериш мақсадида Ҳиротдан Самарқандга жўнаб кетиши-201 бетда.

63. 830 йил шаъбон ойининг учинчисида жума куни (30.05.1427) маҳдумзода Бойсунғурнинг Улуғбек Кўрагонга Бурoқ ўғлон билан юзага келган келишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам бериш учун Балхдан Самарқандга йўл

тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.393.; “Зубдат ут-таворих” да бу воқеа рабиъ ал-аввал ойининг йигирма олтинчисида (30.04.1424) бўлганлиги қайд этилган. Қаранг: Ўша манба, – Б.600.

олиши. Рамазон ойининг йигирма биринчисида (16.07.1427) эса Самарқанддан қайтиб келиши ва Ҳиротдаги Боғи Сафидга келиб тушиши-201-202 бетларда.

64. 830/1426-1427 йил шаъбон ойининг биринчисида сешанба куни (28.05.1427) Буюк ҳоқоннинг Бурoқ ўғлон билан юзага келган келишмовчиликларга барҳам бериш учун Самарқандга йўл олиши ва 831 йил муҳаррам ойининг ўн биринчисида жума куни (1.11.1427) эса Ҳиротга қайтиб келиши -201-202 бетлар.

65. 832/1428-1429 йил ражаб ойининг бешинчисида якшанба куни (10.04.1429) Шоҳрух Баҳодирхоннинг Озарбайжонга қарши иккинчи юришининг бошланиши. Рамазон ойининг йигирма биринчисида жума куни (24.06.1429) Султония қалъасининг қайтадан забт этилиши. Чунки, Султония қалъасини Искандар ибн Қаро Юсуф Хожа Юсуф ибн амир Илёсхожа баҳодирдан тортиб олган эди. Зу-л-ҳижжа ойининг йигирма бешинчисида якшанба куни (25.09.1429) Буюк ҳоқон ва Искандар ибн Қаро Юсуф қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг. Искандарнинг жанг майдонини ташлаб Салмос мавзесига қочиб кетиши-203 бетда.

66. Маҳдумзода Иброҳим Султон баҳодирнинг Шероздан Ҳўрмуз томон йўл олиши. Манужон қалъасининг қамал қилиниши. 832/1428-1429 йил муҳаррам ойининг ўн тўққизинчисида якшанба куни (29.10.1428) амирзоданинг ярашбитимини имзолаб орқага қайтиши-204 бетда.

67. 833/1429-1430 йил рамазон ойининг иккинчисида жума куни (25.05.1430) марҳум султонзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг Уланги Ўлжой-хотундан Табризга йўл олиши. Табризда туркмонлар томонидан барпо этилган биноларнинг вайрон қилиниши-204 бетда.

68. 834/1430-1431 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида (26.09.1430) Буюк ҳоқоннинг Ҳиротга Табризга қилинган иккинчи юришдан қайтиши-206 бетда

69. 838/1434-1435 йил рабиъ ас-соний ойининг иккинчисида пайшанба куни (5.11.1434) вабо тарқаб улгурмасидан олдин Буюк ҳоқоннинг Озарбайжонга қарши учинчи юришининг бошлаши-212-213 бетлар.

70. 840/1436-1437 йил рабиъ ас-соний ойининг иккинчи кунида (14.10.1436) амирзода Рукниддин Алоуддавла баҳодир султоннинг Озарбайжонга қилинган учинчи юришдан Ҳиротга қайтиб келиши-215 бетда.

## VIII. Темурий мирзоларнинг тахт учун ўзаро ва бошқа сиёсий кучлар билан курашларига доир маълумотлар:

1. 790/1388 йилда Амир Темур Кўрагонга қарши фитна уюштирган куёви амир Муҳаммаднинг[38] Амир Темур Кўрагон фармойишига кўра амирзода Умар Шайх баҳодир томонидан қатл этилиши – 112 - 113 бетда.

2. 807/1404-1405 йил шаввол ойининг йигирма иккинчисида (23.04.1405) амирзода Умар баҳодир томонидан акаси Абу Бакрнинг ҳибсга олиниши ва Султония қалъасига қамаб қўйилиши - 129 бетда.

3. 807 йил шаввол ойининг йигирма иккинчи кунидан (23.04.1405) кейинги воқеалар баёнида тожу-тахтга эришиш мақсадида амирзода Султон Ҳусайннинг Амударё бўйида амирзода Халил Султоннинг амирларини ҳибсга олиши ва унга хизмат қилишга қасамёд қилган амир Темурхожа Оқ Буқо, амир Хожа Юсуф, амир Оллоҳдод, амир Мубашшир, амир Арғуншоҳ ва амир Саодатларнинг қатл этилиши[39] - 130 бетда.

4. 807 йил зу-л-ҳижжа ойининг охирида (29.06.1405) амирзода Султон Ҳусайннинг амирзода Халил Султон баҳодирга қарши Кеш даштига қарашли Жикдолик мавзесида жанг қилиши ва амирлар Арғуншоҳ ва Оллоҳдодларнинг ўз туманлари билан амирзода Халил Султон баҳодир қўшинига қўшилиб кетиш муносабати билан мағлубиятга учраши ва жанг майдонини ташлаб чиқишга мажбур бўлиши-131 бетда.

5. 808 йил сафар ойининг иккинчисида чоршанба кунидан (30.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Абу Бакрнинг ҳибсдан қочиши ва отаси Амирон Шоҳ Кўрагонга бориб қўшилиши. Амирзода Абу Бакр отасининг Султон Алини Шоҳрухнинг амирларига бериб юборганини эшитгач, жуда қаттиқ ранжиши ва отасига: “Бу воқеадан кейин ҳеч ким Хуросонда бизга ишонмайди” - деб айтиши. Мирзоларнинг Хуросон йўлидан қайтиб, Озарбайжон томон йўл олишлари – 132 - 133 бетлар.

6. 808/1405-1406 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида (6.07.1405) бўлиб ўтган воқеалар баёнида амирзода Халил Султон баҳодирнинг амирзода Султон Ҳусайн ўртасида бўлган жангдан ғалаба билан Самарқандга қайтиши - 133 бетда.

7. 808/1405-1406 йил муҳаррам ойининг саккизинчисида (6.07.1405) амирзода Султон Ҳусайн билан бўлган жангдаги ғалабадан кейин амирзода Халил

---

[38] Манбада эслатиб ўтилган амир Муҳаммад амир Темурнинг қизларидан бири Султонбахт бегимнинг биринчи турмуш ўртоғи - муаллифлар.

[39] Абдураззоқ Самарқандийда бу воқеа 808/1405-1406 йилда бўлганлиги, амир Темурхожа ва Хожа Юсуфдан ташқари бошқа амирлар қатл этилмаганлиги қайд этиб ўтилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.81.

Султоннинг Самарқандга қайтиб келиши. Амирзода Султон Ҳусайннинг эса бу мағлубиятдан, сўнг Андхуд ва Шибирғон атрофларида буюк амир Сулаймоншоҳга келиб қўшилиши. Амирзода Пир Муҳаммад Балхда турган вақтида бу ҳақида хабар топиши ва уларга қарши юриши. Амирзода Пир Муҳаммадга қарши чиқишга кучлари етарли бўлмаганлиги сабабли амирзода Султон Ҳусайн ва буюк амир Сулаймоншоҳларнинг доруссалтана Ҳиротга Шоҳрух Баҳодирхон олий ўрдугоҳига томон йўл олишлари - 133 бетда.

8. 808 йил зу-л-қаъда ойининг биринчисида чоршанба куни (20.04.1406) Даргузин мавзеси атрофларида амирзода Пир Муҳаммад баҳодирнинг амирзода Умар баҳодир, укалари амирзода Рустам ва амирзода Искандарлар билан мустаҳкамланган қўшинининг амирзода Абу Бакрнинг қўшинига тўқнаш келиши. Ҳар иккала томондан тўрт минга яқин отлиқ ва пиёда аскарлар ҳалок бўлган жангда амирзода Абу Бакрнинг ғалаба қозониши -135 бетда.

9. 808 йил зу-л-қаъда ойининг биринчисида чоршанба кунидан (20.04.1406) кейинги воқеалар баёнида амирзода Абу Бакр уғруқини талон-тарож қилган амирзода Рустамга қарши Исфаҳонга юриш қилиши. Исфаҳонликларнинг амирзода Абу Бакр Баҳодир билан жанг қилишлари. Амирзода Умар ва шаҳзодаларнинг амирзода Абу Бакрга қарши жанг қилиш учун Исфаҳон дарвозаларига яқинлашаётганликлари ҳақидаги хабарнинг тарқалиши. Абу Бакрнинг Исфаҳон қамалини тўхтатиб, уларга қарши юришга отланиши. Амирзода Умарнинг амирзода Абу Бакрга қарши туришга имкониятлари етарли эмаслигини тушуниб, амирзода Пир Муҳаммад ва Искандарлардан ажралиб Хуросонга Шоҳрух Баҳодирхон хизматига йўл олиши-135 бетда.

10. 808/1405 йилнинг иккинчи ярмидаги воқеалар баёнида амирзода Умарнинг Исфаҳонга кетиши. У ердан амирзода Рустам баҳодир ибн Умар Шайх баҳодир билан биргаликда Рай шаҳри яқинидаги Суқбулоқда акаси Абу Бакрга тегишли уғруқни талон-тарож қилишлари ва яна Исфаҳонга қайтиб кетишлари. Амирзода Умар баҳодирнинг Шерозга томон йўл олиши. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодирнинг амирзода Умарни зўр иззат-икром билан кутиб олиши. Амирзода Умарнинг Шерозда қишловни ўтказиши, баҳорда эса амирзода Рустам ва амирзода Искандар билан Султонияга йўл олишлари. 808 йил зу-л-қаъда ойининг биринчисида чоршанба куни (20.04.1406) Даргузин атрофларида Пир Муҳаммад баҳодир билан амирзода Абу Бакр қўшинлари ўртасида шиддатли жангнинг бўлиши. Натижада жанг майдонида ҳар иккала томондан тўрт минга яқин суворий ва пиёда аскарларининг ҳалок бўлиши. Жангда амирзода Абу Бакр

қўшинларининг ғалаба қозониши. Амирзода Умар ва бошқа шаҳзодаларнинг эса жанг майдонидан қочиб кетишлари - 135 бетда.

11. Амирзода Пир Муҳаммад ибн амирзода Жаҳонгир, амирзода Улуғбек Кўрагон ва амир Шоҳмаликларнинг бирлашган қўшини билан амирзода Халил Султон баҳодир қўшини ўртасида бўлиб ўтган жанг. 808 йил рамазон ойининг иккинчисида (21.02.1406) амирзода Пир Муҳаммаднинг ўз қўшини билан жанг майдонини ташлаб қочиши – 136 - 137 бетлар.

12. 809/1406 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисида чоршанба куни (15.10.1406) амирзода Абу Бакрнинг Малик Иззуддин Курд билан иттифоқчиликда Қаро Юсуфга қарши жанг қилишлари ва амирзода Абу Бакрнинг мағлубиятга учраши. Абу Бакрнинг Арс орқали Марандга ва у ердан Табризга йўл олиб, шаҳарни ғорат қилиб Султонияга йўл олиши. Султонияни мустаҳкамлаб, Райнинг Суқбулоқ мавзесида қишлаши. Амирзода Абу Бакрнинг Шаҳриёрга келиши ва қалъани забт этиши. Амирзода Умар баҳодир томонидан кўмак учун юборилган одамларнинг амирзода Абу Бакрнинг Суқбулоқдаги уғруқни талон-тарож қилишлари ва қайтиб кетишлари. Тукал Ўрус барлос, Пир Ҳусайн барлос ва Исмоил Аткаларнинг амирзода Абу Бакрнинг ҳаётига суиқасд қилишлари, бундан хабардор бўлиб қолган амирзоданинг барча амирларни қатл эттириши. Отаси амирзода Амирон Шоҳни эса бу суиқасдни бошида турибди деб ўйлаб ҳибсга олиши - 139 бетда.

13. 809/1406-1407 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисида чоршанба кунидан (15.10.1406) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммаднинг ўз укаси амирзода Искандарни ҳибсга олиши ва уни кишанбанд қилиб Истахр қалъасига юбориши. Амирзода Пир Муҳаммад ўғли амирзода Умар Шайх баҳодир, Абдураҳмон Қавчин ва Хожа Маҳмуд Хоразмийларни Яздга жўнатиши. Уларнинг Табарик қалъасини қамал қилиб, ишғол қилишлари. Амирзода Искандарнинг хазинаси ва қимматбаҳо нарсаларини амирзода Пир Муҳаммадга жўнатишлари. Амирзода Пир Муҳаммаднинг ўз укаси амирзода Искандарни кишанбанд қилиб Хуросонга жўнатиши. Амирзода Искандарнинг Чаҳордаҳ Табасга[40] етганида кишанларни синдириб қочиши ва Исфаҳонга етганида амирзода Рустам баҳодирга қўшилиши. Амирзода Искандар ва амирзода Рустам баҳодир билан биргаликда амирзода Пир Муҳаммадга қарши Шерозга юриш

[40] Абдураззоқ Самарқандийда бу манзил Табас сифатида келтирилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.119.

қилиши. Уларнинг бир неча кун Шерозни қамал қилишлари ва Шероз булукларини талон-тарож қилишлари, сўнгра Исфаҳонга қайтиб кетишлари – 139 - 140 бетлар.

14. 809/1406-1407 йил жумод ал-аввал ойининг иккинчисида чоршанба кунидан (15.10.1406) кейинги воқеалар баёнида амирзода Пир Муҳаммад ўз укаси амирзода Искандарни кишанбанд ҳолатда Хуросонга жўнатиши. Амирзода Искандарнинг Чаҳордаҳ Табасга етиб келган вақтда кишанларни синдириб қочиб кетиши ва амирзода Рустам баҳодирнинг ҳузурига Исфаҳонга бориши - 140 бетда.

15. 809/1406 йил октябр - ноябр ойлари оралиғида амирзода Рустам баҳодир ва амирзода Искандарларнинг Шерозга амирзода Пир Муҳаммадга қарши юриш қилишлари ва Шерозни бир-неча кун қамал қилиб, атрофдаги ҳудудларни ғорат қилиб, Исфаҳонга қайтишлари - 140 бетда.

16. 809 йил рамазон ойидан (9.02-11.03.1407) кейинги воқеалар баёнида амирзода Умарнинг Шоҳрух Баҳодирхонга қарши душманлик йўлини танлаши ва Хуросонга келиши. 809/1406-1407 йил шаввол ойининг ўн саккизинчисида (28.03.1407) Буюк ҳоқоннинг амирзода Умар баҳодирга қарши юриш қилишга мажбур бўлиши. Жомнинг Бардавия саҳросида қўшинларнинг ўзаро тўқнаш келиши ва амирзода Умарнинг жанг майдонини ташлаб қочишга мажбур бўлиши. Мурғоб дарёси бўйидаги жангдан сўнг амирзода Умарнинг амир Мизробга асир тушиши. Оғир яраланган амирзоданинг оёқларига кишан урилган ҳолда Буюк ҳоқоннинг олдига олиб келиниши. Буюк ҳоқоннинг марҳаматига кўра амирзода кишанлардан халос этилиши ва шоҳона тахтиравонга ётқизилиши. Ёнига табиб ва жарроҳни қўшиб, Ҳиротга юборилиши. Тўқўзработга етганида амирзоданинг жон таслим қилиши ва тахтиравонда Ҳиротга олиб келиниб, Фахруддин ар-Розий мозорига дафн этилиши - 141 бетда.

17. 810/1407-1408 йил зу-л-қаъда ойининг тўққизинчисидан (6.04.1408) кейинги воқеалар баёнида Пир Муҳаммад ибн Умар Шайх баҳодирнинг амирзода Рустамга қарши Шероздан Исфаҳон томон қўшин тортиб бориши. Гандумон мавзесида бўлиб ўтган жанг. Амирзода Рустамнинг мағлубиятга учраши ва Кошонга қочиб кетиши. Амирзода Пир Муҳаммаднинг Исфаҳонни ўғли Умар Шайх мирзога бериши -143 бетда

18. 810/1407-1408 йил рабиъ ус-соний ойининининг охиридан (3.10.1407) кейинги воқеалар баёнида амирзода Халил Султоннинг Худойдод Ҳусайний томонидан Самарқандда ҳибсга олиниши-145 бетда.

19. 811/1408-1409 йил ёзида амирзода Абу Бакрнинг Сеистонга келганини эшитган Буюк ҳоқоннинг жумод ал-аввал ойининг ўнинчисида (1.10.1408) Сеистонга юриш бошлаши[41]-148 бетда.

20. 811/1408-1409 йил зу-л-қаъда ойининг ўн учинчи куни (30.03.1409) Самарқанд атрофларида амирзода Халил Султон баҳодирнинг Ҳудойдод Хусай-ний томонидан ҳибсга олиниши. Бу хабарни эшитган Буюк ҳоқон Шоҳрух мирзонинг зу-л-ҳижжа ойининг олтинчисида душанба куни (22.04.1409) Омуя дарёси бўйига етиб келиб, кечувдан ўтиши чоғида Худойдод Хусайнийдан элчи келиши. Элчи олиб келган мактубнинг мазмуни шундай эди: "Агар Мовароуннаҳрни бошқаришни амирзода Муҳаммад Жаҳонгирга берсалрингиз ва унга илтифот кўрсатиб, бу ҳудудни унга қолдирсаларингиз, унда мен амирзода Халил Султон баҳодир ва Шодимулк хотунни жаноб олийлари ҳузурига жўнатаман". Буюк ҳоқон зу-л-ҳижжа ойининг ўн тўртинчисида сешанба куни (30.04.1409) Кўйитан (Каутин/Койтан) деган мавзега етиб келган вақтда, Абдулхожанинг олий ўрдугоҳга ташриф буюриши ва ўзи билан бирга амирзода Халил Султоннинг ҳарами Шодимулкни ҳам олиб келиши. Буюк ҳоқон Хузорга етиб келганида эса Худойдод Ҳусайнийнинг Халил Султонни боғлаб ўзи билан олиб кетганлиги тўғрисидаги хабарнинг етиб келиши. Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра буюк амир Алоуддин Алика кўкалтош, амир Саййид Али тархон, саййид Фахруддин вазир ва саййид Зайнулобидиннинг Самарқандга жўнаб кетишлари-150-151 бетлар.

21. 811/1408-1409 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма еттинчисидан (13.05.1409) кейинги воқеалар баёнида кишанбанд этилиб акаси амирзода Пир Муҳаммад томонидан Хуросонга жўнатилган амирзода Искандарнинг дарё бўйида кишан-лардан халос бўлиб, маълум вақт Рикка Кўҳистоннинг Деҳи Муҳаммад деган туманларидан бирида, баъзан эса Тун шаҳрида жуда эҳтиёткорлик билан кун кечириб туриши ва кузда Балхга ташриф буюриши. Бундан хабар топган Балх ҳукмдори амирзода Қайдунинг унга қарши қўшин тортиб бориши ва амирзода Искандарнинг мағлубиятга учраб жанг майдонини ташлаб қочиши. Амирзода Искандарнинг Балхдан Омуя дарёси соҳилларига етиб келиши ва у ерда дарё қўриқчиларидан қўрқиб, кечаси билан йўл юриб Андхудга яқинлашиб қолиши. Андхуд ҳудуди суюрғол қилиб берилган амир Саййид Аҳмад тархон ва

[41] Манбада баъзи бир тарихий воқеалар ва маълумотлар бир–неча бор эслатиб ўтилган. Жумладан, Шоҳрух мирзонинг Сеистонга юриши ҳам бундан истисно эмас. Бу юриш Фасиҳ Хавофий томонидан ҳижрий 810/ 1407-1408 йилдаги воқеалар баёнида ҳам акс этган.-муаллифлар.

шаҳарнинг киборларининг амирзодани иззат-икром билан кутиб олишга чиқишлари. Амир Саййид Али тархон амирзодани меҳмондўстлик таомили бўйича қабул қилиши ва Шоҳрух Баҳодирга амирзода ҳақида чопар юбориши. Буюк ҳоқон бу вақтда Сеистонда бўлгани туфайли чопарнинг бироз ушланиб қолиши ва маълум бир муддатдан сўнг, Шоҳрух Баҳодирхоннинг фармойишини олиб келиши. Фармойишга кўра амирзодага ҳоҳлаган тарафга кетишга рухсат берилиши ва йўл қўриқчиларига ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасликлари лозимлигининг белгилаб қўйилиши. Шу билан бир қаторда Шоҳрух Баҳодирхоннинг амирзода Пир Муҳаммадга амирзода Искандар тўғрисида фармойиш юбориши. Бу фармойишда Шоҳрух Баҳодирхон амирзода Пир Муҳаммаддан Шерозга келаётган укаси амирзода Искандарга меҳрибончилик кўрсатиб, ўзига қарашли ҳудудлардан бирор вилоятни суюрғол сифатида беришини сўраши. Амирзода Искандарнинг рамазон ойининг йигирма олтинчисида кечқурун (12.02.1409) Шерозга қайтиб келиши. Амирзода Пир Муҳаммаднинг укасини иззат-икром билан кутиб олиши ва амирзода Искандар ҳам акасининг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилиши-150-151 бетлар.

22. 813/1410-1411 йили муҳаррам ойининг ўн иккинчисигача (17.05.1410) бўлиб ўтган воқеалар баёнида амирзода Халил Султоннинг Исфаҳонга етиб келиши. Ўша вақтда Исфаҳонни амирзода Искандар қамал қилаётган эди. Амирзода Халил Султоннинг амирзода Искандарга панд-насиҳат қилиши. Аммо, амирзода Искандарнинг насиҳатга қулоқ солмаслиги ва қамални тўхтатиб тинчлик сулҳини тузмаслиги. Амирзода Искандарнинг қамали туфайли шаҳарда қаҳатчилик ва очарчиликнинг авжига чиқиши. Амирзода Халил Султоннинг шаҳарда юзага келган оғир вазият туфайли Рай томонга қараб кетиши. 813/1410-1411 йил Исфаҳон шаҳри дарвозаси олдида амирзода Рустам ва амирзода Искандарлар ўртасида бўлиб ўтган жанг. Амирзода Рустамнинг рамазон ойида (28.12.1410-27.01.1411) Исфаҳонга кириши. Амирзода Искандарнинг эса Шероз шаҳрига кетиши.-159 бетда.

23. 817/1414-1415 йил сафар ойининг тўртинчисида чоршанба (25.04.1414) кунидан кейинги воқеалар баёнида амирзода Аҳмад Миракнинг султонзода Улуғбек Кўрагондан ҳафсаласи пир бўлиши ва унга бўйсунишдан бош тортиши. Бундан хабар топган Буюк маҳдумзоданинг тинчлик сулҳини тузиш ва юзага келган кескин вазиятни юмшатиш учун амир Боязид парвоначини амирзода Аҳмаднинг олдига юбориши. Улуғбек Кўрагоннинг режасига кўра амир Боязид ўзаро дўстлик борасида қасам ичиб, амирзода Аҳмадни хотиржам қилиши керак

эди. Музокаралардан сўнг, амирзода Аҳмад ҳам бўйсунишга қасамёд қилиб,ўз навбатида Боязид парвоначининг изидан ўз ўғлини юборишга ваъда бериши. Боязид парвоначи қайтиб кетганида берган ваъдасидан тониб ўғлини Самарқандга Улуғбек саройига юбормаслиги. Маҳдумзода Улуғбек Кўрагоннинг Андиконга қўшин тортиб бориши ва амирзода Аҳмад Мирак томонидан мустаҳкамланган Андикон қалъасининг забт этилиши. Шоҳрух ишғол қилинган Андикон қалъасини бошқариш учун амир Мусоко, амир Муҳаммад Тобон, амир Али қавчинларни ва Поянда баковулни эса шаҳарга кутвол қилиб тайинлаши. Ўзи эса Самарқандга жўнаб кетиши. Амирзода Аҳмаднинг мўғуллар олдига кетиб, у ердан қўшимча қўшин билан келиши ва амир Мусоко, амир Муҳаммад Тобон ҳамда амир Али Қавчинларни қатл эттириши. Шунча саъи-ҳаракатлардан кейин қалъани ишғол қила олмаслиги ва иккинчи бор мўғуллар олдига Кошғарга кетиб қолиши-168 бет.

24. 817/1414-1415 йил муҳаррам ойи ва рабиъ ал-аввал ойининг ўн тўртинчисигача (апрел-3.06.1414) бўлиб ўтган воқеалар баёнида амирзода Искандарнинг Исфаҳондан икки фарсах нарида жойлашган Боғи Рустам ҳудудига келиб жойлашган Шоҳрух қўшинларига қарши жанг қилгани ва мағлубиятга учраши. Амирзода Искандарнинг Боғи Рустамдаги мағлубиятдан кейин Исфаҳонга чекиниши. Ўша куннинг ўзида Исфаҳон шаҳрининг ишғол этилиши ва амирлар ўртасида тақсимланиши. Рабиъ ал-аввал ойининг ўн саккизинчисида пайшанба куни (7.06.1414) Шероз шаҳрининг ҳокими ва доруғаси Муҳаммад Сориқнинг Исфаҳоннинг эътиборли кишилари билан бир битимга келиши. Шундан сўнг, Шайх Муҳаммад Сориқнинг амирзода Искандарнинг ишончли вакиллари: амирзода Искандарнинг ўғли ва Абдусамаднинг ўғиллари - Шайх Ясовул, Юсуф қурчи ва Дороларнинг ҳибсга олиниши. Шоҳрух Баҳодирхон Муҳаммад Сўфи тархон ва Жалбоншоҳ барлосларни амирзода Искандарнинг ўғлини ва Абдусамаднинг ўғилларини олий ўрдугоҳга олиб келиш учун Шерозга юборганлиги. Исфаҳон дарвозалари олдида қарийб 50 кун давом этган тўқнашувлардан кейин, жумод ал-аввал ойининг иккинчисида (20.06.1414) ҳал қилувчи жангнинг бўлиб ўтиши. Амирзода Искандарнинг амирларидан Абдусамад ибн Хожа Сайфуддиннинг жанг майдонини ташлаб чиқиши ва Шоҳрух Баҳодирхон хизматига кириши. Бу воқеаларнинг гувоҳи бўлган амирзода Искандарнинг қочиб кетишга уриниши. Исфаҳоннинг ишғол этилиши ва шаҳар ичкарисига қўшиннинг киритилиши. Амирзода Искандарнинг қўлга тушиши ва Шоҳрух Баҳодир олдига келтирилиши. Шоҳрух Баҳодирнинг

амирзодага раҳми келиб, уни акаси Рустам баҳодир ҳузурига юборилиши. Амирзода Рустамнинг эса амирзода Искандарнинг кўзларига мил тортириши-169-170 бетларда

25. 818/1415-1416 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида амир Қаро Юсуфнинг Султония қалъасига келиши. Бундан хабар топган амир Бистом Жогирнинг ўз ўғлини қалъа ҳимоясига қолдириб, ўзи эса Қумга амирзода Саъд Ваққос ҳузурига йўл олиши. Амирзода Саъд Ваққос амир Бистомни ҳибсга олганлиги ва Қаро Юсуфнинг Султонияга келганлиги ҳақидаги хабарни Буюк ҳоқон Шоҳрухга жўнатиши[42]. Буюк ҳоқоннинг бу ҳолатдан жаҳли чиқиши ва "Сен яхши иш қилмагансан, нега уни ҳибсга олдинг?" - деб амирзода Саъд Ваққосни сўроқ қилиши ва Ардашер тавочини амирзоданинг олдига юбориши. Амирзода Саъд Ваққоснинг бу ҳолатдан тушкунликка тушиб қолиши ва амир Бистомни Қаро Юсуф ҳузурига олиб бориши. Қаро Юсуфнинг амирзода Саъд Ваққосни иззат-икром билан кутиб олиши ва Султония қалъасини босиб олиши. Қаро Юсуфнинг амир Бистомни ҳибсдан озод қилиши. Амирзода Саъд Ваққоснинг бир гуруҳ навкарларининг ва амир Бистомнинг ўғли Ахий Фаражни амирзоданинг уғруқини олиб келиш учун Қумга юборилиши. Амирзода Саъд Ваққоснинг ҳарами ва амирзода Амирон Шоҳ Кўрагоннинг қизи Аға бегининг мазкур аҳволни кўриб, "Нега мен отамнинг қотилининг олдига боришим керак?" - деб мулоҳаза юритиши. Маликанинг ўз навкарларини куроллантириб қўйиб, туркмонлар етиб келгач, уларнинг ҳаммасини асир қилиб олиб, Саъд Ваққосни душман тарафига ўтишга рағбатлантирувчиларидан бўлган Темур шайх, Қутлуқхожа, Шайх Ҳасан Зинда ва Шайх Али Зиндалар билан қўшиб қатлга етказиши ва у номардларнинг танасидан жудо қилинган бошларини ўз навкари Шерзод орқали Буюк ҳоқон Шоҳрухга юбориб, бўлиб ўтган воқеа шарҳидан огоҳ қилиши. Буюк ҳоқон Шоҳрухнинг маликанинг мардонаворлигига кўпдан-кўп таҳсинлар айтиши ва алоҳида эътиборга сазовор бўлиши-172-173 бетлар.

26. 818/1415 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида амирзода Бойқаро ва кўзига мил тортилган амирзода Искандарнинг қўзғолон кўтариши. Буюк ҳоқон амирзода Искандарнинг амирзода Рустам томонидан кўзларига мил тортилганнини эшитганидан сўнг, бу ишни қоралаши

[42] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра амирзода Саъд Ваққос Шоҳрух мирзога юборган арзамактуби рабиъ ал-аввал ойининг ўнинчисида (20.05.1415) етиб келган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.290.

ва амирзода Искандарни амирзода Рустам қарамоғидан олиб, амирзода Бойқаро қарамоғига топшириши. Амирзода Искандар ва амирзода Бойқаро ўзаро келишиб олиб Шероз томонга қараб йўл олишлари. Амирзода Рустам томонидан юборилган Исфаҳон қўшинининг Журбодқонда уларга етиб олиши ва амирзода Искандарнинг Улус ва Асилбеклар томонидан асирга олиниши. Амирзода Искандар навкарлари билан боғлиқ баъзи қарши ҳаракатлар, ҳамда Хонҳабаш, Машҳади модари Сулаймон ва Байзо оралиғида амирзода Бойқаро билан маҳдумзода Иброҳим Султон қўшинлари ўртасида келиб чиққан тўқнашув. Ана шу тўқнашув чоғида маҳдумзода Иброҳим Султон қўшинлари орасидан айрим кишиларнинг амирзода Бойқаро томонига ўтиб кетиши. Маҳдумзода Иброҳим Султон эса қўшини кучсизланиб қолганлиги сабабли Абаркўҳга қараб кетишга мажбур бўлиши. Амирзода Бойқаронинг эса Шероз томонга қараб ўз йўлини давом эттириши каби воқеаларни эшитган амирзода Рустам баҳодирнинг амирзода Искандарни қатл эттириши-173 бетда.

27. 818/1415-1416 йил муҳаррам ойининг охирларидан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида амирзода Бойқаро ва кўзига мил тортилган амирзода Искандарнинг биргаликда исён кўтаришлари. Ҳар иккала амирзодаларнинг келишиб Шерозга қараб йўл олишлари. Хонҳабаш, Машҳади модари Сулаймон ва Байзо оралиғида амирзода Бойқаро билан маҳдумзода Иброҳим Султон қўшинлари ўртасида келиб чиққан ҳарбий тўқнашув. Ана шу ҳарбий тўқнашув чоғида маҳдумзода Иброҳим Султон қўшинлари орасидан айрим кишиларнинг амирзода Бойқаро томонига ўтиб кетиши. Маҳдумзода Иброҳим Султон эса кучсизланиб қолган қўшинни олиб Абаркўҳ томонга қараб йўл олиши. Бўлиб ўтган воқеалардан хабар топгач, амирзода Рустамнинг амирзода Искандарни қатл эттириши. Амирзода Бойқаронинг эса Шероз томонга қараб ўз йўлини давом эттириши. Рамазон ойининг бешинчисида жума куни (8.11.1415) Шерозга қарашли бўлган Тахти Қарочада амирзода Бойқаронинг Бойсунғур Баҳодирхон воситачилигида Буюк ҳоқон билан учрашиши. Буюк ҳоқоннинг амирзода Бойқарони Ироқ ҳудудидан дарҳол чиқиб кетиши ва Гармсир ҳамда Қандаҳорга қараб йўл олиши тўғрисида фармон чиқариши-173 бетда.

28. 819/1416-1417 йил рамазон ойининг ўн иккинчисидан (3.11.1416) кейинги воқеалар баёнида амирзода Бойқаронинг бир гуруҳ кишиларни ўз томонига оғдириб олиши ва амирзода Қайду баҳодирга қарши қўшин тортиши-176 бетда.

29. 819/1416-1417 йил рамазон ойининг ўн иккинчисидан (3.11.1416) кейинги воқеалар баёнида амирзода Аҳмад ва марҳум амирзода Абу Бакрнинг ўғли

амирзода Илангир баҳодирларда Буюк ҳоқонга нисбатан душманлик кайфиятларининг намоён бўлиши. Бу ҳолат Буюк ҳоқон томонидан аниқлангач, жаҳл отига минган олий ҳукмдорнинг амирзода Аҳмад Амиракка муқаддас Каъбага кетишига фармон чиқариши. Айни шу вақтда амирзода Бойқаронинг бир гуруҳ кишиларнинг ўз томонига оғдириб олиб, амирзода Қайду баҳодирга қарши қўшин тортиши. Бу воқеани эшитиб, жаҳл отига минган Буюк ҳоқон амирзода Бойқарони Синд, амирзода Илангирни Фаздам (?)[43] дарёсидан ўтказиб юбориш учун юз кишилик ҳарбий гуруҳнинг юбориши - 176 бетда.

30. 820/1417-1418 йил шаъбон ойининг йигирма еттинчисидан (9.10.1417) кейинги воқеалар баёнида амирзода Қайду баҳодирнинг итоат қилишдан бош тортиши ва Кобулга жўнатилиши. Амирзода Қайду баҳодирга панд-насиҳат қилиш ва амирзодани саройга қайтариш учун Буюк ҳоқон томонидан бир гуруҳ амирларнинг юборилиши. Кобулда қолган амирларнинг 821/1418 йил муҳаррам ойининг иккинчисидан (9.02.1418) кейинги воқеалар баёнида амирзода Қайду баҳодирни саройга олиб келишлари[44]. Шоҳрухнинг амирзоданинг қилган айбларини кечириши ва унга чуқур иззат-икром кўрсатиши-181 бетда.

31. 821/1418 йил ражаб ойининг ўн тўққизинчисида душанба куни кечаси (22.08.1418) амирзода Қайду баҳодирнинг Ҳиротдан Кобулга томон кўчиб кетиши. Шоҳрух мирзонинг амирзодани таъқиб қилиш учун султонзода Бойсунғурни жўнатиши. Амирзода Бойсунғурнинг амирзода Қайдуни Сипарз қарясида қувиб етиши. Амирзода Қайдунинг малик Қутбуддин ибн малик Муҳаммад ибн малик Иззуддин Шер ва Сипарз аҳолиси билан жанг қилиши. Жанг вақтида амирзода Қайдунинг Баҳлул исмли энг яхши навкарларидан бирининг ҳалок бўлиши. Ўша маҳалда амирзода Бойсунғурнинг Маҳмуд Дандоний бошчигидаги манғлойнинг етиб келиши ва ҳужумга ўтиб кетиши. Шундан сўнг, Бойсунғур бошчилигидаги асосий қўшиннинг етиб келиши ва амирзода Қайдунинг эса шаҳзоданинг ҳумоюн байроқларига кўзи тушгач ўз отидан тушиши. Амир Фармоншайхнинг Қайдунинг қўлларини боғлаб, уни Бойсунғур олдига олиб келиши. Бойсунғур фитнанинг қўзғатувчиси амирзода Қайду навкарларидан

---

[43] Абдураззоқ Самарқандийда Илангир мирзони кемага ўтқазиб юборилганлиги тўғрисида маълумот келтирилган бўлса-да, дарёнинг номи эслатиб ўтилмаган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.308.

[44] Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига кўра, амирлар 821 йил муҳаррам ойининг охирида (9.03.1418) йилда Ҳиротга қайтиб келишган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б.335.

Садр Жаҳон эканлигини ҳисобга олиб уни қатл эттириши. Амирзодани эса кишанланган ҳолда Буюк ҳоқон ҳузурига олиб боришларини амр этиши. Шоҳрухнинг кишанбанд этилган амирзода Қайдуга кўзлари тушиши билан унга яна раҳм-шафқат кўрсатиши ва унга ҳаётини қайтариб бериши. Амирзода Қайдуни жазо чораси сифатида Ихтиёруддин қалъасига юборилиши-182 бетда.

32. Амирзода Жалолуддин томонидан ҳибсга олинган амирзода Рустам баҳодирнинг 845/1441-1442 йил зу-л-қаъда ойининг учинчисида сешанба куни (16.03.- 1442) Сулаймоний қалъасига юборилиши-222 бетда.

33. 845/1441-1442 йил шаввол ойининг ўн тўртинчисидан (25.02.1442) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг баъзи бир туҳматчиларнинг сохта айбловларига ишониб, Бобур Султон ва буюк хожа Ғиёсуддин Пир Аҳмад ибн хожа Исҳоқ ал-Хавофийга қаҳр-ғазаб қилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилган-222 бетда.

## IX.Темурий мирзо ва маликаларнинг бунёдкорлик соҳасидаги фаолиятлари билан боғлиқ маълумотлар:

1. 781/1379-1380 йил рабиъ ас-соний (17.07.-15.08.1379) ойидан кейинги воқеалар баёнида амир Соҳибқироннинг Кешда Оқсаройни ва шаҳар қалъасини бунёд эттириши-103 бетда.

2. Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг фармойишига кўра 784/1382-1383 йилда Чингизхон ҳукмронлиги даврида вайрон қилинган Фанокат шаҳрининг Шоҳрух Баҳодирхон шарафига Шоҳрухия номи билан қайта тикланиши. Шаҳар қайта тиклангач, ҳазрат Соҳибқироннинг Шоҳрухияни Шоҳруҳ баҳодирхонга тегишли бўлган суюрғоллари қаторига қўшиши-107 бетда.

3. 799/1396-1397 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма биринчисида жума кунидан (15.09.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг фармони билан Конигилда Боғи Дилкушо номли боғнинг барпо этила бошлаши-119 бетда.

4. 799/1396-1397 йилда Амир Соҳибқироннинг фармони билан Самарқандда Боғ-и Шимол номли боғнинг ва боғ ичкарисида эса қасрнинг бунёд этилиши-119 бетда.

5. 800/1397-1398 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн учинчисидан (4.12.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг фармойишига кўра амирзода Муҳаммад Султон баҳодирнинг Мўғулистон чегараларини мустаҳкамлаш учун юборилиши ва у ерда Ашпара қалъасининг бунёд этилиши-120 бетда.

6. 800/1397-1398 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн учинчисидан (4.12.1397) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқирон фармони билан Кеш довони яқинида Тахт-и Қароча боғи ва кўшкининг бунёд этилиши – 120 бетда.

7. 801/1398-1399 йил шаввол ойининг охиридаги (июль ойининг бошлари 1399) воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг фармони билан султон Шоҳрух учун Ҳирот шаҳрида Боғи Шаҳр қасрини қуриш ишларининг бошлаб юборилиши. Қурилиш ишларига доруға ва саркор этиб Милкат тавочининг тайинланиши-121 бетда.

8. 801/1398-1399 йилда Амир Соҳибқироннинг Ҳиндистондан олиб келинган ўлжалар ва маблағлар ҳисобига Самарқандда Жомеъ масжиди қурдиришни режалаштириши ва қурилиш ишларининг рамазон ойининг тўртинчисида якшанба куни (10.05.1399) бошлаб юборилиши-121 бетда.

9. 806/1403-1404 йилдаги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг фармони билан Байлақон шаҳрини барпо этиш ва Барлос каналини қазиш ишларининг олиб борилиши. Бу каналдан оқаётган сув токи, Байлақонгача бориши мўлжалланган эди-124 бетда.

10. 807/1404-1405 йил муҳаррам ойининг ўнинчисидан (19.07.1404) кейинги воқеалар баёнида амир Соҳибқироннинг Жомеъ масжидини қурилиш ишларининг қай ҳолатда кетаётганлигини кўздан кечириши. Қурилишга маъсуллардан Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалдларнинг бузуқчиликлари ва исрофгарчиликлари ҳақида баъзи кишилар орқали хабардор бўлган Амир Соҳибқироннинг қаҳр-ғазаб отига миниши. Бундан ташқари, ҳар иккала айвон ҳам шу маъсуллар томонидан лойиҳалаштирилган бўлсада, Сарой Мулк хонимнинг мадрасасидаги айвоннинг Амир Соҳибқирон ҳомийлигида бунёд этилган Жомеъ масжидининг айвонига нисбатан анча баланд қилиб қурилганлиги. Амир Соҳибқирон фармонига кўра, уларнинг Конигилда қатл эттирилиши-126 бетда.

11. 810/1407-1408 йил сафар ойининг йигирма тўртинчисида жума кунидан кейинги (31.07.1407) воқеалар баёнида Шоҳрух мирзонинг Балхдаги Ҳисори Ҳиндувонни қайта тиклаш тўғрисида фармон бериши. Бу қалъа амир Соҳибқирон фармонига кўра, амир Ҳусайн қатл этилган даврда вайрон қилинган эди-142-143 бетлар.

12. 810/1407-1408 йилда Тўлихон ибн Чингизхон томонидан 618/1221-1222 йилда вайрон қилинган Марв шаҳрида ободончилик ишларининг бошлаб юборилиши. Муаллиф Фасиҳ Аҳмад Хавофий 812/1409-1410 йил зу-л-қаъда

ойининг ўн бешинчисида (21.03.1410) ҳам Марв шаҳрида ободончилик ишларининг бошлаб юборилганлигини таъкидлаб ўтган-147/155-156 бетларда.

13. Буюк ҳоқоннинг ҳукмронлиги даврида 813/1410-1411 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчисида пайшанба куни (20.03.1411) Ҳиротда Боғ-и Сафид боғининг очилиши ва ўша боғ ичида муҳташам қасрнинг ҳам қурилиши-159 бетда.

14. 818/1415-1416 йил сафар ойининг биринчисидан (12.04.1415) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра, доруссалтана Ҳирот қалъасининг қайтадан тиклана бошлаши. Бу қалъа Ҳирот деворларининг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у курт ҳукмдорларидан малик Фахруддин ҳукмронлик қилган даврда қурилган эди. Бу иншоотнинг Қалъаи Ихтиёруддин деб аталганлиги муаллиф томонидан қайд этиб ўтилган -171 бетда.

15. 821/1418 йилда Буюк ҳоқоннинг фармонига кўра, Машҳад шаҳрига яқин бўлган ҳудудларнинг бирида боғ барпо этилиши. Бу боғ режага кўра, Буюк ҳоқон Машҳадга ташриф буюрганида тўхтаб ҳордиқ чиқарадиган гўша бўлиши керак эди -182 бетда.

16. 821/1418-1419 йил шаъбон ойининг ўн иккинчи кунидан (14.09.1418) кейинги воқеалар баёнида Гавҳаршод оғо ҳомийлиги остида Машҳадда Жомеъ масжидининг қуриб битказилиши. Шоҳрух мирзонинг бу Жомеъ масжидини бориб кўриши -182 бетда.

17. 822 йил муҳаррам ойининг еттинчи куни (3.02.1419) амирзода Муҳаммад Султоннинг қизи Ўга бегининг Самарқандда вафот этиши ва ўзи томонидан қурдирилган мадрасада отасининг ёнида дафн этилиши-184 бетда.

18. 823/1420 йил рабиъ ас-соний ойининг йигирма тўққизинчисидан (13.05.1420) кейинги воқеалар баёнида амирзода Улуғбек Кўрагон томонидан Самарқандда бир-бирига қарама-қарши жойлашадиган мадраса ва хонақодан иборат мажмуа қурилишини бошлашга фармон бериши. Бундан ташқари, янгидан қурилаётган мажмуага вақф ерлари ажратишнинг ҳам кўзда тутилиши. Шу билан бир қаторда астрономик жадвалларни тузишнинг бошланганлиги ҳам қайд этиб ўтилган-189 бетда.

19. 823/1420 йилда марҳум Иброҳим Султон баҳодир ҳомийлигида Сарипулда Дар ас Сафо ва Шерозда Жакнам қурилиш ишларининг бошланиши-189 бетда.

20. 828/1424-1425 йил рабиъ ал-охир ойининг ўн тўртинчисидан (5.03.1425) кейинги воқеалар баёнида Мўғулистон юришидан қайтаётган маҳдумзода Улуғбекнинг ўзи билан қош тошини олиб келиши. Ўз вақтида бу тошни

Самарқандга олиб келиш учун Амир Соҳибқирон томонидан бир неча минг киши ажратилиб, бу вазифа амир Жаҳон ибн амир Жакуга юклатилган бўлсада, тошни олиб келиш имконияти бўлмаган эди. Бу тош ўз даврида Хитой ҳукмдорлари томонидан юборилган эди -197 бетда.

21. 829/1425-1426 йил муҳаррам ойида (13.11-13.12.1425) Буюк ҳоқон Шоҳрухнинг фармонига кўра Хожа Абдуллоҳ Ансорий мақбараси (сағана) қурилишининг бошланиши – 200 бетда.

22. 829/1425-1426 йил муҳаррам ойида (13.11-13.12.1425) Буюк ҳоқон Шоҳрух фармонига кўра, Гозургоҳда қурила бошланган Шайх Абу Исмоил Хожа Абдуллоҳ Ансорий мақбарасининг (сағана) 830/1426-1427 йилда қуриб битказилиши - 202 бетда.

23. 838/1434-1435 йил воқеалари баёнида Инжил анҳори бўйидаги Жомеъ масжиднинг Гавҳаршод оғо бошчилигида қурилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг учраши - 211 бетда.

24. 844/1440-1441 йил сафар ойининг ўн олтинчисидаги (17.07.1440) воқеалар баёнида Буюк ҳоқон Шоҳрухнинг фармонига кўра, Ҳирот шаҳри қалъа девори ва хандақининг қурила бошлаши – 219 бетда.

25. 844 йил жумод ас-соний ойида (28.10-26.11.1440) Буюк ҳоқон Шоҳрухнинг ҳарамларидан бири малика Милкат оғонинг Кобулда вафот этиши. Манбанинг 289-варағи/китобнинг 219-бетида малика Милкат оғонинг Кобулда вафот этганлиги қайта таъкидлаб ўтилган. Маликанинг жасадининг Балхга олиб келиниши ва ўзи томонидан бунёд эттирилган мадрасада дафн этилиши. Ундан ташқари, маликанинг Хизр ўғлоннинг қизи эканлиги тўғрисида ҳам маълумот берилганлиги - 220 бетда.

## X.Темурий мирзоларнинг қишлоққа (қишлов) чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар:

1. 779 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн саккизинчиси, пайшанба (20.08.1377) кунидан кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг Занжирсаройда қишлов қилганлиги-102-бет;

2. 785 йилда (1383-1384) Амир Соҳибқироннинг Сариққамишда қишлов қилганлиги-108-бет;

3. 786 йил шаъбон ойининг ўн саккизинчисидан (5.10.1384) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Ироқ тарафга йўл олиши ва Райда қишлов қилганлиги-109-бет;

4. 788 йил рамазон ойининг бошидан (26.09.1386) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Нахичеванга ва у ердан эса Гуржистонга йўл олиши. Гуржистоннинг ишғол этилиши ва унинг бу ҳудуддан қайтиши. Амир Соҳибқироннинг Арроннинг Қаробоғида қишлов қилганлиги-111-бет;

5. 792 йилда (1389-1390) Амир Соҳибқироннинг Дашти Қипчоқ томон йўл олиши ва Тошкентда қишлов қилганлиги-144-бет;

6. 795 йилда (1392-1393) Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг жаноби олийлари Шоҳрух Баҳодирхонни ўз уғруқи билан Самарқанддан ўзи қишлов қилиб турган Шосмонга чақириши-116-бет;

7. 804 йил йигирма тўртинчи рамазон жума (27.04.1402) кунигача бўлган воқеалар баёнида Амир Соҳибқироннинг Арроннинг Қаробоғида қишлов қилганлиги-123-бет;

8. 808 йилда (1405-1406) амирзода Умар баҳодирнинг Шероз томонга йўлга отланиши. Амирзода Пир Муҳаммад баҳодирнинг уни катта обрў-эътибор билан кутиб олганлиги. Амирзода Умар баҳодирнинг у ерда қишлов қилиш учун қолганлиги-135-бет.

9. 809 йил жумод ал-аввал ойининг иккисида чоршанба куни (15.10.1406) амирзода Абу Бакрнинг Малик Иззуддин Курд билан иттифоқда Қаро Юсуфга қарши жанг қилишлари. Амирзода Абу Бакрнинг мағлубиятга учраши. Унинг Арсдан кечиб ўтиши ва Марандга йўл олиши. У ердан Табризга етиб келиши ва у ерни ғорат қиши ва Султонияга йўл олиши. Султонияни мустаҳкамлаб олгач, Райга қарашли Суқбулоқда қишлов қилиши-139-бет.

10. 809 йил ўн саккизинчи жумод ус-соний (20.11.1407) ойидан кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг Астрободда қишлов қилганлиги. Буюк ҳоқоннинг муқаддас зу-л-қаъда ойининг тўққизида (6.04.1408) Астрободдан дорус-салтана Ҳиротга қайтиши-143-бет.

11. 816 йил ражаб ойининг ўн саккизинчисида якшанба куни (14.10.1413) Буюк ҳоқоннинг Мозандарон томонга қишлов қилиш учун йўл олиши-166-бет;

12. 817 йил муқаддас муҳаррам ойининг биринчисида (23.03.1414) шаҳзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг маҳди улё Гавҳаршод оғо билан биргаликда Астрободдаги қишловдан қайтишлари ва сафар ойининг чоршанба кунида (25.04.1414) доруссалтана Ҳиротга етиб келганликлари- 167-168 бетлар;

13. 820 йил ражаб ойининг ўн учинчисида (26.08.1417) Буюк ҳоқон ҳазратларининг Гармсер томонга қишлов қилиш учун отланганликлари-178-бет.

14. 820 йил ражаб ойининг ўн тўртинчисида шанба куни (27.08.1417) Буюк ҳоқон ҳазратларининг Гармсерда қишлов қилиш учун йўлга чиққанликлари-180-бет.

15. 821 йил муқаддас муҳаррам ойининг иккинчисида (9.02.1418) Буюк ҳоқон ҳазратларининг қишлов қилиш учун Гармсер томонга отланганликлари-181- бет.

16. 823 йил зу-л-ҳижжа ойининг ойининг тўққизинчисида шанба куни (15.12.1420) йилда Буюк ҳоқон ҳазратларининг қишлов қилиш учун Қаробоғда тўхтаганлиги-188-бетда.

17. Буюк ҳоқон ҳазратларининг 824 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн тўққизинчисида душанба куни (24.03.1421) Аррон Қаробоғидаги қишловдан қайтиши ва шу ойнинг йигирма иккинчисида душанба куни (27.03.1421) Байлақон яқинига келиб тушиши-190- бетда.

18. 829/1425-1426 йил воқеалари баёнида маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг муқаддас муҳаррам ойининг учинчисида (15.11.1425) Сеистон томонга йўл олиши. У ердан Ҳиротдаги Боғи Сафид боғига қайтиб келиши ва ўша ерда қишлов қилиши-199 –бетда.

19. Шаҳзода Иброҳим Султон баҳодирнинг 833/1429-1430 йил муқаддас муҳаррам ойининг ўн биринчисида (10.10.1429) Нахичевандан қайтиши. Арс дарёси кечувидан ўтгач, Табриз йўли билан Арроннинг Қаробоғига қараб йўл олиши ва шу ерда қишлов учун тўхташи- 204-бетда.

20. Буюк ҳоқон ҳазратларининг 833/1429-1430 йил муҳаррам ойининг ўн иккинчисида чоршанба куни (11.10.1429) Нахичевандан Арроннинг Қаробоғида қишлов қилиш учун йўлга тушиши ва сафар ойининг ўн тўққизинчисида пайшанба куни (17.11.1429) қишлов ерига етиб келиши-204-бетда.

21. Буюк ҳоқон ҳазратларининг 833/1429-1430 йил шаъбон ойининг ўн биринчисида пайшанба куни (5.05.1430) қишловдан қайтиши ва жума куни шаъбон ойининг ўн иккинчисида (6.05.1430) Арс дарёси кечувидан ўтиши- 204-бетда.

22. Бойсунғур Баҳодирхоннинг Буюк ҳоқон ҳазратларининг фармонига биноан 835/1431-1432 йил сафар ойининг ўн бешинчисида сешанба куни (23.10.1431) қишлов учун Астробод томонга йўл олиши-207-бетда.

23. Буюк ҳоқоннинг 838/1434-1435 йилда қишловни Райда ўтказганлиги тўғрисида маълумотнинг мавжудлиги-211-бетда.

24. Буюк ҳоқоннинг 839/1435-1436 йил рабиъ ас-соний ойининг йигирманчисида шанба куни (12.11.1435) Арроннинг Қаробоғига ташриф буюриши ва

қишлов қилиш учун Мозори Бира Курш (?)[45] мавзесида тўхташга фармон бериши- 214-бетда.

25. Буюк ҳоқоннинг Арроннинг Қаробоғидаги қишловдан 839/1435-1436 йил шаввол ойининг ўн бешинчисида (2.05.1430) Ужон томонга равона бўлиши- 214-бетда.

26. 842/1438-1439 йил рабиъ ас-соний ойининг бешинчиси пайшанба (25.09.1438) кунидан кейинги воқеалар баёнида маҳдумзода Алоуддавла Баҳодирнинг қишлов учун Астробод томонларга отланганлиги-216-бетда.

### XI.Темурий мирзоларнинг яйлоққа чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар:

1. 809 йилда (1406-1407) Буюк ҳоқоннинг Бодғисга яйлоққа келганлиги-141-бет.
2. 811 йил зу-л-қаъда ойининг бешинчи кунида (22.03.1409) Буюк ҳоқоннинг Бодғис яйлоқига томон йўл олиши-150-бет.
3. 812 йилда (1409-1410) Буюк ҳоқоннинг [Шоҳрух] Ўратепа яйлоқида тўхташи-153-бет.
4. 838/1434-1435 йилда Буюк ҳоқоннинг [Шоҳрух] Ужон яйлоқига ташриф буюриши- 213-бетда.

### XII.Темурий мирзоларнинг шикорга чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар:

1. 818 йил жумод ал-аввал ойининг охирларида сешанба кунидан (7.08.1415) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқон ҳазратларининг Лангари амир Ғиёс Девон томонга шикорга отланганликлари-175-бетда
2. Буюк ҳоқоннинг 823/1420 йил рамазон ойининг ўн биринчисида шанба куни (19.09.1420) йўл-йўлакай шикор қилиб Нишопурдан ўтиши-186-бетда.
3. Буюк ҳоқоннинг 824/1421 йил рабиъ ал-аввал ойининг ўн тўққизинчисигача (24.03.1421) бўлган даврда Актам[46] даштида шикорга чиқиши-190- бетда.
4. Ҳазрат ҳоқони саиднинг 825/1421-1422 йил сафар ойининг охирида (22.02.1422) Зова ва Муҳаввалот вилоятида шикор ва қуш солиш билан машғул бўлиши-193-бетда.

[45] Абдураззоқ Самарқандийда бу мавзенинг номи Пара Курш сифатида қайд этилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- Б. 58.

[46] Абдураззоқ Самарқандийда бу даштнинг номи Инжом саҳроси сифатида қайд этилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- Б. 388.

5. Маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг 825/1421-1422 йил сафар ойининг охиридан (22.02.1422) кейинги воқеалар баёнида шикор билан машғул бўлиш учун Тус ва муқаддас Машҳадга томон отланиши-193 – бетда.

6. Маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг 826/1422-1423 йил ҳут ойининг бошларида шикор билан машғул бўлиш учун Тус ва муқаддас Машҳадга томон отланиши-193-бетда.

7. Маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг 826/1422-1423 йил зу-л-ҳижжа ойининг биринчисида (5.11.1423) шикор билан машғул бўлиш учун Фароҳ ва Сеистон томон отланиши -195-бетда.

8. Буюк ҳоқоннинг 827/1423-1424 йил рабиъ ас-соний ойининг биринчисида (3.03.1424) шикор билан машғул бўлиш учун Сарахс томон отланиши-195-бетда.

9. Маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг 828/1424-1425 йил рабиъ ас-соний ойининг иккинчи кунида (21.02.1425) шикор билан машғул бўлиш учун Тус ва муқаддас Машҳадга томон отланиши. -197-бетда.

10. Буюк ҳоқоннинг 829/1425-1426 йил рабиъ ас-соний ойининг иккинчисида (11.02.1426) шикор билан машғул бўлиш учун Сарахс томон отланиши ва рабиъ ал-охир ойининг ўн тўртинчисида (23.02.1426) қаттиқ совуқ туриб, қор ёққанлиги сабабли, уларнинг бир-неча кун Бодғис яйлоқида қолишга мажбур бўлишлари -199-200 бетлар.

11. 845/1441-1442 йил шаввол ойининг учинчисида пайшанба куни (14.02.1442) маҳдумзода Алоуддавла баҳодирнинг муқаддас Машҳадга томон шикорга чиқиш учун отланганликлари-221-бетда.

## XIII. Темурий мирзоларнинг қушламиший қилишга чиққанликлари тўғрисидаги маълумотлар.

1. 823 йил сафар ойининг биринчисида (16.02.1420) Буюк ҳоқон ҳазратларининг қуш ови (лочин) учун Марв томонга отланганликлари ва қушламишийдан қайтишлари-186-бетда.

2. 826/1422-1423 йил ҳут ойининг бошларида Буюк ҳоқон ҳазратларининг қуш солиш (лочин) учун Сарахс томонга отланганликлари ва рабиъ ас-соний ойининг сўнгги кунида (11.04.1423) Бодғис яйлоқига етиб келиши-195-бетда.

3. 827/1423-1424 йил подшоҳ Бойсунғур Баҳодирхоннинг қушламиший билан машғул бўлиш учун Тус ва муқаддас Машҳадга томон отланиши-195-196 бетлар.

4. 828/1424-1425 йил рабиъ ас-соний ойининг иккинчисида (21.02.1425) Буюк ҳоқон ҳазратларининг қуш солиш (лочин) учун Сарахс томонга отланганликлари-197-бетда.

5. 829/1425-1426 йил рабиъ ас-соний ойида (10 февраль-11 март 1426) жаноби олийлари маҳдумзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг қушламиший билан машғул бўлиш учун Тус ва муқаддас Машҳадга томон отланиши- 200 бетда.

6. 843/1439-1440 йилда Буюк ҳоқоннинг қушламишийга (лочин ёрдамида ов қилиш) чиқиш учун Сарахсга отланганликлари, ва буюк амир Алоуддин Алика кўкалдошни Ҳиротда қолдирганликлари. Зу-л-қаъда ойининг йигирма бешинчисида шанба куни эрта тонгда (28.04.1440) шикорга жўнаб кетган Буюк ҳоқоннинг Сарахсдан қайтиб келиши-218-бетда.

## XIV. Темурий мирзоларнинг машҳур авлиё ва анбиёларнинг мозорларини зиёрат қилганликлари тўғрисидаги маълумотлар:

1. Буюк ҳоқон Шоҳрух султоннинг 814 йил муқаддас зу-л-қаъда ойининг тўққизинчисида душанба куни (22.02.1412) саккизинчи имом Али ибн Мусо ар-Ризавий қабрини зиёрат қилиш учун Машҳади муқаддасига томон йўлга чиққанлиги ва ийд-и азҳа кунида қабрни зиёрат қилганликлари. – 163 –бетда.

2. 815 йил муҳаррам ойидан (13.04-13.05.1412) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг Бодғис йўлидан Ҳиротга қайтиши ва йўл-йўлакай саккизинчи имом Али ибн Мусо ар-Ризавийнинг қабрини зиёрат қилганлиги-164-бетда.

3. 818 йили (1415-1416) Буюк ҳоқоннинг Козирунда муршид шайх Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Шаҳриёр ибн Задан Фаррух (?) ибн Феруза ал-Козирунийнинг қабрини зиёрат қилганлиги-174-бетда.

4. 821 йил шаъбон ойининг бошларида (3.09.1418) Буюк ҳоқон ҳазратларининг Хуросон султони имом Али ибн Мусо ар-Ризавийнинг қабрларини зиёрат қилиш учун муқаддас Машҳади Тусга отланишлари ва шаъбон ойининг ўн иккинчисида (14.09.1418) муқаддас қабрни зиёрат қилишлари. Буюк ҳоқон ҳазратларининг Машҳади муборакка етгач, зиёрат шартларини бажо келтириб муҳтожларга назр-садақалар улашгани ҳамда онҳазрат яхши ният билан ясатиб безаттиргани уч минг мисқол[47] тиллодан ишланган бир қандилни мақбара гумбазига осттирганликлари-182-бетда.

5. 823 йил рамазон ойининг ўн иккинчисида шанба куни (14.09.1420) Буюк ҳоқон ҳазратларининг Жомда жойлашган табаррук қабристонга томон отланган-

[47] Мисқол- оғирлик ўлчови; 4,25 гр. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- Б. 809.

ликлари ва шайх ул-ислом Аҳмаднинг қабрини зиёрат шартларини бажо келтирганликлари-186-бетда.

6. 823 йил рамазоннинг йигирма тўққизинчисида сешанба куни (7.10.1420) Буюк ҳоқоннинг Баҳробод қасабасига келиши ва ойнинг охирида чоршанба куни (8.10.1420) машойихлар раҳбари, муҳаққиқлар таянчи бўлмиш руҳи поклангур Шайх Саъдуддин ал-Ҳуммуийни (қабрини) зиёрат қилиш саодатига эришиши-186-бетда.

7. 823 йил шаввол ойининг олтинчисида (14.10.1420) Буюк ҳоқоннинг Харақон майсазорида ўз соябонини ёзиб, руҳи поклангур Шайх Абу-л-Ҳасан Харақоний ҳазратларининг бузургвор мозорини зиёрат қилиши-186-187-бетлар.

8. 823 йил шаввол ойининг еттинчисида (15.10.1420) Буюк ҳоқоннинг Бистом мавзесига келиши ва орифлар султони раҳматлик Шайх Абу Язиднинг зиёратига кириши, илтижо қилиш вазифасини зоҳир этиши-186-187-бетлар.

9. 823 йил зу-л-қаъданинг йигирма биринчисида пайшанба куни (27.11.1420) Буюк ҳоқоннинг Ардабил шаҳрида машойихлар шайхи руҳи поклангур Шайх Сафиуддиннинг мозорини зиёрат қилишга эришиши ва Шайх Алоуддин билан суҳбат қилиши-188-бетда.

10. 824/1421 йилда Буюк ҳоқон ҳазратларининг Нишопурга ташриф буюриши, у ердан ҳоқони саид уғруқининг Ҳиротга йўл олиши. Шоҳрух мирзонинг ўзи эса Хуросон султони имом Али ибн Мусо ар-Ризавийнинг қабрларини зиёрат қилиш учун муқаддас Машҳади Тусга отланишлари ва шаввол ойининг ўн тўққизинчисида (17.10.1421) зиёратдан қайтиб, ҳукмдорлик тахти жойлашган Ҳиротга келиши-193-бетда.

11. 832/1428-1429 йил ражаб ойининг ўн тўртинчисида душанба (19.04.1429) куни Буюк ҳоқоннинг руҳи поклангур шайхулислом Аҳмади Жомнинг муборак қабри ва табаррук мозорига етиб, унинг руҳидан мадад тилаши ва муҳтожларга назр ва садақалар улашиши-203-бетда.

12. 832/1428-1429 йил ражаб ойининг йигирма биринчисида сешанба куни (26.04.1429) Буюк ҳоқоннинг Нишопурга ташриф буюриши, ойнинг йигирма еттинчисида душанба куни (2.05.1429) Баҳробод қасабасига келиши ва ойнинг охирида чоршанба куни (8.10.1420) машойихлар раҳбари, муҳаққиқлар таянчи бўлмиш руҳи поклангур Шайх Саъдуддин ал-Ҳуммуийни (мақбарасини) зиёрат қилиш саодатига эришиши ва муҳтожларга назр ва садақалар улашиши-203-бетда.

13. 832/1428-1429 йил шаъбон ойининг тўққизинчисида шанба куни (14.05.1429) Буюк ҳоқоннинг Бистомда руҳи поклангур Шайх Абу-л-Ҳасан Харақоний ҳазратларининг бузургвор мозорини зиёрат қилиши-203-бетда.

14. 842/1438-1439 йил рабиъ ас-соний ойининг бешинчисида пайшанба куни (25.09.1438) Буюк ҳоқоннинг имом Али ибн Мусо ал-Козимнинг қабрларини зиёрат қилиш учун йўлга отланганликлари-216-бетда.

15. 842/1438-1439 йил рабиъ ас-соний ойининг ўн тўққизинчисидан (9.10.1438) кейинги воқеалар баёнида Буюк ҳоқоннинг имом Али ибн Мусо ар-Ризавийнинг қабрларини зиёрат қилиш шартларини бажариб, жумод ал-аввал ойининг тўртинчисида жума куни (23.10.1438) Ҳиротга қайтиб келишлари-217-бетда.

### XV. Темурий мирзо ва маликаларнинг вафот саналари билан боғлиқ маълумотлар (*қатл этилганликлари, ҳалок бўлганликлари ва ҳоказолар*):

1. 762/1360-1361 йилда Амир Темурнинг отаси Амир Муҳаммад Тарағайнинг вафот этиши-90 бетда.

2. 777/1375-1376 йили рабиъ ал-аввал ойининг ўнинчисигача (9.08.1375) бўлган воқеалар баёнида амирзода Жаҳонгир баҳодирнинг вафот этиши-100 бетда.

3. 785/1383-1384 йилда Амир Темур Кўрагоннинг опаси Қутлуғ Туркон оғонинг вафот этиши-108 бетда.

4. 785/1383-1384 йилда малика Дилшод оғонинг вафот этиши-108 бетда.

5. 796 йил жумод ал-аввал ойининг ўн тўққизинчисида якшанба куни (22.03.1394) Бағдод шаҳри теварагидаги Хармоту[48] қалъасида амирзода Умар Шайх баҳодирнинг ҳалок бўлиши -117 бетда.

6. 802/1399-1400 йилидаги воқеалар баёнида амирзода Муҳаммад Султон баҳодирнинг фармонига биноан амирзода Искандар ва Баён Темур Беккичик-ларнинг Самарқандда қатл этилиши[49] - 121 бетда.

7. 805/1402-1403 йил шаъбон ойининг ўн саккизинчисида (13.03.1403) амирзода Муҳаммад Султон баҳодирнинг вафот этиши - 124 бетда.

---

[48] Йаздийнинг "Зафарнома" манбасида қалъа номи Хурматур тарзида берилган. Қаранг: Йаздий, Шарафуддин ʻАли. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмедов ва Ҳ. Бобобеков. Тошкент, 1997.-Б.164.

[49] Фасиҳ Хавофий амирзода Муҳаммад Султон баҳодирнинг фармонига биноан амирзода Искандар қатл эттирилган деб нотўғри маълумот берган ва кейинчалик ўзи йўл қўйган хронологик хатосини тўғрилаган ҳамда 818/1415 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415 ) кейинги воқеалар баёнида амирзода Рустам баҳодир томонидан амирзода Искандарнинг қатл этилишини қайд этиб ўтган. Маълумот учун қаранг: Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод") – С. 173

8. 807 йил Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг бетоб бўлиши ва шаъбон ойининг ўн еттинчисида (18.02.1405) Ўтрорда вафот этиши-126-127 бетда.

9. 808/1405-1406 йил муҳаррам ойининг саккизинчисидан (6.07.1405) кейинги воқеалар баёнида амирзода Султон Ҳусайннинг Шомда бобосига қарши исён кўтарганлиги, сўнгра Шоҳрух Баҳодирхон олдига келиши ва ундан қочиб кетиши. Кейинчалик амирзода Халил Султон хизматига кириши ва унга ҳам кўрнамаклик қилиб, амирзоданинг баъзи бир амирларини қатл этиши. Кейинчалик тахтга чиқиш учун амирзода билан жанг қилиши каби воқеаларнинг барчаси унинг бебурдлиги ва ғаламислигини кўрсатиб турганлиги сабабли амирзода Султон Ҳусайннинг Ҳиротда Боғи Зубайданинг орқа томонида Нуширвон барлос томонидан қатл этилиши-133 бетда.

10. 809 йил рамазон ойининг ўн тўртинчисида (22.02.1407) амирзода Пир Муҳаммад баҳодир ва унинг саройидаги бир қатор аъёнларнинг Пир Али Тоз томонидан ваҳшиёна қатл этилиши-140 бетда.

11. 809 йил шаввол ойининг ўн саккизинчисида Шоҳрух мирзонинг (28.03.1407) амирзода Умар баҳодирга қарши юриш қилишга мажбур бўлиши. Жомнинг Бардавия саҳросида қўшинларнинг тўқнаш келиши ва амирзода Умарнинг жанг майдонини ташлаб қочишга мажбур бўлиши. Мурғоб дарёси бўйидаги жангдан сўнг амирзода Умарнинг амир Мизробга асир тушиши. Оғир яраланган амирзоданинг оёқларига кишан урилган ҳолда Буюк ҳоқоннинг олдига олиб келиниши. Буюк ҳоқоннинг марҳаматига кўра амирзода кишанлардан халос этилиши ва шоҳона тахтиравонга ётқизилиши. Ёнига табиб ва жарроҳни қўшиб, Ҳиротга юборилиши. Тўқўзработга етганида амирзоданинг жон таслим қилиши ва тахтиравонда Ҳиротга олиб келиниб, Фахруддин ар-Розий мозорига дафн этилиши[50] - 141 бетда.

12. 810/1407-1408 йилда Кермонга йўл олган амирзода Пир Муҳаммаднинг Хожа Ҳусайн шарбатдор томонидан Дужоҳа ҳудудида қатл этилиши -147 бетда.

13. Амирзода Абу Бакр баҳодирнинг Табризга йўл олиши ва 810/1407-1408 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчисида шанба куни (21.04.1408) туркмон Қаро Юсуфнинг қўшинлари билан тўқнаш келиши. Улар ўртасида бўлиб ўтган

[50] Имом Фахруддин Розийнинг мозори Ҳирот шаҳрининг шимолида жойлашган бўлиб, ҳозир ҳам мавжуд. Имом Фахруддин Розий хоразмшоҳлар даврида яшаб ўтган бўлиб, 606/1210 йилда вафот этган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандийда бу даштнинг номи Инжом саҳроси сифатида қайд этилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- Б. 692.

шиддатли жанг чоғида амирзода Амирон Шоҳ Кўрагоннинг ўлдирилиши. Амирон Шоҳни қатл этган шахснинг амирзоданинг бошини Қаро Юсуф ҳузурига олиб келиши. Қаро Юсуфнинг Амирон Шоҳнинг қотилини бошини танасидан жудо қилишга фармон бериши. Амирон Шоҳ жасадининг барча расм-русумларга амал қилинган ҳолда ўзига хос обрў-эътибор билан Табриз яқинидаги Сурхоб туманида дафн этилиши. Бир неча муддат ўтгач, эса Шамс Ғурий деган шахс дарвиш кийимида амирзоданинг сўнгакларини Самарқандга олиб кетиши-144 бетда.

14. 812/1409-1410 йил зу-л-қаъда ойининг ўн бешинчисидан (21.03.1410) кейинги воқеалар баёнида Кермонга йўл олган амирзода Пир Муҳаммад ибн амирзода Умар Шайх баҳодирнинг Дужоҳа манзилида Хожа Ҳусайн шарбатдор томонидан қатл этилиши[51] - 156 бетда.

15. 814/1411-1412 йил ражаб ойининг ўн олтинчисида чоршанба куни тун маҳали (3.11.1411) Рай шаҳрида бир-неча кун давом этган бетоблик туфайли амирзода Халил Султон баҳодир ибн амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон ибн Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг вафот этиши-163 бетда.

16. 814/1411-1412 йил ражаб ойининг ўн олтинчисидан кейинги воқеалар баёнида, амирзода Халил Султон баҳодир вафотидан кейин бир неча кун ўтгач, амирзоданинг онаси Хоразмшоҳ Ҳусайн Сўфийнинг қизи Хонзоданинг муқаддас Машҳадга қарашли Тус шаҳрида вафот этиши-163 бетда.

17. 817/1414-1415 йил шаввол ойининг ўн тўққизинчисидан (1.01.1415) олдинги воқеалар баёнида амирзода Ийжал баҳодир ибн амирзода Амирон Шоҳ Кўрагон ибн амир Темур Кўрагоннинг вафот этиши - 167 бетда.

18. 818/1415 йил муҳаррам ойининг охиридан (11.04.1415) кейинги воқеалар баёнида амирзода Рустам баҳодирнинг амирзода Искандарни қатл эттириши - 173 бетда.

19. 819/1416-1417 йил рамазон ойининг ўн иккинчисида (3.11.1416) амирзода Пир Алининг вафот этиши-175 бетда.

20. 820/1417-1418 йил жумод ас-соний ойида (16.07-14.08.1417) маҳдумзода амирзода Ибодуллоҳнинг Самарқандда вафот этиши -179 бетда.

21. 820/1417-1418 йил жумод ас-соний ойидан (16.07-14.08.1417) кейинги воқеалар баёнида Озарбайжонда амирзода Саъд Ваққос ибн амирзода Муҳаммад Султоннинг вафот этиши -179 бетда.

[51] Бу воқеа Фасиҳ Хавофийнинг баёнига кўра ҳижрий 810/1407-1408 йилларда ҳам қайд этиб ўтилган.- муаллифлар.

22. 822/1419 йил муҳаррам ойининг еттинчи куни (3.02.1419) амирзода Муҳаммад султоннинг қизи Ўга бегининг Самарқандда вафот этиши. Ўга бегининг отаси амирзода Муҳаммад султон томонидан қурилган мадрасада, отасининг ёнида дафн этилиши -184 бетда.

23. 822/1419 йил муҳаррам ойининг еттинчи куни (3.02.1419) Хонзода бегимнинг онаси амирзода Муҳаммад султоннинг қизи Ўга бегининг Самарқандда вафот этиши -184 бет.

24. 825/1421-1422 йил шаъбон ойининг йигирма еттинчи кунида (16.08.1422)[52] Бузанжирнинг вафот этиши-194 бетда.

25. 826/1422-1423 йил шаъбон ойининг ўн иккинчиси ва рабиъ ас-соний ойининг охирги кунлари (1.08.1422-11.04.1423) орасида Исфаҳонда Султон Али мирзонинг вафот этиши - 194 бетда.

26. 826/1422-1423 йил шаъбон ойининг ўн иккинчисида сешанба куни ва рабиъ ас-соний ойининг охирги куни (1.08.1422-11.04.1423) оралиғидаги воқеалар баёнида амирзода Бойқаронинг қатл этилиши. Амирзоданинг Бодғисда қўлга туширилиши ва қароргоҳга олиб келиниши. Буюк ҳоқоннинг унинг кимлигини сўрашни буюриши. Унинг эса "Мен-Бойқаро" - деб жавоб бериши. Баъзи кишиларнинг уни Бойқаро эканлигини таъкидлашса-да, баъзи кишилар эса унинг Бойқаро эканлигини рад этишлари. Охир-оқибатда унинг ким эканлиги ҳақидаги тортишув ҳал этилмасдан, Бодғисда қатл қилиниши - 194 бетда.

27. 827/1423-1424 йил муҳаррам ойининг тўртинчи кунида (7.12.1423) амир Соҳибқироннинг канизакларидан бири буюк хотун Руҳ Парвар оғонинг вафот этиши. Амир Соҳибқироннинг вафотидан сўнг, бу маликани навбати билан Ҳамза Сулдуз, амир Али тархонлар ўз никоҳларига олган эди. Ҳаётининг сўнгги кунларида Руҳ Парвар оғо амир Ҳасан Сўфи тархоннинг никоҳида эди - 196 бетда.

28. 827/1423-1424 йил ражаб ойининг ўнинчисида пайшанба куни (8.06.1424) амирзода Али ибн Маҳдумзода Ғиёсуддин Муҳаммад Жўгий баҳодирнинг вафот этиши - 196 бетда.

29. 828/1424-1425 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма саккизинчисидан (10.11.1425) кейинги воқеалар баёнида Исфаҳонда амирзода Усмон ибн амирзода

[52] Фасиҳ Хавофий амирзода Бузанжарнинг вафоти ҳақида маълумот бериш чоғида генеалогик хатога йўл қўйган. Манбанинг 252 варағи/ китобнинг 193-бетида амирзода Бузанжарнинг отаси сифатида амирзода Жаҳонгирнинг ўғли амирзода Пир Муҳаммад эмас, балки Умар шайх баходирнинг ўғли амирзода Пир Муҳаммад эканлиги қайд этиб ўтилган.

Рустам ибн амирзода Умар Шайх баҳодирнинг вафот этганлиги қайд этиб ўтилган-198 бетда.

30. 828/1424-1425 йил воқеалари баёнида амирзода Рустам баҳодирнинг вафот этганлиги қайд этиб ўтилган бўлсада, муаллифнинг ўзи бу ҳақда баъзи кишиларнинг айтишича, амирзода Рустам баҳодир ибн амирзода Умар Шайх баҳодир 827/1423-1424 йилда вафот этган экан деб маълумот қолдирганлиги- 198 бетда.

31. 828/1424-1425 йил зу-л-қаъда ойининг йигирма бешинчи кунида (8.10.1425) амирзода Аҳмад Миракнинг вафот этиши-199 бетда.

32. 830/1426-1427 йил зу-л-ҳижжа ойида (23.09-22.10.1427) маҳдумзода Суюрғатмиш баҳодирнинг кутилмаганда бетоб бўлиб ётиб қолиши. Муқаддас муҳаррам ойининг ўн олтинчисида якшанба куни (17.11.1426) амирзоданинг Кобулда вафот этиши. Амирзоданинг вафот этганлиги ҳақидаги қайғули хабарнинг Ҳиротга сафар ойининг биринчисида якшанба куни (2.12.1426) етиб келиши -201бетда.

33. 832/1428-1429 йил жумод ал-аввал ойининг учинчисида сешанба куни (8.02.1429) Амирзода Умар Шайх ибн амирзода Пир Муҳаммад ибн амирзода Умар Шайхнинг вафот этиши-204 бетда.

34. 832/1428-1429 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма бешинчисида якшанба кунидан (25.09.1429) кейинги воқеалар баёнида амирзода Санжар ибн Пир Муҳаммад Кобулийнинг Ҳиротда вафот этиши-203 бетда.

35. 832/1428-1429 йил зу-л-ҳижжа ойининг йигирма бешинчисидан (25.09.1429) кейинги воқеалар баёнида Амирзода Музаффар ибн Амирзода Бойқаронинг Ҳиротда вафот этиши- 203 бетда.

36. 833/1429-1430 йили рабиъ ас-соний ойининг охирида чоршанба кунидан (25.01.1430) кейинги воқеалар баёнида Амир Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг қизи улуғ хотун Султон Бахт Бегимнинг Нишопурда вафот этиши- 205 бетда.

37. 835/1431-1432 йил жумод ал-аввал ойининг ўн биринчисида сешанба куни (15.01.1432) маҳдумзода Абдураҳмон ибн Султон Улуғбек Кўрагоннинг Самарқандда вафот этиши-207 бетда.

38. 835/1431-1432 йил жумод ас-соний (жумод ал-охир) ойининг ўн бешинчисида душанба куни (18.02.1432) амирзода Исмоил ибн Амирзода Иброҳим Султоннинг Шерозда вафот этиши- 207 бетда.

39. 836/1432-1433 йил зу-л-қаъда ойининг еттинчисида (25.06.1433) амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн амирзода Муҳаммад Султон ибн амирзода Муҳаммад Жаҳонгир ибн Амир Соҳибқироннинг вафот этиши- 208 бетда.

40. 837/1433-1434 йил жумод ал-аввал ойининг еттинчисида шанба куни (20.12.1433) султон ва султонзода Бойсунғур Баҳодирхоннинг вафот этиши - 209 бетда.

41. 838/1434-1435 йил рабиъ ас-соний ойининг еттинчисида сешанба куни (10.11.1434) шаҳзода Муҳаммад Бакр ибн амирзода Халил Султон ибн амирзода Амирон Шоҳ Кўрагоннинг вафот этиши - 212 бетда.

42. 838/1434-1435 йил шаввол ойининг тўртинчисида чоршанба куни ярим тунда (3.05.1435) шаҳзода Абу-л-Фатҳ Иброҳим Султоннинг вафот этиши-211 бетда.

43. 844/1440-1441 йил шаъбон ойининг ўн иккинчисида жума куни (6.01.1441) амирзоданинг ҳарами Ойиша Бегиканинг вафот этиши. Маликанинг Боғи амир Шоҳмаликда дафн этилиши-219 бетда.

44. 844/1440-1441 йил жумод ас-соний ойида (28.10-26.11.1440) Милкат оғонинг Кобулда вафот этиши. Малика жасадининг Балхга олиб келиниши ва ўзининг ҳомийлигида қурдирилган мадрасада дафн этилиши-220 бетда.

45. 845/1441-1442 йил муҳаррам ойининг йигирма тўртинчисида чоршанба куни (14.06.1441) малика Марям Султон бегимнинг вафот этиши- 220 бетда.

Манбадаги Темурий мирзолар ва маликаларга оид генеалогик маълумотларни типларга бўлган ҳолда таҳлил қилиш натижасида "Мужмали Фасиҳий"нинг Темурийлар шажарасига оид ЁМТМБси (Ёзма манбанинг туркумланган маълумотлар базаси)[53] ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижасида ЁМИТХдаги уч босқичли таҳлилнинг биринчи босқичи амалга оширилади. Бирламчи манбалардаги маълумотларни категорияларга ажратиб ўрганиш натижасида уларни ўзаро таққослаш имконияти ҳам пайдо бўлади. Жумладан, манбалардаги династия ва сулолаларга оид категория таҳлилини 3-жадвалда кўришимиз мумкин [54]:

[53] Боқиев А.А. ва бошқ. "Ёзма манбанинг информацион-технологик харита"сига доир илк мулоҳазалар (VI-XIX асрлар)// Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд. – Тошкент, Янги аср авлоди.2015. 41-62 бетлар.

[54] Жадвалда номлари қайд этиб ўтилган бирламчи манбаларнинг ЁМИТХ асосидаги биринчи босқич таҳлили ўз ниҳоясига етказилса, бўш қолган катакчаларни керакли маълумотлар билан тўлдириб, манбанинг информацион таҳлили ва таққослаш жараёнини амалга ошириш мумкин бўлади.-муаллифлар.

| | **Ёзма манбалар** → Манбалардаги Темурийлар шажарасига оид генеалогик маълумотларнинг тахминий типологияси[55] ↓ | Ғиёсуддин Али Яздий "Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон" | Низомиддин Шомий "Зафарнома" | Руи де Гонсалес Клавихо "Кундалиги". | Мўъиниддин Натанзий " Мунтахаб ут... | Шарофуддин Али Яздий "Зафарнома" | Муъизз ул-ансоб | Ибн Арабшоҳ "Ажойиб ал мақдур... | Фасих Хавофий "Мужмали Фасихий" | Абдураззоқ Самарқандий Матлаи саъдайн... | Бобурнома | Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Тарихи Рашидий | Бошқа бирламчи ва иккиламчи манбалар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Темурийлар сулоласининг бирламчи манбалардаги генеалогик хронологияси | | | | | | | | 1336-1442 йй. | | | | |
| 2. | Мирзоларнинг умумий сони | | | | | | | | 70 | | | | |
| 3. | Исмлари қайд этилган мирзолар сони | | | | | | | | 67 | | | | |
| 4. | Исмлари қайд этилмаган мирзолар сони | | | | | | | | 3 | | | | |
| 5. | Ҳар икки томонлама Темурийларга мансуб бўлган мирзолар | | | | | | | | ??? | | | | |
| 6. | Она томонидан Темурийларга мансуб бўлган мирзолар (Мирак) | | | | | | | | 6 | | | | |
| 7. | Мирзоларнинг таваллудлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 20 | | | | |
| 8. | Мирзоларнинг ёшлари билан боғлиқ маълумотлар | | | | | | | | 26 | | | | |
| 9. | Мирзоларнинг фарзандлари сони ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 10 | | | | |
| 10 | Мирзоларнинг хатна тўйлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 3 | | | | |
| 11 | Мирзоларнинг унаштирилганлиги ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 2 | | | | |
| 12 | Мирзоларнинг никоҳ тўйлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 14 | | | | |
| 13 | Кўрагон унвонига сазовор бўлган | | | | | | | | 3 | | | | |

[55] Манбалардаги генеалогик маълумотларнинг турларига қараб кўрсатиб ўтилган типологияга янги типларни қўшиш ёки олиб ташлаш мумкин.-муаллифлар.

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мирзолар ҳақида маълумотлар[56] | | | | | | | | | | | | |
| 14 | Мирзоларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, хатна, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |
| 15 | Мирзоларнинг қишлоққа (қишлов) чиққанликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 26 | | | | |
| 16 | Мирзоларнинг яйлоққа чиққанликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |
| 17 | Мирзоларнинг шикорга чиққанликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 11 | | | | |
| 18 | Мирзоларнинг қушламишийга чиққанликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 6 | | | | |
| 19 | Мирзоларнинг машҳур авлиё ва анбиёларнинг мозорларини зиёрат қилганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 15 | | | | |
| 20 | Мирзоларнинг бирор ҳудуд ёки мамлакатларнибошқарганлиги ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 25 | | | | |
| 21 | Бирор бир ҳудудни ҳам бошқаришга муваффақ бўлмаган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 45[57] | | | | |
| 22 | Бунёдкорликка эътибор берган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 20 | | | | |
| 23 | Илм-фан ва ижоднинг бирор бир тури(шоирлик, хаттотлик ва бошқа) билан машғул бўлган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 24 | Кўзларига мил тортилган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 25 | Ҳажга кетган ёки юборилган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 26 | Ясоққа тортилган, ҳибсга олинган ёки бошқа тарзда жазоланган мирзолар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |
| 27 | Мирзоларнинг бетоб бўлиб қолганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |

[56] Бир қатор Темурий мирзолар мўғул ҳукмдорларига мансуб маликаларни ўз никоҳларига олган бўлсаларда, Фасиҳ Хавофий соҳибқирон Амир Темур, Амирон Шоҳ Мирзо ва Улуғбек Мирзоларга нисбатан “Кўрагон” унвонини қўллаган – муаллифлар.

[57] Бу кўрсаткич манбада номлари қайд этиб ўтилган Темурий мирзоларнинг бирор ҳудуд ёки мамлакатларни бошқармаганликларини англатмайди, фақатгина бирор ҳудуд ёки мамлакатларни бошқарганликларини қайд этган маълумот йўқлигини билдиради- муаллифлар.

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 28 | Мирзоларнинг тан жароҳатлари олганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |
| 29 | Мирзоларга суиқасд уюштирилган-лиги ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 4 | | | | |
| 30 | Мирзоларнинг вафот этганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 26 | | | | |
| 31 | Мирзоларнинг ҳалок бўлганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 32 | Мирзоларнинг қатл этилганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 8 | | | | |
| 33 | Мирзолар ҳаётига оид бошқа турдаги маълумотлар | | | | | | | | ??? | | | | |
| 34 | Маликаларнинг умумий сони | | | | | | | | 27 | | | | |
| 35 | Исмлари қайд этилган маликалар сони | | | | | | | | 23 | | | | |
| 36 | Исмлари қайд этилмаган маликаларнинг сони | | | | | | | | 4 | | | | |
| 37 | Ҳар икки томондан Темурийларга мансуб бўлган маликалар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 38 | Турмушга чиққунга қадар ҳар икки (ота-она) томонлама ҳам Темурийларга мансуб бўлмаган маликалар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 15 | | | | |
| 39 | Бир томонлама Темурийларга мансуб бўлган маликалар | | | | | | | | 11 | | | | |
| 40 | Маликаларнинг таваллуд кунлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 2 | | | | |
| 41 | Маликаларнинг унаштирилган-ликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 2 | | | | |
| 42 | Маликаларнинг никоҳ тўйлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 14 | | | | |
| 43 | Маликаларнинг таваллуд топганликлари муносабати билан ўтказилган байрам тадбирлари, хатна, унаштирув ва никоҳ тўйлари билан боғлиқ маълумотлар | | | | | | | | 5 | | | | |
| 44 | Маликаларнинг фарзанд кўрган-ликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | - | | | | |
| 45 | Маликаларнинг бирор мирзони ўз тарбиясига олганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | - | | | | |
| 46 | Бунёдкорликка эътибор берган маликалар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 5 | | | | |
| 47 | Ижоднинг бирор бир тури (шоирлик,  хаттотлик) билан | | | | | | | | - | | | | |

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | машғул бўлган маликалар ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | | | | | |
| 48 | Ҳаж сафарида бўлган маликалар ҳақида маълумотлар | | | | | | | | 1 | | | | |
| 49 | Маликаларнинг вафот этганлик-лари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | 10 | | | | |
| 50 | Маликаларнинг ҳалок бўлганлик-лари, қатл этилганликлари ёки заҳарланганликлари ҳақидаги маълумотлар | | | | | | | | - | | | | |
| 51 | Маликаларга оид бошқа турдаги маълумотлар | | | | | | | | ??? | | | | |
| 52 | Ёзма манбаларнинг информацион хусусиятидан келиб чиқиб бошқа маълумотларни қўшиш мумкин | | | | | | | | | | | | |

# II. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

*Тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ*[58].

*Ислом Каримов*

## ТЕМУРИЙЛАР ШАЖАРАСИНИНГ“БОБУРНОМА”ДАГИ ТАЛҚИНИ[59]

Темурийлар тарихи барча даврларда жаҳон муаррихларининг диққат марказида бўлиб келган. Шарқшунос олим В.В.Бартольд таъкидлаганидек, Темур даври тадқиқотчиси “Маълумотларнинг камлигидан эмас, балки кўплигидан қийналади. Чунки улар кўплаб кутубхоналарга сочилиб кетган, улар аввало танқидий нуқтаи назардан қараб чиқишни ва нашр этишни тақозо этади”[60]. Биз мавжуд тарихий манбалар ва тадқиқотлар қадр-қимматини холис баҳолаган ҳолда,“Бобурнома” асарининг Темурийлар шажарасини ўрганишдаги манбавий аҳамиятига эътибор қаратамиз.

Темурийлар тарихига қизиқиш янада ортганлиги боис, тарихий манбалар қайта нашр этилмоқда, илмий, илмий-оммабоп ва бадиий асарлар яратилмоқда. Булар ичида Т. Файзиев, А. Зиё, Ш. Ўлжаева, Ҳаким Сатторий ва бошқаларнинг Темурийларга оид асарларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин[61]. Ушбу асарлар “Темур тузуклари”, “Муъизз ул-ансоб”, Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворихи Муиний”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ул мақдур фи ахбори Таймур”, Ҳофизи Абрунинг “Мажмуайи Ҳофизи Абру” ва “Зубдат ут-таворих”, Мирхонднинг “Разват ус-сафо”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн”, Фасиҳ Хавофийнинг “Мужмал-и Фасиҳий”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Ғиёсуддин Муҳаммад Хондамирнинг

[58] Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир / И.А.Каримов; - Тошкент: «O’zbekiston» НМИУ, 2015. –Б. 109.

[59] Боқиев А.А., Йўлдошева З. Ҳ. Темурийлар шажарасининг “Бобурнома”даги талқини// Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. –Тошкент, 2011. -74-82 бетлар.

[60] Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Сочинения. II том, 2 часть. М., 1964. С.199.

[61] Файзиев Т. Темурий маликалар. – Т.: 1994; Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари.-Т.: 1994; Файзиев Т. Темурийлар шажараси.- Т.: 1995; Файзиев Т. Ҳусайн Байқаронинг сирли ўлими.- Т.: 1995; Зиё А. “Ўзбек давлатчилиги тарихи” .-Т.: 2000; Сатторий Ҳ. “Олтин силсила”. – Т.: 2006 ва бошқалар.

"Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул башар" ва "Хулосат ул-ахбор", Гулбаданбегимнинг "Ҳумоюннома" каби манбаларни ва яна кўплаб илмий-тадқиқотларни ўрганиш жараёнида яратилди.

Эслаб ўтилган манбалар орасида "Бобурнома" Темурийларга мансуб сулола вакили томонидан ёзилганлиги унинг тарихий аҳамиятини янада оширади. Бу манбанинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи ва географиясига доир қимматли асарлигини ёдда тутган ҳолда, Темурийлар шажарасига оид маълумотларни таҳлил қиламиз. Муаллиф "Бобурнома"да шажара тарихини ёритишни мақсад қилиб қўймаган, аммо воқеалар баёни давомида тарихий ҳолатдан келиб чиқиб, у ёки бу мирзо ва бегимлар исми шарифини эслаб ўтган. Манбада бир қатор мирзоларнинг ҳаёт йўли, таваллуди ва насаби, шакл ва шамойили, ахлоқ ва атвори, жангу-жадаллари, вилоятлари, хотинлари ва канизлари, авлодлари ва умаролари ҳақида батафсил маълумот берилган бўлса, айрим мирзо ва бегим номи бир ёки бир неча бор юзаки зикр этиб ўтилган. Чунончи, Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо отаси Умар Шайх мирзо ибн Султон Абусаид мирзо[62], амакилари Султон Аҳмад мирзо[63], Султон Маҳмуд мирзо[64] ва Темурийлар орасида забардаст ҳукмдорлардан ҳисобланган Султон Ҳусайн мирзо ибн Мансур мирзолар[65] ҳақида батафсил тўхтаб ўтган. "Бобурнома" хронологик жиҳатдан 1493-1529 йилларни ўз ичига олсада, 1510-1518 ва 1521-1524 йиллардаги воқеалар баёни айрим сабабларга кўра ёритилмаган ёки бизгача етиб келмаган. Баъзан эса 1493 йилгача бўлган сиёсий жараёнлар акс этган маълумотлар ҳам учрайди.

Қуйидаги жадвални Темурийларнинг исми шарифларини "Бобурнома"да учраш тартибига қараб туздик[66]:

| | **Темурий шаҳзодалар** | **Бетлар**[67] |
|---|---|---|
| 1 | Умар Шайх мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 9 |
| 2 | Султон Аҳмад мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 9 |

[62] Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома", Т., 1989., 9-15 бетлар.
[63] Ўша манба, 19-24 бетлар.
[64] Ўша манба, 26-30 бетлар.
[65] Ўша манба, 147-154 бетлар.
[66] Жадвалга она томонидан темурийларга мансуб бўлган шаҳзодаларни (мирак) ҳам киритдик ва уларнинг исми шарифларини курсив шаклида келтирдик.-муаллифлар.
[67] Жадвалда кўрсатилган бетлар мирзоларнинг исми шарифлари матнда илк бор учрашини билдиради.-муаллифлар.

| | | |
|---|---|---|
| 3 | Султон Абу Саид мирзо ибн Султон Муҳаммад мирзо | 9 |
| 4 | Султон Муҳаммад мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 9 |
| 5 | Султон Маҳмуд мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 9 |
| 6 | Султон Муҳаммад мирзо ибн Мирон Шоҳ мирзо | 9 |
| 7 | Умар Шайх мирзо ибн Амир Темур | 9 |
| 8 | Жаҳонгир мирзо ибн Амир Темур | 9 |
| 9 | Мироншоҳ мирзо ибн Амир Темур | 9 |
| 10 | Шоҳрух мирзо ибн Амир Темур | 9 |
| 11 | Заҳириддин Муҳаммад Бобур ибн Умар Шайх мирзо | 11 |
| 12 | Жаҳонгир мирзо ибн Умар Шайх мирзо | 11 |
| 13 | Носир мирзо ибн Умар Шайх мирзо | 11 |
| 14 | *Хуррамшоҳ (онаси Хонзодабегим – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг опаси)* | 11 |
| 15 | Улуғбек мирзо ибн Шоҳрух мирзо | 12 |
| 16 | Абдулазиз мирзо ибн Улуғбек мирзо | 12 |
| 17 | Иброҳим Султон ибн Шоҳрух мирзо | 13 |
| 18 | Абдулло мирзо ибн Иброҳим Султон | 13 |
| 19 | Абобакр мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 14 |
| 20 | Султон Вайс мирзо ( Хонмирзо-63 бет; Мирзохон-13 бет) ибн Султон Маҳмуд мирзо | 14 |
| 21 | Минучеҳр мирзо ибн Султон Муҳаммад мирзо | 15 |
| 22 | Жўгий мирзо ибн Шоҳрух мирзо | 15 |
| 23 | Абу-л-қосим Бобур мирзо Бойсунғур мирзо | 15 |
| 24 | Ҳумоюн ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур | 16 |
| 25 | Султон Али ( Султонали мирзо-23 бет) мирзо ибн Султон Маҳмуд мирзо | 16 |
| 26 | Улуғбек мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 20 |
| 27 | *Бобохон (онаси Робиа Султонбегим- Султон Аҳмад мирзонинг қизи)* | 20 |
| 28 | Султон Масъуд мирзо ибн Султон Маҳмуд мирзо | 21 |
| 29 | Султон Ҳусайн мирзо ибн Султон Ғиёсуддин Мансур мирзо | 22 |
| 30 | Бойсунғур мирзо ибн Султон Маҳмуд мирзо | 22 |
| 31 | Малик Муҳаммад мирзо ибн Минучеҳр мирзо | 23 |

| | | |
|---|---|---|
| 32 | Султон Ҳусайн мирзо ибн Султон Маҳмуд мирзо | 27 |
| 33 | Ҳайдар мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 27 |
| 34 | Бадиуззамон мирзо Султон Ҳусайн мирзо | 33 |
| 35 | Иброҳим Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 33 |
| 36 | Музаффар Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо (айрим ҳолларда Музаффар мирзо сифатида берилган-40 бет) | 33 |
| 37 | Абулмуҳсин ибн Султон Ҳусайн мирзо | 34 |
| 38 | Муҳаммад Мўмин мирзо ибн Бадиуззамон | 40 |
| 39 | Муҳаммад Султон мирзо ибн Жаҳонгир мирзо ибн Амир Темур | 44 |
| 40 | Абдулатиф мирзо ибн Улуғбек мирзо | 48 |
| 41 | Муҳаммад Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 51 |
| 42 | Мирон Шоҳ мирзо ибн Улуғбек мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 54 |
| 43 | Султон Халил мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 64 |
| 44 | Ёдгор Муҳаммад Носир мирзо (ўша бетнинг ўзида Ёдгор Муҳаммад мирзо) ибн Султон Муҳаммад мирзо ибн Бойсунғур мирзо | 76 |
| 45 | Абдураззоқ мирзо ибн Улуғбек Кобулий мирзо | 113 |
| 46 | Мансур мирзо ибн Бойқаро мирзо | 146 |
| 47 | Бойқаро мирзо ибн Умар Шайх мирзо ибн Амир Темур | 146 |
| 48 | Бойқаро мирзо ибн Мансур мирзо | 146 |
| 49 | Султон Муҳаммад мирзо ибн Бойқаро мирзо | 147 |
| 50 | Султон Вайс мирзо ибн Бойқаро мирзо | 147 |
| 51 | Султон Искандар мирзо ибн Бойқаро мирзо | 147 |
| 52 | Султон Аҳмад мирзо ибн Сайди Аҳмад мирзо | 147 |
| 53 | Кичик мирзо (Муҳаммад Султон мирзо) ибн Султон Аҳмад мирзо | 147 |
| 54 | Кепак мирзо (Муҳаммад Муҳсин) ибн Султон Ҳусайн мирзо | 148 |
| 55 | Санжар мирзо Марвий ибн Султон Аҳмад мирзо ибн Умар Шайх мирзо | 149 |
| 56 | Шоҳғариб мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 149 |
| 57 | Абуттуроб мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 149 |
| 58 | Суҳроб мирзо ибн Абуттуробмирзо | 149 |
| 59 | Фаридун Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 150 |
| 60 | Ибни Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 150 |

| | | |
|---|---|---|
| 61 | Муҳаммад Замон мирзо ибн Бадиуззамон мирзо | 150 |
| 62 | Муҳаммад Масъум мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 150 |
| 63 | Фаррух Ҳусайн мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 150 |
| 64 | Муҳаммад Қосим мирзо ибн Султон Ҳусайн мирзо | 150 |
| 65 | Муҳаммад Султон мирзо ибн Султон Вайс мирзо | 151 |
| 66 | *Бобур мирзо (онаси Робиа Султонбегим- Султон Ҳусайн мирзонинг синглиси)* | 151 |
| 67 | *Султон Мурод мирзо (онаси Робиа Султонбегим)* | 151 |
| 68 | Ёдгор мирзо[68] | 151 |
| 69 | *Қосим Ҳусайн Султон (онаси Ойша Султон- Султон Ҳусайн мирзонинг қизи)* | 151 |
| 70 | *Абдулло Султон (онаси Ойша Султон- Султон Ҳусайн мирзонинг қизи)* | 151 |
| 71 | Абдулбоқи мирзо (ибн Иланғир ибн Абубакр) | 158 |
| 72 | Шоҳрух мирзо ибн Султон Абусаид мирзо | 159 |
| 73 | Баҳор мирзо[69] | 187 |
| 74 | Баҳор мирзонинг набираси Жаҳонгир мирзо | 187 |
| 75 | Пирмуҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо (Баҳор мирзонинг чевараси) | 187 |
| 76 | Ҳиндол ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо | 201 |
| 77 | Суюрғатмиш мирзо ибн Шоҳрух мирзо | 205 |
| 78 | Султон Масъуд (Кобулий) мирзо ибн Суюрғатмиш мирзо | 205 |
| 79 | Али Асғар мирзо ибн Султон Масъуд мирзо ибн Суюрғатмиш мирзо | 205 |
| 80 | Комрон ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо | 213 |
| 81 | Сулаймон мирзо ибн Султон Вайс мирзо (Хонмирзо-63 – бет, Мирзохон-13 бет) | 244 |
| 82 | Форуқ ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо | 278 |
| 83 | Аскарий ибн Заҳириддин Муҳаммад Бобур мирзо | 312 |
| 84 | Алъамон ибн Ҳумоюн | 320 |
| 85 | Ёдгор Носир[70] | 324 |

[68] Ҳаким Сатторий “Олтин силсила”, Т.: 2006 й., 63-бетда Султон Ҳусайн Бойқаронинг қизи Фотима Султонбегим Мироншоҳ наслидан Ёдгор мирзога (Сайди Аҳмаднинг набирасига) узатилган дейилган; Файзиев Т., “Темурийлар шажараси”, Т., 1995 й., 124-бет.

[69] Oztuna Yilmaz, Devletler ve Hanedanlar, 1-cild, Ankara, 1996., 584 – бетда бу мирзо Пирмуҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо ибн Амир Темурнинг ўғли деб кўрсатилган.

“Бобурнома”да Темурий маликалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ниҳоятда салмоқли бўлсада, ҳозир бу хақда батафсил фикр юритмаймиз.

Манбада Темурий мирзоларнинг таваллуд ва вафот этган саналарига оид хронологик маълумотлар ҳам учрайди, аммо улар тўлиқ эмас. Бу маълумотларни ҳам матнда учраш тартибига қараб саҳифаси билан кўрсатиб ўтамиз:

1. Умар Шайх мирзо (ҳижрий 860 йил, Самарқанд – ҳижрий 899 йил Асхи. 9-бет).

2. Жаҳонгир мирзо (Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан икки ёш кичик. 11-бет).

3. Носир мирзо (Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан тўрт ёш кичик. 11-бет).

4. Султон Аҳмад мирзо (ҳижрий 855 йил – ҳижрий 899 йил Оқсув. 19-бет).

5. Малик Муҳаммад мирзо ( қатл этилган –ҳижрий 899 йил. 23-бет).

6. Султон Маҳмуд мирзо (ҳижрий 857 йил –ҳижрий 900 йил. 26-бет).

7. Улуғбек мирзо ( қатл этилган – ҳижрий 853 йил. 45-бет).

8. Бойсунғур мирзо (таваллуди –ҳижрий 822 йил Ҳисор – ҳижрий 905 йил баёнида қатл этилиши. 63-бет).

9. Султон Али мирзо (ҳижрий 906 йилда қатл этилган. 72-бет).

10. Султон Ҳусайн мирзо (ҳижрий 842 йил, Ҳирий – ҳижрий 511 йил, Бобо Илоҳий. 146-бет).

11. Ҳайдар мирзо (отаси замонида вафот этган -150 бет).

12. Муҳаммад Масъум мирзо (“Отасининг ҳаётидаёқ ўқ кечди”- 150 бет).

13. Фаррух Ҳусайн мирзо (“Фаррух Ҳусайн мирзо эди, ул худ зиёда умре топмади” – 150 бет).

14. Муҳаммад Ҳусайн мирзо (ҳижрий 912 йил баёнида “Оз фурсат ўтмадиким, Шайбонийхон – оқ ўлтуруб, жазосига еткурди” – 181 бет).

15. Абулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзо (ҳижрий 913 йил баёнида “Абулмуҳсин мирзодин бедиллик зоҳир бўлур. Кепак мирзоға чандони тафовут қилмас иккала мирзонинг бошларини Шайбоқхон Пули Солорда эканда йиборурлар” – 187 бет).

16. Ҳумоюн (ҳижрий 913 йил баёнида: “Ушбу йилнинг охирида сешанба кечаси зулқаъда ойининг тўртида офтоб ҳут буржида эди, Кобулнинг аркида мутаваллид бўлди” – 195 бет).

17. Ҳиндол (ҳижрий 925 йил баёнида: “Неча кундин сўнгра эр ўғул тенгри карам қилди, хабардин бурна уч кун туққондин сўнгра онаси олидин хохи ва нахохи

[70] Oztuna Yilmaz, Devletler ve Hanedanlar, 1-cild, Ankara, 1996., 608 – бетда бу мирзо Носир мирзонинг ўғли деб берилган (Ғазна, 1515 йил- 3. 1546 йил).

олиб, уйимизға келтуруб сахлабтурлар, чун валодатининг хабарини йибордик. Бахрани олғонда бу хабар етар, таяммунан ва тафаъулан отини Ҳиндол қўйдилар" – 201 бет).

18. Форуқ (ҳижрий 933 йил баёнида: "Муҳаррам ойида Форуқнинг таваллудининг хабарини Бек Вайс келтурди. Агарчи бурун хабарни бир пиёда келтуруб эди, вале севинчига Бек Вайс бу ойда келди. Одина кечаси шаввол ойининг йигирма учида мутаваллид бўлғондир, Форуқ мавсум бўлди" – 278 бет).

19. Алъамон (таваллуди ҳижрий 935 йил – 320 бет).

20. Хонмирзо ( ҳижрий 936 йил баёни. "Тўққуз юз ўттуз тўртта Хон Мирзо оламдин сафар қилди" – 352 бет).

Юқоридагилардан хулоса чиқарадиган бўлсак, "Бобурнома" асарининг Темурийлар шажарасини ўрганишдаги манбавий аҳамиятини янада чуқуррок англаш учун бу борада кенг қамровли тадқиқотлар қилиш талаб этилади. Бу эса ўз навбатида Ватанимиз тарихида ёрқин из қолдирган сулола вакилларининг сиёсий ҳокимият майдонида тутган ўрни, салтанат равнақи ва таназзулининг сабаб-моҳиятини янада хаққоний очиб бериш имкониятини беради.

## ТИТУЛЫ И ДОЛЖНОСТИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ "МУДЖМАЛИ ФАСИХИ"[71] ФАСИХ АХМАДА АЛ-ХАВАФИ[72]

1. Айгак-131[73]
2. Аламдар (знаменосец) -147
3. Ал-кази-41
4. Ал-мавла-38
5. Ал-хаким-47
6. Амил (работник государственной финансовой канцелярии, сборщик податей)-92
7. Амир ал-му'минин-69
8. Амир ал-умара (глава амиров)-42
9. Архитектор (устад Кавам ад-Дина Ширази)-217
10. Асас-126
11. Астроном-38

[71] http: // www. vostlit.info / texts / rus8/ Fasihi/;

[72] Бакиев А.А. Титулы и должности в произведении «Муджмали Фасихи» Фасих Ахмада ал-Хавафи // **Тарих тафаккури**: тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VIII жилд / Тузувчи ва масъул муҳаррир Ш. Воҳидов. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2015, 21-26 бетлар.

[73] Страница вышеуказанного перевода.

12. Атабек-66
13. Ахтачи-116
14. Ашрафийские амиры-88
15. Аш-шейх ал-имам-38
16. Бакаул-92
17. Бахадир-40
18. Бахши-113
19. Везир-34
20. Великий или главный ходжа (ходжа-йи бузург) стоял во главе всех “людей пера”, т. е. бюрократической системы. Термин употреблялся при дворе Саманидов и Газневидов для обозначения должности везира.
21. Великий амир-63
22. Вестник-129
23. Военначальник-88
24. Врач(медик)-59
25. Глава имамов по законоведению-89
26. Глава хафизов -213
27. Гуйанде (Абд ал-Му'мин гуйанде)-121
28. Даруга погонщиков верблюдов -202
29. Даруга-121
30. Джамадар-92
31. Джаункар-(Умар Кипчаки, который был *джаункаром* султан Ахмада-Джаункар- монг. левая рука, левое крыло армии.)-106
32. Диванбеги-125
33. Диван -175
34. Ийкак- (Смерть Мухаммад Хасан-шах Хератруди *ийкака* по дороге в Хиндустан)-121
35. Имам соборной мечети -210
36. Имам-34
37. Инак (Инак - букв. доверенное лицо. В Муджмале, по-видимому, означает придворные, лично близкие к хану)-67
38. Исследователь-52
39. Каан-37
40. Казак (Шейх Али *казак* из своего кушуна с тремястами воинами перешел на сторону его Величества хакана)-169

41. Кази ал-куззат-47
42. Кази войска-198
43. Кази-34
44. Казначей-41
45. Кассаб-83
46. Копьеносец-152
47. Кукалдаш (молочный брат) -137
48. Курчи-106
49. Кутвал крепости-81
50. Кушчи-129
51. Мавлана акза ал-куззат-43
52. Мавлана тадж аш-шари'а-42
53. Мавлана-38
54. Макхул-(Переселение Шибли и Зайн ал-Абидин - сыновей шаха Шуджа', которые были *макхулами*. Шибли был ослеплен шахом Шуджа', а Зайн ал-Абидин - шах Мансуром. Их отправили в Самарканд.)-116
55. Малик-34
56. Мубашир -215
57. Мударрис (преподаватель в медресе)-52
58. Муфрад-125
59. Мухаддис-52
60. Мухассил-108
61. Мухтасиб-211
62. Надим-35
63. Наиб (заместитель, помощник)-38
64. Найи (устад Кутб ад-Дин Найи)-121
65. Накиб-41
66. Налогосборщики-125
67. Намбардары (известные люди)-128
68. Наместник -71
69. Наррада (ходжа Йахйа Наррада)-121
70. Начальник асасов (сторожей)-126
71. Начальник войска (должность)-45
72. Нойан (Нойон- монг., точнее нойан- титул военачальников и представителей монгольской аристократии.)-35

73. Нукер-41
74. Падишах -47
75. Падишах ойратов-61
76. Падишахзаде-50
77. Парваначи-165
78. Пахлаван-40
79. Пешие стрелки/ пешие стрельцы – 145/152
80. Писарь амлак-и хасса -200
81. Писарь канцелярии казиев -220
82. Писарь-77
83. Посол-38
84. Поэт-35
85. Правитель-38
86. Пророк-35
87. Рахдар (шейх Махмуд рахдар)-107
88. Руководитель муршидов-48
89. Сагирчи-154
90. Садр-123
91. Саййид-37
92. Сакзи-149
93. Саркар [в строительстве]-121
94. Сахиб ийар-80
95. Сахиб-диван
96. Сахибкиран-60
97. Слуга-92
98. Султан-34
99. Тавачи -180
100. Тамгачи-106
101. Тархан-35
102. Туркменский Амир-102
103. Уди (устад Хабиб Уди)-121
104. Управляющий байт ал-малом-132
105. Управляющий войсковым снаряжением и судейскими делами-205
106. Управляющий делами дивана-43
107. Управляющий малом -165

108. Устад (устад Кутб ад-Дин Найи)-121
109. Учёный-59
110. Фарраш-77
111. Хадим хазин (Править государством арабского Ирака стал ходжа Сарвар *хадим хазин*)-99
112. Хадим-92
113. Хазина-(Сулейман-шах *хазина*/Кончина ходжа Сарвар *хазина*-правителя Багдада, который заболел, скорбя о [гибели города])- 95/99
114. Халиф-42
115. Хан-34
116. Хатиб (официальное лицо, имевшее право произносить хутбу (проповедывать) во время пятничной молитвы в соборной мечети)-35
117. Ходжа сарай (дворецкий)-180 (“а на их языке ходжа сарайев называют таджиками”)
118. Ходжа-34
119. Хорезмшах-42
120. Худжжаб (Худжжабы, ар., мн. ч. от хаджиб- служитель двора)-38
121. Царевичи Чагатайского улуса-39
122. Царевна-56
123. Царь (воитель [Амир Мубариз ад-Дин])-44
124. Чанги (устад Ардашир Чанги)-121
125. Чрезвычайный уполномоченный-125
126. Чтец «Корана» -213
127. Чухра-149
128. Шах-36
129. Шахзаде-37
130. Шейх ал-ислам (ар., глава мусульманского духовенства)-34
131. Шейх и [духовный] глава -86
132. Шейх-34
133. Шербетдар-147
134. Шихне (комендант, правитель города с полицейскими функциями)-36
135. Шукрчи-129
136. Амир арабов-71
137. Амир афгани-82
138. Амир войск-84

139. Амир джермайи-82
140. Амир дивана -176
141. Амир кушуна-136
142. Амир ойратов-45
143. Амир племени абарди-73
144. Амир племени арлат-73
145. Амир хазары белуджиев-163.
146. Амир-35
147. Амирзаде-59
148. Амиры туманов и кутунов -157-158

## "АЖОЙИБ АЛ-МАҚДУР ФИ ТАРИХИ ТАЙМУР" АСАРИНИНГ МАНБАВИЙ АҲАМИЯТИ[74]

Ўрта Осиёнинг XIV-XV асрлар даври тарихини ўрганишда бирламчи ёзма манбаларнинг ўрни беқиёсдир. Шундай бирламчи манбалар қаторида Шаҳобуддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим қаламига мансуб "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" манбасининг ўзига хос ўрни бор[75]. Муаллиф ўз ҳаёти давомида кўрган ва эшитганлари, замондошларининг ҳикоялари асосида олган таассуротларини китоб ҳолига келтирган. Ибн Арабшоҳнинг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзган: *"Мен бу қиссадан ўзим кўрганларимни эслаб, бу тўғрида бошқалардан ривоят топганларимни баён қилишни иродат этдим, чунки бу (иш) катта воқеаларнинг бири, ибратли ҳодисаларнинг онаси бўлди ва шундай бир ишларки, уни шу қадар васф қилган билан тақдир рози бўлмайди"*[76]. Манба Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётига ва қисман Темурийлар даври тарихига бағишланган бўлсада, асар саҳифаларида ўша давргача ва шу даврда яшаган жуда кўплаб тарихий шахсларнинг номлари зикр этиб ўтилган. Ибн Арабшоҳ манбанинг муқаддима қисмида: *"(Бу воқеаларни баён қилишда) менга ростгўйликни ато қилишни ва ҳақиқат йўлида жавлон уришимда илҳом бахш этишини тангридан сўрайман. Албатта, тилакка етказувчи ва мақсад ўқини нишонга бехато йўлловчи тангрининг ўзидир. (Бу йўлда) тангри " мен учун содиқ*

[74] Боқиев А.А., Йўлдошева З.Ҳ. "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи таймур" асарининг манбавий аҳамияти // **ТАРИХ ТАФАККУРИ**. Илмий-амалий мақолалар тўплами. IX жилд/Тузувчи ва маъсул муҳаррир Ш. Воҳидов. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. - 39- 42 бетлар.
[75] Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. – 141-бет.
[76] Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари /Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз боши У. Уватов тайёрлаган; К.I.-Т.: Меҳнат, 1991. – 67- бет.

*ва ғоятда яхши йўлбошчидир*”[77]-деб таъкидлаб ўтган бўлсада, Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ айрим тарихий воқеаларни ёритишда нохолисликка йўл қўйган[78]. Шундай бўлсада, бу манбада келтирилган маълумотларнинг маълум бир қисми катта тарихий аҳамият касб этади. Манбани ўзбек тилига таржима қилган олим У.Уватов асарни мазмунига кўра тўрт бўлимга бўлишни таклиф этган ва буни қуйидагича изоҳлаган: “Деярли ярим асрлик давр воқеаларини ўз ичига олган “Ажоиб ал-мақдур” кўп сонли “зикр” (баён)лардан иборат бўлиб, воқеалар жараёнига биноан муаллиф уларни тадрижий равишда келтиришга ҳаракат қилган. Мана шу “зикр”ларнинг жойлашуви ҳамда асарнинг композициясига асосланиб, бизнингча, уни тўрт бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи бўлимда Темурнинг насаби, болалик ва ўспиринлик йиллари дастлабки фаолиятига оид маълумотлар келтиради. Иккинчи бўлимда Темур Мовароуннаҳрда ҳокимиятни мустақил эгаллагандан (1370 йил) бошлаб деярли умрининг охиригача олиб борган ҳарбий юришлари сўзланади. Темур вафотидан (1405 йил) кейин тахминан 1436 йилгача бўлган воқеалар учинчи бўлимда баён қилинади. Охирги тўртинчи бўлим эса, Темурнинг сифатлари, шакл-шамойиллари табиий хислатлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.”[79].

Бизнинг фикримизча, манбанинг тўртинчи бўлимида келтириб ўтилган тарихий маълумотлар ўз оригиналлиги ва жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Манбанинг хронологик чегараси Соҳибқирон амир Темурнинг таваллуд кунларидан бошланиб, ҳижрий 850 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Муаллиф бу ҳақда қуйидагича фикр билдирган: *“Шундай қилиб, Мовароуннаҳр, Хуросон, Хоразм, Журжон, Ажами Ироқи, Мозандарон, Қандаҳор, Ҳинд, Кермон ва Озарбайжон чегарасигача бўлган барча Ажам ерлари мана шу кунларимизгача, яъни 850 (1436-1437) йилгача холис Шоҳрухники бўлди.*”[80] Ибн Арабшоҳ манбанинг сўнгги бўлимларида “Темурнинг бадоатли сифатлари ва унга ато қилинган туғма хислатлари ва табиати ҳақида”[81], “Темурнинг олим ва диний уламоларга муносабати”[82], “Темурнинг тафаккур

---

[77] Ўша манба, К.I.-Т.: Меҳнат, 1991. – 68- бет.
[78] Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. – 142-бет.
[79] Ўша манба; К.I.-Т.: Меҳнат, 1991. – 37- бет.
[80] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 64- бет.
[81] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 65-69 бетлар.
[82] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 69-70 бетлар.

доираси ва давлатда жосуслик хизматининг йўлга қўйилиши"[83], "Темурнинг идроклилиги тўғрисидаги ҳикоялардан намуналар"[84], "Темурнинг ўзига тобеъ бўлган ҳукмдорлар билан муносабатлари ва ўзининг шикорга чиқиш жараёнлари"[85], "Темур давлатига келтириладиган фойдали қазилма бойликлари ҳақида"[86], "Темур давлатида барпо этилган боғу-бўстонлар ва Самарқанд атрофида бунёд этилган қасабалар тўғрисида"[87], "Темурий маликалар тўғрисида"[88] қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

Ибн Арабшоҳ манбада Амир Темур фарзандлари ва набиралари тўғрисида ҳам бир қатор муҳим маълумотлар берган. Жумладан, Соҳибқироннинг набиралари ҳақида муаллиф томонидан қуйидагича маълумот келтирилади: *"Темур набираларининг кўпчилиги, фақат Шоҳрух болаларидан бошқалари инқирозга учради. Набираларининг энг кўзга кўрингани Самарқанд ҳокими Улуғбек, Шероз ҳокими Иброҳим Султон, Кермон ҳокими Бойсунқур эди. Булар иккаласи ҳам 838 (1434-1435) йилда вафот этди, ва Жуқий, қайсики у Қаро Юсуф ўғли Искандарга қарши юриш қилган ва Қаройлук ўлгандан кейин уни (Искандарни) майда–майда қилди. Бу воқеалар 839 (июль 1435-июнь 1436) йилнинг ойларида бўлиб, унинг ўзи шу йилнинг охирларида вафот топди"*[89].

Ибн Арабшоҳ "Ажойиб ал-мақдур" манбасида Самарқандда яшаб ижод этган олиму-фузалолар тўғрисида қуйидаги фикр билдирган: *"Уларнинг ҳар бири ўз асрининг алломаси, ўз даврининг мўъжизакор (киши)лари эдилар. Агар алфозларнинг қимматбаҳо хилъатлари ўша аъёнлар васфлари жавҳарлари билан безатилса, олам энг ноёб тошлару холис тилло шодалари билан (аллақачон) тўлиб кетарди. Мана шулар мен таниб, зикрию исми хотиримга келган кишилардир. Аммо мен билмаган ёинки билгану бироқ зикрию исми хотиримда қолмаган кишилар сон-саноқсиз бўлиб, ҳисоб-китобдан хориждур. Хулласи калом, Темур ҳар бир (фойдали) жонни йиғиб, нимаики нарса бўлса сарасини Самарқандга келтирди. Натижада, Самарқандда ҳар бир ажиб фан аҳли намояндасидан ва саънатлар ғаройиб услубидан фазилати пешонасида нишона бўлиб, ўз тенгқурларидан устун турган ўз соҳасида аллома кишилар йиғилган*

[83] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 71-72 бетлар.
[84] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 72-79 бетлар.
[85] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 79-81 бетлар.
[86] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 82 бет.
[87] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 82-83 бетлар.
[88] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 83- бет.
[89] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 84- бет.

*эди.”*[90]. Манба муаллифи матнда Самарқандда яшаб ижод этган *фақиҳ олимлардан* мавлоно Абдумалик, Нўъмонуддин Хоразмий, Хожа Абдулаввал, Исомуддин ибн Абдулмалик, *муҳаққиқ олимлардан* мавлоно Саъдуддин ат-Тафтазоний, Саййид Шариф Муҳаммад Журжоний, Шайх Шамсуддин Муҳаммад ибн ал-Жазорий, Хожа Муҳаммад аз-Зоҳид Бухорийлар, *қорилардан* мавлоно Фахруддин, *Қуръонни қироатда ҳам, савтда ҳам тажвид билан ёд олган* кишилардан Абдулатиф ад-Домғоний, мавлоно Асадуддин, Шариф Ҳофиз Ҳусайний, Маҳмуд Муҳриқ ал-Хоразмий ва Жамолуддин Аҳмад ал-Хоразмий, *мусиқа илмида* устоз бўлган Абдулқодир ал-Мароғий, *ваъзхон ва хатиблардан* саройлик мавлоно Аҳмад ибн Шамс ул-Аимма, мавлоно Аҳмад ат-Термизий, мавлоно Мансур ал-Қоғоний, *моҳир котиблардан* хаттот Ибн Бандгир, Абдулқодир, Тожуддин ас-Салмоний, *мунажжимлардан* мавлоно Аҳмад, *заргарлардан* ал-Ҳож Али Шерозий, ал-Ҳож Муҳаммад Ҳофиз Шерозий, *сангтарошлардан* Олтун, *шатранжчилардан* Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми, Зайн ал-Яздий, Алоуддин ат-Табризийлар, *қўшиқчилардан* Абдулқодир ал-Мароғий ва унинг ўғли Сафиуддин, куёви Насрийн, Қутб ал-Моусилий, Ардашер ал-Чанги, *наққошлардан* Абдулҳай ал-Бағдодий, *боғбонлардан* Шиҳобуддин Аҳмад аз-Зардакашийларнинг исмлари ва касбий маҳоратларини қайд этиб ўтган.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-макдур фи тарихи Таймур” манбаси Ўрта Осиё, Эрон, Кавказ ва Шарқнинг бошқа мамлакатларининг XIV аср иккинчи ярми ва XV аср биринчи ярмидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалари тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Манбада келтирилган маълумотларни илмий таҳлил қилиш ва муомалага киритишда ўша даврда яратилган бошқа бирламчи манбаларни ҳам ўрганиш ва ўзаро солиштириш тадқиқотлар доирасини янада кенгайтиради.

## АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИНИ ТУРКУМЛАШ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР[91]

Амир Темур ва Темурийлар даври давлатчилиги, маънавияти ўзининг салоҳияти, мазмуни, тарбиявий кучи ва таъсири билан халқимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Президентимиз И.А.Каримов қайд этганларидек, “бизнинг

[90] Ўша манба; К.2.-Т.: Меҳнат, 1992. – 87- бет.

[91] Боқиев А.А ва бошқ. Амир Темур ва Темурийлар даври матнларини туркумлаш ҳақида айрим мулоҳазалар.//Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт: трансформацион жараёнлар. Республика илмий анжумани мақолалар тўплами.-Термиз, 2013.-159-160 бетлар.

тарихимизда Амир Темурдек улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду-ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ”[92]. Бунга бирламчи манбалар сифатида эътироф этиладиган кўплаб асарлар ва холис тарихнинг ўзи гувоҳлик бериб турибди.

Соҳибқирон бобомиз ва унинг авлодлари тўғрисида ёзилган асарларнинг сони ва салмоғи ҳар қандай тадқиқотчини ҳайратда қолдиради. Бу тарихий манбаларни тўплаш ва библиографиясини тузиш масаласи эса ниҳоятда маъсулиятли вазифадир. Э.В. Ртвеладзе ва А.Х. Саидовлар 1999 йилда чоп этилган “Амир Темур дунё фани кўзгусида” номли библиографик тадқиқотларида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 700 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 дан кўпроқ деб маълумот берган[93]. Бу даврга оид манбаларнинг илмий таҳлили жамиятшунос олимларимиз асарларида, айниқса, ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган “Амир Темур жаҳон тарихида” номли фундаментал тадқиқотда батафсил берилган. Ушбу тадқиқотда мазкур мавзу бўйича жаҳоннинг турли тилларида нашр этилган адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган[94]. Бу фундаментал тадқиқот 1996 йилда чоп этилган эди. 2001 йилда эса Биринчи президентимиз ёзган сўзбоши билан иккинчи нашри тўлдирилган ва қайта ишланган ҳолатда чоп этилди[95].

Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати – библиографиясини тузиш ишларига 1999 йили Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида жиддий киришилди ва ўша йилнинг декабрь ойигача 8950 та манба аниқланди[96]. Булар қуйидагилар:

1. 1996 йили Қоҳира шаҳрида нашр этилган “Амир Темур ва Темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манба ва қўлланмалар Фихристи”-970 та;
2. Академик Э.В. Ртвеладзе ва проф. А.Х. Саидовлар томонидан 1998 йилда чоп этилган “Амир Темур сиймоси жаҳон тарихи кўзгусида” рисоласида 690 та;

---

[92] Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Қаранг: Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998, 414-б.

[93] Тарихий манбашунослик муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). 2008 йил, 25- апрел, 98-бет.

[94] Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. – Париж, 1996, 119-128, 256-293-б.

[95] Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри.-Т.: 2001. 4-бет.

[96] 1999 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари, 61-63 бетлар.

3. 1997 йилда Эронда чоп этилган "Китобнома-йи асри Темурийон"(Темурийлар даври китоблари) рисоласида 1990 та;

4. А. Навоий номидаги ЎзР давлат кутубхонасида нашр қилинган "Соҳибқирон Амир Темур" номли методик тавсияномасида 432 та;

5. Германия кутубхоналаридаги Амир Темурга оид китоблар рўйхатида 305 та;

6. ЎзР ФА асосий кутубхонасидаги Амир Темурга оид китоблар рўйхатида 72 та;

7. ЎзР ФА Шарқшунослик институтидан олинган рўйхатда 26 та;

8. ТошДШИ кутубхонасидан олинган рўйхатда 5 та;

9. Интернет тизими орқали 1885 та;

10. Шахсий кутубхоналардаги кутубхоналардан 2489 та.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, тузилган библиографиялардаги маълумотлар сони ва салмоғи турли хилдир ва масала ҳали кўплаб илмий- тадқиқотларни талаб қилади.

Ҳозирги илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Амир Темур ва Темурийларга оид ёзма манбаларнинг катта қисми Европа олимлари томонидан ўрганилиб, Ғарбий Европа тилларига таржима қилинган. Мазкур давр тарихининг алоҳида соҳаларига бўлган тадқиқотлар ва қизиқишларга тўхталсак, Европа олимлари орасида асосан Темур ва Темурийларнинг ҳарбий санъати ва салоҳиятига бўлган қизиқиш яққол кўзга ташланади. Шу даврнинг санъати, маданияти, меъморчилиги масалалари эса кўпроқ Шарқ олимларининг диққат эътиборида бўлиб келган. Марказий Осиё олимларининг илмий тадқиқотларидаги асосий эътибор Амир Темур ва Темурийлар давридаги давлат тузилиши, халқаро дипломатик, иқтисодий алоқаларига қаратилганлиги намоён бўлади.

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий манбалари тўғрисида фикр юритар эканмиз яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимизга тўғри келади. Бу шу даврга оид ёзма манбаларни туркумлаш масаласидир. Бир қатор тадқиқотчилар бу масалага турлича ёндошганлар. Жумладан, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси 1999 йили Амир Темур ва Темурийлар библиографиясини тузиш ишларини амалга ошириш жараёнида XV-XIX асрларга оид манбаларни қуйидагича туркумлаган:

1. Қўлёзмалар, ёзишмалар.
2. Ўзбек, рус, МДҲ давлатлари халқлари тилидаги китоблар.
3. Европа тилларидаги китоблар.
4. Шарқ тилларидаги китоблар.

5. Бадиий адабиётлар[97].

2001 йилда тўлдирилган ва қайта ишланган "Амир Темур жаҳон тарихида" номли фундаментал тадқиқотда манбалар қуйидагича туркумланган:

1. Араб, форс, туркий тиллардаги, Кавказорти халқлари тилларидаги, Европа тилларидаги ёзма манбалар.
2. Амир Темурнинг бир қатор Европа давлатлари (Англия, Испания, Франция) бошлиқларига йўллаган мактублари ва уларга келган жавоб номалари.
3. Чоп этилган нумизматик манбалар.
4. Нашр қилинган эпиграфик манбалар.
5. Умумлашма тарзидаги илмий тадқиқотлар.
6. Айрим йирик муаммоларга бағишланган илмий тадқиқотлар.
7. Алоҳида масалалар бўйича тадқиқотлар.
8. Илмий-оммабоп нашрлар[98].

Кейинги йилларда Ватанимизда Темурийлар даври тарихи акс эттирилган чет эл адабиётларига қизиқиш янада ортди. Бир қатор асарлар ўзбек тилига таржима қилинди[99]. Бу тарихий манбаларни холислик, тарихийлик, Ватан манфаатлари, диалектик тамойиллар ва ўша давр руҳини эътиборга олган ҳолда тадқиқ этиш орқали Амир Темур ва Темурийлар даврида бўлиб ўтган тарихий жараёнларнинг сабаб ва натижаларини янада ҳаққонийроқ билиб олишга муваффақ бўламиз.

Масалан, турк тарихчиси Йилмаз Ўзтунанинг "Давлатлар ва хонадонлар" номли асари 5 жилддан иборат бўлиб[100], 1-жилднинг (Анқара, 1996, 1224 бет) 575-619 бетлари Темур давлати тарихига бағишланган. Асарнинг илмий аҳамияти шундаки, унда баъзи Темурий мирзо ва маликаларнинг Усмонийлар салтанатидаги ҳаёти билан боғлиқ қимматли маълумотлар учрайди[101].

---

[97] 1999 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари" мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари, 61-бет.

[98] "Амир Темур жаҳон тарихида" Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри.-Т.: 2001. 214-бет

[99] Иванин М.М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994; Эрскин Уильям, Бобур Ҳиндистонда. Тошкент, 1995; Ака, Исмоил. Буюк Темур давлати, Тошкент, 1996; Кэрэн Л., Саидов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари // Амир Темур ва Франция. Тошкент: 1996; Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Тошкент, 1998; Кэрэн, Люсьен. Амир Темур салтанати. Тошкент, 1999; Хукхэм, Хильда. Етти иқлим султони. Тошкент, 1999; Клавихонинг Самарқандга Самарқандга саёҳати. – Тошкент, 2004; Румер Годен. Гулбадан. –Тошкент.: 2007.-175 б; Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. – Тошкент.: 2007, -208 б; Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар).-Тошкент.: 2010.-264 б; Брион, Марсель. Менким, соҳибқирон – жаҳонгир Темур. Тошкент, 2011.- 572 б. ва бошқалар.

[100] Öztuna, Yılmaz, Devletler ve Hanedanlar,1-cild,Ankara,1996, 1224 seyfa (575-619).

[101] Öztuna, Yılmaz, Devletler ve Hanedanlar,1-cild,Ankara,1996, s.575

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Амир Темур ва Темурийлар даври тарихи ва улар қолдирган бой мерос ўзбек давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу меросни ўрганишимиз, ардоқлашимиз, фахрланишимиз ва ундан доимо сабоқ олишимиз кераклигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

## СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ГЕНЕАЛОГИИ ТИМУРИДОВ В ИСТОЧНИКАХ И ИСТОРИОГРАФИЯХ[102]

В последнее время вопрос о происхождении различных родословных, факты генеалогического характера продолжает занимать исследователей. Он встал особенно остро после того, как были критически осмыслены и признаны несостоятельными многие установки сформировавшиеся в течении XX века. Когда к различным родословным относились как к незаслуживающим достаточного внимания. Начатые новые исследования являются весьма перспективными, выявляют более солидную аргументацию в пользу тех или иных выводов. Изучение генеалогии именитых династий позволяет рассмотреть еще под одним углом зрения те или иные исторические события, более полно видеть их причинно-следственные связи.

Объектом нашего исследования является генеалогические связи Тимуридов, изучение которой открывает новые перспективы исследования эпохи в целом.

Как подчеркивал В.В.Бартольд: “Исследователь в этом случае испытывает затруднение не от недостатка, но от обилия материала, разбросанного по большому числу библиотек, требующего критического рассмотрения.”[103]

Письменных источников и произведении по эпохе Тимуридов целесообразно делить на следующие категории:

1. Произведения авторов, имевщих непосредственный диалог с Тимуридами;
2. Произведения авторов, являющихся современниками Тимуридов, но не имевшими непосредственный диалог с ними;
3. Юридические документы и переписки[104];

---

[102] Бакиев А.А. и др. Сравнительный анализ генеалогии Тимуридов в источниках и историографиях.// Марказий Осиё тарихининг манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари / Республика V илмий-назарий конференцияси материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм [Тошкент давлат шарқшунослик институти; маъсул муҳаррир М.М. Исҳоқов].-Т., 2013.- С. 281-297

[103] Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Сочинения. II том, 2 часть. М., 1964. С.199.

[104] Умняков И.И. Внешнеполитические связи Самарканда с государствами Западной Европы.-кн.; История Самарканда, Том1, Ташкент, 1969, С.173-195.; Умняков И.И. Из истории международных

4. Произведения авторов, описавших историю государств, бывших в подчинении Тимуридам. Эти авторы пользовались не только основными, но и местными источниками в своих произведениях.

5. Произведения авторов, не являющихся современниками Тимуридов. Для этих произведений характерно высокая степень компилятивности.

6. Исследования авторов нового и новейшего времени.

7. Научно-популярные, художественные произведения по истории эпохи Тимуридов.

8. Мемуары, биографии, автобиографии, геокосмографические произведения и “саёхатнаме” (истории странствий) по эпохе Тимуридов[105].

Трудно привести точную информацию об объеме источников и литературы по истории данной эпохи. Однако, некоторые историки попытались составить библиографию эпохи Тимуридов. Например, турецкий историк Йилмаз Узтуна приводит более 300 наименований[106], а один из авторов, который составил библиографию к книге “История эпохи Тимура и Тимуридов”, Б.В.Лунин приводит 472 наименований источников и литературы по истории эпохи Тимура,

---

отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XV в.-Тезисы конференции вузов и научных учреждений г. Самарканда, Самарканд, 1958, С.24-26.; Умняков И.И. Из истории международных отношений Средней Азии с Западной Европой в начале XVвека. Известия АН УзССР. Ташкент, 1960, №1, С.27-33.; Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV века. Сношения Тимура с Византией и Францией.-Труды Узбекского гос. университета им. А. Навои, вып. 61, Самарканд, 1956, С.179-200.; Умняков И.И. Малоизвестный французкий источник о Тимуре. Краткое сообщение/ Известия АН УзССР, Серия общественных наук. Ташкент, 1958, №3, С. 57.; Умняков И.И. Малоизвестный французкий источник о Тимуре.// Труды Самаркандского гос. университета. Новая серия, вып. 101. История, Самарканд, 1960, С.173-179.; Б.Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари, Тошкент., 2001., 68-100 - бетлар.; Y.Yusel, A.Sevim, Turkiye tarihi II., Ankara., 1990., s.59-68. и др.

[105] Автобиография Тамерлана / Перевод с тюркского языка Нила Лыкошина (по изданию Н.П. Остроумова, Ташкент, 1891). Ташкент, 1894, 115 с.; Автобиография Темура. Богатырские сказания о Чингис-хане и Аксак- Темуре / Перевод с тюркского и джагатайского языков. Вступительная статья и комментарии В.А. Панова. М.; Л., 348 с. Автобиография Темура, С.49-215; Амир Темур. Обстоятельства его жизни, походы, остановки, сражения и миры. Тюркский текст, изданный (Н.П. Остроумовым). Ташкент, 1891. Текст по переводу с персидского Наби Джана «Хатифа» (Ходжент, 1835-1836 гг.); Бабур Захириддин Мухаммед. Бабур-наме/ Пер. М.А. Салье. Ташкент, 1948, 231с.; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., «Юлдузча», 1989. 368 б.; Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / Русчадан О.Тоғаев таржимаси// Саънат. 1989. № 9-12; 1990. № 1-10.; Салоҳиддин Тошкандий Темурнома. Амир Темур Кўрагон жангнамоси / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва луғат муаллифи П. Равшанов. Тошкент, 1990, 350 б.; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура ( 1403-1406 гг)/ Пер. со староисп., предисл. и коммент. И.С. Мироковой. М., 1990, 212 с.; Темур тузуклари / Форс тилидан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов таржимаси . Тошкент, 1991.-144 б.; Уложение Тимура (Тамерлана) / Пер. Под ред. Н. Остроумова. Казань, 1894, 145 с. и др.

[106] Öztuna, Yılmaz, Devletler ve Hanedanlar,1-cild,Ankara,1996, 1224 seyfa (609-616 ve 910- 923); Aka, Ismail, Timur ve devleti, Ankara (1991), s. 153-154. Yu'cel, Yasar- Sevim, ALT. Turkiye tarihi II, (1990), 416 seyfa.

и 210 наименований - по истории эпохи Улугбека[107]. Авторы библиографического исследования “Амир Тимур в зеркале мировой истории” Э.В. Ртвеладзе и А.Х.Саидов приводят 690 наименований. Они же приводят данные, что в европейских языках издано более 700, а в восточных языках более 900 наимований[108]. В книге посвященный к юбилею Амира Тимура “Роль Амира Тимура в мировой истории” приводится 686 наименований источников и исследовательских трудов[109]. Международным фондом Амира Тимура составлен список около 8950 библиографических указателей, посвященной к истории эпохи Амира Тимура и тимуридов[110].

При изучении и исследовании данной эпохи, исследователь, несомненно, встретит ряд противоречивых суждений и сведений. Это относится и к генеалогии Тимуридов.

Попытаемся проиллюстрировать это с помощью таблиц. В первой таблице приведены отличия в указании числа произвольно выбранных членов семьи представителей династии, в рассмотренных источниках и произведениях.

---

[107] Темур ва Улуғбек даври. Тошкент, 1996, 230-264 -бетлар.

[108] Тарихий манбашунослик муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). 2008 йил, 25- апрел, 98-бет.

[109] Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. -Т.: 2001, 267-289 -бетлар.

[110] 1999 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган “Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари, 61-63 - бетлар.

*Таблица 1*

## Различия в указании числа членов семьи представителей династии

| № | Тимуридские принцы | Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997, 384 б. | | | | | Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи («Фасихов свод»). Т., 1980, 346 с. | | | | | Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989, 368 б. | | | | | Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» . А.Ўринбоевнашри. Т., 1969, 462 б. | | | | | Абулъ-Гази-Багадурхан. Родословное древо тюрков. Иоакинф. История первых четырех ханов дома Чингисова.Лен-Пулъ Стенли. «Мусулманские династии».М.-Т.-Б.,1996.-544 стр. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков |
| 1 | Амир Тимур кураган | 13 | 5 | 2 | 28 | 25 | 5 | 4 | 1 | 22 | 39 | - | 4 | - | 6 | 1 | 1 | 4 | 1 | 20 | 20 | - | 4 | - | 19 | 21 |
| 2 | Джехангир мирза, ст. сын Тимура | 3 | 2 | - | 16 | - | 1 | 2 | - | 11 | 1 | - | 1 | - | - | - | - | 2 | - | 5 | 1 | - | 2 | - | 5 | - |
| 3 | Омар Шейх мирза, сын Тимура | 3 | 6 | 3 | 4 | - | 2 | 6 | - | 5 | - | - | 1 | - | 2 | 5 | 2 | 6 | - | 4 | | - | 5 | - | 4 | 1 |
| 4 | Миран Шах мирза, сын Тимура | 1 | 5 | 4 | 6 | - | 1 | 5 | 1 | 4 | - | - | 1 | 1 | 3 | 18 | 1 | 4 | 1 | 3 | | - | 6 | - | 4 | 9 |
| 5 | Шахрух мирза, сын Тимура | 2 | 7 | 1 | - | - | 2 | 7 | 1 | 19 | 2 | - | 3 | - | 7 | 2 | 2 | 5 | 1 | 8 | | - | 5 | - | 8 | 4 |
| 6 | Омар Шейх мирза, сын Абу Саида, Тимурид, отец Бабура | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 7 | 3 | 6 | 17 | 1 | - | - | - | - | | - | 3 | - | 1 | 2 |
| 7 | Султан Ахмед мирза, сын Абу Саида, Тимурид | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 6 | 2 | 5 | 3 | - | - | - | - | - | | - | - | - | - | - |
| 8 | Султан Хусейн мирза б. Мансур | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 10 | 14 | 11 | 12 | 1 | - | - | - | - | | - | - | - | - | - |
| 9 | Байсункар мирза «Адили», сын С. | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | | - | - | - | - | - |
| 10 | Улуг бек мирза, сын Шахрух мирза | - | - | - | - | - | - | 4 | 1 | - | - | - | 2 | 1 | - | - | 1 | 2 | - | - | | - | 2 | - | 2 | - |

*Таблица 1*

**(продолжение)**

| № | Тимуридские принцы | Öztuna, Yılmaz, Devletler ve Hanedanlar,1-cild, Ankara,1996, 1224 seyfa (575-619). | | | | | Турғун Файзиев. Темурийлар шажараси. Т.,1995, 349 б. | | | | | Азамат Зиё.Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000, 368 бет. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков |
| 1 | Амир Тимур кураган | 10 | 4 | 2 | 23 | 58 | 18, 22 | 4 | 2 | 25 | 43 | 18, 25 | 7 | 8 | 57 | 176 |
| 2 | Джехангир мирза, ст. сын Тимура | 2 | 2 | - | 11 | | 2 | 2 | - | 11 | | 3 | 2 | 4 | 46 | |
| 3 | Омар Шейх мирза, сын Тимура | 1 | 5 | 1 | 9 | | 3 | 6 | - | 10 | | 9 | 12 | 5 | 25 | |
| 4 | Миран Шах мирза, сын Тимура | 2 | 7 | 2 | 13 | | 1 | 6 | 1 | 5 | | 10 | 12 | 6 | 47 | |
| 5 | Шахрух мирза, сын Тимура | 3 | 5 | 2 | 25 | | 3 | 7 | 2 | 17 | | 6 | 9 | 6 | 58 | |
| 6 | Омар Шейх мирза, сын Абу Саида, Тимурид, отец Бабура | 6 | 3 | 6 | 25 | | 7 | 3 | 5 | 19 | | 8 | 3 | 5 | 18 | |
| 7 | Султан Ахмед мирза, сын Абу Саида, Тимурид | 6 | 7 | 5 | 4? | | 6 | 2 | 5 | 3 | | 6 | - | 6 | - | |
| 8 | Султан Хусейн мирза б. Мансур | 11 | 12 | 14 | Сыновей 6 | | 11 | 14 | 11 | 16 | | 12 | 21 | 17 | 4 | |
| 9 | Байсункар мирза “Адили”, сын С. Махмуд мирзы | 1 | - | - | - | | 1 | - | - | - | | - | - | - | - | |
| 10 | Улуг бек мирза, сын Шахрух мирза | 8 | 4 | 9 | 3 | | 5,6 | 5 | 7 | 7 | | 16 | 13 | 10 | Сыновей 6 | |

*Таблица 2*

**Сравнительный анализ генеалогических данных(*число членов семей некоторых представителей династии*) рассмотренных источниках, научных и научно-популярных работах**

| № | Темуридские принцы | Число жен и наложниц | Число сыновей | Число дочерей | Число внуков | Число правнуков |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Амир Тимур кураган | Разная информация | 4/6* | 2/3 | Разная информация | Разная информация |
| 2 | Джехангир мирза, ст. сын Тимура | 2/2 и 3/2 | 2/7 | -/7 | 11/3 | |
| 3 | Омар Шейх мирза, сын Тимура | 2/2 и 3/2 | 6/4 | -/3 | Разная информация | |
| 4 | Миран Шах мирза, сын Тимура | 1/4 | 6/2 и 5/2 | 1/4 | 5/2 | |
| 5 | Шахрух мирза, сын Тимура | 2/3 | 7/3 и 5/3 | 1/3 | Разная информация | |
| 6 | Омар Шейх мирза, сын Абу Саида, Тимурид, отец Бабура | 7/2 | 5/3 | 5/2 и 6/2 | Разная информация | |
| 7 | Султан Ахмед мирза, сын Абу Саида, Тимурид | 6/4 | 2/2 | 5/3 | 3/2 | |
| 8 | Султан Хусейн мирза б. Мансур | 11/2 | 14/2 | 11/2 | Разная информация | |
| 9 | Байсункар мирза “Адили”, сын С. Махмуд мирзы | 1/3 | Ни где не указано | Ни гдене указано | Ни где не указано | |
| 10 | Улугбек мирза, сын Шахрух мирза | Разная информация | 3/2 | 1/2 | Разная информация | |

* 4/6 - Означает: в 6 (второе число) источниках число сыновей Амира Тимура указано 4 (первое число)

Теперь, опираясь на приведенные суждения, попытаемся проанализировать причины возникновения противоречий и неточностей в

генеалогии и хронологии эпохи Тимуридов. По нашему мнению, эти причины делятся на 3 группы:

## 1. ПРИЧИНЫ, СВЯЗАННЫЕ С ИСТОЧНИКОМ:

**а) Хронологические и генеалогические неточности в источниках и произведениях.** В "Матлаи саъдайн ва мажмаи бахрайн" дата рождения сына Улугбека, Абдуррахмана мирза указана 13 января 1421 г.(8 мухаррама 824г.)[111], а в примечании к "Зубдат-ут-таворих" в той же книге приводится дата 25 марта 1421г[112]. Дата смерти Саъд Ваккас мирза, правнука Джехангир мирза, сына Султан Мухаммед мирза в "Муджмали Фасихи" указана 14-27 августа 1418 года[113], а в "Матлаи саъдайн" приводится дата 8 апреля 1418 года[114]. Дата рождения Мухаммед Султан мирза б. Мухаммед Джехангир мирза б. Мухаммед Султан в "Матлаи саъдайн" указана 12 рамадана 826 года (19 августа 1423 г.)[115], в "Муджмал-и Фасихи" указана 21 рамадана 826 года (29 августа 1423 г.)[116], а в примечании к "Зубдат-ут-таворих" приводится дата 28 августа 1423 года[117]. Эти и подобные хронологические неточности в датах жизни Тимуридов в источниках и произведениях встречаются очень часто.

Теперь попытаемся проанализировать приведенные различия в сведениях о представителях династии, проживших и после смерти Амира Тимура, изложенных в "Зафарнаме" Шарафуддина Али Язди[118] и "Муджмал-и Фасихи" Фасиха Хавафи[119].

*Таблица 3*

**Одинаковые статистические данные о потомках Тимура в двух важнейших источниках**

| Сведения | Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997. стр. 309-310. | Фасих Ахмадал-Хавафи. "МужмалиФасихи",Ташкент,1980, стр.178 |
|---|---|---|

[111] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн» . А.Ўринбоев нашри. Т., 1969, 300 - бет.
[112] Ўша манба: 414 - бет.
[113] Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод"). Т., 1980, С.178.
[114] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн . А.Ўринбоев нашри. Т., 1969, 249 - бет.
[115] Ўша манба: 330 - бет.
[116] Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод"). Т., 1980, С. 96.
[117] Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаъи баҳрайн . А.Ўринбоев нашри. Т., 1969, 421-бет.
[118] Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Тошкент, 1997. 309-310 - бетлар.
[119] Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи ("Фасихов свод"). Т.,1980,С.128-129.

| | | |
|---|---|---|
| **Число потомков Тимура (1405)** | 36 | 36 |
| **Число потомков** Джехангир мирза, ст. сын Тимура | 11 | 11 |
| Число потомков Мухаммед Султан б. Джехангир мирза | 3 | 3 |
| Возраст Мухаммед Джехангир б. Мухаммед Султан | 9 | 9 |
| Возраст Саид Ваккас б. Мухаммед Султан | 6 | 6 |
| Возраст Яхья б. Мухаммед Султан | 5 | 5 |
| Возраст Кайду мирза б. Пирмухаммед мирза б. Джехангир мирза | 9 | 9 |
| Список сыновей Пирмухаммед мирза<br>(В обеих источниках отсутствуют сведения об их возрастахпри смерти Тимура) | 1. Бузанджир<br>2. Саъд Ваккас<br>3. Санджар<br>4.Кайсар<br>5. Джехангир | 1. Бузанджир<br>2. Саъд Ваккас<br>3. Санджар<br>4. Кайсар<br>5. Джехангир |
| **Число потомков Омар Шейх мирза (второй сын Тимура)** | 9 | 9 |
| Возраст Омар Шейх мирза б. Пирмухаммед мирза б. Омар Шейх | 7 | 7 |
| Возраст Усман мирза б. Рустам мирза б. Омар Шейх мирза | 6 | 6 |
| Возраст Султан Али мирза б. Омар Шейх мирза | 1 | 1 |
| Возраст Искандер мирза б. Омар Шейх мирза | 21 | 21 |
| Возраст Ахмед мирза б. Омар Шейх мирза | 18 | 18 |
| Возраст Саиди Ахмед мирза б. Омар Шейх мирза | 15 | 15 |
| Возраст Байкара мирза б. Омар Шейх мирза | 12 | 12 |
| **Число потомков** Миран Шах мирза **(третий сын Тимура)** | 9 | 9 |
| Возраст Абу Бекр б. Миран Шах мирза | 23 | 23 |
| Возраст Аленгир мирза б. Абу Бекр б. Миран Шах мирза | 9 | 9 |
| Возраст Омар Мирза б. Миран Шах мирза | 22 | 22 |
| Возраст ХалилСултан мирза б. Миран Шах мирза | 21 | 21 |
| Возраст Улугбек мирза б. Шахрух мирза | 11 | 11 |
| Возраст Ибрахим Султан мирза б. Шахрух мирза | 11 | 11 |
| Возраст Байсункар мирза б. Шахрух мирза | 8 | 8 |
| Возраст Джан Оглан мирза б. Шахрух мирза | 2 | 2 |
| Возраст Ярди мирза б. Шахрух мирза | 1 | 1 |

*Таблица 4*

**Различные статистические данные о потомках Тимура в двух важнейших источниках**

| **Сведения** | Шарафуддин Али Йаздий. Зафарнома. Т., 1997. стр. 309-310. | Фасих Ахмад -ал-Хавафи. Муджмал-иФасихи. Ташкент, 1980.стр. 178 |
|---|---|---|
| Возраст Пирмухаммед мирза б. Джехангир мирза | 27 | - |
| Возраст Халид мирза б. Пирмухаммед мирза б. Джахангир мирза | 7 | 6 |
| Возраст Пирмухаммед мирза б. Омар Шейх мирза | 26 | - |
| Возраст Рустам мирза б. Пирмухаммед мирза б. Омар Шейх мирза | 24 | - |
| Возраст Усман мирза б. Абу Бекр мирза б. Миран Шах мирза | 14 | 4 |
| Возраст Ийджал мирза б. Миран Шах мирза | 10 | - |
| Возраст Суюргатмиш мирза б. Миран Шах мирза | 6 | - |
| Возраст Шахрух мирза * | 28 | - |
| Возраст Суюргатмиш мирза б. Шахрух мирза | 6 | 8 |

**Пятый сын Тимура (Султан Ибрахим мирза, родился в 1384 году до наступления весны) напоминается только в "Зафарнаме"(стр. 102) Шарафуддина Али Язди среди всех источников-современников.*

б) **Серьёзные и незначительные ошибки, допущенные переписчиками при переписке источника.**

Приведём несколько примеров. В настоящее время по изданию М. Фарруха и каталогам восточных рукописей нам известно восемь рукописей “Муджмал-и Фасихи”. Неизбежно наличие отличий между экземплярами хранящихся в различных библиотеках мира: лондонская (относится к XV в.), банкипурская (датируется 993/1585г.), тебризская (XVII в.), Санкт-Петербургская (XVIII в.) и копия с нее (XIX в.), рукопись Азиатского музея в Бенгалии (1853 г.), рукопись Кембриджского университета (1857 г.) и тбилисская рукопись (XIX в.)[120].

Рукописные экземпляры «Матлаи саъдайн» хранятся в Санкт-Петербурге (Россия), Ташкенте (Узбекистан), Душанбе (Таджикистан) и в других государствах (Англия, Франция, Индия, Иран и т.д.)[121].

[120] Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (“Фасихов свод”). Т., 1980, С.28 бет.

[121] Б. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001, 182 -бет.

Ташкентское издание "Бабурнаме" 1989 года было дополнено на основе казанского и лондонского изданий[122].

**в) Разные подходы к событиям при печатании в типографии (различные комментарии).** К примеру "Матлаи саъдайн", "Муджмал-и Фасихи", "Бабурнаме" и др.

**г). Политический подход.** Некоторые авторы осветили события с точки зрения интересов своей родины и своего народа. Эти политические причины также имеют негативные последствия на объективность истории. К таким авторам можно отнести Фому Мецопского[123], Ибн Тагриберди[124], при каких – то случаях, Ибн Арабшаха[125] и др[126].

**д) Ограниченная свобода придворных историков и летописцев.** Некоторым историкам при дворе Тимуридов, объективное описание событий в произведениях, написанных с целью возвеличивания правителей, было затруднительно. То, что это обстоятельство не понравилось даже самим правителям, зафиксировано в некоторых произведениях. Низамиддин Шами в своем произведении "Зафарнаме" цитирует самого Амира Тимура: ""Сахиб-киран мне также указал: "В написанных, таким образом, произведениях, обогащенных хвалами и преувеличениями, намеченная цель теряется. При этом, возможно, кто-то преосвященный что-нибудь поймет, но остальные десятки, а может и сотни не способны уловить смысл. Поэтому такие произведения не могут быть одинаково полезным для всех"""[127].

Произведения Захириддина Мухаммада Бабура, Фасиха Хавафи, Абдураззака Самарканди, Ибн Арабшаха, Гулбаданбегима и др. можно назвать сочиненными в более свободной обстановке.

**е) Недостаток информации у информатора.** Возможно, также, недостаток информации у автора-информатора привело к некоторым неточностям.

## 2. ГЕНЕАЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЧИНЫ:

[122] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома., Тошкент, 1989, 4-6- бетлар.

[123] Фома Мецопский. История Тимурланга и его приемников. Баку, 1957, 126 с.

[124] Ibn Tagriberdi. Al-Nudjum az-zahira.Tom Xll, Kahira. l956, 256. (на арабском языке)

[125] Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур ҳақида тақдир ажойиботлари). У. Уватов нашри, I-II китоблар. Тошкент, 1992, (II китобдаги изоҳлар) 109, 122, 143, 153 бетлар.

[126] Текст см в к.: Памятники литературы древнейшей Руси XlV- середины XV века. С.231; Полное собрание русских летописей. Т.XXV. М., 1949, С. 222-225;Т.XI.М., 1965, С.151-152;Т.Vl. М., 1967. С.l94; Гребенюк В.П. Повесть об Тимур-Аксаке.- Автореферат кандидатской диссертации, М.,1971, Повесть о Тимур Аксаке. – в кн: Памятники литературы древней Руси. XIV- середина XVвека, М., 1984, С.230-243; SchitbergerJ. ReiseninEuropa, Asienund Afrikavon 1932 bis 1427/- Munchen, 1859.

[127] Низомиддин Шомий. Зафарнома. Тошкент.: 1996, 23-бет.

**а) Стремление к утверждению благородия рода с целью обретения власти.**

**б) Умышленное неверное указание (точнее, преувеличение) возраста (своих сыновей царицами-соперницами (кундош) для приобретения прав преемника своим сыновьям.**

**в) Незафиксированные браки и родившиеся из них дети.**

**г) Неточности, обусловленные религиозными традициями.** Такого рода неточностей имеется в сведениях о Тимуридских принцессах. Возможно, здесь повлияли доминирование законов шариата. Авторы, особенно, представители мусульманских сообществ, воздержались привести сведения о женщинах из рода Тимуридов.

**д) Скрытое противостояние между царицами для сохранения своего статуса перед правителем.** Возможно, с этой целью они скрывали свой настоящий возраст.

**е) Наличие большого числа лиц мужского и женского пола среди представителей династии с одинаковыми именами.**

## 3. ПОЛИТИЧЕСКИЕ И ТЕХНИЧЕСКИЕ ПРИЧИНЫ:

а) Наличие информационной изоляции **в Советское время;**

б) Нахождение основных источников **и переводчиков в центрах бывшего Советского государства;**

**в) Принуждение к одностороннему исследованию истории эпохи Тимуридов в Советское время.** Прямым доказательством является идеологическое преследование академика И. М. Муминова за научный труд “Амир Тимур и его место в истории Средней Азии” (Т.: Фан, 1968)[128].

Названные причины привели к наличию различных хронологических и генеалогических различий в произведениях. Если сравнить произведение турецкого историка Йилмаза Озтуна “Государства и генеалогии” с произведением узбекского историка Тургуна Файзиева “Темурийлар шажараси” можно увидеть сотни различий, несмотря на то, что в обеих: произведениях освещается история одной династии. Это иллюстрирует наличие в то время, ограниченности обмена информацией между советскими и зарубежными историками.

**г) Языковой барьер и ошибки при переводе.**

---

[128] Сомон йўли. Тошкент, 1992, 192 б.; Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент, 1997, 37-39б.

Неточности, возникшие вследствие недостаточных знаний по языку оригинала у исследователя;

д) **Наличие различных летоисчислений:** хиджра-камари (лунный календарь), хиджра-шамси (солнечный календарь), григорианского календаря и т.д. Недостаточные знания у авторов источников по различиям между этими летоисчислениями могли привести к разного рода неточностям;

**е) Износ источников в течение нескольких столетий, приводивших к частичной потери информации.**

В заключение хотелось бы отметить, что устранения неточностей, создание объективной истории на основании сравнения источников является важной задачей перед современной исторической наукой.

Таким образом, раскрываются широкие горизонты для плодотворных исследований. Изучение генеалогий имеет смысл, даже в случаи их недостоверности, дает возможность заметить неожиданные связи исторических событий.

## ХРОНОЛОГИК МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ[129]

(Темурийлар даври ёзма манбалари мисолида)

VI-XIX асрларга оид қадимги турк, хитой, суғд, мўғул, араб, форс, эски ўзбек ва форс-тожик тилларида битилган манбаларнинг матнларида тарихий воқеаларнинг саналари ҳижрий йил ва ойларида, милодий йил ва ойларида, рум, араб ва эроний ойлар номлари билан, туркий мучал орқали, ҳафта номлари, намозлар вақти билан, халқ тақвими (Наврўз, наврўзи Хоразмшоҳий, наврўзи султоний), зодиак-буржлар рамзлари ва ҳ.к. билан берилади[1:66-80]. Хронологик маълумотлар бўлиб ўтган тарихий воқеаларнинг муддатларига аниқлик киритиш ва маълум бир даврий чегарани тизимли таҳлил қилишда ёрдам беради. Бу категория ёзма манбалардаги маълумотларнинг катта қисмини ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, аксарият илмий тадқиқотларда хронологик маълумотлар маълум бир тарихий давр ёки давлатлар тарихида келтирилган бўлса-да [2], битта ёзма манбадаги хронологик маълумотларни тўлалигича таҳлил қилишга жиддий эътибор

[129] Боқиев А.А., Йўлдошева З.Ҳ. Хронологик маълумотларнинг типологияси (темурийлар даври ёзма манбалари мисолида). // **ТАРИХ ТАФАККУРИ**. Илмий-амалий мақолалар тўплами. IX жилд / Тузувчи ва маъсул муҳаррир Ш. Воҳидов. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. - 35- 39 бетлар.

берилмаган. Ёзма манбадаги хронологик маълумотларни матнларда учраш ҳолатига кўра учта асосий тип ва вариантларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:[130]

**I. Саналари аниқ кўрсатилган хронологик маълумотлар:**

1) Ҳафта номлари, кун, ой ва ҳижрий йил саналари биргаликда кўрсатилган маълумотлар;

2) Кун, ой ва ҳижрий йил саналари кўрсатилган маълумотлар;

3) Кун, ҳафта номлари ва соат вақтлари кўрсатилган маълумотлар;

4) Кун санаси, ой ва куннинг ҳолати кўрсатилган маълумотлар;

5) Кун, ой ва милодий йил саналари кўрсатилган маълумотлар;

6) Кун ва ой саналари кўрсатилган маълумотлар;

7) Ой ва йил саналари кўрсатилган маълумотлар;

8) Фақат кун санаси кўрсатилган маълумотлар;

9) Фақат ой санаси кўрсатилган маълумотлар;

10) Абжад ҳисобида кўрсатилган маълумотлар;

11) Фақат йил санаси кўрсатилган маълумотлар;

12) Бўлиб ўтган воқеанинг қанча йил олдин бўлиб ўтганини кўрсатиб ўтган маълумотлар;

13) Бирор тарихий шахс вафот этганида неча ёшда бўлганини кўрсатиб берувчи маълумотлар;

14) Ҳижрий йил ҳисобининг бошланишига нисбатан олинган маълумот лар;

15) Ҳафта куни ва ой номи кўрсатилган маълумотлар ва бошқалар[131].

**II. Саналари тахминий кўрсатилган хронологик маълумотлар:**

1)Туркий мучал орқали;

2) Ҳафта номлари билан;

3) Намозлар вақти билан;

4) Араб ой номлари билан;

5) Эрон ой номлари билан;

6) Халқ тақвими (Наврўз, наврўзи Хоразмшоҳий, наврўзи султоний);

7) Зодиак-буржлар рамзлари билан;

---

[130] Бу категорияда ягона типология мавжуд эмас. Хронологик маълумотларни ёзма манбанинг ёритилиш хусусиятидан келиб чиқиб, турли хил тип ва қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.-муаллифлар.

[131] Бир мақола даражасидаги илмий тадқиқотларда хронологик маълумотларнинг мукаммал типологиясини ишлаб чиқишнинг имконияти йўқ. Шу боис ҳар типнинг сўнггида “Ва бошқалар” ибораси қўлланилди.-муаллифлар.

8) Бирор бир тарихий воқеани қайд этиш жараёнида қўшимча равишда таъкидлаб ўтилган маълумотлар;

9) Йил фасллари билан;

10) Туркий мучал йили ва фасллар билан;

11) Қуёшнинг фалакда жойлашиш ҳолати бўйича;

12) Йил фаслларининг ҳолати бўйича;

13) Мўғул календари бўйича;

14) Ҳафта номлари ва куннинг ҳолати бўйича ва бошқалар.

**III. Бирор воқеанинг давомийлик муддатини кўрсатувчи хронологик маълумотлар:**

1) Бунёдкорлик ишлари муддатлари;

2) Суғориш иншоотларининг қурилиш муддатлари;

3) Шахсларнинг ҳибсдаги муддатлари;

4) Шахсларнинг бетоблик муддатлари;

5) Уруш муддатлари;

6) Жанг муддатлари;

7) Ҳарбий юриш муддатлари;

8) Сипоҳларнинг маош олиш муддатлари;

9) Денгиз сафарлари муддатлари;

10) Турли саёҳатлар муддатлари;

11) Қамал (муҳосара) муддатлари;

12) Бирор шаҳар, ҳудуд, қалъа ва бошқаларни фатҳ этиш муддатлари;

13) Бошқа дин вакилларини ёки динсизларни ғазот қилиш муддатлари;

14) Турли хил тадбирларни ўтказилиш муддатлари;

15) Элчилик муддатлари;

16) Диний маросимларни ўтказиш муддатлари;

17) Мотам маросимларини ўтказиш муддатлари;

18) Шахсларнинг бирор мансабда бўлган муддатлари;

19) Қишлов муддатлари;

20) Яйлоқ муддатлари;

21) Шикор муддатлари;

22) Қушламиший муддатлари;

23) Табиат ҳодисалари муддатлари;

24) Ҳудудларда бирор бетобликнинг тарқалиш муддатлари;

25) Жазо муддатлари;

26) Бирор масофани босиб ўтиш муддатлари;

27) Шахслар ёки қўшиннинг бирор жойни манзил қилиб туриш муддатлари;

28) Қўшиннинг қоровулда туриш муддатлари;

29) Бирор воқеа юз берган вақтда, тарихий шахснинг неча ёшда бўлганлиги қайд этилган маълумотлар;

30) Ҳукмдорларнинг ҳокимият тепасида турган муддатлари ва бошқалар.

Иккинчи типга оид хронологик маълумотларни манба муаллифлари: *"кунларнинг бирида", "оз муддатда", "шу ўртада", "шу пайтда", "қиш фаслида", "шу куниёқ", "эртаси куни", "ўртада бир кеча ўтказиб", "бир кеча оралатиб", "эрталаб", "бир мунча вақтдан сўнг", "шу йилнинг кузида", "бир қанча муддатдан сўнг", "бир йил чамаси", "бир неча кун ўтгач", "ўша кечаси", "то отлар семиргунча", "тонгда", "тунда", "эртага чошгоҳ вақти", "шу йили", "шу ойда", "туғилган вақтда", "вафот этган вақтда", "икки-уч кун ичида", "икки-уч кундан сўнг", "қўй йилининг баҳорида", "қарийб етмиш беш кун", "тўнғиз йилининг баҳори кириб", "ушбу муддат давомида", "икки юз йил бурун", "қуёш гардиши баҳорги кун ва тун тенглиги нуқтасига етгач", "қиш ўтиб, сичқон йилининг баҳори келгач", "қўй йилининг илк баҳорида", "неча-неча йиллар давомида", "белгиланган бир кунда", "бақар йилида", "барс йилида", "уч ой муҳосарадан сўнг", "ҳукуматлари беш юз йигирма уч йил эрди", "қирқ саккиз йил умр кўрди", "ўн етти йил хон бўлди", "бундан бир неча ой илгари", "бир ҳафтада", "шу ойнинг охирларида", "ойнинг тўққизинчисида", "ўттиз йил мобайнида", "рамазоннинг охирларида", "зу-л-ҳиж- жа ойининг ўртасида", "бир қанча вақтни", "шу соатдаёқ", "шу кунларда", "шу ой охирида", "шу йили", "мудҳиш воқеа замонидан бери", "қиш фасли ўртасида", "ийд куни", "янаги куни", "ўтган йил", "бир неча йиллар", "ўша кунларда", "қиш кунлари охирига етган пайтларда", "уч кундан сўнг", "бир муддат", "охири бир куни", "уч йил муддат ичида", "икки ой давомида", "ўшал фурсаттин тарих тўқ- қуз юз секкизгача", "бу фурсатга", "неча маҳал", "охир чоғларида", "андин бери", "беш ой қалъадорлик", "ул фатаротта", "бурунроқ", "бу тарихда", "бу неча йил- ким", "андин сўнг охир умриғача", "уч-тўрт йил мундин бурунроқ", "Самарқандни иккинчи навбат олғонда", "неча йил", "ўшал фурсатта", "ушбу ойнинг оёғида", "намози шом била намози хуфтан орасида", "кеч намози дигар", "ушбу қишлиқта", "тўрт-беш йилдин сўнгра қазоқлиқларда", "ўшал замон"* каби

тарихий воқеанинг тахминий вақтини билдирувчи жумлаларда қайд этганлар[132].

Бу категорияни “Муъизз ул-ансоб” мисолида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз [3]. Манбадаги хронологик маълумотлар 146 тани ташкил этиб, шундан 88 таси чингизийлар ва 58 таси Темурийлар даврига тегишлидир. Хронологик маълумотларни ЁМИТХнинг [4] биринчи босқичига кўра таҳлил қилиб кўрамиз:[133]

а) Хонадон вакилларининг таваллуд саналарига оид маълумотлар: 2=11;

б) Хонадон вакилларининг тахтга чиқиш саналарига оид маълумотлар: 28=0;

в) Ҳокимият тепасига чиққан хонадон вакилларининг тахтда ўтирган муддатларига оид маълумотлар:14=1;

г) Хонадон вакилларининг неча ёшда вафот этганлиги ҳақидаги маълумотлар: 1=37;

д) Хонадон вакилларининг вафот этган саналари ҳақидаги маълумотлар: 33=8;

е) Турли тарихий жараёнларга оид хронологик маълумотлар:10=0.

Муъизз ул-ансоб”да учрайдиган хронологик маълумотларни типлар асосида таҳлил қилсак, шундан 78 таси (59=19) саналари аниқ кўрсатилган, қолган 68 таси (29=39) эса саналари тахминий хронологик маълумотлар эканлиги маълум бўлади[134].

**Ёзма манбалардаги хронологик маълумотларнинг турли хиллигини келтириб чиқарган сабаблар:**

1. Халқларда тарих муддатларининг турли вақтларда бошланиши;
2. Турли хил тақвимларнинг мавжудлиги;
3. Ёзма манба муаллифларининг турли хил тақвимлардан фойдаланиб ёритилган ёзма манбалардан кўчирма олганлиги;
4. Ёзма манба муаллифларининг бўлиб ўтган тарихий воқеаларни орадан анча вақт ўтиб ёритганликлари туфайли, айрим ҳолатларда тахминий хронологик саналарни қўйишга мажбур бўлганлиги;

[132] Бу иқтибослар бир қатор ёзма манбалардан аралаш ҳолда олингани боис китобларнинг бетлари кўрсатиб ўтилмади.

[133] Рақамлардан биринчиси чингизийларга, иккинчиси темурийларга тегишли маълумотлар кўрсаткичини билдиради. Хронологик маълумотларнинг типлари ва турлари, тадқиқ этилаётган манбадаги мавжуд маълумотларнинг моҳиятига қараб ўзгартирилиши мумкин.-муаллифлар.

[134] “Муъииз ал-ансоб”даги саналарга оид маълумотларни уч босқичли тизимли таҳлил қилиш алоҳида тадқиқотларни талаб қилади. Бир мақолада бу масалани тўлиқ ёритиш имконияти йўқлиги сабабли таҳлилни кейинги изланишларга қолдирамиз.-муаллифлар.

5. Ёзма манба муаллифларининг тарихий воқеаларни ёритиш жараёнида, ўша даврда кенг фойдаланилмасада, ўзлари туғилиб ўсган ҳудудда локал фойдаланиб келинган йил ҳисобларидан фойдаланганлари;

Манба муаллифлари воқеаларни ёритишда турли хил хронологик иборалардан фойдаланишган. Бу ҳолатни тадқиқотчи ёки ўқувчиларнинг тушунишлари қийин кечиши ҳам табиийдир. Хронологик атама ва ибораларни тушуниш учун тадқиқотчида маълум кўникма ва билим талаб қилинади. Мана шу жараённи мумкин қадар енгиллаштириш мақсадида мазкур хронологик типология ишлаб чиқилди. Келтирилган хронологик типология манбалардан фойдаланаётган тадқиқотчиларга воқеаларнинг бўлиб ўтган даврини, вақтини аниқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

**Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар:**


1. Тарих тафаккури. “Баркамол авлод” йилига бағишланган Республика тарихчи олимларининг илмий ишлар тўплами. Бухоро. 2010, 66-80 бетлар.
2. Бикерман Э. Хронология древнего мира. М., Наука, 1975, 336 с.; Жаҳон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)/Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррирлар Р. Фармонов, Ч. Кўчаров.-Т. Ўзбекистон, 2011.-616 б.; Всемирная история в датах и событиях. Перевод с французского В.Румянцева.-М.: «Радуга», 2002.; Всемирная история. Т.1 - 1 3 .-М.: Государственное издательство политической литературы.-«Мысль», 1955-1983.[Т.1-10; 1955-1965; Т.11-13:1977-1983.]; Всемирная история. Энциклопедия. Под общей редакцией В.Макаровича и др.-М.: Большая Российская энциклопедия, 2003.; Ражабов К, Ҳасанов Ф., Шоймардонов И., Тожибоев Б. Ўзбекистон тарихининг мухим саналари (Энг кадимги даврлардан бугунги кунгача). 3-нашри.-Т.: « Oʻzbekiston», 2010.; Стэнли Лэн-Пулъ. Мусульманские династии. - Москва - Ташкент - Бишкек: «Туркестан», 1996.; Чориев З.Тарих атамаларининг қисқача изохли луғати. 2-нашри.-Т.:«Академия», 2002.;
3. Муъизз ал-ансаб (Прославлющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова // История Казахстана в персидских источниках.Том III, Алматы: Дайк – Пресс , 2006. - 672 с.
4. Боқиев А.А. ва бошқ. “Ёзма манбанинг информацион-технологик харита”сига доир илк мулоҳазалар (VI-XIX асрлар)// Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг

илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд. –Тошкент, Янги аср авлоди.2015. 41-62 бетлар.

## ЁЗМА МАНБАЛАРНИНГ ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТУЗИШ МУАММОЛАРИГА ДОИР[135]

Ёзма манбаларни информацион таҳлил қилиш, танқидий матнини тузиш ва илмий муомалага киритишнинг бир қатор мураккаб жиҳатлари бор. Уларни умумий белгиларига қараб қуйидагича туркумлаш мумкин:

**Биринчидан, умумий ҳолатлар билан боғлиқ жиҳатлар:**[136]

**А)** Ёзма манбанинг турли даврларда кўчирилган нусхаларининг мавжудлиги;

**Б)** Ёзма манба нусхаларининг дунёнинг турли кутубхоналари ва шахсий коллекцияларда тарқалиб кетганлиги. Бу икки ҳолатни XIV-XVII асрлар даврига оид баъзи бир ёзма манбалар мисолида қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин:

| № | Ёзма манбанинг номи ва муаллифи | Ёзма манбанинг ҳозиргача маълум бўлган нусхалари |
|---|---|---|
| 1 | Жамол ал-Қарший “Ал- Мулҳақот би-с-суроҳ” | РФ ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида 1066/1656 йилга тегишли **В-514** шифрли ноқис нусха ва 1831 йилда кўчирилган **С-286** тартиб рақамли нусха, 1038/1628-1629 йилларда кўчирилган **“Наманган”** нусхаси [**3** : **7-14**]. |
| 2 | Низомиддин Шомий “Зафарнома” | Истанбулда “Нури Усмония” масжиди кутубхонасида 1425 йилга тегишли **3367** тартиб рақамли нусха, Лондонда Британия музейи кутубхонасида 1434 йилда кўчирилган **23980** тартиб рақамли нусха [12: 8-9]. Мазкур манбанинг яна бир нусхаси Арманистон кутубхоналаридан бирида сақланаётганлиги ҳақида ҳам маълумот бор [13: 196]. |
| 3 | Хожа Тожиддин ас-Салмоний “Тарих-нома”(“Зайли Зафарнома”) | Лондонда Британия музейида **OR 159** тартиб рақамли қусурли нусха, Сулаймон Фотиҳ кутубхонасида (Туркия) **4305** тартиб рақамли билан нусха, Лола Исмоил афанди кутубхонасида (Туркия) **304** тартиб рақамли нисбатан тўлароқ бўлган нусха бор [13: 199]. |
| 4 | Муиниддин | Лондонда Британия музейида бир нусха, Санкт-Петербургда икки нусха, |

[135] Боқиев А.А ва бошқ. Ёзма манбаларнинг танқидий матнини тузиш муаммоларига доир.// Тарих тафаккури: тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VI жилд. / Тузувчи ва маъсул муҳаррир Ш. Воҳидов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.-17-24 бетлар.

[136] Ёзма манбанинг танқидий матнини тузишни мураккаблаштирадиган жиҳатлар ва уларни туркумлаш масаласида билдирилган фикрлар келгуси илмий изланишларда қайта кўриб чиқилиши, тузатилиши ва мукаммаллаштирилиши мумкин. Мақолада келтирилган иқтибослар турли йилларда нашр этилган китоблардан олингани боис, бу маълумотларга кейинги йилларда қўшимчалар киритилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.-муаллифлар.

| | | |
|---|---|---|
| | Натанзий “Мунтахаб ут-таворихи Муиний” | Парижда Миллий кутубхонада бирнусха, Машҳадда “Остони қудси Ризавий” кутубхонасида бир нусха ва Теҳронда бир нусха [8: 11-18]. |
| 5 | “Муъизз ул-ансоб” | Парижда Миллий кутубхонада **Persan 67**нусхаси, Лондонда Британия кутубхонасидаги **Or. 467** нусхаси, Олигарх Мусулмон университети (Ҳиндистон) фондида **41** ва **42** тартиб рақамли икки нусха [6: 9-13]. Бу манбанинг Истанбулда Тўпқопи сарой кутубхонасида **2152** тартиб рақамли нусхаси ҳақида ҳам маълумот бор. Бу нусха тўлиқ бўлмасада, унда Бойсунғур Мирзо “Альбоми”дан олинган миниатюралар борлиги диққатга сазовор [ 13: 204]. |
| 6 | Фасиҳ Хавофий “Мужмали Фасихий” | XV асрга тегишли Лондон нусхаси, 993/1585 йилга тегишли Банкипур нусхаси, XVII асрга тегишли Табриз нусхаси, XVIII асрга тегишли **№ C-800** рақамли Санкт-Петербург нусхаси, XIX асрга тегишли **№ B-709** рақамли (бу нусха **C-800** дан кўчирилган) Санкт-Петербург нусхаси, 1857 йилга тегишли Кембридж университетидаги нусха, XIX асрга тегишли Тбилиси нусхаси [ 10 : 27-28]; |
| 7 | Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” | Туркияда икки нусха; Дамашқда(Сурия) икки нусха; Ҳалаб ва Қоҳирада ? нусха; Санкт-Петербургда уч нусха; Парижда бир нусха; Манчестерда бир нусха; Гота кутубхонасида бир нусха; Лондонда икки нусха [9: 23-28]; |
| 8 | Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” | Манбанинг иккинчи жилди қўлёзмаларидан 20дан ортиғи дунё кутубхоналарида мавжуд. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида **5374** ва **1825** тартиб рақамли нусхалар, РФ ФА Осиё халқлари институтида (Санкт-Петербург) сақланаётган **С443** (952/1545-1546 йилда кўчирилган**), С446 ва С442** (1009/1600-1601йилда кўчирилган ) тартиб рақамли нусхалар [2: 5-8]. |
| 9 | Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Аёзий “Тарихи Рашидий” | ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида **10191/II** тартиб рақамли туркий таржима нусхаси, Р. **1430** рақамли форсча қўлёзма нусхаси, **С0759** рақамли туркий нусхаси, Россия Федерацияси ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими қўлёзмалар фондида **D 120 (590 $_{OF}$), D 121(590 $_{OE}$), D 122 (590 $_{OD}$), D 138 (590 $_{O}$), D 192, C 569 (590 $_{OE}$), C 570 ( 590 $_{OD}$)** рақамли нусхалари мавжуд [ 5: 5-13]. |
| 10 | Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған “Мусаххир ал - билод” | ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида **1505** тартиб рақамли нусха, Санкт – Петербургда **С – 465( 575 agf)** тартиб рақамли нусха [ 7: 4-7]. |

**В)** Айрим ёзма манбаларнинг нусхалари мавжуд бўлсада, ҳозиргача матни мукаммал (тўлиқ) бўлган қўлёзманинг топилмаганлик ҳолати [7:4-14]; ал-Балазурийнинг “Китоб футуҳ ал-булдон” [14:113], Рашидуддиннинг “Жомеъ ут-таворих” [14:161], Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Абдулла Насруллоҳийнинг “Зубдат ул-асар” [14: 190-191], Ҳасанбек Румлу-

нинг “Аҳсан ут-таворих” [14: 212], Муҳаммадиёр ибн Араб Қатағоннинг “Мусаххир ал-билод”, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор” [14:223], Мир Олим Бухорийнинг “Фатҳномайи султоний” [14: 239].

**Г)** Айрим ёзма манбалар қўлёзмасининг оригинал нусхада етиб келмаганлик ҳолати. Ал-Мадоинийнинг асарлари [14: 111], Нажмуддин Абу Хафс Насафийнинг “Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд” [14: 150], Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Оли Маҳмуд” [14: 152], Абулҳасан Байҳақийнинг “Машориб ат-тажориб ва ғавориб ал-ғароиб” [14: 158], Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммад Шарифларнинг “Тарихи амир Ҳайдар”[14: 238].

**Д)** Айрим ёзма манбаларнинг ягона нусхада етиб келганлик ҳолати. Муаллифи қайд этилмаган “Мужмал ат-таворих ва қисас” (14:147), Фахруддин Муборакшоҳ Марваррудийнинг “Тарихи Муборакшоҳ” (14:151), Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Жаҳоннома” (14:211), Бадриддин Кашмирийнинг “Равзат ур-ризвон” (14:284), Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Аминнинг “Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор” (1:5).

**Е)** Ёзма манба қўлёзмаларидаги ноқислик ҳолати [ 1: 5-6; 2: 6-7; 3: 9-14; 6: 11-12; 7: 4-5; 11: 7; 12: 9;].

**Ё)** Ёзма манбанинг муқоваси янгиланганда (жилдланиш ва қўлёзма варақларини қўшиб тикиш) ёки бошқа сабабларга кўра, қўлёзмадаги варақлар ва фасллар кетма-кетлигининг чалкашиб кетганлиги ҳолати [1: 6; 5: 11-12; 6: 12; 11: 5].

**Ж)** Ёзма манбанинг қўлёзмасида рақамланган варақлар кетма-кетлиги тўлиқ мавжуд бўлсада, баъзи варақларнинг матн ёзилмасдан бўш қолиб кетганлиги ҳолати [6: 10-12].

**З)** Муаллифлар томонидан манбани ёзишда фойдаланилган асарлардан баъзиларининг сақланиб қолмаганлиги (қўлёзманинг сақланмаганлик даражаси турлича бўлиши мумкин: автограф нусха сақланмаган, кўчирма нусха сақланмаган, қўлёзма матни умуман сақланмаган, қўлёзманинг айрим боблари сақланган, қўлёзма компиляция ҳолатида сақланган ва ҳ.к.) [8: 8-9]. Бунга Султон Муҳаммад ал-Балхийнинг “Мажмуъ ал-ғаройиб” асари мисол бўлади. Тарихчининг фойдаланган асарлар ичида етиб келмаганлари “Осор ал-мутақаддимин”, “Тарихи сақолиба”, “Анис ул-ваҳдат ва жолис ул-хилват” [14: 249]. Бу ҳолатлар муаллифнинг манбадан қай даражада фойдаланганлиги ва воқеаларни қандай изоҳлаганлигини билиш имкониятини чеклайди.

**К)** Ёзма манба нусхаларининг форзац, форзацлист, нахзацлист ва бошқа қисмларида қўлёзмага эгалик қилган ва манбани мутолаа қилган кишилар томонидан қилинган қайдлар ва белгиларнинг мавжудлиги [1: 5-7].

**Л)** Айрим ёзма манбаларнинг оригинал нусхаси етиб келмаган бўлсада, мавжуд бўлган нусхалар ўзаро қиёсланганда, уларнинг бир-бирини тўлдириб, нисбатан бўлсада мукаммал (тўлиқ) матнни ҳосил қилиш ҳолати; Нажмуддин Абу Хафс Насафийнинг “Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд” асарининг Париж ва Истанбул нусхалари бир-бирини тўлдириб туради[16: 74].

**М)** Айрим ёзма манба матнларида варақларнинг йўқолганлиги ҳолати; Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Ибрату-л-хавоқин”(Тарихи Шоҳрухий) асарининг 1878 йилги нашри 320 бетдан иборат бўлсада, нусханинг охирги бетлари йўқолган [18: 106-107].

**Иккинчидан, муаллифлик билан боғлиқ жиҳатлари:**

**А)** Айрим ёзма манбаларнинг ягона муаллиф томонидан ёзилганлигига шубҳа йўқ бўлсада, муаллиф исмининг аниқланмаганлик ҳолати. “Ҳудуд ал-олам” [14: 143], “Мужмал ат-таворих ва қисас” [14: 147],“Таворихи гузида, нусрат-нома” [14: 187-188], “Тарихи шоҳ Исмоий Сафавий”[14: 221], “Тазкирайи шоҳ Тоҳмасп”[14: 221].

**Б)** Айрим ёзма манбаларда ягона муаллифнинг йўқлиги ёки ҳозирча аниқланмаганлиги, матннинг кейинчалик ҳам бошқа муаллифлар (муаллифлар жамоаси) томонидан маълумотлар билан тўлдириб борилганлиги ҳолати [6: 6-7].

**В)** Ёзма манбанинг баъзи сабабларга кўра, муаллиф томонидан қайта таҳрир этилиши натижасида матнга қўшимча маълумотларнинг киритилиши ва биринчи нусхага киритилган маълумотларнинг қисқартирилиши ёки бутун бир бобнинг (жилд, жуз, фасл, зикр, дафтар, курраса, қисм) олиб ташланиши, матнга тузатишлар киритилганлиги ҳолатлари [1:7; 8:18-20]. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома” асарининг иккита таҳрири мавжуд [14: 167]. Муиниддин Натанзийнинг “Мунтахаб ут-таворихи Мўъиний” асарининг ҳам иккита таҳрири мавжуд. Биринчиси, Искандар Мирзога бағишланган, иккинчиси Шоҳрухга тақдим этилган нусха, Искандар Мирзо Шоҳрух томонидан тор-мор қилинганидан кейин (20.07.1414 й.) таҳририятдан чиқарилган. Унда Искандар Мирзо ҳақидаги ҳикоятлар бирмунча қисқар-тирилган, унинг шаънига айтилган ҳамду санолар олиб ташланган [13: 199].

Ниёз Муҳаммад Хўқандий “Ибрату-л-хавоқин” (Тарихи Шоҳрухий) асарини уч марта таҳрир қилган [18:104-105].

**Г)** Ҳукмрон сулола вакилларининг бирон-бир асардан кўнгиллари тўлмаганда, уни қайта ишлаш учун бошқа муаллифга топшириш ҳолатларининг мавжудлиги [8: 37-38; 10: 3].

**Д)** Айрим ёзма манбаларда маълум бир тарихий воқеаларнинг жуда ўхшаш ёки айнан бир хил жумлаларда ёритилиши. Бундай ўхшашликнинг ҳаттоки, баъзан бутун-бутун саҳифаларда акс этиш ҳолатларининг мавжудлиги; Ёзма манбаларни ёзишда бошқа асарлардан фойдаланиш табиий ҳол. Аммо бу ҳолат ёзма манбанинг компиляция (терма) бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ жиҳат эмас. Бу ерда айнан ўхшашлик деганда, ўзаро қиёсланаётган ёзма манбаларда акс эттирилган воқеа ёки маълумотнинг бир муаллиф томонидан ёритилган бўлиши мумкинлигида. Манбашунос олим Ғ. Каримий Мирзо Улуғбекнинг “Тарих-и арбаъ улус” асари учун бош манба Шарафуддин Али Яздийнинг “Муқаддима-йи Зафарнома” асари бўлган деб ҳисоблайди ва асарни ёзишда Шарафуддин Али Яздийнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этган бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади [8: 38]. Матндаги бундай ўхшашликни Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар” асари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Султон Абу Саид авлодларига оид генеалогик маълумотларда ҳам кузатиш мумкин. “Бобурнома”ни ёзишда ёки таҳрир қилишда Хондамирнинг иштирок этгани ва манбани маълумотлар билан тўлдиришда ўз асаридаги маълумотлардан фойдалангани эҳтимолдан холи эмас [15: 4].

**Е)** Айрим ёзма манба муаллифларининг киши ва жой номларини ёзишда чалкашликларга йўл қўйганлиги ҳолати [4: 18-19];

**Ё)** Ёзма манбанинг дастлаб бир муаллиф томонидан ёзиб бошланиши ва кейинчалик, турли хил сабабларга кўра бошқа бир муаллиф томонидан ёзиб тугатилганлиги ҳолати. Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”[14: 145], Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Абулғозихоннинг “Шажарайи турк вамўғул” [14: 193], Муҳаммад Вафойи Карминагийнинг “Туҳфат ул-хоний” [14: 236-237], Муниснинг “Фирдавс ул-иқбол”[14: 195]. “Равзат ус-сафо”нинг еттинчи жилди (то 1467 йилгача бўлган воқеалар) муаллиф томонидан ниҳоясига етказилмай қолиб кетган. Асар хотимаси ва ёзилмай қолган қисмлар муаллифнинг набираси Хондамир тарафидан охирига етказилган [13: 201]. Шу сабабли асар муаллифи Мирхонд оғир бетобликка (водянка-сариқ сув бетобига) чалиниб

қолиб, 1498 йилнинг 22 июнида вафот этган бўлсада, асар воқеалари 1523 йилгача бўлган даврни ҳам қамраб олган [14:183-184].

**Ж)** Айрим ёзма манбаларнинг ягона муаллиф томонидан ёзиб бошланганлиги ва баъзи сабабларга кўра тугалланмай қолганлиги ҳолати. Хожа Тожуддин ас-Салмонийнинг "Тарихнома"("Зайли Зафарнома")[14:173-174], Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"[14:176-177], Муҳаммад Юсуф муншийнинг "Тарихи Муқимхоний" [14:225-226], Мир Олим Бухорийнинг "Фатҳномайи султоний"[14:239].

**З)** Айрим ёзма манбалар матнининг муаллиф томонидан турли тилларда ёзганлик ҳолати; Жамол ал-Қаршийнинг "Ал-Мулҳақот би-с-суроҳ" асари асосан араб тилида ёзилган бўлса-да, матннинг баъзи қисмлари форсийда ёритилган[3: 7]. Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Аминнинг "Мажма ал-ансоб ва-л-ашжар" асари араб, форс ва туркий тилда ёритилган[1:7].

**К)** Муаллифнинг баъзан ўз асаридаги матндан бошқа бир асарида ҳам айнан фойдаланиш ҳолати; Ҳофизи Абрунинг "Зубдат ут-таворихи Бойсунғурий"нинг Оксфорд нусхасини кўриб, унинг матнини тарихий – географик тўплам "Мажмуа" билан таққослаган В. В. Бартольд: "Оксфорд қўлёзмасининг матни, баъзан Ҳофизи Абрунинг географик асарига айнан тўғри келади", - деб ёзган эди[2: 31].

**Учинчидан, хаттотлик билан боғлиқ жиҳатлари:**

**А)** Ёзма манба нусхаларининг турли даврларда ва ҳар хил савиядаги хаттотлар томонидан кўчирилганлиги[7: 4-7];

**Б)** Ёзма манбанинг ягона муаллифи ёки муаллифлар жамоаси мавжуд бўлса-да, қўлёзмани қайта кўчириш давомида айрим хаттотлар томонидан оригинал матнга баъзан янги маълумотларнинг киритиб борилганлиги[3: 13; 5: 9-11; 6: 12]; Мирза Фазлбек Санг-Муҳаммад Бадахшийнинг 1657-1809 йил воқеалари ёритилган "Тарих-и Бадахшон" асарини қайта кўчириш вақтида матнни 1907 йилгача бўлган маълумотлар билан тўлдирган [17: 182].

**В)** Баъзи қўлёзмалар нусхасида манбани кўчирган хаттотнинг ҳуснихатидан ташқари бошқа хаттотлар ҳуснихатларнинг мавжудлиги [3: 13; 5: 11; 6: 11];

**Г)** Ёзма манбадан нусха кўчириш жараёнида айрим хаттотлар томонидан турли хил сабабларга кўра, қўлёзма матнидаги айрим қисмларнинг қолдириб кетилганлиги, кўплаб сўз, киши исмлари ва саналарни алмаштириб, нотўғри

шаклда бериши, имловий хатоларга йўл қўйиш ҳолатларининг мавжудлиги[5: 5-8; 7: 5-7].

**Тўртинчидан, таржимонлик билан боғлиқ жиҳатлари:**

**А)** Ёзма манбаларни таржима қилишда йўл қўйилган нуқсонлар [3: 11-12; 4: 10-11; 6: 8-9; 8: 32-33].

**Б)** Ёзма манбани таржима қилган таржимон томонидан оригинал матнга қўшимча тарзда илова қўшиш ёки оригинал матндан баъзи қисмларни (жилд, фасл, боб, қисм, зикр, курраса, жуз, дафтар) тушириб қолдириш ҳолати [4: 11; 5: 12; 10: 5].

**В)** Ёзма манбанинг ҳозирча бирон тилга тўлиқ таржима қилинмаганлиги ёки мукаммал матн тарзида чоп этилмаганлик ҳолати. Аҳмад ибн Саъдулла ал-Ўзгандийнинг "Тазкирайи Буғрохоний"[14: 275], Хожа Муҳаммад Порсонинг "Мақомати хожа Алоуддин Аттор"[14: 277], Хожа Абдуллоҳнинг "Мақомати хожа Аҳрор"[14: 279], Маҳдуми Аъзам Косонийнинг "Жомиъ ул-мақомат"[14: 288], Бадриддин Кашмирийнинг "Разват ур-ризвон"[14: 284], Малеҳо Самарқандийнинг "Музаккир ул-аҳсоб" [14: 274-275], Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг "Тарихи жадидайи Тошканд"[14: 245].

Келтирилган ҳолатлардан шу нарса маълум бўладики, манбадаги маълумотларни тўғри таҳлил қилиш биз келтириб ўтган жиҳатларга ҳам боғлиқ, албатта. Кўп ҳолларда бу жиҳатларга тарихчиларнинг жиддий эътибор бермасликлари ҳам табиий хол. Бизнинг келтирган маълумотларимиз манбаларни тўғри таҳлил этиш ва танқидий матнни яратиш ва тузишга хизмат қилади.

**Фойдаланилган манбалар:**

1. Абд ал-Кадир ибн Мухаммад-Амин. Маджма᾽ ва-л-ашджар / Отв. ред. А. К. Муминов. Введение, перевод с арабского, персидского и тюркского, комментарии, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова, А. К. Муминова, Б. Б. Аминова.- Алматы: Дайк – Пресс, 2005. -692 с.

2. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008. 632 б.

3. Джамал ал-Карши. ал-Мулхакат би-с-сурах / Введение, перевод с арабо-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Вахидова, Б. Б. Аминова / Отв. ред. А. К. Муминов. Алматы: Дайк – Пресс. 2005. – 416 с

4. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муал. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев.-Т.: "O'zbekiston", 2010.- 264 б.

5. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихий Рашидий. Нашрга тайёрловчи, сўз боши, тадбил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи О.Ё. Жалилов; маъсул муҳаррир С. Ҳасанов; ЎзР ФА, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти.- Т.: "O'zbekiston", 2011. 704 б.

6. Муъизз ал-ансаб (Прославлющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова // История Казахстана в персидских источниках.Том III, Алматы: Дайк–Пресс,2006. - 672 с.

7. Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал –билод. Форс тилидан тарж., изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова. Масъул муҳаррир Шодмон Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-430 б.

8. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ. Каримий. Маъсул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 264 б.

9. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз боши У. Уватов тайёрлаган; К.I.-Т.: Меҳнат, 1991. – 328 б.

10. Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (Фасихов свод). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели Д.Ю.Юсуповой. Ответственный редактор А. Урунбаев. Ташкент: Фан, 1980.–346 с.

11. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. Т., 1997. 382 б.

12. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи-Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир - Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи - Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи - Омонулло Бўриевники). Ҳофизи Абрўнинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и - «Илова»ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи - Омонулла Бўриев. Тошкент, 1996. 528 б.

### Илмий адабиётлар:

13. Амир Темур жаҳон тарихида / Маъсул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. –Т.: "Шарқ", 2001. – 304 б.

14. Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. – 352 б.

15. Ғиёсуддин бин Ҳумомиддин Хондамир. Буюклик хислати: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблар. Маъсул муҳаррир Д. Юсупова; форс

тилидан тарж., кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи И. Бекжонов; Бобур жамоат фонди.-Тошкент.: “Sharq”, 2011. – 304 б.
16. Paul J. The Histories of Samarqand // SI, t. 22, 1993,fascicule 1, p. 69 – 92.
17. Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан ва маданият/тўпловчи А.Шарипов; маъсул муҳаррир Н. Ҳабибуллаев.-Тошкент: Akademnashr, 2013.-232 б.
18. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари / Республика 6-илмий-назарий конференцияси материаллари. 6-илмий тўплам [ТошДШИ, маъсул муҳаррир М.М. Исҳоқов].-Т., 2014.-344 б.

## ЁЗМА МАНБАНИНГ ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ”ГА ДОИР ИЛК МУЛОҲАЗАЛАР (VI-XIXАСРЛАР)[137]

Илм-фан тараққиётида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Ёзма манбани **“Ёзма манбанинг информацион-технологик харитаси”ни (ЁМИТХ)** тузиш орқали тадқиқ этиш манбашуносликда ҳам янги имкониятларга кенг йўл очади. ЁМИТХ-ёзма манбанинг моҳияти ва ички белгиларини фундаментал даражада тадқиқ этишга хизмат қилади. ЁМИТХга таянган ҳолда матндаги маълумотлар миқдорини аниқлаш мумкин. ЁМИТХ ёзма манбадаги маълумотларни маълум бир тизимга солади ва белгиларига кўра туркумлайди. ЁМИХТнинг диаграмма ҳолатидаги муқобил кўринишларидан бири қуйидагича:

[137] Боқиев А.А. ва бошқ. “Ёзма манбанинг информацион-технологик харита”сига доир илк мулоҳазалар (VI-XIX асрлар) // Тарих тафаккури: тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VII жилд. / Тузувчи ва маъсул муҳаррир Ш. Воҳидов. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. - 41-62 бетлар.




ЁМИТХга таянган ҳолда **“Ёзма манбанинг туркумланган маълумотлар базаси”ни (ЁМТМБ)** яратиш мумкин. Бунда тарих фанининг ёрдамчи соҳаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. **ЁМТМБ**даги маълумотларни диаграмма, жадвал ва **SmartArt** график элементлари типларини қўллаган ҳолда ўрганиш қиёсий таҳлилни маълум бир тизимга солади. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, кўплаб тадқиқотчилар жадвал ва диаграммаларнинг турли шаклларидан ёзма манбаларни туркумлаш, қадимги ёзувларни қиёслашда, хронологик ва генеалогик маълумотларни даврий ва ҳудудий жиҳатдан тартибга солиш, цивилизацияларни туркумлаш каби ва бошқа тадқиқотларда унумли фойдаланганлар[1]. **ЁМИТХ** ва **ЁМТМБ**даги маълумотларнинг

миқдори ва манбавий даражасини аниқлашда уч босқичли таҳлилдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Буни “Муъизз ул-ансоб” манбаси мисолида кўриш мумкин:

1) Маълумотларни туркумлаш ва таҳлил қилиш;

2) Ёзма манба нусхаларидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

3) Маълумотларни бошқа ёзма манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш.




Манбанинг қўлёзмаси ягона нусхада бўлса [20: 147; 151; 211; 284; 13: 4], икки босқичли таҳлил амалга оширилади. Бу ҳолатни Ғиёсуддин Алининг “Рўзнома-йе ғазовоте Ҳиндистон” манбаси мисолида кўриш мумкин [7; 8]:

1) Маълумотларни туркумлаш ва таҳлил қилиш;

2) Туркумланган маълумотларни шу даврга оид бошқа ёзма манбаларнинг туркумланган маълумотлари билан қиёсий таҳлил қилиш.




Ёзма манбадаги маълумотларни умумий белгиларига кўра категорияларга бўлиш ҳам мумкин[138]:

**I. Хронологик:** Бу маълумотлар бўлиб ўтган тарихий воқеалар санасига аниқлик киритади ва маълум бир даврий чегарани юзага келтиришга хизмат қилади. Хронологик маълумотлар ёзма манбаларда мавжуд бўлган маълумотларнинг катта қисмини ташкил этади. Уларни матнда учраш ҳолатига кўра иккита асосий типгабўлиш мумкин: 1) Саналари аниқ кўрсатилган хронологик маълумотлар; 2) Саналари тахминий кўрсатиб ўтилган хронологик маълумотлар.

**II. Миқдорий-статистик:** Бу категорияга хронологик ва метрологик маълумотларга оид бўлмаган барча сонли маълумотлар киради. Уларни матнда

[138] Ёзма манбаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, категорияларни ўзгартириш мумкин.-муаллифлар.

учраш ҳолатига кўра иккита асосий типга бўлиш мумкин: 1) Сонлар билан ифодаланган аниқ маълумотлар; 2) Сонлар билан ифодаланган тахминий маълумотлар. Иккинчи типга оид маълумотларни манба муаллифлари: *"ҳисобсиз лашкар", "сон-саноқсиз лашкар", "жами кўчманчи лашкарлар", "беадад лашкар", "ҳаммаси", "минг кишига яқин", "бир неча киши", "бир тўда отлиқ", "оз сонли", "ўн мингга яқин киши", "бир гуруҳ", "қарийб олтмиш отлиқ", " қарийб юз кишига яқин", "жамики турку-тожик мулозимлари, навкарлари, хизматкорлари ва яқин кишилари", "қарийб тўрт-беш минг одам билан", "қарийб беш юз киши билан", "қарийб йигирма минг отлиқ билан", "бир неча дона марварид"* каби ва шунга ўхшаш жумлаларда қайд этиб ўтганлар. "Муъизз ул-ансоб"да 130га яқин сонлар билан ифодаланган маълумотлар учрайди**[15]**. Шундан 100 га яқин маълумот чингизийлар ва 30 га яқин маълумот Темурийлар даврига тегишли.

Манбада сонлар билан ифодаланган қуйидаги маълумотлар асосан кўпчиликни ташкил этади:

- хонадон вакилларидан баъзиларининг хотинлари ва канизакларининг сони;
- хонадон вакилларидан баъзиларининг ўғил ва қизларининг сони;
- айрим шаҳзода ва маликаларнинг нечанчи фарзанд эканликлари;
- айрим маликаларнинг нечанчи хотин ёки жория эканликлари;
- саркардалар ва амирларга бириктирилган ҳарбий қисмлардаги лашкарларнинг миқдори;
- ҳарбий юришларга юборилган қўшинларнинг миқдори;
- бошқалар.

**III. Метрологик** (оғирлик, масофа, ҳажм, майдон, сатҳ ва бошқ.): Метрологик маълумотлар ўлчов бирликлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, баъзан, сонлар билан ифодаланган маълумотларни ҳам ўзида ифодалайди. Бу категорияга тааллуқли бўлган маълумотлар муаллифлар томонидан: *"икки манзил беридаги", "ўн кунлик йўл", "бир харвор", "бир фарсанг йўл", "жами навоҳи", "қарийб юз газ девор", "ўттиз минг мисқол", "беш лак", "минг бош кумуш", "узунлиги беш, кўндаланги уч лига тенг", "камон ўқи етадиган масофа", "чуқурлиги ўн брасо", "узунлиги ўн одим", "айланаси уч юз мил", "бу жой уч одам қучоғи ҳажмидаги йўғонликка эга", "баландлиги икки найза бўйи келадиган", "тўртта катта от жуссасига тўғри келадиган", "узунлиги бир юз беш, кенглиги тўқсон уч қадам", "уч*

*бармоқ ҳажмича", "узунлиги икки ярим пальма келадиган", "икки дюйм", "бир ман", "икки-уч манзиллик масофа", "беш кунлик йўл", "узунлиги тўқсон тўрт даража ва бир каср", "музни икки энлик ях боғлаган", "ўн кунлик чўл йўли", "бир жариб миқдордаги ер", "кенглиги эллик шаръий газ", "уч ойлик йўл", "ҳар ўн олти марра бир шаръий фарсанг", "кишаннинг йўғонлиги одамнинг сонидек", "йўғонлиги одамнинг белидек келадиган темир қозиқ", "бир қаттиқ отилган камон ўқи масофаси", "тош бир қилчалик ҳам эгилмаган", "саккиз болиш кумуш", "бир тўқмор отими миқдордаги масофа", "бир бўлак қалайи", "ўттиз жўра атлас", "уч кишининг қучоғига сиғмайдиган устунлар", "қарийб юз табақ жушира", "бир фил оғирлигидаги тош", "бир заръ миқдорида тахта", "бир неча марҳала йўлда", "асосий молнинг икки донгидан ортиқ олинмасин", "тўққиз тарнов сув", "тўрт йиғоч йўл", "узунлиги тахминан қари бўлғай", "тўрт бўлук кўҳпоя", "бир ўқ отими", "бир шаръий йироқроқ"* каби ва шунга ўхшаш жумлалар орқали ёритилган[139]. "Муъизз ул-ансоб"да метрологик маълумотлар деярли учрамайди. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сидаги изоҳларда келтирилган метрологик атамалар 18 тани ташкил этади**[16]**.

**IV.Этник:** Бунга қабила, жамоа, қавм, эл, ҳашам, лашкар, аҳоли, уруғ, насл, аймоқ (уймоқ), миллат, халқ ва бошқалар ҳақида матнда учрайдиган маълумотлар киради. К. Шониёзов Беруний асарларида 100 дан ортиқ халқ ва қабилаларнинг номлари учраши ҳақида таъкидлаб ўтган [36: 128]."Муъизз ул-ансоб"нинг этник номлар кўрсаткичида 120 та маълумот учрайди [15: 343-346]. Манбани таҳлил қилганимизда 160 га яқин этник номлар учрашини аниқлашга муваффақ бўлдик. Лекин шуни таъкидлаш жоизки, "Тарихи арбаъ улус", "Муъизз ул-ансоб", "Шажарайи турк" каби манбаларда келтирилган этник маълумотларнинг асосини Рашидуддиннинг "Жомеъ ут-таворих" манбаси ташкил этади. "Муъизз ул-ансоб"даги этник маълумотларни манбалар билан қиёслаш ва таҳлил қилиш алоҳида илмий изланишларни талаб этади.

**V. Тарихий-географик:** Бунга ёзма манбада учрайдиган жой номлари билан боғлиқ маълумотлар киради. Уларни ҳам ойконим, этнотопоним, антропотопоним, гидроним, ороним, полинимия (урбонимия), дримоним, дромоним, зооним, хроним ва бошқа типларга бўлиш фойдадан холи бўлмайди. А. Сагдуллаев Геродотнинг "Тарих" китобида Бақтрия, Бақтра,

[139] Бу категорияда оид маълумотлар XIV-XVI асрларга оид бир қатор манбалардан олингани боис, ҳар бирига алоҳида иқтибос қўйилмади-муаллифлар.

бақтрияликлар 13 марта, сўғдлар 2 марта, хоразмликлар 3 марта, саклар 11 марта, массагетлар 19 марта тилга олинганлигини таъкидлаган [25:34]. “Тарих Бухоро” манбаси кўрсаткичида 206 та [5: 581-589], “Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ”да 250 та [9: 188-195], “Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор”да 196 та [2: 312-318], “Муъизз ул-ансоб”да эса 99 та [15: 351-354] жой номи қайд этилган. Ҳ. Ҳасанов ва Р. Расуловлар “Бобурнома”да мингдан зиёд [34: 62; 24: 44], Т. Нафасов эса 1100 дан ортиқ жой номи[23: 39] борлиги қайд этиб ўтилган. Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си кўрсаткичида 848 та жой номи қайд этилган [16: 477-501]. Булар орасида *ариқ, боғ, булоқ, булук, бутхона,вилоят, висоқ, водий, гузар, дара, дарё, дарёбор, даҳона, дашт, девор, денгиз, довон, ёбиса, ёз, ём, ерлар, жулгайи, зиёратгоҳ, ийдгоҳ, йўл, кечик, кўл, кўприк, кўтал, кўшк, қамиш, қаря, қасаба, қасба, қалъа, қишлоқ, қубба, қудуқ, қум, қумуқ, қўрғон, қўриқ, қўшун, лангар, мавзе, майдон, мамлакат, манзил, марҳала, масжид, масжиди Жомеъ, мозор, наҳр, сарой, саҳро, сув, суюрғол, тоғ, ўзан, ўланг, улус, хонақоҳ, ҳисор, ҳовуз, чўл, шаҳар, эл, юрт, яйлоқ* ва бошқалар ҳақида маълумотлар учрайди.

**VI.Тарихий атама ва истилоҳлар:** Тарихий атамаларни матнда учраш ҳолатига қараб бир неча типга бўлиш мумкин. Соҳалар бўйича: иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳарбий, диний, ҳуқуқий, илмий, мусиқий, этник, топонимик, унвон ва бошқ. лингвистик жиҳатдан: арабча, форсий, туркий, мўғулча ва бошқ. “Тарих-и Бухоро”даги кўрсаткичда 135 та [5: 590-594], “Муъизз ул-ансоб”да 99 та [15: 347-350], Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”сида 414 та атамага [16:506-521] таъриф берилган. “Зафарнома”даги кўрсаткичда ҳарбий атамалар 103 тани, ҳукмдорларнинг фахрли лақаблари, мансаб, унвон ва касбларга оид атамалар 73 тани, иқтисодий соҳага оид атамалар 54 тани, метрологияга оид атамалар 18 тани ва мусиқий атамалар 14 тани ташкил этади.

**VII. Қуръони карим оятлари ва ҳадислар:** Араб-форс муаллиф-ларининг асарларида Қуръони карим оятлари ва ҳадисларга оид маълумотлар салмоқли. Бу категорияга оид маълумотлар Низомиддин Шомийнинг “Зафар-нома”сида 109 тани [16: 405-444], Ҳофизи Абрўнинг иловасида 32 тани [16: 445-448], “Матлаи саъдайн”нинг 2 жилд 1- китобида 124 тани [3: 535-623] ва 2 жилд 2-китобида эса 145 тани [4: 677-702] ташкил этиши изоҳларда қайд этиб ўтилган.

**VIII. Шахс номлари:** Ёзма манбаларда тилга олинган шахсларнинг исмлари кўрсаткичларда кўп ҳолларда алифбо тартибида келтирилади.

Шахсларни манбада учраш ҳолатларига кўра бир қатор тип ва қисмларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Шахсларни жамиятда тутган мавқеига кўра: 1) Стратификацион; 2) Уруғ-қабилавий келиб чиқишига кўра; 3) Касбий мансублигига кўра; 4) Диний-эътиқодий мансублиги ва қарашларига кўра; 5) Ҳудудий мансублигига кўра; 6) Жинсий мансублиги ва ҳ.к.ларга кўра бўлиш мумкин.

Персонографик нуқтаи назаридан: а) худолар; б) фаришталар в) пайғамбарлар; г) афсонавий шахслар; д) валийлар ва авлиёлар е) ҳукмдорлар; ё) турли тоифадаги мансабдор шахслар; ж) кўрагонлар; з) турли тоифадаги шахслар; к) исмлари қайд этилмаган шахслар ва ҳоказоларга бўлиш категорияга оид маълумотларни таҳлил қилишни тартибга солади. Баъзан ёзма манбаларда исмлари қайд этилмаган шахслар ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Жумладан, Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" манбасида исмлари қайд этиб ўтилмаган Темурий маликалар тўғрисидаги маълумотлар жами 38 тани ташкил этади [12]. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Темурий маликалар ва умуман аёллар ҳақидаги маълумотларнинг ёзма манбаларда тўла ёритилмаслигига сабабни ҳам ўша давр ёзма манбаларидан қидириб топиш мумкин. Жумладан, бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг "Ажоиб ал-мақдур" манбасида шундай маълумот учрайди: *"Темур унинг жавобидан хотинларнинг зикр қилган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки, хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар, ҳамда бу нарсадан сақланинглар деб (одамларга) доимо уқтирадилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, унда уни "пардалик бола" ёки "зийнат соҳиби" ёки "мастура" ёки шунга ўхшаш (иборат)лар билан атайдилар"[ 11: 259].*

"Тарих-и Бухоро" манбасига тузилган шахс исмларига оид кўрсаткичда 303 та [5: 570-581], "ал-Мулҳақот би-с-Сурох" манбасида 917 та [9: 167-187], "Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор" манбасида 401 та [2: 298-309], "Муъизз ул-ансоб"да 6000 га яқин [15: 197-342]маълумот учрайди. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сида келтирилган шахс исмлари кўрсаткичида 773 та [16: 449-476] маълумот учрайди. Шундан Амир Темур исми тўрт, малика Хонзода бегим исми уч, 11 та шахслар исмлари икки хил шаклда учрашини инобатга олсак, манбада 756 та тарихий шахслар ва 1 та адабий қаҳрамон- Исфандиёр [16: 456] тўғрисида маълумот бор."Бобурнома"да учрайдиган шахслар исмлари тўғрисида ҳам бир қатор маълумотлар мавжуд. Р. Расулов асарда 1800

дан ортиқ [24: 44], Т. Нафасов 1406 та [23: 39], М. Абдуллаева эса 1540 нафар [29: 103] киши исмлари учрашини қайд этиб ўтган. Х. Худойназаров "Шажараи турк" манбасида 400 дан ортиқ тарихий шахсларнинг номи тилга олингани, улардан 110 кишининг ҳаёти ва фаолияти қисқача баён этилганлигини таъкидлаб ўтган [33: 69]. "Ал-Камил фи-т-тарих" манбасига тузилган шахс исмларига оид кўрсаткичдан [10: 486-520] ташқари, фахрли исмлар кўрсаткичида манбада учрайдиган исмлар: мусулмонча, арабча, туркча ва эронча каби гуруҳларга ажратилиб кўрсатилган [10: 540-549]. Тарихий шахсларни унвонлари ва мансаблари, исмларига кўра этник ва лингвистик таснифлаш, ёзма манбанинг информацион даражасини билиш имкониятини янада оширади.

**IX. Генеалогия ва сулолалар:** Ёзма манбаларда турли даврларда ҳукмронлик қилган сулолалар, дин пешволари, мамлакат ҳаётида чуқур из қолдирган кишиларнинг шажарасига оид маълумотлар салмоқли бўлади. Шажараларга доир маълумотларни таҳлил этиш тарихий жараёнларни яна чуқурроқ англашимизга ёрдам беради. "Ал-Камил фи-т-тарих" манбасига тузилган сулолалар кўрсаткичида 11 та [10: 552], "Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор" манбасига тузилган сулолалар кўрсаткичида 40 та сулола вакиллари ҳақида маълумот учрайди [2: 310-311]. Бу категорияни жаҳон тарихида чуқур из қолдирган Темурийлар сулоласига оид маълумотларни таҳлил этиш орқали изоҳлаб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. "Муъизз ул-ансоб" асарининг сўзбошисида Чингизийлар ва Темурийлар хонадонига мансуб вакилларнинг сонига оид маълумотлар келтирилган [15: 12-13].Темурийлар тарихига оид фундаментал тадқиқотда Амир Темур авлодининг рўйхати 193 тага етганлиги қайд этиб ўтилган [19: 134] бўлса-да, сулоланинг ёзма манбалардаги ўрганилиш даражаси яна кўплаб тадқиқотларни талаб этади. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома"сини сулолавий жиҳатдан таҳлил этсак, 756 та тарихий шахслардан 15 таси Темурий мирзолар ва 14 таси Темурий маликалар эканлиги маълум бўлади [16]. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома"сида 46 та Темурий мирзолар ва 67 та Темурий маликалар[12], "Мужмали Фасихий" манбасида эса 69 та Темурий мирзолар ва 27 та Темурий маликалар тўғрисида маълумотлар учрайди[17]. "Бобурнома"да эса ҳаммаси бўлиб 85 та Темурий мирзо тўғрисида маълумот учрайди [30: 76-80]. Асарда шунингдек, Темурий мирзолардан баъзиларининг таваллуди ва вафотига оид 20 та хронологик маълумот келтирилган [30: 81]. А. Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" тазкира-

синнинг еттинчи фаслида Амир Темур ва яна 21 та Темурий мирзолар ҳақида маълумот бор [18: 78]. Илмий тадқиқотларда ўтмишда ҳукмронлик қилган сулолалар, жумладан Темурийлар ҳақидаги маълумотлар салмоқли [38] бўлса-да, лекин аниқ (конкрет) олинган ёзма манбада учрайдиган сулола вакил- лари ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш масаласи ўз ечимини тўлалигича топмаган. Шуни эътиборга олган ҳолда ёзма манбадаги генеалогик ва сулолаларга оид маълумотларни ЁМИТХсида алоҳида категория сифатида тадқиқ этиб, бу категорияга оид статистик маълумотларни ЁМТМБсида кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**X. Унвон ва мансаблар:** Ёзма манбаларда унвонлар ва мансабларга оид кўплаб маълумотлар учрайди. "Ал-Камил фи-т-тарих" манбасига тузилган кўрсаткичда 39 та [10: 549-550], "Мусаххир ал-билод" манбасига тузилган кўрсаткичда 62 та унвон ва мансаблар учраши қайд этиб ўтилган [14: 427-428]. Бир қатор тадқиқотчилар бу категорияга оид маълумотларни таҳлил қилганлар [26]. Масалан, "Бобурнома"да учрайдиган 1540 нафар кишилардан, 357 нафари Мовароуннаҳрлик тарихий шахслар ташкил қилишини қайд этилган ва уларни тоифаларга қараб ажратган. Жумладан, 5 нафари амир ва амирзодалар; 20 нафар шоҳ ва шаҳзодалар; 42 нафар малика ва шоҳ қизлари; 52 нафар умаролар, қўшин бошлиқлари ва беклар; 21 нафар дин ва тасаввуф эгалари; 30 нафар илм-фан ва адабиёт аҳллари; 187 та турли хос кишилар-аскарлар, деҳқонлар, санъат аҳллари, ҳунармандлар, қуллар, ёғийларнинг номлари тилга олинган деб шарҳлаб берилган [29:103]. Ш. Воҳидов ва Р. Холиқовалар Бухоро давлати бошқарувига доир [29: 240-251], Ш. Воҳидов ва Д. Янгибоевалар Садри Зиёнинг "Феҳрист"ида учрайдиган котиб ва хаттотлар тўғрисида [28: 53-60] маълумот берганлар. Садри Зиё каталогида тилга олинган 450 нафар шахснинг 170 таси хаттотлар эканлигини таъкидлаб ўтган [28: 59]. Е. Сатторова XVI-XIX асрларда Ўрта Осиёда мавжуд бўлган ҳарбий ва ҳарбий-маъмурий унвон ва мансабларнинг 22 тасига таъриф берган [31:377-380]. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридаги баъзи бир унвонлар ва мансаблар ҳақида [29: 91-93], "Муъизз ул-ансоб"да учрайдиган унвонлар ва мансаблар, мансабга тегишли турли сифат ва эпитафиялар, Чингизийлар ва Темурийлар давридаги 90 дан ортиқ унвон ва мансаб ва амалларнинг номлари қайд этиб ўтилган [ 29: 106-111]. "Муъизз ул-ансоб"ни таҳлил қилиш давомида манбада 200 га яқин унвон ва мансаблар ҳақида маълумот келтирилганлигини аниқлашга муваффақ бўлдик. Манбада учрайдиган мансаб ва унвонларнинг вазифаларини ва

иерархик даражасини тўлароқ аниқлаш учун Рашидуд- диннинг “Жомеъ ут-таворих” ва Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой” манбалари билан қиёсий таҳлил қилиш керак бўлади.

**XI. Тарихий ҳужжатлар:** Ёзма манбалардаги матнларда бир қатор тарихий ҳужжатларни учратиш мумкин. Ўзбекистон тарихига оид ҳужжатларни О.Д. Чехович 34 та турга ажратган [37: 27-28; 35]. Д. Валиева Амир Ҳайдар мактубларини қиёсий таҳлил қилиш орқали XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Чор Россияси ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрганишга ҳаракат қилган [21]. Ж. Жўраев ва бошқалар Амир Ҳайдар ва Муҳаммад Ҳакимга оид 22 та мактубни [30: 121], С. Ғуломов Амир Темур хатларининг идентификацияси хусусида фикр юритиб, иншо ёки муншаот мажмуаларини гуруҳларга бўлган [18:209-214]. Ҳужжатларга оид маълумотларни матнда учраш ҳолатига кўра, иккита типга бўлиш мумкин. Типларни ҳам ҳужжатларнинг моҳиятига кўра бир қанча турларга бўлиш мумкин:

1) Расмий ҳужжатлар; 2) Норасмий ҳужжатлар.

**XII. Бунёдкорлик:** Бу категорияга меъморчилик, ирригация, мелиорация, йўл ва бошқа бунёдкорликка оид маълумотлар киради.

**XIII. Диний соҳа:** Бу категорияга динлар, мазҳаблар, тариқатлар, мозор тавофлари, зиёратгоҳлар ва бошқаларга оид маълумотлар киради. “Ал-Камил фи-т-тарих” манбасига тузилган кўрсаткичида 19 та дин ва мазҳаблар (секталар) ҳақида маълумот учрайди [10: 555-556].

**XIV. Ҳарбий соҳа:** Бу категорияга урушлар, ҳарбий юришлар, жанглар, мудофаа жанглари ва уларни ташкил этиш, ҳарбий исёнлар, ҳарбий фитналар, тактика, стратегия, қўшин тузилиши, ҳарбий тайёргарлик, ҳарбий кўриклар, қурол-аслаҳалар турлари, қурол-аслаҳаларнинг қўлланилиши ва бошқаларга оид маълумотлар киради.

**XV. Халқаро муносабатлар ва дипломатия.**

**XVI. Маданият:** Бу категорияга илмлар таснифи, адабиёт, фан, санъат, ёзув, хаттотлик, мусиқа, тасвирий санъат, илм ва санъат аҳлининг ҳаёти ҳамда ижоди, маданият арбоблари ва бошқаларга оид маълумотлар киради.

**XVII. Давлат ва маҳаллий бошқарув.**

**XVIII. Лингвистик:** Бу категорияда ёзма манбадаги лингвистик маълумотлар тўпланади ва таҳлил қилинади.

**XIX. Иқтисодий:** Бу категорияда ёзма манбадаги савдо-сотиқ, ҳунармандчилик турлари, қишлоқ хўжалиги, молия, пул ислоҳотлари, солиқлар, мулкий

муносабатлар, нарх-наволар, бозор муносабатлари, пул бирликлари ва бошқаларга оид маълумотлар тўпланади.

**XX. Матнда учрайдиган манбалар:** Бу категория ёзма манбанинг характери ва манбавий асосини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. “Ал-Мулҳақот би-с-Суроҳ”даги кўрсаткичда 101 та [9: 158-160], “Тарих-и Бухоро”-да эса 12 та [5: 595] манбанинг номлари учраши қайд этиб ўтилган. “Шажарайи турк”да муаллиф асарни ёзишни бошлаганида номларини эслатиб ўтмасада қўл остида форсий ва туркийда битилган 18 та манба мавжудлигини таъкидлаб ўтган [6: 11].

**XXI. Расм-русум, маросим ва тадбирлар:**

**XXII. Шеърий безак (стиходекорь):** Ўрта асрларга оид насрий услубда битилган ёзма манбаларда шеърий парчалар учраши одатий ҳол ҳисобланади. Шу ҳолатни эътиборга олган ҳолда ёзма манбадаги шеърий безакка оид маълумотларни ҳам алоҳида категория сифатида ЁМИТХга киритсак фойдадан холи бўлмайди. Бу категорияни Абулғозий Баҳодирхон ижоди мисолида таҳлил қилиб кўрсак. Унинг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима” манбаларида олтита шеър мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси ўзбекча, қолган иккитаси форс-тожик тилида битилгандир. “Шажарайи турк”дан жой олган тўрт шеър ҳам 30 мисрадан ташкил топган бўлиб, иккитаси ўзбекча, қолган иккитаси эса форс тилида битилган ижод намуналари ҳисобланади. Абулғозий Баҳодирхоннинг табибликка оид “Манофеъ-ул-инсон” рисоласида ҳам форс тилида битилган 20 мисра шеърий парча мавжуд [33: 30]. Муниснинг “Фирдавс ал-иқбол” асарида ҳам шеърий безакка катта эътибор берилган. Муаллиф манбага 2915 мисрадан иборат 683 шеърий парча, Огаҳий эса 514 мисрадан иборат 84 шеърий парчаларни киритган. Шеърий парчалар Мулло Саййидойи Бухорий, Низомий, Саъдий, Фирдавсий, Мирзо Нозим Ҳиравий ва олтита қайд этилмаган шоирларга тегишли. Асарда Мунис ва Огаҳийларнинг ҳам тарих, маснавий ва қасидалари бор (21 та форс тилидаги хронограммадан 16 таси Мунисникидир) [27: 76]. Садри Зиё “Тазкор ул-ашъор” тазкирасида 1444 байт қаламга олинган бўлса, тасниф этилган шоирларнинг шеърларидан 2616 байт келтирилган [27: 153].

**XXIII. Табиат, флора, фауна, иқлим:**Бу категорияга оид маълумотлар ёзма манбаларда турли хил даражада учрайди. “Тарих-и Бухоро”, “Ажоиб ал-мақдур”, Руи Гонсалес де Клавихонинг кундалиги, “Матлаи саъдайн”, “Бобурнома”, “Тарихий Рашидий” ва яна бир қатор бошқа манбаларда Ўрта Осиё,

Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Шарқий Туркистон, Мўғулистон, Озарбайжон каби ҳудудларнинг табиати, флораси, фаунаси ва иқлими ҳақида маълумотлар учрайди. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бу маълумотларни ҳам ЁМИТХда алоҳида категория сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

**XXIV. Муаллиф, хаттот ва таржимоннинг ўзи ва яқинлари ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари:** Асар муаллифи ва унинг шахсини аниқлаш қўлёзма асарни илмий таҳлил этишда катта аҳамиятга эга. Муаллифнинг шахси, яъни унинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги, шунингдек унинг дунёқарашини аниқлаш учун асарнинг умумий ғоявий йўналишини тўғри белгилаб олиш муҳим аҳамият касб этади [20: 16-17]. Фасиҳ Аҳмад Хавофий "Мужмали Фасиҳий" асарининг 100-101, 116, 118, 129, 131-132, 171-172, 178, 183, 193-196, 199, 205-206, 208, 216-218, 221-222-бетларида [17] ва Абдураззоқ Самарқандий эса "Матлаи саъдайн"асарининг 39, 42-43, 109, 194, 251, 378 [3], 10-13, 17, 22, 73-75, 91-93, 99-101, 111-117, 119-132, 136-163, 173-177, 179-180, 192, 194-197, 265-266, 336-337, 341, 366-368, 399, 401, 474-475, 483-484, 537, 556-557, 673-674 [4] бетларида ўзлари ва яқинлари ҳақидаги қимматли маълумотларни келтириб ўтганлар.

**XXV. Афсона, ривоят, мақол, масал, матал ва ҳикматли сўзлар:** Айрим ёзма манбаларда тарихий воқеалардан ташқари шу категориядаги маълумотлар ҳам кўплаб учраб туради. Бундай ёзма манбалар қаторига Ибн Арабшоҳнинг "Ажоиб ал-мақдур", Абулғозининг "Шажарайи турк" ва "Шажараи тарокима"сини киритиш мумкин. "Шажараи тарокима" асарида фольклорнинг таъсири ҳақида академик А. Н. Кононов: "Асар фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, адабий ёдгорлик сифатида ҳам аҳамиятли бўлган, чунки унда халқ афсоналари, халқ этимологияси, этноним, мақол ва масаллар моҳирона тасвирланган" - деб бежиз айтмаган [32: 43].

**XXVI. Картографик маълумотлар.**

**XXVII. Бошқа маълумотлар.**

**ЁМИТХ**нинг тузилиши қандай **натижа ва янгиликларга** олиб келиши мумкин:

1) Исталган ёзма манбани ва турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзма нухсаларига эга бўлган айнан битта манбанинг ўзини ҳам информацион кўрсаткичларига кўра қиёсий таққослаш ва танқидий таҳлил қилиш

орқали манбанинг оригиналлик, компилятивлик ва сохталилик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади;

2) Бир давр тарихи ёритилган бирламчи ва иккинчи даражали ёзма манбаларни ҳам информацион кўрсаткичларига кўра қиёсий таққослаш ва танқидий таҳлил қилиш орқали уларнинг манбавийлик даражасини аниқлаш имконияти пайдо бўлади;

3) Тарихнинг турли даврларига оид бирламчи ёзма манбаларни информацион классификациялаш, миқдорий кўрсаткичларни таққослаш ва танқидий таҳлил қилиш шу давр тарихини манбавий ва илмий жиҳатдан янада яхшироқ билиш, ҳали эътибордан четда қолаётган бўлиши мумкин бўлган тарихий жараёнлардаги сабаб-натижаларнинг янги қирраларини ҳаққоний англаш ва ёритиш имконияти туғилади;

4) Ёзма манбаларни ЁМИТХ орқали ўрганиш тарих фанининг ёрдамчи соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларни бир тизимга солиш ҳамда йўналтириш имкониятларини оширади;

5) Ёзма манбаларни ЁМИТХ орқали ўрганиш "Пушкин тили луғати", "Абай тили луғати", "Навоий асарлари луғати" [22] каби"Темур тузуклари", "Зафарнома", "Мужмали Фасиҳий", "Матлаи саъдайн" ва бошқа манбаларнинг ҳам луғатларини тузишга самарали ёрдам бериши мумкин;

6) ЁМИТХ манбашуносликка оид бажарилган ва бажарилиши мўлжалланаётган илмий тадқиқотларни маълум бир тизимга солиш ҳамда йўналтириш имкониятини беради;

7) Ёзма манбани ЁМИТХ орқали таҳлил қилиш маълумотларнинг даражасини диаграммалар, жадваллар ва SmartArt график элементлари кўринишида билиш имкониятини беради ва исталган ёзма манбанинг ЁМТМБси ишлаб чиқилади;

8) ЁМИТХ шу давр тарихи ёритилган илмий-тадқиқот, илмий-оммабоп ва бадиий асарларнинг ҳам манбавийлик даражасини аниқлашда қўл келади;

9) Манбашуносликда ёзма манбаларни ўрганиш ва танқидий таҳлил қилишда мазмунан янги илмий йўналиш – **манбаларнинг информацион қатлам (чегара) йўналиши** пайдо бўлади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Т.I. Тошкент., Фан, 1968.-488 б.; Пушкарев Л. Н. Классификация русских письменных источников по отечественной истории. М.: Наука, 1975.- 281с.; Бикерман Э. Хронология древнего мира. М., Наука,

1975, 336 с.; Тойнби А.Ж. Постижение истории. - М.: 1991. – С. 239; Марказий Осиё тарихининг манбашунослиги ва тарихнавислиги масалалари/Республика V илмий-назарий конференцияси материаллари. 5-илмий тўплам. 2-қисм [Тошкент давлат шарқшунослик институти; маъсул муҳаррир М.М. Исҳоқов].-Т., 2013.-12-38 бетлар; Чориев З.У., Шайдуллаев Ш.Б., Аннаев Т.Ж. Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. - 96 б.; Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Т.ф.д. дисс.автореферати. ЎзР ФА Археология институти. - Самарқанд, 2009. - 47 б.

2. Абд ал-Кадир ибн Мухаммад-Амин. Маджма ва-л-ашджар / Отв. ред. А. К. Муминов. Введение, перевод с арабского, персидского и тюркского, комментарии, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова, А. К. Муминова, Б. Б. Аминова.- Алматы: Дайк – Пресс, 2005. -692 с.

3. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 1-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- 632 б.

4. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- 832 б.

5. Абу Бакр Мухаммад ибн Джа‘фар ан-Наршахи. Та’рих-и Бухара. История Бухары. Перевод, комментарии и примечания Ш. С. Камолиддина. Археолого -топографический комментарий Е. Г. Некрасовой. -Ташкент: SMIA-SIA, 2011. 600 с.

6. Баҳодирхон А. Шажарайи турк: Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун/ Маъсул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б. А. Аҳмедов /;-Т.: Чўлпон. 1990.-192 б.

7. Ғиёсуддин Али. Рўзнома-йе ғазовате Ҳиндистон. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1520.; Гиясаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. М.: Издательство восточной литературы, 1958.-207 с.

8. Джамал ал-Карши. ал- Мулхакат би-с-сурах / Введение, перевод с арабо-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш. Х. Вахидова, Б. Б. Аминова / Отв. ред. А. К. Муминов. Алматы: Дайк – Пресс. 2005. – 416 с

9. Ибн ал-Асир. “Ал-Камил фи-т-та’рих” «Полный свод истории». Избранные отрывки/ Ибн ал-Асир; Пер. с араб. яз., прим. и коммент. П.Г. Булгакова; Доп. к пер., прим. и коммент., введ. и указ. Ш.С. Камолиддина; Отв. ред. М. Исхоков; АН РУз, Ин-т востоковедения им. Абу Райхана Беруни.-Т.: Узбекистан, 2006.-560 с. + вкл. 32 с.

10. Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз боши У. Уватов тайёрлаган; Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. I. – Т.: Меҳнат, 1991.-328 б.

11. Йаздий, Шарафуддин ‘Али. Зафарнома / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсат-кичлар муаллифлари А. Аҳмедов ва Ҳ. Бобобеков. Тошкент, 1997.-384 б.

12. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ. Каримий. Маъсул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 264 б.

13. Муҳаммадиёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод. Форс тилидан тарж., изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова. Масъул муҳаррир Шодмон Воҳидов. Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.-430 б.

14. Муъизз ал-ансаб (Прославлющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова // История Казахстана в персидских источниках.Том III, Алматы: Дайк – Пресс , 2006. - 672 с.

15. Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўгирувчи-Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир - Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи - Ҳабибулло Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи - Омонулло Бўриевники). Ҳофизи Абрўнинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и - «Илова»ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи - Омонулла Бўриев. Тошкент, 1996. 528 б.

16. Фасих Ахмад ал-Хавафи. Муджмал-и Фасихи (“Фасихов свод”) / Пер. с перс., примеч. и указат. Д. Ю. Юсуповой. Ташкент, 1980, 346 с.

17. Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан ва маданият/тўпловчи А.Шарипов; маъсул муҳаррир Н. Ҳабибуллаев.-Тошкент: Akademnashr, 2013.-232 б.

18. Амир Темур жаҳон тарихида / Маъсул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри. –Т.: “Шарқ”, 2001. – 304 б.

19. Б.А. Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. Тошкент, 2001. – 352 б.

20. Валиева Д. XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Россия дипломатия алоқаларига доир (Амир Ҳайдар мактубларини қиёсий ўрганиш асосида)// Т.: Шарқшунослик. 1999, 9 сон, 119-140 бетлар.

21. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 784 б.

22. Нафасов Т. Бобур-номшунос.// Бобур ва ўзбек миллий маданияти. Илмий тўплам. - Самарқанд.,2000.-39 б.

23. Расулов Р. Бобур-ўзбек тилининг софлиги учун курашувчи. // Бобур ва ўзбек миллий маданияти. Илмий тўплам.- Самарқанд., 2000.-44 б.

24. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда: Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, мактаб ўқитувчилари, манбашунослар учун қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1996.-112 б.

25. Семёнов А.А. Бухарский трактат о чинах и званиях и объязанностях их носителей в средневековой Бухаре// Советское востоковедение Т. V. 1948. – С. 137-153; Вильданова А. Б. Подлинник бухарского тракта о чинах и званиях./ Письменные памятники Востока. Ежегодник, 1968. М., 1970; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва манбалар.-Т.: 1996.; Воҳидов Ш., Ҳолиқова Р. "Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан ( XIX-XX аср бошлари)". Т.: Янги аср авлоди, 2006. -72 б.; Воҳидов Ш. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигидаги унвон ва манбалар.-Т.: 1996.; Раҳимов А. Бухоро амирлигидаги ҳарбий унвон ва мансабларга доир// Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. VI жилд. Т.: ТошДТУ босмахонаси, 2014.-207 б.;

26. Тарих тафаккури. "Баркамол авлод" йилига бағишланган Республика тарихчи олимларинг илмий ишлар тўплами. Масъул муҳаррир ва тузувчи: Ш. Воҳидов. Бухоро, 2010.-168 б.

27. Тарих тафаккури. Тарихчи олимларнинг илмий-амалий мақолалар тўплами. Масъул муҳаррир ва ғоя муаллифи, тузувчи: Ш. Воҳидов. V жилд. Т.: 2014.-110 б.

28. Тарихий манбашунослик муаммолари/Маъсул муҳаррир, тузувчи ва нашрга тайёрловчи: З. А. Саидбобоев.-Т.: "NOZ-SHEDEVR", 2008.-406 б.

29. Ўзбекистон тарихи ва маданияти (Республика илмий-амалий анжумани материаллари).-Т., 2011.-334 б.

30. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари// маъсул муҳаррир: Ш. Воҳидов. Т.: 2011. - 388 б.

31. Худойназаров Ҳ. Абулғози Баҳодирхон тарихчи ва адиб.-Т.: Ўзбекистон, 1994. -56 б.- (Шарқ мутафаккирлари).

32. Худойназаров Ҳ. "Шажараи турк" ва унинг ўрганилиши. Т.: Ўқитувчи, 1993.-127 б.

33. Ҳасанов Ҳ. Бобур сайёҳ ва табиатшунос.-Т.: Ўзбекистон. 1983.-62 б.

34. Чехович О. Д. Бухарские документы XIV в. Ташкент: Наука, 1965.

35. Шониёзов К. Беруний асарларида этнографияга оид материаллар//Беруний ва ижтимоий фанлар - Т.,1973. 128 Б.

36. Manbashunoslik/A. Madraimov, G. Fuzailova.T.: Ozbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008.-264b.

37. Stanley Lane-Poole, The Mohammadan Dynasties, Chronological and Geheatogical Tables with Historical Introductions, Westminster, 1893; Лэн-Пуль С. Мусульманские династии. Хронологические и генеалогические таблицы с историческими сведениями /Пер.с англ. с примеч.и дополн. В. Бартольд.Спб.,1899, 344с; E. de Zambaur, Manuel de Genealogie et de Chronologie pour Histoire de l'Islâm, Hanover, 1927;

Босворт К. А. Мусульманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П. А. Грязневича, М., Главная редакция восточной литературы издательсва “Наука”, 1971. 324 с.; Файзиев Т. Темурий маликалар.Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1994.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Т.: Ёзувчи,1995.- 349 б.; Файзиев Т. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари. Т., 1996.; Yılmaz Öztuna/Devletler ve Hanedanlar, 1-cild, Ankara, 1996, 1224 seyfa (575-619); Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: “Шарқ”, 2001.- 367 б.; Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Х. Кароматов. Муаллифлар жамоаси: С.Саид-қосимов (раҳбар), А.Ахмедов, Б. Ахмедов ва бошқ.тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри.-Т.: “Шарқ”. 2001.-304 б; Босворт К.Э. Мусулмон сулолалари. Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома. Изоҳлар билан таржимаси. –Т.: "Фан", 2007. -269 б.; Амир Темур (рисола)/ А. Муҳаммаджонов. Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011.-40 б.; Соҳибқирон абадияти / Ҳ. Сатторий. -Т.: Tafakkur qanoti, 2011.-304 б.; Ш. Воҳидов, А. Қодиров. Шарқнинг машҳур сулолалари.-Т.:Академнашр, 2013.-680 б.

## ТЕМУРИЙ МАЛИКАЛАРНИНГ ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДАГИ МАВҚЕИ ВА ЎРНИ

Шарқда мамлакатларида жуда қадим замонлардан буён аёллар эъзозланиб келади. Кўҳна мозийдан хабар берувчи тарихларни варақлар эканмиз, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида аёллар эркаклар билан бир қаторда катта жасорат соҳибаси сифатида номлари тилга олиниб келганига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек давлатчилиги тарихида, аҳамоний босқинчиларига қарши курашган Тўмарис (Томир хотун) номи тилларда достон бўлган бўлса, орадан минг йилдан ошиқ вақт ўтиб, милодий VII асрда аждодларимиз яна бир бор ташқи душманга қарши курашга отланганларида, уларга Қабаж хотун номи ила машҳур малика бошчилик қилган. Чор Россияси мустамлакасига қарши курашган юрт қаҳрамонлари орасида Қурбонжон додхоҳнинг ҳам ўзига хос ўрни борлигини тарихий манбалар гувоҳлик бериб турибди.

Дарҳақиқат, Шарқда ҳукмрон бўлган сулолалар тарихида ҳам аёлларнинг мавқеи юқори бўлган. Жумладан, буюк бобомиз Амир Темур салтанатида аёлларга бўлган ишонч, ҳурмат ва эътиқод ўзининг эътиборга лойиқ ифодасини топган. У киши “Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим ”- деб ёзган эканлар. Натижада халқимизнинг ўчмас тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, меҳнат ва бунёдкорлик салоҳияти, буюк фарзандлар тарбиясида ўз меҳрлари билан абадий ном қолдирган

Темурий маликалар етишиб чиқдики, уларнинг номлари тарихда қолди. Жумладан, Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур”, Клавихонинг “Кундаликларида”, Фасиҳ Хавофийнинг “Мужмали Фасиҳий”, Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” ва бошқа манбаларда Темурий маликалар тўғрисидаги маълумотлар салмоқлидир. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Темурий маликалар ва умуман аёллар ҳақидаги маълумотларнинг ёзма манбаларда тўла ёритилмаслигига сабабни ҳам ўша давр ёзма манбаларидан топиш мумкин. Жумладан, бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг “Ажоиб ал-мақдур” манбасида шундай маълумот учрайди: “Темур унинг жавобидан хотинларнинг зикр қилган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки, хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар, ҳамда бу нарсадан сақланинглар деб (одамларга) уқтирадилар. Агар улардан бирорнтасининг хотини қиз туғса, унда уни “пардалик бола” ёки “зийнат соҳиби” ёки “мастура” ёки шунга ўхшаш (иборат)лар билан атайдилар”[140].

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг севикли завжаси Сарой Мулк хоним (1341-1408) учун “Дилкушо”, Туман Оғо бегим (1366 йилда туғилган) номи билан “Боғи Беҳишт”, Таваккал Оғо бегимга “Боғи Жаҳоноро” номли боғларни барпо этган. Мазкур анъана Темурийлар салтанатида ҳам давом этади. Чунончи Шоҳрух Мирзонинг (1377-1447) оқила хотини – Гавҳаршод бегим (1379-1457), Халил Султон Мирзонинг (1384-1411) онаси Хонзода бегим (вафоти 1411 й.), Султон Ҳусайн Бойқаронинг (1438-1506) хотини- Хадича бегим (1451-1511), Умар Шайх Мирзонинг (1456-1494) тўнғич қизи – Хонзода бегим (1478-1544), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) қизи- Гулбадан бегим (1523-1603), Шоҳ Жаҳонгирнинг (1569-1627) суюкли хотини- Нуржаҳон (Меҳринисо) бегим (1577-1645), Шоҳ Жаҳоннинг (1592-1666) севикли хотини- Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону) бегим (1594-1631), Шоҳ Жаҳоннинг қизи Жаҳоноро бегим (1614-1681), Аврангзеб Оламгирнинг (1618-1707) қизи Зебуннисо бегимлар (1639-1702) ана шундай юксак мавқега эга бўлган аёллар жумласидандир.

Юқорида қайд этиб ўтган маликалар ичида, Сарой Мулк хоним (Бибихоним) нинг ўзига хос ўрни бор. Сарой Мулк хоним номи тилга

[140] Ибн Арабшоҳ. Темур тарихида тақдир ажойиботлари / Араб тилидан тарж. ва изоҳларни, сўз боши У. Уватов тайёрлаган; Масъул муҳаррир А. Ўринбоев. К. I. – Т.: Меҳнат, 1991. Б.259.

олинганда кўзолдимизда, бир томондан, буюк Амир Темурнинг жуфти ҳалоли гавдаланса, иккинчи томондан, давлат ва жамият ишларида арбоблик даражасига юксалган, ҳар қандай эркак сиёсатчи ҳавас қилса арзигудай доно ва тадбиркор аёл намоён бўлади. 1404 йили Самарқандда бўлиб ўтган тадбирлардан бирида маликани кузатиш имконига эга бўлган испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихо уни шундай таърифлайди: " Малика ( яъни Сарой Мулк хоним) зарбоф, узун, этаклари кенгайиб бориб ерни ўпадиган, енгсиз қизил ипак кўйлакда эди. Унинг этагини ўн беш нафар аёл кўтариб келарди. Сарой Мулк хонимнинг қоп-қора сочлари елкасига тушиб турарди. Унинг бошидаги қалпоғини кўплаб аслзода аёллар қўллари билан тутиб турардилар. Ҳаммаси бўлиб Сарой Мулк хонимни тахминан уч юз нафар аёл кузатиб келарди". Мана шундай салобат билан Сарой Мулк хоним Амир Темур ҳузурига кириб келади ва ҳукмдор ёнидан бир оз пастроқдаги тахтдан жой олади. Шундан сўнг, деб ёзади Клавихо, Тукалхоним ва бошқа маликалар ҳозир бўлдилар ва ўз мавқеларига яраша қуйироқдаги жойларини эгалладилар. Демак, Сарой Мулк хоним Амир Темур ҳарамининг бош бекаси (Бибихоним), саройдаги катта нуфузга эга шахс бўлган.

Бибихоним ҳақида сўз кетганда, оммабоп адабиётларда кўпроқ унинг меъморчилик, ободончилик соҳаларидаги фаолиятига урғу бериш одат тусига кирган. Ҳақиқатдан ҳам мазкур жараёнда Сарой Мулк хонимнинг ҳам ҳиссаси бўлган. Чунончи, Самарқандда унинг саъй-ҳаракатлари билан олий даража-даги бино-мадраса қурилган. Унда кўплаб илм толиблари таҳсил олиб, маърифатли бўлганлар. Гарчи манбаларда Сарой Мулк хонимнинг меъмор-чилик ва ободончилик соҳасидаги фаолиятига оид бошқа маълумотлар келтирилмасада, бироқ унинг бу борада амалга оширган катта-кичик савобли ишлари кўплаб бўлганига шубҳа қилмаса бўлади. Шу билан бир қаторда тарихий асарлар таҳлили маликанинг, энг аввало, давлат, мамлакат, сулола ишларида, ташқи сиёсатда катта ўрин тутганини исботлайди.

Сарой Мулк хоним фаолиятининг яна бир томони Амир Темур фарзанд-лари ва набираларининг тарбияси билан боғлиқ бўлган. Манбалардан маълум-ки, Соҳибқирон ўз авлодлари тарбиясини туққан оналарига эмас, балки ўз ҳарами соҳибаларига юклаган. Бунинг сабабини шаҳзодаларнинг оналари бағрида эркатой бўлиб катта бўлишлари, ҳар бири ўз онаси уруғига меҳр қўйишининг олдини олиш, умуман, Амир Темурнинг сулола ёш авлоди тарбиясига жиддий қарагани орқали тушунтириш мумкин. Соҳибқирон ҳарами

бекаларининг у ёки бу шаҳзода тарбиясига маъсул этилганини кўрсатувчи илк гувоҳликлар 789/1387 йилга тегишлидир. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқирон ўз ўғли Шоҳрух Мирзо ва набиралари Муҳаммад Султон, Халил Султон, Мирзо Улуғбек ва бошқаларни Сарой Мулк хонимнинг тарбиясига юклаган. Сарой Мулк хонимнинг давлат бошқаруви, даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ фаолиятига тўхталганда, бир неча жиҳатлар кўзга ташланади. Давлат ва мамлакат иродасига оид қурултой, кенгаш ишларида тўғридан-тўғри қатнашиш ҳуқуқи бўлмаган ҳолда малика у ёки бу масала юзасидан Амир Темурга ёзма тарзда мурожаат этиш имконига эга бирдан-бир шахслардан эди. Одатда, хат билан давлат бошлиғига мурожаат этиш фақат чет эллик ҳукмдорларга мумкинлиги ва табиийлигини инобатга олсак, маликанинг саройдаги мавқеи нақадар юксак бўлганлигини идрок этиш қийинмас.

Темурийлар даври ўзбек давлатчилиги тарихида, умуман, XV аср Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёрқин из қолдирган тарихий шахслардан яна бири, шубҳасиз, Гавҳаршодбегимдир. Сарой Мулк хоним даражасида бўлмасада, аммо ўз замонаси нуқтаи назаридан ҳукм қилганда у том маънода йирик давлат арбоби сифатида баҳоланиш ва қадрланишга лойиқдир. Шоҳрух бош маликасининг илму маърифатга ҳомийлик қилиш, бунёдкорлик билан боғлиқ ишлари кўплаб тарихий манбаларда таъкидлаб ўтилган. Унинг саъй – ҳаракати билан Ҳиротда масжид, ҳонақоҳ, мадраса, Машҳадда масжид, мадраса ва қатор иншоотлар барпо этилган. Ўзининг бунёдкорлик фаолиятида у нафақат йирик амирлару бадавлат савдогарлар, балки Шоҳрухни ҳам доғда қолдирган кезлари бўлган.

Ҳиротдаги Гавшодбегим мадрасаси ўз даври учун ҳам, кейинги замонлар учун ҳам йирик илм-маърифат маркази бўлиб ҳисобланган. Ушбу масканда саййид Аслиддин Абдулла Ҳусайний, мавлоно Камолиддин Масъуд, мавлоно Халилулла Самарқандий, Хожа Абдураҳмон, Низомиддин Абдулҳай, амир Бурҳониддин каби етук олиму мутафаккирлар таҳсил олганлари, сабоқ берганликлари маълум.

Гавҳаршодбегимнинг давлат бошқарувидаги фаол иштироки, XV асрнинг 40- йилларига тўғри келади. Бир-икки мисолни инобатга олмаганда, то шу вақтгача унинг сарой ишларида доимий тарзда жиддий рол ўйнаб келгани борасида тўлиқ маълумотлар манбаларда ўз аксини топмаган. Аммо, адолат юзасидан айтганда, Гавҳаршодбегимнинг ўтган йиллар мобайнида сарой ҳаётида тутган ўзига хос мавқеини намоён этувчи мисоллар, ўша замон

тарихчилари асаридан ўрин олмай қолганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Асосан Шоҳрух фаолиятини ёритишга бағишланган асарларда бош маликага ортиқча урғу берилмаганлиги табиийдир.

262. **Черби**– Тулуй-*черби*, из племени кунгкитан, почтенный амир, амир хазара; Тулун-*черби*, из племени кунгкитан, уважаемый амир, амир хазара – 31; Тулун-*черби*, из племени кунгитан, амир тысячника правого крыла, перешедший после смерти Чингиз-хана к Тулуйу; Сукату-*черби*, из племени кунгитан, амир тысячника правого крыла, перешедший после смерти Чингиз-хана к Тулуйу -62; Уджике –*черби*, из племени сунит, из числа амиров тысячников левого крыла, перешедший после смерти Чингиз-хана к Тулуйу-64..

263. **Чингиз –хан** –«великий царь, великий правитель» -29.
264. **Чинг-санг**- Фулад-*чинг-санг*, из племени джурбан, почтенный, мудрый амир, совершил карьеру с должности баварджи до степени *чинг-санга* -70; Фулад-*чинг-санг*, мудрый, умелый и весьма почтенный амир-98
265. **Чине -** Бурте-*Чине* – 22; Саркудуку – *чине*; Канду – *чине*; Улакчин – ч*ине* – 26.
266. **Чин-санг**- Кутуку-*чин-санг*, почтенный амир в эпоху Кубилай ка ана, третье лицо в качестве *чин-санга*, замешан в деле о драгоценных камнях, однако в результате вмешательства Тамба-бахши освободился и был восстановлен на своем месте; Аргасун-тархан, *чин-санг*, почтенный амир, пользовавшийся огромным влиянием – 72; Чиксал-Бука-*чин-санг*-73; Абули-*чин-санг*, амир дивана-73
267. **Чин-сянг**- Улджай-тархан, *чин-сянг*, почтенный амир при Кубилай-ка ане и в последующий период; Алтун *чин-сянг*, почтенный амир в эпоху Кубилайа и в послудующий период - 72; Амир Пулад-*чин-сянг*, амир, командовавший хазарой каптавулов – 94.
268. **Чихра-**191
269. **Чухраки-196**
270. **Шайх-***Шайх* Абу-л-Фадл-175
271. **Шах** – 60.
272. **Шаханшах –** 20; *Шаханшах* Улуг-бик и Султан – Ибрахим – 21.
273. **Шаханшах ислама –** *Шаханшах ислама* Шахрух – бахадур- 20.
274. **Шигавул-**Хурдакай, великий амир, кушчи, ведал делами диванов, в Дарс-Балике был *шигавулом* -69; Харбаку, старший амир, кушчи, вместе с братьями Налику и Сар-Каданом в качестве *шигавула* управлял делами диванов – 70.
275. **Шукурчи**- Турмиш, амир свиты и *шукурчиев*; Исмаил, великий амир, *шукурчи*; Мухаммад-шах, из числа приближенных амиров и *шукурчиев*; Таркана, из числа приближенных амиров и *шукурчиев*; Шамс-нуйан, амир свиты и *шукурчиев*-69; Аджу [й]-*шукурчи*, из числа амиров, покоривших Халаб;-78; Аджу [й]-*шукурчи*, из числа амиров войск-80; Байду-*шукурчи*, правитель Багдада после Тунсукайа – 90; Тугрилча-бахадур, амир хазара, *шукурчи*-96

# III. ЁЗМА МАНБАНИНГ ТУРКУМЛАНГАН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ (ЁМТМБ)

## МУИНИДДИН НАТАНЗИЙНИНГ “МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХИ МУИНИЙ” МАНБАСИДА УЧРАЙДИГАН АМАЛ, ВАЗИФА, ДАРАЖА, ИЖТИМОИЙ ТАБАҚА, КАСБ, ЛАВОЗИМ, МАҚОМ, МАНСАБ, МАРТАБА, РУТБА, УНВОН ВА ФАХРИЙ ЛАҚАБЛАР [145]

### *(Иқтибосли луғат)*

1. ***Аберқуҳ ҳокими*** -144[146]
2. ***Абулфатҳ- Абулфатҳ*** Шоҳруҳ баҳодир-185
3. ***Ажам хисравлари***-101
4. ***Азноурлар*** - Кину ғазаб пайтида осмонни оёғи остидаги ер деб билувчи *азноурлардан* бири нечаси қиличларини (қинидан) суғуриб олдинга югиришди-178 (Манбанинг 178-бетидаги 2-изоҳ: *Азноурлар*-грузин зодагонлари-178)
5. ***Акобирлар*** - Шаҳар *акобирлари* (Самарқанд)-68
6. ***Аминлар*** - Оқибатда давлат амирлари ва мамлакат *аминлари* ҳам ўз жонлари саломатлигини ўйлаб, ҳам унинг (ҳокимият тепасида) туриши узоққа чўзилгани жиҳатидан, ҳар бири бир тадбирга қўл уриб, ҳар қайсиси бир таъбирга машғул бўлдилар - 47
7. ***Амир соҳибқирон*** – 53
8. ***Амир ул-умаро*** - *Амир ул-умаролик* лавозимидаги Болтичоқни асирлик кишанида Тўхтамиш даргоҳига келтиришди-212; Бу замонда Чокира ўғлон подшоҳ бўлиб, *амир-ул-умаролик* лавозими Идику ихтиёридадир-216
9. ***Амир*** - Шундан сўнг зўравонлик қўлини чўзиб, улуғлар, *амирлар* ва аркони давлатни йўқотмоққа машғул бўлди – 47; Самарқандликлар Мавлонзоданинг фармони чизиғига майлу рағбат билан итоат гарданларини қўйиб, уни ўзларига имом ва *амир* деб билишди-71; Қамарғадан сўнг ҳазрат (саркардалардан) лашкар сонини талаб қилди ва сонни тўғри маълум қилган *амирлар* ва сардорларнинг ҳар бирига мартабасига яраша навозишлар қилди[147]; Жами *амирлар* ва вазирлар тиз чўкиб, ҳазрат султон Искандарнинг зийраклиги ва сиёсатдонлиги хусусида аъло тахт пойида бир шингил нақл қилдилар-202

---

[145] Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғ. Каримий. Маъсул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 264 б.

[146] Бу кўрсаткичлар мазкур китобнинг бетларини билдиради-Муаллифлар.

10. ***Амирзода*** - Ундан сўнг ўғли (*амирзода* Абдуллоҳ) худди шу тарзда бир йил чамаси ҳукмдорлик қилди-45; Чунончи, (уларнинг) ҳар бирининг (ҳикояси) охирида айтиб ўтилганидек, ўз даври ўрталарида амир Қазағон қайсидир бир тарафга юриш қилиб, тўнғич ва валиаҳд ўғли *амирзода* Абдуллани ўзининг қайим мақоми сифатида ўрдуда қолдирганди – 49; Муборак юришдан олдин султон соҳибқирон *амирзода* Пирмуҳаммадни Шерозга жўнатган эди-161

11. ***Андигон дорулмулки ҳокимлиги*** - 191

12. ***Араб қабила бошлиқлари***-101

13. ***Арз ва шикоятлар девони***- Амир Ҳусайн сиёсати қаттиқлиги туфайли *арз ва шикоятлар девонида* қўлида темир чўқмор ушлаб ўтирарди -94; *Арз ва шикоятлар девонида* ниқоб кийган ҳолатда ўтирар, жанг майдонида ёйандозлар сафида турарди-226

14. ***Арз ва шикоятлар маҳкамаси***- Чоштгоҳ пайтидан то пешингача *арз ва шикоятлар маҳкамасида* ўтирарди - 48 (Манбанинг 48-бетидаги 2-изоҳ: *Арз ва шикоятлар маҳкамаси*-матнда: “*маҳкама-йи мазолим*”-48)

**15. *Арзинжон волийси* - 142**

16. ***Аслзода***- Дарҳол у ернинг *аслзода* ва аъёнларини жам қилишни буюриб, кўчманчилар ва сипоҳийларни қўлга олди -63

17. ***Астробод вилояти ҳокими***-230

18. ***Ахтачи***- (Овга) ғоят ишқибозлиги туфайли бир куни “Қазо етса, кўз кўр бўлур” (матали) ҳукмига биноан, қадар ҳокими уни басиратдан жудо этди ва у ўн нафар овчи, чуҳра ва *ахтачи* билан ҳамишаги одатга кўра лочин учиришди -50 (Манбанинг 50-бетидаги 3-изоҳ: *Ахтачи* – саис, отбоқар маъноларида-50)

19. ***Ашраф***- 183 (Манбанинг 183-бетидаги 2-изоҳ: *Ашраф*-зодагонлар-183)

20. ***Аъёнлар***- Дарҳол у ернинг аслзода ва *аъёнларини* жам қилишни буюриб, кўчманчилар ва сипоҳийларни қўлга олди -63

21. ***Аълоҳазрат*** - 112

22. ***Аюдочилар***- Баҳайбат ясовуллар ёсол гурзиси билан туман амирлари кўнглида ҳадик уйғотар, шер жуссали *аюдочилар* сарҳадлар султонлари йўлига рад таёғини қўярди-182-183 (Манбанинг 183-бетидаги 1-изоҳ: *Аюдочи*-эшикбон. Удайчи сўзи ҳам шундан келиб чиққан-183)

23. ***Бадахшон подшоҳи***-87

24. ***Байроқдор***- Шоҳ Мансур яна бир бор ногаҳоний балодек замину замонни ағдар-тўнтар қилиб, қалбгоҳга ташланди ва кибру ғурур билан ҳазратнинг хос соябони ва байроғи тагида пайдо бўлиб қолди. Чунончи, бу ҳамланинг ваҳшатидан *байроқдор* оёғини қўлига олиб қочди-153

25. ***Барлос амирлари***- *Барлос амирларининг* асл юрти бўлмиш Шаҳрисабзни амир Ҳожибек барлос ўз қўлига киритди-51

26. ***Бахши***-Амир Жоку ва Давлатшоҳ *Бахши* холи жойда бўлиб ўтган воқеалар ва ишларнинг оқибати ҳақида узоқ сўзлаб, тарғибу ташвиқ қилишди ва, ниҳоят, Амир соҳибқирон рози бўлди -106

27. ***Баҳодир***-56; *Баҳодирлар* жиҳод белини шижоат камари билан боғлаб, ул жарлик тубига тушдилар-162

28. ***Боргоҳ мулозимлари***- Бу саодатли куннинг тонг саҳаридан бошлаб, даргоҳнинг хос кишилари ва *боргоҳ мулозимлари* табрик совғалари ва муборак бод туҳфаларини келтира бошладилар-184

29. ***Босқоқлар***- Бироқ иккинчи марта Ироқ, Форс ва Озарбайжон Музаффар ва Увайс авлодлари қўлидан халос этилиб, Ниҳованд, Асадобод ва Хуррамобод чиғатой *босқоқлари* тасарруфига ўтгач, девон солиғи (моли) малик Иззиддин зиммасига юклатилди, токи у ҳар йили ўз тобеларидан йиғиб, ҳазрат ноибларига топширсин-209

30. ***Буия шажарасига мансуб подшоҳлар***-101

31. ***Буқиқлар***- *Буқиқлар* тўла ишонч билан жиловни қўйиб юбордилар-197[147]

32. ***Бухоро зодагонлари***- *Бухоро зодагонларидан* бўлган бир одам илм таҳсили учун Самарқандга келган бўлиб, авом халқ ўртасида бир қадар эътиборга эга эди-68

33. ***Вазир***- Девон ишлари тартиби ва султонлик қилиш тарзлари ҳақида шундай бир қоидани жорий этдики, у то олам инқирозигача ақли комил *вазирлар* учун дастур ва тажрибали ҳокимлар учун ёрлиқ бўла олади -102; Вақф молидан унинг хазинаси учун ҳеч нарса олмаслик ҳақида *вазирларга* фармон берган эди-105; Жами амирлар ва *вазирлар* тиз чўкиб, ҳазрат султон Искандарнинг зийраклиги ва сиёсатдонлиги хусусида аъло тахт пойида бир

---

[147] Буқиқ-луғатларда ушбу шакли учрамаса-да, “буқи” сўзи “пистирмада турганлар” маъносини англатади. Қаранг: Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. –Тошкент: “Университет”, 2008, Б.28

шингил нақл қилдилар-202; *Вазирлик* мансабини (Кичик Лурда) Хожа Маҳмуд ибн Муҳаммад Чоғарийга топширди-209

34. ***Валиаҳд***-Чунончи, (уларнинг) ҳар бирининг (ҳикояси) охирида айтиб ўтилганидек, ўз даври ўрталарида амир Қазағон қайсидир бир тарафга юриш қилиб, тўнғич ва *валиаҳд* ўғли амирзода Абдуллани ўзининг қайиммақоми сифатида ўрдуда қолдирганди - 49

35. ***Вилоят ҳокимлари***- Алқисса, баён қилганимиз тарзида барча сарҳадларнинг амирлари ва жами *вилоятларнинг ҳокимлари* ўзларини Амир соҳибқироннинг итоати доирасига киритдилар – 107; Қандаҳор чегараларидан то Хўтан этакларигача бўлган жами сарҳадлар амирлари ва *вилоятлар ҳокимлари* олампаноҳ даргоҳига бош уриб келишди -113

36. ***Вилоятлар сардорлари***-Лашкар амирлари ва *вилоят сардорлари* ушбу фатҳни муборакбод этиш учун қимматбаҳо туҳфалар ва рангин совғаларни ҳумоюн даргоҳга пешкаш қилишди -151

37. ***Воқеанавислар***- Фитначи бадкор одамлар унинг олдида сўзлашга оғиз очолмасликлари учун, ишончли *воқеанависларни* мулозим ва кешиктонлар номи билан унинг ўрдусига (хизматга) тайинлади -47

38. ***Волий***-Ҳалаб *волийси*-166

39. ***Габрлар сардори***- Ул *габрларнинг сардори* бўлган Валос ўғли қирғин-барот пайтида ҳалок бўлишди-175 (Манбанинг 175-бетидаги 1-изоҳ: *Габр*-ғайридин, оташпараст. Бу ўринда Йилдирим Боязид лашкаридаги христианлар назарда тутилаётган бўлса керак-175)

40. ***Гуржистон подшоҳи***-166

41. ***Гуржистон сардорлари***-178

42. ***Давлат амирлари***- Оқибатда *давлат амирлари* ва мамлакат аминлари ҳам ўз жонлари саломатлигини ўйлаб, ҳам унинг (ҳокимият тепасида) туриши узоққа чўзилгани жиҳатидан, ҳар бири бир тадбирга қўл уриб, ҳар қайсиси бир таъбирга машғул бўлдилар – 47; Ҳумоюн мавкабнинг келаётгани хабари доруссалтана Самарқандга етгач, *давлат амирлари* ва мамлакат ҳокимлари нафис туҳфаю ҳадялар билан истиқболга чиқишди-203

43. ***Давлат ўрдуси тоқдорлари***- Саропардаларга буғтоқ ёпувчилар ва *давлат ўрдуси тоқдорлари* тоқу буғтоқларни қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан безатдилар-182

44. ***Дамашқ қалъаси кутволи***-168

45. ***Дарвозабонлар-*** Дарҳол бир неча одамни сув кирадиган жойдан ичкарига ўтказди ва уларга *дарвозабонларни* қиличдан ўтказиб, дарвозаларни очишни буюрди. Султони ғозий қалъани ишғол қилди ва ўз лашкарини бу ерга келтирди - 96

46. ***Даргоҳ баҳодирлари-*** Ҳазрат Балх шаҳрини озод қилгач, амир Ҳусайннинг хазина ва дафиналарини лашкар сардорлари ва олампаноҳ *даргоҳ баҳодирларига* тақсимлаб берди-186

47. ***Даргоҳ мулозимлари-***Амир Зиндаҳашам ҳам Шибирғон лашкари билан етиб келди ва бошқа амирлар каби *даргоҳ мулозимлари* қаторидан ўрин олди-108

48. ***Даргоҳ ноғорачилари*** – Барчалари курон қамарғасига киришганидан сўнг, фармонга биноан *даргоҳ ноғорачилари* таёқ билан ноғораларни гумбурлатдилар -133

49. ***Даргоҳ фаррошлари-*** *Даргоҳ фаррошлари* подшоҳ боргоҳини ташқарига чиқазиб, ул файзбахш дашт саҳнида кўркам ўрдалар барпо этдиларки, (оятдаги) “эни осмонлар ва ер баробарида бўлган жаннат”га қиёс этгудек эди[181]; ***Даргоҳ фаррошлари*** девон томонидан берилган палосларни ёзиб, сарой нақиблари совринларни ўнгу сўлга тахладилар-182

50. ***Даргоҳнинг хос кишилари-*** Бу саодатли куннинг тонг саҳаридан бошлаб, *даргоҳнинг хос кишилари* ва боргоҳ мулозимлари табрик совғалари ва муборакбод туҳфаларини келтира бошладилар-184

51. ***Дашти Қипчоқ сардорлари-***160

52. ***Денгизчилар*** – Султон соҳибқирон Пирак подшоҳ ибн Луқмон подшоҳни бошқа *денгизчилар* билан бирга кемаларда денгиз орқали жўнатиб, денгиз йўлини мозандаронликларга буюрди -152

53. ***Диёрбакр ўлкаси сардорлари-***Бағдод фатҳидан сўнг султон соҳибқирон *Диёр ўлкаси сардорлари*, ов қўюнлу ва қорақўюнлу туркманлар ва бошқа туркманларнинг бошлиқларини чақириб келтириш учун элчилар жўнатди-155

54. ***Доруға-*** Чанг-тўзон қуюқ бўлиб, узоқдан қўшин кўп сонли кўриниши учун буларга ҳар отнинг икки томонига иккитадан дарахт шоҳини бойлаб олишни тайинлади ва тўхтамасдан Шаҳрисабзга кириб бориб, мўғуллар у ерга қўйган *доруғани* банди қилиб келтиришни буюрди – 63; Амир соҳибқирон шаҳар аҳолисининг барча аслзода хонадонларини ва машҳур кишилар

жамоасини кўчиртириб, Шайхали баҳодирни *доруғаликка* тайинлаб, қайтиб кетди -123

55. ***Ёйандозлар***- Арз ва шикоятлар девонида ниқоб кийган ҳолатда ўтирар, жанг майдонида *ёйандозлар* сафида турарди-226

56. ***Ёсоқийлар***- Бирдан тоғнинг (Гуржистонда) теварак-атрофидан гуруҳ-гуруҳ *ёсоқийлар* қўл ва тишлари билан тармашиб, ёпирилиб кела бошладилар-178

57. ***Ёсоқчилар***- Шундан сўнг улуғ ёсоқ амалга оширилиб, *ёсоқчилар* ўтмас қиличларни Сейстон сипоҳийлари қони билан ўткирлашди -134

58. ***Жавшандор***- Шимр *жавшандор* -169 (Манбанинг 169-бетидаги 3-изоҳ: Шимр *жавшандор* (совут кийган Шимр)- Имом Ҳусайннинг қотили-169)

59. ***Жарроҳлар***-Султони ғозий унинг (амирзода Умаршайхнинг) ярасини кўриб қаттиқ қўрқди ва *жарроҳларга* пайконни олиб ташлашни буюрди- 100

60. ***Жарчари***- Иттифоқан, ушбу айёмда амир Қорақурун *Жарчари* ва амир Ҳожи барлос лашкар тўплаб, амир Ҳусайн қасдида юришга чиқишган ва мўғул амирлари ҳам (унга қарши) отланишган эди – 54

61. ***Жаҳонпаноҳ***- Юриш суръати шу даражада эдики, қўш отли суворийлар *жаҳонпаноҳнинг (ҳазрат)* тулпори туёғи остидан кўтарилган чанг-тўзонни қувиб етолмасдилар-155

62. ***Жовниқурбоний улусининг ҳокими***-219

63. ***Жондор***- У бу ердан Ҳасан *Жондор*, Усмон Аббос ва Шайх Тўйбуғо қавчинни беш юз киши билан Кархруд қабилалари устига юборди -138

64. ***Жўчинлар***-Султон ғозий бисёр оҳу нолалардан сўнг вақт шароити тақозосига кўра, ақл кучига таяниб, ичини ёндираётган оташни ташқи хотиржамлик билан яширди ва ҳар кунги одатга кўра девон чақириб, *жўчинларга* эъзозу эҳтиром кўргузди-201 ( Манбанинг 201-бетидаги 1-изоҳ: *Жўчинлар*-ўқилиши тахминий, мазмуни: "мусофирлар, меҳмонлар"-201)

65. ***Зантозилар(?)***- Аҳмад ибн Шайх Увайс Бағдодга бориб, бир неча *зантозиларни* (?) гиж-гижлаб, Хожа Кажижийни ўлдирди ва яна Табризга қайтиб келди-232

66. ***Зархарид***- Бунинг устига Султони ғозийнинг *зархарид* қишлоқларини ҳам унга бермади -82 (Манбанинг 82-бетидаги 1-изоҳ: *Зархарид*-пулга сотиб олинган қул ё бошқа мулклар-82)

67. ***Зодагонлар*** - Амир Ҳусайннинг талабига биноан, у тарафнинг жами сайид, қози, имом ва *зодагонлари* биргаликда Султони ғозий олдига боришди ва шафоат ва узр тили билан амир Ҳусайн пайғомини етказишди -85; Сайидлар, шайхлар, *зодагонлар* ва оддий аҳоли биргаликда истиқболга чиқиб, тазарру юзини даргоҳ остонасига суртдилар -137

68. ***Йировлар (чолғучи)***- Аёлғу чалувчи *йировлар (чолғучи)* инжа мўғулий куйлар билан мўътадил мижоз дилларни эътидолдан чиқарар эди-183

69. ***Илғор қисмлар амирлари***- *Илғор қисмлар амирлари* Сирён Тарозу ва Қибла мавзеъларида илғордан қайтиб, ўрдуга келиб қўшилишди-140

70. ***Илм толиблари*** - Унинг доҳиёна ва ҳикматли тадбирларидан яна бири шу эдики, фуқаро ва *илм толибларининг* вақфлар ва мадрасаларга бўлган ҳуқуқларини (ҳар кимнинг) ҳақига лойиқ ва вақф қилувчининг шартларига мувофиқ тайин қилар, қатъиян ва асло вақф молига дахл этмасди-105

71. ***Имом*** - Шундан сўнг у минбардан тушиб, мажлис аҳлига *имомлик* қилди ва шижоат билан барча (қилиниши лозим бўлган) ишларни рўйхатга олиб, тартибга солишга киришди-69; Самарқандликлар Мавлонзоданинг фармони чизиғига майлу рағбат билан итоат гарданларини қўйиб, уни ўзларига *имом* ва амир деб билишди-71; Амир Ҳусайннинг талабига биноан, у тарафнинг жами сайид, қози, *имом* ва зодагонлари биргаликда Султони ғозий олдига боришди ва шафоат ва узр тили билан амир Ҳусайн пайғомини етказишди -85; *Имомлар*, ислом уламолари, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111

72. ***Инжуйи***- Ашраф Чўпоний Озарбайжонга эга бўлиб, Шайх Абу Исҳоқ *Инжуйи* Форс, Ироқ ва Кирмонда ҳоким эди -48 - 49

73. ***Ироқ сардорлари***-179

74. ***Ироқ ҳокимлари***-144

75. ***Ислом уламолари***- Имомлар, *ислом уламолари*, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111

76. ***Исфаҳон ҳокими***-234

77. ***Иффат саропардасининг ого-хотунлари***- Барча иззат ўрдусининг ҳижобдаги хонимлари, *иффат саропардасининг ого-хотунлари* ва олийнасаб хонадон шаҳзодалари у (султон Искандар) нинг муборак пойқадамини ғанимат ва табаррук билиб, қодир эгамга шукроналар айтдилар-203

78. ***Ишбоши***- Қарийб юз нафар ишчи, *ишбоши* ва сардорлар буржнинг тагида (Дамашқ қалъасида) қолиб ҳалок бўлишди-168

79. ***Ишончли кишилар***-*Ишончли кишиларни* пойтахт Бурсадаги хазина ва дафиналарни қўлга киритиб, ҳисоблаб чиқишга юборди-175

80. ***Ишчи***- Қарийб юз нафар *ишчи*, ишбоши ва сардорлар буржнинг тагида (Дамашқ қалъасида) қолиб ҳалок бўлишди-168

81. ***Кадхудо***- Шу аснода Мохон *кадхудоларидан* бўлган Муборакшоҳ Санжарий давлат майдонига ҳиммат қадамини мардона қўйди ва бисотида неки бўлса, амирлар қадамига нисор этди ва яна ўзини айбдор ҳис қилди – 58; Ўғли Саййидий Аҳмад (малик Иззиддиннинг ўғли) асирлик машаққати ва зиндон уқубатларини чекканидан, бир гуруҳ *кадхудо* ва кадхудозодалар билан иттифоқ бўлиб, ўн уч йил давомида тоғлар ва дараларда мустаҳкамланиб, ҳар кунни бир манзилда ва ҳар кечани бир овлоқ жойда ўтказарди-209

82. ***Кадхудозодалар***- Ўғли Саййидий Аҳмад (малик Иззиддиннинг ўғли) асирлик машаққати ва зиндон уқубатларини чекканидан, бир гуруҳ кадхудо ва *кадхудозодалар* билан иттифоқ бўлиб, ўн уч йил давомида тоғлар ва дараларда мустаҳкамланиб, ҳар кунни бир манзилда ва ҳар кечани бир овлоқ жойда ўтказарди-209

83. ***Калонтарлар***- Элчи буғо уларнинг *калонтарини* ҳазрат ҳузурига келтирди ва шафоат тили билан уларнинг гуноҳларидан ўтишни сўради -89; Бунга биноан, Амир Соҳибқирон вилоятдаги жами бой ва *калонтарларни* кўчириб, гўёким рўйхатга олиш учун Балхга жўнатмоғи лозим эди -91

84. ***Камончилар***-Чиғатой *камончилари* бутун соҳил бўйлаб (Дажла дарёси) ва иккала кўприк устида туриб, сувдагиларни нишонга олиб отдилар ва бирон тирик жон қочиб қутулолмади-171

85. ***Канизак***- Ўша санадан бошлаб Мовароуннаҳр ва бошқа ўлкаларда мўғул қул ва *канизаклари* пайдо бўлди-194

86. ***Карс қалъаси кутволи*** -140

87. ***Катта амирлар***- Қозон султон қонхўрликни ҳаддан ошириб, *катта амирлар* қатлига қўл ура бошлагач, Қазағон нўён – у қораунос қавмидан бўлиб,

Мунк ва Солисарой шаҳарлари ҳокими эди – унга қарши исён кўтарди ва икки марта у билан жанг қилди - 44

88. ***Катта Лур отабеклари***-207

89. ***Катта хоним*** – *Катта хоним* (Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оғо) табиатидаги мағрурлиги туфайли Султон ғозийни (амир Муайядни) ҳимоя қилмоққа даъват этди -99; Амир соҳибқироннинг руҳиясига таъсири ғоят юқори бўлган *Катта хоним*, яъни Қутлуғ Туркон Оғо насиҳат тили билан сўзлаб, бу хабарларни унга маълум қилди -128

90. ***Кешик (соқчи)***- Шундан сўнг ўзининг *кешик (соқчи)* қўйилган муборак хобгоҳига бориб ором оларди - 48

91. ***Кешиктонлар***- Фитначи бадкор одамлар унинг олдида сўзлашга оғиз очолмасликлари учун, ишончли воқеанависларни мулозим ва *кешиктонлар* номи билан унинг ўрдусига (хизматга) тайинлади -47 (Манбанинг 47-бетидаги 4-изоҳ: *кешиктон*-навбатчи, соқчи-47)

92. ***Кирмон ҳокими***-Ҳозирги кунгача миқдори собит бўлиб турган Ҳурмуз ҳирожи (моли) ўша вақтда узоқ музокараю мунозаралардан сўнг ҳар йили Форс подшоҳи ва *Кирмон ҳокимига* юбориб туриш учун белгиланган эди-205

93. ***Кичик Лур маликлари***-209

94. ***Кот ва Хива вилояти ҳокими***-218

95. ***Кутвол***- Бу ернинг амир Вали тарафидан мудофаа учун қўйилган *кутволлари* жангга ҳозирландилар -127

96. ***Кўкалтош***-Аббос, Сулаймоншоҳ ибн Довуд ва Баронхожа *Кўкалтош* Самарқанд лашкарлари билан Туркистон музофотларидан бўлган Тўйтепа ҳудудида амирзода Умаршайхга бориб қўшилишди ва биргаликда Тўқмоқ лашкарини дафъ этиш учун отланишди-142

97. ***Кўталчилар***- Ҳали лашкарнинг учдан бир қисми ҳам юртга етиб келмаган эдики, юртчилар ва *кўталчилардан* бир гуруҳи ваҳшат солиб (қалъага) ташландилар ва кўз юмиб олгунча Исфаройин фатҳ қилинди -127 (Манбанинг 127-бетидаги 1-изоҳ: *Кўтал* сўзининг маъноси довон бўлиб, *кўталчилар* сўзи довондан ўтиш учун йўл ҳозирлайдиган кишиларни англатса керак-127)

98. ***Лашкар амирлари***–Амир соҳибқирон зарурат юзасидан буйруқ берди ва *лашкар амирлари* белгиланган булжорда ҳозир бўлишди -128; *Лашкар амирлари* ва вилоят сардорлари ушбу фатҳни муборакбод этиш учун

қимматбаҳо туҳфалар ва рангин совғаларни ҳумоюн даргоҳга пешкаш қилишди -151

99. ***Лашкар қоровули бошлиғи***-Ўша куни *лашкар қоровули бошлиғи* Усмон ибн Аббос эди-153

100. ***Лашкар сардорлари***-Ҳазрат Балх шаҳрини озод қилгач, амир Ҳусайннинг хазина ва дафиналарини *лашкар сардорлари* ва олампаноҳ даргоҳ баҳодирларига тақсимлаб берди-186

101. ***Лашкарбошилар***-Султон соҳибқирон жами хос саркорларни фарзандлари ихтиёрига топшириб, барча *лашкарбошиларни* бу вазифани охирига етказиш ишига шунчалик машғул қилдики, улар кундузи тиним билмас ва кечаси ором топмас эдилар-177

102. ***Луристон маликлари***-207 (Манбанинг 207-бетидаги 1-изоҳ: Луристон –Ғарбий Эрондаги вилоят-207)

103. ***Мавлонзода***-*Мавлонзода* ёппасига ўқ ва тош ёғдиришни буюрди-70; *Мавлонзода* бу ғалаба башорати хабарини ҳазрат Султони ғозийга етказди-224

104. ***Мавлоно***-Душманга жипс етиб боришганида *Мавлоно* Бадриддин ва ўғли орқага қайтиб қочиб кетишди -81

105. ***Маволий***-183 (Манбанинг 183-бетидаги 2-изоҳ: *Маволий*-авом-183)

106. ***Мажусийлар***- 98; *Мажусийларни* эса битта қолдирмай қаҳр қиличи билан қатл қилишди-161

107. ***Маликалар***- Бу ерда *ҳарам маликалари* ва улуғ хонадон шаҳзодалари ҳозир бўлишиб, табиблар муолажада Мусо алайҳиссалом мўъжизаларини намоён эта бошладилар- 152

108. ***Маликлар***-Замондош *маликлар* унга муте бўлиб, олам мамлакатлари итоатга келиб, унинг фармонига бўйсунишарди -48

109. ***Мамлакат аминлари***- Оқибатда давлат амирлари ва *мамлакат аминлари* ҳам ўз жонлари саломатлигини ўйлаб, ҳам унинг (ҳокимият тепасида) туриши узоққа чўзилгани жиҳатидан, ҳар бири бир тадбирга қўл уриб, ҳар қайсиси бир таъбирга машғул бўлдилар - 47

110. ***Манғишлоқ ҳокими***-211

111. ***Манғлой амирлари***- Амир Боязид жалойир остонбўслик давлатига мушарраф бўлди ва қуловуз сифатида *манғлой амирлари* – амир Туғлуқтемур керойит, амир Ҳожи эркoнут ва амир Бекичакни бошлаб, Шаҳрисабз ва Самарқанд устига олиб келди-52 (Манбанинг 52-бетидаги изоҳ: *Манғлой*-

лашкарнинг олд қисми-52); Онҳазрат Учқаро баҳодирни уғруқлар билан шу атрофда қолдириб, *манғлой амирларини* никомиший учун муқаддимада жўнатиб, ўзи ҳам изма-из ҳаракат қилди -137

112. ***Маҳрам***[148]-Тасодифан ўша машфаратда уларга *маҳрам* бўлган бир киши келиб, давлатга (садоқатидан) илҳомланиб, уларнинг ботинидаги қабоҳатдан ҳазрат Амир соҳибқиронни огоҳ этди -119; *Маҳрамлар*-183

113. ***Машойихлар***-50; Ўзининг аксар вақтини сайидлар, олимлар ва *машойихлар* билан суҳбатлашишга сарф қиларди -105

114. ***Мингликлар таъминотчиси***-Шамъи Жаҳон ибн Хизрхожа ўғлон тахтга ўтиргач, туманлар *ва мингликлар таъминотчиларидан* лашкар сонини сўради: тўқсон туман киши рўйхатга олинган эди-227

115. ***Миср султонлари***-205

116. ***Мовароуннаҳр амирлари***- Ҳазрат Султони ғозий – Оллоҳ унинг далилини мунаввар қилсин–ҳақидаги кўпгина ҳикоялар "*Мовароуннаҳр амирлари* қиссаси"да битилди - 46

117. ***Мозандарон сардорлари***-169

118. ***Мозандарон, Қумаш, Табаристон сардорлари***-230

119. ***Мўғул амирлари***- Оққурада яна жанг қилди ва *мўғул амирларини* асирга олиб қатл этди -46; Иттифоқан, ушбу айёмда амир Қорақурун Жарчари ва амир Ҳожи барлос лашкар тўплаб, амир Ҳусайн қасдида юришга чиқишган ва *мўғул амирлари* ҳам (унга қарши) отланишган эди – 54

120. ***Мўғул отлиқлари***-70

121. ***Мўғул суворийси***-224

122. ***Мўғул чопқинчилари***-Дарҳол олтмиш суворийни отлантириб, уларга Самарқанд йўли атрофидан *мўғул чопқинчилари* ўртасига ботирларча от солиб киришни ва қароунос лашкари етиб келгани ҳақида овоза тарқатишни буюрди - 84

123. ***Мудаббир (соҳибтадбир)***-82

124. ***Мужоҳидлар***[149]-Султон соҳибқирон ҳам жонидан жиҳодни афзал кўриб, *мужоҳидлар* билан биргаликда тахта ва арқон воситасида жарлик тубига тушди-162

---

[148] Маҳрам- арабча- 2. Улфат, ҳамдам, сирдош; 3. Хусусий хизматчи, ички хизматчи.Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.– Б. 386

125. ***Музаҳҳиб***[150] – Паҳлавон *Музаҳҳибга* ҳам навозиш кўргузиб, Абарқуҳга (ҳоким қилиб) қўйди -144

126. ***Муқарриблар***[151]-Дўстона алоқалар ва ўтмишда бир-бирларига қилган яхшиликлари туфайли Амир Темурга боғланган амир Ҳамид ҳазрат подшоҳнинг *муқарриблари*дан эди-55; Ушбу фатҳ асносида, Шоҳ Шужоънинг *муқаррибларидан* бири бўлган Умаршоҳ номли киши элчи сифатида даргоҳга келиб, Форс ва Ироқнинг ноёб буюмларидан шунчалик кўп тухфаю совғалар етказдики, у кенг даштнинг юзаси ҳарир ва шоҳи матоларга ғарб ғарб бўлиб қолди -131; Шундан сўнг бир қанча муддат ушбу муборак башорат шукронасига шоҳона тўйлар ва подшоҳона чарғоланглар қилиниб, жами амирлар, сипоҳ сардорлари ва олампаноҳ даргоҳнинг бошқа *муқарриблари* навозишу марҳаматлар билан ғоятда бахтиёр ва сарафроз этилдилар-203

127. ***Мулозим*** - Ҳазрат Султони ғозийни ҳам унга (Илёсхожа ўғлонга) *мулозимликка* номзод қилди – 46; Фитначи бадкор одамлар унинг олдида сўзлашга оғиз очолмасликлари учун, ишончли воқеанависларни *мулозим* ва кешиктонлар номи билан унинг ўрдусига (хизматга) тайинлади -47; Қандаҳор ҳудудидан то Омуя соҳилигача ҳазратнинг бор-йўғи ўнта *мулозимигина* тенгма-тенг етиб келолди-135; Султон соҳибқирон Яҳё ибн Музаффарни Шерозга (ҳоким қилиб) қўйди ва Ғиёсиддин Шулга навозишлар қилиб, унга *мулозим* этиб тайинлади -144; Амирзода (Искандар) у ҳам отасининг қисматига дучор бўлмасин деб, уни бир-икки йил ўзига *мулозим* қилди, токи сардорликнинг нозик жиҳатлари ва шаҳриёрликнинг яширин сирларини андак бўлса-да ўрганиб олсин-208

128. ***Мунажжимлар***- Даргоҳда ҳозир бўлган Жалол Ислом тиз чўкиб деди: "Агар маъқул кўрсалар, шу бир муборак юришни амирлар маслаҳатисиз ва *мунажжимлар* ихтиёрисиз амалга оширсак. Оллоҳ мададидан умид шуки, ҳам Рум фатҳ этилади ва ҳам Йилдирим итоатга келтирилади"-174

---

[149] Мужоҳид- 1. Саъй ва ғайрат этувчи, чолишувчи; курашувчи; 2. Нафсини тийиб, поклик учун курашувчи; 3. Дин учун курашувчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.407

[150] Музаҳҳиб- арабча-Зарҳал қилувчи уста. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.408

[151] Муқарраб- арабча- Яқин турувчи, яқин дўст. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.438

129. ***Мунк ва Солисарой шаҳарлари ҳокими***- Қозон султон қонхўрликни ҳаддан ошириб, катта амирлар қатлига қўл ура бошлагач, Қазағон нўён – у қора-унос қавмидан бўлиб, *Мунк ва Солисарой шаҳарлари ҳокими* эди – унга қарши исён кўтарди ва икки марта у билан жанг қилди - 44

130. ***Мусаввирлар***- Чунончи, шоирлардан Салмон, *мусаввирлардан* Абдулҳай, хаттотлардан ҳожи Бандгир ва Абдураҳим, шу тариқа, санъатнинг ҳар соҳасидан беназир кишилар етишиб чиққан (Озарбайжонда) эди-231

131. ***Мутриблар***[152]- Хушалҳон *мутриблар* руд куйига Ноҳидни рақс туширарди-183

132. ***Муҳандислар***- Шаҳар *муҳандислари* манжаниқ тошларига қарши тадбир сифатида ичига сомон ва пахта тўлдирилган тери қоплар тайёрлашни ўйлаб топишди-123; *Муҳандисларга* тайёрани ишга солиб, ернинг нишабини аниқлаш амр қилинди: (ҳисоб) ўн фарсангга баробар чиқди -130 (Манбанинг 130-бетидаги 1- изоҳ: *Тайёра*–матнда ҳам шундай. Муҳандислик (инженер) асбобларидан бири эканлиги англашилди-130); Шундан сўнг Иқлидус (Эвклид) илмидан хабардор *муҳандислар* ва омилкор ҳунармандлар шуни яроқ кўришди: катта ёғочларни бир неча қават қилиб дандона шаклида тоқ ясашди-180;

133. ***Муҳассил***- Онҳазрат форсларга омонлик бағишлаб *муҳассилларга* моли омоний йиғиб олишни буюрди -142; *Муҳассил* унинг бир неча одамини тиғдан ўтказиб, қолганларини тўзғитиб юборди-210

134. ***Муҳофизлар***[153]- У кўчабоғларнинг бошига баъзи жойларда ходалар қоқиб, баъзи жойларда эса тупроқ тортиб ва ғишт териб, кўчабандлар ясашни буюрди ва бу жойларга *муҳофизлар* қўйди-69; Ўша аслзода киши кўчалар бошидаги тўсиқлар *муҳофизларини* ва ҳар мавзега гузаргоҳ ва йўлакларни (қўриқлаш учун) тайинланган гуруҳларни ўз жойларидан асло қимирламасликларини буюриб, қаттиқ огоҳлантирди -104; Шаҳар халқи ҳамда дарвоза ва буржлар *муҳофизлари* амир Ҳусайн ташқарига чиқиб кетганидан бехабар эдилар ва ҳар кунги одатга кўра шаҳар ва қалъа деворларини қўриқлаб турган эдилар - 109

---

[152] Мутриб-арабча- 1. Чолғучи, созанда, ашулачи; 2. *мaж.*Зуҳра (Венера) планетаси.Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.429

[153] Муҳофиз- арабча- Муҳофаза этувчи, сақловчи, қўриқловчи, посбон. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.441

135. ***Навкарлар***- 56; Сафар асносида Идикунинг *навкарларидан* бири қочиб кетди ва лашкар келаётганлигини Тўхтамишга хабар қилди-147; Мубашшир *навкарларини* жойида қолдириб, шуни текшириш учун олдинроққа борди -148; У Чокира ўғлонни даф этишга отланиб, уни бутун тобелари ва *навкарлари* билан тор-мор келтирди-216

136. ***Надим***[154]–Дошманчанинг кўргуликлари унинг ҳам бошига тушгани туфайли, у заруратдан замона мижозига мослашди ва салтанат гиламида амир Қазағон билан *надим* каби нард ўйнади - 47

137. ***Найман қабиласи амири***-51-52

138. ***Нақиблар***[155]- Даргоҳ фаррошлари девон томонидан берилган палосларни ёзиб, *сарой нақиблари* совринларни ўнгу сўлга тахладилар-182

139. ***Ноғорачилар***- Амир соҳибқирон фармонига кўра *ноғорачилар* саодат билан қайтиш ноғорасини чалиб, юртчилар қайтиш манзилларини кўздан кечириб, фаррошлар саропарда ва давлат боргоҳини Самарқанд йўлига тикишди -118; Барчалари курон қамарғасига киришганидан сўнг, фармонга биноан *даргоҳ ноғорачилари* таёқ билан ноғораларни гумбурлатдилар -133

140. ***Ноиб***- Ўз тахтига мулозим бўлган умародан амир Бекичакни ўғлига (*ноиб қилиб*) тайинлади ва ўз хоҳишига биноан бутун мамлакатни унинг қўлига топширди – 56; Шу сабабга кўра давлат хазинаси моллари ва олий даргоҳ бойликлари сарфу харажат учун ҳазрат султон (Искандар ибн Умаршайх) *ноиблари* ихтиёрига берилди-203; Унинг (Кичик Лур малики Иззиддин) ўғли Саййидий Аҳмадни Андигонга жўнатди, *ноиб* ва ҳожибларини эса Туркистон ва Мўғулистон сарҳадларига тарқатиб юборди-209

141. ***Номдор баҳодирлар***- Шундан сўнг ушбу йигирма етти қўшундан *номдор баҳодирлар* ёғий ғулига пешвоз чиқиб яқин бордилар-160

142. ***Нўён***- Қозон султон қонхўрликни ҳаддан ошириб, катта амирлар қатлига қўл ура бошлагач, Қазағон *нўён*–у қораунос қавмидан бўлиб, Мунк ва

[154] Надим-арабча- Яқин хизматкор, маҳрам; ҳамсуҳбат, ўртоқ. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.447

[155] Нақиб- арабча- Бирор жамоа ва қабиланинг олдинги (эътиборли) кишиси. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.456; Нақиб- арабча- (бошлиқ, раис) Хива хонлигидаги ҳарбий мансабдор. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. 3-жилд. - Б.29. Матнда нақиб атамаси саройнинг олдинги (эътиборли )кишилари маъносида келмоқда.-муаллифлар.

Солисарой шаҳарлари ҳокими эди–унга қарши исён кўтарди ва икки марта у билан жанг қилди -44

143. ***Обник (Авник) қалъасининг ҳокими*** -141

144. ***Овчи***-(Овга) ғоят ишқибозлиги туфайли бир куни "Қазо етса, кўз кўр бўлур" (матали) ҳукмига биноан, қадар ҳокими уни басиратдан жудо этди ва у ўн нафар *овчи*, чуҳра ва ахтачи билан ҳамишаги одатга кўра лочин учиришди - 50

145. ***Ого***- Султон ғозий амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон *огога* уйлан- ди-46

146. ***Ого-хотун*** - Муборак саропарда саодатли тарзда Конигил даштига тикилгач, жами *ого-хотун*, қиз-келин, йўжин-жалойир давлат ўрдулари билан ҳамкорликда ул дилкаш саҳнда ўз юрт ва авдолига тушиб, чодир кетидан чодир тизилиб, бу катта саҳронинг эни ва бўйига ўн фарсанг масофадаги майдонини ўрду бутунлай қоплаб олди-181

147. ***Оддий жангчилар***- *Оддий жангчиларни* қиличдан ўтказди ва сардорларни банди қилиб даргоҳга жўнатди-197

148. ***Озарбайжон султонлари***-209

149. ***Олимлар***-Ўзининг аксар вақтини сайидлар, *олимлар* ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди -105

150. ***Онҳазрат (Амир Темур)***-101

151. ***Онҳазрат ноиблари***– Сору Одилнинг мулозимларидан бир нечтаси бир-икки марта унинг дили улуғ давлат тўрасига нисбатан қинғир эканлиги ҳақида *онҳазрат ноибларига* арз қилишди- 139

152. ***Онҳазратнинг шарифа хотинлари***-Ражаб ойининг йигирманчисида чоршанба куни ҳазрат Султон соҳибқирон ҳам соғ-саломат йўлга отланди ва *он-ҳазратнинг шарифа хотинлари* ҳазрат салтанатпаноҳ Шоҳрух–Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини ўз паноҳида сақласин-ва уғруқдаги бошқа кишилар билан бирга орқага қайтдилар -152

153. ***Остуркий қабиласи сардорлари***-*Сардорларининг* ўғли Аҳмад тарафидан ўлдирилган *остуркий (?) қабиласидан* бир гуруҳ исён кўтарди-208

154. ***Отабек(отaлиқи)***-Акаси ўлдирилгандан сўнг унинг (Хизрхожа ўғлон) *отабеки* Мирак оғо-мен унинг маноқибини сўнгроқ ўз жойида муфассал баён қиламан-Хизрхожани ўз ёнида эҳтиёт қилиб сақлаб, душманларининг зўравонлик қўли унга етишига йўл қўймади-226

155. ***Отабек (ҳоким)***-*Отабек* Аҳмад (Катта Лурда) отасининг васиятига кўра, ундан сўнг тахтга ўтирди-207

156. ***Отлиқ***-Қутлуғтемур номли аллақандай бир мўғул бир неча *отлиқ* билан фурсатни пойлаб пистирмада турганда турганди, ногаҳон амир Қазағоннинг йўли шу малъун олдига тушиб қолди -50

157. ***Паҳлавонлар***-Уларнинг қораси кўрингач, Султони ғозий қўрғон деворини *паҳлавонларга* тақсимлади - 96

158. ***Пиёда камондор***- У (Самарқанд сарбадорлари раҳбари) минг нафар довюрак *пиёда камондорни* ажратиб, тўрт жойда кўмак тариқасида қўйди ва ўзи бошқа минг нафар жангчи билан йўл бошини тўсиб турди-224

159. ***Пиёда лашкарлар***- Ўша тунда *пиёда лашкарлар* ҳумоюн фармонга биноан жанг мавзеъсида чуқур хандақлар қазишди-174

160. ***Пиёда***-56

161. ***Подшолар***- Чунончи, "Чиғатой уруғи табақаси"да зикр қилинганидек, ихтиёрсиз *подшоларни* тахтга ўтирғизиб, инон-ихтиёрни тамомила ўз қўлига олди- 44 – 45; Амир соҳибқирон шу тарзда ясол тортиб Образ манзилига келиб тушди ва катта тўй қилиб, Суюрғотмиш ўғлонни *подшо* қилиб кўтардилар -108

162. ***Подшоҳ***-Туғлуқтемур подшоҳ Мўғулистондан хуруж қилиб Мовароуннаҳрни (рақибларидан) тозалаб, ўз ўғли Илёсхожа ўғлонни Самарқандга қўйди-45-46; Султон Маҳмудхон ўн етти йил *подшоҳ* бўлди-226

163. ***Посбонлар***-Қоронғу тушгач, ҳар икки тараф отдан тушмай, эҳтиёткорлик чораларини кўриб *посбонлар* қўйишди -61; Қоровуллар (лашкаргоҳдан) ташқари чиқишди ва *посбонлар* Балхнинг девор ва буржларини қўриқламоққа машғул бўлишди -109

164. ***Рожалар***- Ҳинд *рожалари*-101

165. ***Рум қайсарлари***-101

166. ***Рустамдор маликлари***-179

167. ***Савдогарлар бошлиғи***- Шу ҳол асноси ва ҳалокат жари ёқасида турилган бир пайтда *савдогар бошлиғи* Хожа Ихтиёриддин Ҳасан Соварж - Худо унга раҳмат қилсин-амирзода Абдулланинг истиқболига чиқди ва остона ўпиш давлатига мушарраф бўлгач, хоразмликларнинг ожиз ва нотавонликлари ҳақида унга арз қилди - 49 (Манбанинг 49-бетидаги 6-изоҳ: *Савдогарлар бошлиғи*-матнда: "*Малик ут-тужжор*"-49)

168. ***Сайид***- Амир Ҳусайннинг талабига биноан, у тарафнинг жами *сайид*, қози, имом ва зодагонлари биргаликда Султони ғозий олдига боришди ва шафоат ва узр тили билан амир Ҳусайн пайғомини етказишди -85; Ўзининг аксар вақтини *сайидлар*, олимлар ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди -105; Шунингдек, у амир Сайид Баракага *сайидларга* муносиб бўлган даражада илтифот кўрсатмаган эди-107; *Сайидлар*, шайхлар, зодагонлар ва оддий аҳоли биргаликда истиқболга чиқиб, тазарру юзини даргоҳ остонасига суртдилар -137; Султон соҳибқирон *сайидларга* шафқат қилиб, бошқа сипоҳийларни қатлга етказди -152

169. ***Сайрам доруғаси***-195

170. ***Салжуқ султонлари***-101

171. ***Самарқанд амирлари*** – Бир неча соат давом этган ушбу қирпичоқ олишув пайтида *Самарқанд амирлари* амирзода Умаршайх ва унинг ёнидагилар аҳволидан хабар олмадилар -143

172. ***Самарқанд шаҳри доруғаси***- Султон ғозий амир Ҳиндукани укаси билан *Самарқандда доруға* қолдириб, Ўлжой Туркон оғо касалга чалингани туфайли ўзи Шаҳрисабзга келди -74

173. ***Сардор***- Амир Ўлжойбуғо сулдуз бир пайт уларнинг хонадони қўлида бўлган *сардорликни* таъма қилиб, бир жамоа сулдузлар билан бир гўшага чекилди – 51; Қамарғадан сўнг ҳазрат (саркардалардан) лашкар сонини талаб қилди ва сонни тўғри маълум қилган амирлар ва *сардорларнинг* ҳар бирига мартабасига яраша навозишлар қилди-147; Қарийб юз нафар ишчи, ишбоши ва *сардорлар* буржнинг тагида (Дамашқ қалъасида) қолиб ҳалок бўлишди-168

174. ***Саркардалар***- Ҳужум ва қарши ҳамлалар бир неча кун такрорлангандан сўнг, бир куни амир Ҳусайн жами *саркардалари* ва сипоҳини жанг қилиш учун ташқарига чиқарди – 99; Қамарғадан сўнг ҳазрат (*саркардалардан*) лашкар сонини талаб қилди ва сонни тўғри маълум қилган амирлар ва сардорларнинг ҳар бирига мартабасига яраша навозишлар қилди-147

175. ***Сарой нақиблари***- Даргоҳ фаррошлари девон томонидан берилган палос- ларни ёзиб, *сарой нақиблари* совринларни ўнгу сўлга тахладилар-182

176. ***Саропардаларга буғтоқ ёпувчилар***-*Саропардаларга буғтоқ ёпувчилар* ва давлат ўрдуси тоқдорлари тоқу буғтоқларни қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан безатдилар-182

177. ***Сарҳадлар амирлари*** – Қандаҳор чегараларидан то Хўтан этакларигача бўлган жами *сарҳадлар амирлари* ва вилоятлар ҳокимлари оламзпаноҳ даргоҳига бош уриб келишди -113

178. ***Сейстон малики***-59

179. ***Сейстон сардорлари***- Алитож Сейстоний ва Шоҳ Сулаймон Хуросоний бир гуруҳ *Сейстон* ва Хуросон *сардорлари* билан ўша буржнинг тагидан нақб кавлаб, деворнинг бу қисмини пиллапоялар устида муаллақ қилиб қўйишди-168

180. ***Сейстон сипоҳийлари***-134

181. ***Сейстон суворийлари***-132

182. ***Сейстон ҳокими***-59

183. ***Сипоҳ***- 61; *Сипоҳнинг* аксари пиёда кетди-197

184. ***Сипоҳ баҳодирлари***- *Сипоҳ баҳодирлари* ва даргоҳ ботирлари фарёд кўтариб, бир ҳамлада қалъани ер билан яксон қилдилар-157

185. ***Сипоҳ сардорлари***-Шундан сўнг бир қанча муддат ушбу муборак башорат шукронасига шоҳона тўйлар ва подшоҳона чарғоланглар қилиниб, жами амирлар, *сипоҳ сардорлари* ва оламзпаноҳ даргоҳнинг бошқа муқарриблари навозишу марҳаматлар билан ғоятда бахтиёр ва сарафроз этилдилар-203

186. ***Сипоҳсолор***- У жамоатнинг таянчи ва *сипоҳсолору* сипоҳнинг умиди бўлган энг матонатли ғанимлар ҳазрат соҳибқирон лашкарининг ўқлари ва шамширлари зарбидан ҳалок бўлишди-175

187. ***Систон шаҳаншоҳи ва Кирмон (ҳокими)***- Шаҳзодалар келаётгани ҳақидаги овозалар қизигач, амирзода Умаршайх Сиржон муҳосарасини *Систон шаҳаншоҳи ва Кирмон (ҳоқими)* Идикуга топшириб, ўзи ошиғич тарзда дорулмулк (Шерозга) жўнади-199

188. ***Солиқчилар***- Амир Ҳусайн баҳона қидириб топиб, унинг (Амир Темурнинг) барча тобелари ва яқинлари молу мулкини тўла мусодара қилиб, *солиқчилар* қўлига топширди -73; Маблағнинг арзимас бир қисми қолган эди, амир Ҳусайн шуни ҳам ундириш учун *солиқчилар* қолдириб, ўзи Мунк шаҳри тарафга қайтиб кетди -94; Шаҳар зодагонлари (Исфаҳон шаҳри) ҳумоюн ўрдуга мулозим бўлишса-да, лекин жоҳиллар исён қўлини ҳаракатга келтириб, *солиқчилардан* бир гуруҳини ўлдиришди-142

189. ***Сомон сулоласи подшоҳлари*** -101

190. ***Соҳиби аъзам***- Султон соҳибқирон Рустам, Сулаймоншоҳ, Бурундуқ ва *соҳиби аъзам* Жалол Исломни у ерни (Бағдод) фатҳ этишга номзод қилди ва Султониядаги уғруқнинг муайян булжорга келишини буюрди-169

191. ***Соҳибқирон***- Амир *соҳибқирон*-53

192. ***Суворийлар***-59; Юриш суръати шу даражада эдики, қўш отли *суворийлар* жаҳонпаноҳ (ҳазрат) нинг тулпори туёғи остидан кўтарилган чанг-тўзонни қувиб етолмасдилар-155; Султон соҳибқирон ҳумоюн узанги мулозиматидаги беш юз *суворий* билан уларга қарши юрди-161

193. ***Сувсозлар***- Ўша куни катта ўрдунинг жами *сувсозлари* кўп ҳаракат қилиб, у дарёдан кечув жойини топа олмадилар-180

194. ***Султон соҳибқирон***-83

195. ***Султон***- Улар *султонликни* амирликка мубаддал қилишди ва улар тўрт кишилардир-44; Амир Темур *султонлар* суннатига мувофиқ уни (Амир Ҳусайнни) суннатига муфофиқ уни ёсоққа етказди -100; У Форс, Ироқ ва Озарбайжон *султонларини* бир мавзеъда тўпланиб, иттифоқликда Моварounнаҳрга юриш қилишга ундади-135; Мовароуннаҳр мамлакатини бошқариш ишлари *султонлардан* (хон) амирлар қўлига ўтгач, Туғлуқтемурхон Мўғулистондан катта лашкар билан Мовароуннаҳрни забт этишга отланди-217

196. ***Султонзода***- Султони ғозий- Оллоҳ унинг далилини мунаввар қилсин-лашкари Форсни иккинчи бор озод этгач, ҳазрат бахтиёр *султонзода*, шаҳид амирзода Умаршайхни-Оллоҳ унинг қабрини мунаввар этсин- (Шероз) дорулмулки ҳукуматига тайинлаган эди-207

197. ***Султони ғозий***-*Султони ғозий* Мовароуннаҳрга келгач, Тошкўприк ёнида Илёсхожа ўғлонни мағлуб қилди ва такомиш қилиб ортидан қувлади -46

198. ***Султония кутволи***-137

199. ***Сўфи*** –Ногоҳ жавонғор қанбулидан хабар келтирдиларки, ёғий баронғори учидан Каноча ўғлон, Баркёруқ ўғлон, Ўқтой, Довуд *сўфи* ва Ўтурка Муҳаммад ажралиб чиқишди ва уларнинг нимани қасд этишгани маълум эмас-159-160

200. ***Сучи***- Салтанат тахти давлат ўрундиқи билан безаниб, оғо-хотун, қиз-келинлар ўтирган гиламларга дастурхону идишлар қўйилгач, *сучи* ва ҳировчилар ўз ишларини бажармоққа киришдилар-182 (Манбанинг 182-бетидаги 1-изоҳ: *Сучи*-соқий, косагул -182)

201. ***Табиблар***-Бу ерда ҳарам маликалари ва улуғ хонадон шаҳзодалари ҳозир бўлишиб, *табиблар* муолажада Мусо алайҳиссалом мўъжизаларини намоён эта бошладилар- 152; У (амирзода Мироншоҳ) қарийб тўрт соат бехуш ётди. Табризлик *табиб* муолажада хиёнат қилди-165

202. ***Табриз ҳокими***-232

203. ***Тавочилар*** – *Тавочилар* булжорни муайян қилиб, узоқ-яқиндаги лашкарларни чақириб келиш учун от солдириб кетдилар-114; *Тавочилар* дарҳол ҳумоюн даргоҳдан ишорат олиб, туманлар ва ҳазоралар ўз мурчолларига жойлашишларини тунқол қилдилар -122

204. ***Талабалар***- Имомлар, ислом уламолари, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, *талабаларнинг* нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111

205. ***Тархон***-Шундан сўнг Султон соҳибқирон Жало ибн Ҳамидни Сойинтемур, Мули ва Рағно *тархон* билан олдинга жўнатиб, уларга тайинладиким, агар уларга душман дуч келиб қолса, эҳтиёт бўлишсин ва ўзларидан кам бўлмаса, ҳужум қилишмасин -148; Ҳазрат Султони ғозий яна бир бор Ғиёсиддин *тархон*, Тумантемур ўзбек, Бахтихожа ва Бекини Тўхтамишга ҳамроҳ қилиб Сиғноқ, Сарвон ва Ўтрорга жўнатдики, токи одатдаги қоидага кўра уни хонлик тахтига ўтқазсинлар-211

206. ***Таъминотчилар***- Шамъи Жаҳон ибн Хизрхожа ўғлон тахтга ўтиргач, туманлар ва мингликлар *таъминотчиларидан* лашкар сонини сўради: тўқсон туман киши рўйхатга олинган эди-227

207. ***Термиз вилояти доруғаси***-116

208. ***Термиз хонзодаси*** – Зиндаҳашам Самарқандга жўнаш ниятидан воз кечиб, қўл остидаги лашкарлар билан *Термиз хонзодасига* бориб қўшилди ва биргаликда Термиз вилоятида босқин ва ғоратчиликлар қилишди- 115 (Манбанинг 115-бетидаги 1-изоҳ: *Термиз хонзодаси* Термиз сайидлари хонадонидан бўлиб, мазкур сайидлар ўз вақтида сомонийлар ва бошқа ҳукмдорлар билан қуда–анда бўлишгани учун *"хонзода"* (*худовандзода, хондзода*) лақабини ҳам олишган -115)

209. ***Тилчилар***- ҳар икки тарафнинг *"тилчилари"*бошқа тарафдан тил ушлаб келишга ҳарчанд ҳаракат қилмасинлар, тил ушлаш ва маълумот олиш муяссар бўлмас эди-196

210. ***Тирандоз***- Унинг (Некпайшоҳ) *тирандозлик* маҳорати бутун Чиғатой улусига маълум ва машҳур эди - 79-80

211. ***Тоқдорлар***- Саропардаларга буғтоқ ёпувчилар ва *давлат ўрдуси тоқдор лари* тоқу буғтоқларни қимматбаҳо дуру жавоҳирлар билан безатдилар-182

212. ***Туман амирлари***- Баҳайбат ясовуллар ёсол гурзиси билан *туман амир лари* кўнглида ҳадик уйғотар, шер жуссали аюдочилар сарҳадлар султонлари йўлига рад таёғини қўярди-182-183

213. ***Туман таъминотчилари***- Шамъи Жаҳон ибн Хизрхожа ўғлон тахтга ўтиргач, *туманлар ва* мингликлар *таъминотчиларидан* лашкар сонини сўради: тўқсон туман киши рўйхатга олинган эди-227

214. ***Тўра***- Вазият шундай бўлган бир пайтда, Инка *тўра* қарийб йигирма минг отлиқ билан (Мўғулистондан) Мовароуннаҳрни забт этиш азмида етиб келди -143

215. ***Турк амирлари***-52

216. ***Туркистон сардорлари***- Худойдод Ҳусайнийни *Туркистон сардор-лари* билан биргаликда жавонғорга тайин қилди-136

217. ***Туркманлар сардори***-57

218. ***Туршиз қалъаси кутволи***-130

219. ***Туякаш***-100

220. ***Удайчи***- У бирoнта амир ёки вазирга илтижо қилмасдан, очиқ-ошкор тўғри боргоҳ эшиги олдига келди ва *удайчига* деди: “Ичкарига кир ва ҳазратга фалон хокисор банда эшик олдида турганини маълум қилгин”-130

221. ***Уйғур амирлари*** -137

222. ***Уйўғлонлар***- Амир Қазағон хонадонидан омон қолгани – амир Ҳусайн ўзининг бир гуруҳ қадимий *уйўғлонлари* ва ушбу хонадонга қарам бўлган қораунослар билан бирга ҳар кун бир тарафда, ҳар лаҳза бирон дарада, ҳар дам қай бир биёбонда кун ўтказарди – 51; Икутемур, Умар Аббос ва бошқа *уйўғлонлар* туманларини қўшин маркази тўғрисида қўйди -136

223. ***Уламолар***- Имомлар, ислом *уламолари*, қозилар ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111

224. ***Ул-амр ҳазрат Султон ғозий***-230

225. ***Улуғ амирлар***- Амир Боязид Жанд мамоликида худди *улуғ амирлардек* (мустақил) ҳукмдор бўлди -54

226. ***Улуғ ўрду мулозими***- 73

227. ***Улуғ хоним***- Султон (султон Искандар) етиб келгач, йўл устидаги *улуғ хоним* Бумалик (?) хотуннинг ҳавоси жаннат, саҳни фирдавсга монанд боғига тушди-203

228. ***Улуғ шайхлар***- Имомлар, ислом уламолари, қозилар ва *улуғ шайхларга* бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111

229. ***Улуғлар***- Шундан сўнг зўравонлик қўлини чўзиб, *улуғлар*, амирлар ва аркони давлатни йўқотмоққа машғул бўлди - 47

230. ***Улус ҳокими***- Жовниқурбоний *улусининг ҳокими*-219

231. ***Уста "тил" ушловчилар***- Шундан сўнг бир қанча нозик жойларда катта ишларни бажарган *уста "тил" ушловчилар* теварак-атрофни булғомиший қилиш учун саҳро бўйлаб тарқаб кетишди -147; Улардан кейин *"тил" ушловчилар* ҳам бир одамни даргоҳга келтиришди -148

232. ***Фағфур***-103

233. ***Фан арбоблари***- Илму ҳикмат аҳли ва *фан арбобларига* ғоятда эътиборли эди -105

234. ***Фаррошлар*** - Амир соҳибқирон фармонига кўра ноғорачилар саодат билан қайтиш ноғорасини чалиб, юртчилар қайтиш манзилларини кўздан кечириб, *фаррошлар* саропарда ва давлат боргоҳини Самарқанд йўлига тикишди -118

235. ***Ферузкуҳ қалъаси кутволи***-179

236. ***Фидойи***- Шайхали баҳодир манғлойда эди ва ушбу юриш асносида бир *фидойи* тарафидан ўлдирилди- 152-153 (Манбанинг 153-бетидаги 1-изоҳ: *Фидойи*-суиқасдлар учун махсус тайёрланган қотил-153)

237. ***Филбонлар***-Шундай ҳайбатли филларни фил жуссали Деҳли *филбонларига* қўшиб мўғулий бедовлар туёқлари остида забун қилдилар-164

238. ***Форс подшоҳи***-Ҳозирги кунгача миқдори собит бўлиб турган Ҳурмуз ҳирожи (моли) ўша вақтда узоқ музокараю мунозаралардан сўнг ҳар йили *Форс подшоҳи* ва Кирмон ҳокимига юбориб туриш учун белгиланган эди-205

239. ***Форс султонлари*** – Қалъаи Сафид *Форс султонларининг* эътимод қўйган жойи бўлиб, Зайнулобидин ибн Шоҳ Шужоъ бу ерда маҳбус эди-153

240. ***Форс ҳокими*** -144

241. ***Форс, Ироқ ва Кирмон ҳокими***- Ашраф Чўпоний Озарбайжонга эга бўлиб, Шайх Абу Исҳоқ Инжуйи *Форс, Ироқ ва Кирмонда ҳоким* эди -48 - 49

242. ***Форс, Ироқ ва Озарбайжон султонлари***- У (амирзода Умаршайх) *Форс, Ироқ ва Озарбайжон султонларини* бир мавзеъда тўпланиб, иттифоқликда Мовароуннаҳрга юриш қилишга ундади -135

243. ***Хазиначи***- Амир Ҳусайн аҳднома битиб, Хизр *хазиначини* Қуръон билан Султони ғозийни чақириб келиш учун юборди -74; Султони ғозий ўша манзилда тўхтаб, Пўлод *хазиначини* Турконнинг изидан жўнатди-190

244. ***Хаттотлар***- Чунончи, шоирлардан Салмон, мусаввирлардан Абдулҳай, *хаттотлардан* ҳожи Бандгир ва Абдураҳим, шу тариқа, санъатнинг ҳар соҳасидан беназир кишилар етишиб чиққан (Озарбайжонда) эди-231

245. ***Хизматкорлар***- 58; Баҳор бошида қамалдагиларнинг озиқ-овқат ва (отлар учун) ем-ҳашаги тугагач, Зиндаҳашам итоат бошини қуйи солиб ташқари чиқди ва Жоку барлос *хизматкорлари* сафида ҳазрат ўрдусига паноҳ сўраб борди-187

246. ***Хилофат паноҳ ҳоқон, мамлакатларни забт этувчи, дунё ва диннинг мададкори (Шохрух мирзо)***-158

247. ***Хирож муҳассили***-*Хирож муҳассили* зуғум этиб, малик Иззиддинни беҳурмат қилди-210

248. ***Хитой хоқонлари***-205

249. ***Хожа*** – Ушбу ҳол асносида амир Вали Сабзавор устига лашкар тортиб, *Хожа* Али Муайядни муҳосара қилгани ҳақида хабар келди -127; *Хожа* Юсуф апарди ва Пирали Тоз сулдуз мададга етиб келиб, амир Жаҳоншоҳ билан иттифоқликда ёғийни қувиб юбордилар-145; Вазирлик мансабини (Кичик Лурда) *Хожа* Маҳмуд ибн Муҳаммад Чоғарийга топширди-209

250. ***Хон***- 46; Султон ғозий амирлар билан иттифоқликда Суюрғотмиш ўғлонни *хонлик* тахтига ўтқазди ва лашкар тортиб Балх дарвозаси олдига келди – 99; Амирзода Умаршайх дарҳол барча *хонлар* ва бошқа амирларни жам қилиб, катта отлиқ лашкар йиғди ва (исёнкорни) дафъ этишга отланди -145; Охири Худой- доднинг саъй-ҳаракатлари билан Нағзи Жаҳон *хон* бўлди-229

251. ***Хонзода***- Зиндаҳашам Самарқандга жўнаш ниятидан воз кечиб, қўл остидаги лашкарлар билан Термиз *хонзодасига* бориб қўшилди ва биргаликда Термиз вилоятида босқин ва ғоратчиликлар қилишди- 115

252. ***Хоника***- Ушбу тўйда қуда-андачилик тариқини мустаҳкамлаб, Руқия *хоникани* амирзода Жаҳонгирга номзод қилишди -82

253. ***Хонимлар***- Барча иззат ўрдусининг ҳижобдаги *хонимлари*, иффат саро-пардасининг оғо-хотунлари ва олийнасаб хонадон шаҳзодалари у (султон Искандар) нинг муборак пойқадамини ғанимат ва табаррук билиб, қодир эгамга шукроналар айтдилар-203

254. ***Хос кишилар***- Зафар безакли байроқлар Ҳинд диёрини фатҳ этишга машғул бўлган пайтда, жўмардлиги ва саҳовати билан шуҳрат қозониб, узоқ-яқиндаги сардорларни ўзига *хос кишилар* қаторига киритиб олган амирзода Мироншоҳ кўнгил чигилини ёзиш учун Маранд водийсига овга чиққан эди-164-165; Шундан сўнг Одилшоҳ ва Сорибуғони йигирма минг отлиқ билан Мўғулис- тон юришига номзод қилиб, *хос кишиларидан* бўлмиш Хитой баҳодир ва Элчибуғо баҳодирни ҳам уларга ҳамроҳ қилди-190

255. ***Хос мулозимлар*** – Амирзода Умаршайх келишидан илгари, жанггоҳдан қочиб ундан ажраган *хос мулозимларидан* бир гуруҳи ўзларининг эгри тасаввурлари ҳосиласи бўлган ёмон овозаларни (шаҳарга) етказишди -143

256. ***Хос навкарлар***- Амир Мусо ғоят юраксизлиги туфайли ваҳималиги тушди ва ўзининг *хос навкарлари* билан итоатсизлик қилди-99

257. ***Хос саркорлар***- Султон соҳибқирон жами *хос саркорларни* фарзандлари ихтиёрига топшириб, барча лашкарбошиларни бу вазифани охирига етказиш ишига шунчалик машғул қилдики, улар кундузи тиним билмас ва кечаси ором топмас эдилар-177

258. ***Худовандзода***- Иттифоқан *худовандзода* Сайид Абулмаолий Термизий, Зиндаҳашам, шайхулислом Абулайс Самарқандий ва амир Мусо бир гуруҳ бадкирдорлар билан хуфия машварат қилиб, пешин пайти қўққисдан ўрдуга ёриб кириб, ҳазрат Султони ғозийга шиддат билан қасд этишга қарор қилдилар-187

259. ***Хурмату қалъаси кутволи***-157

260. ***Хуросон сардорлари***- Шундан кейин онҳазрат катта қурултой ўтказиш ҳаракатига тушди ва Ҳиротдан малик Ғиёсиддин ва Калотдан Алибекни *Хуросоннинг бошқа сардорлари* билан биргаликда (қурултойга) чақирди -124;

Алитож Сейстоний ва Шоҳ Сулаймон Хуросоний бир гуруҳ Сейстон ва *Хуросон сардорлари* билан ўша буржнинг тагидан нақб кавлаб, деворнинг бу қисмини пиллапоялар устида муаллақ қилиб қўйишди -168

261. ***Хўжанд ҳокими***-54

262. ***Хўй ҳокими*** -141

263. ***Чангдовул бошлиғи***-95 (Манбанинг 95-бетидаги 2-изоҳ: *Чангдовул* (*чандовул*)-лашкарнинг орт қисми, аръергард. Унга муқобил тарзда "*соқа*" атамаси ҳам ишлатилган-95)

264. ***Чандовул баҳодирлари*** –*Чандовул баҳодирлари* бир неча қўшинни тартибга солиб, пистирмада туриб, жорни кута бошладилар -133

265. ***Чандовул қоровуллари***- Ёғий тарафдаги йўлнинг ярим фарсангга баробар олд қисмини муҳофаза қилиб турган *чандовул қоровуллари* душманнинг қадам товушларини эшитгач, шамолдан ҳам кўра тезроқ баҳодирларга маълум қилишди -136

266. ***Чандовул суворийлари*** – Аммо уларни ҳам *чандовул суворийлари* от туёқлари от туёқлари остида топтаб, то ҳандақ чеккасигача ер билан битта қилишди -133

267. ***Чархандоз***- Ногоҳ бир *чархандоз* (амирзода Умаршайхга) қазо чархидан ўқ узди-100

268. ***Чиғатой (улуси)султонлари***-188

269. ***Чиғатой амирлари***-94

270. ***Чиғатой баҳодирлари***-88; *Чиғатой баҳодирлари* ўзларига расм бўлган қоидага кўра, нафасларини ичига ютиб, ёғийнинг келишини кузата бошладилар ва ҳеч қандай ҳаракат қилмадилар-125

271. ***Чиғатой босқоқлари***-Бироқ иккинчи марта Ироқ, Форс ва Озарбайжон Музаффар ва Увайс авлодлари қўлидан халос этилиб, Ниҳованд, Асадобод ва Хуррамобод *чиғатой босқоқлари* тасарруфига ўтгач, девон солиғи (моли) малик Иззиддин зиммасига юклатилди, токи у ҳар йили ўз тобеларидан йиғиб, ҳазрат ноибларига топширсин-209

272. ***Чиғатой камончилари***-*Чиғатой камончилари* бутун соҳил бўйлаб (Дажла дарёси) ва иккала кўприк устида туриб, сувдагиларни нишонга олиб отдилар ва бирон тирик жон қочиб қутулолмади-171

273. ***Чиғатой сардорлари***-223

274. ***Чиғатой суворийлари***-223

275. ***Чиғатой уруғи султонлари***-93

276. ***Чин ҳоқонлари***-101

277. ***Чопар***- 58; Амир Темур Мохонга етиб келгач, вазиятни текшириш учун Ҳирот ва Калотга *чопарлар* жўнатди -96; Султон соҳибқирон Хуросонга тобе жойлардан бўлган Хўжон водийсига келиб тушганида, Муҳаммад Султон-шоҳнинг *чопари* етиб келди-139; Султон соҳибқироннинг ёнида тахминан тўрт мингдан ортиқ отлиқ бўлмасада, ҳазрат дарҳол душманни дафъ қилишга отланди ва ҳарна муяссар бўлганича лашкар тўплаш учун ҳар тарафга *чопарлар* жўнатди-145; Ногоҳ Самарқанд тарафдан шошилинч суръатда келган *чопар* шу мазмундаги арзномани етказди: Одилшоҳ ва Сорибуғо ёғий бўлишиб, Самарқандни қамал қилишди-190

278. ***Чопқинчилар***- *Чопқинчилар* теварак-атрофдан мўл ўлжалар билан ўрдуга қайтиб келишгач, султон соҳибқирон ҳам соғ-саломат бой ўлжалар билан қайтиш йўлига тушди-168

279. ***Чопқирлар***- Қочоқларнинг *чопқирлари* ғулга етиб, сафлар қанотлари рўй берган балодан воқиф бўлгач, ҳеч кимсада туришга мажол қолмади ва қочиш йўлига юзланишди-191

280. ***Чуҳра***- (Овга) ғоят ишқибозлиги туфайли бир куни “Қазо етса, кўз кўр бўлур” (матали) ҳукмига биноан, қадар ҳокими уни басиратдан жудо этди ва у ўн нафар овчи, *чуҳра* ва ахтачи билан ҳамишаги одатга кўра лочин учиришди - 50 (Манбанинг 50-бетидаги 2-изоҳ: *Чуҳра*-оқсуяк тоифадан чиққан ва сарой хизматида бўлган ўспирин ёки ёш йигит. Ўрта асрлар манбаларида маъноси шунга яқин “*уйўғлон*” сўзи ҳам учрайди-50)

281. ***Шайх***- Жамики умаро *Шайх* қабри устида янгитдан шарт бойлашиб, аҳд қилишди -63; *Шайх* Абулайсга эса Каъбайи муаззамага жўнаб кетишни буюрди -119; Сайидлар, *шайхлар*, зодагонлар ва оддий аҳоли биргаликда истиқболга чиқиб, тазарру юзини даргоҳ остонасига суртдилар -137

282. ***Шайхи олам***- Маҳмудшоҳ пиёдалари ботирларча ташқари чиқиб, то *Шайхи олам* марқадигача пешвоз юришди -79 (Манбанинг 79-бетидаги 1-изоҳ: *Шайхи олам* – “олам шайхи” – XIII асрда яшаб ўтган ва қабри Бухорода бўлган шайх Сайфиддин Бохарзий -79)

283. ***Шайхулислом***- Иттифоқан худовандзода Сайид Абулмаолий Термизий, Зиндаҳашам, *шайхулислом* Абулайс Самарқандий ва амир Мусо бир гуруҳ бадкирдорлар билан хуфия машварат қилиб, пешин пайти қўққисдан

ўрдуга ёриб кириб, ҳазрат Султони ғозийга шиддат билан қасд этишга қарор қилдилар-187

284. ***Шатранжбоз***-181

285. ***Шаҳаншоҳ***- Шаҳзодалар келаётгани ҳақидаги овозалар қизигач, амирзода Умаршайх Сиржон муҳосарасини Систон *шаҳаншоҳи* ва Кирмон (ҳоқими) Идикуга топшириб, ўзи ошиғич тарзда дорулмулк (Шерозга) жўнади-199

286. ***Шаҳар акобирлари (Самарқанд)***-68

287. ***Шаҳзодалар***- Бу биринчи зарба бўлгани учун, унинг даҳшати Хуросон аҳолисини дилига ўрнашсин, деб амирлар ва *шаҳзодаларга* бор кучлари билан жонбозлик кўрсатиб жанг қилишни буюрди -124; Султон соҳибқирон *шаҳзодаларни* амирлар ва бир қисм лашкар билан никомиший учун жўнатди-168; *Шаҳзодалар* келаётгани ҳақидаги овозалар қизигач, амирзода Умаршайх Сиржон муҳосарасини Систон шаҳаншоҳи ва Кирмон (ҳоқими) Идикуга топшириб, ўзи ошиғич тарзда дорулмулк (Шерозга) жўнади-199

288. ***Шероз ҳокими*** -144

289. ***Шоирлар***- Чунончи, *шоирлардан* Салмон, мусаввирлардан Абдулҳай, хаттотлардан ҳожи Бандгир ва Абдураҳим, шу тариқа, санъатнинг ҳар соҳасидан беназир кишилар етишиб чиққан (Озарбайжонда) эди-231

290. ***Шоҳ*** - У ердан Бадахшонга жўнаб, Шўрсув қирғоғида *Шоҳ* Муҳаммад Бадахшоний билан сулҳ тузилди – 62; *Шоҳликка* сазовор бўлган киши -105; Ушбу фатҳ асносида, *Шоҳ* Шужоънинг муқаррибларидан бири бўлган Умаршоҳ номли киши элчи сифатида даргоҳга келиб, Форс ва Ироқнинг ноёб буюмларидан шунчалик кўп туҳфаю совғалар етказдики, у кенг даштнинг юзаси ҳарир ва шоҳи матоларга ғарб ғарб бўлиб қолди -131; *Шоҳ* Шужоънинг элчиси Форсдан подшоҳона туҳфалар ва катта ҳадялар билан етиб келди -135

291. ***Шоҳи ғозий***- Шоҳ Мансур ғул шатранжи филбанд ва фарзинбанд қилиниб маҳкамланганини кўргач ва майдон ўртасида сонсиз қўшунлар билан мустаҳкам турган *Шоҳи ғозийга* (Амир Темур) кишт бермоқ амримаҳоллигини англагач, бу тарафдан юз ўгириб, от жиловини баронғор ғули тарафга бурди -154

292. ***Элчи***- Ўз асрининг улуғ зотларидан бўлган шайх Нуриддин Абдураҳмон Бағдодий *элчи* бўлиб келди-154; Амир Ҳусайн сулҳ истаб, шошилинч тарзда *элчилар* жўнатди-188

293. ***Юзи берк аёллар***- Шомдан то хуфтонгача ўз ҳарамида *юзи берк аёллар* билан хилватда бўларди -48

294. ***Юртчилар*** - Амир соҳибқирон фармонига кўра ноғорачилар саодат билан қайтиш ноғорасини чалиб, *юртчилар* қайтиш манзилларини кўздан кечириб, фаррошлар саропарда ва давлат боргоҳини Самарқанд йўлига тикишди -118 (Манбанинг 118-бетидаги 2-изоҳ: *Юртчилар*-қўшин қароргоҳ қуриши учун қулай жой танлаб, ҳозиргарлик кўриб турадиган бўлинма-118); Ҳали лашкарнинг учдан бир қисми ҳам юртга етиб келмаган эдики, *юртчилар* ва кўталчилардан бир гуруҳи ваҳшат солиб (қалъага) ташландилар ва кўз юмиб олгунча Исфаройин фатҳ қилинди -127

295. ***Яман тождорлари***-101

296. ***Ясовуллар***- Баҳайбат *ясовуллар* ёсол гурзиси билан туман амирлари кўнглида ҳадик уйғотар, шер жуссали аюдочилар сарҳадлар султонлари йўлига рад таёғини қўярди-182-183

297. ***Ўғлон***- Туғлуқтемур подшоҳ Мўғулистондан хуруж қилиб Мовароуннаҳрни (рақибларидан) тозалаб, ўз ўғли Илёсхожа *ўғлонни* Самарқандга қўйди-45-46; Амир соҳибқирон шу тарзда ясол тортиб Образ манзилига келиб тушди ва катта тўй қилиб, Суюрғотмиш *ўғлонни* подшо қилиб кўтардилар -108; Султон соҳибқирон уларни даф этмоқни зарур ишларнинг энг аҳамиятлиси ҳисоблаб, амирзода Рустам ва Бурҳон *ўғлонни* бир гуруҳ амирлар билан уларга қарши юборди-162

298. ***Қабила бошлиқлари***- Араб *қабила бошлиқлари*-101

299. ***Қабила сардори***- Шу аснода *қабилалардан бирининг сардори* Туғлуқ Сулдузий амир Ҳусайнга ёғий бўлди ва у Хўжанд ҳокими Боязид жалойир билан тил бириктирди -54

300. ***Қазувчилар***- *Қазувчиларга* бу ердан ҳар бири ўн фарсангга баробар бўлган қарийб элликта кориз қазиб, ул хандақнинг сарчашмасини саҳрога қаратиб оқизиш ҳақида фармон берилди – 130 (Манбанинг 130-бетидаги 2-изоҳ: *Кориз*-ер ости ариғи -130)

301. ***Қайсар***- Рум *қайсарлари*-101

302. ***Қалъа кутволи***- Туршиз *қалъаси кутволи*-130

303. ***Қалъа муҳофизлари***- *Қалъа муҳофизлари* бўшашиб қолиб, барчаси асирга тушди -76

304. ***Қандаҳор кутволи*** -134

305. ***Қароунос амирлари***- Амир Ҳусайн баҳодирлари ва бошқа *қароунос амирларидан* Пўлодбуғо, Халил, Малик, Хирман ва Ҳиндушоҳ кабилар рўпарадан келаётган эдилар -108

306. ***Қароунос лашкари илғори амирлари***- *Қароунос лашкари илғори амирлари* мўғул лашкари овозасини эшитиши биланоқ, Султони ғозий сипоҳидин мағлуб бўлиб қайтгач, амир Ҳусайн уларга роса таъна қилиб, ғоят қаҳрланганидан ўзи отланиб йўлга тушди -84

307. ***Қароунослар сардорлари***-81

308. ***Қози***-50; Амир Ҳусайннинг талабига биноан, у тарафнинг жами сайид, *қози*, имом ва зодагонлари биргаликда Султони ғозий олдига боришди ва шафоат ва узр тили билан амир Ҳусайн пайғомини етказишди -85; Имомлар, ислом уламолари, *қозилар* ва улуғ шайхларга бўлган ҳурмат эътиборини шу даражага етказдики, илму фан беҳад равнақ топиб, талабаларнинг нафақаси лозим бўлган миқдордан ҳам кўпроқ қилиб белгиланди -111; Шунда Султони ғозий *қози* Жалолиддин Шаҳрисабзийни (Хоразмга) ушбу хирож талабида жўнатди-188

309. ***Қойиммақом***[156]- Чунончи, (уларнинг) ҳар бирининг (ҳикояси) охирида айтиб ўтилганидек, ўз даври ўрталарида амир Қазағон қайсидир бир тарафга юриш қилиб, тўнғич ва валиаҳд ўғли амирзода Абдуллани ўзининг *қойиммақоми* сифатида ўрдуда қолдирганди - 49

310. ***Қоон***- Амир Қазағон исён кўтариб унинг устидан ғалаба қозонди ва 747 (1346/47) санада шунқор қилиб, жами амирлар билан иттифоқликда машҳур Ўктой *қоон* наслидан бўлган Дошманчани тахтга ўтирғизди ва (унинг) қаламравидаги бутун мамлакатлар ихтиёрини ўз қўлига олди-47

311. ***Қоровул баҳодирлари*** –Жанговор сафларни тартибга келтиргандан сўнг амирзода Умаршайх ўз одатига кўра, Аббосни ғулда қўйди ва ўзи *қоровул баҳодирлари* билан муқаддимада туриб ғаним лашкарига ташланди -142

312. ***Қоровуллар бошлиғи***-*Қоровуллар бошлиғи* тажрибасиз одам бўлганидан ғафлатда қолди ва кутилмаганда амир Бекичакнинг укаси Ажуний лашкари унинг устига етиб келди -61

---

[156] Қойим мақом – *арабча*- Ўринбосар, нойиб, ўрнига ўлтирувчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.- Б.739

313. ***Қоровуллар***-Султони ғозий манғлой бўлиб Жайҳундан Термиз томонга кечиб ўтди ва Қаҳалға тарафга *қоровуллар* жўнатди -61; Султони ғозий *қоровуллари* уларни Термиз навоҳийсида тор-мор келтирдилар-99

314. ***Қуловуз***-Амир Боязид жалойир остонбўслик давлатига мушарраф бўлди ва *қуловуз* сифатида манғлой амирлари–амир Туғлуқтемур керойит, амир Ҳожи эркопут ва амир Бекичакни бошлаб, Шаҳрисабз ва Самарқанд устига олиб келди-52 (Манбанинг 52-бетидаги 4-изоҳ: *Қуловуз*-йўл бошловчи-52); Шундан сўнг (подшоҳ ҳазратни) лашкарга *қуловуз* тайинлаб, Тўқтемур катта, Тўқтемур кичкина ва Бекичакни амир Баён сулдузни даф этишга жўнатди-217

315. ***Қул***-Ўша санадан бошлаб Мовароуннаҳр ва бошқа ўлкаларда мўғул *қул* ва канизаклари пайдо бўлди-194

316. ***Қурчи***- Амирзода Умаршайх *қурчидан* қалқон олди ва қалъа деворига яқин бориб, насиҳат билан уларни беҳуда қаршиликдан қайтармоқчи бўлди-200

317. ***Қўшиқчилар***-183

318. ***Қўшун амирлари***-Узоқ давом этган муҳорабада *қўшун амирларидан* бир-икки киши ўлдирилгач, қолганлар талофат кўрган ва саросимага тушган ҳолда қайтиб кетишди -138; Иштиёқлари зўридан шунчалик кучга тўлган эдиларки, ўттиз битта *қўшун амирлари* ҳар бири бир отда унга етиб олишди -139

319. ***Ғажарчи***-57 (Манбанинг 57-бетидаги 1-изоҳ: *Ғажарчи*-йўл бошловчи, қуловуз-57); Амир соҳибқиронга илгаридан таниш бўлган Кебектемур мўғул келиб, остонбўслик давлатига мушарраф бўлди ҳамда итоат ва хизмат камарини жон белига боғлаб, *ғажарчи* бўлишни ўз зиммасига олди -116

320. ***Ғозийлар***- Султон соҳибқирон қумиқ *ғозийларига* турли навозишлар кўргузиб, омон қўйиб юборишни буюрди-161

321. ***Ғулом***- Амир Темурнинг *ғуломларидан* бири ушбу ҳодиса юз бераётган пайтда ҳозир эди -75; Султони ғозийнинг *ғуломларидан* бири амир Ҳусайн қайтулида (қароргоҳ) эди -95; Отаси уни (Тоҳир ибн Аҳмад ибн Увайс) Антўн номли бир *ғуломи* билан Алинжақ қалъасида қўйган бўлиб, ўн беш йил ўша метин-мустаҳкам қалъада ҳаёт кечирди-232

322. ***Ҳазар амирлари***-177

323. ***Ҳазар сардорлари***-178

324. ***Ҳазора амирлари-*** *Ҳазора амирларидан* бирининг уруғига мансуб Қутлуғ - Темур номли шахс амир Қазағон хотини Туркон оғонинг синглисига уйланганди -92

325. ***Ҳазрат (Амир Темур)-***96

326. ***Ҳазрат Амир Соҳибқирон-***110

327. ***Ҳазрат салтанатпаноҳ (Шоҳрух)-*** Ражаб ойининг йигирманчисида чоршанба куни ҳазрат Султон соҳибқирон ҳам соғ-саломат йўлга отланди ва онҳазратнинг шарифа хотинлари *ҳазрат салтанатпаноҳ Шоҳрух* – Оллоҳ унинг мулки ва салтанатини ўз паноҳида сақласин ва уғруқдаги бошқа кишилар билан бирга орқага қайтдилар -152

328. ***Ҳазрат соҳибқирон-***166

329. ***Ҳазрат султон соҳибқирон-***101

330. ***Ҳазрат султон-****Ҳазрат султоннинг* (Искандар мирзо) ҳумоюн ўрдуси Истахр қалъаси ҳудудига етганида, амир Али Сарбандий ўзининг нажот топиш умиди ул ҳазрат ҳимояси соясида эканини англади-199 (Манбанинг 199-бетидаги 1-изоҳ: Асарнинг биринчи таҳрири амирзода Искандар ибн Умаршайхга бағишлангани учун муаллиф кўпинча уни *"ҳазрат султон"* дея зикр қилади-199)

331. ***Ҳазрат Султони ғозий-*** *Ҳазрат Султони ғозийни* ҳам унга (Илёсхожа ўғлонга) мулозимликка номзод қилди - 46 (Манбанинг 46-бетидаги 1-изоҳ: *Султони ғозий* - "дин учун курашувчи султон"- Амир Темурнинг унвонлариданбири бўлиб, "Мунтахаб"да кўпроқ шу шаклда, бир неча жойда "*Шоҳи ғозий*" шаклида ёзилган-46)

332. ***Ҳазрат хилофатпаноҳ (Шоҳрух)-***216

333. ***Ҳазрат ҳукмдор, хилофат паноҳ ҳоқон, мамлакатларни забт этувчи, дунё ва диннинг мададкори (Шоҳрух баҳодир)-***158

334. ***Ҳаким Ота-*** *Ҳаким Ота* қаддасаллоҳу сираҳу бундан икки юз йил бурун ушбу воқеадан хабар берган эди ва ўша йили у содир бўлди -81 (Манбанинг 81-бетидаги 1-изоҳ: *Ҳаким Ота*-Аҳмад Яссавийнинг шогирди Сулаймон Боқирғонийнинг лақаби-81)

335. ***Ҳалаб волийси-***166

336. ***Ҳарам маликалари-*** Бу ерда *ҳарам маликалари* ва улуғ хонадон шаҳзодалари ҳозир бўлишиб, табиблар муолажада Мусо алайҳиссалом мўъжизаларини намоён эта бошладилар- 152

337. ***Ҳижобдаги хонимлар***-Барча иззат ўрдусининг *ҳижобдаги хонимлари*, иффат саропардасининг оғо-хотунлари ва олийнасаб хонадон шаҳзодалари у (султон Искандар) нинг муборак пойқадамини ғанимат ва табаррук билиб, қодир эгамга шукроналар айтдилар-203

338. ***Ҳинд рожалари***-101

339. ***Ҳировчилар***-Салтанат тахти давлат ўрундиқи билан безаниб, оғо-хотун, қиз-келинлар ўтирган гиламларга дастурхону идишлар қўйилгач, сучи ва *ҳировчилар* ўз ишларини бажармоққа киришдилар-182 (Манбанинг 182-бетидаги 2-изоҳ: *Ҳировчи*-ашулачи маъносидаги йировчи сўзининг бир шакли-182)

340. ***Ҳирот малики*** -96

341. ***Ҳирот ҳокими***-219

342. ***Ҳирот ҳукмдори***-92

343. ***Ҳисобчи***- Аҳён – аҳёнда юришга жазм этса, саҳронешин мўғулларнинг қудрат ва имконияти шунчалик эдики, ҳар чодирдан бир отлиқ келса ҳам, лашкар адади ўлчовга сиғмасди ва *ҳисобчи* унинг зафарёб лашкаргоҳидаги чодирларни тахминан ҳисобламоққа уринса ҳам, йиллар давомида ҳисобига етолмасди – 48; Ўша кечаю кундузда ул саҳрода шунчалик кўп одам ҳалок бўлдики, *ҳисобчилар* уларни ҳисоблашдан ожиз қолишди-218

344. ***Ҳожи***- Ташқарига чиқишгач, амир *Ҳожи* Сайфиддин Амир Темурни Туғлуқ- Темурхон даргоҳига бошлаб борди ва подшоҳ тахти олдида унинг зийраклиги ва билимдонлиги хусусида бисёр таҳсинлар ёғдиришди-53; Чунончи, шоирлардан Салмон, мусаввирлардан Абдулҳай, хаттотлардан *ҳожи* Бандгир ва Абдураҳим, шу тариқа, санъатнинг ҳар соҳасидан беназир кишилар етишиб чиққан (Озарбайжонда) эди-231

345. ***Ҳожиблар***-Унинг (Кичик Лур малики Иззиддин) ўғли Саййидий Аҳмадни Андигонга жўнатди, ноиб ва *ҳожибларини* эса Туркистон ва Мўғулистон сарҳадларига тарқатиб юборди-209

346. ***Ҳокимлар***- Девон ишлари тартиби ва султонлик қилиш тарзлари ҳақида шундай бир қоидани жорий этдики, у то олам инқирозигача ақли комил вазирлар учун дастур ва тажрибали *ҳокимлар* учун ёрлиқ бўла олади -102

347. ***Ҳоқонлар***- Чин *ҳоқонлари*: -101

348. ***Ҳумоюн мавкаб***-181

349. *Ҳумоюн ўрду мулозими* – Ҳазрат Амир соҳибқирон ҳам уни (Зиндаҳашамни ) иззат-ҳурмат билан қабул қилиб, афв хилъати билан сарафроз этди ва *ҳумоюн ўрдуга мулозим* қилиб тайинлади- 117

350. *Ҳунармандлар*- Шундан сўнг Иқлидус (Эвклид) илмидан хабардор муҳандислар ва *омилкор ҳунармандлар* шуни ироқ кўришди: катта ёғочларни бир неча қават қилиб дандона шаклида тоқ ясашди-180

351. *Ҳурмуз маликлари*- 205 (Манбанинг 205-бетидаги 1-изоҳ: Ҳурмуз – Эроннинг жанубида денгиз соҳилига яқин оролда жойлашган порт шаҳар-205)

## ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУРНИНГ "БОБУРНОМА" МАНБАСИДА УЧРАЙДИГАН АМАЛ, ВАЗИФА, ДАРАЖА, ИЖТИМОИЙ ТАБАҚА, КАСБ, ЛАВОЗИМ, МАҚОМ, МАНСАБ, МАРТАБА, РУТБА, УНВОН ВА ФАХРИЙ ЛАҚАБЛАР[157]

(*Иқтибосли луғат*)

1. **Айғоқчи** – Пешин намози чоғи биз тарафдан борган *айғоқчи* ҳам душманнинг мағлубияти тўғрисидаги хабарни келтирди-267[158]

2. **Алишанг малиги** – Эртаси куни тонгда кўп ёмон ишлар қилиб, ноҳақ қонлар тўккан *Алишанг малиги* Ҳамзахонни қон талаб этаётган душманларига топширдим, қасосларини олдилар- 188

3. **Амалдорлар**- Бухон ва Мусо бошчилигида дилазокнинг *амалдорлари* ҳам шу куни келишди -182

4. **Амин**– Малик Бусаъид Хожа Муҳаммад *Аминга*: "Кўракатри Бигромнинг қошида эди. Тор ғор ва хатарли жой бўлгани учун айтмадим", деб айтади – 117; Ана шундай мушкул бир ҳолатда Хожа Муҳаммад *Амин*, Хожа Дўст Хованд, Муҳаммад Али пиёда, Шомий қўрғондан ўзларини ташлаб чиқадилар – 162

5. **Амир ул-мўминин**-Самарқанд ҳазрати *амир ул-мўминин* Усмон замонида мусулмон бўлгандир-55

6. **Амирлар** - Умаршайх мирзонинг *амирлари*: Худойберди Темуртош-36; Яна бир *амири* Ҳасан Яъқуббек эди-36; Самарқанд ғалабасидан сўнг атроф – теваракдаги кариллаган ва дағдағали хонлар, султонлар, *амирлар* ва чек –

[157] Бобур Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома / Заҳириддин Муҳаммад Бобур; Таҳрир ҳайъати А. Қаюмов, Х. Султанов, Б.Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. – Т.: "O'qituvchi" НМИУ, 2008.-288 б.

[158] Бу кўрсаткичлар мазкур китобнинг бетларини билдиради-Муаллифлар.

чегарадагиларга кўмак ва мадад сўраб мунтазам сўраб элчилар, хабарчилар бордилар ва келдилар – 79; Ҳар бир *амир*, вазир ва мансаб эгалари учун ҳам аниқ ер-жой белгилаб қўйилган-203; *Амир*, вазир, барча аскарлар ва халқ унга итоатда бўлиб, бўйсунадилар-203;

7. ***Амма бегимлар***- Барча бегимлар, менинг аммам Поянда Султонбегим, Хадичабегим, Офоқбегим, яна Султон Абусаид мирзонинг қизлари-*амма бегимлар* ҳаммаси Султон Ҳусайн мирзонинг мадрасасида йиғилдилар-145; Сафар ойининг йигирма саккизинчисида, шанба куни *аммабегимлар*-Фахрижаҳон- бегим ва Хадича Султонбегим келдилар-245

8. ***Андижон беклари***-36

9. ***Андижон ҳокими***-36

10. ***Андижон шаҳри ҳокими***-Эшик оғалик ва *Андижон шаҳри ҳокимлиги* Қосим қавчинга топширилди-43

11. ***Андхуд саййидлари*** - Бойқаро мирзонинг қиз томондан набираси бўлган *Андхуд саййидларидан* Саййид Абдулло мирзога берган эдилар. Бир ўғли бор эди, Саййид Барака исмли-131; Учинчи қизини Саййид мирзо деган *Андхуд саййидларига* беришганди – 131

12. ***Андхуд ҳокими*** – 136

13. ***Арбоб*** – Бу фурсатда Дарвеш Гов исмли киши Андижон *арбоблари* ҳақида беҳуда сўз айтгани учун қатл этилди-38; Баъзи хабардор бўлган *арбоб* ва дўкондорлар келиб, нашъа ва шодмонликлар билан кўришиб, егуликлар келтириб, дуолар қилдилар – 78; Хаёлга келдики, бир кеча Андижон яқинига бориб, киши киритиб, хожа ва *арбоблари* билан сўзлашсак, эҳтимол, бизни бирор тарафдан киритишар-90; Аср намози пайтида Қосимбек, шаҳар қозиси, Кобулда қолган мулозим ҳамда *арбоблар* келиб, илтифот қилдилар – 176

14. ***Арғун беклари***-157

15. ***Асас*** – Мажлис аҳли Дўстбек, Мирзоқули, Аҳмадий, Гадойи, Муҳаммад Али жанг-жанг *асас (асас – тунги соқчи, миршаб - 172)*, Ўғонберди мўғул, созанда ва хонандалардан Руҳдам, Бобожон, Қосим Али, Юсуф Али, Тангри-қули, Абдулқосим, Рамазон лўли хуфтон намозигача кемада улфатчилик қилдик – 172; Мир Хурд *асас* -172; Ўша куни ва кечқурун Кобулдан Абдулло *асас*, Нурбек, Юсуф Али келдилар – 186

16. ***Аскарлар*** – 91; Султон Ҳусайн мирзонинг ўн тўрт минг сара йигитлари ва қириқ минг *аскар* йигитлари марказда экан. *Аскарларга* тааллуқли ишлар

ҳандақ тўлдирмоғу қазимоқ, йўл ясамоқ, ўтин ва ем-ҳашакни уловга етказмоқдир- 129

17. ***Астробод ҳокими***-50

18. ***Атка*** – Бу хабар етиб келгач, Гадойи тағойи, Поянда Муҳаммад қоплон, Абулҳасан қўрчи, Мўмин *атка* бошчилигидаги ичкилар ва йигитларни отларининг жиловларини бўш қўйдириб зудлик билан илгарироқ жўнатиб, ўзим ҳам тез бордим – 180; ///// *Атка*-ўғилни вояга етказувчи, тарбияловчи бек-28 (Сўзбошига қўшимча-28)

19. ***Афғон амирлари***-268

20. ***Ахсининг омонат доруғаси*** – Қосим Ажаб хос навкарлар гуруҳидан эди, ҳузуримда беклик мартабасига етган эди, *Ахсида уни омонат доруға* қилиб қолдирилди – 66

21. ***Ахтабеги***- Ҳумоюннинг лашкари Пураб томонга кетганидан сўнг Турдибек, Кучбек, иниси Шерафган, Муҳаммад Халил *ахтабегига* ака-ука ва ахтачилари билан, Рустам туркманга ака-укаси билан ва яна ҳиндустонликлардан Равуй Серванийга Байана ерларига бориб, ҳужум қилиб, талаш буюрилди-226; Ундан сўнг Юнус Али, Шоҳ Мансур барлос ва Абдулло китобдор, уларнинг ортидан Дўст эшикоға ва Муҳаммад Халил *ахтабеги* кўмакка юборилди-281

22. ***Ахтачи*** – Жўнар чоғимиз Бобохон *ахтачи* менга ярамасроқ отни тутди, аччиғимдан юзига бир мушт урдим – 182; Ҳумоюннинг лашкари Пураб томонга кетганидан сўнг Турдибек, Қучбек, иниси Шерафган, Муҳаммад Халил ахтабегига ака-ука ва *ахтачилари* билан, Рустам туркманга ака-укаси билан ва яна ҳиндустонликлардан Равуй Серванийга Байана ерларига бориб, ҳужум қилиб, талаш буюрилди-226

23. ***Аъзам Ҳумоюн***- Кейин Иброҳим замонида *Аъзам Ҳумоюн* Серваний анча вақт астойдил курашди ва, охир-оқибат, уни сулҳ йўли билан олиб, унга Шамсободни берди-201; Ҳиндустонда баланд обрўли амирларга турли унвонлар берилади. Улардан бири –*Аъзам Ҳумоюн* унвонидир. Яна бири- Хонижаҳон ва бошқаси Хони- хонон-225

24. ***Аъламдор*** – Бҳира ва Хушобда ўтирган балужлар олдига Ҳайдар *аъламдорни* юборган эдик – 170; Ҳайдар *аъламдорни* Деварин кофирлари олдига юборгандик – 187

25. ***Бадахшон беклари*** – 154

26. ***Бадахшон сардорлари*** – *Бадахшон сардорлари* фақат Носир мирзо томонида эдилар – 123

27. ***Бадахшон шоҳлари***-35

28. ***Бадахшон шоҳларининг беклари*** – 122

29. ***Бажавр султони (Афғонистон)*** – *Бажаврнинг султони* Ҳайдар Али Бажаврий у вилоятни хийла яхши забт қилди-109

30. ***Байана шақдорлиги***- *Байананинг шақдорлиги* (солиқ йиғувчи лавозими) Дўст эшикоғага берилди-242

31. ***Байроқдор*** – Бизнинг *байроқдоримиз* енгиллик қилиб ортга қайтиб хандаққа кирипти. Баъзилар уни Сайди Қаробек байроғи эди, дедилар. Сайди Қаро гарчи сўзининг устидан чиқадиган киши эсада, қиличга келганда кучсизроқ эди – 80; Худойберди *байроқдор* - 82; *Байроқдорнинг* байроқ боғлагунча фурсати бўлмади, байроқни қўлига олибоқ отланди – 91

32. ***Баковул***-Ташқаридан Хожа Пир *баковул*, улуғ оғалар, ҳамда мавжуд бўлган созанда ва ҳофизлар келиб, Султон Маҳмуд мирзонинг Хонзодабегимдан бўлган катта қизини Султон Абусаид мирзонинг қиз набираси Поянда Султонбегимдан бўлган Ҳайдар мирзоға олиб, Ҳисор устидан қўзғалиб Қундуз сари юзландилар - 49; Оролга ўтганларга қараб Қул Боязид *баковул* ёлғиз яланғоч от билан уларнинг рўпарасидан ўзини сувга солди – 120; Бисут элининг Бажавр қўрғонига дахли бўлганлиги боис ушбу манзилдан Юсуф Али *баковулни* уларни кўчириб Бажавр қўрғонига олиб келтириш учун юбордик – 166; Муҳаммад бахши ва Абдулазиз мирохўр ва мир Хурд *баковулга* Чашмайи Пара довонини айланиб, у ердан қирғовул овлашлари учун ҳукм бўлди -180; Ҳиндустонликлар *баковулни* (бош ошпазни) чошнигир (подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси) дейдилар-227

33. ***Балбан***- Султон Ғиёсиддин *Балбан*[159]-201

34. ***Балиқчилар*** – Борон дарёсида *балиқчилар* анча балиқ тутдилар-187

35. ***Балх арбоблари*** – Бу пулларнинг катта қисмини *Балх арбобларидан* бири Мулла Аҳмад орқали Балхдаги ишларни яхшилаш учун бериб юбордим - 189

36. ***Балх қўрғонбеги***-142

37. ***Балх ҳокими***-50

[159] Балбан-Филбон. Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., «Юлдузча», 1989. Б. 246.

38. ***Бангола подшоҳи*** – Отаси *Банголада подшоҳ* бўлган эди, саййид эди ва Султон Аловуддин лақабини олганди -203

39. ***Барҳандий(Ҳиндустон)***- Ҳиндустонда шундай одат бор: агар шундай урушлар рўй бергудек бўлса, белгиланган муддат учун пулга навкар ёлланилади. Ёлланган кишиларни *"бадҳандий"* деб атайдилар- 198

40. ***Бастакорлар***- Яна, *бастакорлардан* Ғулом Шодий эди-141

41. ***Баходур*** - Тангриберди сомончи Балх дарвозасида Хисравшоҳнинг Назар *Баходур* исмли зўр навкарини яхши қилич чопиб, енгганди (бу зикр этилган) – 136

42. ***Бахши***-Рўпарасидаги лашкарни ғофил қолдириб, Абдуллатиф *бахши* бошлиқ беш-олти юз уддабурон одамларини Килиф кечигига юборди-48; Қорлуғоч *бахши* Мўғулбек ўғлонларидан бирини чақириб, қўлидан тутиб ўлдирди - 65-66; Ярамга қарашга Атика *бахши* исмли мўғул жарроҳини юборибдилар. Мўғул халқи жарроҳни ҳам *бахши* дейди. У жарроҳликда жуда моҳир эди-93; Яна бир гал Султон Абусаид мирзо Муҳаммад Али *бахши* бошлиқ уч минг кишини илғор қилиб юбориб эди – 128; Туз кўр қилгур Шоҳ Мансур *бахши* ... Андхуд унда эди – 155; Муҳаммад *бахши* ва Абдулазиз мирохўр ва мир Хурд баковулга Чашмайи Пара довонини айланиб, у ердан қирғовул овлашлари учун ҳукм бўлди -180; Султон Муҳаммад *бахшига* ошпазни эҳтиёт қилиб асрашларини буюрдим-228; Ойнинг ўнинчисида, шанба куни Хуросонга аввал ҳам бир бор чақириқ (истимолат) фармони олиб борган Султон Муҳаммад *бахшининг* Шоҳ Қосим исмли пиёдаси (тезюрари) яна Ҳиротга юборилди-255

43. ***Баҳодир***- Бироқ *баҳодирлик* улуши совринини Сайид Қосим олди. *Баҳодирлик* улуши мўғулларда қадимий расмдир. Ҳар уруш ва ҳарб маъракасида ҳар кимки элдан ўзиб қилич урган бўлса, улушни ўша олади. Шоҳрухияга борганда, тоғам Султон Маҳмуднинг намунали *баҳодирлик* улушини Сайид Қосим олди-47; Барча *баҳодирлар* жон олиб жон бериб курашиб, душмандан қасос олдилар-281

44. ***Баҳодуршоҳ***-Баҳодурхонга *Баҳодуршоҳ* лақаби берилди-225

45. ***Бачча***-Аҳлоқсиз киши эди, *бачча* сақларди-36; Кўп *бачча* сақлар, ўзига қарашли жойларнинг қаерида чиройли ўсмирлар бўлса, уларни турли йўллар билан келтириб, *бачча* сақларди. Бекларнинг ўғилларини, кўкалдошларини

*бачча* қилар, ҳатто ўзининг кўкалдошидан туғилганга ҳам бу хизматни буюрганди -44

46. ***Баяна мири(Ҳиндустон)***-222

47. ***Бегим***- Мен ва Муҳаммадий кўкалдош икковимиз келдик, *бегим* ва *бегимнинг* ёнидагилар танимадилар-33; Бу сабабдан Шаҳрибону *бегимни* қўйди ва синглиси Поянда Султонбегимни олди – 131; Хадичабегим ғунча-чилик мартабасидан *бегимлик* мартабасига етишди. Кейинчалик ҳам бош бегим шу эди – 132; Барча *бегимларни* Султон Ҳусайн мирзонинг мақбарасида эканликларида бориб кўрдим-145

48. ***Бек атка*** - подшо боласини тарбия қилувчи бек-28 (Сўзбошига қўшимча-28)

49. ***Бек тархон*** – Ундан Феруза дарвозасига келиб Фозил тархон (у *бек тархонлардан* эмас, Туркистонлик савдогар тархонлардан бўлади) устига қарши юрадилар – 78

50. ***Бек***- Яна бири Қанбар Али мўғул бўлиб, у отбоқарлардан эди. Юнусхон қошида офтобачилик қилди. Сўнгра *бек* бўлди-37; Бу фурсатда минглик элидан бўлган, отамнинг олдида кичиклигидан хизматлар қилиб *беклик* мартабасига етган, бироқ сўнгра бир гуноҳи туфайли мартабаси пасайтирилган Иброҳим сору Исфара қўрғонини эгаллаб, Бойсунқур мирзо отига хутба ўқитди, мухолиф томонида бўлди-46-47; Мен билан қолган *беклар*, ичкилар ва йигитлар аксариятининг кўчлари Андижонда эди-61; Яна, Ҳасан Шайх Темур эди. Уни Абулқосим Бобур мирзо ҳурмат қилиб, *беклик* мартабасига етказганди – 133; Кўпгина беклар ва хос амалдорлар ўша ерда эдилар-179; *Беклар* навбат билан қоровулликка тайинландилар-231; Боғнинг атрофидаги жойларга *беклар* ва хос амалдорларимга ўзлари учун иморатлар, боғлар солсин деб, ер ва жойлар тайинланди-262

51. ***Бекота*** - Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзога бериб, Бобои Кобулийни *бекота* қилиб, жўнашга рухсат берганди-32; Сўнгра Кобулга келгач, уни Ҳумоюнга *бекота* қилдим-36-37; Бу мардона киши Бойсунқур мирзонинг *бекотаси* эди-46; Ойнинг йигирма тўққизинчисида, жума куни Мир Хурд Ҳиндолга *бекота* бўлиб хизматга кирди ва менга таъзим қилди -182

52. ***Бекота (аёлларники)***- Хожа Муҳаммад Дарзий (Умаршайх мирзонинг қизининг *бекотаси)* -38

53. ***Бекчик-*** Иброҳим *Бекчик*-36; Бир марта Хиёбонда Иброҳим *бекчик* қиличбозлик қилганда юзини чопдилар. Шундан сўнг уни Иброҳим чопуқ дер эдилар-52; Айюб *Бекчик*-62

54. ***Бекчик туманининг туманбеги-*** Номи ҳам туманга машҳур бўлган *Бекчик туманининг туманбеги* Айюб Яъқуб эди-87

55. ***Белчилар (ер қазувчилар)-*** Тўхтаган лашкаргоҳдан Қосим мирохўрни *белчилар (ер қазувчилар)* билан қўшин тушадиган жой – Мадҳакур вилоятида кўп чоҳлар қаздиришни тайинлаб, жўнатдик-230; Хандақ қазиш ишлари учун Халифанинг ўзи отланиб, хандақ қaзиладиган ерларни *белчиларга* кўрсатиб, улар устидан назоратчилар белгилаб келди-235; Назоратчи ва *белчиларга* тўпни ўрнатиш, тупроқ уйиб тепалик тиклашлари буюрилди-246; Мулло Қосим, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарош, Мирак Мирғиёс, Мир сангтарош ва шоҳ Бобойи *белчига* Огра ҳамда Дўлпурда солинадиган иморатларни эсларига солиб ва улар зиммасига юклаб, рухсат бердик-263; Устод Алиқули ва Мустафо зарбзан отиш, тўп ўрнатиш, мўлжор кўтариш, ер текислаш ишлари учун белгиланган жуда кўп *белчи* ва ишчиларга назоратчи қилиб тайинланди-272

56. ***Беҳзодий худуди қозиси*** – *Беҳзодийга бориб ўша ер қозисининг* уйига тушдик -177

57. ***Бижанагар рожаси-*** Кофирлардан вилоят ва лашкарининг кўплигига кўра, энг катта подшоҳ бу *Бижанагар рожасидур*-204

58. ***Бий-*** Шайбонийхон: Хожани ўлдиришга мен буйруқ бермаганман, буни Қамбар*бий* билан Кўпак*бий* қилдилар, дер экан-76

59. ***Биҳар атрофидаги ерларнинг маҳкама бошлиғи-*** Хожа Муршид Ироқийни *Биҳар атрофидаги ерларга маҳкама бошлиғи* қилиб, Турди Муҳаммадга қўшиб юборилди-269

60. ***Биҳар шиқдори-***Шаъбон ойининг бешинчисида, чоршанба куни эрталаб бу тарафдан булуларнинг қаровули борса, *Биҳарнинг шиқдори* шаҳарнинг нариги тарафдаги дарвозасидан қочиб кетибди-270-271

61. ***Бозигарлар(ўйинчи, масхарабоз)-*** Ош тортилганидан кейин Ҳиндустон *бозигарлари (ўйинчи, масхарабоз)* келиб ўйинларини кўрсатсинлар, деган фармон бўлди-260

62. ***Бозор бошлиғи-*** Бу фурсатларда бир ўрда *бозори бошлиғининг* ўғли бор эди-Бобурий исмли, оти ҳам ажаб муносиб тушиб эди – 73

63. ***Бозорчилар***-52

64. ***Борин туман беклари***- Шу муносабат билан *Борин туман бекларидан* Эрзан, Чарос туман бекларидан Мирак туркман Юнусхонни уч-тўрт минг уйли мўғул улуси билан Улуғбек мирзога келтирдилар-34

65. ***Боринлар***- Теварак ва атрофдагилардан: хондан Айюб Бекчик, Қашқа Маҳмуд ва *боринлар* тўрт-беш юз киши билан кўмакка келган эди-80

66. ***Бош бегим*** – Хадичабегим ғунчачилик мартабасидан бегимлик мартабасига етишди. Кейинчалик ҳам *бош бегим* шу эди – 132

67. ***Бош ошпаз***- Ҳиндустонликлар баковулни *(бош ошпазни)* чошнигир (подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси) дейдилар-227

68. ***Бошлиғ*** – Худобахш *бошлиғ* – 163

69. ***Бошлиқ*** – Шоҳназар *бошлиқ* – 163

70. ***Бўлинма бошлиғи***- Шу боис ёрдамчи *бўлинмага бошчилик* қилаётган Абдулазизни ўнг қанотни мустаҳкамлаш учун юбордик - 200

71. ***Буст доруғаси*** – 63

72. ***Буст қўрғонбеги*** – 129

73. ***Вазир*** – *Вазирлари.* Бири Маждиддин Муҳаммад эди – 137; Ҳар бир амир, *вазир* ва мансаб эгалари учун ҳам аниқ ер-жой белгилаб қўйилган-203; Амир, *вазир*, барча аскарлар ва халқ унга итоатда бўлиб, бўйсунадилар-203

74. ***Валиаҳд***-Давлат аъёнлари ва мамлакат арбобларини чорлаб, байъат (аҳд-паймон) қўлларини Ҳумоюннинг қўлига топшириб, у ўрнимда қоладиган *валиаҳд* эканлигини тайинладим. Тахтни унга топширдим-285 * "*Ҳумоюн буд вориси мулки вай*" -Ҳумоюн унинг мулкининг вориси эди-285

75. ***Вилоят амирлари***- На сўзамол вазирлар ва *вилоят сўраётган амирларнинг* на сўзларида, на тадбирлари мардоналик бор эди, на ўзлари ва қарорларида ҳиммат бор эди-234

76. ***Вилоят подшоҳлари***- Мўғулистонда яшаб улғайган Бек Телба, у вилоятга кирмас, *вилоят подшоҳларига* хизмат қилмас, хонларгагина хизмат қилар эди- 71

77. ***Вилоят табиблари***- Бундай ажойиб ва ғаройиб ҳодисалардан анчагина айтиб бердики, *вилоят табиблари* бундай даволашдан ожиздирлар-93

78. ***Вилоятлар беклари***- Темурбек ўзига девонда бир улуғ пештоқ (айвон) ва яна ўнг ёнида ҳамда сўл ёнида *вилоятлар беклари* билан девон беклари маҳкамалари учун икки кичикроқ пештоқ қургандир-58

79. ***Гардиз қўрғонбеги (Афғонистон)***– 113

80. ***Гарийалий***- Ушбу ишга (яъни соатларни бонг урдиришга) Ҳиндустоннинг барча эътиборли шаҳарларида муайян кишилар белгилаб қўйилган, уларни *гарийалий* деб аташади-216

81. ***Гвалийар рожаси***- Бикрамажит ҳинду *Гвалийар рожаси* эди, унинг оталари Гвалийар вилоятида юз йилдан ортиқ ҳукмронлик қилганлар-201

82. ***Гужарат подшоҳи***-224

83. ***Гужарат султони***-236

84. ***Гужур навкари*** – Малик Ҳастнинг Сурупо исмли *гужур навкари* йўлбошчи бўлди – 173; Бу гуноҳлари учун уларга Сурупо исмли *гужурни* бошчи қилиб, сарпо бермай, саҳро ва биёбонга қўшинни кутиб олиш учун жўнатдик-174

85. ***Дакан султонлари***- Бироқ шу кунларда *Дакан султонларида* на куч, на эътибор қолганди-203

86. ***Дарбон*** – Бадахшондагилар бир бўлак: Русто ҳазорасидаги Сайдим Али *дарбон*, Панжҳир йўли билан ошиб ушбу юртда бизга бош эгиб келишди-103; Охири Сайдим Али *дарбоннинг* бир зўр навкарини бировнинг бир кўза ёғини тортиб олгани учун ўрдага *келтириб* таёқлатдим-104; Шулардан бири Сайдим Али *дарбон* эди, қолиб Бадиуззамон мирзога навкар бўлди-147

87. ***Дарвеш*** – 31; Абутуроб мирзо Ироқда сипоҳийликни тарк қилиб, *дарвешлик* ихтиёр қилипти – 130

88. ***Дарвоза қўриқчилари*** – Ғори Ошиқон тўғрисидан шоти қўйиб чиқиб келиб, Феруза *дарвозасидаги қўриқчилар* устига юриб, дарвозани қўлга олиб, бизга киши юборинглар, деб буюрдик – 78

89. ***Дарвозабон***- Ўша дарвозада турганда Кўли Гил *дарвозабони* Кичик Али мардоналик изҳор қилди-95

90. ***Даста бошлиғи***- Дўст Сарипулий пиёда Кобулда мардоналиги туфайли ҳурмат-эътибор топган, ўша ерда Кобулда соқчи *даста бошлиғи* мансабига қўйилган эди, у менга тик қараб бостириб келарди – 151

91. ***Дасторпеч***- Саллани (Умаршайх мирзо) *дасторпеч* (махсус салла ўрайдиган киши) ўраб қўярди-32

92. ***Дасторпеч танқўриқчи*** – Ўша куни *дасторпеч танқўриқчи* Халил майдонда яхши жанг қилиб, роса ўзини кўрсатди – 65 (*Дасторпеч*- махсус салла ўрайдиган киши-32)

93. ***Дастурхон солувчи*** – *Дастурхон солувчи* хато қилибди – 77

94. ***Девон*** – Мирим *девон* – 67; Қўрғондагилардан Мирим *девон* ва яна баъзиларни бу уйларни ахтариб, Муҳаммад Ҳусайн мирзони топиб келиш учун юбордик- 153; Чоршанба куни Борикобда тўхтаганимизда Ҳиндустонда қолган Нурбекнинг укалари Хожа Ҳусайн *девон* Лаҳур холисотидан (даромадидан) юборган йигирма минг шоҳрухий олтин ашрафий ва тангаларни олиб келишди – 189; Мағфур *девонга* ҳам шундай фармон бўлди-232; Аскарийга *девонда* бош ўринга ўтириш ҳукм бўлди-258; Хожа Ҳасан *девон* девонийлар (маҳкамадагилар) билан кўмакка кетди-281

95. ***Девон беклари***- Темурбек ўзига девонда бир улуғ пештоқ (айвон) ва яна ўнг ёнида ҳамда сўл ёнида вилоятлар беклари билан *девон беклари* маҳкамалари учун икки кичикроқ пештоқ қургандир-58

96. ***Девон кишилари***- Эл аро буюк вазирлар вазири Хожа Камолиддин Ҳусайнни *девон кишилари* гуруҳи билан уларнинг кўмагига юбордим-239

97. ***Девонийлар (маҳкамадагилар)***- Хожа Ҳасан девон *девонийлар(маҳкамадагилар)* билан кўмакка кетди-281

98. ***Декча*** – Ҳасан *декча* (Ахсининг улуғларидан)- 65

99. ***Деҳқон***-Балхлик бир *деҳқонни* қовун экиш учун қўйгандим-279

100. ***Деҳли вилояти девони***- Вали қизилга Деҳлининг эшикдорлиги (солиқ йиғувчиси мансаби) ни тақдим этиб, Дўстни *Деҳли вилоятига девон* қилдим, бор хазинани муҳрлашни ва бутун жавобгарликни уларнинг зиммасига юкладим-201

101. ***Деҳли вилояти эшикдорлиги***- Вали қизилга *Деҳлининг эшикдорлиги (солиқ йиғувчиси мансаби)* ни тақдим этиб, Дўстни Деҳли вилоятига девон қилдим, бор хазинани муҳрлашни ва бутун жавобгарликни уларнинг зиммасига юкладим-201

102. ***Деҳли султонлари***- Султон Шаҳобиддин Ғурийдан кейин-Султон Ферузшоҳнинг ҳукмдорлиги сўнгигача Ҳиндустоннинг катта қисми *Деҳли султонлари* қўл остида бўлган экан-203

103. ***Дивтий(Ҳиндустон)***- Шам ва машъала ўрнига кўп чиркин кишилари бор, уларни *"дивтий"* дейдилар, чап қўлларида бир учоёқни ушлаб турадилар. Подшоҳ ва бекларининг кечалари шамга эҳтиёжи бўлса, мана шу кир-чир *дивтийлар* бу чироғни келтириб, уларнинг тепасида ушлаб турадилар-217

104. ***Дизак қўрғонбеги*** – 84

105. ***Дилазок маликлари*** – 182; Бизни бу юришга ундаган *дилазок маликлари* хижолатда қолдилар -183

106. ***Дилазокнинг амалдорлари***- Бухон ва Мусо бошчилигида *Дилазокнинг амалдорлари* ҳам шу куни келишди -182

107. ***Доруға*** – Мен Бурка яйлови орқали Ёряйлоқнинг *доруғаси* турадиган Сангзор қўрғонига келдим-61; Баъзилар *доруғаларни* тутиб, қўрғонларини биз учун беркитдилар- 79

108. ***Дўкондорлар*** – *Дўкондорлар* дўконларидан қараб, таниб дуо қилардилар-78; Баъзи хабардор бўлган арбоб ва *дўкондорлар* келиб, нашъа ва шодмонликлар билан кўришиб, егуликлар келтириб, дуолар қилдилар-78

109. ***Дурадгор***- Дўлпурда ишлайдиган сангтарош, *дурадгор* ва барча мардикорларга Оградаги усталар ва ишчилар одатига кўра, инъомлар бўлди-260

110. ***Ейотарлар***-У ерларда бўлган *ейотарлар* ва сипоҳийларга биз томонга оғдирадиган чақириқ фармонлари юборилди-221

111. ***Ейчилар***- Миёни дуоб *ейчиларидан* икки-уч минг сипоҳийни ҳам хизматимга олиб келди-221; Ўтган йилги тартиб бўйича Сарандаги хизматлари ҳамда Кандладаги *ейчиларни* таъминлаб туриши учун маош иноят қилинди-276

112. ***Ёмчи(элчи, чопар)***- *Ёмчи (элчи, чопар)* ва сайисга улуфа(маош ва озиқовқат), отларга ем-хашак тайинлансин. Агар бу ём отлари боғланадиган ер бирор холисага (давлат ерларига) яқин жойда бўлса, унинг ҳаражатлари ана шу ердан ундирилсин, агар ундай бўлмай, бирор бекнинг вилоятида жойлашган бўлса, унинг таъминоти ўша бекнинг зиммасига юклатилсин-259 (*Ём оти* - у шаҳардан бу шаҳарга хат, хабар етказувчининг ҳар бекатда алмаштириб минадиган оти-259)

113. ***Ёрдамчи бўлинма бошлиғи*** - Шу боис *ёрдамчи бўлинмага бошчилик* қилаётган Абдулазизни ўнг қанотни мустаҳкамлаш учун юбордик - 200

114. ***Ёрдамчилар***- Устод Алиқули қозоннинг тош уйини чиқариб, *ёрдамчиларига* уни ислоҳ қилишни тайинлаб, ўзи қозоннинг (тўпнинг) дорихонасини қуйиш билан машғул бўлди-225

115. ***Ёряйлоқ доруғаси***- Мен Бурка яйлови орқали *Ёряйлоқнинг доруғаси* турадиган Сангзор қўрғонига келдим-61

116.***Жагҳат*** – Жалолхон *жагҳат* ва баъзи амирлар келиб Оламхон билан кўришадилар – 193; Бу вақтда Калпийда бўлган Оламхон ва Жалолхон *жагҳатдан* хабарлар келиб турарди, ўзлари келмасди-229

117.***Жанг-жанг*** – Ғул тайинланган жойда Муҳаммад Али *жанг-жанг* ва укаси Наврўз, ҳар қайсиси биттадан шотига чиқиб ғанимга найза ва қилич тегиздилар – 164

118. ***Жанжуҳа ҳукмдори*** – Жойлашганимиз заҳоти Лангархонни *Жанжуҳа ҳукмдори* Малик Ҳастни олиб келишга юбордик-168

119. ***Жарроҳ***- *Жарроҳнинг* ихтиёри биланми ё бехосданми наштардан Султон Али мирзонинг кўзларига ҳеч бир зарар етмади-50; Ярамга қарашга Атика бахши исмли мўғул *жарроҳини* юборибдилар. Мўғул халқи *жарроҳни* ҳам бахши дейди. У *жарроҳликда* жуда моҳир эди-93

120. ***Жибагар***[160]-Ўша куни мен Саййид Дакний Шерозий *жибагарга (жибагар-қурол ишловчи-255)* сарпо кийдириб, фаввораи қудуқ қурилишини ўз билганича якунлашини буюрдим-255

121. ***Жибачи***[161]- Яна ўқотарлар ва устод Муҳаммад Амин *жибачининг* аҳволидан ғофил бўлманг-264-265

122. ***Жолабон***[162] ***(солчи)*** – Бу мулоҳазаларга қарамай, эрта билан йўлга тушиб Синд дарёсининг кечигига қараб йўналдик. Кечикни кўриб келиш учун Мир Муҳаммад *жолабон (солчи)* ни ака-укалари, яна бир неча йигитлар билан кечикнинг юқори ва пастки тарафларига юборилди – 168; Лашкарнинг кўч-кўрони, пиёдалар, эшакларни *жолабонлар* олиб ўтдилар – 168; Руҳдам, Тангриқули, Мир Муҳаммад *жолабон* сол тоққа урилгач, сувга йиқилдилар-181; Гарчи сол чўкиб кетмаган бўлса-да, Мир Муҳаммад *жолабон (солчи)* сувга йиқилиб тушди – 188; Мир Муҳаммад *жолабонни* кўприк қуришга ярайдиган жой танлаб, кўприк қуришда керак бўладиган асбобларни ҳозирлаш учун жўнатдик-249; Аваддан етти-саккиз курўҳ юқоридаги Сару дарёси

---

[160] Жиба- Металлдан тўқиб ясалган қадимги уруш кийими, жева, совут, темир кийим. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.224

[161] Жибачи- 1. Хон саройидаги мансаблардан бири, жевачи; 2. Яроғ-аслаҳа омборининг бошлиғи; 3. Жиба ясовчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.224;

[162] Жола-форсча-1. Дўл; 2. Шудринг; шабнам; 3. Мажозий-Ёш, кўз ёши; Жолаи ноб-Ялтироқ дўл. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.739

қирғоқларини ов қилиш учун яхши ерлар деб мақтадилар. У ерга Мир Муҳаммад *жолабонни* юбордик. Гагар ҳамда Сару дарёларининг кечикларини кўриб келди-250; Мир Муҳаммад *жолабонга* ҳам Ганг дарёси устига яхши кўприк солгани учун мана шундай муносиб совға инъом бўлди-260; Мир Муҳаммад *жолабон* Сару дарёсининг юқорисида ўтадиган яхши жой бор, деб маълум қилди. У айтган ердан лашкар кечиб ўтаверсин, деган фармон бўлди-274; Душман ортидан дарёдан кечиб ўтиш ниятида олдинроқ *жолабонлардан* бир-икки кишини бориб кемаларни олиб келиш учун Калпийга юборгандик-278

123. ***Жосус***- Икки намоз орасида Тожихон Сарангхоний келтирган хабар ҳам *жосуснинг* хабарига тўғри келарди-267; Бангола лашкаридан икки *жосус* келиб, Маҳдуми Олам бошчилигидаги банголийлар Гандак дарёси қирғоғининг йигирма тўрт жойида қисмларга бўлиниб, тупроққўрғонлар кўтараётганлари ҳақида хабар берди-270

124. ***Жўнпур ҳокими*** – Ҳозир *Жўнпурга* шериклик билан *ҳокимлик* қилаётган Султон Жунайд барлоснинг отасидир-135

125. ***Зодагонлар***– Арбоблар ва *зодагонлар*, шаҳар улуғлари мени келиб кўриб, қутлуғ бўлсинлар қилдилар – 78

126. ***Ижарага олувчи***- Омилкор, *ижарага олувчи* ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаммаси шу ҳиндулардир-217

127. ***Икрак*** – Сешанба куни Чаноб вилоятини Ҳусайн *икракка* иноят, унга ва чанобликларга уйларига кетишлари учун рухсат бердик – 172; Нариги солда ўтирган Асас, Ҳасан *икрак* ва Мастийга шу бўзадан ичинглар деб буюрилди. Ичиб, маст бўлиб Ҳасан *икрак* бемазагарчилик қила бошлади – 188

128. ***Имом***-Калом илми *имомларидан* бўлган Шайх Абумансур Самарқанднинг Мотурид номли маҳалласидандир-55; Тахтга ўтирган пайти (Султон Ҳусайн мирзо) ўн икки *имомни* хутбада ўқитиш ниятида бўлган экан-128; Мавлоно Маҳмуд Форобий *имомлик* қилдилар-263; Шу боис, ойнинг ўн биринчисида, якшанба куни Қанбар Али арғунни Шайх Шарифни, Лаҳўр *имомларини* югурдаклари билан ҳамда Абдулазизни ҳузуримизга олиб келишни тайинлаб жўнатдик-279

129. ***Ички беклар*** – Марказда катта беклардан ҳеч ким йўқ, ҳаммаси *ички беклар* эди – 118 – 119; Эрталаб Муҳаммадий, Аҳмадий, Султон Жунайд, Абдулазиз, Муҳаммад Али жанг-жанг, Қутлуққадам ва бир неча *ички бекларга*

ичкарига кириб хазина ва бор мол-мулкни олиб чиқишлари учун фармон бўлди-194

130. ***Ички беклар давраси***-Султон Аҳмад Танбалга келсак, уни қадрладим: у *ички беклар даврасида* эди, улуғ беклар даврасига қўшдим-59

131. ***Ичкилар***- Дейдиларки, хилватларда маҳрам ва *ичкиларидан* ҳам оёқларини бекитар экан-39; Мен билан қолган беклар, *ичкилар* ва йигитлар аксариятининг кўчлари Андижонда эди-61; Бир гуруҳни баъзи бек ва *ичкилар* бориб, ўраб олиб, тамоман ўлдирдилар – 155; Бу хабар етиб келгач, Гадойи тағойи, Поянда Муҳаммад қоплон, Абулҳасан қўрчи, Мўмин атка бошчилигидаги *ичкилар* ва йигитларни отларининг жиловларини бўш қўйдириб зудлик билан илгарироқ жўнатиб, ўзим ҳам тез бордим – 180

132. ***Иш усталари***- Қўрғонга кириб уй ва капа ерларини тайин қилиб, *иш усталари* ва назоратчилар қўйиб, юртга келдик-54

133. ***Ишбоши***- 66

134. ***Ишлаб чиқарувчилар***- Омилкор, ижарага олувчи ва *ишлаб чиқарувчиларнинг* ҳаммаси шу ҳиндулардир-217

135. ***Ишчи***- Яна яхши бир жиҳати шуки, *ишчи* ва ҳунармандлари жуда кўп-218; Ҳиндустонда яна бошқа кўплаб ҳунарманд ва *ишчилар* ҳаддан зиёд кўп-218; Дўлпурда ишлайдиган сангтарош, дурадгор ва барча мардикорларга Оградаги усталар ва *ишчилар* одатига кўра, инъомлар бўлди-260; Устод Алиқули ва Мустафо зарбзан отиш, тўп ўрнатиш, мўлжор кўтариш, ер текислаш ишлари учун белгиланган жуда кўп белчи ва *ишчиларга* назоратчи қилиб тайинланди-272

136. ***Йигитлар*** - Мен билан қолган беклар, ичкилар ва *йигитлар* аксариятининг кўчлари Андижонда эди-61

137. ***Йўлбошчи*** – Мақомда келиб бизларга қўшилсин, деб Хожа Мирмирон бошлаб келаётган уруқни кутиб олишга *йўлбошчи* юборилди – 167

138. ***Калпўк*** – Андижон қўрғонида Танбалнинг кичик иниси Султон Муҳаммад *Калпўк* турарди – 91

139. ***Канизаклар***-40

140. ***Канизлар***-33; Чўри ва *канизлари* кўп эди-35

141. ***Карвонбоши***- Ойнинг учинчисида, шанба куни Кобулдан *карвонбоши* бўлиб келган Ҳиндубекни Али Юсуфнинг ўлими боис Санбалга юборган эканлар, келиб менга илтифот қилди-279

142. ***Каркандоз***- Айрим ҳиндустонликлар лашкарни ташлаб қоча бошладилар: Ҳайбатхон *каркандоз* Санбалга қочиб кетди, Ҳасанхон Баривал қочиб, кофирларга қўшилди-234

143. ***Карнон қўрғонбеги***-*Карнон қўрғонбеги* Банда Али эди-97

144. ***Катта амма бегимлар***- Сафар ойининг учинчисида, шанба куни *катта амма бегимлардан* уч бегим: Гавҳаршодбегим, Бадиулжамолбегим, Оқбегим; кичик бегимлардан: Хонзодабегим, Султон Масъуд мирзонинг қизи, яна Султонбахтбегимнинг қизи ҳамда Зайнаб Султонбегим деган янгачечамнинг набираси келиб, Туътадан ўтиб, шаҳар ташқарисида дарё қирғоғида тўхтаган эдилар, аср ва шом намозлари орасида бориб, уларни кўрдим-254

145. ***Катта беклар*** – Марказда *катта беклардан* ҳеч ким йўқ, ҳаммаси ички беклар эди – 118-119; *Катта беклардан* ҳеч ким йўқ эди – 159; Катта – кичик беклар катта – кичик сочқи келтирдилар – 163

146. ***Катта элчи***- Икки хожага ҳамда ва икки *катта элчи*-Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг укасига кумуш тоши билан олтин ва олтин тоши билан кумуш тортилиб, инъом қилинди-259;

147. ***Каҳаара(Ҳиндустон)*** - Шу куни Мағфур девоннинг бир навкарига юз эллик *каҳаара (юк ташувчи, ишчи)* бериб, қовун, узум ва мевалар келтириш учун Кобулга юбордик- 279

148. ***Кема тортувчи кишилар***- Шу куни аср намози чоғи бир неча кемани Сару дарёси бўйлаб душман қаршисидан юқорига тортиб ўтишларини буюрдик. *Кема тортувчи кишилар* қўрқмасдан ва ёпинмасдан бир неча кемани тортиб ўтказдилар-273

149. ***Кемаларга белгиланган беклар*** – *Кемаларга белгиланган беклар*, котиблар ва маҳкама ходимлари лашкардаги аскарлар сонини аниқлаб, маълум қилдилар – 191

150. ***Кемаларни муҳофаза қилувчилар***- Эсон Темур Султон, Тўхта Бўға Султон, Бобо Султон, Оройишхон ва Шайх Гуранга бу кемалар ўтган ерда туриб, *кемаларни муҳофаза қилишлари тайинланди*-273

151. ***Кемачилар***- Маҳмудхоннинг Секандарпурдаги шиқдоридан: "Ҳалдий кечигида элликтача кема йиғиб, *кемачиларга* хизмат ҳақи берганман, аммо *кемачилар* Банголийнинг келиши ҳақидаги гаплардан қаттиқ ваҳимага тушган", -деган хабар келди-272; Бир *кемачининг* оёғига тош тегиб, оёғи синди, ўта олмадик-274

152. ***Кенгаш беклари***-Эртаси, шанба куни *кенгаш бекларини* чақириб, ойнинг ўнинчисида, пайшанба куни Пураб сари жўнашга қарор қилинди-262б

153.***Кетмончилар***- Арава киролмаган ерга хуросонлик ва ҳиндустонлик белчи ҳамда *кетмончиларни* солиб, ҳандақ қаздирилди-231

154. ***Китобдор*** – Дарғам қирғоғидан Хожа Яҳёга Хожа Муҳаммад Али *китобдор* юборилди- 75; Дўст Носир, Хожа Муҳаммад Али *китобдор*, Бобо Шерзод, Шоҳ Муҳаммад ва яна бир неча йигит отдан тушиб, бориб, ўқ отдилар – 151; Бир камолини уч бўлиб, бир ҳиссани мен едим, бирини Гадойи тағойи, яна бирини Абдулло *китобдор* едилар- 165; Турди Муҳаммад қипчоқ билан Мулло *китобдорни* ҳам мажлисга чақиртирдик – 178

155. ***Кичик бегимлар***-Сафар ойининг учинчисида, шанба куни катта амма бегимлардан уч бегим: Гавҳаршодбегим, Бадиулжамолбегим, Оқбегим; *кичик бегимлардан:* Хонзодабегим, Султон Масъуд мирзонинг қизи, яна Султон-бахтбегимнинг қизи ҳамда Зайнаб Султонбегим деган янга-чечамнинг набираси келиб, Туътадан ўтиб, шаҳар ташқарисида дарё қирғоғида тўхтаган эдилар, аср ва шом намозлари орасида бориб, уларни кўрдим-254

156. ***Кичик беклар***-43; Бек ва *кичик беклар*, навкар ва тобин бир эшаклик-бир эшаклик, қоп-қоп оқ тангани уловларига юклаб, кўтариб олиб кетардилар-161; *Катта – кичик беклар* катта – кичик сочқи келтирдилар – 163

157. ***Кичик тунқатор***- *Кичик тунқатор* шу ерда ҳалок бўлди-191

158. ***Кичик хон*** – Қоратегин ва Олой билан ўтиб, *кичик хон* тоғам Олача-хонга борсакмикан деб ҳам хаёл қилган эдим, бу муяссар бўлмади – 76; *Кичик хон* рўпарадан кеkларди – 89; *Кичик хоннинг* ҳузуридан чиқиб, ўзимнинг ўрдам-га келдим -93

159. ***Кичкина тун посбони***- Ўша куни у тарафдаги бекларга жанг майдони-да қўшини қисмларининг жойлашишини тайин қилиб, *Кичкина тун посбони* орқали фармон бердим, аскарларини отлантириб, белгиланган ерга зудлик билан етиб келишларини буюрдим-181

160. ***Кобул қалъабеги*** – 125

161. ***Кобул шоҳи***-105

162. ***Котиблар*** – Уларнинг (аскарлар) ҳар бирига чаксон жериб (таноб) ер берадилар: бундан қирқ танобига экин экиб, ҳосилидан ўзлари баҳраманд бўладилар ва *котиблар* буни уларнинг маошига қўшиб ҳисоблайдилар – 129; Ҳофиз Жубайр *котибнинг* акаси Самарқанддан келганди – 179; Бигромда

турган кунимиз баъзи бек, хос амалдор, *котиб* ва маҳкама бошлиқларидан олти-етти кишини саркор қилиб, Нилоб кечигида кемадаги аскар халқини номма-ном ёзиб, сонини аниқлаб келишларини тайинладим – 190; Кемаларга белгиланган беклар, *котиблар* ва маҳкама ходимлари лашкардаги аскарлар сонини аниқлаб, маълум қилдилар – 191; *Котибларни* чақиртириб, бу рўй берган икки буюк воқеа хабарини билдириш учун фармонлар битишни буюрдим-232

163. ***Кошғар хони*** – Султон Саидхон – *Кошғар хони* беш-олти яёв-яланг билан келди-153

164. ***Кўйил шаҳарчаси ҳокими***-282

165. ***Кўкалдош (аёллар)***-Яна бири Қутуқбегим, ўша Тархонбегимнинг *кўкалдоши* эди-40; Суюкли хотини Попо Оғача бунинг *кўкалдоши* эди – 132; Шу сафар тўхтаган қўнимжойда эканимизда менинг холам Давлат Султонхонимнинг Қутлуқ Муҳаммад деган *кўкалдоши* Кошғардан, Хоним ҳузуридан хат-хабар келтирди-182

166. ***Кўкалдош (эркакларники)***-Мен ва Муҳаммадий *кўкалдош* икковимиз келдик, бегим ва бегимнинг ёнидагилар танимадилар-33; Ҳайдар *кўкалдош* мўғул лашкарининг улуғ таянчи, ҳужумчилик қисмининг бошлиғи эди-46; Ворисларининг рухсати билан якшанба куни (Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимни) шу боққа келтириб, мен ва Қосим *кўкалдош* тупроққа топшир-дик – 123; Хисрав *кўкалдош* билан Аҳмадий парвоначини бир тўда кишилар билан уруқни кутиб олиш учун юбордик-167

167. ***Кўли Гил дарвозабони***- Ўша дарвозада турганда *Кўли Гил дарвоза-бони* Кичик Али мардоналик изҳор қилди-95

168. ***Кўмакчилар қисми бошлиғи***-Яна Саййид Қосим ҳам *кўмакчилар қисмига бошлиқ* бўлиб тайинланди-264

169. ***Кўрагон***-Учинчи қизи Хўб Нигорхоним эди, Муҳаммад Ҳусайн *кўрагон* дуғлатга берган эдилар-34

170. ***Курашчи полвон***- 141; Улардан кейин *курашчи полвонлар* кураш тушдилар-259

171. ***Кутвол*** – Оти зикр этилган Дўст Пиёда *кутволнинг* оёғига ўқ тегиб, Кобулга келганда ўлди – 155

172. ***Кўҳбур*** –Абулқосим *кўҳбур*-52; Мирзохоннинг ортидан юборилган Аҳмад Қосим *кўҳбур (тоғкесар)* ва яна бир неча йигитлар Қарғабулоқ қирларида Мирзохонга етдилар – 153

173. ***Кўҳистон беклари***- Юқоридан *Кўҳистон беклари* (Муборакшоҳ ва Зубайр) ҳам отлиқ-яёвини йиғиб жангга киришлари билан ўзбаклар туриш бера олмадилар, қочдилар-142

174. ***Куштигир***[163]- Ўша куни паҳлавон Содиқ билан Улуғ Авадий *куштигир* кураш тушдилар-279

175. ***Лашкар сардорлари***-50; Ушбу *лашкар сардори* Фазли лашкарни эҳтиёт қилмай, бундоқ сўқмоқ йўлда ва паст-баланд ерда талон-торож учун тарқатиб юборади- 122

176. ***Лашкарбеги*** – Шунга келишиб, Айюб бекчикни тумани (ўн минг аскарлик лашкари), Жон Ҳасан боринни ўз қисми, Муҳаммад Ҳисорий дуғлат, Султон Ҳусайн дуғлат, Султон Аҳмад мирзо дуғлатнинг ўзини (Дуғлат тумани буларда эмас эди), Қанбар Али ва Сориғбош мирзо итарчини *лашкарбеги* қилиб менга қўшдилар – 89-90; Қанбар Али ва Сориғбош мирзо итарчини *лашкарбеги* қилиб менга қўшдилар – 90

177. ***Лоҳўр ҳокими*** – У ҳам шу сабабдан қўрқув ва ваҳимага тушиб, бу вилоятларни ўша пайтлари *Лоҳўр ҳокими* бўлган Татархон Юсуфхайл ўғли Давлатхонга топширди - 70

178. ***Мавлоно*** – Шундан бири *Мавлоно* Абдураҳмон Жомий эди: дунёвий ва диний илмларда у замонда унинг даражасидаги киши йўқ эди- 137; *Мавлоно* Саъдуддин Тафтазоний наслидандир -138; Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Суҳбат ул-аброр”и ҳам шу вазнда битилган-255; *Мавлоно* Маҳмуд Форобий имомлик қилдилар-263

179. ***Мавлонойи***- Хожа *Мавлонойи* Қозининг исми Абдуллодир-60

180. ***Мажам*** – Саййид Юсуф *мажам* уларнинг улуғи эди – 72

181. ***Маликлар***-147; Юсуфзай афғондан *Малик* Сулаймоншоҳнинг ўғли Маликшоҳ Мансур келган эди – 166; Уларнинг бир мўътабар улуғ кишисини рой деб улуғлайдилар, унинг ука ва фарзандларини *малик* дейдилар – 168; *Малик* Бухон ва *Малик* Мусо бошчилигидаги дилазок афғонларнинг улуғлари-

---

[163] Куштигир-форсча- Яккама-якка кураш тушувчи, полвон, паҳлавон. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.324

дан олти кишига Ҳиндистон совғаларидан юз мисқолдан кумуш, бир тўнлиқ (кийимлик) мато, учтадан ҳўкиз, биттадан говмиш бериб, бошқаларга ҳам мавқеига муносиб тарзда пул, мато, ҳўкиз ва говмиш иноят қилдик-175; Овдан қайтиб Алангорда *маликлар* боғида тўхтаб, суҳбат қурдик – 188

182. ***Мандав султони (Ҳиндустон)***-204

183. ***Манду султони***-236

184. ***Марғинон қўрғонбеги*** –Бир неча кундан сўнг *Марғинон* эли ҳам *қўрғонбегини* уриб қувлаб, менга қўшилди- 90

185. ***Мардикорлар***- Дўлпурда ишлайдиган сангтарош, дурадгор ва барча *мардикорларга* Оградаги усталар ва ишчилар одатига кўра, инъомлар бўлди-260

186. ***Маснавийгўй (достончи)***- Яна, Абдуллойи *маснавийгўй (достончи)* эди-140

187. ***Масхарабоз*** – Кейинроқ Ғиёс *масхарабоз* келди – 178

188. ***Махсус аскарлар***- Жума куни марказдан *махсус аскар* тўдаси, ўнг қўл ва чап қўл йигитлари ҳамда милтиқлилар пиёда ўтдилар (310)-249

189. ***Махсус диний вазифалар***- Хожа Атонинг *махсус диний вазифалари* ҳам бор экан -137

190. ***Махсус ошпаз*** - Қул Боязид ёлғиз, яйдоқ от билан, кўмаксиз Синд дарёсидек сувдан от суздириб кечиб, ғанимларни қочириб, ерларини олди. Зўр мардона иш қилди. Ёвни қочиргандан сўнг лашкар эли ўтиб, мато, мол-ҳол ўлжа келтирдилар. Қул Боязид бундан бурун ҳам бир неча мартаба ана шундай хизмат ва мардоналиклар кўрсатган эди, обрў-эътибори билан шуғулланиб ошпазлик мартабасидан *махсус ошпаз* мартабасига етказиб эдим – 120

191. ***Махфий кишилар***- *Махфий кишилар* бориб акам ва янгам билан (Поянда Султонбегимни "ака", Ҳабиба Султонбегимни "янга" дер эдим) сўзлашиб, шунга келишилдики, янга менинг ортимдан қизини олиб Кобулга борадиган бўлди-147

192. ***Маҳкама бошлиқлари*** – Бигромда турган кунимиз баъзи бек, хос амалдор, котиб ва *маҳкама бошлиқларидан* олти-етти кишини саркор қилиб, Нилоб кечигида кемадаги аскар халқини номма-ном ёзиб, сонини аниқлаб келишларини тайинладим – 190; Хожа Муршид Ироқийни Биҳар атрофидаги ерларга *маҳкама бошлиғи* қилиб, Турди Муҳаммадга қўшиб юборилди-269

193. ***Маҳкама ходимлари*** – Кемаларга белгиланган беклар, котиблар ва *маҳкама ходимлари* лашкардаги аскарлар сонини аниқлаб, маълум қилдилар – 191

194. ***Маҳкамада муҳр босувчи***- Мен Кобулдан келган пайтлари Хожа Афзални бек қилиб эдилар, *маҳкамада муҳр ҳам босарди*-137

195. ***Маҳрам***[164]- Дейдиларки, хилватларда *маҳрам* ва ичкиларидан ҳам оёқларини бекитар экан-39; Шоҳбекнинг Сунбул деган қулини тутиб келтирдилар. У аввал унинг *маҳрами* бўлсада, унча ҳурмат – эътибор топмаган эди – 160

196. ***Мават ҳокими***-280

197. ***Мават ҳукмдори***-Тўрт манзилда тўхтаб, *Мават ҳукмдори* ўтирган Алвар қўрғонидан олти куруҳлик масофада Маанас дарёси қирғоғига келиб тушдик-241

198. ***Меҳтар***[165]– Ҳазрати Нуҳ пайғамбарнинг отаси *Меҳтар* Ломнинг қабри Алишанг туманидадир – 108

199. ***Милтиқлилар***- Устод Алиқули ва *милтиқлиларга* сиёсат учун асирларни милтиқ билан қириб ташлаш буюрилди – 197; *Милтиқлилар* шу арава ва тўра – қалқонлар ортида туриб, милтиқ отадилар – 198; *Милтиқлилар* ҳам жуда кўп ўқ отдилар-249; Мир Муҳаммадга, *милтиқлилардан* паҳлавон Ҳожи Муҳаммад, паҳлавон Баҳлул ва Вали Порсийга якка ханжар (биттадан ханжар) инъом бўлди-260; Уларга марказнинг ўнг ва чап тарафларидан *милтиқлиларни* ўртага олиб жанг қилишларини буюрдим-281

200. ***Милтиқчи*** – Ойнинг иккинчисида, жума куни Шайбоқ пиёда ва Дарвеш пиёда, ҳозирда у *милтиқчи* бўлганди, Кобулдан хабарлар келтирдилар – 171;

201. ***Мингбеги***- Жўнаб кетган илғор беклари: Боқи *мингбеги*, Турдибек Қучбек, Ошиқ баковул, Мулло Опоқ, Муҳсин дўлдой, Ҳиндустон бекларидан: Шайх Гуран-246

202. ***Минглиғбек***-Иброҳим соруйи *минглиғбек* (Бобурнинг мулозимларидан)-61

---

[164] 148-иқтибосга қаранг-муаллифлар.

[165] Меҳтар-форсча- 1.Улуғ, катта; 2. Элчи; 3. Сурнайчилар бошлиғи; Меҳтари аъзам- Улуғ элчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б. 390.

203. ***Мир*** – *Мир* Алишер Навоий-29; *Мир* Саййид Али Ҳамадоний раҳматуллоҳ саёҳат қилиб келиб, Кунардан бир шаръий юқорироқда вафот этганлар – 109; Бири *Мир* Сабараҳна эди – 137; Яна, *Мир* Муртоз эди-138; Яна, *Мир* Жалолиддин муҳаддис эди-138; Яна, *Мир* Муҳаммад Юсуф эди -139; Баяна *мири* (Ҳиндустон)-222

204. ***Мирак*** - У фурсатда Мажididдин Муҳаммад парвоначи (вазир муовини) эди, уни *Мирак* дер эдилар-137; Ҳофиз *Мирак* битди – 162; Ҳумоюннинг навкари Бек *мирак* мўғул бир неча йигит билан кофирдан хабар олиб келиш учун юборилди-231

205. ***Мирзо***- Умаршайх *мирзо*-30; Бу мардона киши Бойсунқур *мирзонинг* бекотаси эди-46; Жаҳонгир *мирзо* ва тағин баъзи авлодининг мақбаралари ўша ердадир-58; *Мирзолар* яқин етиб ҳеч иш қила олмай қайтдилар-101; *Мирзолар* ҳам жангга саф тортиб чиқадилар – 157; Ушбу пайтгача Темурбекнинг авлодини салтанат юзасидан *мирзо* дер эдилар. Ушбу навбат мен мени подшоҳ десинлар, деб буюрдим – 162

206. ***Миришкор***[166]– Уни Шайхим *Миришкор* парваришлаган эди – 175

207. ***Мирохўр***[167]-Қосим *мирохўр* (Бобурнинг мулозимларидан)-61; Яна, Мир Али *мирохўр (шоҳ сайиси)* эди – 136; Муҳаммад бахши ва Абдулазиз *мирохўр* ва мир Хурд баковулга Чашмайи Пара довонини айланиб, у ердан қирғовул овлашлари учун ҳукм бўлди -180; Оға *мирохўрнинг* уйи шу атрофда экан-186; Тўхтаган лашкаргоҳдан Қосим *мирохўрни* белчилар (ер қазувчилар) билан қўшин тушадиган жой – Мадҳакур вилоятида кўп чоҳлар қаздиришни тайинлаб, жўнатдик-230; Шу куни Абдулазиз *мирохўрнинг* Лаҳўрдан жумод улаввал ойининг йигирманчисида битилган хабари келди -268 (*Мирохўр*- 1) хон отбоқарларининг бошлиғи; 2) хирож ва бошқа даромадларни назорат қилувчи амалдор-268)

208. ***Мозор хизматчилари*** – Уч кўчишдан сўнг Пир Кону мозорига келиб тушдик. Лашкар элидан баъзилари *мозор хизматчиларига* озор бергани боис сиёсат учун биттасини парча – парча қилдирдим – 120

---

[166] Миришкор-(арабча+форсча-ов бошлиғи, овни бошқарувчи) 1.Ўз ишининг тажрибали, моҳир устаси; тажриба- кор, омилкор. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд. – Б. 600.

[167] Мирохур-форсча- 1. Подшо отбоқарларининг бошлиғи; 2. Подшоҳлик томонидан белгиланадиган ўрта даражадаги мансаб. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –Б.393-394.

209. ***Муаммойи*** – Мулло Муҳаммад Толиб *Муаммойи* Кобул аркининг таърифида бир байтни Бадиуззамон мирзо номига атаб ўқир эди – 106 ///// *Муаммоий* – Яна, Мир Ҳусайн *Муаммоий* эди. Зотан муаммони ҳеч ким унча ёзолган эмас. Ҳамиша вақти муаммо ўйлаб топишга сарфланар экан -140

210. ***Муаррих (тарихчи)***- Эртаси куни тонгда Хондамир *муаррих* (тарихчи), Мавлоно Шиҳоб муаммойи, Юнус Алининг қариндоши Мир Иброҳим қонуний хизматимга кириш ниятида Ҳиротдан чиққанларига анча вақт бўлганди, етиб келиб, хизматимга кирдилар-250

211. ***Мубаширбек*** – Муҳаммад Али *Мубаширбек* менинг янги ҳурматга лойиқ бекларимдан эди – 126 ///// *Мубашир*[168]-Муҳаммад Али *Мубашир* (Бобурнинг мулозимларидан)-61

212. ***Мўғул баҳодирлари***-280

213. ***Мўғул беклари***-62

214. ***Мўғул мирзодалари***-*Мўғул мирзодалари* орасида Султон Абусаид мирзо салтанатида унинг олддига тушадиган киши йўқ эди-37

215. ***Мўғул улуси хони***-31

216. ***Мўғулнинг туман беклари***- Унинг (Жаҳонгир мирзо) онаси Фотима Султон *мўғулнинг туман бекларидан* бирининг қизи эди-33

217. ***Музаҳҳиб***[169] – Дундан пастда бир – икки манзил ўтганимиздан сўнг Шоҳ Имод Шерозий Оройиш Хон ва Мулла Муҳаммад *Музаҳҳибнинг* хатларини олиб келди – 196; Гарчи Султон Жунайддан шундай жавоб келган бўлса-да, Сангаа кофирга қарши ғазовотдан кейин Банголага элчи қилиб юборган кишимиз-бугун келиши лозим бўлган Мулло Муҳаммад *музаҳҳиб* келтирадиган хабарни ҳам кутдик. Мулло Муҳаммад *музаҳҳиб* кечқурун, яъни шанба кечаси келиб мулозамат қилди-261; Якшанба куни Мулло Муҳаммад *музаҳҳибга* одатий ёдгорликларни топшириб, рухсат бердик-271

218. ***Муизиддин*** – Султон Шиҳобиддинни “Табақоти Носирий” китобида ва баъзи Ҳинд тарихида *Муизиддин (динни эъзозловчи)* деб ёзганлар - 111

219. ***Мулла***- Аскарийнинг *мулласига* ва икки тарбиячисига тугмалик чакмонлар, яна бошқа навкарларига тўққизтадан уч марта тўн инъом бўлди-

[168] Мубошир- (арабча- бажарувчи; бошлиқ, назоратчи) эск. 1. айн. Инспектор. 2. Бирор ишга бошчилик қилувчи, бошқарувчи, бошлиқ. 3. Тар. Солиқ йиғувчи амалдор. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. 2-жилд. – Б. 324.
[169] Бу атама ҳақида 150-истилоҳга қаранг.-муаллифлар.

258; *Мулла* Фаррух ҳамда ҳофиз бошчилигида келганларга чакмонлар кийдирилди-259

220. ***Мулло*** – *Мулло* Бобо мен сари боқиб ишора қилади – 77; Шайбоқхон Самарқандни олганда, *Мулло* Биноийни мулозим қилиб эди – 79; У фурсатда Пискент *Мулло* Ҳайдарнинг ўғли Абдулманнонда эди -86; *Мулло* Абдураҳмон Ғазнининг улуғларидан эди – 112; Давлатхонга ва Султон Иброҳимга битилган хатларни топшириб, оғзаки яна бир неча сўз айтиб, *Мулло* Муршидга рухсат бердик-171; Йўлда кайфиятни кўтариш учун *Мулло* Рафиъ тайёрлаган талқон дорини (сафуфни) ичдик-251; Ўнг қўлимда-мендан беш-олти қари нарида-Тўхта Бўға Султон, Аскарий, Ҳазрати Хожанинг фарзандлари Хожа Абдушшаҳид, Хожа Калон, Хожа Ҳусайний, Халифа ва яна Самарқанддан келган хожага қарашли ҳофиз (қори) ва *муллолар* ўтиришди-259; *Мулло* Қосим, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарош, Мирак Мирғиёс, Мир сангтарош ва шоҳ Бобойи белчига Огра ҳамда Дўлпурда солинадиган иморатларни эсларига солиб ва улар зиммасига юклаб, рухсат бердик-263

221. ***Мулло модарзод (туғма мулла)***- Муллозодаи Мулло Усмон Улуғбек мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтгани учун *Мулло Модарзод (туғма мулла)* дер эканлар -138

222. ***Муллозодаи*** – Яна, *Муллозодаи* Мулло Усмон эди-138

223. ***Муллозодайи Мулло*** – *Муллозодайи Мулло* Усмон ҳам чархликдир – 111

224. ***Мулозим*** – 36; Шайбоқхон Самарқандни олганда, Мулло Биноийни *мулозим* қилиб эди – 79; Аср намози пайтида Қосимбек, шаҳар қозиси, Кобулда қолган *мулозим* ҳамда арбоблар келиб, илтифот қилдилар – 176; Яқинда *мулозимларимдан* Абулқосим Жалойир қизиқ нарсани айтиб берди-208

225. ***Мулҳид (даҳрий)***- Бу ерларда ўттиз-қирқ йил Шаҳбозқаландар деган бир *мулҳид(даҳрий)* яшаб ўтган экан – 167

226. ***Мунажжим*** –56; Хожа Муҳаммад Али билан бирга Муҳаммад Шариф *мунажжим* ва Хост мирзолари ҳам келиб, менга хизмат қилиш ниятларини билдирдилар -178; *Мунажжим* Муҳаммад Шариф шумнафас ҳам улар билан бирга келди-231; Муҳаммад Шариф *мунажжим* шумнафас менга айтолмаётган бўлса-да, йўлида дуч келган одамга: шу кунлари Миррих ғарб томонда турибди, кимки шу тарафдан туриб уруш қилса-енгилади, деб муболағалар билан ишонтиришга уринарди-231-232

227. ***Мурид***[170]*– Муридлари* бу ердан Хатлонга элтибдилар – 109; Ўша пайт унга *мурид* тушган экан, сўнгра ғализ рофизий (шиа) бўлиб кетди – 130

228. ***Мусаввир***- *Мусаввирлардан* Беҳзод эди. Мусаввирлик ишини ўта нозик қилади -141

229. ***Мусиқачи***- *Мусиқачилардан* қонунни ҳеч ким Хожа Абдулло Марворийча чалолмас эди-141

230. ***Муҳаддис*** – Яна, Мир Жалолиддин *муҳаддис* эди. Ҳадис илмини Хуросонда унингдек биладиган киши йўқ эди, анча узоқ умр кўрди -138

231. ***Муҳр босувчи***- Мен Кобулдан келган пайтлари Хожа Афзални бек қилиб эдилар, маҳкамада *муҳр ҳам босарди*-137

232. ***Муҳрдор***- Отам ҳам қадрлаб, *муҳрдор* қилиб эди-52; Алишербек аввалари *муҳрдор* эди – 133; Ҳиндубекка кўмак учун Шоҳмуҳаммад *муҳрдорни*, яна бу ишга муносабати бўлган баъзи йигитларни тайинлаб, ҳар бирининг мавқеига яраша тирикчилиги учун маош белгиланди – 173; У ерга Халифанинг навкари Шоҳмуҳаммад *муҳрдорни* кўп насиҳатомиз сўзлар битиб жўнатдик-279; Хожа Калонбекнинг укаси Кичик Хожа *муҳрдор* ва хослар аҳлидан эди-286

233. ***Муҳтасиб***[171]– Мастам, эй *муҳтасиб*, имрўз зи ман даст бидор, Эҳтисобам бикун, он рўз ки ёби ҳушёр – 41*; Муҳтасибликни (диний ва дунёвий назорат)* ҳам ҳеч ким ундан ( Мавлоно Шайх Ҳусайндан) яхши бажарган эмас- 138

234. ***Мўътабар бек*** – Бойсунқур мирзо бир кишини ўз қўлида улғайтириб *мўътабар бек* қила оладиган истиқболли салтанатга эга бўлмади. Беклари отасининг ва амакисининг бекларигина эдилар – 69

235. ***Мўътабар савдогарлар*** – Хожа Хизр Нуҳоний афғонлар орасида машҳур ва *мўътабар савдогарлардан* эди – 119

236. ***Навкар*** - Изтироб билан отланиб, ёнимдаги *навкар* ва савдарларим билан қўрғонга йўл олдим-37; Хожа воқеасидан сўнг Хожага мансуб кишилар:

---

[170] Мурид- арабча-1.Талаб этувчи, истовчи; эргашувчи; 2. Тасаввуфда-бирор шайхга эргашувчи, эшонга қўл берувчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.418

[171] Муҳтасиб-арабча-Эҳтисоб этувчи; шариатга хилоф ишларни текширувчи; бозордаги тош-тарози ва нархларни назорат этувчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.442

*навкар,* хизматкор, қариндош ва аҳли оилаларини бутунлай туттириб талатдилар-61; Баъзилари қолиб мирзоларга *навкар* бўлдилар-147

237. ***Навкарлар бошлиғи***- Қалотнинг ичида Муқимнинг *навкарлари бўлиб, уларнинг бошлиғи* Қўч арғун ва Тожиддин Маҳмуд эдилар, уларни мол ва нарсалари билан Қосимбекка иноят қилдим – 160; *Навкарлар бошлиғи* хослар таянчи, тўғри ихлосли Хожа Маҳмуд Али атка ва ҳазрати султоннинг яқини, ҳоқоний давлатининг ишончи Низомиддин Али Халифани ўшалар кўмагига юбордик-239

238. ***Навкар-савдар***- Қолган *навкар-савдари* таланиб, енгилиб, уруғ-аймоқлари билан ушбу юртда менга қуллуқ қилиб келдилар-103

239. ***Назоратчи беклар*** *– Назоратчи беклари* бир – икки етим – есир билан қолган эди – 83

240. ***Назоратчилар*** - Қўрғонга кириб уй ва капа ерларини тайин қилиб, иш усталари ва *назоратчилар* қўйиб, юртга келдик-54; Вилоятдаги отлиқ ва пиёда аскарларга шошилинч хабар етказувчи беклар ва *назоратчилар* юборилди – 68; Ойнинг йигирма иккинчисида, чоршанба куни, Бҳиранинг улуғлари ва катта ер эгаларини чорлаб, бу юртда тўрт юз минг шоҳрухий моли амон беришларига қарор қилиб, *назоратчилар* тайинланди – 170; Хандақ қазиш ишлари учун Халифанинг ўзи отланиб, хандақ қазиладиган ерларни белчиларга кўрсатиб, улар устидан *назоратчилар* белгилаб келди-235; *Назоратчи* ва белчиларга тўпни ўрнатиш, тупроқ уйиб тепалик тиклашлари буюрилди-246; Ушбу кечанинг ўзида, якшанба кечаси эди, қўшинни отлантириш учун *назоратчилар* тайинланди-272

241. ***Найзабоз*** – Чап қанот четидан Қарокўзи, Абулмуҳаммад *найзабоз*, Шайх Жамол барин, Маҳдий ва Тенгриқули Пишағи муғулни тўлғамага сафладик – 199; Абдулмуҳаммад *найзабоз*-243; Бизнинг қўшинимиз Бурҳонпур дарёсидан ўтаётганда шундай хабар келди: Маъруф, Бибан ва Боязид Қаннўждан қочиб, Ирижга келиб, Шамсобод қаъласини Абулмуҳаммад *найзабоздан* куч билан тортиб олибдилар-283

242. ***Наққош*** – 69

243. ***Нингнаҳор тумани ҳокими*** – *Нингнаҳор туманининг ҳокими* Қиём Ўрдушоҳ солдан чиққанимизда келиб, илтифот кўрсатди - 187

244. ***Ноғорачи*** - Баъзилар пинакда, баъзилар уйқусираган, кечанинг учинчи қисми эди, бирданига *ноғорачимизнинг* уни ва сурон эшитилди- 90; Муғуллар

ёв кишиси деб хаёл қилиб, сурон солиб, *ноғорачи* ноғора чалиб, ўқ қўядилар-91

245. ***Нодир ул-аср****-Нодир ул-аср* Али Қули қўли остидагилар билан марказ олдида турди, унинг одамлари милтиқ, зарбзан ва тош отиш билан банд эдилар-281

246. ***Нойи*** – Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, Шайх *Нойи* ва Ҳусайн Удий бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар – 133

247. ***Нойи***- Яна, Шайхий *Нойи* эди-141

248. ***Нонвойлар***-57

249. ***Овчилар*** *–Овчиларнинг* уйлари тўғрисига етганимизда, *овчилар* битта данг деган қушни тутишган экан, олиб келишди-177

250. ***Оға*** - Яна бири Фотима Султон *оға* бўлиб, мўғул туман беклари авлодидан эди-35; Мўътабар чўриси Зуҳрабегим *оға* эди-45

251. ***Оғача***- Уларнинг бири Умид *оғоча* эди, у мирзодан олдин қазо қилганди-35; Бу иккисининг онаси Латиф Султон *оғача* эди – 130

252. ***Одинапур қўрғонбеги*** – 108

253. ***Озод беклари*** – Яна бири Чўлибегим эди. *Озод бекларининг* қизи эди – 131

254. ***Оқо***- Ироқ элчиси Сулаймон *оқо*-238

255. ***Олачахон***- Султон Маҳмудхондан кичиги Султон Аҳмадхон бўлиб, *Олачахон* исми билан машҳур. *Олачахон* деб аталишининг сабаби шундаки, айтишларича, қалмоқ ва мўғул тилида қотилни *"олачи"*, дейдилар. Қалмоқларни бир неча марта босиб, кўплаб одамларини қиргани учун "Олачи" дейилавериб, истеъмолда Олача аталиб кетган-35

256. ***Олий ихтиёрли бек***- Султон Ҳусайн мирзо ҳам унинг кўнгли тилаганидек аҳд ва шарт қилиб, бутун Хуросон мамлакатида уни *олий ихтиёрли бек* қилиб, барча муҳим ишларни зиммасига қўйди -137 ///// *Олийихтиёрли бек*- Музаффар Ҳусайн мирзо суюкли ўғил ва Муҳаммад Бурундуқ барлос, *олий- ихтиёрли бек* эди, отабеги эди-141; Бадиуззамон мирзо эшигида *олийихтиёрли бек* Зуннунбек, Музаффар Ҳусайн мирзо эшигида *олийихтиёрли бек* Муҳаммад Бурундуқбек тайинланди -141-142

257. ***Омилкор***- *Омилкор*, ижарага олувчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг ҳаммаси шу ҳиндулардир-217

258. ***Омонат доруға***- Қосим Ажаб хос навкарлар гуруҳидан эди, ҳузуримда беклик мартабасига етган эди, Ахсида уни *омонат доруға* қилиб қолдирилди – 66

259. ***Ойриш Хон*** – Дундан пастда бир – икки манзил ўтганимиздан сўнг Шоҳ Имод Шерозий *Ойриш Хон* ва Мулла Муҳаммад Музаҳҳибнинг хатларини олиб келди – 196

260. ***Отабег***- Музаффар Ҳусайн мирзо суюкли ўғил ва Муҳаммад Бурундуқ барлос, олийихтиёрли бек эди, *отабеги* эди-141

261. ***Отбоқар***-Яна бири Қанбар Али мўғул бўлиб, у *отбоқарлардан* эди-37; Ойнинг ўн саккизинчисида, шанба куни Чорбоғдан тун ярмида йўлга тушдим, посбонлар ва *отбоқарларни* ортга қайтариб юбордим-185

262. ***Отлиқлар*** – Вилоятдаги *отлиқ* ва пиёда аскарларга шошилинч хабар етказувчи беклар ва назоратчилар юборилди – 68

263. ***Офтобачи***- Яна бири Қанбар Али мўғул бўлиб, у отбоқарлардан эди. Юнусхон қошида *офтобачилик* қилди. Сўнгра бек бўлди-37

264. ***Ошпазлар***-57; Қул Боязид ёлғиз, яйдоқ от билан, кўмаксиз Синд дарёсидек сувдан от суздириб кечиб, ғанимларни қочириб, ерларини олди. Зўр мардона иш қилди. Ёвни қочиргандан сўнг лашкар эли ўтиб, мато, мол-ҳол ўлжа келтирдилар. Қул Боязид бундан бурун ҳам бир неча мартаба ана шундай хизмат ва мардоналиклар кўрсатган эди, обрў-эътибори билан шуғулланиб *ошпазлик* мартабасидан махсус ошпаз мартабасига етказиб эдим – 120; Абдураззоқ мирзога хазинадан бирор нарса иноят қилиб, бу хазинанинг устига Дўст Носирбекни, Қул Боязид *ошпазни* ва ҳисобчилардан Муҳаммад бахшини тайинладим – 160;

265. ***Парвоначи (вазир муовини)***- У фурсатда Мажддиддин Муҳаммад *парвоначи (вазир муовини)* эди, уни Мирак дер эдилар-137; Хисрав билан Аҳмадий *парвоначини* бир тўда кишилар билан уруқни кутиб олиш учун юбордик – 167; Аммо Аҳмадий *парвоначи* ва Вали хозин булардан ҳам бадтарроқ бўлди-220

266. ***Паҳлавон***- *Паҳлавон* Муҳаммад Бусаид эди. Курашда ҳам пешқадам эди-141

267. ***Пиёда*** –52; Ана шундай мушкул бир ҳолатда Хожа Муҳаммад Амин, Хожа Дўст Хованд, Муҳаммад Али *пиёда*, Шомий қўрғондан ўзларини ташлаб

чиқадилар – 162; Ойнинг иккинчисида, жума куни Шайбоқ *пиёда* ва Дарвиш Али *пиёда*, ҳозирда у милтиқчи бўлганди, Кобулдан хабарлар келтирдилар-171

268. ***Пиёда аскарлар*** – Вилоятдаги отлиқ ва *пиёда аскарларга* шошилинч хабар етказувчи беклар ва назоратчилар юборилди – 68

269. ***Пиёда чопар*** – Биз *пиёда чопаримиз* орқали уларга иноят фармонлари ва илтифот мактублари битиб юбордик, ўзимиз олдинга қараб жўнаб кетдик – 196

270. ***Пир***- Оналарим –онам ва онамнинг онаси Эсон Давлатбегим, яна устод ва *пирим* Хожа Мавлонойи Қози бу мазмунда хатлар ёзиб, бундай талаб қўйиб туришганда киши қайси кўнгил билан бу ерда тура оларди?-60

271. ***Подшоҳ саройининг хос амалдорлари*** – 197

272. ***Подшоҳ***-29; Бойсунқур мирзо *подшоҳ* бўлганда ўн саккиз яшар эди-46; Ушбу пайтгача Темурбекнинг авлодини салтанат юзасидан мирзо дер эдилар. Ушбу навбат мен мени *подшоҳ* десинлар, деб буюрдим – 162; Шу жумладан, Мавлоно Шиҳоб Муаммойи мана бу мисрадан таърих топди: "Ҳумоюн буд ворисн мулки вай"*. У қобил *подшоҳнинг* яхшиликларини айтиб ва ёзиб тугатиш маҳол. Лекин лўнда қилиб айтганда, унинг асли зотида мана бу саккиз сифат ҳамма вақт мужассам эди: биринчиси шуки-муваффақиятлари баланд эди; иккинчиси- ҳиммати аржуманд (азиз ҳимматли) эди; учинчиси-вилоят олмоқ; тўртинчиси-вилоят сақламоқ; бешинчиси-маъмурлик; олтинчиси-Тангри таоло бандаларига турмуш кенгчилиги (яхши аҳвол) нияти; еттинчиси-лашкарнинг кўнглини қўлга олиш; саккизинчиси-адолат қилмоқлик-285

273. ***Подшоҳзодалар*** – Бадахшонда подшоҳ ва *подшоҳзодалардан* ҳеч ким йўқ эди, шу боис, Шоҳбегимнинг муносабати ё маъқул кўриши билан Мирзохонга Бадахшон сари рухсат берилди – 161

274. ***Полвонлар***- Бир замон шу ерда ўтириб, сўнгра кема билан дарёнинг у юзига ўтиб, *полвонларни* кураш туширдик-266-267

275. ***Посбонлар***- *Посбонлар* бизнинг келаётганимиздан хабар топган афғонларнинг қочиб кетганликлари ҳақида хабар келтирдилар-183; Ойнинг ўн саккизинчисида, шанба куни Чорбоғдан тун ярмида йўлга тушдим, *посбон* ва отбоқарларни ортга қайтариб юбордим-185

276. ***Пураб амирлари (Ҳиндустон)***- 258; *Пураб амирларига* фармонлар битиб, яна Ғиёсиддин қўрчини, йигирма кунда бориб келиш ваъдасини олиб, чопар қилиб жўнатдик-261

277. ***Раажа***- Ўша куни *Раажа* Бикрамажит ва Ман Сингнинг иморатларини айланиб, пойтахтга жўнаб кетдик-283

278. ***Раай***- Унинг лашкари тафсилоти мана бундай: *Раай* Синг ва Сарангпур ҳукуматининг эгаси Салоҳиддинда ўттиз минг отлиққа етадиган ер ва сув бор эди-280

279. ***Раана***- Кофир *Раана* Сангаа Кобулда эканимизда хайрихоҳлик билан элчи юборган ва биз шундай келишиб олган эдик: агар подшоҳ (яъни, мен) у тарафдан Деҳли вилоятига борсам, *Раана* Сангаа бу тарафдан Огра устига юриши керак-222; Ҳозир отаси ўрнида *раана* бўлиб, Читўрни бошқараётган акаси Ратансин тож, кулоҳ ва зар камарни укасидан сўратибди-253

280. ***Равуй***- Ҳумоюннинг лашкари Пураб томонга кетганидан сўнг Турдибек, Қучбек, иниси Шерафган, Муҳаммад Халил ахтабегига ака-ука ва ахтачилари билан, Рустам туркманга ака-укаси билан ва яна ҳиндустонликлардан *Равуй* Серванийга Байана ерларига бориб, ҳужум қилиб, талаш буюрилди-226

281. ***Раққос***-146;

282. ***Раққосалар***-Лўлилардан кейин кўп *раққосалар* келиб, рақс тушдилар-260

283. ***Рассомлар*** – 186

284. ***Раъдандозлар***- Ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни кўзда тутиб қўшиннинг олд томонига қўйилган туфакчилар ва *раъдандозларни* Рум жангчилари йўсинида паналаш учун аробалардан бир саф тартиб бериб, улар бир-бирларига занжир билан туташтирилди-237; Низомиддин Али Халифага Рум ғазоти тартибида лашкарларимиз олдида борадиган милтиқлилар ва *раъдандозларни* пана қилиш учун араваларни келтириб занжир билан боғлашларини буюрдик-281 (* *Раъдандоз*-олов отадиган қуролни бошқарувчи-281)

285. ***Рикобдор***-Ҳайдар *рикобдор* (Бобурнинг мулозимларидан)-61; Жума куни, ойнинг йигирма олтинчисида ушбу юртда эканда, Ҳиндол туғилса, Моҳимга берилсин, деган мазмунда хатлар битиб, Юсуф Али *рикобдорни* Кобулга жўнатдик – 166; Шу куни Юсуф Али *рикобдор* Чанор боғидаги ҳовузда қулоч отиб юз марта айланиб сузди – 179; Жума куни Муҳаммад Али Ҳайдар *рикобдор (рикобдор – узангини ушлаб подшоҳни отга миндирувчи ва от ёнида борувчи -186)* бир лочин тутиб келиб, тортиқ қилди – 186

286. ***Рожа***- Яна бири Ҳиндистонда *рожа* Бикрамажит ҳинду замонида Малўт мамлакатидан Ужжай ва Дҳар шаҳарларида тузилган-56; Бутун

Ҳиндустон битта подшоҳнинг қўлида эмасди. Ҳар рожа бир вилоятда ўз ерини мустақил бошқарарди-202; Унинг душманлари ҳам рой ва *рожалар* бўлиб, у пайтлари бутун Ҳиндустон бир кишининг ҳукмронлиги остида эмасди-202

287. ***Рой*** - Яна бир тарихий асарда кўрилибдики, ҳинд *ройи* (шоҳи) Сабуктигинни Ғазнида қамал қилганида, Сабуктигиннинг буйруғи билан бу чашмага нажосат билан ифлос нарсаларни соладилар – 112; Уларнинг бир мўътабар улуғ кишисини *рой* деб улуғлайдилар, унинг ука ва фарзандларини малик дейдилар – 168; Унинг душманлари ҳам *рой* ва рожалар бўлиб, у пайтлари бутун Ҳиндустон бир кишининг ҳукмронлиги остида эмасди-202

288. ***Рубобчи***- Шоҳи деган қаландар билан яна коризда ишлайдиган бир *рубобчини* ҳам суҳбатга чорладик-186

289. ***Рукни аъзам*** - Улуғ бек – *рукни аъзамим* Қанбар Али мўғул Андижонни олган чоғимда вилоятига кетган эди, йўқ эди- 67

290. ***Сабз (бинокор)***- Яна, Биноий эди. Ҳиротликдир. Отаси Устод Муҳаммад *Сабз (бинокор)* банно бўлгани учун шундай тахаллус олган-139

291. ***Савдар***- Изтироб билан отланиб, ёнимдаги навкар ва *савдарларим* билан қўрғонга йўл олдим-37 ///// *Савдар*-хизматкор-28 (Сўзбошига қўшимча-28)

292. ***Савдогар тархон*** - Ундан Феруза дарвозасига келиб Фозил тархон (у бек тархонлардан эмас, Туркистонлик *савдогар тархонлардан* бўлади) устига қарши юрадилар – 78

293. ***Савдогарлар***- *Савдогарлар* Хитойга ёки Румга борсалар ҳам шунчалик савдо қила оладилар – 106; Кўп *савдогарлар* ўттиздан ўн, қириқдан ўн (фоиз) фойда олишга рози бўлмайдилар – 106

294. ***Сағрийчи туман беклари***- *Сағрийчи туман бекларининг* барчаси бу пайтда Эсон Бўғахонни ёмонлаб, Мўғулистонга келгандилар-34

295. ***Садр***- Хожа Калоннинг катта акаси Хожаго Мулло *Садрнинг* йўғон томирига ўқ тегди-52; У Рустоқда Шайбонийхоннинг *садрини* бир неча ўзбак билан ўлдириб, Хамлангонни мустаҳкамлади – 122; Яна Зайниддин Хавофийнинг набираси Шайх Зайн *садр* бўлиб, жуда ўткир табъи бор эди, назм ва иншода завқи баланд эди, Ҳумоюн подшоҳ замонида амирлик қилди-285

296. ***Саййид***-54; Тирмиз ҳокими *Саййид* Ҳусайн Акбар-55; Саййид Қосим эҳтиёт чораларини кўрмай ғофил ётган экан-93; Бойқаро мирзонинг қиз томондан набираси бўлган Андхуд *саййидларидан Саййид* Абдулло мирзога

берган эдилар. Бир ўғли бор эди, *Саййид* Барака исмли-131; Бу табақа саййидлардандир-203

297. ***Сайис***- Ёмчи (элчи, чопар) ва *сайисга* улуфа(маош ва озиқ-овқат), отларга ем-хашак тайинлансин. Агар бу ём отлари боғланадиган ер бирор холисага (давлат ерларига) яқин жойда бўлса, унинг харажатлари ана шу ердан ундирилсин, агар ундай бўлмай, бирор бекнинг вилоятида жойлашган бўлса, унинг таъминоти ўша бекнинг зиммасига юклатилсин-259

298. ***Саллох***[172]– Қанбар Али *саллох* – 81

299. ***Самарқанд беклари***-46; Самарқанд тахтига ўтиргач, *Самарқанд бекларининг* ҳурматини айнан бурунгидек жойига қўйдим-59

300. ***Самарқанд қалъабеги*** – *Самарқанд қальабегилигини* Жонвафо мирзога берганди – 77

301. ***Самарқанд подшоҳи***- *Самарқанд подшоҳи* унинг қўл остида эди-202

302. ***Самарқанд султонлари***-57

303. ***Самарқанд танқўриқчилари***-37

304. ***Самарқанд ҳокими***-40

305. ***Сангак***-Яна бирини Маҳмуд Кундури *сангак* дер эди-52

306. ***Сангзор доруғаси*** – 75

307. ***Сангтарошлар*** – Мулла Шараф “Зафарнома”да муболаға билан шундай битган эдики, Темурбек “Масжиди санг”ни қураётганида ҳар куни Озарбойжон, Форс, Ҳиндустон ва бошқа ўлкалар *сангтарошларидан* икки юз киши масжидда ишларди-218; *Сангтарошларнинг* ишга қаттиқ киришишлари ҳукм қилинди-251; Дўлпурда ишлайдиган *сангтарош*, дурадгор ва барча мардикорларга Опрадаги усталар ва ишчилар одатига кўра, инъомлар бўлди-260; Мулло Қосим, Устод Шоҳ Муҳаммад сангтарош, Мирак Мирғиёс, Мир *сангтарош* ва шоҳ Бобойи белчига Огра ҳамда Дўлпурда солинадиган иморатларни эсларига солиб улар зиммасига юклаб, рухсат бердик-263

308. ***Сара йигитлар*** – 52; Ҳозир бўлган *сара йигитлар* ва ичкиларнинг ҳаммаси ировулга қўйилган эди – 81; Султон Ҳусайн мирзонинг ўн тўрт минг *сара йигитлари* ва қирқ минг аскар йигитлари марказда экан – 129; *Сара*

[172] Саллох-(арабча- тери шилувчи; қассоб) 1. Кушхонада мол сўювчи, қассоб. 2. кўчма нафр. Каллакесар, хунрез. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2007. 3-жилд. – Б. 429

*йигитлардан* кўп кишини кўмак учун тайин қилиб, шом намози вақтида ўрдуга келинди – 164

309. ***Сара ичкилар*** - Менинг *сара ичкиларимдан* бўлган Шоҳ Маҳмуд ўғлоқчининг ҳам отлари батамом қолиб, яёв келди – 121

310. ***Сара эркаклар(кадхудо)***- Етмиш-саксон *сара эркак* том остида қолиб ўлди-124

311. ***Сараланган йигитлар*** – 163

312. ***Сараланган соқчилар*** – Ҳумоюн *сараланган юз-юз эллик соқчи* қисм йигитини ўзидан олдинроқ жўнатди – 197

313. ***Сарангпур ҳокими***- Унинг лашкари тафсилоти мана бундай: Раай Синг ва *Сарангпур ҳукуматининг* эгаси Салоҳиддинда ўттиз минг отлиққа етадиган ер ва сув бор эди-280

314. ***Сардор*** – Давлатхоннинг отаси – Татархон Ҳиндустонни ҳужум қилиб қўлга олган ва Баҳлулни подшоҳ қилиб кўтарган олти- етти *сардорнин*г бири эди – 170

315. ***Сардор беклар*** - Булар–шунча мирзолар ва шунча *сардор беклар* аскарлари Хисравшоҳнинг кишиларидан икки ҳисса ортиқ бўлмаса-да, бир ярим ҳиссадан кўпроқ бўла туриб чўчиб, эҳтиёткорлик дея хандақдан чиқмадилар-49

316. ***Саркор*** – Бҳира аҳолиси тақаббул ёрмоғига (Тақаббул ёрмоғи-қабул этилиш ақчаси, кичик ҳукуматнинг катта ҳукуматга бўйсунганлиги қабул этилишини сўраб юборган ёки келтирган олтин ақчаси -170) эътиборсизлик қилаётган эдилар, тўрт жойга *саркор* белгилаб, бекларга ғайрат қилиб, бу ишни битириш буюрилди. Бир саркорлик-Халифага, яна бир саркорлик-Қучбекка, бири Дўст Носирга, тўртинчи саркорлик Саййид Қосим билан Муҳиб Алига топширилди – 170; Бигромда турган кунимиз баъзи бек, хос амалдор, котиб ва маҳкама бошлиқларидан олти-етти кишини *саркор* қилиб, Нилоб кечигида кемадаги аскар халқини номма-ном ёзиб, сонини аниқлаб келишларини тайинладим – 190

317. ***Сарроф***[173]- Мулла Ҳасан *Сарроф* ва Тўка ҳиндуга уларни қабул қилиб олиш тайинланди-220

---

[173] Саррoф-арабча-1.Пул олмаштирувчи (майдаловчи); 2. Қимматбаҳо тошларни баҳоловчи, заршунос. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.551

318. ***Саънаткорлар***-146

319. ***Секандарпур шиқдори***-272

320. ***Сиви қўрғонбеги*** – 120

321. ***Сипоҳ***-42

322. ***Сипоҳий амалдорлар*** - Бу супа тошларининг ҳаммасини хос ва *сипоҳий амалдорлар* ташидилар – 166

323. ***Сипоҳийлар*** – 68; Қўрғондаги минора ва деворларнинг шикаст етган, тўкилган жойларини ислоҳ қилиш ва таъмирлаш учун бек ва *сипоҳийларга* фармон бўлди – 124

324. ***Сипоҳилар***-50

325. ***Созанда***-49; *Созандалар* соз чалдилар, қўшиқчилар бир нималарни айтдилар-254

326. ***Соқи***- *Соқи* Муҳсин тўрт-беш киши билан курашга тушаман, деб даъво қилди -269

327. ***Соқийлар***- Май қадаҳларини тўлдириб, *соқийлар* юриб базм аҳлига тута бошладилар (Султон Ҳусайн мирзонинг ўғли Музаффар мирзонинг уйидаги базмда)- 145; Буларнинг оталари Султон Ферузшоҳ ва унинг султонлари қошида *соқийлик* қилишган-203; Буларнинг оталари ҳам Султон Ферузшоҳ ва унинг султонларига *соқийлик* қилишган-203

328. ***Соқчи даста бошлиғи***- Дўст Сарипулий пиёда Кобулда мардоналиги туфайли ҳурмат-эътибор топган, ўша ерда Кобулда *соқчи даста бошлиғи* мансабига қўйилган эди, у менга тик қараб бостириб келарди – 151

329. ***Соқчилар*** – Шу боис дарвоза олдига ҳар бир гумондор кишини кузатишлари учун хос амалдор ва *соқчилар* қўйдим – 194

330. ***Солиқ йиғувчилар*** – 116

331. ***Солиқ ундирувчилар*** – 116; Тортиқ қилган моллари тўрт минг қўй эканлигини аниқлаб, улуғларига тўнлар кийдириб, *солиқ ундирувчиларни* тайинлаб, жўнатдим -184

332. ***Солиқдор***- Чандерийдан хазина даромадига эллик лак белгиланиб, *солиқдорлигини* Мулла Опоқга юкладик-248

333. ***Солчилар***- Солдан чиқиб, ўша куни кечқурун *солчиларнинг* уйида қолдик – 181; Шунга мувофиқ *солчилардан* бир-иккитаси Султон Жунайд, Маҳмудхон ва қози Жийанинг кишиларидан олиб, бориб кечикни кўрсинлар, деб тайинланди-272

334. ***Сомончи*** – Тенгриберди *сомончи* (Султон Ҳусайн мирзонинг эътиборли беги)- 62

335. ***Сорбон***[174]– Суриштириб билдик – Дарвеш Муҳаммад *сорбон* экан – 179; Дарвеш Муҳаммад *сорбон* ҳам сувга қулади -181

336. ***Сору*** - Бу фурсатда минглик элидан бўлган, отамнинг олдида кичиклигидан хизматлар қилиб беклик мартабасига етган, бироқ сўнгра бир гуноҳи туфайли мартабаси пасайтирилган Иброҳим *сору* Исфара қўрғонини эгаллаб, Бойсунқур мирзо отига хутба ўқитди, мухолиф томонида бўлди-46-47

337. ***Сувчи*** – Сўл қўлимда: Хожа Муҳаммад Али, Дўст Носир, Мирим Носир, Бобо Шерзод, Хонқули, Вали хазиначи, Қутлуқ – қадам қаровул, *Мақсуд сувчи*, Бобо Шайх – 159; Мирхон деган Зуннуннинг девони уйига Мирим Носир ва *Мақсуд сувчи* юборилди – 160; Шароб учун Кобулга борган Бобо Дўст *сувчи* ҳам Ғазнанинг энг яхши шаробларидан уч карвон туяга юклаб, булар билан бирга келди-231

338. ***Султон (аёллар)*** - Унинг онаси Фотима *Султон* мўғулнинг туман бекларидан бирининг қизи эди-33

339. ***Султон (эркаклар)*** - Ҳамза *Султон*, Абдуллатиф *Султон*, Жонибек *Султон*-33

340. ***Султон Маҳмуд***- Султон Жалолиддиннинг илтимосига кўра, унинг катта ўғлига *Султон Маҳмуд* унвони берилди-266

341. ***Султон Муҳаммад***- Улар Дарёхоннинг ўғли Биҳархонни подшоҳ қилиб кўтариб, унга *Султон Муҳаммад* деб лақаб бергандилар-219

342. ***Султонбегим*** – Ёдгор *Султонбегим*, Руқия *Султонбегим*, Махдум *Султонбегим*-33

343. ***Султонзодалар***-Мен Ҳамза Султон ва Темур Султон бошлиқ султонларни енгиб, Ҳисорни олганимда, бу *султонзодалар* ва яна бир неча султонзодалар асир тушганди, ҳаммасини озод қилдим-40

344. ***Султонлар*** – Мен Ҳамза Султон бошлиқ *султонларни* Хатлон вилоятида босиб, Ҳисорни олганимда менга қўшилди-33; *Султонларни* ўнг қўл томоним га ўтирғиздим-49; Самарқанд ғалабасидан сўнг атроф – теваракдаги кариллаган ва дағдағали хонлар, *султонлар*, амирлар ва чек – чегарадагиларга

[174] Сорбон-форсча-Туячи, туя етакловчи, туяга қаровчи. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.569

кўмак ва мадад сўраб мунтазам сўраб элчилар, хабарчилар бордилар ва келдилар – 79; *Султон* Шиҳобиддин Ғурий ҳам шу ерни ўзига пойтахт қилган экан – 111; Сабуктигин билан *Султон* Маҳмуднинг ҳамда авлодининг пойтахти Ғазни бўлган экан – 111; Шайбонийхон икки –уч *султонни* уч-тўрт минг киши билан Бадахшонга ҳужум қилиш учун юборди-142; Ўшанда ҳам у хонлар, *султонларни* яксон қилиб, Тош- канддан осон чиқиб кетди -176; Барча *султонлар*, хонлар, улуғлар ва амирлар ощдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар-259

345. ***Сўфи***- Қучбек, Муҳаммадқули қавчин, Шоҳ *Сўфи*, яна бир йигит яхши қаршилик кўрсатиб мардоналиқлар қилди-83

346. ***Сўфий*** – Яна, Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди. Гарчи *сўфий* бўлмаса-да, мутасаввуф эди – 137

347. ***Суҳон суви атрофидаги эл-улус ҳокими*** – 168

348. ***Табиб*** – Бир хуросонлик *табиб* бор эди. Саййид *табиб* дердилар – 123; Ўзи (Али Юсуф) ва дўстидек бўлиб қолган *табиби* бир куннинг ўзида Тангри раҳматига борибди-275; Яна Мавлоно Юсуфий *табибки*, уни Ҳиротдан чақириб олган эдилар, томирдан кўриш ва ташхис қўйиш унинг иши эди-286

349. ***Табриз подшоҳи***- Умаҳалда *Табриз подшоҳи* Жаҳоншоҳ Бороний қора-қўйлуқ эди-34

350. ***Тавочи***- Қўратуга етганимизда Шоҳбек арғуннинг Қизил деган *тавочиси (хабарчиси)* Шоҳбекнинг Кохонни олиб талаб, ортига қайтиб кетгани хабарини келтирди – 176; *Тавочи* ва ясовулларни теварак-атрофга юбориб, аскар ва сипоҳийларни забт қилиш бобида ҳукмларимизни буюк султонларга, иззатли амирларга ва ҳурматли ғозийларга етказиб турарди-238

351. ***Тамғачи*** - Раби ул-охир ойининг тўртинчисида, пайшанба куни Чақмоқбекнинг Шоҳий *тамғачи* котиблигида Оградан Кобулгача бўлган масофада ўлчаб чиқишига қарор қилдик-258-259

352. ***Танбурчи*** – Нурулло *танбурчи* қошимда соз чалиб ўтирганда, ёнида яна бир соз бор эди – 124

353. ***Танқўриқчилар*** - У Султон Абусаид мирзо қошида Хуросон *танқўриқ-чилари* сафида хизмат қиларди-37; Ҳисорда Ширим *танқўриқчи* ва бир гуруҳ зўр йигитлар бор эди – 123; Илгари *танқўриқчилар* қисмида хизмат қиларди. Мирзонинг илк ҳарбий юришларида хизмати ёқиб, Беҳбудбекка шундай иноят қилган эдики, тамға ва пул зарбида унинг исми бор – 135

354. ***Тансоқчи*** – Иброҳим *тансоқчимиздан* бериб юборилди- 178

355. ***Тарбиячи***- Аскарийнинг мулласига ва икки *тарбиячисига* тугмалик чакмонлар, яна бошқа навкарларига тўққизтадан уч марта тўн инъом бўлди-258

356. ***Тарёқий***[175]- Қосим Али *тарёқий*-171

357. ***Тарихчи***-*Тарихчи* Хондамир ҳам ажойиб инсон эди-286

358. ***Тархон беклари***-45; Аҳмад Ҳожибек ва *тархон беклари* ғавғони босиб, Хисравшоҳни чиқариб Ҳисорга узатдилар-46

359. ***Тархонийлар*** -Ушбу рамазон ойи Самарқандда *тархонийлар* фитнаси содир бўлди-50; Эшик оғзида *тархонийлар* тургандилар-50

360. ***Тархон***-Ўрда Буға *тархон*-39; Яна бири *тархонлардан* эди, уни Тархонбегим дер эдилар-40; Яна бири Дарвеш Муҳаммад *тархон* эди-40; Яна бири Абдулали *тархон* эди-40; *Тархонлар* ғавҳоси пайтида Бойсунқур мирзони тутиб, иниси Султон Али мирзони бир икки кун тахтга ўтирғиздилар-59; Мирзохонга Шайх Абусаид *тархон* тутиб топширилди – 160; Ҳужумчиларни олдинга ташлаган пайтимиз менинг ёнимда туриши керак бўлган кишилар, жумладан, Амин Муҳаммад *тархон* арғун ва Қорача ҳужумга кетдилар-174

361. ***Тарҳ бошлиғи*** – Абдулазиз мирохўрни *тарҳга (ёрдамчи бўлинмага) бошлиқ* қилиб тайинладик – 199; Шу боис *ёрдамчи бўлинмага* бошчилик қилаётган Абдулазизни ўнг қанотни мустаҳкамлаш учун юбордик-200

362. ***Таъбирчи***-Саййид Афзал *таъбирчига* (хоббин) Султон дулдойни қўшиб, Кобулдан йўлга тушганимиз ҳақида Султон Ҳусайн мирзога мактуб юборилди-142

363. ***Таълиқчи (хаттот)***- Раби ул-аввал ойининг тўққизинчисида, якшанба куни Бек Муҳаммад *таълиқчи (хаттот)* келди-256

364. ***Таъминотчи аскарлар*** – Лекин бизнинг ва уларнинг *таъминотчи аскарлари* ўртасида тўқнашувлар бўлиб турди – 68

365. ***Таъминотчилар*** – 69

366. ***Таънклар***- Гужаратдаги Султон Музаффар шариатга қаттиқ амал қиладиган подшоҳ эди. Илмга толиблиги бор эди, ҳадис мутолаа қиларди,

---

[175] Тарёк, тарёқ- 1. Афюн; 2. Заҳарга қарши дори. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.595

ҳамиша Қуръонни кўчирарди. Бу табақани *таънклар* деб аташардилар (249)-203

367. ***Тезюрар***- Ойнинг ўнинчисида, шанба куни Хуросонга аввал ҳам бир бор чақириқ (истимолат) фармони олиб борган Султон Муҳаммад бахшининг Шоҳ Қосим исмли пиёдаси *(тезюрари)* яна Ҳиротга юборилди-255

368. ***Темурий султонлар***-48

369. ***Тил тутиб келувчи*** – Ўғонбердини бир неча киши билан *"тил" тутиб келиш* учун олдинга юбордик – 167; Султон Иброҳимнинг қароргоҳига *"тил" тутиб келиш* учун одам жўнатдик – 197; Хожа Калоннинг навкари Ҳайдарқули *"тил" ушлаб келиш* учун юборилди – 197

370. ***Тилчи***- Уларнинг *тилчиси* келтирган хабарга кўра, шаҳзода Таҳмосп Убайдхонни Ҳиротнинг чеккасида озгина лашкар билан ўтирибди деб ўйлаб, қирқ минг кишисини бошлаб илдам жўнайди-256

371. ***Тирандизон (ўқ отувчилар)***- 147

372. ***Тирмиз саййидлари*** – Яна, Нуёнбек эди. Отаси *Тирмиз саййидлари-дандир* – 133

373. ***Тирмиз хонзодалари*** - Яна бири-Хонзодабегим *Тирмиз хонзодалари-дан* эди-40

374. ***Тирмиз ҳокими***-55

375. ***Товачи*** – Мен Мўмин Али *Товачини* шошилинч жўнатиб, биз тезда етиб борамиз, боргунимизча, уруш бошламай турсинлар, деб тайинладим – 191; Ушбу жойдан Мўмин Али *товачи* фатҳнома билан Кобулга юборилди-242; Бу фармонни етказиш учун Абдулғаффор *товачи* тайинланди-262; Зарур иш чиқиб қолганда унга буюришимизни, у эса ясовуллар ва *товачиларга* айтиши, улар эса бошлиқларига етказишини тайинладик-281

376. ***Тоиб***[176]- Дарвеш Муҳаммад *тоиб* эди-183

377. ***Толиби илм***- Ҳар бир савдогар, ҳар бир *толиби илм* ва, умуман, лашкарга ҳамроҳлик қилган ҳар бир киши инъом, ҳадядан жуда кўп баҳра ва комил насиба олиб кетдилар-219

378. ***Тошйўнарлар***- Яна Оҳанин дарвозасига яқин қалъанинг ичида тошдин бир жомеъ масжиди солган, у ерда аксарият Ҳиндистондан олиб келинган

---

[176] Тоиб, тойиб-арабча-Тавба қилувчи, тавба қилган; Тоиб ўлмоқ-Тавба қилмоқ. Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.612

*тошйўнарлар* ишлаганлар 55-56; Бир Огранинг ўзида менинг иморатларимда ҳар куни ушбу Огра *тошйўнарларидан* олти юз саксон киши ишларди-218

379. ***Тошканд ҳокими***-46

380. ***Тоштарошлар***-58

381. ***Туғчи***- Худойберди *туғчи* (Бобурнинг мулозимларидан)-61

382. ***Туман беклари***- Ўша пайтлари Шайбонийхондан қочиб хон қошига келган Банда Али, Ҳайдар кўкалдош ва Ҳожи Ғози манғитни *туман беклари* билан Султон Маҳмудхон бизга кўмакка юборган эди- 65

383. ***Туманбеги*** – У фурсатда чароси уруғининг *туманбеги* Қашқа Маҳмуд эди, анча мардона йигит эди. Номи ҳам туманга машҳур бўлган Бекчик туманининг *туманбеги* Айюб Яъқуб эди – 87

384. ***Тун посбони/ Тунги посбон*** –Ўша куни у тарафдаги бекларга жанг майдонида қўшини қисмларининг жойлашишини тайин қилиб, Кичкина *тун посбони* орқали фармон бердим, аскарларини отлантириб, белгиланган ерга зудлик билан етиб келишларини буюрдим-181; Биз ҳам унга ҳамроҳ қилиб *тунги посбонларимиздан* Саводийни жўнатдик – 196

385. ***Тунги қаровул***-Бир *тунги қаровул* ўша ерда "Фармойиш" кемасида экан-273

386. ***Тунқатор*** – Кичик *тунқатор* шу ерда ҳалок бўлди – 191; Раҳимдодга бир неча бҳиралик ва лаҳўрликни, Ҳастичи *тунқатор (тунги посбон)ни* ака-укалари билан қўшиб, номларини тилга олганим ушбу кишиларга Гвалийарнинг ўзидан вилоятлар тайинлаб жўнатилди-226; Манердан келган тунда ҳам кеманинг яқинида *тунқаторлардан* бир-иккитаси бир неча ҳиндустонликни қувлаб, икки қилич ва битта ханжарнини келтиришган эди-273

387. ***Тўпчи*** – Мустафо *тўпчи* ҳам марказий қўшиннинг чап қанотидаги арава устидаги зарбзандан (тўпга ўхшаш қурол) яхши зарбалар берди – 200

388. ***Турк амирлари***- Унинг бу сўзлари барчага хуш келиб, *турк ва ҳинд амирлари* бу қарорни маъқулладилар-223; Якшанба куни *турк ва ҳинд амирларини* "Хилватхона"га чорлаб, кенгашдик-261

389. ***Туркистон ҳокими***-41

390. ***Туркистонлик қипчоқ беклари***-34

391. ***Туркман беклари*** – 136

392. ***Туфакандозлар***-Подшоҳ ғулининг *туфакандозлари*, буйруқ бўйича, аравадан майдон ўртасига келиб, ҳар бирлари кофирлардан кўпига ўлим

захарларини ичирдилар-239; *Туфакандозлар* мўлжар устида милтиқни яхши отдилар-249

393. ***Туфакчилар***-Ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни кўзда тутиб қўшиннинг олд томонига қўйилган *туфакчилар* ва раъдандозларни Рум жангчилари йўсинида паналаш учун аробалардан бир саф тартиб бериб, улар бир-бирларига занжир билан туташтирилди-237

394. ***Тўфанг отувчилар*** – Ўзга *тўфанг отувчилар* ҳам туфанг отишда кўп жасорат кўрсатиб аниқ- аниқ отдилар – 164

395. ***Удайпур вилоятининг ҳокими***-240

396. ***Удий*** - Созда пешқадам бўлган устоз Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва Ҳусайн *Удий* бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар – 133; Яна, Қулмуҳаммад *Удий* эди-141; Яна, Ҳусайн *Удий* эди-141

397. ***Улуғ амир***-*Улуғ амири* Султон Муҳаммад дўлдой хушхулқ киши эди-286

398. ***Улуғ бег*** – Уштур шаҳрига тушганда, Муқим арғуннинг *улуғ беги* бўлган Шерак арғуннинг, биздан бехабар, лашкар билан келиб Борон дарёси ёқасида ўтиргани ҳақида хабар топдик-103; Валибек мирзонинг *улуғ беги* эди – 133

399. ***Улуғ бек*** – Умаршайх мирзо қошида ундан *улуғроқ бек* йўқ эди-36; *Улуғ бек* – рукни аъзамим Қанбар Али мўғул Андижонни олган чоғимда вилоятига кетган эди, йўқ эди- 67; Муҳаммад Валибек охирлар мирзо қошида *улуғ бек* бўлган эди. *Улуғ бек* бўлишига қарамасдан, ҳеч ҳам хизматни тарк қилмасди. Кеча ва кундуз шоҳ эшиги олдида эди – 135

400. *Улуғ беклар даврасu*- Султон Аҳмад Танбалга келсак, уни қадрладим: у ички беклар даврасида эди, *улуғ беклар даврасига* қўшдим-59

401. ***Улуғ навкар***- Ўзидан илгарироқ Назар Баҳодир номли *улуғ навкарини* уч-тўрт минг киши билан Балх атрофларига юборди- 62

402. ***Улуғ оғалар***-49

403. ***Улуғ подшоҳ***- Султон Аҳмад мирзо *улуғ подшоҳдир*-37; Ҳам ёш, ҳам салтанатда *улуғ подшоҳ* эди, кичиклардек қўчқор сақлаб, кабутар сақлаб, кабутарбозлик қиларди, хўроз ҳам уруштирарди-128

404. ***Улуғ хон*** – *Улуғ хон* додам ҳам Тошканддан уч – тўрт йиғоч йўл юриб, қаршимизга чиқиб келди – 89; Бир ерда катта чодирлар тикиб, *улуғ хон* ўтирди – 89; *Улуғ хонни* Қўштегирмонда кўрдим-92

405. ***Улуғлар***- Мулло Абдураҳмон Ғазнининг *улуғларидан* эди-112; Барча султонлар, хонлар, *улуғлар* ва амирлар ошдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар-259

406. ***Улус хони***- Қозоқ *улус хони*-35

407. ***Усталар***- Дўлпурда ишлайдиган сангтарош, дурадгор ва барча мардикорларга Оградаги *усталар* ва ишчилар одатига кўра, инъомлар бўлди-260

408. ***Устод*** - Оналарим –онам ва онамнинг онаси Эсон Давлатбегим, яна *устод* ва пирим Хожа Мавлонойи Қози бу мазмунда хатлар ёзиб, бундай талаб қўйиб туришганда киши қайси кўнгил билан бу ерда тура оларди?-60; Отаси *Устод* Муҳаммад Сабз (бинокор) банно бўлгани учун шундай тахаллус олган-139; *Устод* Шоҳ Муҳаммад тошйўнарлик қилди – 162; Ўша куни *устод* Алиқули беш кишини туфанг билан отиб йиқитди – 164

409. ***Устоз*** - Айтишларича, унинг (Бойсунқур мирзо) *устози* шиа мазҳабли Саййид Маҳмуд бўлган – 69; Созда пешқадам бўлган *устоз* Қулмуҳаммад, Шайх Нойи ва Ҳусайн Удий бекнинг тарбияси ва ҳомийлиги билан шунча камол топиб, шуҳрат қозондилар – 133

410. ***Фарангибоз*** -Бироқ, Мирзобек *фарангибоз* (Фаранги – Европадан келтирилган отиш қуроли - 200) (ўқотар) унда қилич билан иш кўрсатади-48

411. ***Фаррош*** – Ғарқ бўлганлар ичида менинг навкарларимдан бири Қул Аҳмад оруқ ва Меҳтар *фаррош* бор эди – 120

412. ***Филбонлар*** – Бир сафар *филбонлар* филларни олиб келаётганларида бир карк уларнинг олдидан чиқиб қолди – 190

413. ***Фон беги***- 76

414. ***Фон ҳукмдори*** – 76

415. ***Хабар етказувчи беклар*** – Вилоятдаги отлиқ ва пиёда аскарларга шошилинч *хабар етказувчи беклар* ва назоратчилар юборилди – 68

416. ***Хабарчилар*** - Самарқанд ғалабасидан сўнг атроф – теваракдаги кариллаган ва дағдағали хонлар, султонлар, амирлар ва чек – чегарадагиларга кўмак ва мадад сўраб мунтазам сўраб элчилар, *хабарчилар* бордилар ва келдилар – 79; Дунда эканимизда Исмоил Жилвоний ва Бибаннинг *хабарчилари* икки – уч марта келишди – 196

417. ***Хазина таъминотчилари*** – Султон Ҳусайн мирзога озроқ маблағ зарур бўлиб, сўраганида *хазина таъминотчилари*: "Йўқ. Топишнинг иложи йўқ" деб жавоб берадилар-137

418. ***Хазиначи*** – Мен ҳеч кимга билдирмай, бу пиёдани урушда асир тушган Вали *хазиначи* билан бир ерга қамаб қўйиб, ўзим бу ёққа чопиб келдим-98; Вали *хазиначи* ҳам икки кишини туфанг билан йиқитди – 164; Шу куниёқ Ҳумоюн мирзо, Хожа Калон, Шоҳ Мансур барлос, Юнус Али ва Абдулло Вали *хазиначини* тезда бориб, Ограни қўлга киритиб, хазинани эгаллашларини тайинладим – 200

419. ***Халифа*** – Яна икки хотин киши чиқди: бири – Бичка *Халифа*, иккинчиси – Минглик кўкалдош эди – 84; Муҳиб Али *халифа* – 199; Бу хабар бизга етиб келгач, у ерга Муҳиб Али *халифани* навкарлари билан юбордик-231

420. ***Халифа (ҳукмдор)*** - Шу жумладан, бири-Маъмун *халифа* расад тузган-ки, "Зижи Маъмуний"ни ўша асосда ёзганлар-56

421. ***Хатиб***[177]– Қабодиёнга етганда Хисравшоҳнинг иниси – Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори Боқи Чағониёний *Хатиб* Қаршийни юбориб, тарафдорлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқчи бўлди-100

422. ***Хизматкорлар***-53; Хожа воқеасидан сўнг Хожага мансуб кишилар: навкар, *хизматкор*, қариндош ва аҳли оилаларини бутунлай туттириб талатди-лар-61; Бир куни сайр тариқасида сувдан ўтиб, таом пишириб, йигитлар ва *хизматкорларни* шўхликка солдик-88; Ушбу арз битилган куни Лаҳўрга Калпий вилоятидан Қарочанинг мен юборган ҳиндустонлик *хизматкори* етиб борганди-268

423. ***Хизматчилар***- Озиқ-овқат излаб кетган қул ва *хизматчилар*, яхши-ёмон кишилар чангалзор ва тоғларни, қийин ва ўтиб бўлмас ерларни бемақсад, натижасиз кезиб, бир неча кишини йўқотдилар – 191

424. ***Хоббин*** – Мени ҳам Саййид Султон Али *хоббиннинг* ўғли Саййид Афзални юбориб чақиртирган эди - 127

425. ***Хованд*** – Ана шундай мушкул бир ҳолатда Хожа Муҳаммад Амин, Хожа Дўст *Хованд*, Муҳаммад Али пиёда, Шомий қўрғондан ўзларини ташлаб чиқадилар – 162

---

[177] Хатиб- (арабча-нотиқ, воиз, ваъзхон, унаштирилган, куёв) дин. Масжидда жума ва ҳайит намози пайтида хут ба ўқийдиган, ваъз айтадигандомла, имом; воиз. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2007. 4-жилд. – Б.389

426. ***Хожа*** – *Хожа* Юсуф-29; *Хожа* Камол-30; Чунки *хожаларнинг* ҳурмат мартабаси зўрлаб олишга йўл қўймас эди-50; Узун Ҳасан *Хожага* ўзини хийла мухлис ва эътиқодли тутар эди-59; Шайбонийхон *Хожа* Яҳёдан хавотирлаган эди – 76; Хаёлга келдики, бир кеча Андижон яқинига бориб, киши киритиб, *хожа* ва арбоблари билан сўзлашсак, эҳтимол, бизни бирор тарафдан киритишар – 90; Эртасига у ердан жўнаб, *Хожа* Хонд Саййид мозорини тавоф қилиб келиб, Жина қўрғонида солга кирдик-181; Бир лаҳзадан сўнг *Хожа* Муҳаммад Амин келди-186; Ўнг қўлимда-мендан беш-олти қари нарида-Тўхта Бўға Султон, Аскарий, Ҳазрати *Хожанинг* фарзандлари *Хожа* Абдушшаҳид, *Хожа* Калон, *Хожа* Ҳусайний, Халифа ва яна Самарқанддан келган *хожага* қарашли ҳофиз (қори) ва муллолар ўтиришди-259; Икки *хожага* ҳамда ва икки катта элчи-Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг укасига кумуш тоши билан олтин ва олтин тоши билан кумуш тортилиб, инъом қилинди-259

427. ***Хозин*** – Муҳаммадий, Аҳмадий, Қутлуққадам, Вали *Хозин* ва яқинда Кобулда бекликка муносиб деб топилган беклар бошчилигида бу қочганлар ортидан қувиб бориш учун аскар жўнатдик – 193

428. ***Хон навкар***- Абдуллоҳ мирзога *хон навкар* эди, мулозамат қилар эди-34

429. ***Хон***- *Хон* Эсон Давлатбегимдан уч қиз кўрди-34; Ҳали тегишли ўринларда *хонларнинг* зикри такроран муфассал келтирилади-35; Самарқанд ғалабасидан сўнг атроф – тевarakдаги кариллаган ва дағдағали *хонлар*, султонлар, амирлар ва чек – чегарадагиларга кўмак ва мадад сўраб мунтазам сўраб элчилар, хабарчилар бордилар ва келдилар – 79; Бу хабар етгач, *хон* Тошканддан лашкар жўнатди – 87; Мен Султон Саидхонга барча навкаримни топшириб, кўмак қўшиб, туғилиб ўсган ерим Андижон вилоятини унга бағишлаб, *хон* қилиб юбордим – 153; Ўшанда ҳам у *хонлар*, султонларни яксон қилиб, Тошканддан осон чиқиб кетди -176; Барча султонлар, *хонлар*, улуғлар ва амирлар ошдан бурун олтин, кумуш, мис пуллар ва кийимлик матолар тортиқ қилдилар-259

430. ***Хонанда***- Жаҳонгир мирзонинг бир *хонандаси* бор эди-146

431. ***Хондор***- Низомиддин Хожаги Асад *хондор*-238

432. ***Хонзода***-40

433. ***Хонижаҳон*** – Лаҳўрда вилоят берилган Маҳмудхон *Хонижаҳонни* ҳам ҳамроҳ қилиб олдилар – 192; Ҳиндустонда баланд обрўли амирларга турли

унвонлар берилади. Улардан бири –Аъзам Ҳумоюн унвонидир. Яна бири-*Хонижаҳон* ва бошқаси Хонихонон-225

434. ***Хоним*** – Менинг онам *хонимнинг* синглиси Хўб Нигорхоним оламдан ўтган экан- 85; Ўратепада *хонимга* ва менга эшиттирдилар 85

435. ***Хонихонон***- Ҳиндустонда баланд обрўли амирларга турли унвонлар берилади. Улардан бири –Аъзам Ҳумоюн унвонидир. Яна бири-Хонижаҳон ва бошқаси *Хонихонон*-225

436. ***Хоннинг эшикоғаси*** – Бек Телба *хоннинг эшикоғаси* эди – 71

437. ***Хос амалдорлар***- Ғулда буткул *хос амалдорлар* эди – 159; Сешанба куни Шоҳ Ҳасан Шоҳбек чоғир суҳбатига рухсат сўраб, Хожа Муҳаммад Али бошчилигидаги баъзи бек ва *хос амалдорларни* уйига олиб кетди – 178; Кўпгина беклар ва *хос амалдорлар* ўша ерда эдилар -179; Бигромда турган кунимиз баъзи бек, *хос амалдор*, котиб ва маҳкама бошлиқларидан олти-етти кишини саркор қилиб, Нилоб кечигида кемадаги аскар халқини номма-ном ёзиб, сонини аниқлаб келишларини тайинладим – 190; Боғнинг атрофидаги жойларга беклар ва хос амалдорларимга ўзлари учун иморатлар, боғлар солсин деб, ер ва жойлар тайинланди-262

438. ***Хос беклар***-Ушбу кун баъзи *хос беклар* Хиёбон бошида Бойсунқур мирзо- нинг одамлари билан тўқнашдилар-52; Мен ва баъзи *хос беклар* Ҳиндистон тарафига боришни муҳимроқ ҳисоблаб, Ламғонга юриш бошладик-161

439. ***Хос ва сипоҳий амалдорлар*** – Бу супа тошларининг ҳаммасини *хос ва сипоҳий амалдорлар* ташидилар – 166

440. ***Хос киши*** - Яна, Бобо Али эшикоға эди. Аввал Алишербек хизматида бўлди. Сўнгра мардоналигидан Ҳусайн мирзо олиб, эшикоға қилиб, беклик мартабасига кўтарди. Ҳозир менинг қошимдаги *хос кишим* (ҳали бу ҳақда такроран битилгай) – Юнус Али бунинг ўғлидир – 135; Мен бир неча *хос кишиларим* билан солга тушдим-182

441. ***Хос навкарлар*** – Жаҳонгир мирзони бир неча *хос навкарлари* ва йигитлари Узун Ҳасандан олиб қочиб, ҳануз Ўшга етмаган Танбалга бориб қўшилдилар- 66; Қосим Ажаб *хос навкарлар* гуруҳидан эди, ҳузуримда беклик мартабасига етган эди, Ахсида уни омонат доруға қилиб қолдирилди – 66

442. ***Хос отлиқ аскарлар***- Марказга подшоҳ ҳузуридаги *хос отлиқ аскарлар* қўйилди-280

443. ***Хос соқчи***- Бир сафар овда карк Мақсуд деган *хос соқчининг* отини шохи билан бир найза бўйи улоқтирди-207; Бир-икки *хос соқчиларим* ҳам бу овқатдан ейишганди - 228; Менинг *хос соқчиларим*-ҳар бири кеманинг бир ёғочини олиб, ур-ур деб қичқиради-273

444. ***Хос хизматкорлар*** - *Хос хизматкорлар* аравалар ортида худди занжирдаги шердек туришарди-281

445. ***Хосса тобин*** – *Хосса тобинга* (шоҳнинг махсус ҳарбий қисми) батамом қўлидан иш келадиган йигитларни айириб олган эдим: ўн- ўн ва эллик- эллик битилиб, ўн боши ва элликбоши тайин қилгандим – 158

446. ***Хост амирзодалари*** – 183

447. ***Хост мирзолари*** - Хожа Муҳаммад Али билан бирга Муҳаммад Шариф мунажжим ва *Хост мирзолари* ҳам келиб, менга хизмат қилиш ниятларини билдирдилар -178

448. ***Хуросон танқўриқчилари***-37

449. ***Хуросонлик белчилар***- Арава киролмаган ерга *хуросонлик* ва ҳиндустонлик *белчи* ҳамда кетмончиларни солиб, ҳандақ қаздирилди-231

450. ***Хуросонлик кетмончилар***- Арава киролмаган ерга *хуросонлик* ва ҳиндустонлик белчи ҳамда *кетмончиларни* солиб, ҳандақ қаздирилди-231

451. ***Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори***- Қабодиёнга етганда Хисравшоҳнинг иниси – *Чағониён, Шаҳри Сафо ва Тирмиз ҳукмдори* Боқи Чағониёний Хатиб Қаршийни юбориб, тарафдорлик изҳор қилиб, бизга қўшилмоқчи бўлди-100

452. ***Чалма*** – Хушкелди *чалма* – 159

453. ***Чалма тоғчи*** – Дўсткелди *чалма тоғчи* – 159

454. ***Чандерий солиқдори***-*Чандерийдан* хазина даромадига эллик лак белгиланиб, *солиқдорлигини* Мулло Опоқга юкладик-248

455. ***Чандерий ўлкасининг ҳокими***-240

456. ***Чандерий ҳокими***-282

457. ***Чап қанот беклари*** – Дўстбек бошлиқ *чап қанот беклари* дарёдан ўтиб, тушаётган пайтида қўрғондан юз-юз элликтача пиёда чиқиб, уларни ўққа тутдилар – 164

458. ***Чарос туман беклари***- Шу муносабат билан Борин туман бекларидан Эрзан, *Чарос туман бекларидан* Мирак туркман Юнусхонни уч-тўрт минг уйли мўғул улуси билан Улуғбек мирзога келтирдилар-34

459. ***Чароси уруғининг туманбеги***- У фурсатда *чароси уруғининг туманбеги* Қашқа Маҳмуд эди, анча мардона йигит эди-87

460. ***Чегарадаги беклар***-Кетин Қаро Султон Қиёққа *чегарадаги бекларнинг* бўлмағур ишлари ва қилиқлари ҳамда қароқчи ва ўғриларнинг бебошликларидан ҳасрату шикоят қилиб бир нималар ёзганди. Қиёқ ўша келган одамни бизнинг олдимизга юборибди. Қиёққа кетишга рухсат бердим ва *чегарадаги бекларга* қароқчи ва ўғриларнинг жиловини тортиб қўйишни, яхши муомалада бўлиб, ўзларини яхши тутишларини буюрдим. Бу фармонларни Кетин Қаро Султондан келган кишига топшириб, мана шу жойда ижозат берилди-265

461. ***Чиғатой хонлари*** -31

462. ***Чиноқ***[178]– У (Худойберди бўқоқ) вафот этиб, мўғуллар орасида яшаётган ўғли Султонқули *чиноқ* бу хабарни келтирди – 67; Совут кийган Султонқули *чиноқ* ҳужум қилиб уни чопиб ташлади- 119

463. ***Чиройли хат битувчилар***- *Чиройли хат битувчилардан* ҳам анча киши бор. Лекин барчасининг пешқадами насхтаълиқ ёзувида Султон Али Машҳадий эди-140

464. ***Чолғучилар*** -141

465. ***Чопар*** – 42; Чоршанба куни, муҳаррам ойининг ўн еттинчисида Султон Вайс Саводийнинг *чопари* – Султон Алоуддин Саводий келиб, мулозамат қилди – 165; Ҳумоюннинг Пурабга юриши тайинлангач, Дўлпурга белгиланган лашкарнинг келиб, Чандварда Ҳумоюнга қўшилишлари буюрилди ва Қобулий Аҳмад Қосим *чопар* қилиб жўнатилди-223; Мирҳама Бобо Шайхни қилич билан жароҳатлаб, бир неча кишиси билан банди қилиб Тенгрибердининг олдига-Кундузга чопар жўнатади-229; Пураб амирларига фармонлар битиб, яна Ғиёсиддин қўрчини, йигирма кунда бориб келиш ваъдасини олиб, *чопар* қилиб жўнатдик-261; Муҳаммад Султон мирзо бошчилигида ўтишга қарор қилган кишилар тўхтамай ўтиб, Аскарийга қўшилсин, деб *чопар* юборилди-274

466. ***Чопқунчилар***- *Чопқунчиларимизнинг* йиғилишига қарамай зудлик билан ёв сари тезгина йўлга тушдим-91

---

[178] Чиноқ- 1. Қулоғи кесилган ёки қулоғи кертик. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тузувчилар Н. Тўхлиев ва бошқ.-Тошкент, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти, 2007. 4-жилд. – Б.489

467. ***Чопуқ***- Бир марта Хиёбонда Иброҳим бекчик қиличбозлик қилганда юзини чопдилар. Шундан сўнг уни Иброҳим *чопуқ* дер эдилар-52;

468. ***Чошнигир***- Ҳиндустонликлар баковулни (бош ошпазни) *чошнигир (*подшоҳ учун тайёрланадиган овқат назоратчиси*)* дейдилар-227

469. ***Чўри***- *Чўри* ва канизлари анча эди-35; *Чўри* ва канизаклари ҳам анча эди. Мўътабар чўриси Зуҳрабегим оға эди-45; Шайбонийхон балки ҳарам аёли, *чўри*- хизматкоригача ҳам кўзга илмади-76; Яна кичик – кирим *чўри*, ғунчачи кўп эди. Хотинлари ва *чўриларидан* мўътабарларини зикр этилди – 132; Модомики, бу бадбахт бундай катта гуноҳни содир этган экан, Юнус Али ва Хожагий Асадга унинг пул ва нарсалари, қул ва *чўриларини* олиб қўйгандан сўнг, ўзини Абдурраҳим шиғовулга эҳтиёт қилиб сақлаш учун топшириш буюрилди-228

470. ***Чўри-чурпа***- Ҳарамга яқин етганда *чўри-чурпа*, хизматчи эл нари кетдилар-163

471. ***Чуҳра*** – Мен дедим (Бобур) : “Яна бошқаларини текшириб кўринг. Афтидан, Сайийд Ҳусайн Акбар ва Султон Али *чуҳра*, яна Хисравшоҳнинг баъзи бек ва кичик беклари, йигит –яланг ҳам бор бўлган”- 121; Султон Али *чуҳра* – 163; Дўст Муҳаммад Боқир шундай маст бўлган эдики, Амин Муҳаммад тархон ва Мастий *чуҳра* бошчилигилар ҳар қанча уринсалар ҳам уни отга миндиролмасдилар -185; Бу урушда Бобо *чуҳра* яхши жанг қилиб, жасорат кўрсатди-273

472. ***Шайбон султонлари*** – Қизини *Шайбон султонларидан* Йилибарс Султоннинг укаси Эсонқули Султонга чиқарган эди -131; *Шайбон султонларидан* Қосим султонга бергандилар – 131

473. ***Шайбоний султонлари***-144

474. ***Шайх ул-ислом*** - 38; Фарғона вилоятида бу табақа элбоши ва *шайх ул-ислом* ҳамда қози бўлиб келгандир-60; Яна, *шайх ул-ислом* Сайфуддин Аҳмад эди-138

475. ***Шайх*** -*Шайх* Муслиҳиддин-30; Калом илми имомларидан бўлган *Шайх* Абумансур Самарқанднинг Мотурид номли маҳалласидандир-55; *Шайх* Муҳаммад Мусулмоннинг қабри шу ерда – 113; Яна, Мавлоно *Шайх* Ҳусайн эди-138; Солда *Шайх* Абул Важд, Шайх Зайн, Мулло Алихон, Турдибек Хоксор сингари ва яна шеър айтувчи кўпгина кишилар бор эди-189; Самарқанд ва Хуросондаги *шайхларга* назрлар юборилди-219

476. ***Шайхзодалар*** – Шайх Муҳаммад Мусулмоннинг авлоди *шайхзодалар* Фармулдандир – 113; Биҳар *шайхзодаларининг* одами душман Биҳарни ташлаб кетди, деган хабарни келтирган экан-269

477. ***Шақдор*** - Шу жойда эканимизда Деҳлининг бу тарафида турган Султон Иброҳимнинг у ердан чиқиб олдинга қараб жўнагани ва Ҳисори Феруза *шақдори (*шақдор-солиқ йиғувчи-196*)* Ҳамидхоний хоссахайлий Ҳисори Феруза ва ўша ердаги лашкари билан Ҳисори Ферузадан бу томонга қараб ўн-ўн беш курўҳ берида келаётгани ҳақида хабар олдик – 196; Байананинг *шақдорлиги* (солиқ йиғувчи лавозими) Дўст эшикоғага берилди-242

478. ***Шарбатчи*** -Мирзо билан Муҳаммад Қули қавчин, Ҳасан *шарбатчи* бирга кирдилар-50

479. ***Шахсий соқчи*** -45

480. ***Шаҳаншоҳ***-236

481. ***Шаҳар қалъабеги*** – Бадиуззамон мирзо томонидан *шаҳар қалъабеги* (Ҳирот шаҳри –муаллифлар) Шайх Али тағойи, Музаффар мирзо тарафидан Юсуф Али кўкалдош бўлди-142

482. ***Шаҳар қозиси*** – Аср намози пайтида Қосимбек, *шаҳар қозиси*, Кобулда қолган мулозим ҳамда арбоблар келиб, илтифот қилдилар – 176

483. ***Шаҳар қўрғонбеги*** – *Шаҳар қўрғонбеги* Жонвафо Хожа Яҳёнинг уйларида эди, қочиб чиқиб Шайбоқхон қошига кетди – 78

484. ***Шаҳар ҳокими***- Эшик оғалик ва Андижон *шаҳри ҳокимлиги* Қосим қавчинга топширилди-43

485. ***Шаҳзода***- Сафар ойининг охирларида Ироққа *Шаҳзода* Таҳмоспга элчиликка кетган Хожагий Асад Сулаймон деган туркман билан келди, кўп совғалар келтирди-227; Бизга келган хабарларда яхши янгиликлар бор эди: *Шаҳзода* Таҳмосп ўзбакни ҳайдаш ниятидаРениш ўзбакни Домғонда ушлаб ўлдириб, элини қатлиом қилибди-255

486. ***Шиғовул*** -Бу хабарни Абдулваҳҳоб *шиғовул* орқали хат қилиб, мирзога етказдилар-36 (Шиғовул-подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутиб олувчи ишончли киши-36); Хўжандда Мир Мўғулнинг отаси Абдуваҳҳоб *шиғовул* эди-47; Абдурраҳим *шиғовулга* келганларни қўшиб, Бҳирага юбордик – 169; Бир манзил ўтганимиздан сўнг, Дипалпурни Боқи *шиғовулга* (шиғовул-подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутишга тайинланган киши - 196) иноят қилиб, уни Балхга кўмак учун жўнатдим-196; Модомики, бу бадбахт кампир

бундай катта гуноҳни содир этган экан, Юнус Али ва Хожагий Асадга унинг пул ва нарсалари, қул ва чўриларини олиб қўйгандан сўнг, ўзини Абдурраҳим *шиғовулга* эҳтиёт қилиб сақлаш учун топшириш буюрилди-228 (282); Боқи *шиғовул* (подшоҳликда элчи ва меҳмонларни кутишга таъйинлаган киши) кетаётганида бу икки қари бадбахтнинг ҳар биттасининг бошига бир сердан олтин ваъда қилгандим-230; Унга Абдурраҳим *шиғовулни* қўшиб, чақириқ фармонлари билан жўнатдим-242

487. ***Шиқдор***- Шаъбон ойининг бешинчисида, чоршанба куни эрталаб бу тарафдан булуларнинг қаровули борса, Биҳарнинг *шиқдори* шаҳарнинг нариги тарафдаги дарвозасидан қочиб кетибди-270-271

488. ***Шовдор тумани доруғаси*** – 63

489. ***Шоир*** – *Шоир* Асириддини Ахсикатий-31; Ушбу Масчода эканимизда, *шоир* Мулло Ҳижрий Ҳисор тарафидан келиб мулозамат қилди – 86; *Шоирлардан* бу жамоанинг пешқадам ва асосчиси Мавлоно Абдураҳмон Жомий эди-139

490. ***Шоирча*** – Кобул *шоирчаларидан* биров "Шоҳи Феруз қадр" сўзларидан топди – 162

491. ***Шоҳ маҳкамаси бошлиғи*** – Унинг ўрнига Низомулмулк маҳкама бошлиғи бўлди. Бир қанча вақтдан сўнг Низомулмулкни туттириб ўлдириб, Хожа Афзални *шоҳ маҳкамаси бошлиғи* қилдилар-137; Яна, Хожа Ато эди. Гарчи бу улардек *шоҳ маҳкамаси бошлиғи* бўлмаса-да, лекин Хуросон мамлакатидаги барча муҳим ишлар Хожа Атонинг кенгашисиз амалга ошмасди-137

492. ***Шоҳ***- Шоҳбегим Бадахшон *шоҳи* Шоҳ Султон Муҳаммаднинг қизи эди-35; У тоғнинг чўққисида *Кобул шоҳи* иморат қилгани боис бу тоғни Шоҳи Кобул дейдилар -105; Оталари *шоҳларнинг* бекларидан бўлган Зубайр Роғий ҳам Роғда ёвлашди – 122; Ироқда буни ва *Шоҳ* Исмоилни бир ерда туткинликка олган эканлар – 130; *Шоҳ* Исмоил Ҳиротни олганида шаҳид бўлди-138; Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан ғараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русуми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича *шоҳдан* сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шариат ман этган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружу қилинарди-233

493. ***Шоҳмотчи***- 138

494. ***Элбоши*** - Фарғона вилоятида бу табақа *элбоши* ва шайх ул-ислом ҳамда қози бўлиб келгандир-60

495. ***Элликбоши*** – Хосса тобинга (шоҳнинг махсус ҳарбий қисми) батамо қўлидан иш келадиган йигитларни айириб олган эдим: ўн- ўн ва эллик- эллик битилиб, ўн боши ва *элликбоши* тайин қилгандим – 158

496. ***Элчи***- Амакиси Саййид Муҳаммад мирзо Самарқандга Султон Саидхондан *элчиликка* келганда, уни қўшилиб кетди-34-35; Менга Султон Маҳмуд мирзодан Абдулқуддусбек исмли *элчи* келди-43; Самарқанд ғалабасидан сўнг атроф – теваракдаги кариллаган ва дағдағали хонлар, султонлар, амирлар ва чек – чегарадагиларга кўмак ва мадад сўраб мунтазам сўраб *элчилар*, хабарчилар бордилар ва келдилар – 79; Менга ҳам *элчилар* келди-143; Шу куни Шоҳбекнинг *элчиси* Абу Муслим кўкалдошига тўн кийдириб, совға-саломлар билан кетишига рухсат бердик – 179; Икки хожага ҳамда ва икки катта *элчи*-Кўчумхоннинг навкари ва Ҳасан Чалабийнинг укасига кумуш тоши билан олтин ва олтин тоши билан кумуш тортилиб, инъом қилинди-259; Хожа Мир Султонга ва унинг ўғилларига, Ҳофиз Тошкандий ва Мулла Фаррух бошчилигидаги Хожанинг хизматидаги кишиларга ҳамда бошқа *элчиларга* ҳам олтин ва кумуш ёйлар тухфа этилди-259-260; Ойнинг ўн тўққизинчисида, душанба куни қизилбошлар *элчиси* Мурод қўрчига қимматбаҳо тошлар қадалган камар ханжар ва муносиб тўн кийдириб, икки лак танга иноят қилиб, кетишига рухсат берилди-279; Шу пайти Бадахшондан Муҳаммад Ҳумоюннинг *элчилари* келди-283

497. ***Эшик ихтиёрлиги***- Шайх Абдулло ўзи ва ўғлонлари асосий ҳамда айрим *эшик ихтиёрлигини* олдилар- 62

498. ***Эшик оға***- Бири Саййид Қосим *эшик оға*, иккинчиси Қанбар Али Қосимбек, учинчиси Шерқули қоровул мўғул, тўртинчиси Шерқулининг жамоатидан Султон Аҳмад мўғул эди – 151

499. ***Эшикдор***- Вали қизилга Деҳлининг *эшикдорлиги* (солиқ йиғувчиси мансаби) ни тақдим этиб, Дўстни Деҳли вилоятига девон қилдим, бор хазинани муҳрлашни ва бутун жавобгарликни уларнинг зиммасига юкладим-201

500. ***Эшикоға*** - Султон Абусаид мирзо Жўги мирзони Шоҳрухияда қамал қилганда Фарғона вилоятини Умаршайх мирзога бериб, *эшикоғаликка* Худойберди Темуртошни тайинлаган эди-36; Ҳасан Яъқуббекдан сўнг менинг эшигимда у *эшикоға* эди-36; Кобулнинг қалъабегилиги, Панжҳир, Кадий Ҳазора, Кўшкак ва *эшикоғалик* мансаби бутунлай унда эди - 125; Яна, Бобо

Али *эшикоға* эди. Аввал Алишербек хизматида бўлди. Сўнгра мардоналигидан Ҳусайн мирзо олиб, *эшикоға* қилиб, беклик мартабасига кўтарди. Ҳозир менинг қошимдаги хос кишим (ҳали бу ҳақда такроран битилгай) – Юнус Али бунинг ўғлидир – 135; Байананинг шақдорлиги (солиқ йиғувчи лавозими) Дўст *эшикоғага* берилди-242

501. ***Югурдаклар***- Шу боис, ойнинг ўн биринчисида, якшанба куни Қанбар Али арғунни Шайх Шарифни, Лаҳўр имомларини *югурдаклари* билан ҳамда Абдулазизни ҳузуримизга олиб келишни тайинлаб жўнатдик-279

502. ***Юртчи***- Аҳмад ясовул билан Қора Аҳмад *юртчи* яна Кобулдаги беклрга юборилди-151

503. ***Ядачилар (ёмғир чақирувчилар)***- Ақраб ойи келгач, *ядачиларга* яда қилиш буюрилади, дея кенгашиб оладилар-256; Султон Абусаид мирзога хизмат қилган даврида *ядачиликни* (афсун билан ёмғир ёғдиришни) даъво қиларди-37

504. ***Ясовул*** – Аҳмад *ясовул* билан Қора Аҳмад юртчи яна Кобулдаги бекларга юборилди-151; Яна бир шотига Бобо *ясовул* чиқиб, болта билан қўрғоннинг томини бузишни бошлади – 164; Шер жуда кўп ўқ еб, бутага тисарилиб турган эди, Бобо *ясовул* қиличини суғуриб, яқин борди, шер ҳамла қилмоқчи бўлганида унинг бошига қилич солди – 175; Тавочи ва *ясовулларни* теварак-атрофга юбориб, аскар ва сипоҳийларни забт қилиш бобида ҳукмларимизни буюк султонларга, иззатли амирларга ва ҳурматли ғозийларга етказиб турарди-238; Солиқ пулларини йиғиб олиш учун Ғулом *ясовул* юборилди-275; Зарур иш чиқиб қолганда унга буюришимизни, у эса *ясовуллар* ва товачиларга айтиши, улар эса бошлиқларига етказишини тайинладик-281

505. ***Ўғлоқчи***[179]- Яна бири Саййид Юсуф *ўғлоқчи* эди-41; Саййид Юсуф *ўғлоқчи* ҳам аймоқлар билан келди-103; Менинг сара ичкиларимдан бўлган Шоҳ Маҳмуд *ўғлоқчининг* ҳам отлари батамом қолиб, яёв келди – 121; Яна, Саййид Ҳасан *ўғлоқчи* эди. Саййид *ўғлоқчининг* ўғли Саййид Юсуфбекнинг укаси эди – 136

[179] Ўғлоқ-Тўрт ойлик эчки боласи.Қаранг: Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Д. Сангирова - Тошкент, Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. - Б.724. Атаманинг мазмунига кўра, бу тарихий шахслар улоқ чопиш маҳоратини ҳам эгаллаганлар.-муаллифлар

506. ***Ўғлон***- Хоннинг *ўғлонларидан* ушбу икки султонгина келиб эди, ўн уч-ўн тўрт ёшда эдилар-89

507. ***Ўзбек султонлари*** – 192

508. ***Ўзбек хонлари*** – 192

509. ***Ўқотарлар***- Яна *ўқотарлар* ва устод Муҳаммад Амин жибачининг аҳволидан ғофил бўлманг-264-265

510. ***Ўлпон йиғувчи*** - Бир *ўлпон йиғувчиси*-Ҳасан барлос исмли қари нусха Илокдан Уёжгача қаттиққўллик билан солиқ йиғиб, бизни кўчириб туришар эди-102-103

511. ***Ўнбоши*** – Хосса тобинга (шоҳнинг махсус ҳарбий қисми) батамом қўлидан иш келадиган йигитларни айириб олган эдим: ўн- ўн ва эллик- эллик битилиб, *ўн боши* ва элликбоши тайин қилгандим – 158

512. ***Ўрда бозори бошлиғи***- Бу фурсатларда бир *ўрда бозори бошлиғининг* ўғли бор эди-Бобурий исмли, оти ҳам ажаб муносиб тушиб эди – 73

513. ***Ўш ҳокими***-39

514. ***Қабр хизматчилари*** – Сўнгра маълум бўлдики, бу ҳол *қабр хизматчиларининг* ҳийлалари экан – 112; *Қабр хизматчиларининг* аввалги ишлари таҳдид билан ман этилди – 113

515. ***Қазоқ йигитлар***- Қисмтой билан Бўжака бир нечта *қазоқ йигитлар* (ҳарбий саргардон йигитлар) билан "тил" ушлашга борганларида кофирларнинг икки бўлинмаси ҳужумчиларини босиб, етмиш-саксон кишини асир қилиб оладилар-230 ///// ***Қазоқ***-мулксиз, дарбадар ҳарбий -28 (Сўзбошига қўшимча-28)

516. ***Қаландар*** – Бу ерларда ўттиз-қирқ йил Шаҳбоз *қаландар* деган бир мулҳид (даҳрий) яшаб ўтган экан – 167; Шоҳи деган *қаландар* билан яна коризда ишлайдиган бир рубобчини ҳам суҳбатга чорладик-186

517. ***Қалъабеги*** – Баъзи қўрғонлардан ўзбак *қалъабегилари* ваҳимага тушиб, ташлаб чиқдилар- 79

518. ***Қандаҳор ҳокими*** – 130

519. ***Қаровул*** – Бойсунқур мирзонинг қатлидан сўнг Қучбекнинг отаси Султон Аҳмад *қаровул*, оға-иниси, кўчи ва тегишли кишилари билан Қаротегин вилоятидан чиқиб, бизни деб келди – 69

520. ***Қассоб***- Қанбар Али мўғулнинг отаси вилоятга келиб, узоқ вақт *қассоблик* қилгани учун Қанбар Али *қассоб* дер эдилар-37

521. ***Қиссахон*** – Бирдан – бир дайди ўқ Ҳумоюн мирзонинг *қиссахонига* тегди, шу заҳотиёқ Ҳаққа жон таслим қилди – 194

522. ***Қози***-Хожа Мавлонойи *Қози*-37; Фарғона вилоятида бу табақа элбоши ва шайх ул-ислом ҳамда *қози* бўлиб келгандир-60; Яна, *Қози* Ихтиёр эди. *Қозиликни* яхши қилди-138; Шу пайт Султон Жунайд ва *қози* Жийа саккиз куруҳ юқорида кечик бор, хабар бердилар-272

523. ***Қозоқ беклари*** – Онаси Чўлибегим *қозоқ бекларининг* қизи эди – 130

524. ***Қозоқ султонлари***-35

525. ***Қозоқ улуси хони***- 35

526. ***Қозон хони*** - Охири Шайбонийхон Ғулом Шодийни *Қозон хони* Муҳаммад Аминхон қошига юборади -141

527. ***Қонуний***- Эртаси куни тонгда Хондамир муаррих (тарихчи), Мавлоно Шиҳоб муаммойи, Юнус Алининг қариндоши Мир Иброҳим *қонуний* хизматимга кириш ниятида Ҳиротдан чиққанларига анча вақт бўлганди, етиб келиб, хизматимга кирдилар-250

528. ***Қоплон***- Бу хабар етиб келгач, Гадойи тағойи, Поянда Муҳаммад *қоплон*, Абулҳасан қўрчи, Мўмин атка бошчилигидаги ичкилар ва йигитларни отларининг жиловларини бўш қўйдириб зудлик билан илгарироқ жўнатиб, ўзим ҳам тез бордим – 180; Гарчи Абулҳасан билан Поянда Муҳаммад *қоплоннинг* мардликлари бундан бурун ҳам маълум бўлса-да, бу урушда катта жасорат кўрсатдилар -180

529. ***Қорақўйлуқ туркман беклари***-46

530. ***Қорилар***- Бир замон бунда ўтириб, *қорилар* Қуръон ўқиганларидан сўнг Хадичабегимнинг чодири тикилган жанубий мадрасага бордик-145

531. ***Қоровул***- Бири Саййид Қосим эшик оға, иккинчиси Қанбар Али Қосимбек, учинчиси Шерқули *қоровул* мўғул, тўртинчиси Шерқулининг жамоатидан Султон Аҳмад мўғул эди – 151

532. ***Қуллар*** - Барча қуш тутувчи сайёдлар *қуллардир* – 115; Музаффар мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ номли *қуллари* бор эди-146; Отимни Турдибекнинг *қулларидан* бирининг қўлига бердим-186; Озиқ-овқат излаб кетган *қул* ва хизматчилар, яхши-ёмон кишилар чангалзор ва тоғларни, қийин ва ўтиб бўлмас ерларни бемақсад, натижасиз кезиб, бир неча кишини йўқотдилар-191; Модомики, бу бадбахт бундай катта гуноҳни содир этган экан, Юнус Али ва Хожагий Асадга унинг пул ва нарсалари, *қул* ва

чўриларини олиб қўйгандан сўнг, ўзини Абдуррахим шиғовулга эҳтиёт қилиб сақлаш учун топшириш буюрилди-228

533. ***Қурбеги*** – Абулҳасан *Қурбегининг* иниси Муҳаммад Ҳусайн ҳам Мирзохонга навкар эди – 151;

534. ***Қўрбеги*** – Аксар ҳарбий сафарларимда мен билан бирга юрган, *қўрбеги* (шаҳар ҳарбий қисми бошлиғи) мансабидаги Шайх Дарвеш кўкалдош ёйни кучли тортар ва ўқни яхши отар эди, бу ғорнинг оғзига билмасдан яқинлашиб, кириб боради – 125; Ҳотам ҳам бу юришда ёмон эмас эди. Шунга кўра Шайх Дарвеш кўкалдошнинг мансаби – *қўрбегилик* Ҳотамга иноят бўлди – 126; Ҳотам *қўрбеги* – 159

535. ***Қуш тутувчи сайёдлар*** – Барча *қуш тутувчи сайёдлар* қуллардир – 115

536. ***Қушбеги*** – Ҳасан Али жалойир Султон Ҳусайн мирзо қошида *қушбеги* эди, шоир эди – 136

537. ***Қушчи*** - *Қушчи* эди-37; Шундай ов қилар эдики, мендек шаҳбоз овига ҳавассиз кишини ҳам *қушчи* қилиб қўйганди – 175

538. ***Қўрғонбеги***-Дизак *қўрғонбеги*-84; Балх *қўрғонбеги*-142; *Қўрғонбеги* Шерозни сақлай олмай, қўрғонни топширди-52; *Қўрғонбегилар*– 153

539. ***Қўриқчи*** – Кечаси *қўриқчиликка* чиққанлар қор қалин бўлгани боис тонг отгунча отдан тушмадилар – 126; Катта тўпни жанг майдонига элтиб, ерини текислаш учун Мулло Ғуломни назоратчи қилиб тайинладим, бир неча *қўриқчи* ва чаққон йигитларни унинг ёнига ёрдамга қўйдим-273; У жасорат кўрсатиб, душманни қувиб, *қўриқчилари* сафини бузиб, уларни марказ қўшини яқинига суриб бориб қўйди ва бу ғалабанинг мукофотини унинг номи билан атадик-281; *Қўриқчиларим* ўнг ва сўл тарафдан ўнг ва чап қанотларга қараб, олдинга интилиб, душманга ҳамла қилдилар-281-282

540. ***Қўрчи*** - Яна Муҳиб Али *қўрчи* бир даста баҳодир йигитларни олиб келиб, Хатлон дарёсининг ёқасида буларнинг одамларига учраб, уларни енгиб, бир гуруҳ кишини асир қилиб, бир неча бошни кесиб кетди-49; Бу юртда Муҳиб Али *қўрчи* Хисравшоҳдан элчиликка келди-100; У вақтда Хамлангон Хисравшоҳнинг *қўрчиси* бўлган Муҳаммад *қўрчининг* қўлида эди - 122; Бу хабар етиб келгач, Гадойи тағойи, Поянда Муҳаммад қоплон, Абулҳасан *қўрчи*, Мўмин атка бошчилигидаги ичкилар ва йигитларни отларининг жиловларини бўш қўйдириб зудлик билан илгарироқ жўнатиб, ўзим ҳам тез

бордим – 180; Муҳаммад Али жанг-жанг, Шайх Ҳуран ва Абдумалик *қўрчи (милтиқчи)* катта гуруҳ билан Миёни Дуобда исён кўтариб, Кўйилни эгаллаб, Кичик Алини асир қилиб олган Илёсхон устига юборилди-241; Пайшанба оқшоми Абдулмалик *қўрчини* Ҳасан Чалабийга қўшиб шоҳнинг олдига, Чопуқни эса ўзбак элчилари билан бирга хонлар ва султонлар олдига юбордик-263

541. ***Қўшиқчилар***-Созандалар соз чалдилар, *қўшиқчилар* бир нималарни айтдилар-254

542. ***Қўшин беклари*** - Андижоннинг қадимий *қўшин бекларидан* эди-36

543. ***Ғижжакий***- Яна, Шоҳқули *Ғижжакий* эди-141

544. ***Ғончи*** – Чап қанотда Муҳаммад Султон мирзо, Маҳдий Хожа, Одил Султон, Шоҳ Мир Ҳусайн, Султон Жунайд барлос, Қутлуққадам, Жонибек, Муҳаммад бахши ва Шоҳ Ҳусайн Ёракий мўғул *ғончи* турдилар – 199

545. ***Ҳазрат Хожа*** - *Ҳазрат Хожа* Убайдуллоҳга мурид эди-32

546. ***Ҳазрати Хожаго*** – *Ҳазрати Хожаго* Хожа Самарқанддан чиқиб келиб, Фаркатда ўтириб эдилар – 85

547. ***Ҳазрати ҳоқон***- Бу аҳвол муносабати билан *ҳазрати Ҳоқондан*, ғулнинг аробаларини илгари суришга фармон бўлди-239

548. ***Ҳакимлар***- Буни эшитишим билан Деҳлига олиб келишларини ва у ердан кемага солиб олиб келсинлар, бу ерда уни зийрак *ҳакимлар* кўриб, дардига даъво қилсинлар, деган фармон берилди. Бир неча кунда уни дарё йўли билан олиб келдилар ва табиблар ҳар қанча дори-дармон бермасин, яхши бўлмади-284

549. ***Ҳарам аёли*** – Шайбонийхон балки *ҳарам аёли*, чўри- хизматкоригача ҳам кўзга илмади-76

550. ***Ҳизабруллоҳ*** – Ушбу Камолиддин Ҳусайннинг хушомадидан Зуннун арғун *"Ҳизабруллоҳ"* лақабини олди (Оллоҳнинг шери-134)- 136

551. ***Ҳинд амирлари***- Унинг бу сўзлари барчага хуш келиб, турк ва *ҳинд амирлари* бу қарорни маъқулладилар-223; Якшанба куни турк ва *ҳинд амирларини* "Хилватхона"га чорлаб, кенгашдик-261

552. ***Ҳинд ройи (шоҳи)*** – Яна бир тарихий асарда кўрилибдики, *ҳинд ройи* (шоҳи) Сабуктигинни Ғазнида қамал қилганида, Сабуктигиннинг буйруғи билан бу чашмага нажосат билан ифлос нарсаларни соладилар – 112

553. ***Ҳиндустон амирлари***-280

554. ***Ҳиндустон беклари*** – Татар *Ҳиндистон беклари* билан тил бириктириб ва шартлашиб келиб Ҳаатийни узоқдан туриб қамал қилгандек бўлиб ўтирарди-172; Жўнаб кетган илғор беклари: Боқи мингбеги, Турдибек Қучбек, Ошиқ баковул, Мулло Опоқ, Муҳсин дўлдой, *Ҳиндустон бекларидан*: Шайх Гуран-246

555. ***Ҳиндустонлик белчилар***- Арава киролмаган ерга хуросонлик ва *ҳиндустонлик белчи* ҳамда кетмончиларни солиб, ҳандақ қаздирилди-231

556. ***Ҳиндустонлик кетмончилар***- Арава киролмаган ерга хуросонлик ва *ҳиндустонлик* белчи ҳамда *кетмончиларни* солиб, ҳандақ қаздирилди-231

557. ***Ҳирот ҳокими***-36

558. ***Ҳирот шаҳри ҳокими*** – 129

559. ***Ҳисобчилар*** – Абдураззоқ мирзога хазинадан бирор нарса иноят қилиб, бу хазинанинг устига Дўст Носирбекни, Қул Боязид ошпазни ва *ҳисобчилардан* Муҳаммад бахшини тайинладим – 160; Шоҳбек хазинасининг назорати ва ҳисобини олиш учун Хожа Муҳаммад Али, Шоҳ Маҳмуд ва *ҳисобчилардан* Тағойи Шоҳ бахши тайинланди – 160

560. ***Ҳисор беклари***-46

561. ***Ҳисор султонлари***-*Ҳисордаги султонлар* Ҳисорни ташлаб кетдилар-256

562. ***Ҳисор ҳокими***-45

563. ***Ҳисори Феруза шақдори*** – Шу жойда эканимизда Деҳлининг бу тарафида турган Султон Иброҳимнинг у ердан чиқиб олдинга қараб жўнагани ва *Ҳисори Феруза шақдори* Ҳамидхоний хоссахайлий Ҳисори Феруза ва ўша ердаги лашкари билан Ҳисори Ферузадан бу томонга қараб ўн-ўн беш курўҳ берида келаётгани ҳақида хабар олдик – 196

564. ***Ҳожи***- Ҳофиз *ҳожи* яхши қўшиқ айтарди-146

565. ***Ҳоким***- Астробод *ҳокими*-50

566. ***Ҳоқон***- Бу аҳвол муносабати билан ҳазрати *Ҳоқондан*, ғулнинг аробаларини илгари суришга фармон бўлди-233

567. ***Ҳофиз (қори)***- Ўнг қўлимда-мендан беш-олти қари нарида-Тўхта Бўға Султон, Аскарий, Ҳазрати Хожанинг фарзандлари Хожа Абдушшаҳид, Хожа Калон, Хожа Ҳусайний, Халифа ва яна Самарқанддан келган хожага қарашли *ҳофиз* (қори) ва муллолар ўтиришди-259; Мулла Фаррух ҳамда *ҳофиз* бошчилигида келганларга чакмонлар кийдирилди-259; Хожа Мир Султонга ва

унинг ўғилларига, *Ҳофиз* Тошкандий ва Мулла Фаррух бошчилигидаги Хожанинг хизматидаги кишиларга ҳамда бошқа элчиларга ҳам олтин ва кумуш ёйлар тухфа этилди-259-260

568. ***Ҳофиз (қўшиқчи)***- Шодий *Ҳофизнин*г ўғли эди-141; *Ҳофиз* ҳожи яхши қўшиқ айтарди-146

569. ***Ҳужумчи қисм беклари***- *Ҳужумчи қисм беклари* бир гуруҳ йигитларни ўзларидан илгарироқ қаровулликка юборган эдилар-43; Бизнинг *ҳужумчи қисмимиз беклари*: Али Дарвишбек ва Қўчбек оға – иниси билан Пишхорон дарвозасига бориб, зўр жанг қилдилар – 72

570. ***Ҳужумчилик қисмининг бошлиғи*** - Ҳайдар кўкалдош мўғул лашкарининг улуғ таянчи, *ҳужумчилик қисмининг бошлиғи* эди-46

571. ***Ҳунарманд*** -57; Сайфий Бухорийнинг яна бир девони ҳам борки, барча *ҳунармандлар* учун ёзгандир-139-140; Бу юртда (Ҳиндустон) ҳар бир *ҳунарманд* ота-бобосидан қолган касбни ўрганиб, давом эттиради-217; Яна яхши бир жиҳати шуки, ишчи ва *ҳунармандлари* жуда кўп-218

# IV. ТАРЖИМА

## ЙИЛМАЗ ЎЗТУНА

# Темурийлар салтанати

# (1370-1512)



(Туркчадан қисқартирилган таржима)

(Таржима ва изоҳлар муаллифлари- Боқиев А., Йўлдошева З.)

## Сўз боши ўрнида

*Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомидадунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, уларни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодларимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим этишимиз керак.*

*Ислом Каримов*

Темурийлар салтанати тарихи барча даврларда жаҳон муаррихларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу сулоланинг ҳукмронлик даври салкам 500 йилликни ўз ичига олганини эътиборга олсак, унинг ўрганилиш даражаси ҳам кенг қамровлидир. Шарқшунос олим В.В. Бартольд таъкидлаганидек, Темур даври тадқиқотчиси "Маълумотларнинг камлигидан эмас, балки кўплигидан қийналади. Чунки улар кўплаб кутубхоналарга сочилиб кетган, улар аввало танқидий нуқтаи назардан қараб чиқишни ва нашр этишни тақозо этади"[180]. Дарҳақиқат, Соҳибқирон бобомиз ва унинг авлодлари тўғрисида ёзилган асарларнинг сони ва салмоғи ҳар қандай тадқиқотчини ҳайратда қолдиради. Бу тарихий манбаларни тўплаш ва библиографиясини тузиш масаласи эса ниҳоятда қийин вазифадир.

Немис олими М. Дагенхарт 1913 йилдаёқ Европа шарқшуносларининг Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати -библиографиясини чоп этди. Таниқли француз олимлари Л. Керен "Тамерлан ёхуд Соҳибқирон салтанати" (Нюшател, Швейцария, 1978) ва Ж. П. Ру "Тамерлан" (Париж, 1994) номли китобларида ҳар бири Амир Темур ҳақидаги 100 дан ортиқ асар рўйхатини келтирган бўлсалар, "Улуғбек-астрономия султони" (Париж, 1994) номли тўпламда–40 та асар, "Самарқанд 1400-1500: Тамерлан пойтахти салтанат ва Уйғониш юраги" (Париж, 1995) номли асарда-27 та китоб ҳақида маълумот берилган.Абдулҳай Ҳабибийнинг 1974 йили Теҳронда нашр этилган 1018 саҳифадан иборат "Темур даври санъатлари" номли асари Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тарихи, маданияти ва саънатига оид

[180] Бартольд В.В. Мир Али-Шир и политическая жизнь. Сочинения. II том, 2 часть. М., 1964. С.199.

китоб ва рисолалар рўйхати билан ва улар дунёнинг қайси кутубхоналарида сақланаётганлиги билан таништиришга бағишланган. Бошқирдистонлик таниқли тарихчи "Аҳмад Закий Валидий асарларининг тартиби" китобида 23 та асар ва китоб кўрсатилган[181]. Академик Э.В. Ртвеладзе ва А.Х. Саидовлар муаллифлигида 1999 йилда чоп этилган "Амир Темур дунё фани кўзгусида" номли библиографик тадқиқотларида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 700 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 дан кўпроқ деб маълумот берилган.[182] Бу масалаларга оид манбаларнинг илмий таҳлили жамиятшунос олимларимиз асарларида, айниқса, ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилган "Амир Темур жаҳон тарихида" номли фундаментал тадқиқотда батафсил берилган. Ушбу тадқиқотда мазкур мавзу бўйича жаҳоннинг турли тилларида нашр этилган адабиётлар рўйхати ҳам келтирилган[183]. Бу фундаментал тадқиқот 1996 йилда чоп этилган эди. 2001 йилда эса биринчи президентимиз И.А. Каримов ёзган сўзбоши билан иккинчи нашри тўлдирилган ва қайта ишланган ҳолатда чоп этилди.[184]

Ўзбекистонда Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган асарлар рўйхати библиографиясини тузиш ишларига 1999 йили Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасида жиддий киришилди ва ўша йилнинг декабрь ойигача 8950 та манба аниқланди.[185]

Кейинги йилларда ватанимизда Темурийлар даври тарихи акс эттирилган чет эл адабиётларига қизиқиш янада ортди. Бир қатор асарлар ўзбек тилига таржима қилинди[186]. Мана шундай саховатли ишга ҳисса қўшиш мақсадида биз ҳам турк тарихнависи ва журналисти Йилмаз Ўзтунанинг 5 жилддан

[181] "Ёш ленинчи" газетаси, 1991 йил 1 июнь сони.

[182] Тарихий манбашунослик муаммолари (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). 2008 йил, 25- апрел, 98-бет.

[183] Амир Темур жаҳон тарихида. БМТ. ЮНЕСКО. – Париж, 1996, 119-128, 256-293-б.

[184] Амир Темур жаҳон тарихида. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри.-Т.: 2001. 4-бет.

[185] 1999 йил 23 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Амир Темур ва унинг марказлашган давлат тузиш йўлидаги буюк хизматлари" мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари, 61-63 бетлар.

[186] Иванин М.М. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент, 1994; Эрскин Уильям, Бобур Ҳиндистонда. Тошкент, 1995; Ака, Исмоил. Буюк Темур давлати, Тошкент, 1996; Кэрэн Л., Саидов А. Амир Темурнинг дипломатик ёзишмалари//Амир Темур ва Франция. Тошкент: 1996; Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. Тошкент, 1998; Кэрэн, Люсьен. Амир Темур салтанати. Тошкент, 1999 ва 2016 йил нашри; Хуккэм, Хильда. Етти иқлим султони. Тошкент, 1999; Клавихонинг Самарқандга саёҳати. Тошкент: 2004; Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406) [Text] Гонсалес, Руи Де Клавихо.; масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О. Тоғаев.- Т.: "O`zbekiston", 2010.- 264 б.; Брион, Марсель. Менким, соҳибқирон-жаҳонгир Темур. Тошкент, 2011.-572 б. ва 2015 йил нашри; Юнус Ўғуз. Амир Темур. Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. - 588 б.; ва бошқалар.

иборат “Давлатлар ва сулолалар”[187] номли илмий-оммабоп тарихий асарининг “Ислом давлатлари” деб номланган 1-жилдидан жой олган “Темурийлар салтанати” бобини ўзбек тилига таржима қилишга ҳаракат қилиб кўрдик. Мазкур боб содда ва равон тилда ёзилган. Бобнинг илмий аҳамияти шундаки, унда баъзи Темурий мирзо ва маликаларнинг Усмонийлар салтанатидаги ҳаёти билан боғлиқ қимматли маълумотлар учрайди. Матнда Темурийлар шажарасига оид маълумотлар маълум бир тизимга солиб берилган ва хронологик кўлами жиҳатидан Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” (Тошкент “Ёзувчи” 1995 й.), Азамат Зиёнинг “Ўзбек давлатчилиги тарихи” (Тошкент “Шарқ” 2000 й.), Амир Темур жаҳон тарихида (Тошкент,“Шарқ”, 2001 йил), Ҳаким Сатторийнинг “Олтин силсила” (Тошкент “Шарқ” 2006 й) асарларида берилган шажаралардан баъзан фарқ қилади. Шу боис биз бобда қайд этилган Темурийлар тарихига оид генеалогик маълумотларни бир қатор бирламчи манбалар ва Ўзбекистонда кейинги йилларда чоп этилган илмий-тадқиқот, илмий-оммабоп асарларда келтирилган тарихий фактлар билан имкон даражасида таққослаб чиқишга ҳаракат қилдик. Асосий эътибор генеалогик маълумотларни таҳлил этишга қаратилганлиги сабабли баъзи тарихий маълумотлар таҳлил этилмади. Боб охирида берилган библиографияга кўра, муаллиф бир қатор муҳим тарихий манбалар ва илмий-тадқиқот, илмий-оммабоп асарлар билан танишлиги кўриниб турса-да, оригинал матнда тарихий шахслар, тарихий-топонимик истилоҳларга изоҳлар берилмаган. Шунингдек, матнда бирламчи манбалардан фойдаланилганлигини кўрсатувчи иқтибослар ва шарҳлар билан етарлича мустаҳкамланмаган. Бу ҳолат матнда учрайдиган баъзи бир маълумотларнинг манбаларини аниқлашда катта қийинчилик туғдиради. Айрим воқеалар баёнида муаллифнинг жузъий қарашлари ва хулосаларида, қайд этиб ўтган бир қатор тарихий маълумот-ларида хронологик, топонимик, генеалогик тадқиқотларда чалкашликлар ҳам учрайди. Тарихимиз саҳифалари қайта, ҳаққоний ёритилаётган бир вақтда муаллифларнинг хизматларини юксак қадрлаб, уларнинг асарларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиб, уларда йўл қўйилган баъзи хатолик ва чалкашликларни тўғрилаш фурсати етди. Бундай асарларни таржима қилиш ва ўрганиш, уларда келтирилган маълумотларнинг тарихий ҳақиқатга қанчалик

[187] Öztuna, Yılmaz, Devletler ve Hanedanlar,1-cild,Ankara,1996, 1224 seyfa (575-619).

яқинлигини текшириб, илмий таҳлил қилиш кўплаб алоҳида тадкиқотларни талаб этади.

Биринчи президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек: “Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин.”[188]

Мазкур боб турк тилидан илк бор ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилингани боис, айрим камчиликлардан холи эмас. Бу борада билдирилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни бажонудил қабул қиламиз.

*Йилмаз Ўзтуна ( 20.09.1930 – 12.02.2012)*






**Давлатнинг характери**

Туркияда Темур машҳур шахслардан бири сифатида тан олинади. Аслида “Темур” туркий сўз бўлиб, ҳозирги вақтда Туркияда ”демир” сифатида қўлланиб келинмокда. “Темир” муҳим бир маъданнинг номидир. Арабчада эса бу сўз “Тимур”, ҳатто “Теймур”дир. Ғарб дунёсида Темурга нисбатан қўлланиладиган “Тамерлан” атамаси форсчадаги “Темурланг” сўзининг бузилган шаклидир. Турк ва жаҳон тарихидаги машҳур тарихий шахслардан бири исмининг этимологияси шундайдир[189].

Темур усмонийлар, салжуқийлар ва исломгача бўлган даврда тарих саҳнасида катта из қолдирган хуннлар ва Турк ҳоқонлиги билан тенглаша оладиган сулола асосчисидир. Тарих саҳнасида тутган ўрнига кўра бу

[188] Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент, 1998, 6-бет.
[189] Муаллиф асарнинг 575-бетида* билан қуйидагича изоҳ берган:“Отатурк Темурдан ҳайратда эди. Отатуркнинг фикрича, Темур туркий халқлар ичида етишиб чиққан энг буюк шахс эди. У Темурнинг ҳарбий маҳоратига лол қолган ва ўзи ҳам унинг ҳарб санъатини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилган.” - тарж.

сулолаларга тенглаша олади. Бутун турк дунёсида бу беш хонадон билан баҳслаша оладиган сулола йўқ. Бу беш хонадон нафақат туркийлар тарихида балки, жаҳон тарихида ҳам ўзига хос ўринга эга бўлиб, тарихий жараёнларнинг боришини у ёки бу тарзда ўзгартира олган сулолалар ҳисобланади. Ҳозирги даврда ҳам улар қолдирган улкан тарихий мерос жаҳон тарихида салмоқли ўрин эгаллаши бунинг исботидир.

Темурийлар хонадони туркий сулола бўлиб, ўз диний эътиқодларига кўра сунний-ҳанафия мазҳабига мансубдир. Бу хонадон вакиллари салжуқийлар каби форсчадан санъат тили сифатида доимо фойдаланиб келишган. Шу билан бирга шарқий туркларнинг энг буюк шоири Навоий Темурийлар саройида бош вазир лавозимида фаолият кўрсатган бўлса, ундан кейин ижод қилган иккинчи буюк шоир Бобуршоҳ эса бевосита Темурийлар хонадонига мансуб бўлган.

Дунай-Москва–Сибирь–Хитой–Тибет-Ўрта Ҳиндистон-Ҳинд океани-Қизил денгиз орасига ёйилган Темурийлар салтанати Темур вафот этгач, бир қатор ташқи ўлкаларидан маҳрум бўлиб, ҳудудий жиҳатдан бироз кичиклашиб қолди. Ҳиндистон, Миср Мамлуклари, Усмонийлар, Олтин Ўрда ҳудудлари бирин-кетин тобеъликдан қутулдилар. Туркистон, Эрон, Афғонистон ва атрофдаги баъзи ўлкаларда эса Темурийлар ўз мавқеларини маълум вақтга қадар сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Ҳиндистонда эса Темурийлар ҳукмронлиги 1858 йилга қадар давом этган. Шу жиҳатдан Темурийлар қожарлар ва усмонийлардан кейин, тарих саҳнасида энг узоқ сақланиб қолган туркий сулола ҳисобланади. 1402 йилда Темурга тобеъликни тан олган усмонийлар давлати, 1447 йилгача ҳам (Шоҳрухнинг вафотига қадар) бу қарамликдан қутулишга журъат эта олмаган. 1390 йилларга келиб дунёнинг энг қудратли давлатига айланган салтанат, 1447 йилда бу мавқеидан маҳрум бўлди. Бу давр орасида дунёнинг иккинчи қудратли давлати ҳисобланиб келган усмонийлар салтанати бу борада биринчиликни ўз қўлларига олишди. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Темурийлар салтанати XVI асрга келиб, Туркия (Усмонийлар) ва Эрон (Сафавийлар) турк империяларидан сўнг дунёнинг учинчи, XVII асрда эса Эронни ортда қолдириб иккинчи қудратли давлатга айланди ва ўз мавқеиларини XVIII асрнинг бошларига қадар сақлаб қолишган.

Бу хонадондан Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Бойсунғур, Абу Саид, Ҳусайн Бойқаро, Бобуршоҳ, Шоҳи Жаҳон, Оламгир каби турк оламининг забардаст шахслари етишиб чиққан.

**Темурнинг шажараси қуйидагичадир**: Темур ибн Тарағой ибн Буркул ибн Илангиз ибн Ийжил ибн Қорачор ибн Сўғу Чечан ибн қайд этилмаган ибн қайд этилмаган ибн қайд этилмаган ибн қайд этилмаган ибн Эрдамчи ибн Ирзамчи ибн Қачулой ибн Туманой ибн Бузунжар.

Бузунжар Жанилмантак (Бўдончар) ўғли Туманой, Чингизхоннинг 8-чи ва Темурнинг 14-чи улуғ бобосидир. Унинг ўғли Қочулай (Қочули/Хочула) Баҳодур, унинг ўғли Ирзамчи Барула (Ирдамчи Барлос/Ирдемжи Борула), унинг ўғли эса Эрдамчидир. Ундан сўнг орада яна тўртта авлод бор. Эрдамчининг бешинчи авлодига мансуб бўлган насли Сўғу-Чечан Чингизхон билан замондош бўлиб, 1230 йилда вафот этган. Унинг ўғли Қорачор[190] Темурнинг 5-улуғ бобосидир.[191] У дастлаб Чиғатойнинг (Чингизхоннинг 2-чи ўғли) мингбошиси, кейинчалик эса Олтой ўлкаси–Жайҳун-Сайҳун ҳудудларига ҳоким этиб тайинланган. Қорачор“нўён” (нўён[192]-туман қўмондонларига берилган унвон-тарж.) ва “амири кабир”[193] унвонларига эга бўлган. Темур аждодлари орасида энг биринчи бўлиб исломни Қорачор қабул қилган. Қорачор Барулас (Барлос) қабиласининг беги эди. У ва унинг қабиласи туркийлашган илк авлод эди. Қорачорнинг ўғли Ийжил нўён, унинг ўғли Алангиз (Айлангир/Айлангиз), унинг ўғли Буркул (Боргул/Буралги/Беркел) Барлослар барлос қабиласининг беклари бўлиши билан бирга Мовароуннаҳр ашроф ва аъёнларининг кўзга кўринган вакиллари ҳисобланишган. Буркулнинг ўғли Амир Тарағой (Турғай) Барулас (Барлос) Темурнинг отасидир. Амир Тарағой 1310? йилда таваллуд топган ва 1360 йилда Кешда вафот этган. Амир Тарағойнинг қабри Кешда Темурийлар хилхонасида жойлашган.[194] 1361 йилда қатл этилган Амир Ҳожи Барлос Темурнинг амакиси

[190] Мирзо Улуғбек “Тарих-и арбаъ улус”. Т. , 1994 й. 349-бет, Қорочор нўён – 618 йил рамазон ойининг жумаъ куни (1221 йил 22 октябр куни) Нишопур қамали вақтида ҳалок бўлган.-тарж.

[191] Матнда Амир Темур шажарасида чалкашлик бор. Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Мирзо Улуғбек “Тарих-и арбаъ улус”. Т. , 1994 й. 324 – бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 13 - бет ; Берди- муродов А. Гўри Амир мақбараси . Т., 1996 й. 48 – бет; Амир Темур аждодлари. Т., 1992 й. 5 – бет. ; Темурнома. Т., 1990., 9- бет.– тарж.

[192] Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996 й., 514-бетда, ; Аҳмедов Б. Улуғбек. Т., 1989., 244-бет, Нўён- мўғуллар шаҳзодаси; ўн минг ва ундан ортиқ қўшинга қўмондонлик қилган саркарда ҳам шу ном билан аталган.- тарж.

[193] Амир Темур аждодлари. Т., 1992 й. 5 – бет, Қарачор-нўён Чиғатойнинг лашкарбошиси бўлган ва “амир ул-умаро” (“амирлар амири”) деган унвон олган.-тарж.

[194] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 16 – бетда Темурнинг отасининг исми Муҳаммад Тарағай Баҳодир сифатида қайд этиб ўтилган.- тарж.

эди[195]. Амир Темурнинг онаси Текина Оғо,[196] ўгай онаси эса 1389 йилда вафот этган Қадоқ Оғо бўлган.

## Темурнинг ака-укалари:[197]

Амир Ҳожи Барлос, Сиддиқ Барлос, Идигу Барлос, Амир Али Барлос, Амир Умар Шайх Барлос.

## Темурнинг опа-сингиллари:[198]

1. Ширин Бек Оғо. Амир Муайййд Арлотга турмушга чиққан.

2. Чучук Бика Оғо-1375 йилда вафот этган. Чучук Бика Оғо Самарқандда Темурийлар хилхонасида дафн этилган.[199]

3. Дилшод Оғо[200] (1340?-1383=43?). Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Амир Ҳусайн 1360-1369 йилларда Самарқанд амири бўлган. Амир Ҳусайн қатл этилган. Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Амир Муборак Шоҳ Макрит. Улар ўртасидаги никоҳ 1376 йилда бўлиб ўтган.

4. Қутлуғ-Туркон Оғо (1332?[201]-1383=49?). Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Амир Султон Дуғлот. Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Амир Довуд Дуғлот Амир Темурнинг Самарқанддаги волийси эди. Маликанинг учинчи турмуш ўртоғи: Амир Жаҳон Шоҳ (1340?-26.3.1405=65?)[202].Амир Темурнинг бош қўмондони, унинг вафотидан сўнг исён кўтаришни мўлжаллаганлардан бири, Умар Шайх мирзо томонидан Табризда қатл этилган[203]. Қутлуғ-Туркон Оғонинг ўғли: Бутудо[204] 3.1404 йилда Султон Халил

[195] Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996 й., 409-бетда.-тарж.

[196] Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996 й., 514-бет, Оқо (ёки оғо)- подшоҳ хонадонига мансуб маликаларни улуғлаб, уларнинг номларига қўшиб айтилган.-тарж.

[197] Матнда чалкашлик бор. Амир Темурнинг ака-укалари тўғрисида батафсил маълумот олиш учун қаранг: Амир Темур аждодлари. Т., 1992 й. 5 – бет; А. Зиё , Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000 й. 314 – бет; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й. 24 –бет.- тарж.

[198] Қаранг: Амир Темур аждодлари. Т., 1992 й. 5 – бет, Тарағой-нуённинг тўрт ўғли ва икки қизи бор эди: ўғиллар – (Амир)Темур, Суюрғатмиш, Оламшайх, Жўги-нуён; қизлар-Қутлуғ Туркон-оғо, Шербийк-оғо.

[199] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й., асарларида бу малика ҳақида маълумот учрамайди. – тарж.

[200] Матнда чалкашлик бор. Дилшод оғо исмли малика Амир Темурнинг синглиси эмас, балки хотини бўлганлиги ҳақида маълумот учрайди.Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й., 61-бет; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й. 26 – бет; А. Зиё , Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т., 2000 й. 315–316 бетлар. ва бошқ.– тарж.

[201] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. асарида бу маликанинг туғилган йили тўғрисида маълумот йўқ. – тарж.

[202] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. асарида бу маликанинг Амир Жаҳоншоҳга турмушга чиққанлиги ҳақида маълумот йўқ.- тарж.

[203]Абдурраззоқ Самарқандийнинг берган маълумотига кўра, Амир Жаҳоншоҳ Жоку исён кўтарганлиги сабабли Мирон Шоҳ мирзонинг ўғли Умар мирзо томонидан рамазон ойининг йигирма иккинчисида

мирзо фармонига кўра қатл этилган[205]. Амир Жаҳон Шоҳ Темурнинг бош парвоначиси лавозимида бўлган.

## Темурнинг қизлари:

1. Маҳд Улё[206] Оғо бегим (1360?[207]-1381 [208]= 21?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Амир Муҳаммадбек ибн Амир Мусо Танжут. Малика билан никоҳлари1375? Йилда бўлиб ўтган[209]. Маҳди Улё Оғо бегимнинг ўғли: Султон Ҳусайн[210] 1376? йилда таваллуд топган ва Шохруҳ мирзонинг фармонига кўра 1405 йилнинг иккинчи ярмида қатл этилган. Султон Ҳусайн

(24.03.1405) қатл этилган. Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. 2-жилд, 2-қисм. Форс тилидан А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.- Б.58-59.

204 Йилмаз Ўзтуна томонидан Қутлуғ Туркон Оғонинг ўғли сифатида келтирилган амир Бутудо Руи Гонсалес Клавихонинг "Кундалиги"да қайд этиб ўтилган тарихий шахсдир. Манбани ўзбек тили таржимасига изоҳ ёзган Михли Сафаров бу тарихий шахсга Бурундуқ Мирзо деб изоҳ берган. Лекин бир қатор бирламчи ёзма манбаларда Қутлуғ Туркон Оғонинг ўғли Сулаймоншоҳбек тўғрисида маълумотлар учрайди. Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга-Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406). Маъсул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муал. М. Сафаров; тарж. О. Тоғаев.-Т.: "O'zbekiston", 2010.- Б. 219. - тарж.

205 Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. асарида бу мирзо ҳақида маълумот йўқ. Аммо 24 – бетда Қутлуғ – Туркон Оғанинг Амир Темурнинг қизи Султонбахтбегимни ўз никоҳига олган ўғли Сулаймоншоҳ ҳақида маълумот бор.- тарж.

206 Низомиддин Шомий. Зафарнома. Т., 1996 й., 512-бет, Маҳди улё (ёки Маҳди олийа)-луғавий маъноси: улуғ беланчак. Тахт вориси бўлган шаҳзоданинг онасига ва умуман, маликаларга бериладиган унвон.-тарж.

207 Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. асари 25 -бетда бу маликанинг исми Тоғайшоҳ Оқабегим сифатида берилган ва туғилган вақти ҳақида маълумот берилмаган.; - тарж.

208 Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 25-бетда маликанинг вафот йили 1382 йил деб берилган.- тарж.

209 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 63-бет, Ўги Беги хоним Амир Темурнинг катта қизидир. Тарихчи Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, маликанинг онаси Турмуш Оғадир. Шунингдек, Ўги Беги хонимнинг қайси йилда туғилгани ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, маликани амир Мусонинг ўғли Муҳаммадбекка никоҳ қилганлар. Ўги Беги хоним 1382 йилда тўсатдан оғир бедаво касалга учрайди. Кўпгина табиби ҳозиқларнинг қилган муолажалари фойда бермайди. Ўги Беги хоним 1382 йил охирида вафот этади. - тарж.

210 Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й , 25-26 бетларда Султон Ҳусайннинг туғилган йили берилмаган, вафот этган йили сифатида 1406 йил кўрсатилган.-; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 63-64 бет, Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, мирзо бобоси Темур вафот қилган вақтда 25 ёшда бўлган. Демак, у 1380 йилда туғилган бўлиб чиқади. Султон Ҳусайн Мирзога Мироншоҳ мирзонинг қизи Қутлуғ Султон бегим никоҳ қилинган. 65-66 бет, Ҳофизи Абрунинг ёзишига қараганда, Шоҳрух Мирзо ўз аркони давлати билан маслаҳатлашиб, Пир Муҳаммад Мирзонинг талабини тўғри деб топиб, мирзони қамоққа олишга фармон беради. Фармонга мувофиқ, амир Нуширавон барлос Султон Ҳусайн мирзони Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси ташқарисига олиб чиқиб қатл қилади. Ҳофизи Абрунинг ёзишича, мирзонинг бош терисини шилиб олиб, ичига похол тиқиб Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига юборадилар. Калласиз жасадни эса Ҳирот бозорига осиб қўядилар. Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумотига қараганда, Султон Ҳусайн Мирзодан икки қиз қолган бўлиб, улардан бирининг исми Феруза бегимдур. - тарж.

29? йил умр кўрган. Султон Ҳусайннинг турмуш ўртоғи: Феруза бегим[211] бинти Мансур мирзо.

2. Султон Бахт бегим (1366?-1429/30 = 63?, Нишопурда вафот этган)[212]. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Амир Муҳаммад Мирка. Уларнинг никоҳлари 1385 йилда бўлиб ўтган. 1388 йилда Амир Муҳаммад Мирка қатл этилган. Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Амир Сулаймон Шоҳ Баҳодур Рай ва Лористон волийси бўлган. Амир Сулаймон Шоҳ Баҳодур Анқара жангида иштирок этган. Уларнинг никоҳлари 1390? йилда бўлиб ўтган.[213]

## Темурнинг маликалари:[214]

1. Бурмуш (Турмуш) Оғо, 1355[215] йили Амир Темур никоҳига кирган. Жаҳонгир мирзо ва эҳтимол Маҳд Улё Оғо бегимнинг онаси.

2. Тўлун Оғо, 1355[216] йили Амир Темур никоҳига кирган. Балх вилоятининг Каталган / Қатағон қабиласидан, Умар Шайх мирзонинг онаси.

3. Ўлжой-Туркон Оғо хоним бинти Амир Абдуллоҳхон ибн Қазағонхон, 1358?[217] йили Темур никоҳига кирган, 1366 йилда вафот этган. Султон Бахт бегим- нинг ва эҳтимол Мирон Шоҳ мирзонинг онаси [218]

---

[211] Йилмаз Ўзтуна бу ерда катта хатога йўл қўйган. Чунки, Ферузабегим Султон Ҳусайн мирзонинг қизи эди. Ферузабегимнинг онаси Мироншоҳ мирзонинг қизи Кутлуқ Султон бегим эди. Ферузабегим Бойқаро мирзонинг учинчи ўғли Ғиёсиддин Мансур мирзога турмушга чиққан бўлиб, икки ўғил ва икки қизнинг онаси эди. У 1469 йил 24 июлда вафот этган. Қаранг: Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. 26-бет ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 101- бет.- тарж.

[212] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 66-67 бетлар, Бу маликанинг онаси Ўлжаой Туркон Оғо бегимнинг 1366 йилдаёқ вафот этганлигини ҳисобга олиб, туғилган вақтини 1360-1366 йиллар оралиғи деб тахмин қилиш мумкин. Малика Шер Баҳромнинг ўғли Муҳаммад Миркага никоҳ қилинган эди. Амир Темур Хутталон вилоятини куёви Муҳаммад Миркага инъом қилган эди. Бироқ Муҳаммад Мирка Темур салтанатига қарши исён кўтаради. 1388 йилда исён бостирилиб, Муҳаммад Мирка укаси Абулфатҳ билан бирга қатл қилинади. Қатл Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх мирзонинг фармонига биноан бажарилади. 1389 йилда малика амир Довуд дуғлотнинг ўғли амир Сулаймоншоҳга никоҳ қилинади. Малика 1430 йилда Нишопурда вафот этади. - тарж.

[213] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. 26 – бетида Амир Темурнинг яна 6 та қизи ҳақида маълумотлар бор деб қайд этиб ўтилган.- тарж.

[214] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й., 54-бет, “Соҳибқирон Амир Темур амир Ҳусайн ҳарамидаги маликалар орасидан Қозон Султонхон қизи - Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг қизи- Улус Оғони, Хизр Ясурийнинг қизи – Ислом Оғони, ҳамда Тағой Туркон Хотунни танлаб олиб, идда муддати уч ой ўтгач, никоҳига киритади.” 62-бет, “Соҳибқироннинг кейинги даврларда олган хотини Руҳ Парвар Оғо бўлиб, амир Темурнинг хос канизларидан эди. Унинг соҳибқирондан фарзанди бўлмаган.Амир Темур вафотидан сўнг Руҳ Парвар Оғони амир Ҳамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Ҳамза Сулдуз вафот этгач, маликани амир Али Тархон ўз никоҳига киритган. Амир Али Тархон вафотидан сўнг, Руҳ Парвар Оғони амир Ҳасан Сўфи ўз ҳарамига олган. Руҳ Парвар Оғо 1423 йил 7 декабрда вафот этган.” - тарж.

[215] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 26-бетда никоҳ вақти 1354 йил деб берилган.-тарж. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й., 52-53 бет, 1355 йили Амир Жоку Барлоснинг қизи Турмуш Оғога уйланган. Бу маликадан Жаҳонгир Мирзо ва Ўги Бегилар туғилган. - тарж.

[216] Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й, 26-бетда никоҳ вақти кўрсатиб ўтилмаган. - тарж.

4. Сарой Мулк Меҳрибон хоним бинти Қозон Халилхон, “Буюк хоним” (1341-1408? = 67?), 1370 йили АмирТемур никоҳига кирган. Самарқандда Бибихоним Жомеъ масжиди ҳудудида дафн этилган[219]. Аслзодалигига кўра “бош хотун”. Сарой Мулк Меҳрибон хоним Ўлжой-Туркон Оғо хонимнинг аммаси[220]. Амир Темур шу маликани ўз никоҳига олгач, Чингизхон наслидан бўлган маликаларни ўз никоҳларига олган кишиларга бериладиган “Курагон” (мўғулча-хон куёви, форсча талаффузи: Гуркан) унвонига эга бўлди.

5. Туман Оғо бинти Амир Мустафо (Андароб волийси) (1360-1420? = 60?). Малика 1372 йили 12 ёшлигида Амир Темур никоҳига кирган[221]. Улуғбек мирзонинг фармонига кўра қатл этилган.[222] Қавсияда қурдирган меъморчилик мажмуасидаги мақбарасида дафн этилган.

6. Тоғай Туркон Оғо (Қарохитойлардан), 1375[223] йили Амир Темур никоҳига кирган[224]. Султон Шоҳрухнинг онаси.

---

[217] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 26-бетда бу маликанинг никоҳ вақти кўрсатиб ўтилмаган. Мироншоҳ мирзонинг онаси Минглибека оқа .; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 53-бет, “Ўша йилиёқ (1355) Амир Темур амир Қазағоннинг набираси, амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжаой Туркон Оғога ҳам уйланади.” Бу никоҳдан Султон Бахт бегим туғилган. - тарж.

[218] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 53 – бетда қайд этилишича, Султон Бахт бегим шу маликанинг фарзанди экан. 165–бетда Мироншоҳ мирзонинг онаси Менглибек Оғойи Жон Қурбонидир деб айтилган.- тарж.

[219] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 60-бет, Ибн Арабшоҳнинг берган маълумотига кўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни заҳарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадрасаси ёнидаги мақбарага тош тобут солиб, мўмиёланиб дафн қилинган.

[220] Муаллиф бу ерда чалкашликка йўл қўйган. Чунки Сарой Мулк Меҳрибон хоним Ўлжой-Туркон Оғо хоним- нинг аммаси эмас, балки акаси Амир Ҳусайннинг хотини бўлган. Демак дастлаб, Сарой Мулк хоним Ўлжой-Туркон Оғога янга бўлган. Қаранг: Йаздий, Шарафуддун Али. Зафарнома. Т.: 1997, 67-бет. - тарж.

[221] Йилмаз Ўзтуна бу малика ҳақидаги баъзи маълумотларда чалкашликларга йўл қўйган. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й., 61- 62 бетлар: “Туман Оғо бегим Сарой Мулк хонимнинг жияни акаси амир Мусонинг қизидур. Туман Оғо 1366 йилда туғилиб, 1378 йилда 12 ёшида Амир Темурга никоҳ қилинган.”; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. 26- бет: “Туман оқа, амир Мусонинг қизи, 1378 йилда никоҳига ўтган (1366 – 1432 йил ).” - тарж.

[222] Йилмаз Ўзтунанинг бу маълумотида ҳам чалкашлик борга ўхшайди. Чунки, баъзи тарихий маълумотлар бу ҳолатни инкор қилиб турибди. Қаранг: Б.Аҳмедов Улуғбек Т., Ёш гвардия, 1989 й. 69-бет: “Шоҳрух Мовароуннаҳрдан қайтаётганида илгари Халил Султон Шайх Нуриддинга никоҳлаб берган Тумон оқани ҳам ўзи билан Хуросонга олиб кетди ва унга Жом вилоятига қарашли Қавсия булукини суюрғол қилиб берди.”; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й, 62-бет: Амир Темур вафотидан сўнг тахтга ўтирган Халил Султон мирзо 1406 йилда Шайх Нуриддин билан бўлган жангда енгилиб, сулҳга мувофиқ малика Туман Оғо бегимни амир Шайх Нуриддинга хотинликка беришга мажбур бўлади. 1411 йилда Шоҳрух мирзо томонидан Шайх Нуриддин қатл қилингач, Туман Оғо бегимни Ҳиротга олиб келадилар.” Энди, мантиқан бир фикрлаб кўрайлик, Самарқандда ҳокимият тепасида турган Улуғбек мирзога, отаси Шоҳрух мирзо томонидан иззат-икром кўрсатилиб, Ҳиротга олиб келиниб, Жом вилоятига қарашли Қавсия булуки суюрғол қилиб берилган маликани ўлдиришдан қандай наф бор эди.-тарж.

[223] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарда никоҳ вақти ҳақида маълумот йўқ.- тарж.

7. Дилшод Оғо бинти Қамариддин Дуғлот[225], 1375 йилда Амир Темур никоҳига кирган. Дилшод Оғо 1383 йилда вафот этган.

8. Чўлпон Мулк Оғо бинти Ҳожибек мўғул -1410?[226] йилда вафот этган.

9.Туркал хоним бинти Хизр Хўжахон (1380?[227]-1408? = 28?), "Кичик хоним". Аслзодалигига кўра Чингизхон авлодига мансуб малика "иккинчи хотун". Малика 12.1396 йилда Темур никоҳига кирган.

10. Султон Бахт Оғо[228].

## Темурнинг юришлари:[229]

1-1. Хоразм юриши: 1372.

2-2. Хоразм юриши: 1373.

3-1. Шарқий Туркистон юриши: 1376 йилнинг биринчи ярми.

4-3. Хоразм юриши: 1376 йилнинг иккинчи ярми.

5-2. Шарқий Туркистон юриши: 1377.

6-1. Олтин Ўрда (Шарқий Европа) юриши: 1378.

7-4. Хоразм юриши: 1379.

8- Ҳирот юриши: 1380 -1381.

9- Сеистон-Қандаҳор юриши: 1383.

10- Султония (1.Озарбайжон) юриши: 1384.

---

[224] Йаздий, Шарафуддун Али. Зафарнома. Т.: 1997, 67-бетда малика Тағай Туркон хотун ҳақида маълумот бор. Агар биз бу маликани Амир Ҳусайннинг ҳарамидан эканлигини ва Амир Темур уни 07.1370 йилда ўз хосс ҳарамига олганини эътиборга олсак, демак бу бошқа малика бўлиб чиқади.-тарж.

[225] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 26-бетда маликанинг отаси Шамсиддин Дуғлот деб берилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 61-бет: "Темур ҳарамидаги маликалардан яна бири Дилшод Оғо бегим бўлиб, Султон Увайс Шайх Ҳасан жалойирнинг қизи эди. У 776/1374 йилда Амир Темур никоҳига киради ва 785/ 1383 йилда вафот этади. Дилшод Оғо бегимдан фарзанд бор-йўқлиги номаълум."-тарж.

[226] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., Бу малика тўғрисида маълумот берилмаган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995 й. 61-бетда Чўлпон Мулк Оғо( Ҳожибек мўғулнинг қизи) ҳақида маълумот бўлсада, қачон ва қаерда вафот этгани ҳақида ҳозирча маълумот учрамади. .-тарж.

[227] Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., асарда бу маликанинг қачон вафот этганлиги ҳақида маълумот йўқ.-тарж. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 62-бет, Тукал хоним Хизр Хўжанинг қизи бўлиб, 800/1397 йили Конигилда ўз никоҳига киритади. Бу малика ҳарамда (хон қизи бўлгани туфайли) "кичик хоним" деб аталган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1408 йилда Халил Султон Мирзонинг хотини Шод Мулк бегим Тукал хонимни заҳарлаб ўлдирган. - тарж.

[228] Ҳаким Сатторий ва Файзиев Т. асарларида бу маликанинг исми бевосита тилга олинмаган . А. Зиё "Ўзбек давлатчилиги тарихи " Т., 2000 й., 315-бетда бу маликанинг исми Бахт Султон Оғо тарзида келтирилган. Амир Темурнинг хотинлари ва канизаклари сони адабиётларда келтирилган. Қаранг: А. Зиё "Ўзбек давлатчилиги тарихи " Т., 2000 й ., 315-316 бетлар.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 й. 52-бет; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., 26-бет.-тарж.

[229] Асосий эътибор генеалогик маълумотларни таҳлил этишга қаратилганлиги сабабли баъзи тарихий маълумотлар таҳлил этилмади – тарж.

11- Табриз (2.Озарбайжон) юриши: 1386-1387 (Табриз-Нахичевон-Карс -Гуржистон-Қаробоғ-Арзирум-Арзинжон-Ван-Ҳамадон-Исфаҳон-Шероз).

12- 5.Хоразм юриши: 1389.

13- 2.Олтин Ўрда юриши: 1390.

14- 3.Олтин Ўрда юриши: 1391 (18.6: Тўхтамишга қарши Қундузчадаги ғалаба).

15- 1.Олд Осиё юриши: 1392-1396: Бу юриш 24.5.1392 йилда бошланган. 21.8.1393 йилда Шероздан Бағдодга юриш қилинади. Мосул-Урфа-Табриз - Дарбанд-Ҳамадон. 29.8.1393 йилда Бағдод ишғол этилади. Мозандарон-Ироқи Ажам–Форс–Ироқ–Кавказ-Доғистон.

16- Ҳиндистон юриши: 1398-1399: 17.12.1398 йилда Деҳли ишғол этилган. 1.1399 йилда эса Кашмир ишғол этилган. 29.4.1399 йилда Темурнинг Самарқандга қайтиб келиши.

17- 2.Олд Осиё юриши: 1399-1404: Темурнинг энг узоқ юриши ва Самарқанддан энг узоқ муддат кетиши. Ироқи Ажам, Озарбайжон, Гуржистон, Сивос, Малатия, Айнтоб, Ҳалаб(Алеппо), Хама, Хумс, Шом, Мардин, Мосул, Бағдод (10.7.1401), Табриз, Гуржистон, Қаробоғ (29.11.1401 йилнинг қиши), Онадолу (28.7.1402 йил Анқара жанги[230]), Бурса, Измир, Оқшаҳар, Карс, Гуржистон, Қаробоғ (1403-1404 йил қиши), 1.1403 йил: Византия салтанати, Соқиз[231]оролининг ва Миср мамлукларининг ўз тобеъликларини оғзаки ва расман тан олиши.

18- Хитой юриши: 1405.

Амир Темур 1370 йилда "Кўрагон"(Гуркан), 10.4.1370 йилда "Қутбиддин" ва "Соҳиб-Қуръони Азам"унвонларини олган. Бутун умри давомида Амир унвони билан юритилган. Темур вафот этгач, "Жаннат-Макон"унвонига ҳам сазовор бўлди. Темур Кеш (форсчада Шаҳри сабз –Яшил шаҳар) яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилди, Хитой юриши вақтида Ўтрор шаҳри яқинида ўрдагоҳда вафот этган: 9.4.1336-18.2.1405 = 68,10,9. Темур Балхдаги қурултойда ҳоқон (император) деб эълон қилинган эди: 10.4.1370-18.2.1405 =34, 10, 8 (ёши 34, 0, 1). 1381 йилда Ҳирот шаҳри ишғол этилгач, Самарқанддан кейинги иккинчи пойтахт шаҳарга айланди (1381-18.2.1405=24). Темур

[230] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 34 – бетда бу жангнинг санаси 25.07.1402 йил сифатида берилган – тарж.

[231] Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996 й., 347- бет. - тарж.

12.1390-1.1391 йили Тошкентда 40 кун бетоб бўлиб (безгак) ётган. 1363[232] йилдаги жанглардан бирида оёғидан жароҳат олганлиги сабабли бир умрга оқсоқ бўлиб қолган. "Ланг-оқсоқ", "Темурланг", "Оқсоқ Темур" номлари шундан келиб чиққан. Темур ҳокимият тепасида бўлган даврда Усмонийлар давлатини навбати билан Мурод I, Боязид Йилдирим ва бевосита Темурийларга тобеъ бўлган Сулаймон I бошқарган. Темур Мурод I дан 10 ёш кичик, унинг ўғли Боязид Йилдиримдан эса 14 ёш катта бўлган. Жаҳон тарихидаги буюк саркардалардан бири бўлган Темур навбати билан Шарқий Европа (Олтин Ўрда), Ҳиндистон, Туркия (Усмонийлар давлати), Мамлук (Миср) каби йирик турк империяларини мағлубиятга учратди Жалойирийлар, Қора қўюнлилар каби кичик вассал давлатларни санаб ўтирмаймиз. Бу кичик давлатларнинг кўпчилиги Анқара жанги туфайли ишғол этилди. Агар Темурга Хитойни ишғол этишга бевақт ўлим ҳалақит бермаса эди, тарихий жараёнлар ўзгача тус олар эди. Ўша даврда Хитойда Темурга қарши тура оладиган жиддий куч йўқ эди.

**Темурнинг тўрт ўғли:[233]**

1- Жаҳонгир (1356-1376 йилнинг биринчи ярми=20).
2- Умар Шайх (1356-1.1394=38).
3- Мирон Шоҳ (1366-21.4.1408=42).
4- Шоҳрух (21.8.1377-12.3.1447=69, 6, 22 ).

Темурийлар авлодлари шу тўрт ўғилдан тарқалган. Жаҳонгир насли, 1467 йилга қадар яшаган энг қисқа авлоддир[234]. Умар Шайх наслидан Ҳусайн Бойқародек забардаст ҳукмдор чиққан ва бу авлод вакиллари 1573 йилгача яшаган[235]. Шоҳрух наслига мансуб авлод вакиллари 1493 йилгача яшаган[236]. Юқорида қайд этилган саналар, шу авлодлардаги энг сўнгги мирзо ва маликаларнинг вафот этган вақти билан белгиланди. Хотинлар насли

[232] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 20-бетда Сеистондаги бу жанг 1362 йилда бўлиб ўтганлиги ва Амир Темур ўнг қўли ва ўнг оёғидан ярадор бўлиб қолганлиги айтиб ўтилган- тарж.

[233] Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., 25-бетда Амир Темурнинг тўрт ўғлидан ташқари, яна 1367 йилда туғилиб, гўдаклигида нобуд бўлган Жаҳоншоҳ, 1384 -1385 йиллар ораси туғилган Иброҳим ( Шарафиддин Али Яздий унинг туғилганини қайд этиб ўтган) ва яна Султон оқадан бир ўғил туғилгани ҳақида маълумотлар учрайди.- тарж.

[234] Амир Темур жаҳон тарихида. Т.: 2001., 224-бет, Жаҳонгир Мирзо наслининг сўнгги вакили Муҳаммад Умар Мирзонинг вафоти 1471 йил деб кўрсатилган.-тарж.

[235] Амир Темур жаҳон тарихида. Т.: 2001., 225-бет, Умаршайх Мирзо наслининг сўнгги вакили сифатида 1539 йилда вафот этган Муҳаммад Замон Мирзо кўрсатилган.-тарж.

[236] Амир Темур жаҳон тарихида. Т.: 2001., 227-бет, Шоҳруҳ Мирзо наслининг сўнгги вакили сифатида 1470 йилда қатл этилган Муҳаммад Ёдгор Мирзо кўрсатилган.-тарж.

томонидан бу авлодлар янада узоқроқ яшаган бўлсаларда, улар сулола хонадонига мансуб деб ҳисобланмайди.

Мирон Шоҳ насли вакиллари эса, Ҳиндистонда 1858 йилга қадар ҳукмронлик қилганлигини инобатга олсак, шу авлодга мансуб кишилар ҳозирги даврда ҳам ҳаёт эканлиги эҳтимолдан холи эмас[237].

Темур наслига мансуб бўлган шаҳзодаларнинг исмлари охирига "Мирза-Мирзо" (Форс. мирзабекдан туғилган,бек ўғли), маликаларнинг исмлари охирига эса "бегим"(бегум,бейим) каби нисбалар қўшиб айтилган. Бу хонадондаги "Бегим" нисбаси Усмоний маликалари исми охирига қўшиб айтиладиган "Султон" нисбасига тўғри келади: Бобуршоҳнинг опаси Хонзода бегим ёки Султон Аҳмад 1.нинг қизи Хонзода Султон...

Темурийлар салтанати 10.4.1370-4.12.1858=488, 7, 24 муддат билан салкам беш аср давомида ҳокимият тепасида бўлган. Темурийлар салтанатини Мовароуннаҳр (Туркистон, тахт шаҳри Самарқанд), Хуросон (тахт шаҳри Ҳирот), Ҳиндистондаги ҳукмронлик даврига қараб 3 та салтанатга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади. Темур бу 3 ҳududнинг ҳам ҳукмдори эди.

Самарқанд (Мовароуннаҳр) ҳукмдорлари Темур билан биргаликда 12 та подшоҳдир. Аслида бу давлат Шайбонийхон (Шибан/Шайбак) истилосидан кейин тугаган эди. Орада Бобуршоҳ 10 йил 2 ойдан сўнг, яна Самарқандга қайтиб келиб 7 ой тахтга ўтирган (10.1511-5.1512). Фақат шундан сўнг, Чингизийларнинг Жўжи улусига мансуб бўлган Шайбонийлар батамом Шарқий турк ҳоқонлигига (Туркистон) эга бўлишди. Самарқанд (Мовароуннаҳр) давлатида 17 та мирзо валиаҳдлик мақомига эга бўлсада, шулардан бор йўғи 5 таси тахтга чиқишни уддалашган.

Ҳирот (Хуросон) ҳукмдорлари Темурни ҳам қўшиб ҳисоблаганда 11 та подшоҳдир (султон, ҳоқон). Самарқандда Темурийлар ҳукмронлиги 131 йил 9 ой, Ҳиротда эса 127 йил давом этган. Ҳирот (Хуросон) давлатида 12 та мирзо валиаҳдлик мақомига эга бўлган бўлсада, шулардан фақатгина 3 таси тахтга эга бўлган. Шундан сўнг Ҳиротда, Шайбонийлар ( 24.5.1507-2.12.1510=3, 6, 9 + 1524 -1528 = 4 + 1589 - 9.1590=1 = 7), Сафавийлар ( 2.12.1510 -1524 = 14 + 1528- 1589= 61 + 9.1590 – 1749=159 = 234) (Афғон ва Афшар ҳокимиятларини ҳам инобатга олганда) ўз ҳукмронлигини ўрнатган.

[237] Жўраев У.Т. ва бошқ. Жаҳон тарихи. VIII синф учун дарслик. Т.: "Чўлпон", 2006., 121-122 бетлар.

## Темурийларга мансуб Самарқанд (Мовароуннаҳр) ҳукмдорлари (10.4.1370 – 5.1512 = 141, 11 - 10, 2 = 131, 9 ):

1. Буюк Темур Гуркан “Буюк турк ҳоқони”: 10.4.1370-18.2.1405=34, 10, 8 (ёши: 34, 0, 1–68, 10, 9).

2. Султон Халил “Буюк турк ҳоқони”: 18.2.1405-13.5.1409=4, 2, 25 (ёши:21-25). Темурнинг невараси, тахтдан туширилган.*[238]М**

3. Султон Шоҳрух “Буюк турк ҳоқони”: 13.5.1409-12.3.1447 = 37, 10, 0 (1.нинг ўғли) ( 31, 8, 23–69, 6, 22 ). Ш

4. Султон Улуғбек: 12.3.1447-25.11.1449=2, 8, 13 (ёши 52, 11, 20–55, 8, 3) (3.нинг ўғли, қатл этилган). Ш

5. Султон Абдул Латиф: 25.11.1449-8.5.1450=0, 4, 13 (ёши 24?-25?) (4.нинг ўғли, қатл этилган). Ш

6. Султон Абдуллоҳ: 8.5.1450 - 21.6.1451=1, 1, 13 (ёши 17, 1, 19-18, 3, 2) (5.нинг амакиваччаси, қатл этилган). Ш

7. Султон Абу Саид: 21.6.1451-7.2.1469 = 17, 7, 16 (ёши 24-42 )(2.нинг жияни, қатл этилган). М

8. Султон Аҳмад: 7.2.1469-20.7.1494=25, 5, 11 (ёши 18-43) (7.нинг ўғли). М

9. Султон Маҳмуд: 20.7.1494-1.1495=0, 6 (ёши 41-42) (8.нинг укаси). М

10. Султон Бойсунғур: 1.1495-21.11.1497=2, 10 (ёши 18-20) (9.нинг ўғли, тахтдан туширилган). М

11а. Бобуршоҳ: 21.11.1497-2.3.1498=0, 3, 11 (ёши 14, 9, 5-15, 0, 15) (10.нинг амакиваччаси, тахтдан туширилган ). М

12. Султон Али: 2.3.1498-7.1500 = 2, 5 (ёши 18?-20?) (10.нинг укаси, тахтдан туширилган). М

11б. Бобуршоҳ (2-маротаба): 7.1500-8.1501=1, 1 (ёши 17, 5-18, 6) (тахтдан туширилган). М .(Шайбонийлар ҳукмронлиги: 8.1501-10.15.11 = 10, 2)

11в. Бобуршоҳ (3-маротаба): 10.1511-5.1512=0, 7 (ёши 28, 8-29, 5, яна тахтдан туширилган) (Бобуршоҳ ҳаммаси бўлиб 1, 11, 11 ҳокимият тепасида бўлган ). М. Самарқанддаги ҳокимият такрор Шайбонийлар қўлига ўтган.

---

*Амакиваччасининг ўғли Жаҳонгир Мирзо-Хон ибн Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо ибн Темур ( ёши: 9-13) номидан давлатни бошқаришни эълон қилган.-Йилмаз Ўзтуна.

** Ж-Жаҳонгир мирзо авлодлари, У- Умар Шайх мирзо авлодлари, М-Мироншоҳ мирзо авлодлари, Ш-Шоҳрух авлодлари.-Йилмаз Ўзтуна.

## Темурийларга мансуб Ҳирот (Хуросон) ҳукмдорлари (5.1380-24.5.1507=127,0)

1. Буюк Темур Гуркан-Кўрагон "Буюк турк ҳоқони": 5.1380-18.2.1405=24, 9 (ёши 44, 1-68, 10, 9) .1

2. Султон Шоҳрух "Буюк турк ҳоқон": 18.2.1405-12.3.1447=42, 0, 22 (ёши 27, 5, 28– 9, 6, 22) (1.нинг ўғли ) Ш-III.

3. Султон Улуғбек: 12.3.1447–25.11.1449=2, 8, 13 (ёши 52, 11, 20–55, 8, 3) (2.нинг ўғли, қатл этилган) Ш-VI.

4. Султон Абдул Латиф: 25.11.1449-1.2.1450=0, 2, 6 (ёши 24?-25?) (3.нинг ўғли, қатл этилган) Ш-V.

5. Султон Бобур: 1.2.1450-22.3.1457=7, 1, 19 (28-35) (2.нинг чевараси) Ш.

6. Султон Шоҳ-Маҳмуд: 22.3.1457-19.7.1457 = 0, 3, 28 (ёши 12 ) (5.нинг ўғли ) Ш.

7а. Султон Абу Саид: 19.7.1457-23.4.1458 = 0, 9, 5 (ёши 30-31)(1.нинг невараси, тахтдан туширилган ) М-VII.

8. Султон Иброҳим: 23.4.1458-29.6.1458=0, 2, 3. ( ёши 18) (6.нинг амакиваччаси, тахтдан туширилган )[239]. Ш.

7 б. Султон Абу Саид: 29.6.1458-7.2.1469=10, 7, 8 (ёши 31-42). Султон Абу Саид ҳаммаси бўлиб 11, 4, 13 ҳокимиятни бошқарган, қатл этилган. М-VII.

9 а. Султон Ёдгори Муҳаммад: 7.2.1469-9.1469=0, 7 (ёши 17) (7.нинг амакиваччаси, тахтдан туширилган ) М.

10 а. Султон Ҳусайн Бойқаро: 9.1469-5.7.1470=0, 10 (ёши 31, 3-32, 1) (1.нинг эвараси, тахтдан туширилган) У.

9 б. Султон Ёдгори Муҳаммад: 5.7.1470-22.8.1470=0, 1, 18 (ёши 18 ). Султон Ёдгори Муҳаммад ҳаммаси бўлиб 0, 8, 18 ҳокимиятни бошқарган, қатл этилган. М.

10 б. Султон Ҳусайн Бойқаро: 22.8.1470-4.5.1506 =35, 8, 13 (ёши 32, 2–67, 11). Султон Ҳусайн Бойқаро ҳаммаси бўлиб 36, 6, 13 ҳокимиятни бошқарган. У.

11. Султон Бадиуз Замон: 4.5.1506-24.5.1507=1, 0, 21 (ёши 38-39). 10.нинг ўғли, тахтдан туширилган, шундан сўнг ҳокимият Шайбонийлар қўлига ўтган.

## Темурийларга мансуб Самарқанд (Мовароуннахр ) давлати валиаҳдлари:

[33] Султон Иброҳим отаси Алоуддавла мирзо номидан ҳокимиятни бошқарган.- муаллиф.

1. Жаҳонгир мирзо ибн Темур: 10.4.1370-1376 йилнинг биринчи ярми=6 (отасининг валиаҳди) (ёши 14-20) . Ж .

2. Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо: 1376 йилнинг биринчи ярми-1.4.1403 =27 (бобоси Темурнинг валиаҳди) (ёши 2?-29?) . Ж .

3. Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо: 1.4.1403-18.2.1405=1, 10, 17 (бобоси Темурнинг валиаҳди)( ёши 27–29). Ж .

4. Мирон Шоҳ мирзо ибн Темур: 18.2.1405-21.4.1408=3, 2, 1 (ўғли Султон Халилнинг валиаҳди) (ёши 39–42 ). М.

5. Ийжал мирзо ибн Мирон Шоҳ мирзо: 21.4.1408–13.5.1409=1, 0, 22 ( катта акаси Султон Халилнинг валиаҳди) (ёши 20?–21?) М.

6. Улуғбек мирзо (№ 4): 13.5.1409–12.3.1447=37, 10, 0 (отаси Шоҳрухнинг валиаҳди) (15, 1, 22–52, 11, 20) Ш.

7. Абдул Латиф мирзо (№ 5): 12.3.1447–25.11.1449=2, 8, 13 (отаси Улуғбекнинг валиаҳди) (ёши 22?-24?) Ш.

8. Аҳмад мирзо: 25.11.1449–8.5.1450=0, 4, 13 (отаси Абдул Латифнинг валиаҳди) (ёши 8?–9?) Ш.

9. Алоуддавла мирзо ибн Бойсунғур мирзо ибн Шоҳрух: 8.5.1450–21.6.1451=1, 1, 13 (жиянининг валиаҳди) (ёши 32, 10, 21–34, 0, 4) Ш.

10. Аҳмад мирзо (№ 8): 21.6.1451–7.2.1469=17, 7, 16 (отаси Абу Саиднинг валиаҳди) (ёши 0 -18) М.

11. Кичик мирзо: 7.2.1469–1484?=15 ? (отаси Султон Аҳмаднинг валиаҳди) (ёши 3?–18?) М[240].

12. Маҳмуд мирзо (№ 9): 1484?–20.7.1494=10? (акаси Султон Аҳмаднинг валиаҳди) (ёши 31?-41?) М.

13. Масъуд мирзо: 20.7.1494–1.1495=0, 6+1.1495–21.11.1497=2, 10=3, 4, 2 (отаси Султон Маҳмуднинг, сўнгра укасининг валиаҳди) (ёши 21?–24?) М.

14 а. Жаҳонгир мирзо: 21.11.1497–2.3.1498=0, 3, 11 (акаси Бобуршоҳнинг валиаҳди) (ёши 12-13) М.

15. Бойсунғур мирзо (№ 10): 2.3.1498–17.8.1499=1, 5, 16 (укасининг валиаҳди) (ёши 21 -22) М.

---

[240] Йилмаз Ўзтуна бу ерда чалкашликка йўл қўйган. Чунки, Кичик Мирзо Султон Абусайид Мирзонинг ўғли Султон Аҳмад Мирзонинг ўғли эмас, балки Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзонинг набираси Аҳмад Мирзо (отаси Сайди Аҳмад Мирзо) нинг ўғли эди. Қаранг: Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., 53-54 бетлар,; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 97-98 бетлар.-тарж.

16. Вайс мирзо ибн Султон Маҳмуд: 17.8.1499-7.1500=0, 11 (акасининг валиаҳди) (ёши 13? –14?) М.

14 б. Жаҳонгир мирзо: 7.1500–8.1501=1, 1 (акаси Бобуршоҳнинг валиаҳди) (ёши 15–16) М.

17. Ҳумоюн мирзо: 10.1511–5.1512=0,7 (отаси Бобуршоҳнинг валиаҳди) (ёши 3,7–4,2 ) М.

**Темурийларга мансуб Ҳирот (Хуросон) давлатининг валиаҳдлари:**

1. Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо ибн Темур: 5.1380–1.4.1403=22, 11 (ёши 6?–29?) Ж.

2. Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо: 1.4.1403–18.2.1405=1, 10, 17 (Муҳаммад мирзо каби бобоси Темурнинг валиаҳди) (ёши 27-29 )Ж.

3. Улуғбек мирзо (№3): 18.2.1405-12.3.1447=42, 0, 22 (отаси Шоҳрухнинг валиаҳди) (ёши 10, 10, 27–52, 11, 20) Ш.

4. Абдул Латиф мирзо: 12.3.1447-25.11.1449=2, 8, 13 (отаси Улуғбекнинг валиаҳди) (ёши 22?-24?) Ш.

5. Аҳмад мирзо: 25.11.1449–1.2.1450=0, 2, 6 (отаси Абдул Латифнинг валиаҳди) (8?-9?) Ш.

6. Шоҳ Маҳмуд мирзо (№ 6): 1.2.1450-1457 ўрталари =7 (отаси Бобурнинг валиаҳди) (ёши 12?-19?) Ш.

7. Жалолуддин мирзо: 1457 ўрталари–19.7.1457=бир-икки ой (отаси Шоҳ Маҳмуднинг валиаҳди) (ёши 2?) Ш.

8 а. Аҳмад мирзо: 19.7.1457–23.4.1458=0, 9, 5 (отаси Абу Саиднинг валиаҳди) (ёши 6-7) М.

9. Алоуддавла мирзо ибн Бойсунқур мирзо ибн Шоҳрух: 23.4.1458–29.6.1458=0, 2, 3 (ўғлининг валиаҳди) (ёши 40, 10, 6–41, 0, 12) Ш.

8 б. Аҳмад мирзо: 29.6.1458–7.2.1469=10, 7, 8 (отаси Абу Саиднинг валиаҳди) (ёши 7-18) (ҳаммаси: 11, 4, 13 ) М.

10 а. Муҳаммад Бакир мирзо: 7.2.1469–9.1469=0, 7 (отаси Ёдгори Муҳаммад мирзонинг валиаҳди) (ёши 1?) М[241].

[241] Йилмаз Ўзтуна бу ерда хатога йўл қўйган. Чунки, Шоҳруҳ Мирзо авлодидан ҳукмронлик қилганларнинг сўнгги вакилларидан ҳисобланган Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг фарзандлари тўғрисида ҳозирча маълумот учрамади. Қаранг: Амир Темур жаҳон тарихида.: Т., 2001, 227-бет.; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., 94-бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 340-342 бетлар.; Зиё А. Ўзбек давлатчилик тарихи. .:Т “Шарқ”, 2000.-361-362 бетлар-тарж.

11а. Бадиуз Замон мирзо: 9.1469–5.7.1470=0, 10 (отаси Ҳусайн Бойқаронинг валиаҳди) (ёши 0–1 ) У.

10 б. Муҳаммад Бакир мирзо: 5.7.1470–22.8.1470=0, 1, 18 (ҳаммаси бўлиб 0, 8, 18) (ёши 2?) М.

11 б. Бадиуз Замон мирзо: 22.8.1470–4.5.1506=35, 8, 13 (ҳаммаси бўлиб 36, 6, 13) (ёши 1-37) У.

12. Замон мирзо: 4.5.1506–24.5.1507=1, 0, 21 (отаси Бадиуз Замоннинг валиаҳди) (16?–17?)У.

## II

## Жаҳонгир мирзо авлодлари

### Жаҳонгир мирзо (1356-1376)

Ғиёсуддин Жаҳонгир мирзо[242](1356-1376 йилнинг иккинчи ярми=20): Темурнинг тўнғич ўғли, салтанат валиаҳди: 10.4.1370–1376 йилнинг иккинчи ярмигача=6 (ёши 14-20). Кешдаги Темурийлар мақбарасида дафн этилган.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Руқия Хоника бинти Кайхусрав (Хутталон амири) (онаси: Чиғатой маликаси Туман-Қутлуқ хоним)-1356?[243]-?. Малика 1370 йилда турмушга чиққан ва Жаҳонгир мирзо билан 1376 йилгача бирга яшаган.[244] Никоҳ муддати: 6 йил.

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Суюн Бек хоним “Хонзода” бинти Юсуф Сўфий (Хоразм малики). Маликанинг онаси Олтин Ўрда ҳоқони Ўзбекхоннинг набираси. Суюн Бек хонимнинг туғилган вақти 1360?, 1374 йили Самарқандда турмушга чиққан. Жаҳонгир мирзо билан 2 йил бирга яшаган. Султон Муҳаммад мирзо ва эҳтимол Пир Муҳаммад мирзонинг онаси [245]. Суюн Бека хоним кейинчалик қайинукаси Мирон Шоҳ мирзога турмушга чиққан.

---

[242] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 48-бет, Хоразм ва Жета юришларида қатнашган. Шаҳрисабзда дафн этилган. 2 ўғил қолган (2/3). Умри-21 йил.-тарж.

[243] Йилмаз Ўзтуна маликанинг таваллуд санасида чалкашликга йўл қўйган. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 22-бетда бу маликанинг ота-онаси ўртасидаги никоҳ санаси 1361 йил эканлиги таъкидланган. Демак Руқия Хоника 1356 йилда таваллуд топиши ҳақиқатдан йироқ- тарж.

[244] Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., 48- бетда Жаҳонгир мирзонинг маликалари тўғрисида маълумот бўлиб, унда малика Бахтмулк оқа (никоҳлари 1374 йил) тўғрисида эслатиб ўтилган. Аммо, малика Руқия Хоника ибн Кайхусрав ҳақида сўз очилмаган. Т. Файзиев. Темурийлар шажараси. Т.,19 - 22-бет, 1366 йилда Хутталонли Кайхусравнинг мўғул хони Туғлуқ Темурхоннинг холаваччаси Туман-Қутлуқ номли хотинидан туғилган қизи Рокия Хоноғони ўз ўғли Жаҳонгир мирзога унаштиради.

[245] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 49-бетда бу мирзонинг онаси Бахтмулк оқалиги қўрсатиб ўтилган.-тарж. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 69-бет, 1373 йилда Жаҳонгир мирзо Хоразм шоҳи Ҳусайн Сўфининг қизи Севин бекани (кейинчалик Хонзода бегим номи билан машҳур бўлади) ўз никоҳига олади. Хонзода бегим Ўзбекхоннинг набираси эди. 1374 йилда Жаҳонгир Мирзо Илёс Ясурийнинг қизи Бахт Мулк Оғога уйланади. Ундан туғилган ўғилга Пир Муҳаммад

**Жаҳонгир мирзонинг ўғиллари:**

1. Султон Муҳаммад мирзо[246] (Самарқанд, 1374?–Қаро Ҳисор мавзеси/ Онадолу, 1.4.1403=29?): Темурнинг набиралари ичида энг тўнғичи, ёш жиҳатидан амакиси Шоҳрухдан ҳам катта бўлган. Отаси вафот этгач, унинг ўрнига "амир-зода-и-аъзам" нисбаси билан салтанат валиаҳди: 1376 йилнинг иккинчи ярми-1.4.1403=27. Икки ёшлигида валиаҳд бўлган. 1391 йилдаги Олтин Ўрда юриши ва бобосининг кўпгина ҳарбий юришларида иштирок этган. 1402 йил Анқара жангида Йилдирим Боязидни асирга олган ҳарбий қисмнинг бошлиғи бўлган[247]. Онадолуда хасталикка учраб вафот этган. Мирзо 1397 йилдан эътиборан Шарқий Туркистонда эди. Султон Муҳаммад мирзо 1395 йилдаги Черкас юришида иккинчи қўмондон, Анқара жангида ўнг қанот қўмондонининг ўринбосари, бобоси Темур ҳарбий юришларда бўлган вақтида эса Мовароуннаҳр ноиби вазифасини бажариб турган. 12.1401 йилда Самарқанддан Қорабоғга келиб, шу ердан Онадолу юришига қўшилган.[248]

---

Мирзо деб ном қўйишади. 70-бет, Амир Темур ўғли Жаҳонгир мирзонинг беваси Севин Бекани қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилган бўлса, иккинчидан ўзбек уруғ ва қабилаларида қадимдан урф-одат тусига кириб келаётган расмни қўллаган, яъни ўлган аканинг бевасини укасига никоҳ қилиш русумига биноан иш тутган. Бинобарин , Амир Темур 1383 йилда Хонзода бегимни учинчи ўғли Мироншоҳга никоҳлаб беради. 1407 йилда малика Маккатулло зиёратига кетади. Байтуллоҳ зиёратидан қайтгач, Абдураззоқ Самарқандийнинг маълумотига қараганда, ўғли Халил Султон Мирзонинг ўлимидан бир неча кун илгарироқ, яъни 1411 йил 3 ноябрда Тусда вафот қилади.

[246] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 48-бетда бу мирзонинг ҳаёт санаси : Самарқанд, 1376 йил – Туркия, 12.3.1403 йил. Самарқанд ҳокими (1399), Ҳулогу мулки ҳукмдори (1401 йил, март). Фарзандлари- 3 ўғил, 1қиз (5/6). Умри-28 йил деб кўрсатилган.- тарж. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 70-73 бет, Муҳаммад Султон Мирзо Жаҳонгир Мирзонинг катта ўғли эди. У 1376 йилда Хоразм ҳукмдори Юсуф Сўфининг Хонзода (Севин Бека) бегимдан туғилган эди. 1399 йилда Амир Темур навбатдаги ҳарбий юришга кетаётиб, Самарқанд ҳукмдорлигини 23 ёшли Муҳаммад Султонга топшириб кетади. 1401 йил март ойида Амир Темур Дамашқ (Сурия) да тураркан, набираси Муҳаммад Султон Мирзога собиқ Хулагухон тасарруфида бўлган вилоятларни (Ироқ ёки шимоли-ғарбий Эрон) бошқариш ҳақида фармон юборади. Натижада, 1401 йил нояббр ойида бобо билан набира Қорабоғда учрашадилар. 1402 йилда Амир Темурнинг Кичик Осиёга- Боязид Йилдирим (Яшин)га қарши юришида Муҳаммад Султон Мирзо фаол қатнашади. У Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғигача боради. Бироқ у ердан қайтаётганда шамоллаб, 1403 12 мартда Қора Ҳисор мавзеида 27 ёшида вафот этади. Муҳаммад Султон Мирзонинг жасади Оқшаҳарга жўнатилади. Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумотига кўра, Муҳаммад Султон Мирзонинг ҳоки Самарқанддаги марҳумнинг мадрасаси ёнидаги мақбарага дафн қилинади. - тарж.

[247] Йилмаз Ўзтунада чалкашлик бор. Йаздий, Шарафуддун Али. Зафарнома. Т.: 1997, 261-бетда Боязид Йилдиримни Амир Темур томонидан тайинланган хон Султон Маҳмудхон асирга олганини Шарафуддин Али Яздий гувоҳлик берган. - тарж.

[248] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 71 – бетда, 1401 йил март ойида Амир Темур Дамашқда тураркан, набираси Муҳаммад Султон Мирзога собиқ Хулагухон тасарруфида бўлган вилоятларни (Ироқ ёки шимоли – ғарбий Эрон) бошқариш ҳақида фармон юборади. Натижада, 1401 йил ноябр ойида бобо билан набира Қорабоғда учрашадилар. - тарж.

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган малика. Ўги Беги ва Муҳаммад Жаҳонгир мирзонинг онаси[249].

**Фарзандлари[250] :**

1.) Ўги Беги (1395?-1419 = 24?)[251]. Малика отаси каби Самарқандда Гўри Амир хилхонасида дафн этилган. Ўги Беги 10.4.1404 йилда отасиниг амакиваччаси Улуғбек мирзога унаштирилган. 1410? йилда турмушга чиққан. Улуғбек мирзо билан бирга 15 йил яшаган. Ҳақиқий никоҳ муддатлари: 9? йил.

2.) Муҳаммад Жаҳонгир мирзо[252] (1396-25.6.1433=37): 1409–141? йилларда Ҳисор (Бадахшон) волийси. Темурнинг тўнғич ўғлининг бош невараси бўлганлиги туфайли қонуний валиаҳд ҳисобланган. Шу сабабли Халил Султон ўзининг ҳукмронлиги даврида Муҳаммад Жаҳонгир мирзодан қўғирчоқ "хон" сифатида фойдаланди: 18.2.1405–13.5.1409=4, 2, 25 (ёши 9 – 13).

---

[249] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 49-бетда мирзонинг онаси Нигор оқа эканлиги айтиб ўтилган; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 65 – бетда 1405 йил воқеаларида Султон Ҳусайн Мирзо Самарқанддан Балхга – Пир Муҳаммад Мирзо ҳузурига келаётган Муҳаммад Султон Мирзонинг ҳарами Хоника бегимни тўхтатиб, барча мол-мулкларини талаб ғорат қилиши тўғрисида маълумот берилган. -тарж.

[250] Йилмаз Ўзтунада Муҳаммад Султон Мирзонинг иккинчи ўғли Саъд Ваққос Мирзо ҳақида маълумот берилмаган. Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 224-бет, Саъд Ваққос Мирзонинг ҳаёт санаси: 1399-1418 йй.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 73-бет, Муҳаммад Султон Мирзодан уч ўғил ва бир қиз қолган эди. Ўғиллари-Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Саъд Ваққос Мирзо ва Яҳё Мирзолар эди. Қизининг номи Ўги Беги эди. 76-бет, Саъд Ваққос Мирзо Муҳаммад Султон Мирзонинг иккинчи ўғли, Амир Темурнинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгирнинг набирасидир. У 803/1400 йилда туғилган. Саъд Ваққос Мирзо Амир Темур вафот қилган вақтда 6 ёшда бўлган. Шундан кейинги даврда унинг ҳақида қўлёмаларда аниқ маълумот учрамайди. Ҳар ҳолда Саъд Ваққос Мирзо бирон вилоятда ҳукмдор бўлмаган. - тарж.

[251] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 89-бет, Оқабегим-Муҳаммад Султон (1.1)нинг қизи (1395 йил -1449 йиллар). Бу маликага Мирзо Улуғбек 1404 йилда уйланган. Ҳабибасултон исмли қиз (4.1.А) туққан. -тарж.

[252] Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й , 49-бет, Бу мирзо Ҳисор ҳокими (1409 йил). 1413 йил сентябрда Шоҳрух (4)нинг қизи Марямсултонга уйланган. Фарзандлари- 2 ўғил (2/1). Умри-38 йил. Шу билан бир қаторда Й.Ўзтунада эслаб ўтилмаган Султон Муҳаммад мирзонинг яна бир ўғли Саъд Ваққос тўғрисида маълумот бор. Бу мирзо (1400-1418)нинг онаси малика Тотлибиби. (Фарзанди-/1). Умри-19 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 75-76 бет, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Муҳаммад Султон Мирзонинг катта ўғлидир. Амир Темурнинг катта ўғли Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг набирасидир. У 1396 йилда туғилган. Фасиҳ Хавофийнинг маълумотига кўра, Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо умрининг охиригача Ҳисорда ҳукмронлик қилади ва 28.6.1433 йилда 38 ёшида ўз ажали билан вафот этади. Ундан Муҳаммад Султон Мирзо ва Халил Султон Мирзо исмли икки ўғил қолади. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг хотини Марям Султон бегим 14.6.1441 йилда вафот этган. - тарж.

Мирзонинг ҳарами: Поянда-Султон-Бика бегим бинти Шоҳрух ибн Темур (1399?-?)[253], амакисининг невараси, 11.9.1413 йилда турмушга чиққан. Муҳаммад Жаҳонгир мирзо билан 20 йил бирга яшаган, Халил Султоннинг онаси. Муҳаммад Жаҳонгир мирзонинг она тарафидан Шоҳрухнинг невараси бўлган. Ўғли[254]: Халил Султон мирзо (1414–1450 йилдан сўнг)[255] Султон Абул Қосим Бобур мирзонинг хизматида бўлган. Унинг ўғли: Муҳаммад Умар мирзо[256].

3.) Яҳё мирзо (1398 ?-?)[257].

4.) Шод Малак бегим (1400?-1467=67?)-хаттотлик билан шуғулланган.[258] Малика томонидан кўчирилган Қуръони карим қўлёзмаси Истанбулда Турк ва Ислом асарлари музейида сақланмоқда.

---

[253] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, “1413 йил сентябрда Шоҳрух(4)нинг қизи Марямсултонга уйланган ”-49-бет. Маликанинг вафоти 1441 йил.- 88-бет. Ўша бетда Шоҳрухнинг қизлари орасида Поянда- султон оқанинг номи алоҳида эслатиб ўтилганини ҳисобга олсак, Й.Ўзтуна бу ерда адашган бўлиши мумкин. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 76-бет, Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, 13.9.1413 йилда Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо Шоҳрух Мирзонинг қизи Марям Султон бегимга уйланади.-тарж.

[254] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 49- 50 бетларда Муҳаммад Жаҳонгир мирзонинг яна бир ўғли Муҳаммад Султон мирзо тўғрисида маълумот бор. Мирзо ( 8.1423 йил, Ҳисор - 1448 йил, Ҳисор)нинг онаси малика Марямсултон. (Фарзанди- 1/1). Умри – 26 йил.-тарж. Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 76-бет, Фасиҳ Хавофийнинг ёзишича, Муҳаммад Султон Мирзо 1423 йил 29 августда туғилган. Муҳаммад Султон Мирзо умрининг охиригача отасига суюрғол тарзида берилган Ҳисори Шодмонда ҳаёт кечириб, 1448 йилда оламдан ўтади. Ундан фарзанд бор-йўқлиги номаълум.-тарж.

[333] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда Бу маликанинг исми Зайнабсултонбегим сифатида келтирилган. Онаси-Чўлибегим. Султон Увайс (2.6.3.1.2) (вафоти-1491) ва Абдулбоқи (2.5.2.1) Мирзоларга никоҳланган(1502). 1520 йил Бобур ҳузурига кетаётганда Нилобда вафот этганлиги қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 123-бет, Абдулбоқи Мирзо 1507 йилда Темур Султон билан жангда ҳалок бўлади.-тарж.

[334] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда: "Саодатбахтбегим (Бегимсултон) Султон Маъсуднинг кўзларига мил тортилгач, унга узатилган. 1 ўғил, 1 қизи бўлган. Каъбатуллоҳга ўғли билан кетиб, ўша ёқда қолган."-деб кўрсатилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 122-123 бетлар, Шаҳаншоҳнинг олтинчи қизи-Саодат Бахт бегим бўлиб, Бегим Султон номи билан шухратланганди. Онаси Попо Оғача бегим эди. "Бобурнома"да келтирилган маълумотларга қараганда, Бегим Султон Султон Маъсуд Мирзонинг кўзи кўр қилинганидан сўнг унга узатилган. Бир қиз бир ўғли бўлган. Султон Маъсуд Мирзони шайбонийлар ҳалок қилгач, қизини шаҳаншоҳнинг Опоқ бегим исмли хотини ўз тарбиясига олиб, Ҳиротдан Қобулга келган. Балоғатга етгач, Сайид Мирзо Опоққа узатилган. Бегим Султон эса ўғли билан Каъбатуллога кетиб ўша ерда қолган. -тарж.

[335] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 124-бет, шаҳаншоҳнинг еттинчи қизи, онаси Попо оғача бегим эди.-тарж.

[336] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда бу малика Андхўй сайидларидан Сайид мирзога узатилганлиги қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 124-бет, шаҳаншоҳнинг саккизинчи қизи, онаси Попо Оғача бегим, Андхўй сайидларидан Сайид Мирзога узатилган эди.-тарж.

[337] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда : "Холаси Робиясултонбегимнинг ўғли Бобур (Мироншоҳ (3)нинг авлодларидан бири)га узатилган. 1502 йилда вафот этган."- деб кўрсатилган.;

(Муҳаммад Қосимбек Арлотнинг турмуш ўртоғи: Оқ бегим бинти Ҳусайн Бойқаро) ибн Абул Қосим Арлот ибн Арлотбек (Абул Қосим Арлотнинг турмуш ўртоғи: Бика бегим бинти Бойсунғур мирзо ибн Султон Улуғбек ибн Шоҳрух ибн Темур).

6. Оқа бегим[338] 1505 йилдан олдин вафот этган. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Мурод Арлот (1505 йилда вафот этган) (жияни) ибн Муҳаммад Қосим Арлот ( Муҳаммад Қосим Арлотнинг турмуш ўртоғи: Оқ бегим бинти Султон Ҳусайн Бойқаро).

7. Солиҳа Султон “Оқ” бегим (1470?-?)[339]: Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи, бир ривоятга кўра эса биринчи қизи. Маликанинг турмуш ўртоғи: Муҳаммад Қосим Арлот. Муҳаммад Қосим Арлотнинг онаси Бойсунғур мирзонинг қизи Бика бегимдир. Солиҳа Султоннинг қизи: Қарокўз биби. Қарокўз бибининг турмуш ўртоғи: Носир мирзо ибн Умар Шайх мирзо (Бобурнинг укаси).

8. Ойша Султон бегим: Ҳусайн Бойқаронинг энг кенжа қизи. 27.6.1539 йилда Чавнсадаги мағлубият чоғида Ақиқа бегим билан биргаликда бедарак йўқолди, 40 ёшларда эди. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Қосим Султон (Шайбонийлардан). Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Бўрон Султон (Шайбонийлардан). Малика Бўрон Султонга 1512? йилда турмушга чиққан. Ўғиллари: (тўнғичи биринчи, кенжаси иккинчи никоҳидан): Қосим Ҳусайн Султон (Бобурнинг Бадовун волийси) ва Абдулло Султон (Бобурнинг саркардаси-генерали)[340].

9. Байрам Султон бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Сайид Абдулло Андхўй сайидларидан (амакиваччаси). Ҳусайн Бойқаронинг бу учинчи қизининг ўғли: Сайид Барака: Бобуршоҳнинг хизматида бўлган вақтда 1515 йилда Астрободда Сафавийлар томонидан шаҳид этилди[341].

---

Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 123-бет, Шаҳаншоҳнинг учинчи қизи, онаси Поянда Султон бегим эди. Бека бегим ўз холаси Робия Султон бегимнинг ўғли Бобур Мирзога узатилганди. Бека бегим 1502 йилда вафот этган.-тарж.

[338] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 123-бет, Шаҳаншоҳнинг тўртинчи қизи- Оға бегим бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Оғабегим ҳам ўз холаси Робия Султон бегимнинг иккинчи ўғли Султон Мурод Мирзога узатилганди. Оға бегим балоғат ёши айни гуллаган кезларда оламдан ўтади.-тарж.

[339] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 123-бетда маликанинг вафоти 1504 йил деб кўрсатилган.-тарж.

[340] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 63-бетда ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 124-бетда Ойша Султон Оға бегимга оид маълумотлар келтирилган. Маликанинг онаси Зубайда бегим эди.-тарж.

[341] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т, 1989, 151-бет.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 63-бетда ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 124-бетларда бу маликага оид

10. Фотима Султон бегим 1504? йилда вафот этган: Ҳусайн Бойқаронинг ёши жиҳатидан тўртинчи қизи. Маликанинг турмуш ўртоғи: Ёдгор мирзо ибн Султон Ёдгори Муҳаммад мирзо[342].

11. Оқ бегим: бу малика Солиҳа Султон бегимдан бошқа[343].

12. Кичкинабегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Мулла Хожа (Сайид ота наслидан). Султон Масъуд Мирзо бу бегимга ошиқ эди. Масъуд мирзонинг қайнисинглиси бўлгани учун уйлана олмади[344].

**Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўғиллари**: (*ёшига кўра тартибга солинган*).

1. Султон Бадиуз Замон мирзо (1469 йил Ҳирот-12.8.1515 йил, Истанбул = 46)[345]; отасининг ўрнига тахтга ўтирган 11. ва энг сўнгги Ҳирот ҳукмдори: 4. 5. 1506 - 24. 5. 1507=1,0, 21. Салтанат валиаҳди: 9.1469-5.7.1470=0, 10+22.8.1470-4.5.1506=35, 8, 13=36, 6, 13. 1490 йилда Астробод волийси, 1496 йилда Балх волийси[346]. Бек–аткаси–Отaлиқи (Темурийларда оталиққа берилган ном): Амир Жаҳонгир Барлос. У туркийда ижод қилган шоир. Давлати Шайбоний-хон томонидан тор-мор этилгандан сўнг, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий

маълумотлар берилган. Маликанинг турмуш ўртоғи Сайид Абдулло Мирзо ўз амакисининг қизининг ўғли ҳисобланар эди.-тарж.

342 Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 63-бетда: “Онаси-Менглибий оқача. Мироншоҳ наслидан Ёдгор Мирзо (Сайди Аҳмад(3.7)нинг набираси)га узатилган”.-деб кўрсатилган. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 124-бет, шаҳаншоҳнинг ўнинчи қизи бўлиб, онаси Минглибий Оғача бегим эди. Малика Мироншоҳ Мирзо наслидан Ёдгор Мирзога узатилган эди. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Фотима Султон бегим отаси шаҳаншоҳнинг ҳаётлигидаёқ вафот этган-тарж.

343 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995 ва Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 бу малика тўғрисида маълумот учрамайди.-тарж.

344 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 123-бет, шаҳаншоҳнинг бешинчи қизи бўлиб, онаси Поянда Султон бегим эди. Бу малика кўп умр кўрмай, отасининг ҳаётлик давридаёқ оламдан ўтади.-тарж.

345 Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 58-бет, Мирзо (1458-1515 йил, Истанбул)нинг онаси Бекасултонбегим. Астробод, Балх ҳокими. Фарзанди- 2 ўғил (2/1). Умри-58 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 125-136 бетлар, -тарж.

346 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 125-126 бетлар, 1497 йил, баҳоридан Балх ҳокими. 135-136 бетлар, 1498 йил 29.08 дан яна Балх ва қўшимча равишда Фараҳ ва Сейистон ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро фармони билан мирзонинг тасарруфига ўтади. 163-164 бетлар, Бадиуз-Замон Мирзо 1509 йилда Астрободдан Озарбайжонга кетади. У ерда уч-тўрт ой тургач, Эрон шоҳининг кўрсатмасига мувофиқ, Райга келиб истиқомат қилади. У ердан ўзининг атрофида йиғилган қўшин билан Астробод-га боради. Астробод ҳокими Хўжа Аҳмад Қўнғирот билан жангда мағлубиятга учраб, ўз яқинлари билан Ҳиндистоннинг Синд вилоятига ўтиб кетади. Бадиуз-Замон Мирзо Синдда бир йилдан кўпроқ истиқомат қилгач, 1513 йили яна Эрон шоҳининг ҳузурига қайтиб, Табризда истиқомат қилади. 1514 йили сентябр ойида турк султони Салим I (1512 йилда тахтга ўтирган) Табризга келганда Бадиуз-Замон Мирзони ўзи билан бирга Стамбулга олиб кетади. Мирзо Стамбулда уч-тўрт ой истиқомат қилади. Аммо кўп ўтмай вабо касалига чалиниб, 1515 йил бошида 58 ёшида Стамбулда вафот этади.-тарж.

ҳимоясига ўтишга мажбур бўлди, 6 йил давомида 1508-1514 йилларда Табризда унинг саройида яшади, сўнгра Истанбулга кетди. Усмоний ҳукмдори Ёвуз Султон Салим, ўз тахтининг ёнида бир тахт қуриб уни "баравар–тенг" даражада қабул қилди ва катта нафақа тайинлади.Бир йилдан сўнг, вабодан вафот этгач, ҳукмдорларга хос махсус дафн маросими ўтказишни амр этди. Айюб Султон Жомеъси ҳовлисида дафн этилди.

**Мирзонинг ҳарамлари:**

1. Исми қайд этилмаган малика бинти Зуннун Арғун (1482?-?) 1482? йилда турмушга чиққан, эҳтимол Мўмин мирзонинг онаси[347].

2. Исми қайд этилмаган малика бинти Таҳматинбек Туркмон, укаси Асадбек билан биргаликда Ҳусайн Бойқаронинг беклари ҳисобланган. Малика Замон мирзонинг онаси[348].

**Султон Бадиуз Замоннинг ўғиллари[349]:**

1.) Муҳаммад Мўмин мирзо (1484?-3.5.1497=13?), Ҳиротда қатл этилган[350].

2.) Муҳаммад Замон мирзо (1490?-1539=49?)[351] отасининг салтанат (Ҳирот) валиаҳди: 4.5.1506-24.5.1507=1, 0, 21. 1507 йил охирларида Астробод

---

[347] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 бумалика тўғрисида маълумот учрамайди. Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 129-бет, Бадиуз-Замон Мирзо Қандаҳор ҳукмдори амир Зуннун арғуннинг қизини 1497 йил ёзида ўз никоҳига олганлиги қайд этилган. 125-бет, Бадиуз-Замон Мирзо 1473 йилда Хоним Бегимга уйланади. Хоним Бегим Султон Абусайид Мирзонинг Руқия Султон бегим исмли хотинидан туғилган қизи эди. Руқия Султон бегим эса Шоҳрух мирзонинг набираси Алоуддавла Мирзонинг қизи эди. 160-163 бетлар, Бадиуз-Замон Мирзонинг яна икки хотини ҳақида маълумот учрайди. Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни ишғол этгач, Ихтиёруддинқалъасини таслим қилади. Ўша вақтда қалъада Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Хадича бегимдан ташқари, Бадиуз-Замон Мирзонинг ҳарамидаги севикли хотинларидан Улуғбек Мирзо Қобулийнинг қизи Қобулий бегим ва "Андалиб" (Булбул) номи билан шухрат қозонган Руқия Оғо бегим ҳам бор эди. Қалъа ишғол этилгач, Қобулий бегимни Қамбар Мирзо Кўкалдош ўз никоҳига киритади. Андалибни эса Темур Султон ўз ҳарамига жўнатади.-тарж.

[348] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 125-бет, никоҳ вақти 1494 йил.-тарж.

[349] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 159-бет, Бадиуз-Замон Мирзонинг қизи Чучук бегим ҳақида маълумот учрайди. Бу малика 1507 йилнинг май ойида Ҳиротда вафот этади.-тарж.

[350] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 58-бет, Мирзо (1486-1497)нинг онаси – Ўринсултонбегим (Абусаид (3.6.2)нинг набираси Алоуддавла (4.3.1)нинг қизи Руқиясултонбегим никоҳидан туғилган қиз). Астробод ҳокими. Бобоси Султон Ҳусайн фармони билан Ихтиёруддин қалъасида қатл этилган. Умри- 12 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 125-126 бетлар, Муҳаммад Мўмин Мирзонинг туғилган вақти 1486 йил, онаси малика Хоним Бегим. 1497 йил баҳоридан кузнинг биринчи ойигача Астробод ҳокими. 130-131 бетлар, амир Муҳаммад Бурундуқ мирзони 1497 йил 29-сентябрда Ҳиротга етказиб келади ва сал ўтмай Ихтиёруддин қалъасида бобосининг фармони билан қатл этилиб, Бадиъа мадрасасига дафн этилган. –тарж.

[351] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 59-бет, Мирзо (1496-1539 )нинг онаси –Таҳматинбекнинг қизи. Эрон шоҳи мулозиматида, Астробод ҳокими (1515). Шайбоний билан жангда асир тушади,

ҳокими эди, кейинчалик отаси билан бирга Табризга келди ва Сафавийлар ҳимоясига ўтди, сўнгра тахминан Истанбулга келиб бу ерда бир қанча йил яшади. 1526 йилда (бу даврга қадар 12 йил Истанбулда яшаган бўлиши мумкин) Ҳиндистонга келиб Бобуршоҳнинг хизматига кирган. 14.5.1529 йилдан Бобурнинг Жонпур волийси, 1533-1539 йилда Ҳумоюншоҳнинг Гужаротда умумий волийси бўлди. Ҳатто 1537 йилда Гужарот султони (подшоси) деб эълон қилинди. Аммо ҳокимиятини ушлаб туролмади. Синдда судга тортилди.

2. Музаффар Ҳусайн мирзо (1470?-Астробод, 7.1507 = 37)[352]: акаси Бадиуз Замоннинг салтанат шериги: 4.5.1566-24.5.1507=1, 0, 21. 1496 йилда[353] Астробод волийси. Оталиқи: Амир Муҳаммад Бурундуқ Барлос.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Меҳрангиз (1542? йил Аграда вафот этади.). Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Убайдуллохон, Шайбоний, Ўзбек ҳоқони. Убайдуллохоннинг бу маликадан туғилган ўғли Пўлат Султон [354].

---

қочади. Кобулга ҳужум қилади, сўнгра Бобур хизматида. Бобурга қизларидан бири –Маъсумани никоҳлаб берган. Биҳар вилояти ҳокимлигига тайинланган. "Бобурнома"да ҳурмат билан тилга олинган. Умри-44 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 125-164 бетлар, 1509 йилда Бадиуз-Замон Мирзо ўғлини Дамғонга Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳузурига жўнатади. Муҳаммад Шайбоний Астрободни эгаллагач, Дамғонни қамал қилади. Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзо хондан омонлик сўрайди. Хон уларни авф этиб, озод қилади. Шаҳзодалар хондан ижозат олиб, Муҳаммад Замон Мирзо Озарбайжонга ва Фаридун Ҳусайн Мирзо эса туркманлар орасига кетадилар. Бадиуз-Замон Мирзо Станбулга кетгунча, Муҳаммад Замон Мирзо ҳам Эрон шоҳининг мулозиматида эди. Отаси кетгач, мирзо ўз атрофида йиғилган қўшин билан Астрободга боради. Астробод ҳукмдори амир Ҳусайн мирзонинг маврусий ҳуқуқини тан олиб, Астробод ҳокимлигини шаҳзодага топширади. Бироқ шаҳзода Астрободда бир неча муддат ҳукмронлик қилгач, 1516 йилда Балх вилоятини ўз тасарруфига киритиш иштиёқида қўшин тортади. Аммо Балх ҳукмдори шаҳарни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога таслим қилади. Ниҳоят Бобур Мирзо мулозимлари Муҳаммад Замон Мирзони Қўлга олиб, Кобулга келтирадилар. Бобур подшоҳ Муҳаммад Замон Мирзони юксак эҳтиромлар билан қарши олиб, саройнинг гўзал, моҳпора қизларидан бирига уйлантиради. Уч-тўрт ой Кобулда сақлаб, сўнгра Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.-тарж.

[352] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 60-бет, Мирзо (1473 – Астробод, 1509)нинг онаси – Хадичабегим. Астробод ҳокими (1497). Оғир дард билан вафот этди. Умри -37-йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 137-164 бетлар, -тарж.

[353] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 126-130 бетлар, 1497 йил баҳоридан тайинланган бўлсада, амалда ёзнинг охири кузнинг бошларида бу лавозимни эгаллайди.-тарж.

[354] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й,асарда бу малика эслатиб ўтилмаган.; Йилмаз Ўзтуна бу маликани Музаффар Ҳусайн Мирзонинг хотини деб хатога йўл қўйган. Чунки бу малика Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Хонзода бегим номли хотинидан туғилган қизи эди. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 160-бет, 23 май 1507 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротга кириб келади. Ҳиротда ўз тақдир измига ташлаб кетилган ҳарам ва мол-мулк хон томонидан қўлга киритилади. Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Хонзода бегим номли хотини хонга манзур бўлиб, ўз никоҳига киритади. Хондамирнинг таъкидлашича, бу малика икки йил муқаддам Музаффар Ҳусайн мирзо томонидан талоқ қилинган экан. Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Хонзода бегимдан туғилган қизи Меҳрангизни эса Убайдулло Султон қўлга киритади.-тарж.

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Хонзодахоним. Малика Хонзодахонимнинг иккинчи турмуш ўртоғи: Шайбакхон, Ўзбек ҳоқони, 7.1507 йилда турмушга чиққан.[355]

**Ҳусайн мирзонинг ўғиллари:**[356]

1.) Катта Маҳмуд мирзо (1488?-15xx).

2.) Кичик Маҳмуд мирзо (1490?-15xx).

3. Абул Муҳсин мирзо (4.1508 вафот этган.):[357] Марв волийси, ўзбеклар томонидан Машҳад яқинида ўлдирилди. Ёйни отиш бўйича яхши мерган эди.

4. Муҳаммад Муҳсин "Кепак" мирзо (4.1508 вафот этган.)[358]: акаси билан биргаликда Машҳад яқинида ўзбекларга қарши тўқнашувларнинг бирида ҳалок бўлди. Ҳусайн Воиз Кошифий 1495 йилда "Аҳлоки Муҳсиний"ни шу мирзога атаб ёзган.

5. Абу Туроб мирзо[359]: 1505 йил бошларида дарвешлик рутбасини кийиб Ироққа кетган. Ўғли: Сухроб мирзо[360] (1515 вафот этган), Бобуршоҳнинг хизматида бўлган. Астрободда Сафавийлар томонидан шаҳид этилганда 20 ёшда бўлган.

---

[355] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, асарда бу малика эслатиб ўтилмаган.-тарж.

[356] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Т., 1995 й.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, асарда Музаффар Ҳусайн мирзонинг фарзандлари ҳақида маълумот берилмаган.-тарж.

[357] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 59-бет, Мирзо (1472-1507). Умри-36 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 137-бет, Султон Ҳусайн Бойқаронинг тўртинчи ўғли, 1472 йилда туғилган. Онаси Латифа Султон оғача бегим. Йилмаз Ўзтуна бу мирзони ёйни отишда яхши мерган эди деб таърифлаган. Аммо "Бобурнома"да бу сифат Султон Ҳусайн Бойқаронинг саккизинчи ўғли Фаридун Ҳусайн Мирзога нисбатан ишлатилган : "Ёйни кучлук тортиб, ўқни яхши отар эди." 161-бет, 1507 йил июн ойида Абул Муҳсин Мирзо ва укаси Муҳамммад Муҳсин Мирзо Машҳадда мағлубиятга учрагач, тутиб олиниб Муҳамммад Шайбонийхон томонидан қатл этилади. Хондамирнинг ёзишича, Абул Муҳсин Мирзонинг уч ёшли ўғли бўлиб, исми шарифи Султон Муҳаммад Бойқаро эди. Отаси қатл этилгач, унинг яқин мулозимлари ўғлини Ўрдун (Иордания)га қочирадилар. Султон Муҳаммад Бойқаро Ўрдунда яшаб, улғайиб бир неча йиллардан сўнг ўз ажали билан вафот этади. -тарж.

[358] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 225-бет, Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг ҳаёт санаси: 1476-1507 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 60-бет, Мирзо (1474-1507)нинг онаси – Латифасултон оқача. Султон Ҳусайн Абулмуҳсинга Марв, Муҳаммад Муҳсинга Обивард вилоятини берган эди. Мўмин мирзонинг қатлидан сўнг улар ғазабланиб, оталарига қарши исён кўтарадилар, қаттиқ зарба берадилар. Кўп ихтилофлардан сўнг муросага келадилар. Уларга Тус, Машҳад, Обивард, Нисо вилоятлари берилади. Шайбонийхон уйқуда Машҳадни босади, кучли қаршилик кўрсатадилар. Енгилиб, ака-укалар қатл этилади. Умри-34 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 137-145бетлар, мирзога Обивард вилояти берилган эди. 1500 йил июл ойининг ўрталарида Султон Ҳусайн Бойқаро ўғлига Тус, Машҳад, Нисо, Обивард вилоятларини инъом этади. -тарж.

[359] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 59-бетда мирзонинг ҳаёт санаси 1472-1498 йилларни ўз ичига олади. Онаси Менглибий оқача. Умри-27 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 137-бет, Султон Ҳусайн Бойқаронинг учинчи ўғли. 1472 йил Ҳиротда туғилган.-тарж.

[360] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. Т., 1995 й., 83-бет.; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006, 59-бетда мирзонинг ҳаёт санаси 1490-1509 йилларни ўз ичига олади.-тарж.

6. Шоҳ Ғариб мирзо (1497 вафот этган.): туркий ва форсийда Ғарибий тахаллуси билан ижод қилган, шеърий Девон соҳиби. Отасининг пойтахт Ҳирот волийси лавозимида бўлган.[361]

7. Муҳаммад Ҳусайн мирзо (1506 вафот этган.): шоир, Астрободда вафот этган. Табризга кетиб Шоҳ Исмоил билан дўст тутинган ва шиа мазҳабига ўтган[362].

8. Фаридун Ҳусайн мирзо 1507 йил биринчи ярмида вафот этган: Астробод, кейинчалик Домғон волийси бўлган даврда, отаси ҳукмронлигининг сўнгги кунларида Келотда ўзбекларга қарши жангларда шаҳид бўлган[363].

9. Муҳаммад Ҳайдар мирзо 4.1506 вафот этган. Балх, кейинчалик эса Машҳад волийси бўлган. Бек–аткаси: Муборизуддин Валибек[364].

Мирзонинг ҳарами: Бека бегим бинти Султон Маҳмуд мирзо (Самарқанд ҳукмдори). Малика 1482? йилда таваллуд топган ва вафот этган вақти номаълум. 1496 йил баҳорида Ҳисорда унаштирилган, 1496 йилнинг ёзида Ҳирот шаҳрида турмушга чиққан. Муҳаммад Ҳайдар мирзо маликага амакивачча ҳисобланган. Улар 10 йил бирга яшаган[365].

[361] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 225-бет, Шоҳ Ғариб Мирзонинг ҳаёт санаси: 1470-1496 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 59-бет, Мирзо (1471-1496) нинг онаси –Ҳадичабегим. Ҳирот шаҳри ҳокими. Умри-26 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 136-137 бетлар, Султон Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ўғли. Мирзонинг жасадини Гозургоҳнинг ўнг томонидаги ҳужралардан бирига дафн этганлар. Қабри устига “Санги ҳафт қалам”- қора мармар қабр тоши ўрнатилади.-тарж.

[362] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 60-бет, Мирзо(1476-1503)нинг онаси –Менглибий оқача. Отаси касаллигида Абутуроб билан Ироққа қочади. 1498 йил қўшин билан Астрободни эгаллайди, умрининг охиригача бошқаради. Ҳасба(қора безгак) касалидан вафот этади. “Рофизийликни қабул қилган, шоирлиги бор”(Бобур). Умри- 28 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 137-164 бетлар, -тарж.

[363] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 60-бет, Мирзо (1478- 1510)нинг онаси- Менглибий оқача. Акаси Муҳаммад Ҳусайндан сўнг Астробод ҳокими. Шайбонийхон қатл этади. Умри- 33 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 146-164 бетлар, 1509 йилда мирзо Муҳаммад Шайбонийхон Дашти Қипчоққа қўшин тортганидан фойдаланиб, Келот қалъасини қўлга киритади. Бу хабарни эшитган Марв ҳокими Қанбарбий барча ўзбек(шайбоний) аскарларини йиғиб, Келот қалъасини муҳосара қилади. Фаридун Ҳусайн Мирзо жангда қўлга тушиб қолади ва 32 ёшида қатл қилинади. -тарж

[364] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 225-бет, Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 60-61бет, Мирзо (1479-1502) нинг онаси –Поядасултонбегим. Машҳад ва Балх вилоятларини бошқарган. Ўз ажали билан вафот этган. Умри-24 йил. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 146-147 бетлар, -тарж.

[365] Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 126-бет, 147-бет, Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳисорга қарши 1497 йилнинг баҳорида юриш бошлаган. Демакки, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо билан Бекабегимнинг (онаси Хонзодабегим) никоҳ тўйлари Йилмаз Ўзтуна таъкидлаганидек, 1496 йилнинг ёзида эмас, 1497 йилнинг баҳори-ёзида бўлиб ўтган.-тарж.

Ҳайдар мирзонинг қизи: Шоҳбегим (1497?-?)[366]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Одил Султон, Кобулда турмушга чиққан. Одил Султоннинг отаси Шайбоний султонлардан Маҳди Султон бўлиб онаси эса Темурий малика Султоним бегим бинти Султон Аҳмад мирзо[367] эди.

10. Муҳаммад Маъсум мирзо 1502 йилда вафот этган: Қандаҳор волийси. Бек–аткаси: Шоҳбек арғун[368].

Мирзонинг ҳарами: Бека бегим бинти Улуғбек мирзо, 1489 йилда Ҳиротда турмушга чиққан[369].

11. Фаррух Ҳусайн мирзо 1509 йилда вафот этган.[370]

12. Иброҳим Ҳусайн мирзо 1505 йилда вафот этган. 1496[371] йилга қадар Балх волийси бўлган.[372].

13.Ибни Ҳусайн мирзо 1507 йилда вафот этган. Мирзо Сеистон волийси бўлган.[373].

---

[366] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 61-бетда , Ҳайдар Муҳаммаднинг ягона фарзанди – Шодибегим Бобур саройида бўлганлиги қайд этилган.-тарж.

[367] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й бу ҳақида маълумот йўқ.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 147-бет-тарж

[368] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 61-бет, Мирзо (1476-1501)нинг онаси- Попооқачабегим. Қандаҳор берилган. Бошқара олмайди. Умри -26 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 136-бет, 1498 йил сентябргача, токи Сейистон Бадиуз-Замон Мирзога берилгунга қадар шу вилоятда ҳоким бўлган. 147-бет, Мирзо Хуросонда 1501 йилнинг сентябрь ойида жигар ва ичбуруғ касали билан 26 ёшида оламдан ўтади. -тарж.

[369] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 147-бет, Хондамирнинг ёзишича, 1490 йил 3 февралда Қобул ҳукмдори Улуғбек Мирзо Қобулийнинг қизини Муҳаммад Маъсум Мирзога никоҳ қилинади.-тарж.

[370] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 61-бет, Мирзо (1480-1503)нинг онаси Попооқачабегим. Ҳукмдорлик қилмаган. Умри-24 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 148-бет, Шаҳзода Фаррух Ҳусайн Мирзо 1503 йилда 23 ёшида вафот этган.-тарж.

[371] Иброҳим Ҳусайн мирзо 1497 йил ёз фаслидан Балх ҳокими сифатида фаолият кўрсатганилигини Турғун Файзиев таъкидлаб ўтган. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 128-бет, -тарж.

[372] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 61-бет, мирзонинг ҳаёт санаси 1478-1505 йилларни ўз ичига олади. Балх ҳокими. Дарвеш Али (Навоийнинг укаси) унга қарши исён кўтаради. Қойин вилояти берилади. Ичкиликка берилиб, вафот этиб кетади. Онаси- Попооқачабеги . Умри- 28 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 147-148 бетлар, Мирзо кейинги пайтларда айш-ишратга берилиб, шаробхўрликни авжига чиқаради. У кеча-кундуз ичишдан ташқари ҳатто наҳорга ичишни ҳам одат қилади. Натижада 1504 йилда ўнгланмайдиган бедаво касалга чалиниб, 1505 йил март ойида 27 ёшида оламдан ўтади.-тарж.

[373] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 225-бет, Ибн Ҳусайн Мирзонинг ҳаёт санаси: 1480-1513 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 61-бетда мирзонинг ҳаёт санаси 1486- Ироқ,1513 йилларни ўз ичига олади. Акаси Иброҳим Ҳусайндан сўнг 1504 йил Қойин вилояти берилган. Онаси- Попооқачабегим. Умри-28 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 148-бет, Шаҳаншоҳнинг ўн учинчи ўғли Ибн Ҳусайн Мирзо 1488 йилда Ҳиротда туғилган. 1504 йилда Иброҳим Ҳусайн Мирзо вафот этгач, унинг тасарруфида бўлган Қойин вилоятини Ибн Ҳусайн Мирзога суюрғол қилиб берилганди. 162-бет, 1507 йилда шайбонийлардан мағлубиятга учрагач, Ибн Ҳусайн Мирзо ўз яқинлари билан Ироқ ҳудудига ўтиб кетади. У Кошон ноибининг ҳимоятида шоҳона ҳаёт кечиради. Бироқ, 1513 йилда ногаҳоний фалокатга учраб, 34 ёшида вафот этади.-тарж.

14. Муҳаммад Қосим мирзо[374].

## IV. Шоҳрух мирзо авлодлари.

### Султон Шоҳрух мирзо (1377-1447)

Муиниддун–вид–дунё Ҳоқонис-Саид Шоҳрух Баҳодур мирзо (Самарқанд, 21.8.1377–Пешовари/Рай, 12.3.1447=69, 6, 22)[375]: Амир Темурнинг тўртинчи кенжа ўғли, икки катта акаси билан ёш фарқи 21, 3. акаси Мирон Шоҳдан 11 ёш кичикдир. Учинчи ҳукмдор (Ҳирот ва Самарқандда): 13.5.1409-12.3.1447=37, 10, 0. Унгача: 18.2.1405-13.5.1409 йилларда Ҳиротда ҳукмронлик қилган. Шоҳрух мирзо Ҳиротда жами 42, 0, 22 ҳукмронлик қилган. Шоҳрух 1397 йили 20 ёшлигида отасининг фармойишига кўра маркази Ҳирот бўлган Хуросонга умумий ҳоким этиб тайинланди. Бу даврда Темурнинг тўрт ўғлидан фақат икки шаҳзода ҳаёт эди. Акаси Мирон Шоҳ Озарбайжон ва Ироқнинг умумий ҳокими эди. Мовароуннаҳр (Ғарбий Туркистон, маркази Самарқанд) бевосита Темурнинг бошқаруви остида эди. Аммо, икки ўғил ҳаёт бўлсада, тахт валиаҳдлиги тўнғич ўғли Жаҳонгир мирзонинг ўғиллари Султон Муҳаммад мирзога, 1.4.1403 йилда Онадолу/Қаро Ҳисорда вафот этгач эса укаси Пир Муҳаммад мирзога насиб этган. Темур Хитой сафари вақтида Ўтрорда вафот этган чоғида 29 ёшли невараси, тахт валиаҳди "амирзодаи аъзам" Пир Муҳаммад мирзо Ҳиндистон ва Афғонистоннинг умумий ҳокими бўлиб, Балх шаҳрида эди. Ўтрорда ўрда Мирон Шоҳнинг ўғли, Темурнинг невараси Халил мирзони ҳукмдор деб эълон қилди. Султон Халил қўшинни Хитой сафаридан қайтариб Самарқандга келди, бобосининг ҳоқонлик тахтига ўтирди. Аммо амакиси Шоҳрух бу ҳолатни қабул эта олмади ва Ҳиротда ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Бундай ҳолат 4 йил давом этди. Шоҳрух жияни Халилни бартараф этиб, салтанатни қайта бирлаштирди. Лекин отасининг тахт шаҳри Самарқандда қолмади. У ерда Мовароуннаҳрнинг умумий ҳокими

---

[374] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 61-бет, бу мирзонинг ҳаёт санаси 1482-1507 йил . Шайбонийларга қарши Машҳадда курашмоқчи бўлади. Енгилади ва қатл этилади. Онаси-Попооқача-бегим. Умри-26 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 148-бет, бу мирзо шаҳаншоҳнинг ўн тўртинчи ўғли бўлиб, 1488 йилда Ҳиротда туғилган эди. 162-бет, 1507 йил куз-қишида Убайдулло Султон томонидан Машҳадда мағлубиятга учрагач, қатл қилинади.-тарж.

[375] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 89-90 бетлар, Мирзо( 20.8.1377-12.3.1447, Ҳирот) нинг онаси Тоғай Туркон оқа. 20 ёшдан (1397) Хуросон ҳукмдори. Фарзандлари-7 ўғил, 2 қиз (9/6). Умри-71 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 299-300 бетлар, Тарихий манбаларнинг хабарига кўра, Шоҳруҳ Мирзонинг учта хотини бўлиб, улардан етти ўғил ва икки қизи бўлган. Аммо Шоҳруҳ Мирзо ҳаётлигидаёқ Улуғбек Мирзодан бошқа ўғиллари оламдан ўтган эдилар. Шунингдек, катта қизи Марям Султон бегим ҳам вафот этган эди. -тарж.

сифатида валиаҳд бўлган тўнғич ўғли Улуғбекни қолдирди. Ўзи эса 12 йилдан бери ҳукмронлик қилаётган Ҳиротда қолди. Салтанат маркази Самарқанддан Ҳиротга кўчди. Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Ҳирот дунёнинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланган эди. Шундай қилиб, Шоҳрух салтанати отасига нисбатан 8 ой 13 кун кўп давом этди. Темурнинг ўғиллари 20, 38, 42 йил яшаганлари ҳолда, Шоҳрух 70 йилга яқин умр кўрди. У Самарқандда Гўри Амир хилхонасида отасининг ёнида дафн этилган[376]. Шоҳрух ҳам шеърлар ижод қилар эди.

Анқара жангида (28.7.1402) Шоҳрух чап қанот қўмондони эди. 1421 йилга қадар Ҳиндистон подшоси ҳам ҳисобланар эди. Шу йилда салтанат тобеълигидан қутулган Ҳиндистонни, 1526 йилда Бобуршоҳ қайта ишғол қилди. Қорақуюнли давлатининг ҳукмдори ҳисобланган Шоҳрухга ўлимига қадар, Усмонийлар давлати ҳам билвосита тобеъ эди. У вафот этгач, Усмонийлар давлати дунёнинг энг кучли давлатига айланди. Чунки, Шоҳрухдан сўнг тахтга ўтирган Темурийлар ўзаро низолар туфайли салтанатнинг бирлигини сақлаб қола олмадилар. 1414 йилда Исфаҳон, Форс ва атрофдаги ўлкалар тўғридан-тўғри Шоҳрухга бўйсуна бошлади. Унга қадар бу ҳудудлар Шоҳрухнинг ҳокимиятини тан олган бир қанча мирзолар томонидан бошқарилди. 1393-96 йилда отаси юришда бўлган вақтида у Самарканд ҳокими ва салтанат ноиби эди. 1397 йил бошида Хуросон, Сеистон ва Мозандарон ҳудудлари Шоҳрухга берилган эди. Оталиқи: Алика Кўкалтош (1350-Самарканд, 14.10 1440=90).

**Шоҳрухнинг маликалари:**

1. Исми қайд этилмаган малика (1362? - ?), 1394 йилнинг иккинчи ярмида турмушга чиққан, ёши 32?, акаси Умар Шайхнинг беваси эди[377].

[376] Файзиев Т. Темурий маликалар. Т., 1994 й., 16-бет, Шоҳруҳ Мирзонинг жасади дастлаб, Ҳиротда Гавҳар Шод бегим мадрасасидаги Бойсунғур мақбарасига дафн қилинади. 1448 йил Улуғбек Мирзо Ҳиротни вақтинча қўлга киритганда, отасининг жасадини Самарқандга келтириб, Гўри Амирга дафн этади.-тарж.

[377] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 88-бет, Мулкат оқабегим, отаси Хизр ўғлоннинг қизи. Умаршайх мирзонинг вафоти (1394)дан сўнг Шоҳрух никоҳига ўтган. 1 қиз туққан. Кўплаб обидалар бино этган. 1440 йилда Қобулда вафот этган, Балхда дафн этилган. Бундан ташқари, маликалар Гавҳаршодбегим ва Тўтибегимларнинг номлари ҳам тилга олиниб, маликалари сони жами 6 та деб маълумот берилади.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 300-301 бетлар, Мулкат Оғо бегим Умаршайх мирзога турмушга чиққан эди. Умар Шайх Мирзодан икки ўғли-Искандар Мирзо ва Бойқаро Мирзони туққан эди. 1394 йилда Умар Шайх вафот этгач, Амир Темурнинг ҳоҳишига кўра, Шоҳруҳ Мирзо никоҳига кирган эди. 1398 йилда Суюрғатмиш Мирзони туғади. Мулкат Оғо бегимнинг асли исми Мулк Оғо эди. - тарж.

2. Гавҳаршод Хотун [378] (Малика) Оғо бинти ҒиёсуддинТархон (оиланинг келиб чиқиш жойи: Саврон/Сирдарё) 1378[379]-20.7.1457=79. 1388 йилда унаштирилган[380], 1393 йилда турмушга чиққан, ёши 15 да бўлиб, Шоҳрухдан 1 ёш кичик эди. Ҳиротда Гавҳаршод мадрасасида дафн этилган[381]. Ҳиротда Абу Саид мирзо томонидан қатл эттирилган. Қора қўюнли Қаро Юсуфбекнинг она ўгай опаси.

Маликанинг ўғиллари: Султон Улуғбек ва Бойсунғир мирзолар[382]. Гавҳаршод бегимнинг укаси: Амир Ҳасан Сўфий Тархон (3.6.1424 йил вафот этган, Гавҳаршод бегим мадрасасида дафн этилган) ва унинг ўғли: Амир Михроб Тархон ва бунинг ўғли Муҳаммадбек (Гавҳаршод бегим мадрасасида дафн этилган).

3. Мулкат Оғо[383].

**Султон Шоҳрухнинг фарзандлари[384]:**

1. Султон Улуғбек мирзо-(22.3.1394 йил-25.11.1449[385]=55, 8, 3 ).

2. Абул-Фатҳ Муҳаммад Иброҳим-Султон Баҳодир мирзо[386] (Карс, 26.8.1394 - Шероз, 4.5.1435=40, 8, 9 ): Темурнинг хотини, ўгай момоси малика Туман Оғо тарбиялаган. 1409-14 йилда Балх, 4.1414-15 йилларда Форс, 1421 йилда қўшимча равишда Хузистон, қайта Форс ва Луристонни 1424-4.5.1435

[378] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 88-бет, Шоҳрух мирзо бу маликага 1388 йилда уйланган. Давлатни идора қилишда фаол аралашган. 3 ўғилнинг онаси. 1457 йилда Абусаиднинг фармони билан чопиб ўлдирилади.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 300-301 бетлар-тарж.

[379] Файзиев Т. Темурий маликалар. Т., 1994 й., 12-бет, Гавҳар Шод бегим 1379 йилда туғилиб, 1393йилда Шоҳрух Мирзо никоҳига кирган.-тарж.

[380] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 300-бет, Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, Шоҳруҳ Мирзо Гавҳаршод бегимга 1388 йилда уйланган.-тарж.

[381] Файзиев Т. Темурий маликалар. Т., 1994 й., 17-бет, Гавҳар Шод бегим ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунғур даҳмасига дафн этилади.-тарж.

[382] Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 301-бет, Гавҳаршод бегим уч ўғилнинг онаси эди: Улуғбек Мирзо (1394-1449), Ғиёсиддин Бойсунғур Мирзо (1398-1433), Муҳаммад Жўки Мирзо (1401-1445).-тарж.

[383] Йилмаз Ўзтунада Умаршайх мирзонинг беваси, исми қайд этилмаган малика, аслида Мулкат оқа эди. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 301- бет- тарж.

[384] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Шоҳруҳ Мирзонинг яна 1403-1411 йиллар орасида яшаган Жон Ўғлон ва 1404-1409 йиллар орасида яшаган Муҳаммад Ёрий Мирзо исмли ўғиллари бўлганлиги ҳақида маълумот учрайди.-тарж.

[385] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 88-бетда, Улуғбек мирзонинг қатл этилиш санаси 25.10. 1449 йил эканлиги қайд этилган. Фарзандлари-5 ўғил, 7 қиз (13/10). Умри-55 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 301-314 бетлар-тарж.

[386] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 90-бет, Иброҳим Султоннинг онаси Тўтибегим. Туман оқабегим тарбиясида улғаяди. Хитой юришида бобоси билан бирга эди. Балх ҳокими (1409). Фарзандлари–з ўғил (4/2). Умри-42 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-бет,- тарж.

йилларга қадар бошқарди.[387] У вафот этгач эса,бу ҳудудлар ўғли ихтиёрига ўтди. Шарофуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” манбаси шу мирзонинг фармонига кўра ёзилган.

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган малика (10.101404 йили Самаркандда унаштирилган, 1411? йилда эса турмушга чиққан. Унаштириш тўйлари бошқа 5 мирзо билан биргаликда Темур ҳузурида бўлиб ўтган)[388].

**Ўғиллари[389]:**

1.) Исмоил мирзо (Шероз, 1432)[390]: гўдаклигидаёқ вафот этган.

2.) Султон Абдуллоҳ мирзо (Шероз, 19.3.1433-Булунғур, 26.6.1451=18, 3, 2. Ҳоқон: 8.5.1450-21.6.1451=1, 1, 13. Форс ва Луристон волийси: 4.5.1435-1447=12 (отасининг ўрнига). Булунғур даштидаги жангда ҳалок бўлди[391].

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Султон Улуғбек (амакиваччаси)[392].

3. Ғиёсуддин Бойсунғур мирзо [393](Ҳирот, 15.9.1397-Боғи-Сафед саройи/ Ҳирот, 20.12.1433=36, 3, 5): отасининг бош вазири: 1417-1433=16. Ҳиротда

---

[387] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 44–бетда Амир Темур 1404 йилда бу набирасига Хитойга қарши урушга тайёргарлик кўриш вақтида ташкил этган икки улусдан бирини инъом этган бўлиб, бу улусга Фарғона, Қашқар ва Хўжанд кирган.–тарж.

[388] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-бет, Иброҳим Мирзонинг фарзандлари Руқия бегим номли хотинидан туғилган эдилар. Иброҳим Мирзонинг Руқия бегимдан бошқа яна хотини бўлган-бўлмаганлиги ҳақида маълумот учрамайди.-тарж.

[389] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 90-бетда Иброҳим Султоннинг яна бир ўғли Султон Абу Исҳоқ (1419-1427) тўғрисида маълумот бор; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-327 бетлар,-тарж.

[390] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 90-бет, бу мирзонинг ҳаёт санаси 1423-1432 йил деб қайд этилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-бет -тарж.

[391] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 90-бет, Мирзо (1433-1451, Булунғур)нинг онаси Меҳрсултон хотун. 2 ёшлигида отаси тахтида. Яхши муҳитда улғаяди. Улуғбек ўзига куёв қилади. Абдуллатифдан сўнг Самарқанд ҳукмдори Султон Абусаид ва Абулхайрхоннинг бирлашган қўшин-лари билан жангда ҳалок бўлади. Умри-19 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-327 бетлар, 1450 йил 9 майдан сўнг, Самарқандда ҳукмдор этиб кўтарилади. 1451 йил, июн ойида Булунғур даштининг жанубидаги Шероз қишлоғи яқинида Султон Абусайид Мирзо қўшинлари билан бўлган жангда ўқ тегиб 17 ёшида ҳалок бўлади. -тарж.

[392] Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 326-бет, Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, (1448-1449 йиллар орасида) Улуғбек Мирзо жияни Абдуллол Мирзога ўз қизини бериб, уни куёв ҳам қилган.-тарж.

[393] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 91-бет, Астробод вилояти ҳокими (1414), вазир (1416-20). Эрон Озарбайжони ҳокими (1421-31). Ўз қўли билан кўчирган ва олтин сувида безатилган Қуръон бобосининг қабри устида турарди. Фарзандлари-3 ўғил (3/10). Умри-37 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 327-328 бетлар, 1414-1416 йилларда Мозандарон, Астробод ва Журжон ҳокими. 1416-1420 йилларда Ҳиротда отасига вазирлик мансабида қойим бўлган. 1420 йилда Эрон Озарбайжонига, 1431 йилда Астрободга ҳоким бўлган. Аммо Бойсунғур Мирзо кейинги даврларида касалга чалиниб қолади. Ниҳоят (7 жумодул ул-аввал 837) 1433 йил 20 декабр шанба куни вафот этади.-тарж.

Гавҳаршод мадрасасида дафн этилган. Хаттот, олим, рассом. Араб, турк ва форсийда ижод этган шоир. Машҳад (Хуросоннинг ғарби) ва Астробод волийси: 1414-1420=6 + 1431 -20.12.1433=2=8. Озарбайжон волийси: 1420-1431=11. Бу ерларга умуман келмаган ва вакиллари ёрдамида бу ҳудудларни бошқарган. Ўзи эса Ҳиротда ҳукумат бошқарувида ва Бойсунғур Академиясини бошқариш билан машғул бўлган. Турк санъат тарихининг энг буюк хаттотларидан биридир. Ҳофизи Абрунинг "Зубдат-ут-таворих" асари шу мирзонинг буйруғига кўра ёзилган эди.

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Қаро Йулук Усмонбек Оқ қўюнли. Малика 5.10.1435 йили Арзинжонда турмушга чиққан.[394]

4. Поянда-Султон-Бика бегим[395] (1399?-1447дан кейин). Маликанинг турмуш ўртоғи: Муҳаммад Жаҳонгир мирзо (амакисининг невараси), 11.9.1413 йилда турмушга чиққан[396]. Мирзо билан 20 йил бирга яшаган.

5. Марям-Султон бегим[397](11.6.1441 йилда вафот этган), Гавҳаршод бегим мадрасасида дафн этилган.

6. Суюрғатмиш мирзо (1400?-Кобул, 1427=27?)[398]: Бадахшон волийси 1415-18=3, кейинчалик Кобул, Ғазна ва Қандаҳор (=Афғонистон), Мўлтон (Панжоб) ва Ҳиндистон (Деҳли) волийси: 1418-1427=9.

**Суюрғатмиш мирзонинг ўғиллари[399]:**

[394] İbnü Hacer ,ll 839 vekaayii-муаллиф. Йилмаз Ўзтуна келтириб ўтган бу маълумот мантиқан ҳақиқатга яқин эмас. Чунки, Бойсунғур Мирзо 1433 йилда вафот этиб кетган эди.-тарж.

[395] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 340-341 бетлар.-тарж.

[396] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 88-бет, Муҳаммад Жаҳонгирнинг Шоҳрух мирзонинг бошқа қизи Марямсултон (вафоти 1441 йил)ни ўз никоҳига олганлиги қайд этилган; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 76 – бет, Марям Султон бегим 1441 йил 14 июнда вафот этган .-тарж.

[397] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 88-бет, Шоҳрух мирзонинг жами 6та қизининг исмлари (Марямсултон оқа, Саодатсултон оқа, Кутлуғ Туркон оқа, Поянадасултон оқа, Тоғай Туркон оқа, Қутлуғсултон оқа) эслатиб ўтилган.-тарж.

[398] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Суюрғатмиш Мирзонинг ҳаёт санаси: 1398-1427 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 93-бет, мирзо(1398–11.1426)нинг онаси Мулкат оқа. Кобул ҳукмдори (1418). Фарзандлари-2 ўғил(6/2). Отасининг ўрнига дастлаб Маъсуд, сўнг Қорачар ҳоким этиб тайинланади. Умри-29 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 336-337 бетлар, Шоҳрух Мирзонинг тўртинчи ўғли (Ҳирот, 1398–Кобул, 18.11.1426).-тарж.

[399] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 337-бет, Суюрғатмиш мирзонинг Султон Маъсуд Мирзо ва Қорачар Мирзо исмли ўғиллари эслатиб ўтилсада, мирзоларнинг ҳаёт саналари тўғрисида маълумот берилмаган.; Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Султон Маъсуд Мирзонинг ҳаёт санаси: 1413-1443 йй., Қорачар Мирзонинг ҳаёт санаси: 1414-1439 йй. Деб қайд этиб ўтилган.-тарж.

1.) Масъуд мирзо (1416?-Кобул, 1439=23?): отасининг ўрнига Афғонистон (Кобул, Ғазна ва Қандаҳор) волийси:1427[400]-1439=12. Кейинчалик бу ҳудудлар укаси қўлига ўтган.

2.) Қорачор мирзо (1440 йилдан кейин Кобулда вафот этган.). Акасининг ўрнига Афғонистон (Кобул, Ғазна ва Қандаҳор) волийси: 1439-1440 йилдан сўнгра.

3.) Муҳаммад мирзо[401].

Муҳаммад мирзонинг ўғли: Али Асқар мирзо[402] (1435?-?), 1440 йилларда Кобул, Ғазна, Қандаҳор волийси.

7. Қутбиддин Муҳаммад Жўгий мирзо (27.4.1402-1444=42 )[403]: Ҳиротда Бойсунғур мақбарасида дафн этилган. Қандаҳор, Балх ҳокими :1418-1444=26, кейинчалик бу ҳудудлар тўнғич ўғлига ўтди.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Меҳри Нигор Хоним (Чиғатой маликаси), 1419 йилда турмушга чиққан.

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган хоним-(Олтин Ўрда хонлари наслига мансуб Чингизий маликаси), 1410 йилда унаштирилган, 7.1429 йилда турмушга чиққан.

Мирзонинг учинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган Хотун бинти Қаро Йулук Усмонбек Оқ қўюнли. Бу малика 5.10.1435 йилда Арзинжонда турмушга чиққан.[404]

---

[400] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 337-бет, 2.12.1426 йилдан сўнг.-тарж.

[401] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, асарларда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 357-358 бетлар, Суюрғатмиш Мирзонинг фарзандлари орасида малика Бахт Султондан туғилган Муҳаммад Султон ва малика Саодатдан туғилган Муҳаммад Султон исмли мирзолар учрайди.- тарж.

[402] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, асарда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.; Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Али Асқар Мирзонинг ҳаёт санаси: 1428-1446 йиллар деб қайд этилган ва бу мирзо Суюрғатмиш Мирзонинг ўғли деб кўрсатилган.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 358-бет, Али Асғар Мирзонинг отаси сифатида Суюрғатмишнинг ўғли Султон Маъсуд Мирзо қайд этиб ўтилган.-тарж.

[403] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 93-бет, бу мирзонинг (1403-1445) онаси малика Гавҳаршодбегим. Мўғулистон хони, марҳум Шамъижаҳоннинг қизи Меҳрнигор оқани никоҳига олади (1419). Гармсер (1433), Балх (1443) ҳукмдори. Улуғбек, Бойсунғур билан ҳаммаслак бўлган. Онаси ёқтирмаган. Асаб касали билан вафот этган. Умри -43 йил. Фарзандлари- 3 ўғил (1/2).; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 337-338 бетлар, Асаб касалига мубтало бўлиб, 1445 йилда 43 ёшида вафот этади. Унинг жасадини Ҳиротга келтириб, онаси Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги Бойсунғур мақбарасига дафн қиладилар. -тарж.

[404] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, асарда 2 ва 3 маликалар ҳақида маълумот учрамайди.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 360-бет, Муҳаммад Жўкийнинг маликалари орасида Қаро Усмон бойандорнинг қизи малика Тожилисломхоннинг ҳам номи қайд этилган.-тарж.

**Ўғиллари[405]:**

1.) Абу Бакр мирзо (1422-1448=26). Самарқандда амакиси Улуғбек томонидан қатл эттирилган[406]. Туркий ва форсийда ижод этган шоир. 1444-1448 йилларда Балх, Қундуз ва Ҳутталон волийси бўлган.

2.) Муҳаммад Қосим мирзо (18.11.1427-?)[407]. Муҳаммад Қосим мирзонинг ўғли: Бобур мирзо.

## Бойсунғур мирзо оиласи.

**Султон Шохрухнинг учинчи ўғли Бойсунғур мирзонинг фарзандлари[408]:**

1. Рукниддин Алоудавла мирзо [409] (Ҳирот, 17.6.1417-1461=44): Салтанат валиаҳди: 23.4. 1458-29.6.1458=0,2,3. Отасидан сўнг бобоси Шоҳрухнинг бош вазири: 20.12.1433-12.3.1447=13,2,23. Ҳиротда Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги хонакоҳга дафн этилган. Балх, Бадахшон (Ҳисор), Машҳад (Ғарбий Хуросон) волийси: 12.3.1447-5.1448=1,2. Маълум бир муддат Ҳиротни амакиси Улуғбек номидан идора этди. Ёшлигида маълум муддат Ғарбий Сибирда

[405] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 93-бет, Муҳаммад Жўқининг яна бир ўғли Али (1423-24) ҳақида ҳам маълумот учрайди.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 338-340 бетлар,-тарж.

[406] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Абу Бакр Мирзонинг ҳаёт санаси: 1427-1447 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 94-бет , Абубакр мирзо (1427-1449)нинг онаси Меҳринигор оқа. Ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган. Хутталон, Арханг, Солисаройни бошқаради. Балхни эгаллаб, ҳарбий қудратини мустаҳкамлайди. Улуғбек мирзо куёв қилиш ниятида чорлайди, ғаламислар фитна уюштириб, Кўксаройда қатл этилади. Умри-23 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 339-340 бетлар, Абубакр Мирзо 22 ёшида оламдан ўтади.-тарж.

[407] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 93-94 бет, бу мирзонинг (1422-1448) онаси Меҳрнигор оқа. Укаси Абубакрга қарши курашдаги жангда ҳалок бўлган. Умри- 27 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 338-339 бетлар, Муҳаммад Жўки Мирзонинг катта ўғли (Ҳирот, 1422- 1447 йил охири). Отасининг вафотидан сўнг, унга тегишли бўлган Балх ва унинг атрофларидаги вилоятлар икки ўғлига суюрғол тарзида берилганэди. Жумладан, Балх, Шибирғон, Қундуз ва Бақлон Муҳаммад Қосим Мирзога теккан эди. -тарж.

[408] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 328-бет, Бойсунғур Мирзодан уч ўғил қолади. Тўнғич ўғил-Алоуддавла Мирзо, иккинчиси-Абулқосим Бобур Мирзо, учинчиси-Султон Муҳаммад Мирзо эди.-тарж.

[409] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 91-бет, Алоуддавла(1417-9.1460)нинг онаси Жонмалик оқа. Шоҳруҳнинг вафотидан кейин Ҳирот тахтини эгаллайди. Абдуллатиф бошлиқ Самарқанд қўшинини енгиб (27.4.1447), уни асирга олади. Улуғбекнинг аралашуви билан Абдуллатиф озод этилади. Улуғбек мирзо ва ўғли 90 минг кишилик лашкар билан Алоуддавлага қарши келиб, 1448 йил баҳорида Тарноб мавзесида уни енгишади. Хуросон Абусаид тасарруфига ўтгач, Мўғулистон тарафларда, сўнг Хоразмда яшайди.Касалланиб вафот этади. Ҳиротда дафн этилади. Умри- 44 йил. Фарзандлари-2 ўғил, 1 қиз (2/2).; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 328-331 бетлар, 1446 йилда қариб қолган ҳукмдор Шоҳруҳ Мирзо қўзғолон кўтарган Форс ҳукмдори ўз набираси Султон Муҳаммад Мирзога қарши юриш бошлайди. Алоуддавла Мирзони эса Ҳиротда қолдиради. 1450 йил охирида Абулқосим Бобур Мирзо Хуросонни ўз тасарруфига киритгач, Алоуддавла Мирзо салтанатдан маҳрум бўлади. 1460 йил сентябр ойида 44 ёшида вафот этади. Уни Ҳиротга келтириб, Гавҳаршод бегим мадрасаси қошидаги Бойсунғур мақбарасига дафн этадилар. -тарж.

Тўра Шибан хонларининг ёнида яшади. Мирзо укаси Бобур мирзодан енгилгач, 1450-58 йилларда, Тобольск шаҳрида 8 йил ўзбаклар орасида яшади.

**Фарзандлари[410]:**

1.) Султон Иброҳим мирзо (9.1.1440-1459=19)[411]: Ҳиротда ҳоқон: 23.4.1458 - 29.6.1458=0, 2, 3. Отаси номидан салтанатни бошқарди. Ҳиротда Гавҳаршодбегим мадрасасида дафн этилди.

2.) Руқия–Султон бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Абусаид мирзо[412].

2. Ойша-Султон бегим. Малика 6.1441 йилда вафот этган ва Ҳиротда Боғи Амир Шоҳ Маликда дафн этилган

Маликанинг турмуш ўртоғи: Исми қайд этилмаган бек Арлот. Ўғли: Муҳаммад Қосим Арлот. Мирзонинг ҳарами: Оқбегим бинти Султон Ҳусайн Бойқаро. Бу никоҳдан Қарокўз Биби туғилган. Малика Қарокўз Бибининг турмуш ўртоғи: Носир мирзо ибн Умар Шайх мирзо.

3. Фотима-Султон бегим, Йаздда меъморчилик иншоотлари мажмуини қурдирган.

[410] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Абулхорис Бойсунғур Мирзонинг ҳаёт санаси :1435-1471 йиллар деб қайд этилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 91–бетда, Алоуддавланинг катта ўғли Абулхорис Бойсунғур тўғрисида маълумот бор.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 330-333 бетлар, Ундан икки ўғил ва бир қиз қолади. Қизи Султон бегимни Султон Абусайид Мирзо Хуросонни забт этгач, ўз никоҳига киритади. Султон бегим 1460 йилда ўғил туғади. Исмини Шоҳруҳ Мирзо деб атайдилар. Алоуддавланинг катта ўғли Абул Хорис Бойсунғур Мирзо ва кичиги Муҳаммад Иброҳим Мирзолар эди.-таржж.

[411] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Муҳаммад Иброҳим Мирзонинг ҳаёт санаси: 1440-1459 йиллар деб қайд этиб ўтилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 92-бет, Муҳаммад Иброҳим мирзонинг (1440 -1458 йил, август) онаси Муродсултон. Амакиси Абулқосим Бобурга қарши Хуросон тахти учун курашда асирга тушиб қолади. Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Ихтиёруддин қалъасидан қочиб, қўшин тўплайди, Шоҳ Маҳмудни енгиб, Ҳиротни эгаллайди. Туркмон ҳукмдори Жаҳоншоҳга қарши курашда Абусаид уни алдайди ва енгилади. Асаб касали билан вафот этади. Умри-19.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 331-333 бетлар, 1454 йилда Абулқосим Бобур Мирзо жияни Муҳаммад Иброҳим Мирзони ушлаб Ихтиёруддин қалъасига қамаб қўяди. 1457 йил 25 март сешанба куни Абулқосим Бобур Мирзо Машҳадда вафот этгач, асирликдан қочади. Қўшин тўплаб, вақтинча бўлсада Хуросонни эгаллашга муваффақ бўлади. 1458 йил 17 август (862 йил 6 шаввол) да 19 ёшида вафот этади. Унинг яқин кишилари жасадини Ҳиротга келтириб, Гавҳаршод бегим мадрасаси ёнидаги хонақоҳга дафн қиладилар.-таржж.

[412] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 91-бет, Алоуддавланинг Султон Абусаидга турмушга чиққан қизининг исми Султонбегим эканлиги ва бу никоҳдан Шоҳрух мирзо исмли ўғли бўлганлиги қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 331-бет.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 361-бет, Алоуддавланинг Султон Абу Саъидга турмушга чиққан қизининг исми Руқийабека Султонбегим сифатида берилган.-таржж.

Маликанинг турмуш ўртоғи: Амир Чақмоқ. Амир Чақмоқ мамлуклардан бошпана топган. Йазд волийси бўлган. Ҳирот ва Йаздда меъморчилик иншоотлари мажмуини қурдирган.

4. Султон Абул Қосим Бобур Баходур мирзо[413] (Ҳирот, 7.7.1422-Ҳирот, 22.3.1457=34, 8, 16): Ҳиротда ҳоқон: 1.2.1450-22.3.1457=7, 1, 19. Анча олдиндан Журжон ва Астробод волийси бўлган ва 1451-52 йилларда Форсни бевосита қўшиб олди. Туркий ва форсийда ижод этган. Ўғли: Султон Шоҳ Маҳмуд мирзо (1445–1459=14 )[414]: Ҳиротда отасидан сўнг ҳоқон: 1457 йил ўрталари–19.7.1457=бир неча ҳафта. Ҳирот салтанати валиаҳди: 1.7.1450–1457 йил ўрталари = 7, 6. Мирзо 7.6.1457 йилда Марв яқинидаги жангда амакиваччаси Иброҳим мирзо томонидан мағлубиятга учратилди. Мирзонинг ўғли: Жалолуддин мирзо (1457?-?)[415].

5. Султон Муҳаммад Мирон Шоҳ мирзо (1419-8.1.1452=33)[416]: Бойсунғурнинг иккинчи ўғли ва Бобур мирзонинг акаси. Укаси Бобур тарафидан қатл этилади. Форс, Мозандарон, Ироқи Ажам, Рай, Қазвин: 12.3.1447-1451=4. Бу

---

[413] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 92-бет, Абулқосим Бобурнинг (1422, Ҳирот-1457 йил, март, Машҳад) онаси Гавҳарнасаб оқа Хоразмий. Шоҳрух мирзо вафотидан сўнг Улуғбек, Абдуллатиф ва Бойсунғур мирзонинг ўғли Султон Муҳаммадга қарши тахт учун курашлар олиб борган. Фарзанди - 1 ўғил. Умри-36 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 106-бет, вафоти 22.3.1457 йил, Машҳад. 333-335 бетлар, -тарж

[414] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Шоҳмаҳмуд Мирзонинг ҳаёт санаси: 1446-1458 йиллар деб қайд этиб ўтилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 93-бет, мирзо (1446-1459) отаси вафотидан сўнг Машҳадда шоҳ деб эълон қилинади. Ҳирот сари юришда Муҳаммад Иброҳимдан енгилади. Қобул ҳукмдори амир Бобога қарши жангда ҳалок бўлган. Умри-14 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 106-бетга қаранг. 335-336 бетлар, Шоҳ Маҳмуд Мирзо 1457 йил 21 апрелда (861 йил 26 жумод ул-аввал) Боғи Мухторга тушиб, бир неча кундан сўнг Боғи Зоғонга киради. 16 майда (21 жумод ул-охир) Ҳирот доруссалтанасига кириб, тахтга ўтиради. Тахтни қўлдан чиқаргач, Машҳадга қочади. У ерда бир неча кун истироҳат қилгач, Мозандарон вилоятига қараб юради. Туркман ҳукмдори Жаҳоншоҳдан енгилгач, Сейистон қочиб боради. Сейистон ҳукмдори амир Халил Ҳиндука шаҳзодани яхши кутиб олади ва Кобул ҳукмдори амир Бобога қарши урушга олиб кетади. Шу аснода камондан отилган ногаҳоний ўқ Шоҳ Маҳмуд Мирзога тегиб, ўша ернинг ўзида ҳалок бўлади. Бу воқеа 1459 йилнинг охирида содир бўлади. Шоҳ Маҳмуд Мирзо 14 ёшида оламдан ўтади.-тарж.

[415] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й.,ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995,; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, асарларда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.;-тарж.

[416] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Султон Муҳаммад Мирзонинг ҳаёт санаси: 1418-1450 йиллар деб қайд этилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 92-бет, бу мирзонинг исми Султон Муҳаммад (1418-1451 йил, Ҳирот) сифатида берилади. Онаси Хандон оқа. Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятлари ҳукмдори Султон Муҳаммад бобоси Шоҳрухга қарши қўшин тортади, Исфаҳонни босиб олади. Шерозни қамал қилади (1446). Исённи бостириб қайтаётганида Шоҳрух мирзо бетобланиб, вафот этади. Хуросонга ҳужум қилиб (1449), укаси Абулқосим Бобур билан тўқнашади. У ўн уч йиллик ҳукмронлиги даврида укаси билан уч марта тўқнашади ва охири қатл этилади. Умри-34 йил. Фарзандлари-2 ўғил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 333-бет, (1418 йил, Ҳирот-1451 йил, охири/340-бет). 1442 йилда Султон Муҳаммад Мирзо учун Эроннинг Султония, Қазвин, Рай ва Қум вилоятларидан иборат янги давлат ташкил қилинади. -тарж.

ҳудудлар бобоси Шоҳрухдан унинг ихтиёрига ўтди, 1443 йилдан бери бобосининг фармонига кўра бу ўлкаларда маликлик қилди, оқибатда укаси Бобур тортиб олиб қўйди.

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган малика бинти Султон Жаҳоншох Қора қўюнли. Маликанинг турмушга чиққан вақти 1447 йилга тўғри келади.[417].

**Мирзонинг ўғиллари[418]:**

1.) Абусаид мирзо (1450?-?). Абусаид мирзонинг ўғли: Шоҳрух Султон мирзо. Бу мирзо 30.7.1493 йилда вафот этган[419].

2.) Султон Абул Музаффар Ёдгори Муҳаммад мирзо (1452–22.8.1470-=18)[420]. Ҳирот ҳоқони : 7.2.1469–9.1469=0, 7 + 5.7.1470–22.8.1470=0, 1, 18=0, 8, 18.

Бу мирзо отасининг вафотидан сўнг туғилган. Ҳиротда ҳукмдор саройига уюштирилган тунги босқин чоғида Ҳусайн Бойқаро мулозимлари томонидан ўз ётоғида ўлдирилган. Ҳусайн Бойқаро билан икки маротаба тахт даъвогари бўлдилар. Ҳусайн Бойқаронинг илк ҳукмдорлиги даврида Мовароуннаҳр–Хоразм юришига чиққан вақтида, Ҳиротда иккинчи марта ҳоқон деб эълон қилинди. Ёдгори Муҳаммад мирзо Поянда Султон бегим томонидан тарбияланган. 9.1469 йилда Чинорон жангида (Машҳаднинг шимолий–шарқида) Ҳусайн Бойқародан енгилиб, истеъфога чиқди. 1470 йил баҳорида тахтни такрор қўлга киритиш учун юриш қилади ва Сабзавор яқинидаги Панждеҳ жангида яна муваффақиятсизликка учрайди.

---

[417] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000.; Ҳаким Satторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарларда бу малика ҳақида маълумот учрамайди.-тарж.

[418] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 92-бетда, Йилмаз Ўзтунадан фарқли ўларок, Саъд Ваққос(1437-1452) мирзо ҳақида маълумот берилади.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 333 бет, Ундан икки ўғил- Саъд Ваққос Мирзо ва Муҳаммад Ёдгор Мирзо қолади.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 333-бет, Ундан икки ўғил-Саъд Ваққос Мирзо ва Муҳаммад Ёдгор Мирзо қолади. Саъд Ваққос Мирзо 1437 йилда туғилиб, 1452 йилда вафот этган.; Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й, 227-бет, Саъд Ваққос Мирзонинг ҳаёт санаси: 1437-1467 йиллар деб қайд этиб ўтилган. -тарж.

[419] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й., ва Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, асарларда Абусаид Мирзо ва унинг ўғли Шоҳруҳ Султон Мирзолар ҳақида маълумот учрамайди. Йилмаз Ўзтуна бу ҳолатда чалкашликка йўл қўйган ва Алоуддавланинг қизи Руқиябекани ўз никоҳига олган Мироншоҳнинг набираси Султон Абу Саъид Мирзо ва унинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо билан адаштирган.-тарж.

[420] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 94-бет, Ёдгор Муҳаммаднинг(1451-1470 йил) онаси Тундибека. Аммаси Пояндасултонбегим тарбиясида ўсади. Туркмон ҳукмдори амир Ҳасанбек кўмагида Астробод, сўнгра Ҳиротни эгаллайди. Султон Ҳусайннинг фармони билан қатл этилади. У Шоҳрух мирзо авлодидан ҳукмронлик қилганларнинг сўнгги вакили эди. Умри-20 йил. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 115-116 бетлар, 21.8.1470 йилда қатл этилади.; 340-342 бетлар, -тарж

**Мирзонинг ўғиллари:**[421]

1.) Муҳаммад Бакир мирзо: Ҳиротда валиаҳд: 7.2.1469–9. 1469=0, 7 + 5.7.1470–22.8.1470=0, 1, 18=0, 8, 18. 11.8.1473 йили Оқ қўюнлилар томонидан туриб Отлукбели жангида иштирок этганида икки укаси билан биргаликда (Зайнал ва Музаффар мирзолар), Фотиҳ Султон Меҳмедга асир тушдилар ва Истанбулга олиб кетилдилар. Темурнинг бешинчи авлодига мансуб бу уч набираси Истанбулда яшаб вафот этдилар. Бу мирзолар Отлукбели жанги даврида кичик ёшдаги болалар эди.

2.) Зайнал мирзо: акаси Бакир ва укаси Музаффар мирзолар билан биргаликда 1473 йил Истанбулга олиб келинди. Шу ерда умрининг охиригача яшади.

3.) Музаффар мирзо.

4.) Ёдгор мирзо (1470?- ?)[422] Мирзонинг ҳарами: Фотима Султон бегим бинти Султон Ҳусайн Бойқаро. Бу малика 1504? Йилда вафот этган. Бу мирзо отаси вафотидан сўнг туғилган. Отасиниг рақиби Ҳусайн Бойқарога куёв бўлиб унинг ҳимоясига кирди. Шоҳрух хонадони эркак тарафидан шу билан ниҳоясига етган.

## Султон Улуғбек

Султон Алоуддавла Муҳаммад Тарағай "Улуғбек" Гуркан мирзо Ҳоқони Муъаззам (Султония/Озарбайжон 22.3.1394-Самарқанд, 25.11.1449[423]=55, 8, 3) Самарқанд ва Ҳирот ҳоқони (отаси Шоҳрухдан сўнг) 12.3.1447-25.11.1449=2, 8, 13. Бобоси Темурнинг бош хотини ва ўгай момоси малика Сароймулкхоним томонидан тарбиялаган. Оталиқи: дастлаб Амир Шоҳмалик. Бу мирзо 1409-11 йиллар орасида Самарқандда шу амирнинг назорати остида волийлик қилди. Кейинчалик, Шоҳмалик Хоразмга волий этиб тайинланди. Амир Шоҳмалик Самарқандда мадраса, Ҳиротда Жомеъ масжид, истироҳат боғи, Қавсияда

[421] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, каби асарларда Ёдгор Муҳаммаднинг авлодлари тўғрисида маълумот учрамайди. 94-бетда у Шоҳрух мирзо авлодидан ҳукмронлик қилганларнинг сўнгги вакили эди дейилган. Йилмаз Ўзтунада чалкашлик бор, чунки муаллиф Муҳаммад Бакир, Зайнал, Музаффар мирзоларни Мироншоҳ мирзонинг 7-ўғли Сайди Аҳмад мирзонинг ўғиллари сифатида ҳам берилган.-тарж.

[422] Йилмаз Ўзтунада бу мирзо ҳақида чалкашлик бор, чунки Ҳаким Сатторийнинг Олтин силсила. Т., 2006 й., асарининг 63-бетида Султон Ҳусайн Бойқаронинг қизи Фотимасултонбегим Мироншоҳ наслидан Ёдгор мирзога (Сайди Аҳмаднинг набирасига) узатилган дейилган.-тарж.

[423] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 311-бет, Тарихчи Мирхонднинг ёзишича, бу фожиали ҳалокат 853 йил 8 рамазонда (25.10.1449) содир бўлган. Аммо Улуғбек Мирзонинг қабр тошига ёзилган лавҳада "853 йил рамазон" битилган.-таржж.

работ қурдирди. Амир Шоҳмалик Машҳадда ўзи бунёд эттирган мақбарада дафн этилган. Улуғбек мирзо валиаҳд ва маркази Самарқанд ҳисобланган Мовароуннаҳр малики:[424] 13.5.1409-12.3.1447=37, 10, 0. Ҳирот тахти учун валиаҳдлиги 18.2.1405 йилдан бошланган=42, 0, 22. У Самарқандда ўғли уюштирган суиқасд натижасида ўлдирилди. Самарқандда Гўри Амир хилхонасида дафн этилган.

Улуғбек дунёнинг буюк астроном ва математик олими, асарлари хориж тилларига кўп марта таржима қилинган муаллифлардан биридир.[425] Самарқандда унинг номи билан аталадиган расадхона илм оламида машҳурдир.

**Улуғбекнинг маликалари[426]:**

1. Оқо бегим бинти Султон Муҳаммад мирзо (1395?-1419=24?), отасининг амакиваччаси. Амир Темурнинг ҳузурида бошқа 5 мирзо билан бир вақтда10.10.1404 йили унаштирилган. Малика 1411 йилда турмушга чиққан. 8 йил бирга ҳаёт кечиришган, Хонзода бегимнинг онаси[427].

---

[424] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 45 – бет, Амир Темур бу набирасига 1404 йилда Тошкент, Сайрам, Авлиёота, Ашпарадан то Хитой чегарасигача бўлган ҳудудларни тортиқ қилган.; – таржж.

[425] G. Marr, Zidj d Ouloug Bey ( Zic- i Cedid – i Sultani, trad.de Vakhtang avec glossaire persano – georgien, Leningrad, 1926. Асар асли форсийда ёзилган, фақат Улуғбек даврида арабча ва туркийча нусхалари ҳам қаламга олинган. Лотинча таржимаси ва нашри: Thomas Hyde, Tabulae Ulug Beighi, Oxford, 1665. Бошқа лотинча таржимаси: Sharpe, Oxford, 1767. Форсча матн ва французча таржима: A. Sedillot, 3c., Paris, 1847, 1853, 1879. Инглизча таржима: Edward Ball Knobel, Catalogue of Stars, Washington, 1917. XVII асрда Graevius (Graeves) таржимаси ҳам бор. Улуғбекнинг яна бошқа бир асари ҳам бор: Ulus-ı Erbaa –iÇingizi ( Tarih-ı Erbaa-i Ulus=Şeceretül–Etrak) (F.), инглизча таржимаси: Miles, London,-1838- Йилмаз Ўзтуна.

[426] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарининг 89-бетида Улуғбек мирзонинг ҳарамида 5 малика ва 6 канизак(16) бўлганлиги қайд этилган. Баъзи бир маликаларга батафсил маълумотлар берилган: "Оқабегим- Муҳаммад Султоннинг(1.1)нинг қизи (1395-1449йй.). 1404 йил уйланган. Ҳабибасултон исмли қиз (4.1.А) туққан. Оқсултонхоника–Маҳмудхоннинг қизи. Севимли малика эди, лекин талоқ қилади. Ҳуснигорхоника- Халил Султон (3.3)нинг қизи."-таржж

[427] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асари, 89-бетда малика Оқабегим (1395-1449 йиллар) Ҳабиба- султон исмли қиз туққанлиги айтиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 302 бет, Оға беги никоҳлари 1404 йилнинг кузида бўлган, 312 –бетда, Хондамирнинг маълумотига кўра, Улуғбек Мирзонинг беш хотини бўлиб, улардан фақат учтасининг номи кўрсатилган холос. Биринчи хотини-Ўги Беги –Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон Мирзонинг қизи бўлиб, 1395 йилда туғилган. Ўги Беги 1412 йилда қиз туғади. Унинг номини Ҳабиба Султон қўядилар. 1419 йилда 3 февралда (822 йил 7 муҳаррам) Самарқандда касалланиб 25 ёшда вафот этади. Ўги Бегини Муҳаммад Султон Мирзо қурдирган мадрасага-отаси ёнига дафн қиладилар. -таржж.

2. Оқ-Султон Хоника Хоним бинти Султон Маҳмудхон Чиғатой, 1415? йилда турмушга чиққан[428].

3. Исми қайд этилмаган бегим бинти Умар Шайх мирзо (1394?-143х=4х), амакиваччаси. Иккинчи марта 1416 йилда турмушга чиққан[429].

4. Ҳусни Нигор Хоника бегим бинти Султон Халил Мирзо (1402?-?), отасининг амакиваччаси, 1417? йилда турмушга чиққан[430].

5. Руқия- Султон Оғо ( Оқбош ва Султон Бахт бегимларнинг онаси)[431].

6. Давлат-Бахт Саодат Оғо бинти Баён Кўкалтош (Қутлуғ-Туркон Оғабегимнинг онаси)[432].

7. Исми қайд этилмаган хоним бинти Чиғрекхон (Олтин Ўрда)

8. Исми қайд этилмаган хоним бинти Абулхайрхон (Тўра Шибан хони).

**Улуғбекнинг қизлари[433]:**

1. Ўги Тўғонбегим.

2. Исми қайд этилмаган бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Шодибек ибн Қулмуҳаммадбек

3. Туға-Туркон бегим: ёшлигида вафот этган.

---

[428] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 89-бетда севимли малика эди, лекин талоқ қилинди деб айтиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 312-313 бетлар, Оқ Султон Хон Оғо Султон Маҳмудхоннинг қизи бўлиб, Мирзо уни талоқ қилган. -тарж.

[429] Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий.: Т., 2010 й., 125-бет, "Ўша кунлари темурийлар юртидан Аҳмад мирзо деган одам Шоҳрух мирзо уйидан қочиб келган эди. Улар Андижонга келишгач, Мирзо Улуғбек одам юбориб, Аҳмад мирзони ўлдиради ва синглисига ўзи уйланади, амир Саид Алини Самарқандда қамоққа олади." Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг маълумотларига қараганда, Андижондан Мўғулистонга келган Аҳмад Мирзо, Шоҳрух Мирзо томонидан 1409 йилда Фарғонага ҳоким этиб тайинганган Умаршайх мирзонинг ўғли Аҳмад мирзога ўхшайди. Аммо, Аҳмад мирзо асар муаллифи таъкидлагандек, Мирзо Улуғбек томонидан қатл этилмаган. Аҳмад Мирзо 1416 йилда Қашқардан Ҳиротга келиб ичкиликка рўжу қўйган. Шоҳрух мирзо фармонига кўра Каъбатулло зиёратига юборилган. Табиийки, у Каъбатуллодан қайтиб келмаган ва 1425 йилда вафот этган. Қаранг: Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Т.: 1994, 16-17 бетлар.-тарж.

[430] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет, Мирзонинг учинчи хотини Ҳусн Нигор Хон Оғо бўлиб, Халил Султоннинг қизидир. Академик В.В.Бартольднинг эслатмасига кўра, бу малика мўғул хонларидан Шоҳ Жаҳоннинг қизи бўлган.-тарж.

[431] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 89-бетда Абдуллатифнинг онаси Руқия хотун эканлиги айтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет, Булардан ташқари Улуғбек Мирзо қўл остидаги хос канизларидан олтитасини ўз никоҳига киритган. Чунончи, Руқия Султон Хотун исмли канизакдан икки қиз- Оқ Бош ва Султон Бахт туғилган эдилар.-тарж.

[432] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет, Мирзонинг иккинчи канизаги Меҳр Султон, учинчиси Давлат Бахт Саодат бўлиб, Улуғбек Мирзонинг бу канизакдан Қутлуғ Туркон Оғо исмли қизи бор эди. Тўртинчиси Хонд-Саъиднинг қизи –Давлат Султон, бешинчиси Бахт исмли ва олтинчиси Шайх Муҳаммад барлоснинг қизи Давлат Бахт эди.-тарж.

[433] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 89-бетда Улуғбек мирзонинг Ҳабибасултонбегим, Ўтабегим (Оқабегим), Робиясултонбегим ва исми эслатиб ўтилмаган Абдулло мирзога турмушга чиққан 4 қизи ҳақида эслатиб ўтилган.-тарж.

4. Ҳабиба (ёки: Ҳасиба) бегим-19.8.1412 йили Ҳиротда туғилган[434].

5. Қутлуғ-Туркон Оғо бегим.

6. Оқбош бегим.

7. Хонзодабегим.

8. Султон-Бахт бегим [435].

Бу охирги тўрт бегимлардан бири Султон Абу Саид мирзо[436], бошқаси амакиваччаси Султон Абдуллоҳ мирзо билан оила турмуш қурган. Қайсилари эканлиги ҳозирча қайд этилмаган.

9. Робия Султон бегим (1436?-1485=49?), Яссада (Туркистон) Аҳмад Яссавий мақбарасида дафн этилган[437]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Абулхайр Кўчкинчихон (1412–1468=56, Ўзбак хони) билан 25?.5.1451 йилда турмуш қурган. Никоҳ муддати 17 йил.

Фарзандлари: Кўчкинчихон (1529 йилда вафот этган) ва Суюнчихон.

**Улуғбекнинг ўғиллари:**[438]

1. Абдуллоҳ мирзо–7.1420-1435?=15?[439].

2. Абду Раҳмон мирзо–13.1.1421–15.1.1431=11, 0, 3[440].

---

[434] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет, Улуғбек Мирзонинг биринчи хотини Ўги Беги 1412 йилда қиз туғади. Шоҳрух саройидаги тартибга мувофиқ ҳомиладор маликани ой-куни яқинлашгач, Самарқанддан Ҳиротга олиб келадилар. 1412 йил 18 августда Ўги Беги ҳомиладан бўшайди. Туғилган қизга Ҳабиба Султон деб исм қўядилар. Шунингдек, Ўги Беги хон авлодига мансуб бўлгани туфайли қизига "Хонзода бегим" унвонини берадилар. Ҳабиба Султон Ҳиротда Гавҳаршод бегим мураббиялигида тарбияланади. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, малика икки ёшлигида вафот қилган. Агар Хондамирнинг сўзига амал қилинса, у ҳолда Ўги Бегидан туғилган иккинчи қизга ҳам айнан Ҳабиба Султон номини бериб, Хонзода бегим деб атаганлар. Бундай хулосага сабаб, Фасиҳ ал-Хавофийнинг ёзишича, 1438 йилда Улуғбек Мирзо қизи Ҳабиба Султонни Ҳиротдан Самарқандга юборишларини талаб қилган. Шунга кўра, Ҳабиба Султон ўша йили Самарқандга келган ва 1439 йил апрел ойида яна Ҳиротга қайтиб кетган.-таржж.

[435] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет-таржж.

[436] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 89-бетда Абусаидга турмушга чиққан маликанинг исми Ўтабегим (Оқабегим) деб қайд этилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 314-бет, Хондамирнинг ёзишича, Улуғбек Мирзонинг етти қизи бўлган. Булардан бири Туға Туркон ёшлигида вафот этган. Иккинчиси Оға Тўғон Шоҳдир. Аммо негадир Робия Султон бегим ҳақида ҳеч нима демайди.-таржж.

[437] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й асарда маликанинг марқади Йилмаз Ўзтуна таъкид-лаганидек, Аҳмад Яссавий мақбарасида эмас, қаршисида дафн этилганлиги ва баланд гумбаз кўтарилганлиги айтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-314 бетлар, -таржж.

[438] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 89-бетда Улуғбек мирзонинг Ибодулло (1412-1417 йиллар) исмли ўғли ҳақида маълумот учрайди.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 314-бет, -таржж.

[439] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 89-бетда мирзонинг вафот этган санаси 1433 йил дейилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 314-бет, Иккинчи ўғли Абдулло Мирзо (1420-1433) 14 ёшида вафот этган.-таржж.

3. Абдул Азиз мирзо – 1427? - 28.11.1449 = 22?[441]: акаси томонидан ўлдирилди.

Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган малика бинти Увайсхон Чиғатой, 1432?йилда унаштирилган, 1442? йилда турмушга чиққан[442].

4. Султон Рукниддин Абдул Латиф мирзо (Самарқанд, 1425?–Самарқанд, 8.5.1450 =25?)[443]: У Самарқанд ва Ҳирот ҳоқони бўлган. Отасининг вориси: 25.11.1449 – 8.5.1450=0, 4, 13. Қатл этилган. Самарқанд ва Ҳирот тахти учун салтанат валиаҳди: 12.3.1447–25.11.1449=2, 8, 13. 1448–9 йилларда Балх волийси. Малика Гавҳаршод бегим (отасининг онаси) томонидан тарбияланган.

**Ўғиллари:**[444]

---

[440] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 89-бетда мирзонинг вафот этган санаси 1432 йил дейилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 314-бет, Учинчи ўғли Абдураҳмон Мирзо эса 1421 йилда туғилган. Тарихчи Мирхонднинг ёзишича, 1425 йилда мазкур Абдураҳмон Мирзо ўз отаси билан Мўғулистон юришидан қайтиб келаётган чоғида учрашган. Аммо бу шаҳзода ҳам ёшлигида-1432 йилда 12 ёшида Самарқандда вафот этган.-тарж.

[441] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 90-бетда мирзонинг ҳаёт санаси 1430-1449 йиллар деб қайд этилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 318-325 бетлар, Абдулазиз Мирзо (Самарқанд, 1430 - Самарқанд, 27.10.1449 йил -тарж.

[442] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 90-бетда мирзо Юнусхоннинг синглисига уйланган бўлиши мумкин дейилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 325-бет, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва “Тарихи Рашидий”нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдарларнинг ёзишларича, бу мирзонинг ёшлигидаёқ Юнусхоннинг(кейинчалик Тошкент хони) синглисини бешик кетти қилиб қўйилган экан. Бинобарин, Абдуллазиз Мирзо 1434 йилдан бошлаб “хон” унвонига эга эди.-тарж.

[443] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 90-бетда мирзонинг ҳаёт санаси 1428-9.5.1450 йиллар деб қайд этилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 314-324 бетлар. Абдуллатиф Мирзонинг ҳаёт санаси 1428- 9.5.1450 йил (ҳижрий йил рабби ул-аввал ойининг 26 си)-тарж.

[444] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 90-бетда Йилмаз Ўзтунадан фарқли ўлароқ, Абдуллатифнинг яна 3 ўғли: Абдураззоқ, Маҳмуд, Муҳаммад Боқиларнинг номлари эслатиб ўтилади ва Муҳаммад Боқидан ташқари 4 ўғли Абусаид қўлида ўлим топишлари айтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 322-324 бетлар, “Тарихи Касира”да зикр қилинишича, Абдуллатиф Мирзонинг беш ўғли бўлиб, тўнғичи Абдураззоқ Мирзо, иккинчиси Аҳмад Мирзо, учинчиси Маҳмуд Мирзо, тўртинчиси Муҳаммад Жўки Мирзо ва бешинчиси Муҳаммад Боқи Мирзо эди. Мазкур шаҳзодаларнинг оналари ҳақида маълумот йўқ. Ҳар ҳолда Абдуллатиф Мирзонинг ҳарамида бир эмас, бир неча хотинлари бўлган бўлиши керак. Абдуллатиф Мирзо қатлидан сўнг, унинг фарзандларини Ҳиротга-Гавҳаршод бегим ҳузурига жўнатган эдилар. Шаҳзодалар аввал бувилари тарбиясида, кейинчалик Ҳирот ҳукмдори Абулқосим Бобур Мирзо саройида мулозиматда эдилар. 1457 йилда Абулқосим Бобур Мирзо вафот этгач, Султон Абусайид Мирзо Хуросон тахтини ҳам ўз тасарруфига киритади. Бинобарин, Султон Абусайид Мирзо Шоҳруҳ авлодининг Моварауннаҳр ва Хуросон тахтига бўлган даъволаридан батамом халос бўлиш мақсадида бир неча шаҳзодаларни, жумладан Абдуллатиф Мирзонинг тўнғич ўғли 17 ёшли Абдураззоқ Мирзога заҳар бериб ўлдиради. Шундан сўнг Аҳмад Мирзо Балхда қўзғолон кўтаради. Қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилиб, 16 ёшли Аҳмад Мирзо қатл қилинади. Абдуллатиф Мирзонинг учинчи ўғли Маҳмуд Мирзо эса укаси Муҳаммад Жўки Мирзо билан биргаликда кўп йиллар давомида Султон Абусайид Мирзога қарши курашади. Ниҳоят, 1463 йилда Маҳмуд Мирзо қўлга олиниб қатл қилинади. Абдуллатиф Мирзонинг бешинчи ўғли Муҳаммад Боқи Мирзо ёш болалик давридаёқ вафот этган эди. -тарж.

1.) Султон Аҳмад мирзо (Самарқанд, 1441?–Балх атрофида, 4.10.1457 = 16?): Самарқанд ва Ҳирот салтанати тахтлари учун валиаҳд: 25.11.1449–8.5.1450=0, 4, 13. Қатл этилган, Ҳиротда Гавҳаршод бегим мадрасасида дафн этилган[445]. Ўғли: Низомиддин мирзо (1455?–3.10.1457=2?)[446].

2.) Муҳаммад Жўгий (Жуки) мирзо (1444?–1464=20?)[447]: Ҳирот зиндонида вафот этган, Гавҳаршод бегим мадрасасида дафн этилган. Шоҳрухия = Тошкент, Фарғона, Сайрам волийси: 1?1461- 9.1463 =2, 8?.

## V. Мирон Шоҳ мирзо авлодлари.

### Мирон Шоҳ Мирзо (1366-1408).

Жалолуддин Мирон Шоҳ (Кеш, 1366-Табриз, 21.4.1408=42)[448]: Буюк Темурнинг 3-чи ўғли. Темурийлардан энг узоқ умр кўрган авлод. Укаси Шоҳрухдан олдин Хуросон (Ҳирот) волийси: 1380-1397=17. Озарбайжон, Арманистон, Доғистон, Курдистон, Ҳамса, Ироқ волийси (маркази Табриз): 1393-21.4.1408=15. 1405-8 йиллар орасидаги давр ичида 760.000 км$^2$ лик бу охирги ўлкасида малик лавозимини эгаллаган ва мустақил шаклда бошқарган. Бу даврда ўғли Халил мирзо Самарқандда ҳоқон эди ва у ўғлининг валиаҳди ҳисобланарди: 18.2.1405-21.4.1408=3, 2, 1. Анқара жангида (1402) ўнг қанот қўмондони эди (марказда Темур, чап қанотда Шоҳрух). 1395 йилда Черкас юришида сардор эди. 15.4.1395 йилда Тўхтамишхон билан бўлган жангда отдан йиқилиб тушиб қўли синди. 11.1393 йил Восит-Басра юришда ҳам сардорлик қилди. Қорақуюнли Қаро Юсуфбек билан бўлган Сардруд мавзесидаги жангда ҳалок бўлди. Дастлаб шаҳзода ҳоки Сурҳоб туманида

[445] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 227-бет, Аҳмад Мирзонинг ҳаёт санаси: 1447-1457 йиллар деб қайд этиб ўтилган.-тарж.

[446] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, каби асарларда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.-тарж.

[447] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 227-бет, Муҳаммад Жўки Мирзонинг ҳаёт санаси: 1449-1464 йиллар деб қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 322-324 бетлар, Муҳаммад Жўки Мирзо тўртинчи ўғил бўлиб, 1447 йилда Ҳиротда туғилган эди. Отаси қатлидан сўнг у ҳам Ҳиротда –Абулқосим Бобур саройида тарбия топиб, 1457 йилда эса Шоҳрухия, Ахсикент, Тошкент ва Сайрам вилоятларини бошқариш учун юборилган эди. 1461 йилда мирзо Султон Абусайид Мирзога қарши бош кўтаради. Султон Абусайид Мирзо қўзғолон раҳбари Муҳаммад Жўки Мирзони 1464 йил январида қўлга тушириб, Ихтиёруддин қалъасининг зиндонига ташлаттиради. Муҳаммад Жўки ўша йили зиндонда вафот этади.-тарж.

[448] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 63-бет, Мирзо(1366, Мовароуннаҳр-1408, Озарбайжон (Сардруд мавзеси). 14 ёшида Хуросон ҳукмдори, Хулогу давлати ҳудудлари подшоси (1393). Фарзандлари-6 нафар ўғил ва бир неча қиз (12/6) қолган. Умри-43 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 170-бет, Мироншоҳдан олти ўғил ва бир қиз қолган. Энг катта ўғли Абубакр Мирзо, иккинчиси Умар Мирзо, учинчиси Халил Султон Мирзо, тўртинчиси Суюрғатмиш Мирзо, бешинчиси Ийжал Мирзо ва олтинчиси Султон Муҳаммад Мирзо.-тарж.

кўмилган, ундан Кешга кўчирилган, кейин эса Самарқандда хонадон хилхонасида дафн этилди[449]. 1391 йилги Олтин Ўрда юришида ҳам қатнашган.[450]

**Маликалари[451]:**

1. Суюн Бегим "Хонзода"Хоним (1360?-?)[452]. Акаси Жаҳонгирнинг беваси, 6 йилдан сўнг, 1381[453] йилда қайнукасига турмушга чиқди. Султон Халилнинг онаси. 1399[454] йилда Самарқандга қайнотаси Темур ҳузурига келгач, турмуш ўртоғи Мирон Шоҳ ҳузурига қайтиб бормади. Шу тарзда турмушлари 18 йил давом этди. Ўғли ҳоқон бўлгач, у билан Самарқандда яшади. Темурнинг тахт ворири бўлган Султон Халил ва Темурнинг валиаҳдлари бўлган амакисининг ўғиллари Султон Муҳаммад ва Пир Муҳаммад мирзоларнинг она бир ўгай укаси бўлганлиги диққатга сазовордир. Суюн Бегимнинг онаси Олтин Ўрда ҳоқони машҳур Ўзбекхоннинг қизи бўлганлиги туфайли Султон Халил ҳам Ўзбекхоннинг чевараси ҳисобланади.

2. Ўринсултонхоника ибн Суюрғатмишхон ибн Донишмандчахон ибн Қайдухон ибн Нур Қошихон ибн Ўгадайхон ибн Чингиз. Қутлуғ-Султон бегимнинг онаси.

**Мирон Шоҳнинг қизлари[455]:**

1. Қутлуғ-Султон бегим (1382? -?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Амир Султон Ҳусайн. Бу никоҳдан туғилган Феруза биби, Султон Ҳусайн Бойқаронинг онасининг онасидир. Шундай қилиб, Умар Шайхлар авлодига мансуб

[449] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 170-бет, Кейинчалик, кимнингдур ташаббуси билан Мироншоҳнинг ҳоки Шаҳрисабздан Самарқандга келтирилиб, Гўри Амирда–Темурнинг ёнига дафн этдирилади. М.Е. Массон, ҳар ҳолда Мироншоҳнинг ҳоки Шаҳрисабздан Самарқандга келтирилиб, Гўри Амирга дафн қилиниши Султон Абусайид Мирзонинг ҳукмронлик даврида амалга ошган бўлса керак, деб тахмин қилади.-тарж.

[450] Bir mektubu Arşiv Kıl.,140a-муаллиф.

[451] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асар, 63-бетда Мироншоҳ ҳарамидаги маликалар сони 10 нафар дейилган ва Йилмаз Ўзтунада исмлари келтирилган 2 маликадан ташқари, яна Давлатқолди-Поянда Султон қизининг исми айтиб ўтилган.- тарж.

[452] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 69-70 бетлар, Хонзода (Севин Бека) бегим Хоразм ҳукмдори Ҳусайн Сўфининг қизи бўлиб, 1411 йил 3 ноябрда Тусда вафот этади.-тарж.

[453] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 70-бет, никоҳ вақти 1383 йил, 165-бетда эса, никоҳ вақти 1382 йил.-тарж.

[454] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 168-бет.-тарж.

[455] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 64 –бет, Мироншоҳ мирзонинг яна 4 қизининг исмлари : Фотимасултонбегим, Султонсаодат, Робиясултон ва акаси Умаршайхнинг ўғли Искандарга узатилган Бекасултонбегимнинг исмлари эслатиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-бет, Тарихий маълумотларга қараганда, Мироншоҳнинг қизларидан бирини Темур ниҳоятда яхши кўрган ва ўз саройида тарбиялаган. 1397 йилда мазкур набирасига атаб Самарқандда Боғи Шамолни қурдирган. Темур ушбу набирасини ўзи бош бўлиб, турмушга чиқарган.-тарж.

бўлган Ҳусайн Бойқаро, она тарафидан Мирон Шоҳнинг ҳам қизи томонидан чевараси ҳисобланади.

2. Исми қайд этилмаган бегим. Маликанинг ҳарами: Саъд Ваққос мирзо ибн Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо ибн Темур. (1418 йилда вафот этган.)[456].

**Мирон Шоҳнинг ўғиллари:**

1. Абу Бакр мирзо (1382?-Табриз, 21.4.1408=26?)[457]1402 йилдаги Анқара жангида отаси бошчилик қилган ўнг қанотда туман бошлиғи. Отаси номидан 18.2.1405-21.4.1408=3, 2, 1 йилда Ироқи Ажам ва Ироқи Арабда волийлик қилган. Қора қўюнлилар билан бўлган жангда отаси иккаласи жанг майдонида ҳалок бўлди. Шоир, 4.1405 йилда укаси Умар мирзо томонидан Табриздан 75 км ғарбида жойлашган Вийан водийсида асирга олинди, 14.7.1405 йилда 3 ой сўнгра укасининг қўлидан қочиб отасининг олдига қайтди.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Исми қайд этилмаган Хотун бинти Малик Исо (Мардин Артук ўғли), 12.1402 йилда турмуш қурган, 4.1405 йилда талоқ қўйилган. Малика Мардинга отасининг ёнига қайтган.

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган Султон бинти Султон Йилдирим Боязид. Маликанинг онаси: малика Оливера Деспина. Малика 1.1403 йилда турмушга чиққан. Темур-Усмон Чалабий мирзонинг онаси[458].

**Фарзандлари[459]:**

1.) Илангир мирзо-1414-1415 йилларда Рай волийси, кейинчалик бу ҳудуд амакиси Ийжал мирзо ихтиёрига ўтди[460]. Ўғли:Абдулбоқи мирзо. Абдулбоқи

---

[456] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 64-бет, Йилмаз Ўзтунадан фарқли ўларoқ, маликанинг исми Ражабсултонбегим эканлиги ва турмуш ўртоғи Саъд Ваққосдан сўнг унинг укаси Санжарга узатилганлиги айтиб ўтилган.-тарж.

[457] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 64-бет, бу мирзонинг (1382-1417) онаси мўғул маликаси Ўринсултон- хоника. 1399 йилда отаси ўрнида ҳоким қилиб тайинланади, бироқ рад этади. (Фарзандлари-5/7). Умри- 36 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 170-171 бетлар, -тарж.

[458] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 64-бет: ”Яздий “Зафарнома”сида Абубакрни ҳожи Сайфиддиннинг қизига, Боязиднинг қизига (1402), Мардин ҳокими Султон Исонинг қизига бобосининг таклифи билан уйланганини ёзган. ”; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 170-171 бетлар, Абубакр Мирзо тахтга ўтиргач, Тўкал ўрус Буқонинг қизини ўз никоҳига киритади. -тарж.

[459] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 171-бет, Абубакр Мирзонинг иккита ўғли бўлиб, каттаси Илонгир Мирзо 1397 йилда, кичиги Усмон Жодий эса 1401 йилда Султонияда туғилган эдилар.-тарж.

[460] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Илонғир Мирзонинг ҳаёт санаси: 1396-1409 йил деб қайд этиб ўтилган.-тарж.

мирзонинг ҳарами: Султоним бегим бинти Султон Ҳусайн Бойқаро (1470?-1527=57?)[461].

**Абдулбоқи мирзонинг фарзандлари:**

1- Муҳаммад Султон мирзо, Бобуршоҳнинг ҳарбий бошлиғи[462].

2- Исми қайд этилмаган бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Эсон Қули Султон.

2.) Темур–Усмон Чалабий мирзо: отаси томонидан Темурнинг чевараси, онаси томонидан Йилдирим Боязиднинг невараси. У ҳақида маълумот йўқдир, ҳар ҳолда кўп умр кўрмаган[463].

3.) Исми қайд этилмаган бегим[464]. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Қаро Юсуфбек Қора қўюнли, 1408 йилда турмуш қурган. Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Халилуллоҳ Ширвоншоҳ, 3.1421 йилда турмуш қурган.

2. Муҳаммад Умар мирзо (1383-5.1407=24)[465]. Акаси Абу Бакр мирзо билан бир онадан. Муҳаммад Умар мирзонинг Оталиқи: Амир Жаҳоншоҳ ибн Жаку барлос. Бобоси Амир Темур даврида Ғарбий Эрон, Шарқий Онадолу ва Кавказ ўлкалари ва Мозандарон волийси: 18.2.1405-1407.

Отаси номидан Табризда Озарбайжон волийси (Ироқ ва Форс ҳам кирган): 18.2.1405–1406 йиллар. Аслида 1403 йил бери Табризда туриб бу ўлкаларни

[461] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006, 62-бетда мирзонинг бу малика билан никоҳ муддати 1502 йил деб кўрсатилган.-тарж.

[462] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., каби асарларда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.-тарж.

[463] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди.; Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., бизнинг фикримизча (-тарж.) Йилмаз Ўзтуна қайд этиб ўтган Темур-Усмон Чалабий Мирзо бу Усмон Жоди Мирзо бўлиб, унинг ҳаёт санаси қуйидагича: 1401-1408 йй. -тарж.

[464] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарда бу малика ҳақида маълумот учрамайди.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 171-бет, 1408 йил апрел ойида Абубакр Мирзо Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида туркман амир Қора Юсуф билан бўлган жангда енгилиб, орқага чекинади. Мазкур жангда Абубакр Мирзонинг ёш қизи бир неча канизаклари билан бирга амир Қора Юсуф қўлига тушади. Амир Қора Юсуф қизни яхши парвариш қилиб, вояга етгач, ўз никоҳига киритади. Амир Қора Юсуф вафотидан сўнг, Қорабоғга қишлов учун борган Шоҳруҳ Мирзонинг ҳузурига мазкур малика келиб, ўзини танитади. Шоҳруҳ Мирзо биродарзодаси маликани Ширвон шаҳзодаси Халилуллоҳга ақд қилдиради. 1421 йил 4 апрелда катта тўй ўтказилади.-тарж.

[465] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 64-бет, Мирзонинг(1383-1407, Ҳирот) онаси Ўринсултон. Самар- қанд ҳокими (3.1398). 1399 йилдан отаси ўрнида ҳоким-Ҳулогу давлати ҳудудлари подшоси. Бобоси вафотидан кейин бек атка Жаҳоншоҳ билан ихтилофи туфайли мавқеига путур етказади. Амакиси Рустам (2.2) кўмагида Султонияда турган акаси Абубакрга ҳужум қилади. Бироқ натижа бўлмагач, Шоҳрух ҳузурига боради. (Фарзандлари-2/1). Умри-25 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 171-172 бетлар, Мироншоҳ Мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, 1383 йилда Хуросонда туғилган. Умрининг охирида бир неча муддат Шоҳруҳ Мирзо мулозиматида туради. Умар Мирзо 1407 йилда вафот этади. -тарж.

бошқарган. Қора қўюнли Қаро Юсуфбек билан бўлган тўқнашув чоғида мағлубиятга учрайди ва жанг майдонида ҳалок бўлди. Отаси ва акасидан 11 ой олдин вафот этган.

3. Султон Муҳаммад Халил Султон мирзо (Маграв, 1384–Рай (Теҳрон), 6.11.1411=27): бобоси Темурнинг вориси сифатида 2-ҳоқон: 18.2.1405[466]-13.5.1409 = 4, 2, 25 (тахт шаҳри-Самарқанд). Бобосининг тахтига чиққанида отаси ва икки акаси ҳаёт эди. 1398-1399 йилда Ҳиндистон юришида қатнашди. 1402 йилда Анқара жангида чап қанотга бошчилик қилган амакиси Шоҳрухнинг ўринбосари эди. Ўша йилда Туркистон ҳудудининг сардори бўлди (Фарғона ўлкаси билан)[467]. 1403 йилда Темур ўз неварасига бутун Жанубий Кавказни, ғарбда эса Трабзонгача бўлган ҳудудларни берди. Бобоси Темурнинг "бош хоними" малика Сарой Мулкхоним томонидан тарбияланган мирзо туркий ва форсийда девон соҳиби, шоир эди. Амакиси Шоҳрух мирзо томонидан ҳоқонлик тахтидан ағдарилди. У ердан Райга чекинди ва маликлик қилди: 13.5.1409-4.11.1411=2, 5, 22. Бу ҳудуд ҳам амакиси томонидан забт этилгач, Халил Султон ўз жонига суиқасд қилди[468]. Хотини билан биргаликда Райга дафн этилган. Халил Султон билан бева аёл Шодимулк Оғо ўртасидаги ишқий муносабатлар тарихда машҳурдир. Мирзо ўз жонига қасд қилгач, хоним ҳам бир неча кун ўтар–ўтмас ғам қайғу туфайли вафот этади.

Хотинлари[469]:

Шодимулк Оғо ( Шадулмулк), Ҳожи Сайфуддин нўённинг беваси. Шодимулк Оғо 11.1411 йилда вафот этган[470].

Фарзандлари:

1.) Исми қайд этилмаган мирзо-1400-140х, гўдаклигидаёқ вафот этган[471].

---

[466] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 51–бет, 1405 йил 18 март душанба куни бу мирзо ҳеч қандай қаршиликсиз Самарқандга кириб, тахтга ўтиради–тарж.

[467] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 173 бет, 1402 йилда Темур Туркистон чегараларида олий қўмондонликни Халил Султон Мирзога топширган эди. 1404 йилда Хитойга қарши юришга тайёргарлик кўраркан, Темур қўшиннинг ўнг қанотига (Тошкент ва унинг атрофидан йиғиладиган аскарларига) бошлиқ қилиб тайинлайди.-тарж.

[468] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 174-бет, 1411 йил 11 ноябр чоршанба куни Халил Султон Мирзо Рай шаҳрида касал бўлиб вафот этади. Айрим тарихчиларнинг ёзишича, у заҳардан ўлади.-тарж.

[469] Файзиев Т. Темурий маликалар. Т., 1994 й., 17-бет, Т.Файзиев Халил Султон Мирзонинг хотинлари тўғрисида гапириб, унинг Шодмулкдан аввалроқ аслзода хонадон қизига уйлантиришгани ва ундан бир ўғил кўрганлигини қайд этиб ўтган.-тарж.

[470] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 174-175 бет, Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Шодмулк бегим Самарқанд шаҳрининг қуйи табақасига мансуб бўлган ҳунарманд оиласидандир. 1411 йилда Халил Султон Мирзо вафот этгач, эридан кейин яшашни истамаган Шодмулк бегим заҳар ичиб ўлади.-тарж.

2.) Ҳусни Нигор Хоника бегим (1402?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Улуғбек мирзо, 1417? йилда турмуш қурган (отасининг амакиваччаси). Бу бегимнинг Шодимулкдан туғилганлиги тахмин қилинади[472].

4. Ийжал мирзо (1388?- Рай, 1416=28?)[473], Рай волийси: 1415-16. Мирзонинг ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим. Ийжал мирзо бу маликага бошқа беш мирзо билан бир вақтда бобоси Амир Темурнинг ҳузурида Самарқандда 10.10.1404 йилда уйланган.

5. Суюрғатмиш мирзо[474]. Ўғли: Султон Масъуд мирзо[475].

6. Сайид (Сайди) Аҳмад мирзо[476], шоир, туркий ва форсийда ижод қилган[477].

---

[471] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Муҳаммад Бакр Мирзонинг ҳаёт санаси: 1406-1434 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 64-бет, Халил Султоннинг Муҳаммад Бакр исмли ўғли тўғрисида маълумот қайд этилган бўлиб, 1434 йилда вафот этган (4/4). Умри-28 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 174-бет, Халил Султон Мирзодан Муҳаммад Бакр Мирзо исмли бир ўғил қолади. Унинг туғилган йили номаълум. У ҳеч қаерда ҳукмронлик қилмаган. У 1434 йил 10 ноябрда вафот этади.-тарж.

[472] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 89-бетида: " Ҳусннигорхоника-Халил Султон(3.3)нинг қизи."; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 313-бет, -тарж

[473] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 65-бет, бу мирзо 1387–Рай, 1415 йилларда яшаган. Дастлаб Бадахшон, сўнг Рай (1411) ҳокими. Умри-29 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 175-бет, Мироншоҳ Мирзонинг тўртинчи ўғли Ийжал Мирзо Шоҳруҳ Мирзо қўл остида бўлган Бадахшон вилоятлари устидан ҳукмронлик қиларди. 1414 йилда Ироқ ва Форс Шоҳруҳ Мирзо тасарруфига ўтгач, Ийжал Мирзони Бадахшондан олиб Рай вилоятига ҳукмдор қилиб тайинлайди. Аммо Ийжал Мирзо Райда кўп ҳукмронлик қилмайди. У 1415 йил апрел ойининг бошида қандайдир касалга учраб, уч кун ётиб, 11 апрел 1415 йилда Рай шаҳарида вафот этади-тарж.

[474] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., Суюрғатмиш Мирзонинг ҳаёт санаси: 1386-1411 йиллар деб қайд этиб ўтилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 65-бет, бу мирзо 1399-1411 йилларда яшаган. Ҳукмронлик қилмаган. Умри-13 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 175-176 бетлар-тарж.

[475] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарда бу мирзо ҳақида маълумот учрамайди. Йилмаз Ўзтуна бу мирзони Шоҳруҳ Мирзонинг набираси Султон Маъсуд Мирзо билан чалкаштирган бўлиши мумкин (отаси-Суюрғатмиш-тарж.).-тарж.

[476] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 334-бет.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 65-66 бетларда бу мирзо тўғрисида маълумот бор. Сайди Аҳмад Мирзонинг онаси малика Давлатқолди эканлиги қайд этиб ўтилган.-тарж.

[477] Йилмаз Ўзтунада чалкашлик бор. Чунки муаллиф бу мирзони Умаршайх мирзонинг 5-ўғли Сайди Аҳмад билан адаштирган. Қаранг: Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 54-55бетда Умаршайх мирзонинг бешинчи ўғли сифатида Сайди Аҳмад мирзо қайд этиб ўтилган ва унинг авлодлари ҳақида ҳам сўз кетади: Сайди Аҳмад мирзонинг (1391-1429 йй) онаси–Туғлуқсултон жалойир. Шоҳрух саройида хизматда. Шибирғон суюрғол қилинган. Шоир сифатида танилган. Девон тузган. Дунёвий адабиётда машҳур бўлган Хоразмий "Муҳаб- батнома"си руҳила "Ташшуқнома" достонини ёзган. Унинг ўғиллари Аҳмад (1414 -1498 йй, Ҳирот. Онаси–Маҳдумсултон оқа. Султон Ҳусайн Хуросонни олгач, Ҳирот шаҳрининг доруғаси. Ўғли: Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) (1458-1484 йй., ҳаждан сўнг)) ва Усмон (онаси оққўйли туркмонлардан бўлган Абдулбоқи исмли ўғли бўлган. Мирзонинг ўзи 1507 йилда Шайбонийга қарши курашда ҳалок бўлган )лар ҳақида эслатиб ўтилган.; Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 225-бет, Сайди Аҳмад Мирзонинг ўғли Аҳмад Мирзонинг ҳаёт санаси: 1420-1498 йиллар деб қайд этиб ўтилган.-тарж.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим. Мирзо бу маликага бошқа бешта мирзо билан бир вақтда бобоси Амир Темурнинг ҳузурида Самарқандда 10.10.1404 йилда уйланган[478].

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Қаро Йулук Усмонбек Оқ қўюнли[479]. Бу малика кейинги икки мирзонинг онаси.

Ўғиллари[480]:

1.) Султон Ахмад мирзо[481], шоир, туркий ва форсийда ижод қилган. Мирзонинг ҳарами: Оқо бегим бинти Мансур мирзо (1434?-?). Оқо бегим Ҳусайн Бойқаронинг опаси. Султон Аҳмад мирзонинг ўғли: шоир Хожи Кичик мирзо.

2.) Муҳаммад Бакир мирзо.

3.) Зайнал мирзо.

4.) Музаффар мирзо: бу уч ака-ука она томонидан Оқ қўюнли эдилар. Султон Узун Ҳасан қўмондонлик қилган 11.8.1473 йилги Отлукбели жангида қатнашган мирзолар Фотиҳга асир тушган. Омасяга, кейинчалик Истанбулга олиб келиндилар, шу ерда яшаб вафот этган.[482]

7. Султон-Муҳаммад мирзо[483]: Мирон Шоҳнинг энг кичик ўғли эканлиги тахмин этилмоқда. Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Темурийлар шу ўғлидан тарқалган.

Ўғиллари:

---

[478] Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари.:Т, 5-бет, Амир Темур 1404 йилнинг август ойида Конигилда катта тўй бериб, тўй якунида 5 та набирасининг унаштириш маросимини ҳам ўтказади. Шу мирзолар орасида Умаршайх Мирзонинг ўғли 15 ёшли Сайид Аҳмад Мирзо ҳам бор эди.-тарж.

[479] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 334-бет, Сайди Аҳмад никоҳида бўлган маликалар орасида Қора Усмон бойандорнинг Руқийа Султон исмли қизи қайд этиб ўтилган.-тарж.

[480] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.: Т., 2000, 334-335 бетлар, Сайди Аҳмад Мирзонинг ўғиллари ҳақида маълумот қайд этиб ўтилган.-тарж.

[481] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, " Сайди Аҳмад (2.5)нинг ўғли Аҳмад(2.5.1)га узатилган. Уларнинг никоҳидан ягона ўғил – Муҳаммад Султон (Кичик Мирзо) (2.5.1.1) туғилган"-56-бет; "1458 йил-1484 йил, ҳаждан сўнг. Отаси–Аҳмад (2.5.1). Онаси–Оқабегим (2.6.3.Б), ( Султон Ҳусайн (2.6.3.2) нинг кичик опаси). Ақлли, билимдон йигит бўлганидан тоғаси Султон Ҳусайн (2.6.3.2 )саройида соҳибихтиёр бўлган. Ёшлик ғурурига бориб, мавқеини йўқотади. Хожа Абдулло Ансорий мозоридан қайтишда шаҳаншоҳ (тоғаси)га одобсизлик қилгани учун Ихтиёруддин қалъасига ташланади "-тарж.

[482] Aşık – Pş. –z .,225/1; Karamanı Meh.Pş.,Konyalı trc.358, 5 – 9- муаллиф.

[483] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарнинг 65-бети: "Яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган. У Мироншоҳнинг қизларидан бирининг ўғли ҳам бўлиши мумкин (Турғун Файзиев изоҳи). Бошқа бир манбада Мироншоҳ мирзонинг ўғиллари қаторида 8-9 ўринда қайд этилган. Суҳроб курднинг қизи Шоҳислимга уйланган, ундан 2 ўғил, 1 қиз кўрган, дейилади. (Онаси- Меҳрнуш ). Фарзандлари- 2 ўғил. (2/1)"; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-бет, Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг олтинчи ўғли деб нақл қилинади. Унинг қачон туғилиб ва қачон вафот этгани ҳам номаълум.-тарж.

1.) Манучеҳр мирзо[484]. Ўғли: Малик Муҳаммад мирзо, 12.1494 йилда Самарқандда вафот этган[485].

Мирзонинг биринчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Амир Абдулкарим Эшрит уйғур .

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Султон Аҳмад мирзо[486], отасининг амакиваччаси.

Малик Муҳаммад мирзонинг қизи:Маҳдум Султон бегим (1477?- 15хх)[487]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Умар Шайх мирзо (1456–28.6.1494=38), отасининг амакиваччаси, 1493 йилда турмушга чиққан, никоҳ муддатлари бир йил.

2.) Султон Абусаид мирзо (1427–7.2.1469=42).

## Султон Абу Саид мирзо (1427–1469)[488] ва оиласи.

Муизиддин Султон Абу Саид мирзо (1427-7.2.1469=42): Самарқанд ҳоқони: 21.6.1451–7.2.1469=17, 7, 16 + Ҳирот ҳоқони: 19.7.1457–23.4.1458=0, 9, 5 + 29.6.1458–7.2.1469=10, 7, 8=11, 4, 13.

Султон Абу Саид мирзо икки салтанат тахтини бирлаштирган. Аммо вафот этгач, Самарқанд тахти ўғлига, Ҳирот тахти эса Ҳусайн Бойқарога ўтган.

---

[484] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Минучеҳр Мирзонинг ҳаёт санаси: 1421-1469 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет, бу мирзонинг (1418-1469 йил, Рустамдор) онаси Шоҳислим. Укаси Абусаид мулозиматида. Султон Ҳусайнга қарши фитнада қатнашганлиги учун қатл этилган. Умри-52 бет.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-бет, 204-бет, Укаси вафотидан сўнг, Мозандаронга келиб ҳаёт кечиради. Хондамирнинг ёзишича, Минучеҳр Мирзо Рустамдор шаҳрида Султон Ҳусайн Бойқарога қарши фитна уюштириб, исёнга сабаб бўлгани туфайли 1469 йилда қатл қилинади.-тарж.

[485] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Малик Муҳаммад Мирзонинг ҳаёт санаси: 1458-1494 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет, бу мирзо (1448-1494 йиллар) Султон Маҳмуд Самарқанд тахтига ўтиргач, ўз қайнотасига қарши қўшин тортади. Жангда асир тушиб, Кўксаройда қатл этилади.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-бет, 204-бет, Малик Муҳаммад Мирзо амакиваччаси Султон Маҳмуд Мирзонинг энг катта қизига уйланган эди. Бу қиз Бойсунғур Мирзо билан бир онадан- Пошшобегимдан туғилган эди. -тарж.

[486] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет, қайнотаси Султон Маҳмуд деб қайд этилган.-тарж.

[487] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет, Манучеҳр мирзонинг Султон Абусаиднинг 4 ўғли Умаршайхга узатилган қизининг исми Қоракўзбегим деб қайд этилган. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-бет-тарж.

[488] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет, Султон Абусаид (1424-1469 ) Самарқандни эгаллаш учун дастлабки ҳаракатларида (1449) Мирзо Улуғбекдан зарба ейди. Абдуллатиф қатлга етказилганда(1450) Туркистон унинг қўлида эди. Ўзбек хони Абулхайрхон ёрдамида Абдуллони енгиб, Самарқандни эгаллайди. Абулқосим Бобур вафотидан кейин Хуросонни ҳам фатҳ этади. Кўплаб шаҳзодаларни қатл этган. Узун Ҳасанбек бошлиқ оққўйли туркмонлар Қорабоққа бориш йўлини тўсиб, Ширвонда маҳв этади. Фарзандлари- 11 ўғил, 14 қиз (25/34). Умри- 46 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 176-180 бетлар -тарж.

Абу Саид ибн Муҳаммад ибн Мирон Шоҳ ибн Темур, Темурнинг чевараси ва Бобуршоҳнинг бобосидир. У Темурийлардан чиққан энг буюк ҳукмдорлардан бири, Ҳиндистон Темурийларининг бобоси. Салтанат ҳудуди: бутун Эронни, Афғонистон ва Мовароуннаҳрни ўз ичига қамраб олган. Султон Абу Саид мирзо Султон Фотиҳ билан замондош бўлиб (Фотиҳдан 5 ёш катта эди), ҳокимият тепасига ҳам бир вақтда (1451 йилда) чиқишган. Фақат Султон Абу Саид мирзо Ҳиротдаги ҳокимиятини 28.6-16.12.1458 йиллар орасида Қора қўюнлилар ҳукмдори Жаҳоншоҳга топширишга мажбур бўлди. Ҳирот 6 ой мобайнида Жаҳоншоҳ қўлида бўлди.

Султон Абу Саид мирзо 1448 йили тахт учун бўлган курашда Султон Улуғбекдан мағлубиятга учради ва Ўзбек хони Абулхайрхондан бошпана топди. 28.1.1469 йили Маҳмудободда бўлган жангда Оқ қўюнлилар султони Узун Ҳасанбекдан енгилди ва Узун Ҳасаннинг ўғли Зайнал мирзо томонидан асир олинди. Узун Ҳасан уни рақиби Ёдгори-Муҳаммад мирзога топширди. Ёдгори-Муҳаммад мирзо Султон Абу Саидни ўлдирди. Бош суяги эса Қоҳирага Мамлук Султонига юборилди[489].

**Султон Абу Саиднинг маликалари:[490]**

1. Исми қайд этилмаган малика бинти Ўрда Буға Тархон Арғун[491] Аҳмад ва Маҳмуд мирзоларнинг онаси. Маликанинг укаси: Дарвеш Муҳаммад Тархон Арғун, Султон Маҳмуд Мирзонинг амири (1450?-1497 охирлари=47?); Дарвеш Муҳаммаднинг куёви: Абдул-Али Тархон (Бобуршоҳнинг хизматида, Бухоро волийси, 1490 йилда ўлдирилган), Боқибек Тархон (Бобуршоҳнинг хизматида бўлган) ва холасининг ўғли Султон Аҳмад мирзога турмушга чиққан, Тархон бегимнинг отаси.
2. Хадича Оғо (Оқбегимнинг онаси)[492]. Бева қолгач, Султон Ҳусайн Бойқарога турмушга чиққан.

---

[489] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., асарида бу ҳақида маълумот йўқ.-тарж.

[490] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, бундан ташқари 66-67 бетларда Йилмаз Ўзтунада тилга олинмаган: Абулхайрхон қизи- Хонзодабегим, Мироншоҳнинг ўғли Муҳаммад Темур қизи- Робиясултон, Алоуддавланинг ўғли Иброҳимнинг қизи- Офоқ оқача кўкалдош, Тожиддин Термизийнинг қизи-Хонзодабегим, Жон Дарвишнинг қизи -Боймулк оқача, Шоҳвали сулдузнинг қизи-Нурсултоноқа, Ферузшоҳ қавчиннинг қизи- Бибисултон оқачалар ҳақида эслатиб ўтилган. Бундан ташқари, Султон Абусаиднинг малика ва канизаклари сони 35 та деб берилган. -тарж.

[491] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-бет маликанинг исми Маликсултонбегим деб қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет-тарж.

[492] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-бетда Хадичабека оғани Мавлоно Насриддиннинг қизи деб қайд этилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-бет -тарж.

3. Исми қайд этилмаган малика бинти Шоҳ Султон Муҳаммад (Бадахшон амири). Абу Бакр мирзонинг онаси.[493].

4. Исми қайд этилмаган бегим бинти Султон Улуғбек мирзо ибн Шоҳрух (2-даражали амакиваччаси)[494].

5. Руқия Султон бегим бинти Алоуддавла мирзо.

6. Султон биби "Шоҳ-Султон" (1440?-Андижон, 8.1501=61?). (Умар Шайх мирзонинг онаси ва Бобуршоҳнинг отасининг онаси).

**Султон Абу Саид мирзонинг қизлари:**

(*барчаси Бобуршоҳнинг аммалари*)[495]:

1. Шаҳрбону бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Ҳусайн Бойқаро, 1471? йилда турмушга чиққан, талоқ берилган[496].

2. Офоқ (Оппоқ) бегим (1.1528 йилда Кобулда вафот этган)[497]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Ҳусайн Бойқаро. У опасига талоқ бериб, шу маликани ўз никоҳига олди. Бу малика Попо Оғочанинг кўкалдоши ва Султон Ҳусайн Бойқародан туғилган 9 та фарзандининг сут онаси. 11.1525 йили Кобулга жияни Бобуршоҳнинг ёнига келди.

3. Поянда-Султон бегим[498]. Малика 1510? йили Ироқда вафот этган. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Ҳусайн Бойқаро. Шундай қилиб, Ҳусайн Бойқаро салафи Султон Абу Саид мирзонинг уч қизига уйланган бўлиб чиқмоқда.

4. Зайнаб-Султон бегим[499]. Қизи: Улуғ бегимзода биби. Унинг қизи: Янга Чечам биби. Бу малика 10.1528 йилда Аграга келган.

---

[493] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-бет маликанинг исми Шаҳзодабегим деб қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 177-178 бетлар -тарж

[494] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 66-бет маликанинг исми Ўтабегим (Оқабегим) деб қайд этиб ўтилган.-тарж.

[495] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-бетда Султон Абусаид мирзонинг яна бир қизи Робиясултонбегим ҳақида маълумот бор. Бу маликанинг онаси-Дилшод оқача бўлиб, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Суюрғатмиш(3.5)нинг набираси Муҳаммад Қосимга узатилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-180 бетлар, Асарда Йилмаз Ўзтунада эслатиб ўтилмаган яна бир неча маликаларнинг номлари қайд этиб ўтилган. Жумладан, Меҳрлик бегим- онаси Султон Бахт бегим, Кичкина бегим- онаси Фахри Жаҳон бегим, Шод бегим- онаси Фахри Жаҳон бегим.-тарж.

[496] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 67-бетда маликанинг онаси Боймулк оқача деб айтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси.Т., 1995, 180-бет-тарж.

[497] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-бет, Оппоқ бегим- Фахри Жаҳон бегимдан туғилган.-тарж.

[498] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 67-бетда маликанинг онаси – Дилшод оқача деб айтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет.-тарж.

[499] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-бет, Кейинчалик бу малика Кобулда Бобур Мирзонинг саройида истиқомат қилган.-тарж.

5. Гавҳаршод бегим[500]. Ўзи ва ўзидан кейинги беш синглиси, 1528 йил ёзида Аграга жиянлари Бобуршоҳнинг олдига келганлар.

6. Фахри Жаҳон бегим[501]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Амир Алоул Мулк Термизий. Фарзандлари: Шоҳ Термизий (Унинг қизи: Дилшод Термизий) ва Кичик Термизий. Кичик Термизийнинг турмуш ўртоғи: Хўжа Муинуддин Аҳрорий. Аграда турмушга чиққан. Кичик Термизийнинг ўғли: Шарофуддин Ҳусайн.

7. Хадича-Султонбегим[502].

8. Бадъиул-Жамол бегим[503]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Чиғатой хони. Қизи: Шоҳ хоним.

9. Оқ бегим[504]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Чиғатой хони. Қизи: Исми қайд этилмаган хоним.

10. Султон Бахтбегим. Қизи: Офақ (Апак) 10.1528 йилда тоғаваччаси Бобуршоҳнинг Аградаги саройига келди[505].

**Султон Абу Саид мирзонинг ўғиллари:**

(*барчаси Бобуршоҳнинг амакилари*).

1. Султон Аҳмад мирзо (Самарқанд?, 1451-Оқсув қирғоғи/Ўратепа атрофлари, 20.7.1494=43)[506]: отаси Абу Саиднинг вориси сифатида Самарқанд ҳоқони: 7.2.1469-20.7.1494=25, 5, 11. Самарқанд салтанати валиаҳди: 21.6.1451 - 7.2.1469=17, 7, 16. Ҳирот салтанати валиаҳди: 19.7.1457-23.4.1458=0, 9, 5 + 29.6.1458-7.2.1469=10, 7, 8=11, 4, 13. Самарқанд волийси: 5.1467-7.2.1469 [507].

---

[500] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет, кейинчалик бу малика Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган.-тарж.

[501] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет, Кейинчалик бу малика Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган.-тарж.

[502] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет, Бу малика кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган-тарж.

[503] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-бет, Бу малика кейинчалик Кобулда Бобур Мирзо саройида истиқомат қилган.-тарж.

[504] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-180 бетлар, Султон Абусайид Мирзонинг икки қизининг исми Оқ бегим бўлган. Биринчиси- Хадича бегим номли канизакдан туғилган, иккинчиси- кейинчалик Кобулда истиқомат қилган.-тарж.

[505] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 179-180 бетлар-тарж.

[506] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-бет, мирзонинг(1451, Самарқанд- 1494, Оқсув) онаси Ўрда-буға тархоннинг қизи Маликсултонбегим. Отаси Самарқанд ва Бухоро вилоятларини, кейинчалик Хўжанд ва Ўратепани берган. Куёви, мўғул ҳукмдори Султон Маҳмудхон билан иттифоқ тузиб, Умаршайхга қарши Андижонга ҳужум қилади. Бобурга тахтни инъом этиб, қайтаётганда йўлда вафот этади. Фарзандлари-2 ўғил, 5 қиз (-/6). Ўғиллар ёшлигида вафот этган. Умри-44 йил. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 180-183 бетлар, -тарж.

[507] Fatih Sultan Mehmed`e 2 mektubu: Arşiv Kıl., 22a-муаллиф.

**Маликалари:**[508]

1. Қутлуқбегим (№3.нинг эмакдоши (эмукдош, кўкалдоши), бу малика ҳам қатл этилган).

2. Меҳр Нигор хоним (Бобурнинг ҳам холаси ҳам янгаси) бинти Юнусхон Чиғатой (1456–1507=51, қатл этилган) (4 та бегимнинг онаси) (1.турмуш ўртоғи, 5 ёш кичик)[509] .

3. Ҳабиба Султон Тархонбегим бинти Абдулали Тархон Арғун (холасининг ўғли бўлган эри томонидан қатл этилган) (Маъсума бегимнинг онаси)[510].

4. Ҳамза-Султон (3 та мирзонинг онаси)[511].

5. Латифа (ёки Латифбегим) Аҳмад Ҳожибекнинг қиз набираси эди. Сўнгра маликани Шайбонийлардан Ҳамза Султон ўз никоҳига олди. Латифа бегим бинти Дулдойбек ибн Ҳожи Аҳмадбек ибн Султон Маликбек Кошғарий. Кошғарийнинг укаси Жонибек Дулдой, Султон Аҳмад мирзонинг беги эди. Кошғарийнинг ўғли Ҳофиз Муҳаммадбек Дулдой 1504 йилда вафот этган Ҳофиз Муҳаммадбек Дулдой Бобурнинг отаси Умар Шайх мирзонинг беги эди. Бу оиладан Иброҳимбек Дулдой, Ҳусайн Бойқаронинг беги эди.

6. Хонзодабегим Термизий бинти Мир Бузург. Бу малика 1488 йилда мирзонинг никоҳга кирган.

**Фарзандлари:**[512]

1.) Робия Султон "Қарокўз" бегим (1475?- ?.). Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Султон Муҳаммадхон Чиғатой (тоғаваччаси, 1490? йилда турмушга чиққан). Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Жонибек Ўзбек (Шайбакхоннинг жияни, 1508 йилда турмушга чиққан)[513].

---

508 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т, 1989, 21-бет.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-183 бетлар; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-68 бетлар.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000, 341-бет. тарж.

509 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-бет.-тарж.

510 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т. 1989, 21-бет; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 67-68 бетларда Тархонхоним билан Ҳабибасултонбегимлар алоҳида маликалар сифатида ажратиб кўрсатилган.-тарж.

511 Йилмаз Ўзтуна бу ерда катта хатоликка йўл қўйган. Ҳамза Султон Шайбонийларга мансуб хон бўлиб, кейинчалик Султон Аҳмад Мирзонинг Латифабегим исмли маликасини ўз никоҳига киритган. Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т. 1989, 21-бет.-тарж.

512 Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-бет, Султон Аҳмад Мирзо мазкур хотинларидан икки ўғил ва беш қиз қиз кўрган эди. Ўғиллари ёшликдаёқ вафот қилган эдилар.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 67-68бетлар.-тарж.

513 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т. 1989, 20-бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-183 бетларда қайд этиб ўтилган.; -тарж.

2.) Муҳаммад Султон “Кичик” мирзо (1466?-1484?=18?): ҳожи, шоир. Салтанат валиаҳди: 7.2.1469–1484?=15?[514].

3.) Султон бегим[515]. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Султон Али мирзо (амакиваччаси, Самарқанд ҳоқони). (1480?-7.1500=20?). Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Муҳаммад Темурхон ибн Шайбакхон (бир неча ҳафталик никоҳдан сўнг, 8.1500 йилда талоқ берилган). Маликанинг учинчи турмуш ўртоғи: Муҳаммад Ҳусайн Дуғлат (1469 -1508 йил иккинчи ярми=39), 10?1503 йилда турмушга чиққан, никоҳ муддати 5 йил.[516] Маликанинг тўртинчи турмуш ўртоғи: Маҳди Султон. Маҳди Султон 1511 йилда Бобуршоҳ томонидан қатл этилган, никоҳ муддати 2? йил. Маликанинг фарзандлари: Калонхон (Иккинчи турмушидан, 1501 йилда туғилган), Абдуллохон Дуғлат[517] (Учинчи турмушидан, 1504? йилда туғилган), Калонхон биби (Тўртинчи турмушидан, 1510? йилда туғилган), Одил Султон (Тўртинчи турмушидан). Одил Султоннинг турмуш ўртоғи: Шоҳ бегим бинти Муҳаммад Ҳайдар мирзо ибн Ҳусайн мирзо.

4.) Солиҳа Султон “Оқ” бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Масъуд мирзо ибн Султон Маҳмуд мирзо (1473?-1499? =26?) амакиваччаси, 12.1494 йил Самарқандда турмушга чиққан, никоҳ муддати 6?йил. (Самарқанд салтанати валиаҳди). Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг Кошғарга кетган[518].

5.) Ойша Султон бегим (1485?-?)[519]. Маликанинг турмуш ўртоғи: Бобуршоҳ, амакиваччаси, 1488 йил Самарқандда унаштирилган, 1503? йили Хўжандда турмуш қурган, 1507? йилда талоқ берилган, никоҳ муддати 7? йил.

---

[514] Йилмаз Ўзтуна бу ерда катта хатоликка йўл қўйиган ва Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўғли Сайди Аҳмад Мирзонинг набираси билан адаштирган. Қаранг: Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 54-55 бетлар; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 82-83 бетлар, 97-98 бетлар. –тарж.

[515] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет, Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи Султон Али Мирзо (1499-1501 йилларда Самарқанд ҳукмдори). Султон Али Мирзонинг қатлидан сўнг (1501) Султон бегимни шайбонийлардан Темур Султон ўз никоҳига олган. Темур Султондан сўнг эса Маҳди Султон ўз ҳарамига киритган.-тарж.

[516] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т, 1989, 21-бет.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-183 бетлар; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 67-68 бетлар.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000, 341-бетларда бу ҳақида маълумот учрамайди. ; Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий.: Т., 2010 й., 239-240 бетлар. - тарж.

[517] Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий.: Т., 2010 й., 246-бет, Таваллуди тўғрисида маълумот бор. 654-646 бетларда , Вафоти: 940/ 1533 й. 23.07дан кейин.-тарж.

[518] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет.-тарж.

[519] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 68-бет, Бу малика 5 ёшлигида Бобурга унаштирилган. Самарқандни 2-олганда уйланган, қиз ( Фахриннисо) туққан. Бобур никоҳидан чиққан.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет-тарж.

6.) Маъсума Султон бегим (1492?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Бобуршоҳ (амакиваччаси, 8.1507 йили Кобулда турмушга чиқди). Бобуршоҳ Ҳиротда Ҳусайн Бойқаронинг саройида меҳмон бўлганида, амакисининг қизини севиб қолади, аммо бу малика унинг қайинсинглиси эди. Унга уйланиш учун опаси Ойша бегим билан ажрашган. Маъсума бегим қизини туғаётган вақтида оламдан кўз юмди[520].

7.) Исми қайд этилмаган мирзо: гўдаклигида вафот этган.

8.) Исми қайд этилмаган мирзо: гўдаклигида вафот этган.

9.) Исми қайд этилмаган мирзо: кейинги уч укаси билан бир вақтда Самарқандда 1494 йил охирларида гўдаклигида вафот этган.

10.) Исми қайд этилмаган мирзо 1494 йил вафот этган.

11.) Исми қайд этилмаган мирзо 1494 йил вафот этган.

12.) Исми қайд этилмаган мирзо 1494 йил вафот этган[521].

2. Султон Муҳаммад мирзо[522] (1452?-1500 дан кейин=5х) бир муддат Оқ қўюнлилар Султони Узун Ҳасаннинг асири бўлган. 1493 йилда Хуросонга қайтди. 1499 йилда Ҳусайн Бойқарога асир тушди. 1494 йилда акаси Аҳмад мирзо вафот этган вақтда Самарқанд тахтига чиқа олмади. Тахтга укаси Маҳмуд мирзо чиқди.

3. Султон Маҳмуд мирзо (Самарқанд, 1453–Самарқанд, 1.1495=42): акаси Аҳмад мирзонинг ўрнига Самарқанд ҳоқони, Абу Саиднинг 3-чи ўғли[523].

---

[520] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет, Бу маликанинг онаси Султон Арғуннинг биродарзодаси (укасининг қизи) Ҳабиба Султон бегим эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога турмушга чиққан. Маъсума Султон бегим бир қиз туққан, ўзи эса туғиш асносида зожа (қон кетиш) касали билан вафот этган. Туғилган қизга онасининг исми Маъсума Султон бегим деб ном берилган.-тарж.

[521] Йилмаз Ўзтуна бу ерда чалкашликка йўл қўйган. Чунки Султон Аҳмад Мирзонинг бор йўғи икки ўғли бўлган. Қаранг: Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 182-бет, Султон Аҳмад Мирзо мазкур хотинларидан икки ўғил ва беш қиз қиз кўрган эди. Ўғиллари ёшликдаёқ вафот қилган эдилар. ; Ҳаким Сатторий , Олтин силсила. Т., 2006 й, 67-68бетлар.-тарж.

[522] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 68-бетда, бу мирзонинг (1452-1467) онаси Хонзодахоним. Отасининг юришида (1467) да бирга бўлганлиги қайд этиб ўтилган. Умри-16 йил. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-184 бетлар, Султон Муҳаммад Мирзо Султон Абусайид Мирзонинг иккинчи ўғлидир. 1452 йилда Самарқандда туғилган. Хондамирнинг ёзишича, Султон Абусайид Мирзо 1468 йилда Ироқ юришига ўғиллари Султон Муҳаммад Мирзо ва Шоҳруҳ Мирзоларни ҳам олиб кетади. Жанг асносида ҳар иккала шаҳзода амир Ҳасанбек қўшинлари қўлига тушиб қоладилар ва узоқ муддат қамоқда қолиб кетадилар. Қамоқдан озод бўлганларидан сўнг ўша ерда жуда оғир аҳволда кун кечирадилар. Ниҳоят 1493 йилда Султон Муҳаммад Мирзо Ҳиротга қайтиб келади ва 1499 йилгача ҳам ҳаёт эди. Унинг бундан кейинги аҳволи ҳақида маълумот учратолмадик.-тарж..

[523] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 184-187 бетлар.-тарж.

4. Абу Бакр мирзо (Самарқанд, 1455?-Ҳисор, 10.1479=24?)[524]: Бадахшон (маркази Ҳисор) малики: 7.2.1469-10.1479=10, 8. Туркийда ижод қилган шоир. Ҳусайн Бойқаро томонидан ўлдирилди.

5. Умар Шайх мирзо (Самарқанд, 1456-Ахси, 28.6.1494=38): Бобуршоҳнинг отаси ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган Темурийларнинг бобоси.

6. Шоҳрух мирзо (Самарқанд, 1458-Сари, 1494=36)[525]: Ҳиротда Гавҳаршодбегим мадрасасида дафн этилган. Маълум бир муддат Узун Хасаннинг асири бўлди. 1493 йилда Хуросонга қайтди.

7. Улуғбек мирзо (Самарқанд, 1460?-Кобул, 1502 йилнинг биринчи ярми= 42?)[526]: Кобул ва Ғазна малики: 7.2.1469-1502 йилнинг биринчи ярми=33 (кейин бу ҳудуд катта ўғлига ўтди). Оталиқи: Амир Муҳаммад Бурундуқбек Барлос (Ҳусайн Бойқаронинг "амири кабири"), сўнгра Увайс Оталиқ.

**Фарзандлари:**

1.) Бика Бегим (вафоти 1531 йилдан кейин). Маликанинг турмуш ўртоғи: Муҳаммад Маъсум мирзо ибн Ҳусайн Бойқаро[527].

2.) Абду Раззоқ мирзо (Кобул, 1488?-Қолот, 8.1507=19?)[528]: отасининг ўрнига Кобул, Ғазна малики: 1502 йилнинг биринчи ярми-4.1503=1. Бобурнинг Кобул

---

[524] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 74-бет, мирзонинг (1458-1479) онаси бадахшонлик Шаҳзодабегим. Бадахшон ҳокими эди. Отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн илтифотига интилган. Алишер Навоий Ҳиротга олиб келади. Кўп ўтмай яқин маслаҳатчиси Жалолиддин Мажид арғунни ўлдиради. Акаси Султон Маҳмуд ва Кермон доруғасига қарши курашади. Ҳиротга ҳужум қилади. Астрободда қўлга тушиб, қатл этилади. Умри-22 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 205-208 бетлар, Султон Ҳусайн Бойқаро катта қизи Султоним бегимни мирзога унаштирган. Бадахшонда ҳокимлик қилган. Қайнотаси бир неча бор илтифот кўрсатганига қарамай, яхшиликларни эсдан чиқаради. Шаҳаншоҳ Ҳусайн Бойқаро Деҳистонга Қанбар Али жаллодни бир неча баходирларга ҳамроҳ қилиб, шаҳзода Абубакр Мирзони қўлга олиш учун жўнатади. Улар шаҳзода ўлтурган уйга бостириб кириб, шаҳзодани бандга оладилар ва 1479 йил октябр ойида қатл қиладилар -тарж.

[525] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Шоҳруҳ Мирзонинг туғилган вақти: 1459-? деб қайд этиб ўтилган.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 74-бет, мирзонинг (Ҳирот, 1458-1493 йй.) онаси Алоуддавла Мирзонинг қизи Руқиясултон. Отасиниг Ироқ юришида акаси Султон Муҳаммад билан асирликка тушиб қолади ва ғарибликда яшайди. Умри-36 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 205 бет, Шоҳруҳ Мирзо Султон Абусайид Мирзонинг олтинчи ўғли бўлиб, 1458 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Алоуд давла Мирзонинг қизи Султон бегим эди. "Хулосат ул -ахбор"да ёзилишича бу мирзо отасининг Ироқ юришида қатнашиб, акаси Султон Муҳаммад Мирзо каби асирликка тушиб қолган. Узоқ асирлик ва қийинчиликлардан сўнг, 1493 йилда Ҳиротга қайтиб келаётиб, йўлда вафот этади. Унинг жасадини Ҳиротга келтириб, Гавҳаршод бегим мадрасасининг хонақоҳига дафн қиладилар.-тарж.

[526] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й ,74-бетда, мирзо Улуғбек (Қобулий) ( Ҳирот, 1460-1501 йй.) Қобулда ҳукмдор. 2 ўғил, бир неча қизи бўлган. Умри-42 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 208-бет, Кўпгина тарихий асарларда бу мирзони – Улуғбек Мирзо Соний ёки Улуғбек Мирзо Кобулий деб ҳам ёзганлар. -таржж.

[527] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000, 355-бет. таржж.

ва Ғазна волийси: 2.4.1503-9.10.1504=1, 6. Бобурнинг Қолотда (Белужистон) волийси: 9.10.1504-8.1507=2,10.

3.) Мирон Шоҳ мирзо: 1504 йилдан амакиваччаси Бобурнинг хизматида[529].

4.) Сайид Мирзо. Мирзонинг ҳарами: Мунаввар-Султонбегим бинти Ҳусайн Бойқаро[530].

5.) Исми қайд этилмаган бегим (1489?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Муҳаммад Муқимбек ибн Зуннун арғун. Малика 4.1503 йилда турмушга чиққан.

8. Султон Мурод мирзо (Самарқанд, 1462?-1476 йилдан сўнг)[531]: Қандаҳор малики: 7.2.1469-1470=1.

9. Султон Халил Мирзо: Ҳиротда тахт даъвогари: 7.2.1469 йилда ўлдирилган[532].

Қизи: Бика Султон бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Султон Бойсунғур мирзо (Самарқанд ҳоқони) (амакиваччаси, турмуш қурган вақти 1498 йилнинг биринчи ярми, муддати: 1,6?)[533].

---

[528] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 75-бетда, мирзонинг ҳаёт санаси 1480- Ғазни, 1525 йй. Бобур тортиб олган Зуннун арғунгача Кобул ҳокими. Сўнг Бобур хизматида. Укаси Носир мирзо бошқарган ҳудудларни Абдураззоққа берган. Умри-46 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 208-209 бетлар, Бу мирзо Улуғбек Мирзо Кобулийнинг катта ўғли бўлиб, 1480 йилда Кобулда туғилган эди. Отасининг вафотидан сўнг бироз вақт Кобулда ҳукмдорлик қилади. Сўнгра Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо хизматида бўлади. 1507-1508 йилларда Бобур Мирзо Ҳиндистонга қўшин тортаётганда Қолот ва Тарнук вилоятларини Абдураззоқ Мирзога инъом қилади. Бироқ шайбонийлар Қандаҳорни босиб олгач, Абдураззоқ Мирзо Қолотда туролмай, Кобулга қайтиб келади. Шундан сўнг Бобур Мирзо Абдураззоқ Мирзони Кобулга қўйиб, ўзи Ҳиндистон сари йўл олади. Аммо Ҳиндистонга боролмай Кобулга қайтиб келгач, мирзога Нангинаҳор тумани ҳамда Миндаровар, Дарайи Нур, Қоз ва Нургулни инъом қилади. Абдураззоқ Мирзо 1525 йилда вафот этади ва Ғазна шаҳрида отаси Улуғбек Кобулийнинг даҳмасига дафн қилинади. -тарж.

[529] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 75-бетда, мирзо(1484-1507 йй.) 1498 йилда отаси билан жанжаллашиб, Ҳазорага, ундан Ҳисорга, Хусравшоҳ ҳузурига кетади. Султон Маъсуд ҳам шу ерда эди. Бомиёнга жўнатади, кейинги тақдири номаълум. Умри-24 йил. ; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 209-210 бетлар, -тарж.

[530] Йилмаз Ўзтуна бу ерда чалкашликка йўл қўйган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома"асарида (151-бетда) Сайид Мирзони Андхуд сайидларидан эканлигини қайд этиб ўтган.-тарж.

[531] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 74-бетда, мирзонинг( Самарқанд, 1456- охирги тақдири номаълум) онаси Боймулк оқача. Гармсир, Қандаҳор вилоятлари инъом қилинган. Отаси вафотидан сўнг Султон Ҳусайн саройида бўлади. Умри-?; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 204-205 бетлар, Тарихчи Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор "асарида ёзишича, Ҳиротда Султон Ҳусайн Мирзо саройида мулозиматда бўлган. 1475 йил июнь ойида Султоннинг баъзи бир мулозимлари билан биргаликда Нерату қалъасига жўнаб кетади. Шундан сўнг унинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмади,-деб фикр билдирган. -тарж.

[532] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 75-76 бетлар, мирзонинг ҳаёт санаси ҳақида маълумот йўқ . Онаси Давлат- бахт оқа. Отаси вафот этгач, Султон Ҳусайн Ҳиротдан Мовароуннаҳрга жўнатиб юборган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 210-бет, Хондамирнинг берган маълумотига қараганда, Султон Халил Мирзо отаси ўлдирилган вақтда Ҳиротда бўлган. Ҳирот тахтига Султон Ҳусайн Бойқаро ўтиргач, Султон Халил Мирзони Мовароуннаҳрга жўнатади.-тарж.

10. Султон Умар мирзо[534].

11. Султон Валад мирзо: ўлдирилди[535].

**Султон Маҳмуд мирзо (1453-1495) ва оиласи.**

Ғозий Султон Маҳмуд мирзо (Самарқанд, 1453-Самарқанд, 1.1495=42): акаси Аҳмад мирзонинг ўрнига Самарқанд ҳоқони: 20.7.1494-1.1495=0, 6. Салтанат валиаҳди: 1484?-20.6.1494=10?. Отасининг Астробод волийси (1469 йилгача). Мозандарон малики: 2.7.1469-1469 йилнинг охири=бир неча ой. Бадахшон (Ҳисор) ва Балх малики: 7.2.1469-1.1495=25, 11. 7.1470: Ҳусайн Бойқаронинг Маҳмуд мирзо устига Мовароуннаҳр юриши. Шоир[536].

**Хотинлари[537]:**

1. Хонзодабегим Термизий бинти Мир Бузург Термизий, бефарзанд. Малика вафот этгач, Султон Маҳмуд мирзо Мир Бузургнинг ўғли Мир Термизийнинг қизи Хонзодабегимга уйланди. Хонзода бу маликанинг аммаси эди[538].

---

[533] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.:Т, 1989, 64-бет: "Андин ҳеч авлод қолмади. Хисравшоҳқа келган маҳалда обоғаси Султон Халил Мирзонинг қизини олди. Ўзга хотин ва ғумаси йўқ эди".-тарж.

[534] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 75- бет, мирзонинг ҳаёт санаси ҳақида маълумот йўқ . Онаси Қутлуғбека оқа. Акаси Султон Аҳмад Мовароуннаҳрдан чиқариб юборади. Бадахшонда, сўнг Ҳиротда умр кечиради.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 210-бет, Султон Умар Мирзо акаси Султон Аҳмад Мирзо фармони билан Мовароуннаҳрдан чиқариб юборилгач, биродари Абубакр Мирзо ҳузурига Бадахшонга келиб, ўша ерда яшайди. Абубакр Мирзо қатл қилингач, Султон Умар Мирзо ҳам Султон Ҳусайн Бойқаро мулозимлари қўлига тушади. 1479 йил октябрда уни Ҳиротда Ихтиёруддин қалъасига қамайдилар ва кейинчалик Нерату қалъасига жўнатадилар. Унинг бундан кейинги тақдири ҳақида маълумот йўқлиги Хондамирнинг "Хулосат ул-ахбор" асарида қайд этиб ўтилган. -тарж.

[535] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006, 75-бетда, мирзонинг ҳаёт санаси ҳақида маълумот йўқ. Онаси Нусратсултон оқа. Арлот умаролари сафида оддий ҳаёт кечирган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 210-бет, Тарихчи Хондамирнинг "Хулосат ул –ахбор " асарида қисқача маълумот учрайди.-тарж.

[536] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 68-бет, мирзо (1453-1495)нинг онаси Ўрдабуға тархоннинг қизи Маликсултонбегим. Астробод ҳокими. Май ичган, ғазал ёзган. Отаси вафотидан сўнг халқ ҳайдаб юборган. Султон Аҳмад вафотидан сўнг Самарқанд ҳукмдори. Султон Ҳусайн билан икки маротаба урушиб, енгилган. 5 хотинидан 5 ўғил ва 11 қиз кўрган(5/9). Умри- 43 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 184-187 бетлар, Султон Абусайид Мирзо учинчи ўғлига Астробод вилоятини берган эди. Отасининг ўлимидан кейин эса Термиз, Чағаниён, Ҳисор, Ҳатлон, Қундуз, Бадахшон ва Ҳиндистон тоғигача бўлган ерлар мирзо тасарруфига ўтди. Акаси Султон Аҳмад вафотидан сўнг Самарқанд ҳам унинг тасарруфига ўтди. Султон Маҳмуд Мирзо Самарқанд тахтига ўтиргач, тахтга даъвогар бўлиб келган ўз амакиваччаси ҳамда куёви бўлмиш Малик Муҳаммад Мирзо ибн Минучеҳр Мирзони ва яна тўртта бегуноҳ ёш мирзоларни Кўк саройда қатл қилдиради. Унинг ўзи эса Самарқанд тахтида беш-олти ойдан ортиқ ҳукмронлик қилаолмади. 1495 йил январ ойида Султон Маҳмуд Мирзо оғир касалликка мубтало бўлиб, олти кун ётиб, 43 ёшида вафот этди.-тарж.

[537] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 186 бет; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й., 68-70 бетлар.-тарж.

[538] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-бет.-тарж.

2. Зуҳрабеги Оғо ўзбек, 1468? йилда турмушга чиққан. Али мирзонинг ва Маҳдума бегимнинг онаси. Зуҳрабеги Оғонинг иккинчи турмуш ўртоғи: Шайбакхон, уни 8.1500 йили Самарқандда ўз никоҳига олган[539].

3. Пошшо бегим бинти Али Шукрбек (Қора қўюнли Баҳорлу аймоғи туркмон бекларидан) ("Хони Хонон" Байрамхоннинг катта аммаси) Бойсунғур мирзонинг ва Солиҳа бегимнинг ва яна 2 та бегимнинг онаси. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Муҳаммадий мирзо ибн Султон Жаҳоншоҳ Қора қўюнли[540].

4. Хонзода Термизий (Султон Аҳмад мирзонинг айнан шу исмдаги хотинининг биродарзодаси–хотинининг синглиси) Масъуд ва Ҳусайн мирзолар ва Хонзода, Бика, Оқ, Ой, Зайнаб бегимларнинг онаси[541].

5. Султон Нигор хоним бинти Юнусхон Чиғатой. Бу малика мирзонинг биринчи турмуш ўртоғи бўлиб, 1528 йил Кошғарда вафот этган. Увайс мирзонинг онаси. Бобуршоҳнинг ҳам холаси ҳам янгаси[542].

## Султон Маҳмуд мирзонинг фарзандлари:

(*ёшларига қараб жойлаштирилган*)[543].

1. Маҳдума Султон бегим (1469?-?) Маликанинг турмуш ўртоғи: Шайх Абдулло Барлос[544]. Бадахшонда яшади[545].

2. Солиҳа Султон бегим (1471?-?)[546]. Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи : Муҳаммади мирзо ибн Жаҳоншоҳ. Қора қўюнли султони. Маликанинг

[539] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-бет, Мирзонинг бешинчи хотини эди. Султон Маҳмуд Мирзо Зуҳра бегимни Султон Абусайид Мирзо ҳаётлигидаёқ олган эди. Зуҳра бегим бир қиз ва бир ўғилнинг онаси эди. Султон Маҳмуд Мирзонинг мазкур бешта хотиндан ташқари яна бир неча канизак ва чўрилари бор эди.-таржж.

[540] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-бет, Пошшо бегим бир ўғил, уч қизнинг онаси эди.-тарж.

[541] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-бет, Хонзода бегим бир ўғил ва беш қизнинг онаси эди.-тарж.

[542] Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий.: Т. 2010 йил., 390-бетда қайд этилишича, Султон Нигор хоним Султон Маҳмуд Мирзонинг вафотидан сўнг, Жонибекхоннинг ўғли Адик султонга турмушга чиққан. Адик султон вафот этгач, Жонибекхоннинг яна бир ўғли Қосимхонга турмушга чиққан. Қосимхон 924 (1518) йилда вафот этганлиги ҳам асарда қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-бет.-тарж.

[543] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-194 бетлар, Султон Маҳмуд Мирзодан беш ўғил ва ўн бир қиз қолган эди.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила, Т., 2006 й., 68-71 бетлар.-тарж.

[544] Йилмаз Ўзтуна никоҳ тўғрисида чалкаш маълумот берган. Маълумот учун қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.: Т. 1989, 27-29 бетлар.-тарж.

[545] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 70-бет; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 204-бет, Бу малика Султон Али Мирзонинг туғишган синглиси эди. Маҳдума Султон Бегим Бадахшонда истиқомат қилган.-тарж.

иккинчи турмуш ўртоғи: Малик Муҳаммад мирзо (отасининг амакиваччаси). Маликанинг учинчи турмуш ўртоғи: Бобуршоҳ (амакиваччаси).

3. Султон Масъуд мирзо (1473?-5.1505=32?)[547]: Самарқанд салтанати валиаҳди: 20.6.1494-1.1495=0, 6+1.1495-21.6.1497=2, 10=3, 4, 2. Ҳисор малики: 1.1495-1496=1. Бек–атакаси–Оталиқи: Амир Хусравшоҳ [Хусравшоҳбек, Туркистон қипчоқларидан. Султон Маҳмуд мирзонинг бекларидан эди. Амир Хусравшоҳ Султон Масъуд мирзонинг кўзларига мил тортди ва укаси Бойсунғур мирзони ўлдирди. Ўзи эса 5.1505 йили Қундузда Шайбакхон томонидан қатл этилди. Куёви Ёқуббек Айюб ибн Айюб Бекчик, олдинроқ Ҳусайн Бойқаронинг, сўнгра эса Бобуршоҳнинг беги эди. Унинг ўғиллари: Юсуфбек Айюб ва Баҳлулбек Айюбдир. Хусравшоҳнинг синглиси Ҳайдар Қосимбек кўҳбурга турмушга чиққан эди, фарзандлари Абул Қосимбек кўҳбур (1501 йилда вафот этган) ва Аҳмад Қосимбек кўҳбурдирки, охиргиси 5.1505 йилда Шайбакхон томонидан қатл этилди. Хусравшоҳнинг укаси Валибек, Султон Маҳмуд мирзонинг беги бўлиб 1504 йилда Шайбак ўлдиртирди. Хусравшоҳнинг бошқа бир укаси Боқибек Чағониёний, Бобурнинг беги бўлиб 6.1505 йилда Афғонларга қарши юришда ҳалок бўлди. Унинг ўғли Аҳмад Қосимбек, Бомиён волийси эди] томонидан Ҳисорда кўзларига мил тортилди. 1505 йилдан олдин Ҳиротда Ҳусайн Бойқаронинг саройида яшади. Қундузда Шайбакхон томонидан қатл эттирилди.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Солиҳа Султон “Оқбегим” бинти Султон Аҳмад мирзо (амакиваччаси, никоҳлари 1494 йил охирларида Самарқандда бўлган. Малика мирзонинг вафотидан сўнг Кошғарга кетган[548].

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Кипек-биби (Поянда Султон бегимнинг 2-чи қизи, онасининг розилигисиз турмушга чиққан, ажралган ва яна қайта турмушга чиққан)[549].

[546] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.: Т., 1989, 27-бет.; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000, 342-бет. Бобурномада бу маликанинг исми қайд этилмаган ва Малик Муҳаммад мирзо (отасининг амакиваччаси) никоҳида бўлганлиги тўғрисида маълумот бор. Йилмаз Ўзтунада эслатиб ўтилган биринчи ва учинчи никоҳлари ҳақидаги маълумотлари юқоридаги адабиётларда учрамайди.-тарж

[547] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 68-бет, мирзонинг (1475-1506 йй) онаси Хонзодабегим Термизий. Ҳисор ҳокими. Отаси вафотидан сўнг Бойсунғурга қарши қўшин тортади, натижа бўлмагач, Султон Ҳусайн ҳузурига боради. Ўз отабеги Хусравшоҳ кўзига мил тортади. Ҳусайн қизи Бегимсултонни никоҳлаб беради. Умри-32 йил; - Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 187-190 бетлар- тарж.

[548] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет; Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000, 341-бет.-тарж.

Мирзонинг учинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бинти Шайх Абдулло Барлос. 8.1496 йилда Бухорода тўйлари бўлди.[550]

Мирзонинг тўртинчи ҳарами: Ҳожи ая Султон бегим бинти Ҳусайн Бойқаро. Никоҳлари 1498 йил ўрталарида бўлиб ўтган. Бу малика 1528 йили Ҳаж зиёратига кетган. Хонзода биринчи ва бошқа икки фарзанди эса иккинчи никоҳидан.[551]

**Масъуд мирзонинг фарзандлари**:

1.) Хонзода бегим: 1528 йилда Аграга 2 даражали амакиси Бобурнинг саройига келди.

2.) Исми қайд этилмаган бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Сайид Опоқ (Ҳусайн Бойқаронинг қайинукаси).

3.) Ҳожи исми қайд этилмаган мирзо: 1528 йили ҳаж зиёратига кетган.

4. Исми қайд этилмаган бегим.

5. Исми қайд этилмаган бегим.

6. Султон Бойсунғур мирзо (Ҳисор, 1477 -Убож (Уёқча)/Қундуз, 17.8.1499 =22)[552]: Самарқанд ҳоқони (отаси Султон Маҳмуднинг вориси): 1.1495-11.1497=2, 10. Салтанат валиаҳди: 2.3.1498-17.8.1499=1, 5, 16. 1495 йилдан олдин 6 ой давомида отасининг Бухоро волийси. Туркийда Одилий тахаллуси билан шеърлар ижод этган шоир, хаттот ва наққош. Отaлиқи: Амир Айюббек. Султон Бойсунғур мирзо Амир Хусравшоҳ томонидан 1499 йилнинг 17 августида бўйнига чилвир солиб, бўғиб ўлдирилади. 10-Самарқанд ҳоқони

---

[549] Зиё А. Ўзбек давлатчилиги тарихи.:Т., 2000.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й. каби асарларда бу малика тўғрисида маълумот учрамайди.-тарж.

[550] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 188-189 бетлар.-тарж.

[551] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 189-190 бетлар, Султон Ҳусайн Мирзо Попо Оғача номли хотинидан туғилган Бегим Султон исмли қизини Мирзога никоҳлаб беради. Султон Маъсуд Мирзодан бир ўғил ва бир қиз туғилади. Қизини Султон Ҳусайн Бойқаронинг хотини Опоқ бегим тарбиялайди. Султон Маъсуд Мирзони шайбонийлар ўлдиргач, қизи Ҳиротдан Кобулга келади ва Сайид Мирзо Опоққа никоҳланади. Бегим Султон эса ўғлини олиб Каъбатуллога кетади.-тарж.

[552] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й. 226-бет, Бойсунғур Мирзонинг ҳаёт санаси: 1479-1499 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 69-бет, мирзонинг (1477, Ҳисор- 1499) онаси Пошшобегим. Устози- Сайид Маҳмуд шиа мазҳабидан эди. "Одилий" деб шеър ёзган. Бухоро, Самарқанд ҳокими. Укаси Султон Али ва Бобурга қарши курашади. Самарқандни Бобурга олдириб, Ҳисорга, Хусравшоҳ ҳузурига боради. Ҳарбий юриш асносида Хусравшоҳ бўғиб ўлдиради. Умри-23 йил.; - Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 190-194 бетлар, Бойсунғур Мирзо 24 ёшида шаҳид бўлади.-тарж.

Мирзонинг ҳарами: Бика Султон бегим бинти Султон Халил мирзо, амакиваччаси. Никоҳлари 1498 йилнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган. Никоҳ муддати 1 йилу, 6 ой?.[553]

7. Султон Али мирзо (Ҳисор, 1480?-Самарқанд, 8.1500=20?)[554]: 12. Самарқанд хоқони: 2.3.1498 -7.1500=2, 5. Бухоро малики:1.1495-2.3.1498=3, 2. Шайбакхон томонидан қатл эттирилган. Оталиқлари: Шайх Зуннун Арғун, сўнгра Амир Ҳофизбек Дулдой. Биноий "Мажмаул–Ғаройиб"ни Султон Алига бағишлаган эди.

Мирзонинг ҳарами: Султоним бегим бинти Султон Аҳмад мирзо[555] (амакиваччаси, биринчи турмуш ўртоғи). Қизи: Исми қайд этилмаган бегим (1500?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Комрон мирзо ибн Бобуршоҳ. Тахминан иккинчи турмуш ўртоғи. Никоҳлари 9.1528 йили Кобулда бўлган. Ёши 28? да. Иккинчи даражали амакиваччаси ҳисобланган турмуш ўртоғидан 12? ёш катта (1512?-1557=45?).

8. Султон Ҳусайн мирзо (1480?-1493=13?)[556].

9. Хонзодабегим (1481?-?). Маликанинг биринчи турмуш ўртоғи: Абу Бакр Дуғлат (Кошғар хони: 1482-1514=32), никоҳлари 1496 йилда бўлган, никоҳ муддати: 18 йил.[557] Маликанинг иккинчи турмуш ўртоғи: Сайид Муҳаммад Дуғлат (биринчисининг амакиваччаси) (1467-24.7.1533, қатл этилган=66), 1515? йилда турмушга чиққан.

10. Бика бегим (1482?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Ҳайдар мирзо ибн Ҳусайн Бойқаро (аммасининг ўғли) (ўлими 4.1506), 1496 йил ёзида Ҳиротда турмушга чиққан, никоҳ муддати 10? йил[558].

11. Султон Увайс мирзо (Ҳисор, 1486?-Қандаҳор, 1520 йил баҳори=34?)[559].

---

[553] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 194-бет, Бойсунғур Мирзо Самарқандни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога олдириб, Хурсавшоҳнинг паноҳига қочиб боргандан сўнг, амакиси Султон Халил Мирзонинг қизига уйланган эди. Бойсунғур Мирзодан мутлақо авлод қолмаган. Канизак ва чўрилари ҳам йўқ, бошқа хотини ҳам бўлмаган.-тарж.

[554] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 69-бет, мирзонинг (1483-1500, Қўлба) онаси Зухрабегим. Қарши, Бухоро ҳокими. 1498 йил эрта баҳорда Самарқандни эгаллайди. Бобурга қарши туриш учун онаси Шайбонийга хат ёзиб, уйланишни таклиф қилади. Шайбоний шаҳарни эгаллаб, Султон Алини ялангликда қатл қилади. Умри-18 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 194-196 бетлар. -тарж.

[555] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 183-бет.-тарж.

[556] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й , 69-бет, мирзо (1481-1493 йй)нинг онаси Мир Бузрукнинг набираси Хонзодабегим. Ўратепа вилояти ҳокими бўлган. Умри-13 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 196-197 бетлар, -тарж.

[557] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. : Т, 1989, 27-бет.-тарж

[558] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 146-147 бетлар ва 203 бет, Онаси Хонзода бегим-тарж.

12. Оқбегим[560].

13. Ойбегим (1489?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Жаҳонгир мирзо ибн Умар Шайх мирзо (Бобурнинг укаси) (амакиваччаси) (1485-1512? =27?), 7.1504 йил Қохмард/Ҳисорда турмушга чиққан, никоҳи муддати 8?, турмуш ўртоғидан 4 ёш кичик[561].

14. Зайнаб Султон бегим (1490?-1508=18?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Бобуршоҳ (амакиваччаси), 1505 йили Кобулда турмушга чиққан, никоҳ муддати 3 йил. Турмуш ўртоғидан 7 ёш кичик. Малика Кобулда чечак касалидан вафот этган[562].

15. Ражаб Султон бегим[563].

16. Муҳиб-Султон бегим[564].

**Султон Увайс мирзо (1486-1520) ва оиласи:**

Султон Увайс “Хон“ мирзо (Ҳисор, I486?-Қандаҳор, 1520 йил баҳори = 34?): Султон Маҳмуд мирзонинг 11-фарзанди. Салтанат валиаҳди: 17.8.1494-7.1500 = 0,11. Қандаҳорда Султон Увайс хилхонасида дафн этилган. 1504 йилдан амакиваччаси Бобурнинг хизматида, унинг Қандаҳор ва Бадахшон волийси: 1507/8-1520 йил баҳори = 12. Кўкалдоши: Тўлак Кўкалдош. Бобуршоҳ Султон Увайс мирзони жуда ҳурмат қилар эди. Шу сабабли мирзо

---

[559] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 69-70 бетлар, Султон Увайс (Мирзохон)нинг (1485-1526, Бадахшон) онаси Юнусхоннинг қизи Нигорхоним. Бобур Султон Ҳусайн таъзиясига фотиҳа учун Ҳиротга кетганда Султон Увайсни Қобул тахтига ўтқазадилар. Азл этиб, Бадахшонни беради. Умри-42 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 197-198 бетлар, Бу мирзо Султон Маҳмудхоннинг жияни бўлиб, хонлар авлодидан эди. Шу сабабдан бўлса керак, манбаларда унинг номи Хон Мирзо, Мирзохон, Султон Вайс ёки Султон Увайс шаклларида келади. Султон Вайс Мирзо Султон Маҳмуд Мирзонинг бешинчи ўғли бўлиб, 1485 йилда туғилган. Онаси Юнусхоннинг қизи Нигор хоним эди. Бобур Мирзо Кобулни қўлга киритгач, Султон Вайс Мирзо онаси билан бирга унинг мулозиматига келади. 1507 йилда Бобур Мирзо Мирзохонни Бадахшонга ҳоким қилиб жўнатади. 1526 йилда Мирзохон (Султон Вайс Мирзо) Бадахшонда вафот этади.-тарж.

[560] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 203-бет, Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзодабегимдан туғилган учинчи қизининг исми Оқбегим эди.-тарж.

[561] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 203-бет, Ойбегим Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзода бегимдан туғилган тўртинчи қизи. Унинг Жаҳонгир Мирзо ибн Умаршайх Мирзо билан никоҳидан бир қизи бўлган. Кейинги пайтларда Ойбегимнинг қизи бувиси Хонзода бегим билан бирга Бадахшонда истиқомат қилади.-тарж.

[562] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 203-204 бетлар, Бу малика Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзода бегимдан туғилган бешинчи қизи эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Қобулни олгандан сўнг, онаси Қутлуқ Нигорхонимнинг қистови билан бу маликани ўз никоҳига киритади. Бироқ Зайнаб Султон бегимдан кўнгли тўлмайди. Икки-уч йилдан сўнг Зайнаб Султон бегим чечак (обила) касали билан вафот этади.-таржж.

[563] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 70-71 бетлар, маликанинг онаси канизаклардан.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 204-бет-таржж.

[564] Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 71 бет, маликанинг онаси канизаклардан.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 204-бет.-таржж.

вафот этганида Бобуршоҳ унга атаб Султон Увайс ибн Маҳмуд радифли ғазал марсия битган (Девон, 179–80).

**Фарзандлари:**

1. Исми қайд этилмаган бегим (1510?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Ҳумоюншоҳ ибн Бобуршоҳ (2.даражали амакиваччаси). 1527? йилда 17? ёшида турмушга чиққан. Мирзодан икки ёш кичик.

2. Муҳаммад Султон мирзо.

3. Ҳожи Сулаймон мирзо (Қандаҳор, 1511?-Лоҳур, 1589=78?): отасидан кейин Бобуршоҳнинг, унинг ўғли Ҳумоюншоҳнинг ва Акбаршоҳнинг Қандаҳор ва Бадахшон волийси: 1520 йил баҳори-1575=55, (маркази: Қалъаи Зафар). Кобул ва Қандаҳорда салтанат даъвогари :1556. Молва волийси: 1575-1589=14. Туркийда ижод қилган шоир. 1580 йилда ҳаж зиёратида бўлган. 1560 йили Ҳисорни фатҳ этган. Ҳаж зиёратидан қайтаётганида Қазвинда Шоҳ Исмоил 2-чиникида меҳмон бўлган(1580)[565].

Мирзонинг биринчи ҳарами: Ҳарам бегим бинти Султон Увайс Кўлобий Қипчоқ Мўғул (барча фарзандларининг онаси)[566].

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Исми қайд этилмаган малика. Малика Хутталон ҳокими Жаҳонгир Алихоннинг опаси.

**Фарзандлари:**

1.) Исми қайд этилмаган бегим. Маликанинг турмуш ўртоғи: Музаффар Ҳусайн мирзо (1562-Деҳли, 1603=41) ибн Султон Ҳусайн мирзо (ўлими 1577 йил) ибн Баҳром мирзо (1517-1549) ибн Шоҳ Исмоил Сафавий.

2.) Исми қайд этилмаган бегим (1553?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Муҳаммад Абдулҳаким мирзо ибн Ҳумоюншоҳ (19.4.1553-1584=32). 1564 йили Кобулда унаштирилган, 1568? йилда турмушга чиққан[567].

---

[565] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Сулаймон Мирзонинг ҳаёт санаси: 1514-1590 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 70-бет, мирзо ( 1514-1590, Лоҳур) "Зукко" тахаллуси билан шеърлар ёзган. Муҳаммад Ҳакимга қарши Кобулни олиш учун 4 марта ҳужум қилган. Набираси Шоҳруҳ билан кўп курашади, Абдуллохондан ёрдам сўрайди. Акбар саройида вафот этади. Умри-77 йил.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 198-203 бетлар, 1526 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Сулаймон Мирзони отасининг ўрнига Бадахшонга ҳоким этиб тайинлайди. Сулаймон Мирзо Хумоюншоҳ даврида ҳам Бадахшонда барқарор қолади. 1587 йилда Толқонда Балх ҳокими Абдумўминхондан енгилгандан сўнг, Сулаймон Мирзо Кобулга қайтиб келиб, у ердан Акбаршоҳ саройига бориб, у ердан паноҳ топади. Сулаймон Мирзо Акбаршоҳ саройида икки йил яшаб, 1590 йилда 77 ёшида Лоҳурда вафот этади. -тарж.

[566] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 198-бет-тарж.

[567] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 199-бет, 1563 йили Кобулда Абдулмаоли фитнаси вужудга келгач, Кобул ҳукмдори Муҳаммад Ҳаким Мирзо Сулаймон Мирзодан кўмак истаб, элчи

3.) Шоҳзода бегим (1538?-?). Маликанинг турмуш ўртоғи: Ҳумоюншоҳ 1551 йилда унаштирилди, аммо уйланмади.

4.) Абулқосим Муҳаммад Иброҳим мирзо (1534-1560 й. бошлари=26): отасининг ўлимидан 29 йил олдин Балх яқинида Шайбонийлар билан бўлган тўқнашувда ҳалок бўлган. Туркийда Вафоий тахаллуси билан ижод қилган шоир.[568]

Мирзонинг биринчи ҳарами: Муҳтарама хоним бинти Шоҳ Муҳаммад Султон (1526?-?) (Комрон мирзонинг беваси, Шоҳрухнинг онаси). 1556? йили турмуш қурган вақтида ёши 30 да? бўлган. Турмуш ўртоғидан 11? ёш катта.[569]

Мирзонинг иккинчи никоҳи: Бахши Бону бегим бинти Ҳумоюншоҳ (9.1540-?) (Биринчи никоҳи, 1557 йил охирида турмушга чиққан, никоҳ муддати 2 йил, 6 ой . Турмуш ўртоғидан 6 ёш кичик, ўша вақтда ёши 17-20. Ўғли: Шоҳрух мирзо (1557?–1584=27?)[570]: бобосининг ўрнига Бадахшон волийси: 1575-1584=9 (ўлканинг катта қисми Шайбонийларга, бир қисми эса Темурийларга қарашли эди. Ҳукмронлик қилган ҳудудларини ўзбекларга олдирди. Бобосидан 5 йил олдин вафот этган.

Мирзонинг биринчи ҳарами: Исми қайд этилмаган бегим бинти Абдулҳаким мирзо ибн Ҳумоюншоҳ (1570?-1582=12?). 1582? йили турмушга чиққан, ёши 12 да бўлган, бир неча ойдан сўнг вафот этган.

Мирзонинг иккинчи ҳарами: Шукринисо бегим бинти Акбаршоҳ ибн Ҳумоюншоҳ (1.нинг амакисининг қизи).

Ўғиллари[571]:

---

жўнатади. Сулаймон Мирзо дарҳол қўшин билан етиб келиб, Абдулмаоли қўшинини мағлубиятга учратиб, ўзини асирга олади. Шу йили апрел ойида Муҳаммад Ҳаким Мирзо ва Сулаймон Мирзолар тантана билан Кобулга кирадилар. Сулаймон Мирзо ўз қизини Муҳаммад Ҳаким Мирзога никоҳлаб беради.-тарж.

[568] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Иброҳим Мирзонинг ҳаёт санаси: 1534-1559 йй.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 198-199 бет, Сулаймон Мирзонинг Ҳарам бегимдан Иброҳим Мирзо номли ўғли бўлиб, ота-бола Бадахшонда ҳукмронлик қилардилар. 1559 йилда Сулаймон Мирзо қандайдир васваса билан Балхни забт қилиш орзусида қўшин тўплаб, ҳарбий юриш бошлайди. Балх ҳукмдори ўзбек Пир Муҳаммад Сулаймон Мирзонинг қўшинини тор-мор келтириб, ўғлини асирга олади. Ўша йилиёқ, Муҳаммад Иброҳим Мирзо қатл этилади.-тарж

[569] Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 200-201 бетлар.-тарж.

[570] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бет, Шоҳрух Мирзонинг ҳаёт санаси: 1557-1592 йй.; Ҳаким Сатторий, Олтин силсила. Т., 2006 й, 71-бет, Сулаймон мирзо набираси Шоҳруҳ билан кўп курашади, Абдуллохондан ёрдам сўрайди.; Файзиев Т. Темурийлар шажараси .Т., 1995, 201-203 бетлар, Бу Мирзонинг ҳаёт санаси ёзилмаган бўлсада, ҳаётининг сўнгги даврларини Акбаршоҳ саройида ўтгазганлиги ҳақида маълумот учрайди. Чунончи, 1580 йиллар охирида Акбаршоҳ Шоҳруҳ Мирзога Мальва ўлкасидан жогир берганлиги қайд этиб ўтилган.-тарж.

[571] Амир Темур жаҳон тарихида. Т., 2001 й., 226-бетда, Муҳаммад Замон Мирзо (1576-1613 йй.) ва Ҳасан Мирзо (1580-1605 йй.) ларнинг номлари ва ҳаёт саналари қайд этиб ўтилган.; Файзиев Т.

1-Бадиуззамон мирзо: Темурийлар ичида Бобуршоҳ наслига тааллуқли бўлмаганларнинг энг сўнгиси. Укаси билан бир вақтда 1606 йилда ўлдирилди.

